



Абдулла
ҚОДИРИЙ

Меҳробдан Ғаён

II






1929 йил.



Майдан (сўрганлар): Санжар Сиддик, Абсам Аюбий («Қ.Ўзб» газетасининг масъул котиби), ... (ўтирганлар) Абдулла Қодирий, Митина, Шафиулди, Саидахмад Назиров (ЎзДавНашр директори), Элбек, Холодовский, Епифанов

Абдулла ҚОДИРИЙ

II



Меҳробдан таъён

Худоёрхон ва мунишийлари
ҳаётидан тарихий
рўмон

Sam DTI
axborot-resurs markazi
315651

Тошкент
Info Capital Group
2017

УЎК: 821.512.133-31
КБК: 84(5Ў)6
Қ 53

Қодирий, Абдулла

Меҳробдан чаён: роман. Абдулла Қодирий. Сўзбоши муаллифи Усмон Азим. – Т.: «Info Capital Group», 2017. – 488 б.

Анвар ва Раъно... Улар ҳақида адабиёт ихлосмандлари яхши билишади. Болалигидан тиришқоқ ва закийлиги, нозиктаъблиги билан атрофдагилар эътиборига тушган Анвар юқори мартабага ҳам эрта эришади.

«Жасур қиз» таърифини олган Раъно ҳақида ҳам мактаб дарсликларида илк тасаввурларга эга бўлганмиз. Замонасининг зулми ёхуд зайли қурбонига айланмай, ўзининг шижоати билан муҳаббати ва келажаги йўлидаги ҳаракати, айтиш жоиз бўлса, таҳсинга сазовордир.

Йиллар ошган мазкур асар ҳар гал ўқувчини қайсидир жиҳати билан сергаклантиради. Даврнинг жирканч муҳити, амалпарастлик, турмуш икир-чикирлари ва ниҳоят гўзал муҳаббат тавсифларига бой ушбу асарнинг бугунги кунгача ардоқда эканлиги тасодиף эмас, албатта...

УЎК: 821.512.133-31
КБК: 84(5Ў)6

*Китоб асарнинг 1929 йилдаги биринчи наشري
асосида тайёрланди.*

Барча ҳуқуқлар муҳофаза қилинган. Ушбу китоб худди шундай тарзда ва шаклда кўпайтирилиши, ундан нусха олиниши ва бошқача усулда тарқатилиши, жумладан, китобнинг фотонусхаси яратилиши ва Интернет тармоғига жойлаштирилиши қатъиян ман этилади.

ISBN 978-9943-4712-6-9

© Абдулла Қодирий, «Меҳробдан чаён», 2017.
© «Info Capital Group», 2017.

ВАТАННИ СЕВИШ ДАРСЛАРИ

Мен ўзининг асарларига ўхшамаган ёзувчини кўрмаганман.

Ҳар бир миллат ҳаётида унинг тақдири – бу дунёда яшашга ҳақли ёки ҳақсиз эканлиги ҳал бўладиган бурилиш нуқтаси бўлади. Маълум бир халқнинг орасидаги дунё тамаддуни ривожини ҳис этадиган; дунёга Парвардигори эгам инъом айлаётган ва илғор мамлакатларда англаниб, амалга ошириб борилаётган тараққиёт амалларнинг ривожини фаҳмлайдиган; Ватаннинг ўз тақдирини ўзи белгиламоғи йўлида қатъият ва фидокорлик кўрсата оладиган; кечаги кундан ширину аччиқ дарс олиб, бугуннинг суратини аниқ кўрадиган; бугунга эртанинг эзгу уруғини соча оладиган кучларнинг – ватанпарварларнинг саъй-ҳаракати бу йўлда ҳал қилувчи ўрин тутди. Бир қарашда бу кучлар кам кўринса ҳам, фидойиликлари, собитликлари ва жонбозликлари туфайли ўю фикратлари, безовталиклари эларо илдиз ота бошлайди.

Чунки улар Ватаннинг ор-номуси учун курашадилар.

Улар беаёв замондан миллатнинг ҳақ-ҳуқуқини, қадр қийматларини талаб этадилар ва бу йўлдан ҳайиқмай борадилар.

Чунки бундай курашдан мосуво халқни бора-бора вақтнинг беаёв довуллари йўқликнинг қора пучмоқлари сари учуриб кетишини ҳар лаҳзада ҳис этиб турадилар.

Дунё ўзини англаб яшаган, бировга муте бўлмаган халққагина замонлар оша мангу яшаш ҳуқуқини беради.

Бу ватанпарвар кучлар тақдир тақозоси билан мағлубиятга учраса ҳам, таъқиб остига олиниб, жисман йўқ этилса ҳам; хотиралардан тамоман ювиб ташлашга зўр бериб уринилса ҳам, уларнинг жасорати халқнинг мудом уйғоқ онгига, Ватан ҳаволига Озодлигу Эрк бўйларини тараб, зўравонларга бўйин эгишни ор биладиган янги-янги Миллат фарзандларини

дунёга келтиради. Чунки Миллату Хақиқат йўлида курашган инсонларнинг эзгулик сари интилишлари узилиб қолмайди. Улар Тангри таолонинг инояти билан, зўравонликнинг истибдодини рад этадиган хассос юракларда асрлар оша қайта яра-лаверади...

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ халқининг ор-номуси учун курашган кадрталаб ўзбекларнинг энг жасоратли ва муҳими, энг истеъдодли вакилидир.

Биз, ўзбекларнинг тарихимиздан фахрланадиган жойимиз кўп. Биз миллати учун курашган ор-номусли Буюк инсонларнинг фарзандларимиз. Ҳазрати Навоийнинг миллат йўлида тўлиб-тошишини бир кўз олдимизга келтирайлик. У бунёд этган ҳашаматли ва муҳташам Ижод буюк инсоннинг халқига, она тилига бўлган чексиз меҳри, чексиз оқибати туфайли дунёга келди.

Мен Навоийни бежиз тилга олаётганим йўқ. Зотан, Абдулла Қодирийнинг ўзбек маънавий оламига қўшган ҳиссаси – ҳаётий ва ижодий жасорати фақат ҳазрати Мир Алишер Навоийнинг хизматларига қиёс этгулиқдир.

Биз юқорида тилга олганимиз, халқ ҳаётидаги бурилиш нуқтасида, адабиётнинг роли жуда каттадир. У истиқболни ҳис этиб безовталанган, тўлғонган зотларнинг орзу-армонларини ахборот тарзида эмас, балки шундай бир юксак мақомда кўнгилларга элтадики, оқибатда бу безовталиқ бошқа юракларга ҳам юқа бошлайди. Жамиятда кўриб тургани адолатсизликка, зўравонликка, истибдодга, Ватанида халқнинг юзига оёқ бошиб хўжайинлик қилаётган ўзгаларга ва уларнинг ювиндихўр малайларига бош эгиб яшаш нақадар хорлик эканлигини ҳис этади. Китобхон бу тирик сатрларга қараб ўзини, ўзи умргузаронлик қилаётган муҳитни кўради ва турмуши қандай бечоралиқда кечаётганини англайди. Хаёлидан Юсуфбек ҳожининг афсусларю Отабек ва Анварнинг мардликлари ўтади. Ва бу афсуслару мардликлар ўзининг вужуду руҳида ҳам тўлғонаётганини ҳис қилади.

Абдулла Қодирий асарлари бир кам дунёнинг кўзига тик қараб яшашни ўргатади.

Адабиёт, албатта, катта жараён. Маълум бир халқ адабиётининг янги замонавий босқичга кўтарилиши эса жуда мураккаб, кўплаб ижодкорларнинг уринишини ўзида акс эттирган бир

тўлғонишким, бу авжли ҳаракат охир-оқибат даҳолар яратган асарларнинг дунёга келиши билан якун топади. Бу жараён ботиний тарзда халқнинг маънавий ўтмиш ҳаёти қандай юксаклигу теранликда ёхуд аксинча кечганлигини; кеча ва эртанинг талошида яратилаётган бугуннинг талвасасини; истиқбол орзу-умидини ўзига жам этган бўлади.

Абдулла Қодирийнинг буюк истеъдод билан йўғрилган асарлари мана шундай миллатпарвар тўлғоқларнинг мавжларида ўзбекнинг Дарду Ҳасратлари ва Орзу Умидларининг тирик акси бўлиб дунёга келдики, оқибат, бутун бир халқни уйғотди. Унинг китобларини ўқиган китобхон кўнглидан «Мен нима учун дунёга келдим?», «Нега биз бундай яшайпмиз?» каби саволлар ўтади.

Бундай саволларнинг кўнгилларда яралиши – қандай Бахт!

Чунки бундай саволларга жавоб излаб тўлғониш – имоннинг ибтидоси халқимизга муносиб, элу юрт шаънини ўйлайдиган фарзандларнинг шаклланишига олиб келади.

Бу романлар ёзилганидан кейин ўзбекиянинг қайси манзилида, қайси юрагида Ватанпарварлик ғоялари илдиз отган бўлса, бу эзгуликка Абдулла Қодирий тўлиғича дахлдордир.

Абдулла Қодирий ўзбекнинг дардларини – халқини ўйлаб тўлғонишларини келажак авлодга тўлиғича мерос қолдирган даҳо адиб. У асарларини мукофот кутиб ёзмади. Бу асарлар учун тазйиққа учрашини у ҳамма вақт англаб яшади. Мазлум миллатни хўрлаб, ўзлигини унутишга мажбур этаётган босқинчиларга қарши халқининг қадр-қиммати йўқлаб ёзилган асарларнинг муаллифига яна қандай жавоб берилиши мумкин? Шу йўсинда фикрлашни давом эттирсак, бу камтар инсоннинг нақадар букилмас ирода эгаси эканлиги кўз олдимизда намоян бўлади. Унинг умри сўнги дақиқасигача шонли жасоратдан иборатдир.

Китобхон қалбини уйғотадиган, фақат ўзини эмас, бутун халқ тақдирини ўйлашга мажбур этадиган Абдулла Қодирий асарларининг дунёга келиши ўзбек халқининг маънавий ҳаётида улкан босқич бўлди ва ундаги ғоялар миллатимизнинг тафаккурида, руҳи онгида ўчмас бир ВАСИЯТ янглиғ муҳрланди.

Мозийнинг сийратини ва суратини аниқ тасаввур этиш учун, минг афсус билан айтамикки, фақат тарихга ишониб бўлмайди. Зеро, қўпол, иззатталаб, ёлғончи ва фақат ўз манфаати-

ни ўйлайдиган давру давронлар бечора тарихни қандай бўлса, шундайлигича кўришни хохламайди. Улар мозий кечмишларини ўз манфаатларига мослайдилар ва бу «тарих»ни ягона деб эълон қилдилар. Тарихни борича кўриб турганларни «кўзини ўйишгача» борадилар. Масалан, Шўролар даврида худди шундай бўлган. Миллатимизнинг тарихини кўмиб ташлашга бўлган ҳаракат шу даражага борганки, мустамлакачилик тарихи ўзбек мактабларида катта оғаларнинг олий ҳиммати каби тилга олинган. Олий ва ўрта ўқув юртларида юртимиз тарихидан умуман дарс берилмаган; Туркистон тарихи ўқитилмасликнинг иложи йўқ мутахассисликларда эса уч-тўрт соат нари-бери дарс ўтилган-да, шу билан яқунлаб қўя қолинган.

Шўролар ўзбекни хотирасидан жудо этиш учун жуда қатъият билан киришган эди.

Аммо шундай беаёв кучга – истиқболда «ягона тил ва маданият бўлади» деб эълон қилган Ёвузлик Салтанатига қарши уйғоқ юракларда исён туйғулари бари бир илдиз отди ва Қодирийнинг китоблари бу илдизларнинг улғайишига энг катта ва таъсирли сабаб бўлди. Ўзбекнинг онгу руҳига сингиб кетган бу асарлар Адолатни ва Хурриятни қўмсаётган юракларга йўл кўрсатувчи қибланома вазифасини бажарди. Бу китоблар инсонни теваракка – бугунга ва мозийга тийрак боқишга ўргатди. Ўзбек адабиёти тарихида Қодирийнинг романларидай шуҳрат топган романларни билмайман ва эшитмаганман. Бу китоблар ўзбекнинг кўнглига мададу ғурур, суруру қувват бағишлаб, унга мудом йўлдош бўлиб келди. Нажот истаб ҳар томонга уринган юраклар ернинг тагига кўмиб ташланган Хуррият шарпасини шу китоблардан топдилар.

Эсимда, турмуш бош кўтаришга қўймайдиган оғиргина йиллар, мактабга бориб-бормаган пайтларим... Мактабга қатнайдиган ака-опаларим, тоғаларим, қариндошларим тилидан «Абдулла Қодирий оқланибди!» деган гапни қайта-қайта эшитганман. Бу хабарни ҳамма аллақандай кўтаринки руҳда, қувониб бир-бирига етказгани ҳам хотирамда. «Ўткан кунлар» ҳақидаги гап-сўзларни ҳам эслайман. Тоғаларимнинг адабиёт ўқитувчиси айтишича, бу романни курсдошларидан бири қардандир топиб, бир кечада яшириқча (ёмон кўздан асрасин!) ўқиб чиққан экан. Кимдир эса бу иши учун уни институтдан ҳайдашганини, қамашмоқчи бўлишганда, у қайгадир қочиб

кетганини хотирлади... Кейин романдаги воқеалар ҳақида сўз юритилар, кўпчилик ундаги воқеаларни фақат эшитган бўлса ҳам, худди ўқигандай романнинг қайсидир ўрни жамоавий эсланиб, биров-бирнинг ҳикоясини тўлдириб, қизгин гурунғ кетар эди.

Кўп ўтмай уйимизда «Ўткан кунлар» китоби пайдо бўлди. Хонадонимизда китобнинг обрўйи баланд, гарчи бобом ва онам саводсиз бўлсалар ҳам, бошқа ёши катталар олий маълумотли, қолганлари ҳам улар ортидан эргашиб, мактабнинг юқори синф ўқувчилигига етишиб қолган эди. Ана, энди китобхонлик бошланди! Ўртада чироқ ёниб турар, кимдир романни ўқишга тушар, у чарчаганда, бошқаси давом эттирар, шу тарзда китобхонлик алламаҳалгача давом этар эди...

Яна китобнинг ўқилиб тугатилаётган лаҳзалари эсимда: ўқиётганнинг овози титраб, ўқиёлмай қолган, ҳаммининг кўзида ёш...

Ўзбек адабиёти тарихида бирор-бир китоб Абдулла Қодирийнинг романлари каби севиб ўқилмаган. Бирор-бир китоб халқнинг руҳи онгига бу қадар сингишиб кетмаган.

Ортга бурилиб қарасангиз, дунё ҳаракати тезлашганини фаҳмлайсиз. Яралмишидан дунёнинг кўзгулиги вазифасини зиммасига олган Адабиёт минг йиллик тарихимизда дунё билан бирга ўсиб, дунё билан бирга қадамлаб келди. У Оллоҳнинг қудрати билан Вақтнинг умумруҳини ифодалаш учун айнан мос воситалар топди. Шеърятимиздаги аруз вазнида битилган меросимизни бир кўздан кечиринг: ўйланиб келаётган йўловчининг ёхуд лўқиллаб кетаётган карвон имиллашининг нуқси урган бу вазн оҳанги нақадар замоннинг руҳига мос, имиллаб силжиётган Вақт билан нақадар ҳамнафас! Аммо бориб-бориб замон тезлашди, тараққиёт югурик кўриниш олди, фан-техника ютуқларини ҳаётга татбиқ этишга киришилди. Мустамлакачилик, бидъату хурофот ва хону амирларнинг зулумоти остига қолган Туркистонга ҳам ривожланишнинг нафаси минг бир довон оша етиб келди. Энди бу нафасни – даврнинг тўлғонишини акс эттирувчи янги адабий воситалар ҳам кераклиги ҳис қилина бошланди. Тобора тезлашиб кетаётган дунёнинг аксини тушириш учун тамоман янги адабиёт лозимлигини аввало Истеъдодлар фаҳмладилар. «...Ўқидим... Ҳаммаси бир хил! Ҳаммаси бир хил!», деб самимият билан айтилган соддадил Чўлпоннинг хито-

би, аслида, ўтмиш адабиётни рад этиш эмас, балки янги адабиётнинг соғинчида ўртаниш эди. Бунинг учун шароит тобора етилиб келаётган – Шарқ адабиёти билан бирга Ғарб адабиётининг ботиний ва зоҳирий маъноларини англаб етишга қодир янги адабий давра бўй кўрсатаётган эди. Бу оғир ишни бажаришга уринишлар у-бу жойда кўрина бошлаган бўлса ҳам, адабиётни даст кўтариб, замоннинг, миллатнинг ва мозийда довруқ тартган буюк даҳо шоирларимизнинг довруғига мос юксакликка олиб чиқиб қўйиш лозимлигини барча ҳис қилиб турарди. Зотан, қўшни халқлар адабиёти каби биз фақат халқ оғзаки ижодининг меросхўри эмас, балки оламшумул ёзма адабиётнинг ҳам меросхўри эдикки, бу ҳолат ўз-ўзидан янги адабиётнинг зиммасига ниҳоятда улкан, юксак ва теран вазифалар юклар эди.

Адабиёт даҳо истеъдодни қўмсаб яшаётган эди...

... ва аллағайтиб¹ бу ДАҲО келди.

Вақтли матбуотда: «Абдулла Қодирий. «Ўткан кунлар», деган ёзув илк бор пайдо бўлган куни янги ўзбек адабиёти юксак тамаддунли мамлакатлар адабиётлари қаторига – ҳеч кимга менгзалмаган тароват таратиб – қўшилган санадир.

Ҳеч кимга ўхшамаган, ҳеч кимдан улгу олмаган, худди мумтоз шеърятимиздан чиқиб келаётгандай сурурли ва гўзал насар; ниҳоятда ҳаётий қарамонлари эртақдан ташриф буюргандай мард ва олижаноб; адолат излаб уринадиган, элу юрт ташвишини ўзиники деб биладиган образлар; улуғ орзулар – «... аввало манфаати шахсиясидан кечиб, фақат эл бахти учун бош тикканлар жамоаси керак» эди...

Даҳо адабиётда ҳеч кимга эргашмайди. Унинг учун фақат ўзигина билган, вужуди ва руҳи қоришган дунё бор, холос. У бу дунёни ёзаркан, унинг кам-кўстини сезади, дардида ўртанади, унда яшаётган одамларнинг хорлигидан ачинади, уни юксакларга кўтармоқчи бўлади. Буларнинг барчаси ўзга тарзда, ўзга ҳавода!..

Шунинг учун бўлса керак, машҳур шарқшунос олим Бертельс: «Дунёда бешта романчилик мактаби бор эди, энди олтинчисини – ўзбек романчилик мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди», деган дангал гапни айтган. Дунё адабиётини беш қўлдай биладиган олим бу гапи билан ўзбек адабиётини дунёдаги энг юксак бешта адабиёт қаторига қўяди.

¹ аллағайтиб - Оллоҳ айтиб, Худонинг хоҳиши билан.

Гарчи «Ўзбек адабиёти» деб таъкидланаётган бўлса ҳам, бу юксак мартаба фақат ва фақат Абдулла Қодирийга тегишлидир. Қодир раҳмон даҳоларни фақат ўзи суйган элга юборади.

Ўзбек адабиёти – ниҳоятда бахтли адабиёт.

Жаҳоннинг бирор-бир адабиётида биринчи роман бу қадар юксак, асрларга татирлик даражада ёзилмаган.

Қодирийнинг Ватанпарварлиги моҳияти ҳақида икки оғиз сўз.

Адиб юртини тоза, ҳалол, адолатпарвар ва имонли; нодонлик ва хурфотдан холи; ўқимишли ва дунё равишини тушунадиган; бировнинг ҳақини олмайдиган ва ўзгага ҳақини бермайдиган; Ватан шаъни учун фидо бўлмоқни шараф деб биладиган – НОМУСЛИ, ОЗОД ва ЭРКПАРВАР одамларнинг Ватани бўлишини истайди. У шундай ватандошларининг образини асарларида фахрланиб яратади. Бироқ халқининг ижобий фазилатлари билан қанча фахрланса, асрлар бўйи халқимизнинг оёғига кишан солиб турган бидъатга, нодонликларга ва хурфотга қарши шунчалик беаёв курашади. Қодирийнинг публицистик меросини бир кўздан кечиринг: юртнинг «манаман» деб керилган бойваччаларию «бу мамлакат оёғимнинг остида» деб ўйлайдиган калтафаҳм мансабдорлар, тиланчиликни касб қилиб олган ишёқмаслару чойхонада умрини бекор ўтказадиган дангасалар; мансаб берса, ғайридинни мусулмондан авло биладиган уламолару манфаатдан келиб чиқиб турланадиган ялтоқилар... Бу тоифа нусхалар адибнинг беаёв танқиди остида қолади. Айтиб ўтганимиз тоифаларнинг бари Абдулла Қодирий яшаётган шаҳарда истиқомат этишини ва замоннинг алғов-далғовлигини ҳисобга олсак, адибнинг нақадар жасоратли ва фидокор инсон эканлиги аён бўлади.

Қодирий ҳеч нарсадан чўчимайди.

Чунки Ватаннинг, эл-юртнинг шаъни адиб учун жонидан азизроқ эди.

Унинг ҳажвий мероси шунчаки кимларнидир танқид қилиш эмас.

Абдулла Қодирий юртининг комил юртга айланишини жуда-жуда истайди. У аллақандай бесабрликда Ватанини бундай иллатлардан холи кўргиси келади – жон куйдиради. Ҳатто бу тариқа жонбозлиги учун уч ой қамалиб чиққанида ҳам йўлидан қайтмайди. У ҳар бир ўзбекнинг Юсуфбек хожи, Анвару Отабек каби одамлардан иборат бўлишини хоҳлайди. Ва бу би-

лан Ватанни қай тарзда севиш ва ардоқлаш лозимлигидан ҳам дарс бериб ўтади.

Абдулла Қодирий истеъдоди – ноёб. У жиддий реалистик тасвирдан сурурли диалогларга, жиддий суҳбатлардан юмористик кўринишларга бемалол ўта олади. Бу товланишлар улкан истеъдоднинг камёб фазилатларидандир.

Ёзувчининг сўз ишлатиш ва образлар яратиш санъати, ижодий принципи, халқи ва истеъдоди олдидаги масъулияти, ёзмоқчи бўлган мавзуни ўрганишдаги қатъийлиги ҳар бир қаламкаш учун дастуриламал бўлмоғи лозим. Абдулла Қодирий бутун ижоди билан бизга Адабиёт иши эрмак ёхуд ном чиқариш учун бир восита эмас, балки Ватан тақдирини ўзининг тақдири деб биладиганларнинг фидокорлиги эканлигини ваъсият қилган.

Мен бир эсседа яқиндагина елкадош бўлиб, ёнимда юрган, ўзим ардоқлайдиган икки-учта марҳум ижодкорларни эслаб, «улар худди ўлмагандай...», деб ёзган эдим.

Самарқанд дарвоза томонга йўлим тушса, кўча бошидан Абдулла Қодирий, ўғиллари Ҳабибулла ака ёзганларидай, «қўлларини орқадан енглари ичига тиқиб олиб, тўн учларини шалвиратганча, бошларини ҳам тутиб... ўйланиб» қаршимдан юриб келаётгандай туюлади...

*Абдулла Қодирий ҳеч қачон ўлмайди.
У Ўзбекка ҳамиша замондошдир.*

Усмон АЗИМ

РЎМОННИНГ МАВЗУЪИ ТЎҒРИСИДА

Туркистон феодалларининг кейинги вакили бўлган Худоёрнинг ўз хоҳиши йўлида деҳқон оммаси ва майда ҳунарманд – косиб синфини қурбон қилиши, мамлакат хотун-қизларини истаганча тасарруф этиши, бунга қарши келгучилар тиласа ким бўлмасин, раҳмсиз жазо бериши рўмоннинг мавзуъидир. Худоёрнинг бу йўлдаги биринчи истинодгоҳи бўлган уламо-лар, уларнинг ички-ташқи аҳволи, ахлоқи, мадраса ва оила ҳаёти, уламода инсоний ҳис битканлиги ва қолғани ҳам хабосат¹ пардаси остида сезилмас даражага етканлигини мундарижа сиғдирган қадар баён қилинадир. Булар рўмоннинг номарғуб – манфий қаҳрамонлари. Иккинчи тарафда мазкур қора кучларга қарши «тубан» синф – камбағаллар, уларнинг хонлиқ тузилишига, қора куч – уламо алайҳига² чиқиши. Меҳнаткаш камбағалларнинг ахлоқи, сажияси, оиласи, турмуши ва бир-бирига алоқаси, самимияти.

Албатта, мен бу сўнғи марғуб қаҳрамонларни ўзбек тарихининг ҳазми кўтарган қадар ўз ҳолича олишқа тиришдим. Уларнинг хон ва уламога қарши исёни табиъий-шаръийдир. Чунки шундан ортиғи сохта бўлиши устига китобнинг қадри-ни ҳам тушурад эди. Шу икки синф курашини тасвир қилиш воситасида хон ҳарамлари, хотунлари, қирқ қизлар, тарихий ва этнография лавҳалар, ўзбек ҳаёти, қизикчилиги, танқидчилиги, ўзбек хотун-қизлари орасидаги истеъдод, шоирлар, азкиячилик ва бошқа яна кўб нуқталарни қамраб олинди.

Рўмонда яна бундан бошқа бир кўб жиҳатлар бор. Уларни бу ерда санаб ўлтуриш ҳожат эмас, улар муҳтарам ўқуғучининг назаридан қочиб қутилмас.

*Абдулла Қодирий – Жулқунбой
Тошканд, 1928-нчи йил, 5-нчи феврал*

¹ Хабосат – нопоклик.

² Алайҳи – қарши.

*– Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси,
Насиб ўлмиши менга гулишан аро гулларнинг Раъноси.*
(Мирзо)

*– Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайснинг жунунидин,
Не бахт, Раъно, харидоринг талаб аҳлининг Мирзоси.*
(Раъно)

1. Раънонинг эгаси

Солиҳ маҳдум бу кун одатдан ташқари эшилиб кетди: масжиддан чиқиб тўғри қассобнинг олдиға борди, бир тангалик гўшт, саккиз пуллик пиёз олиб ҳавлисига келди. Мактабда ҳуснихат машқ қилиб ўлтурғучи болалар ичидан иккитасини гулзорни супуриб, сув сепишка буюрди ва ўзи гўштни кўтариб ичкарига кирди.

Нигор ойим ҳозирғина қизларни озод қўюб, кўкрак боласини бағриға олған эди. Раъно ҳавли юзида иккита укасининг ўртасиға тушиб, уларнинг лой ўюниға иштирок этар, ер супуриб ётқан соч ўрумларининг тупроққа белашканидан хабарсиз эди.

Гўшт кўтариб йўлақдан кирган Солиҳ маҳдумнинг кўзи Раънонинг шу ҳолиға тушди:

– Балли Раъно, ана жиннилик! – деди Маҳдум, – атлас кўйлак сенга ҳайф, сенга бўздан бошқаси албатта ҳайф!

Раъно ўрнидан турди, дадасидан уялиб лойлиқ қўлларини орқасиға яширди.

– Уят эмасми, юв қўлингни, юв! Укаларингни бола десам, сен улардан ҳам ошиб тушасан!

Раъно югуриб ариққа кетди, Нигор ойим ўлтурган жойидан «Раънонинг ақли тушсин» деб кулиб қўйди. Солиҳ маҳдум ҳануз Раънодан койиб келар эди:

– Ишинг бўлмаса китоб ўқи, ҳуснихат ол, сен кулолнинг қизи эмассанки...

Солиҳ маҳдум гўштни Нигор ойимнинг ёниға қўюб, ўзи зина билан айвонга чиқди.

Маҳдум томонидан Раънонинг тергалиши Нигор ойимни унча машғул этмади. Аммо ҳозир унинг кўнглиға келган

масала эрининг чиқим важига фавқулодда ешилиб кетиши эди. Тўғри, Нигор ойимнинг ошхонасига шунингдек бир неча чораклаб гўштлар кўб келар эди, фақат эри томонидан эмас. Солиҳ махдумнинг жўмардлиги кўпинча йигирма пайса¹ этдан нарига ошмас, шунда ҳам болалардан мўмайроқ «озодлиқ» келиб қолса ёки «панжшанбалик» куткандан ортиғроқ тушса.

Шунинг учун Нигор ойим бу жўмардлик ҳақини эрига бералмади:

– Гўштни кўброқ олибсизми... Анвар буюрғанмиди? – деб сўради.

– Йўқ, – деди махдум салласини қозикқа ила-ила, – бир манти қилайлик, дедим, манти еганимизга кўб бўлди, валлоҳи аълам...

Раъно ювиниб келди, дадасига уят аралаш бир қараб олди-да, Нигор ойимнинг ёнига ўлтурди ва онасининг бағрида эмиб ётқан чақалоқнинг кичкина мимит қўлларини суюб ўпди.

Солиҳ махдум ешиниб келиб, она-боланинг устида тўхтади.

– Сен мундан кейин кичкина бўлмайсан қизим, Раъно, – деди махдум насиҳатомуз, – шу укаларинг билан қилиб ўлтурган ишингни киши кўрса, нима дейди. Иншооллох, уй эгаси бўлишга яқинлашиб қолдинг. Энди тош-тарозуни ҳам шунга қараб қўйишинг керак, қизим.

Раъно қизариниб онасига қаради, яна мимит қўлни ўпишка машғул бўлди.

– Раънони эгасига топширмағунингизча, – деди Нигор ойим, – қуюлмайдирғанга ўхшайдир.

Бу сўздан Раъно уялиб, бошини чақалоқнинг бағрига тикиб олди. Солиҳ махдум кулимсиган кўйи даҳлизга юруб борди ва оёғини кафшига узатди.

– Тур, ётма Раъно! – деди даҳлиздан, – гўштни онангга тўғраб бер, пиёзни арт! Анвар аканг ҳам келиб қолар, таом асрга тайёр бўлсин!

Раъно дадасини узоғлатиб, бошини кўтарди, онасига ўпка аралаш кулиб қаради. Унинг бу қарашидан онасининг бояғи сўзига қарши ризосизлиқ онглашилмас, балки шодлиқ маънолари ўқулур эди. Дарҳақиқат, эру хотун ораларида ўткан икки калима сўз шу оила гулшанида ўскан Раънонинг истиқболини очик белгилар эди. Нигор ойим «Раънони эгасига топширмағу-

¹ Пайса – тахминан 50 грамм.

нингизча...» деб гарчи бирмунча кўполроқ таъбир билан бўлса ҳам «Раънонинг эгаси» борлигини сўзлар, Раъно эрса «эгаси»нинг ким эканлигини яхши билгани ва уни қанот қоқиб қарши олгани учун жоду кўзида ризосизлик эмас, сурур маънолари ўйнатар эди.

Дадасининг «Анвар аканг ҳам келиб қолар, таоминг асрга тайёр бўлсин!» жумласи Раънога яна очиқ, яна равшан таъминот берар эди...

2. Амир Умархоннинг канизи

Солиҳ махдум 1230–1290-нчи ҳижрий йилларда «Хўқанди фирдавсмонанд»да яшаган бир муаллим ва имом, ўз замонасининг истилоҳи¹ билан айтканда «мактабдор домла»дир. Солиҳ махдум синфи жихатдан уламо оиласига мансуб бўлиб, бобоси Олимхон² ва Умархон³ даврларида муфтилик, қозилиқ мансабларида хизмат қилган, отаси эрса Қўқоннинг Мадали (Муҳаммадали)хон⁴ мадрасасида неча йиллар мударрис бўлгандир. Қисқаси, махдумнинг ота-боболари хонлар қошида мумтоз ва халқ назарида «шарафлик ва муҳтарам» мавқийни ушлаб келганлар. Бироқ бу мумтоз силсила бизнинг махдумгача етиб келалмай, Мадалихоннинг қатли билан бирга кесилган, бунинг можароси эрса қуйидагичадир:

Туркистон хонлиғи тарихидан хабардор кишиларга маълумдирким, Амир Умархон охир умрида ўз саройидаги ёш канизлардан бирига муҳаббат қўядир. Каниз ёш бўлганлиғи ва балоғатка етмаганлиғи учун уни никоҳига ололмай, вақт кутадур. Шу кутиб юриш йилларида Умархон муродига еталмай вафот қиладир, тахтка ўғли Мадалихон минадир. Орадан бир неча йиллар ўтиб, бояғи каниз қиз балоғатка эришадир ва бир ҳуснига ўн ҳусн қўшулиб, отанинг боласи бўлган Мадалихонни ҳам ўзига ошиқ қиладир. Ўз саройида ўскан бу қизни ёш хон ҳамиша кўз ўнгида юритса ҳам, бироқ... тарихнинг бизга

¹ Истилоҳ – атама.

² Олимхон Норбўтабий ўғли (1775–1811), 1798–1811 йилларда Қўқон хони бўлган.

³ Умархон (1785–1882), Олимхоннинг укаси. 1811–1822 йилларда Қўқон хони бўлган.

⁴ Мадалихон (Муҳаммадалихон) Умархон ўғли (1806–1842), 1822–1842 йилларда Қўқон хони бўлган.

хабар беришига қараганда, Мадалихон шу қизнинг дардида неча йиллар ёнадир. Чунки уламолар бу гўзални Мадалига она мақомида ҳисоблаб, нима учундир хоннинг орзусига кўндаланг келадирилар:

«Отангиз, агарчанди канизни ўз никоҳларига олмаган бўлсалар ҳам ва лекин балоғатка эришкач оларман, деб ният қилганлар. Бинобарин, бу каниз сизга она мақомида, шарият рухсат бермайдир!» дейдилар.

Мадалихон бу фатводан кейин дардини ичига ютишга мажбур бўлиб, аммо иккинчи тарафдан ўзининг орзусига қарши борган уламони секин-секин «илмий» ишлардан олиб, улар ўрнига янгиларини қўя бошлайдир. Ўз орзусига замин ҳозирлағач, бир неча йилни ўтказиб, яна уламога шу тўғрида фатво сўраб мурожаат қиладир. Табиий, яқиндагина оғзи ошқа еткан янги уламолар ўз валийи неъматлари бўлган Мадалихонга хиёнат қилмайдирлар-да:

«Ба назди мужтаҳидини киром асли эътибор ақди шаръийдир.¹ Отангиз марҳум никоҳланаман, деб айткан бўлсалар ҳам, никоҳландим, деб айтмаганлар. Бас, амирал мўъминин мазкурани худ нафсларига² ақди шаръий³ қилсалар, жоиз ва дурустдир. Валлоҳи аълам биссаваб», деб фатвономани «бинни муфти марҳум», «бинни мударрис марҳум», «бинни Хўқандий марҳум» муҳри баҳайбатлари билан қалашдириб берадилар ва Мадалихон тўй ва томошалар билан мурод-мақсадига етадир...

Кимларнинг воситаси биландир мазкура гўзал канизнинг таърифи Бухоро амири – амир Баҳодир – (Ботур)⁴ хонга етиб, ул ҳам илгаридан ҳалиги канизга ғойибона ошиқ бўлган эди. Аммо қайси йўл билан бўлса ҳам шу канизни қўлга киргизиш фикрида бош оғритиб, нос чакиб юрган Баҳодирнинг қулоғига бу хабари жонсўз⁵ етиб, думоғидан дуд чиқади ва дарҳол Бухоронинг забардаст уламо, муфти, аълам, ҳоказо ва ало-ҳозалқийёс пешволарини ўз ҳузурига чорлаб, дарғазаб воқияни


¹ Ба назди мужтаҳидини киром асли эътибор ақди шаръийдир – ҳурматга лойиқ дин алломаларининг назарича, асосий эътибор шарият қонунларига қаратилиши керак.

² Худ нафсида – ўз нафсида.

³ Ақди шаръий – шаръий никоҳ.

⁴ Амир Баҳодир (Ботур) – Насруллоҳон (1826–1860-йилларда хонлик қилган) назарига айтилувчи лақаб.

⁵ Жонсўз – жон ўртовчи, азоб берувчи.



сўзлайдир ва улардан дарҳол бир «фатвойи баҳайбат»ни талаб қилганида уламои киром ҳам дарон ботаҳорат-бетаҳорат, масалани эшитар-эшитмас фатво ёзадирларким:

«Бир жамоа мўминларга амир бўлган зотнинг вазифаи шаръийси шулдурким, исломда устивор тургай, аҳкоми исломни¹ камокон² ижро қилгай. Ҳар бир амириким аркони исломдан³ заррача юз ўурса, ул кимарса жамоаи ислом устига амир эмас, шарирдир.⁴ Наузанбиллаҳким Фарғона ва Туркистон мамлакатининг алҳол⁵ амири бўлган Муҳаммадалихон волидининг⁶ манкуҳаси,⁷ яъни волидаи айни ва ризоъисини⁸ ўз ақдиға олибдир, наузанбиллаҳи, наузанбиллаҳи. Оят ва аҳодиси шарифа ва ба чаҳори мазҳаб⁹ ва ба назди мужтаҳидини киром ва уламои зул-эҳтиром¹⁰ муттафақун¹¹ алайҳи кофирдир. Казолика¹² ўшандоғ муртаднинг қатли аввало дигар¹³ ислом амирларига ва баъд аз¹⁴ барча мўминларга фарзи айндир!»

Дарвоқиб «холисона» бу фатвога амир Баҳодирхон «бета-рафона» қиймат бериб, «дин йўлида холис бир жиҳоди акбар»¹⁵ деб жамиъи қўшунлари билан Фарғона устига юриш қиладир. Амири Баҳодирнинг бу «холисона» жиҳоди Туркистон хонлиғи томонидан қандай муқоваматларга¹⁶ учради ва икки тарафдан қанча бошлар кесилди, албатта, бу тўғрида бизнинг ишимиз йўқдир. Фақат бу можародан бизга кераклик нуқта шундаким, натижада Мадалихон шикаст топди, ҳам амири Баҳодир томонидан қатл қилинди. Мадалихонга фатво ёзиб берган Қўқон

¹ Аҳкоми ислом – ислом ҳукмлари, қонунлари.

² Камокон – бекаму кўст.

³ Аркони ислом – ислом рукнлари, асослари.

⁴ Шарир – ёмонлик қилувчи, зараркунанда.

⁵ Алҳол – ҳозирги, бугунги.

⁶ Волид – ота.

⁷ Манкуҳа – никоҳли хотин.

⁸ Волидаи айни ва ризоъи – ўзи ва эмизган онасини олибдир ... (Муал.).

⁹ Ба чаҳори мазҳаб – суннийлик йўналишидаги шариатнинг ҳанафия, маликия, шофиъия, ҳанбалия мазҳаблари.

¹⁰ Зул-эҳтиром – эҳтиром эгаси.

¹¹ Муттафақун – келишилган.

¹² Казолика – шунинг учун.

¹³ Дигар – бошқа, ўзга.

¹⁴ Баъд аз – кейин, сўнг.

¹⁵ Жиҳоди акбар – улуг юриш, уруш.

¹⁶ Муқовамат – қаршилиқ.

уламоларидан бир нечалари ҳад¹ урулдилар ва бир нечалари қочиб қутулдилар. Амири Баҳодир бўлса Фарғона ҳукуматиға ўз кишисини қўйди, фатҳу нусрат² билан канизни олиб Бухороға қайтди.

Мақсадға келсак, Мадалихонға фатво ёзиб беришда иштирок қилган ва Баҳодир томонидан ҳад урулган уламоларнинг бири шу бизнинг Солиҳ маҳдумнинг отаси эди. Ҳад урулгандан сўнг кўб яшолмади, ўлди ва шунинг билан бу оиланинг бурунги имтиёз ва шарафи ҳам битди. Чунки мундан сўнг Туркистон тахтига ўлтурган хонларнинг ҳаммалари деярлик Бухоро амирининг ҳимоясида каби эдилар. Ва Мадалихоннинг фатвосига иштирок қилган уламолар ҳамиша эътиборсиз, мардуд³ бўлиб қолдилар.

3. Маҳдумнинг уйланиши ва мактабдорлиғи

Солиҳ маҳдум отасининг вафотида йигирма ёшлиқ талаба эди. Отаси марҳум бўлгандан сўнг ўзидан бир неча ёш каттароқ оғаси Марғилонға имом бўлиб, оиласи билан кўчиб кетди. Солиҳ маҳдум онаси ва ўн олти ёшлиқ Наъима исмлиқ синглиси билан Қўқонда қолди. Бирар жойдан келим бўлмаганлиқдан бу оила кўб тангликка тушиб, охирда Солиҳ маҳдум таҳсилни тарк этишка, қорин тўйдиарлиқ бир касб излашка мажбур бўлди.

Албатта, Солиҳ маҳдум оғирроқ касбни уҳда қилолмас, имоматка бўлса соқоли чиқмаганлиқдан яролмас эди. Кўб озор чекиб, ниҳоят қориндош-уруғ ва маҳалла кишиларининг кенгашлари билан ўз уйига мактаб очди, маҳалладан беш-ўнта бола йиғди ва енг шимариб мактабдорлиққа бошлади.

Бир неча йил мактаб ривожга минмади, яъни болалар ўн беш-йигирматадан нариға ўтмай, «панжшанбалик» аранг ит азоби рўзгорға етиб турар эди. Маҳдум ва оиласининг шундан бошқа даромад манбаълари бўлмагани учун ҳарҳолда, яна шунга қаноат қилмоққа мажбур эдилар.

Ўғул йигирмага, қиз ўн бешка етдими оналарнинг дарди келин ва куяв савдоси бўлиб қоладир. Шунга ўхшаш маҳдумнинг онаси Моҳлар ойимнинг касали гўё «дард устига чипқон» эди: маҳдумнинг ёши йигирмадан ошти, Наъима ҳам ўн саккизга тўлди, яъни келин ҳам керак, куяв ҳам. Наъима тўғрисида

¹ Ҳад – дарра.

² Фатҳу нусрат – ғалаба.

³ Мардуд бўлмоқ – ҳайдалмоқ, қувилмоқ.

ташвиш йўқ, ҳусн, одоб, юмиш, ҳаммасидан кўнгил тўқ, бек бўлмаса – бекзода, мударрис бўлмаса – мукаррир.¹

Аммо махдум масаласи бироз мушкилроқ эди: топиш-тутиш маълум, отасидан қолғани фақат ички ташқи ҳавли, мундан бошқа ҳеч гап. Бас, Моҳлар ойим ўз тириклигида махдумнинг «бошини икки» қилмаса, ўзидан сўнг унинг уйлана олиши амри маҳол. Шуни кўзда тутиб Моҳлар ойим махдумнинг уйланишига мазкура Наъимани восита қилмоқчи бўлди. Яъни Наъимани узатиб, эвазига узатилган жойдан келин олмоқчи эди. Қарши куда бўлмоқ учун қизлиқ ва ўғуллик ҳавлини учратиш ва бунинг устига «наслу насабда текислик», олинадирған келиннинг силлиққина бўлиши – ана шундай мушкилотлар орқасида икки йил чамаси Наъиманинг умри сарғайиб ўтди. Юрт эмасми, дегандек, юртчиликда юрак оғриғига даво топилмай қолмас. Шунга ўхшаш Моҳлар ойимнинг яраси ҳам ниҳоят учунчи йилда давосини топди:

Хон ўрдасининг мутаваффо² мирзоларидан биттасининг мадрасада ўқуб юрған ўғли бор эди ва уйда чақич чайнаб ўлтурган ўн олти ёшлиқ қизчаси ҳам бор эди. Бу оила Моҳлар ойимнинг таклифини маъалмамнуният³ қабул этди. Чунки «ўхшатмай учратмас» дегандек, нариги тараф ҳам Моҳлар ойимнинг биттаси эди. Совчилар Наъимани ёқтириб, Моҳлар ойимнинг таклифини қабул қилиб кетдилар. Моҳлар ойим марҳум мирзонинг уйига қиз кўргали бориб, ул ҳам «қизи жажжигина экан» деб келди. Куявлар кўрулиб, улар ҳам зарарсиз топилдилар. Шарту шароит сўзлашилди: икки орада қалин-палин деган гаплар йўқ, ҳар ким ўз улушига тушкан ош-сувини қиладир, келинни ўраб-чирмаб оладир, вассалом.

«Ҳай этти, хуй этти, икки коски тўй этти» деганларидек ҳар икки тўй ҳам бир ҳафта ичида ўтти, Наъимахоним уёққа кетиб, Нигорхоним буёққа келди. Шундай қилиб, Солиҳ махдум хотунлиқ бўлди.

Солиҳ махдумнинг мактаб иши ҳам учунчи йилдан бошлаб бир оз жонланған, болалар ҳам ўттуз-қирққа еткан эдилар.

Солиҳ махдум ўттуз ёшларга борғанда, мактабдорлиғи ҳам яхшиғина шуҳрат топадир, шогирдлар сони бир юзга етадир.

¹ Мукаррир – ассистент.

² Мутаваффо – вафот этган.

³ Маъалмамнуният – мамнуният билан.

Меҳмонхона торлиқ қилганликдан мактаб учун махсус бино ёпадир, имло, иншо ва ҳуснихат машқи учун алоҳида хона айирадир. Маҳдум ёлғиз шунинг билангина қаноатланмай, хотуни Нигорхонимни ҳам ишка соладир, яъни унинг саводини тузатиб, «отин биби» қиладир. Икки-уч гузарнинг қизлари Нигорхонимнинг сабоғига йиғиладирлар. Қисқаси, маҳдум мактабдорликда яхши шуҳрат қозонганидек, уй-рўзғорини, юриш-туриш, кийим-солим ва бошқа тарафларини ҳам тузатиб оладир.

Қирқ ёшларида маҳаллага имом бўладир ва мактабини яна ҳам кенгайтириб, шу даҳанинг ҳар бир табақаси ичида «устоз мулла Солиҳ маҳдум» бўлиб таниладир. Масалан, ўзида савод чиқарган косиб, савдогар, муллабачча (мадраса талабаси) ва шунингдек янги бўғимларга устозлик унвонини оладир. Ҳатто кейинги вақтларда унинг шогирдларидан хон ўрдасигача бориб кирганлари бордирким, маҳдумнинг бу муваффақиятини бошқа бобларимизда ўқурсиз.

4. Маҳдумнинг баъзи хислатлари

Юқоридан ўқуғучига бир даража онглашилган бўлса керакки, яқин йигирма йиллардан бери маҳдумнинг келими шаҳар ёки қишлоқ сўраб турган бир бекча бўлмаса-да, ундан қуйроқ, ҳарҳолда шаҳар мадрасасида дарсгўлик қилиб, вақфни ўз қабзига¹ олган бир мударриснинг тушимидан албатта кўб. Келимининг шу йўсун яхши бўлишига қарамасдан унинг табиъатида ҳарчанд тиришилса ҳам, махтаб бўлмайдиған хусусиятлар бор: хасисликка ўхшаган ҳолат, тамаъгирлик каби одат, ичқоралиқ сингари ҳаракат ва амсоли...

Ёш чоғида отаси ўлиб, қаттиғчиликда ўсди, унинг баъзи ярашмаган ҳаракатлари, балки, ўша қаттиғчиликнинг руҳка сингиб қолган ёмон таъсиридир. Ҳарҳолда бизнинг мундаги вазифамиз маҳдумни таҳлил қилиш эмас, балки унинг шахсига хиёнат ва бўҳтон қилишдан сақланиб, яъни ортдирмай ва камитмай ўқуғучига бутун тақдим эта билишдир.

Ойни этак билан яшириб бўлмайди. Маҳдумнинг хасисликка ўхшаш ҳолатлари албатта бор эди. Маҳдум топиб-тутмаған йилларда бу ишни йўқликдан қиладир, десак-да, кейинги вақтларда ҳам шу одатини тарк этмагани учун табиъатида бирмунча хасислик бор экан, деймиз.

¹ Қабз – тутам; чангал; қўл ости.

Кўйлак-иштонининг аксар етти-саккиз жойидан ямоғи бўладир. Етти қишдан бери гуппи – чопон янгилагани маълум эмас, фақат қиш келиб-кеткан сайин алак гуппининг енги ўзгарибкина турадир ва астари йил сайин янгидан-янги ямоқлар билан бойийдир, шу гуппи бутун умрида биргина мартаба ва шунда ҳам махдумдан берухсат, аммо, Нигор ойимнинг зўри билан тоғораға тушиб чўмилди. Бу кунда бўлса тўрт йил бурунги ғусли,¹ етти йиллик туси, турлик-турлик ямоғи билан саккизинчи қиш махдум поччасиға содиқона хизмат қилиш учун бўғжома ичида ўзига куч йиғиб ётадир. Маҳалла кишилари махдумнинг бу чопониға «молтопар» деб исм берганлар, гуппи кийилиб чиқилган кун махдумга сездирмай «молтопар савдодан қайтибти... ҳали бақувват, ишқилиб ямоққа чарчама-санг, яна ўн йиллингми, Мамарайим!» деб кулишадирлар.

Қисқаси: беш-олти қайта бошлатилиб, қўнжи бир қаричға келган айбаки² маҳси, чарми уст-устига уюлиб, ердан уч эллик чамаси кўтарилган икки чорак вазнлик кафш, ёши маҳалла кишиларининг кўбларига маълум бўлмаган, ҳарчанд эҳтиёт қилинса ҳам, неча жойидан попилтириғи осилган оқбўз салла маҳалла кишиларининг эрмакларидандир. Булардан бошқа ҳайит кунлари ва тўйлардагина кийиладирган банорас тўни, совуқ қаттиғроқ бўлганда ичидан киядирган адрас гупписи ҳам бор. Маҳалла кишилари банорас тўнни «зарурат» деб атаган бўлсалар ҳам, адрас гуппига ҳали ном қўйгунча йўқлар, чунки бунинг дунёға келганиға фақат тўрт-беш йилгина бўлгандир.

Кези келганда махдумнинг ёзлиқ кийимларини ҳам бир сидра айтиб кетайлик: йўллуқ, қизил қалами бўздан яхтак, оқ бўздан жиҳак ёқалиқ кенг кўйлак (чунки тор бўлса, йиртиладир) ва лозим (яъни иштон) ҳамда сарпойчан кийишка енгилча сағри³ кафш, аммо салла қишин, ёзин битта.

5. Оила ва кишилар билан муомала

Махдум оиласини ҳам кийим-кечак важдан ўзи каби тутар эди. Кийим-кечақдагина эмас, ҳатто озиқ-овқат тўғриларида ҳам унинг анчагина келишимсиз қилиқлариға йўлиқилар эди.

¹ Ғусл – ювиниш.

² Айбаки – мол терисидан ишланган сифати паст чарм.

³ Сағри – от терисининг дум томон қисмидан тайёрланган чарм.

Масалан, бир ой тўлмасдан кир ювишга рухсат бермас, агар Нигор ойимнинг бир ойсиз кир ювганини кўриб қолса, «кийимни тоғорада чурутасан!» деб, ғовға солар эди. Икки ҳафтасиз паловни кўрмаслар (озодлиқ ошлари, албатта мундан мустасно), кўб овқатлари убра, туппа, мастава, кўғурма шўрба бўлар эди.

Нигор ойимнинг қозони йўқча, елча гўштни фақат палов шарофати билангина кўрар эди. Лекин маҳдум баъзи нарсалар билан ошхонани яхшигина мўлиқдирар, масалан: шалғам, қовоқ, лавлаги. Бу тўғрида хотуни ҳарчанд рад қилса ҳам, қоплаб шалғам, йигирма-ўттузлаб қовоқ харид қилишини қўймас, «шалғам – Биби Фотимаи Зухранинг дуолари баракати, қовоқ бўлса, ҳазрати Юнуснинг мўъжизалари» деб, баҳоси арзон ва лекин хосияти кўб бўлган бу маблағлар¹ билан ошхонани тўлдира берар эди. Ҳар ҳафта бир-икки мартаба қовоқ сомса ёпдирмай қолмас, аммо «ёғни кам сол, қовоқнинг таъмини бузадир!» деб таъкидлашни ҳам унутмас эди. Уйда нон ёпилмағанидек, бозордан ҳам сотиб олинмас, чунки, панжшанбалик нон етиб, ортиб ётар, ҳатто баъзи вақтларда бозорға ҳам чиқар эди.

Маҳдумнинг ўқуғучи болалар билан муомаласи жуда яхши эди. Савоғини билмаган ёки шўхлиқ қилган болаларни ҳар қанча сўкиб, койиса, дўқ уриб, давара қилса ҳам урмас, бу жиҳат билан бутун Қўқон болаларининг муҳаббатларини ўзига жалб эткан эди. Аммо «озодлиқ» масаласида болалардан ҳеч кимни ҳам афу этмас, бой боласиға «озодлиқ» лозим бўлган бўлса, албатта ундиришка, камбағал боласидан мумкин қадар узиб олишға ҳаракат қилар; болалар Ҳафтияк, Қуръон, Сўфи Оллоёр ва шунга ўхшаш китоб бошласалар озодлиқ мажбурий, мактабдан маъзун² бўлганларнинг зиёфат қилиб, маҳдумга сарупо беришлари қоидада бор бўлса ҳам, лекин аксар болалар бу тўғрида домлани «ана-мана» билан алдаб кетарлар, сахийроқ оталар бу маросимни адо этиб, «устоз»ни рози қилмасалар, аммо кўбчилик маҳдумни ранжитар эдилар. Панжшанбалик бўлса мактабнинг асос ҳаққи ва булардан бошқа «Қулёға қуймоқ – Аммаға бўғирсоқ – Ёсинға юпқа»³ деган гаплар ҳам бўлар эди. Болалар ҳар йили бир марта «бўрё пули» ва ойиға бир неча бора «супурги пули» ҳам тўлаб турар эдилар.

¹ Маблағ – бойлик.

² Маъзун – рухсат, изн олган.

³ Қуръондан: «Қулё айюҳал – кофирун» ояти билан бошланувчи сура; «Амма ята соалун» ибораси билан бошланувчи сура; «Ёсин» сураси.

Махдум мумкин қадар болаларни ўз мактабига жалб қилишга тиришар, айниқса, бой ва бек болаларини ўз қўлига олиш учун ҳар бир чорани кўрар эди. Масалан, бой ва аъёндан бирининг ўғли бошқа мактабда ўқуб юрган бўлса, уни болалар воситаси билан ўз мактабига чақирар, нима ўқуғанини, нима-лар билганини сўрар, бола савоғидан яхши жавоб бералмаса, «сизда айб йўқ, ўғлим, устозингиз бироз шундайроқ одам... хўб, хўб; бизнинг мактабларга ҳам келиб юринг! Мен ўзим сизни жуда дўст тутаман-да!» дер эди. Табиъий, боланинг шу кундан бошлаб ўз домласидан кўнгли совур, тез кунда махдумнинг мактабига келиб кирар эди. Баъзи вақт чет мактаб болалари билан шундай муомалани кўчаларда ҳам қилар ва ўғли бўлган бой ва ашрофларга ҳам жуда сертакаллуф, хоксорона салом бериб, танимаса ҳам улар билан сўрашар, нечта ўғли борлигини ва уларнинг ўқуб-ўқумаганлиқларини, ўқушга ихлосларини текшириб, ўзининг таълимида қўлланган энгил усулларини ҳам бирмунча тикиллатиб ўтар эди. Табиъий, махдумнинг бундай ҳаракатлари кўпинча фойдасиз бўлмас, мактабига янгидан янги шогирдлар тўпланиб турар эдилар.

Ўз қаторидаги мактабдор домлаларни асло кўралмас, уларга қарши юрагида умрлик кек сақлар эди. Баъзи мажлисларда йўсуни келиб қолса «ҳа, мулла фалончими, кўб болаларнинг умрини зойиъ қилипти, деб эшитаман... шогирдларидан бир нечаси шикоят қилишиб менга келишкан эдилар... Қандай қилай, шогирдларим ўзимдан етиб ортсалар ҳам, умрлари зойиъ бўлмасин, дедим», дер ва эшиткучиларга сездирмай рақибини чимчилар; кези келди дегунча иккинчи мактабдор тўғрисида шу йўсун замзама сўзлар эди.

Махдум бўйчан, олагўшт, сийрак мўй, оқ тан, истараси иссиғ бир домла эди. Ёши эллідан ошқан, соч ва соқолида бирмунча оқлар кўринар эди. Киши билан сўзлашканда, айниқса, бир нарсадан таажжубланганда сийрак ва лекин тўғри, бакуват ўскан соқолини тутамлаб, ўнг кўзини бироз қисиб қарар, одат қилгандан бўлса керак, гап орасида «ҳабба» деган сўзни кўпроқ ишлатар эди. Домланинг бу «ҳабба»си нима маънода қўлланилар, ўзидан бошқа ҳеч ким билмаганидек, ундан бу тўғрида изоҳ ҳам сўрамаган эдилар. Ҳарҳолда «ҳабба – ҳабали» ёки «ҳа, баракалла» бўлса керак. Чунки ул бир нарсадан хурсанд ва рози бўлганда аксар «ҳабба» деб юборадир.

Шу ергача бир неча саҳифаларни маҳдумнинг таърифи билан тўлдирдиқ. Эҳтимолки, домланинг ғийбатини ҳам қилдик ва қилармиз. Лекин шунисидан хотиржаммизки, йўқни йўндирмадиқ, маҳдумнинг шаънида бор гапларнигина ёздиқ ва ёзармиз. Маҳдумнинг ҳамма нуқсонини ювиб кетарлик бир жумладан сўнг яна ўз ишимизда бўламиз: нима бўлганда ҳам маҳдум ўз замонасининг энг олдинги домлаларидан, Қўқон аксариятининг саводхон бўлишлариға сабабчи устозлардан, хатто улуғ хизматларга киши етишдириб бергучи нодир муаллимлардан эди.

6. Нигорхоним

Нигорхоним бошда эрдан ёлчимади. Аввало, эрининг фақирлиғи, бойиғандан сўнг бўлса, унинг зарбулмасал бўларлик хасислиги бечорани кўб йиғлатди. «Хотун кишининг боши уй ичининг оғир тоши» эмиш... Ҳозир ўзи қирқ ёшқа кирган бўлса, йигирма беш йилдан бери шу мумсук эр билан тириклик қилиб келади. Бу кун ўн етти ёшлиқ Раъно каби қизға, саккиз ёшлиқ Маҳмуд (Раъно билан Маҳмуд орасида икки бола нобуд бўлган), олти ёшлиқ Мансур ва бешиқдаги Масъудларга она бўлди.

Нигорхоним Қўқоннинг кўб хотунлариға қарағанда сабрлик ва қаноатлик экан. Дунёда ўз ўғлининг хасислигига чидалмаган она бўладими, ҳолбуки, маҳдумнинг онаси – Моҳлар ойим ўғлининг бу қадар ихна¹ ва сиқиклиғиға тоқат қилолмай норозилик юзасидан Марғилондағи ўғлининг ёниға кўчиб кетиб, ўша ерда вафот этди. Нигорхоним эрса тишни тишка қўйди, эримдан яйраб-яшнамаган бўлсам, қизимдан ва олдимға қўйган ўғулларимдан ёлчирман, деб умидланди. Дарҳақиқат, сабрлик бу хоним ҳозирданоқ шу ўз олдиға қўйган болаларининг бири ва тўнғучи бўлган Раъносининг туфайлидан бир қадар рўшнолик кўриб бошлади ва ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ эканиға ишонди.

Бир ямоқчи ёки мардикорчи ўз хотунини урадир, сўкадир, тепкилайдир. Бу ҳол уларда аксар фақирлик авжиға минган кезларда воқиъ бўладир. Агар ямоқчи кекирарлик даражада томоқни бопта қилса, иши ўнгидан келиб истиқболи бирмунча

¹ Ихна – сиртқи кўринишиға эътибор бермовчи.

таъминлангандек бўлса, дарҳол вазият ишонмаслиқ равишда ўзгариб кетадир: гап-сўз жойида, хотунни уриш ўрнига орқасини силаш, сўкиш ўрнига ялиниш ва арзи муҳаббат. Хотун ҳам кечаги калтак зарбини унуткан, кина ўрнига садоқат; гўё айтаришким, Юсуф-Зулайҳоларми деб.

Юқори табақа оилаларга кириб қарасақ, мунда тамоман бошқача манзара кўрамыз: қорин тўқ, бирар нарсага эҳтиёж йўқ, истиқбол таъмин ва лекин бояғи фожиъа буларда кучли-рак, шунинг каби бу фожиъалар муваққатий¹ ҳам эмас, сабабини топиш ҳам қийин. Яхши, ямоқчи-ку ярамас тузулишқа қарши бўлган кекини кўзи тиниб хотунидан олган эди. Аммо кейингиларнинг турмуш шароитлари яхши, ҳамма нарса ўз орзуларича, бас, шу ҳолда уларнинг уй можаролари ва бола-чақани ит каби сиқишлари нимадан?..

Шунга ўхшаш бизнинг маҳдумнинг ҳам ғояси бирни икки қилиш, бешни ўн қилиш эди. Яхши кечиниш учун турмас, аммо кўпайтириш учун яшар эди. Нигорхонимни урмас ва лекин урғандан беш баттар қилиб сиқар эди. Икки юз тиллодан кўб оқчаси (бу оқчаларни ҳусули² тўғрисида кейин сўз бўлур) ва саводлик бўлган болалар зиёфатидан кийган икки сандиқча сарпоси бор эди. Олтундан сарф қилмағанида ҳам, лоақал шу кийимликлардан на хотунини ва на болаларини фойдалантирар ва на ўзини ихналиқдан қутқарар эди. Бунинг ҳам кўйиб турайлик, Нигор ойим йигирма-ўттуз қизни ўкутиб, улардан тушкан «озодлик» ва «панжшанбаллик» пулларга ҳам эга бўлолмас, ҳар кун деярлик муҳтарам маҳдум поччага ҳисобини батамом топшуриб туришқа мажбур эди. Маҳдум бунинг эвазига ҳар йил бозорнинг энг дағал бўзидан бир пар кўйлак, лозим олиб берар, янги гуппи билан ёзлик мурсакни бўлса, Нигор ойим беш-олти йилсиз кўрмас эди.

Нигор ойим қисқа бўйлик, писта пўчоқ тарғил кўзлик, зарча танлик, юзидаги онда-сонда чечак ўрунлари бўлмағанда ҳусндор бир хотун эди. Ўз болалари билангина эмас, ҳатто шогирдлари бўлган қизлар билан ҳам жуда юмшоқ муомала қилар, ортиқча аччиғланган кезларда «бетинг қурсин» деб, қошини чимириб олар эди. Эрига ўхшаш «озодлик» учун болаларни сиқмас, билъакс «бўшлиғи» учун ўзи маҳдум томони-

¹ Муваққат – вақтинча.

² Ҳусул – ҳосил бўлиш.

дан сиқилар эди. Оз ва маънолик қилиб сўзлар, хотунлар билан муомаласини бошқа отинбибилардек юқоридан туриб қилмас, соддача суҳбатлашар эди. Хотунлар махдум домланинг баъзи қилиқларидан кулишсалар ҳам, Нигор оймнинг орқасидан ғийбат сўзламаслар, олдида қандай хурматласалар, кейинидан ҳам ўшанча эҳтиромлаб, унинг махдумдек зикна кишининг кўлига қарам бўлганига ачиниб «пешона – дея айланай, қолу бало»,¹ дейишар эдилар.

7. Раъно

Исм билан жисм аксар бир-бирисига мувофиқ тушмайдир. Меним ёш вақтим, айниқса, гўзаллик қидирган мағрур чоғларим эди. Оиламиздами, бошқа ердами, баҳарҳол хотирамда яхши қолмаган, Лола отлиғ бир қизнинг чеварлиги тўғрисида сўз бўлди. Мажлис аҳли менга яқин, яъни улар олдида ҳусндан баҳс очиш уят бўладирган кишилар эдилар. Шунинг учун менга Лоланинг чеварлигидан кўра муҳимроқ бўлган «ҳусн»и масаласида изоҳот сўрашнинг имкони бўлмади. Лекин Лола исмининг остида бир малакни кўрган – «Лоланинг исмига ўхшаш ҳусни ҳам бор», деб ўйлаган эдим. Шу кундан бошлаб Лолани кўриш ҳажрига тушдим. Бўйи еткан қизларни кўра олиш бу кунларда ҳам амри маҳол бўлганидек, мундан ўн йиллар илгариди яна мушкилроқ эди. Неча вақт «ҳижрон ўтида ёниб», кўча пойлаб, ниҳоят, Лолани сув олиш учун кўза ушлаб кўчага чиққан ҳолатда учратдим. Бурнидаги булоқисидан бошқа (агар булоқи ҳуснга қўшилса) «Лола»ликка арзийдирган ҳеч гап йўқ эди.

Яқиндағи бир боладан сув олғучининг ким эканини сўраган эдим:

– Лола опам, – деди.

Боланинг талаффузи менга «Мола опам» бўлиб эшитилди. Бир неча кунлар бу қизнинг отини «Лола» деб қўйганлари учун аччиғланиб юрдим. Чунки, афу этасиз, ўша кезларда аччиғланишга ҳаққим бор эди...

Аммо Раънонинг исми жисмига ёхуд ҳуснига жуда мувофиқ тушкан эди. Мен рассом эмасман. Агар менда шу санъат бўлганда эди, сўз билан билжираб ўлтурмас, шу ўрунда сизга

¹ Қолу бало – Қуръондан Аъроф сураси, 172-оятдан иқтибос. Унда тақдир назарда тутилади.

Раънонинг расмини тортиб кўрсатар, кўяр, фақат менга Раъно гулининг сувигина кўпроқ керак бўлар эди.

Солиҳ маҳдум хасис, таъмагир, ҳарҳолда сажияси эътибори билан уни яхшилар қаторига қўйиб бўлмайди. Ва лекин табиъат хасис эмас, тикандан гул, аридан бол яратаберадир. Шунга ўхшаш тиканлик ёғочдан хуш ислик, латиф кўрунишлик Раъно яратилган эди.

Бизнинг ўзбекларда, айниқса, Қўқонга махсус бир тус, сарикқа мойил бир тус бор. Лекин бу тусни кесдириб сарик деб бўлмайди. Чунки биз оғриқ кишининг тусини сарик деймиз. Зарча, заъфар туслари ҳам бунга дағаллик қиладилар. Таъбиримиз қўпол тушмаса, бу гўзал қиз, оч раъно гулининг тусида ёки оқ сарик тусда яратилган эди. Аъзода ўскан тукларга ҳам ҳалиги туснинг таъсири бўладир. Раънонинг сочи гунгурт-қора, яъни қуёшсиз жойларда қора кўринса ҳам, қуёшда бироз сарғиш бўлиб кўринар эди. Шунга ўхшаш Раънонинг кўзида ҳам бунинг асари кўруладир: мудававрга¹ мойилроқ жоду кўзи кишига қаттиқ қараганда қоралиқдан бошқача яна бир турлук нур сочар эди. Кипраклари остида нафис бир сурма доираси бор эди. Қоши туташ каби кўринса ҳам, кўндаланг ётқан икки қилич орасини нафис бир қуюлиб кўтарилиш ажратиб турар эди. Бурни ҳеч бир мунаққидга² беришмаслик мутаносиб, ҳар замон уялиш табассумига ҳозир турган нафис иринларининг юқориғи қисмида сезилар-сезилмас туклар кўкарган эди. Юзи чўзиқ ҳам эмас, ой кулча ҳам деб бўлмас, кишига кулиб қараганда қизил олма остларида иккита замма равишлик шакл ҳосил бўлар, гўё бизга чин раъно гули очилган ҳолатда кўринар эди. Сочлари жуда қуюқ, саноқсиз кокиллар Раънонинг орқа, ўнгини тутиб ётар, қадди узунлик билан қисқалиқнинг ўртаси, дўндук бармоқларининг жимжилоғида хина гуллари, ҳарҳолда бу қиз ёлғиз Қўқоннинггина эмас, умуман, Фарғонанинг куйларига қўшулиб махталадирган гўзалларидан эди.

Раъно Нигор ойимнинг тўнғучи, бу йил ўн етти ёшни тўлдурадир. Саводни отасидан ўқуб, ўн тўрт ёшида ибтидоий мактаб прўграмида бўлган барча дарсларни битирган, масалан: диний қисмдан – «Ҳафтияк», «Қуръон», «Чаҳор китоб», «Сўфи Оллоёр», «Маслаки муттақин», адабиётдан – Навоийнинг бар-

¹ Мудавав – тўгарак.

² Мунаққид – танқидчи.

ча асарлари, девони Фузулий маъа¹ Лайли Мажнун; Амирий, Фазлий ва шулардек, чиғатой-ўзбек катта шоирларининг асарлари; форсийдан – Хожа Ҳофиз Шерозий ва Мирзо Бедил, хуснихат, иншо ва бошқалар. Бу кунларда бўлса, бир томондан, қизларга сабоқ бериб, онасиға кўмаклашса, иккинчи тарафдан, отасида кофия (араб наҳв ва сарфи) ҳамда Шайхи Саъдийнинг «Гулистон»идан дарс оладир ва шунинг қаторида ўзи яхши кўрган чиғатой-ўзбек шоирларининг бадиъа асарларидан алоҳида бир мажмуъа тузуб юруйдир. Баъзан «овлоғроқ жойларда» ўзича манзумалар тўқуса ҳам, бироқ буларнинг иси ўзидан четка чиқмайдир. Агар тўқуған шеър ёки манзумаси ўзига маъқулдек тушса, фақат бир кишигагина кўрсатиб оладир. Ва ул киши ҳам бу сирни четка чиқармайдирған ишончлик ўз кишиси.

Қисқаси, биз юқорида Раънонинг шеърий бир хуснини кўрганимиздек, уни фазл ва заковатда ҳам ўткан хон замонлари асрининг нодир учрайдирған якто фозила қизларидан санаймиз ва санашға ҳам ўзимизда мажбурият ҳис этамиз.

Раъно қанча жиддий бўлса ҳам, яна унда болалиқ табиъати бутун кўйи сақланадир: укаларининг ўюниға комил ҳуқуқли бир аъзо тариқасида иштирок этадир, онасининг кўзини чалғитиб, ўқуғучи қизлар билан жанжаллашиб оладир, қизлар сабоқларини билмасалар аразлаб, уларни ўқутмай ташлаб кеткан чоғлари, арзимаган гапдан тез мутаассир бўлған кезлари кўб бўладир. Раъно ўзининг мундай ҳаракатларига қарши онасидан яхши-ёмон мукофот олмаса ҳам, кўпинча отасидан танбиҳ эшитадир. Койиш эшиткани учунгина эмас, уй-рўзгор тўғриларида онасини сиқиб ушлаганидан ва фоҳиш танглигидан² ранжиб отасини унча хушламайдир. Отасидан аччиғланған кезларда онасиға жиддий қилиб: «Ҳамма айб ўзингизда, отамдан кўра тузукроқ эрни топиб тегсангиз, мунчалик қийналишиб юрмас эдик», деб бўғилған Нигор оймни кулдурадир.

Қаттиғ ранжиган бир кун отаси – Солиҳ махдумга бағишлаб қизиқ бир ҳажв ёзған ва «ўз кишисига» кўрсатиб, уни кулдурған эдиким, биз кулгулик учун бу ўрунға бир неча мисраъини кўчураимиз:

¹ Маъа – билан.

² Фоҳиш танглиги – ортиқча сиқув.

Ёғлар тўқилса ерга, ётиб ялар тақсирим,
 Бўлса бозорда пастлик, сотиб олар тақсирим.
 Меним учун бир зирак, Раънобонуға жевак,¹
 Деса ойим, «Не керак?!» – юмма талар тақсирим.
 «Қулоқ тешиш фазл эмас, пулни топиш ҳазл эмас,
 Жевак тақиш фарз эмас!» – ғавфо солар тақсирим.

Муҳтарам ўқуғучини қаҳрамонларимизнинг бир қисми билан танишдиришни шу ерда тўхтатамиз. Уларнинг ички ва ташқи табиъатлари яхши ешилмаган бўлса, ҳикоямизнинг давомида яна ҳам очилиб ва кенгайиб борар, деб ортиқча тафсияга киришмадик.

8. Бир ўрдалиқ

Махдумнинг ҳавлиси уч қабат эди. Кўчадан биринчи қабатда меҳмонхона, мактабхона ва машқхона эди. Иккинчи қабат мураббаъ,² ярим таноб чамаси боқча, бунда шафтолу, олма, анжир каби мевалик дарахтлар ва бир неча кекса сўри тоқлар қулп уриб ўсқан эдилар. Махдумнинг болалар кучидан яхши фойдалангани учун бўлса керак, боқчанинг ҳар бир қариши бўш қолмаган, унда ҳар турлук кўкатлардан бор эди. Ўртадаги сўрининг ости бир ярим газ кўтарилиб ишланган суфа, суфанинг уч тарафига ёз гуллари экилган, райҳон ва бошқа чечаклар атрофка ўз атриётларини онгқитиб ётар эдилар. Биринчи қабатдан киргач, боқчанинг суфасига ҳамда ичкарига юруладирган йўлкалар бор эди.

Ҳозир мезон³ ойининг иккинчи ҳафталари, боқчанинг мевалари етилинқираган, айниқса, сўридаги қора ҳусайни узумлардан гўё боллар томиб ётар эди. Йўлкаларга сув сепилган, суфага гилам солинмаса ҳам, гуллик кийиз тўшалиб, уч тарафига кўрпачалар ёзилган эди.

Махдум этни уйга бериб чиқгандан кейин икки соат чамаси ҳуснихатдаги болалар билан шуғулланди, орадан «абжад» сўзини дуруст ёзиб чиқарган бир боланинг қўлини боғлаб уйига юборди. Бола уйдан «қўл ешар» олиб келгандан сўнг ҳаммага жавоб бериб, бу кунги вазифасини тамомлади.

¹ Жевак – қизларнинг бу кунда истеъмолдан қолган кўкрак зийнати (Муал.).

² Мураббаъ – тўрт бурчак, квадрат.

³ Мезон – 22 сентябр – 21 октябр.

Махдум машқхонадан чиқиб, ичкари киришга адим узган ҳолатда дарбозадан сипоҳи кийимда бир киши кирди ва махдумга табассум билан салом бериб, яқинга юриб келди. Ўрданинг девонхона хизматчилари кийимида бўлган бу кишини махдум ўз умрида биринчи мартаба кўрар эди. Жавоб саломдан кейин кўришдилар. Махдум тараддудланиб, мақсад сўрашдан ўнггайсизланиб, меҳмонни меҳмонхонага бошлади. Меҳмон ҳам такаллуфланмай, домланинг орқасидан меҳмонхонага кирди, ўлтуришдилар, сўнг фотиҳа ўқулди. Ўрдалиқ табассум ичида махдумга қарагандан сўнг йиғиштириниб олди.

– Хато қилмасам, жаноблари мирзо Анварнинг устозлари бўлсалар керак?

– Фақир...

– Уй ичлари билан хўб саломатмилар?

– Алҳамдулиллоҳ.

Махдумга кутулмаган равишда меҳрибон муомала қилгучи бу ўрдалиқ қирқ ёшлар чамасида, узун бўйлиқ, қора узун соқоллиқ, симоби салласининг пешини туширған қорача туслик бир йигит эди.

– Каминалари ҳам, – деди ўрдалиқ, – мирзо Анвар билан бирга девонхонада ишлайман. Балки қулоқлариға чатилған бўлса керак, исмим Султонали мирзо.

– Хўб, хўб, – деди кулиб махдум, – Анвардан эшитканим бор эди, жанобларининг тавсифларини эшитканман. Начук Худо ёрлақади? Фақирхонага ташрифлари билан бисёр хушнуд бўлдим.

– Адабсизлик бўлса ҳам, – деди мирзо Султонали, – мубо-ракхоналариға бостириб келдим. Бунга ҳам буродарим мирзо Анварнинг муҳаббати мажбур қилди.

Султонанининг бу кейинги сўзи мақсадни бир даража домлаға онглатаёзди. Қайфланиш, ҳузурланиш махдумнинг юзида ўрунлашқан эди. Кўзини қисинқираб Султоналига қаради.

– Хўб, хўб, – деди махдум, – мулла Муҳаммад Ражаб марҳумнинг ўрниға бош мунший таъйин қилиндими, қўлим тегиб бу тўғрида Анвар билан сўзлашолмадим?

– Ҳозир таъйин қилинғунча йўқ, эрта-индин таъйин қилинар, деб турамиз.

– Кўб яхши, номзадлар бордир?

– Бор, – деди Султонали, – бир неча номзадлар ҳазрати хонға манзур қилинғанлар, жумладан, шоир Мадҳий, мулла

Шаҳодат муфти ва бошқа яна бир нечалар. Масмуъингиз¹ бўлса керак, гарчи ўзи ризолик бермаса ҳам, бир неча мирзолар шогирдингиз мирзо Анварнинг ҳам номзадини холис ариза билан жанобга манзур қилган эдик. Умид Худодан, ёрлиғ мирзо Анварга қойим² бўлур, деб турамиз.

Махдум соқолини тутамлаб шипка қаради. Гўё Султоналининг кейинги икки жумласига қайси йўсун муқобала қилишдан ожиз эди.

– Бир неча яхшиларнинг Анварга бўлган ҳусни таважжуҳларини эшиткан эдим, – деди махдум миннатдор оҳангда, – аммо фақирга шуниси мушкилроқ кўринадирким, башарти Анвар бош муншийлик вазифасига ёрлиғ олғундек бўлса, бу лавозимотни адо қила олурми, каминанинг назаримда бош муншийлик алалҳусус ул жанобнинг ҳузурларида беҳад улуғ ва мушкил кўринадир?

Султонали енгилча кулиб қўйди:

– Бош муншийлик лавозимоти борасидаги фикрингиз дарҳақиқат тўғри, – деди, – аммо мирзо Анварнинг уҳда қила олиши муҳаққакдир.³ Зеро, Анварнинг бу борадаги истеъдоди жанобларидан кўра каминага маълумдир, бу тўғридан хотиржамъ бўлсинлар.

– Дарвоқиб, Анварга кўб меҳнатим сингган, – деди махдум маҳтанғансумон, – бир қариш ёшидан бошлаб каминанинг таълимида ўсти, ўз қўлимда тарбия топқан неча юз, балки минглаб шогирдларим ичида кўб таважжуҳим⁴ шу болаға бўлди. Ушбу сабабдан ҳам мунчалик мустаъид⁵ бўлган бўлса ажаб эмас, деб ўйлайман... Ва лекин ҳолоғи⁶ сўзим шунинг учундирким, фазли ва истеъдоди кофий⁷ бўлса ҳам ёшлиқ, кам тажрибалик қилмасмукин, деб мулоҳаза қилурман.

– Бўстони маърифат ва гулшани ҳақиқат, – деди Султонали, – Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳи⁸ ўн икки ёшларида дарсгўлик қилиб ва ҳоказо кутуби мутабаррака таълифотиға

¹ Масмуъ – эшитилган.

² Қойим – қарор.

³ Муҳаққак – ҳақиқат.

⁴ Таважжуҳ – эътибор.

⁵ Мустаъид – қобилиятли, истеъдодли.

⁶ Ҳолоғи – ҳалиги.

⁷ Кофий – етарли.

⁸ Имоми Аъзам (тахаллуси, мелодий – 699–767) – исми Абу Ҳанифа Нуъмон ибни Собит. Ислондаги ҳанафий мазҳабининг асосчиси.

ҳам ибтидо қилган¹ эканларким, бу каромат жанобларидан пўшида эмасдир. Бас, индалъуқало² ёшлиқнинг ҳеч бир нуқс ва аҳамияти йўқ, аммо фазлу заковат лозимдир. Масалан, каминангиз таҳсилда «Ақоид»³ гача⁴ бордим ва қарийб ўн йилдан бери мирзолиқ қилурман. Ўз ҳунаримда яхши тажриба ҳам ордирдим, шунинг билан бирга нафсиламрни иқрор этиш-ка мажбурманким, шогирдингиз мирзо Анвардан кўб даража куйидаман: таҳрирда,⁴ тақрир⁵ ва фароизда⁶ Анварингизнинг ёрдамига муҳтожман. Ҳолбуки, ёшим ундан баробар катта, мен ўқуған дарсларни, эҳтимол, Анвар ўқумаған... Анварнинг заковатига ёлғиз мен эмас марҳум мунший мулла Муҳаммад Ражабнинг ўзи ҳам таҳсин қилар, ажойиб ўғлон деб кўяр эди. Меним мирзо Анварни бу ўрунға саъи қилишим⁷ бўлса, бир ғараз юзасидан эмас, холисонадир. Агар ғаразға ҳисобланса, масалан: «Бирарта ноаҳлнинг кўл остида ишлагандан, аҳлининг жағида тишланган маъқул» сўзига биноандир. Лекин мирзо Анвар нима учундир биз бир неча мирзоларнинг раъйимизга қарши тушиб, биздан ранжиб юрийдир. Ҳатто жанобға бир ариза киргизиб, меним номзадим янглиш кўрсатилибдир, мен бу вазифани уҳда қилолмайман, деб узр баён қилмоқчи эмиш. Унинг бу йўсун иноди нима учун, билалмадик... Фақир, оғайнилар тарафидан гарчи адабсизлик бўлса ҳам ҳузурларига илтимос учун келдим. Аввало, мирзо Анварга оталиқлари, сониян устозлиқлари бор. Сиз жаноб тарғиб қилсангиз ва кенгаш берсангиз, қабул қилар, деб ўйладиқ.

– Ҳабба! – деди маҳдум хурсандлик билан, – бу тўғрида яхши сўзлашмаған эдик, сўзлашармиз, иншооллоҳ, кўнар.

– Саломат бўлингиз, тақсир.

Маҳдум соқолини ушлаб кўзини қисди:

¹ Кутуби мутабаррака таълифотиға ҳам ибтидо қилған – табаррук китоблар ёзишға ҳам бошлаған эканлар.

² Индалъуқало – оқиллар наздида.

³ Илгариги таҳсилда толибнинг масалан: «Овомил», «Кофия», «Шарҳи мулло Жомий», «Мухтасар» юқорироқ даражада «Ақоид» (эътиқод қилиш лозим бўлган нарсалар ўрганиладиган илм), сўнггида эса «Тафсир» илмларини ўқиғанлигига қараб илм даражаси белгиланган.

⁴ Таҳрир – ёзиш.

⁵ Тақрир – матннинг мазмунини тушунтириш.

⁶ Фароиз – мусулмончилик қоидаларини ўрганиш илми.

⁷ Саъи қилиш – ундаш, даъват этиш.

– Боя пешин асносида, – деди, – қавмлар каминадан истифсор¹ қилишдиларким, «ўғлингиз Анвар мунший таъйинланар эмиш, ушбу ахбор тўғрими?» деб... Мазмуни шаҳарга ҳам машҳур бўлган экан-да?

– Балки, – деди кулиб Султонали ва бироздан кейин оҳиста сир йўсунида қилиб сўзлади, – ўрда ичидан бир нечаларимиз устоз мулла Муҳаммад Ниёз домлага² ва ҳарамдан Оғача оймға³ Анвар тўғрисида илтимос қилишдиқ. Шунинг учун мирзо Анварнинг бош мунший таъйин қилинишига шубҳа қилмаймиз. Фақат уни кўндирилса, бас.

– Ва лекин, – деди махдум ниҳоятда очилган қиёфатда, – бу тадбирларингиз беандоза маъкул бўлибдир, яъни масалан, жанобга домла шоғовул ва малика хонимларни восита қилишларингиз...

– Биз ҳам шундай ўйлаймиз. Энди умид Худодан, натижа ҳам орзумизча бўлғай.

– Иншооллоҳ.

– Демак, мирзо Анварни кўндириш вазифаси одобсизлик бўлса ҳам, сизга қолди-да, тақсир? – деб Султонали такрор сўради.

– Хотиржамъ, – деди махдум қаноат билан, – албатта ноинсофни кўндирсамиз керак.

Шундан сўнг Султонали ўзининг бу ерга келганини Анварга билдирмасликни таъкидлаб, ўрнидан турди. Махдумнинг аздақидил «моҳазаримиз⁴ бор эди» деб қисташига қарши узр айтиб хайрлашди. Махдум аксар ўз уйига келгучи кишиларга қилмайдирган фавқуллодда бир такаллуф билан уни дарбозагача узатиб чиқди.

9. Ўпка ва ҳазил

Истиқболнинг ширин хаёллариға кўмилган ҳолда махдум аср намози учун таҳорат олар эди. Таҳоратда тартибни риоя қилиш суннат⁵, аммо махдум тарки суннат қилмоқда. Ҳатто ўқуладирган дуоларни ҳам ўрунсиз ишлатмақда эди. Махдум

¹ Истифсор – сўрамоқ.

² Худоёрнинг шоғовулбошиси – илмия вазири, «Тарихи Шаҳруҳий»нинг муаллифи, шоир (Муал.).

³ Худоёрнинг суюкли хотуни (Муал.).

⁴ Моҳазар – таом.

⁵ Суннат – одат.

шу йўсун бетартиб таҳоратланиб ичкарига кирди. Нигор ойим ошхонада мантиларни қасқонга териб қозонга уяр, Раъно бўлса айвонда кичкина укалари орасида ўлтурар эди.

Дадаси йўлакдан кўриниши билан Раъно Масъудни кўтариб турди. Ва қозиқдағи салла-чопонни олиб, айвон муюшига келди. Болалар ҳам дадалари олдида адабланишдилар.

– Анвар аканг келмади, суфа ёлғиз, – деди маҳдум, чопон, саллани кия-кия, – асрга бориб келгунимча, сен суфага чиқиб турчи, Раъно.

– Хўб.

Отаси чиқиб, кеткач, Раъно қўлида укаси билан ташқарига йўл солди. Унинг кетидан Маҳмуд ва Мансурлар ҳам чопишдилар.

– Раънапа, Раънапа! – деб Мансур йиғи аралаш ўзидан чопиб ўтмакчи бўлган Маҳмуднинг устидан Раъно опасига арз қилди. Раъно боқчанинг суфасига етаёзган эди. Мансурнинг йиғи шовқуни яна ҳам кучайиб, рақобат ўти ёниб кеткач, Раъно тўхтаб Маҳмудни койишка мажбур бўлди:

– Маҳмуд, Маҳмуд, эси йўқ Маҳмуд!

Маҳмуд тўхтади, аммо Мансурдан олдинга ўткан эди. Мансур бу мағлубиятка чидалмай асабийланиб, ерга ўлтуриб олди ва дунёни бузуб фарёд кўпорди. Раъно келиб Мансурни турғизди ва кийимига ўлтурган чангларни қоқти:

– Йиғлама, опаси, йиғлама, – деди, – ҳали дадаси Маҳмудни дум-дум! Қараб турчи, сен Маҳмуд, отанг келганда айтмасамми?!

Мансур «Раънапа»сининг ҳимоясидан сўнг унинг етагида суфага қараб юрди. Аммо Маҳмуд анча эзилган эди:

– Дадам йима¹ қиларди? – деб сўради турган жойидан.

– Келсинчи, ҳали. Тунови кунги чивик эсингдан чиқдимми?

Маҳмуд жавоб бералмади. Унинг кўзида аччиғ аралаш кўрқув бор эди. Раъно кичкина укаси бағрида суфага чиқиб ўлтурди. Мансур «Раънапа»сининг елкасига суяниб, йўл устида серрайиб қолган Маҳмудга ғолибона бир турда истехзо қилар эди. Маҳмуд бу ҳолга ортиқ чидаб туrolмади. Ўзининг енгилишига сабабчи бўлган Раънодан ўч олмоқ мақсадида:

– Муллатанинг хотуни, муллатанинг хотуни... эй, эй, эй!

Раъно кулди:

¹ Йима – нима (Муал.).

– Қараб тур, қараб тур, сен адабсиз, – деди ва Маҳмудга ҳужум қиладирғандек қўзғалиб қўйди.

– Билдим, билдим: муллатанинг хотуни, муллатанинг хотуни! – деди Маҳмуд ва ичкарига қараб қочти.

Раъно кулимсираб Мансурга қаради:

– Шундайми, мен муллатанинг хотуними-а? – деб сўради. Мансур жавоб ўрнига йўлакка қаради ва сўюнчи ичига сигмаған ҳолда суфанинг зинасига югурди ва кичқирди:

– Муллата, муллата телли, телли!

Раъно ҳам йўлакка қараб қизариниб кетди ва олдиға тушиб тартибсизланган сочини орқасига ташлаб тузатинди. Йўлакда кўринган ёш йигит («муллата») суфанинг йўли бўйинча келмакда эди. Қора чивик беқасамдан ҳарир тўн кийган мавзун қад Анвар биринчи қарашдаёқ кўзга дўндик ва кўркам кўринар эди. Қора сурмалик кўзи Раънода экан, ўзига югуриб келгучи Мансурга йўл устида чўнқайиб қучоғини очти. Мансурнинг юзидан ўпкач, кўтариб суфага юрди. Анварни қаршиламоқ учун бўлса керак, Раъно ҳам ўрнидан туриб суфанинг зинасига яқинлашди. Ва табассум аралаш «Ҳорманг» деди.

– Соғ бўлинг.

Анвар суфага чиқиб, Мансурни ерга қўйди. Кафшини еша-еша Раъно томонға энгашиб, ўзига талпиниб турган Масъуднинг юзидан ўпти ва уни Раънодан олди. Масъуд Анварнинг қўлига ўтқач, сапчиб гувранди ва қийқириб товланди. Раъно икки қўлини узатиб «кел менга, кел» деди. Масъуд буралиб Анварнинг бағрига сиқилди. Кулишдилар. Анвар болани ўпиб сўйди. Раъно Масъудни янди: «Сен қараб тур, бижи бола» деди. Анвар болани кўтарганча кўрпачага ўлтурди. Чап тизасига Мансур ёпишди ва унинг ёнига Раъно қўшилди... Шу йўсун икки орада бирмунча вақт Масъудни сўйишдилар. Анвар болани Раъноға бергандан кейин симоби шоҳи салласини олиб ёстиққа ташлади ва рўймоли билан қоп-қора бўлиб чиқа бошлаған муртини тузатди. Раъно қаршида тик турар эди.

– Тинчликми?

– Бетинчлик, – деди кулиб Раъно.

– Айни муддао экан бўлмаса... Ҳа, айткандек, – деди Анвар ўлтурган суфасига ишорат қилиб, – бу кун жой катта солинған?

– Меҳмон келар эмиш.

– Ёлгонинг курсин, Раъно, – деди Анвар кулимсиб, – қандай меҳмон?

– Мен қаёқдан билай, қандай меҳмон... фотиҳага кишилар келар эмиш, деб эшитдим.

– Фотиҳаси қанақа?

– Билмасам қанақа?

Анвар ўйланиб, яна кулимсиди:

– Сенинг фотиҳанг бўлмасин?

– Меним қандай фотиҳам бўлсин, мен ҳали тирикман.

– Тескарига бурма, Раъно, балки сени эрга бермакчидирлар?

Раъно қизариб турди-да, яна гапни кулгуликка олди:

– Мени кимга берар эмишлар?

– Сеними? – деди кулиб Анвар, – сени хондан бошқа ким олсин?

Раъно қўлидаги укасига қараган ҳолда:

– Сиз шунга маслаҳат берсангиз... мен қандоғ қилай, – деди ва Мансурни чақирди, – тур Мансур, кетамиз.

Раънода аччиғланиш намоиши бор эди. Анвар Раънодаги бу ўзгаришдан ўнггайсизликқа тушди:

– Раъно, – деди. Раъно зинадан тушиб бошлаган ҳолда тўхтади, – чинини сўзла, меҳмон келиши аниқми?

– Меҳмон келиши аниқ, ҳам келди, – деди Раъно жиддий.

Анвар ажабланди:

– Меҳмон келди?

– Келди.

Анвар теваракка қаранди:

– Қани меҳмон?

Раъно қўли билан Анварнинг ўзига ишорат қилди:

– Ана меҳмон, – деди.

Анвар кулди:

– Мен меҳмонми?

Раъно жиддий равиш билан:

– Албатта, сиз бизга меҳмонсиз.

Анвар яна кулди. Бироқ унинг бу сўнгги кулишида кучланиш бор эди:

– Мен сизга меҳмонми?

Раъно кулимсиб ер остидан Анварга қаради ва қўлидаги хархаша қилиб бошлаган болани овитиш учун тебранди.

– Билмасам...

Раънонинг юзидан бояғи жиддият йўқолгандек эди. Анвар ҳам маънолик ҳазилни ташлаб чин ҳазилга ўтди:

– Меҳмоннинг қорни оч, Раъно, – деди, – албатта кадрлик меҳмон учун тансиқроқ таом пиширғандирсиз, деб ўйлайман. Бу кунги таомингиз исмини лутфан марҳамат қилсангиз эди.

– Меҳмоннинг вазифаси, – деди Раъно жавобан, – иззати билан ўлтуриш ва олдиға қўйган нарсани махтаб-махтаб ейишдир...

– Тўғри айтасиз, отин биби, – деди Анвар, – бироқ бу кунги меҳмондорчилигингиз ҳам кечагидек убра билан бўлса, махтаб-махтаб қўлингизға қайтариб беришим ҳам аниқдир.

Раъно бутун товшини қўйиб кулиб юборди:

– Бу кун қўғурма шўрбаға, – деди Раъно кулги ичида, – қаттиғ нон тўғраб ейсиз, жаз ўрниға шалғам чайнайсиз.

– Офарин, – деди Анвар, – бу кунги меҳмондорчилигингиздан қарийб мамнун бўладирғанға ўхшайман. Агар мумкин бўлса, шуни ҳам билсамки, бу кунги шалғам шўрба катта отин бибининг қўлларидан тановул қилинадирми ёки кичик отин бибининг?

– Меҳмон учун бунинг фарқи йўқдир...

– Бироз янглишасиз Раънобону, – деди Анвар, – чунки қўлдан-қўлнинг катта фарқи бор.

– Фарқи бўлса... бу кун кичик отин бибининг қўлларидан шалғам шўрба тановул қиласиз.

– Бу ҳолда афу этасиз, Раънобону... Башарти кичик отин бибининг қўлларидан тановул қиладирған бўлсақ, шалғам шўрба эмас, бизнинг учун қуш шўрбадир.

Бунга қарши Раъно нимадир айтмоқчи бўлган эди, ташқаридан оёғ товшини сизди, Анварга бир кулиб қаради-да, Мансурни етаклаб ичкарига чопди.

10. Хайрихоҳ бир одам

Раъно ичкарига қайрилмасдан боқчаға маҳдум кирди ва ташқарини чақирди:

– Марҳамат Шаҳидбек, марҳамат!

Раъно ичкарига кириши билан домланинг орқасидан ҳарсиллаган, гурсиллаган элли ёшлар чамалиқ семиз бир киши

кўринди. Кўк салласи манглайининг усти билан ўралиб, ўсиқ қоши қовоғиға ётқан бу бекнинг белидаги кумуш камари бениҳоят ўсиб тушкан қорнини юқориға кўтариб туриш вазифасини адо қилар эди.

Эшик остида Шаҳидбек билан махдум ораларида онглашилмаслиқ юз берди:

- Сиз юринг!
- Сиз юринг!
- Мен рози!
- Адабсизлик бўлади-да, хррр...

Ортиқча такаллуфни Шаҳидбекнинг ўзи қабул қилса ҳам ғўшти қабул қилмас эди. Такаллуфланиб ўлтурса борган сайин ўзига беҳузурлик ортар эди. Шунинг учун махдумнинг олдиға тушиб жўнади ва йўл устида «мирзо Анвар ҳам келган экан, хррр...» деб қўйди.

Анвар уларни қарши олди, суфаға чикдилар. Шаҳидбек Анвар билан энтика-энтика кўришқач, жой кўрсатилмасданок суфанинг тўриға ўтириб олди. Чунки зинадан чиқишда анча эзилган, такаллуфгача кутишка тоқати қолмаган эди. Фотиҳадан сўнг ўлтурган ерида уст тўнини ешди, белидан камарини олиб ёниға қўйди, салласини чиқариб ёстикнинг устиға ташлади ва рўймоли билан манглайидаги терларини артиб ўзини елпиди:

- Хўб саломатмисиз, мирзо, хррр?
- Шукур, ўзларидан сўрасақ?
- Алҳамдулиллоҳ.

Сўнгра махдум Анвардан ҳол сўради:

- Бироз кечикдингизми, Анвар?
- Зарурроқ ишлар бор эди.
- Сармунший қазо қилиб, – деди Шаҳидбек, – ҳамма оғирлик сизнинг устингизға тушкан бўлса керак, мирзо, хррр?

– Шундай, – деди Анвар, – лекин баъзи вақт вилоятларга ошиғич юбориладирган нома ва фармонлар чиқиб қоладир. Шундай кезларда ҳатто тунаб ишлашқа ҳам тўғри келадир.

Шаҳидбек қайта бошдан манглайиға терилиб қолган терларини артди:

- Иложи йўқ, иложи йўқ...

Анвар ер тегидан махдумга кўз қирини ташлағач, ўрнидан туриб тўнини ешди ва зинаға бориб кафшини кия бошлаган эди, махдум буюрди:

– Ичкарига кириб, хабар олинг, таом тайёр бўлган бўлса, олиб чиқсангиз ҳам маъкул.

– Хўб.

Анвар ичкарига кетди. Унинг орқасидан кузатиб турган Шаҳидбек махдумга қаради:

– Мирзонинг тарбиянгизга келганига кўб бўлган чиқар?

– Қарийб ўн тўрт йил.

– Ўз фарзандларидек бўлиб қолган-да?

– Ундан ҳам афзал.

– Ожизалари ҳам етиб қолган бўлса керак?

– Иншооллоҳ.

– Худо ёш берсин, – деди Шаҳидбек, – мирзони ўзларига домод¹ қилсалар ҳам бўлар экан, хррр...

– Ушбу мулоҳазамиз ҳам йўқ эмас, – деди махдум. – Модомики, болани ёшлиғидан ўз фарзандимиздек парвариш қилдик, эндиликда ўзимизга домод ҳам бўлсин, деб ожизамизни сўратғучи кўб олий насаб хонадонлардан қатъи назар қилиб келамиз...

– Баракалла, – деди Шаҳидбек, – асли инсоф шудир... Иккиламчи, домодлик учун насабдан илгари илму адаб, фазлу камол лозимдирким, бу ҳам ўзларидан махфий эмас, хррр...

– Ҳабба, – деди махдум кўзини қисиб, – биз ҳам шу гапларни мулоҳаза қилиб қолдик.

Шаҳидбек махдумнинг маҳалла аҳлларидан бўлиб, Худоёрхон закотчиларининг биридир. Мундан илгари Шаҳидбекнинг махдум билан унча яқинлиги йўқ ва ҳатто ўзган йилларда маҳалла кишиларидан баъзиларини махдумнинг имоматига қарши қўзғатиб юрган эди. Домла билан дўстлашиш тарихи эрса икки-уч кундан беридир. Чунки шу кунларда Анварнинг сармунший бўлиш эҳтимоли шаҳарнинг катта-кичиклари орасида сўзлашилиб қолди. Шу эҳтимол натижасида махдумнинг дўст ва душманлари ўйлашга мажбур бўлдилар. Жумладан, бизнинг Шаҳидбек закотчимиз ҳам шу бир неча куннинг орасида қарийб бир чорак этини йўқотаёзди. Чунки закотчилар қисман бош мунший қўл остидаги молия бекларидирлар. Агарда Шаҳидбек махдум билан алоқасини тузатмаган ҳолатда Анвар мунший таъйинланиб қолса, бирар «фожиъа» бўлиш эҳтимоли бор эди. Шаҳидбек фикрича, гўё махдум Анварга: «Фалончибек

¹ Домод – куёв.

фалон вақтда менга мундай адоват қилган эди. Энди фурсат келганда сен уни закотчиликдан бекор қил», деб буюрар, Анвар ҳам устозининг сўзини ерда қолдирмай сармунший бўлган кундаёқ Шаҳидбекни хизматдан бўшатдирар эди...

Шаҳидбек Анварнинг сармунший бўлишини, табиий, хохламас эди. Аммо Анварга қарши бир иш қилиш кучига ҳам молик эмас эди. Гарчи, ҳозирда Анварнинг сармунший белгиланиши бир эҳтимол бўлса ҳам, Шаҳидбек ҳар эҳтимолга қарши чора кўриб қўймоқчи бўлди. Мундан уч-тўрт кун илгари махдумга яқинлашиш андишасида аввало унга иқтидо¹ қилиб намоз ўқуди (илгари махдумнинг орқасида намоз ўқумас эди). Хуфтан намозидан кейин халқага кириб махдумнинг тиловатига сомеъ бўлди. Иккинчи кун эрталабки намоздан сўнг махдумга салом берди ва ундан аҳвол сўраб: ... «Эшитиб жуда хурсанд бўлдим, ҳар начук сармуншийнинг ўз кишиларимиздан бўлгани яхши; бу тўғрида ўрдалиқ оғайниларга илтимос ҳам қилиб қўйдим», деди. Махдум ўз ишида қанча пишиқ бўлса ҳам, лекин дўст билан душманни ажратолмас, яна тўғриси – неча йиллик адоватларни икки оғиз ширин сўз ёки беш пул манфаат эвазига унутиб юборғучи эди. Бунда ҳам шундай бўлди: «Баччаталоқ, адоватни ташлаб шайтонга ҳай берибдир. Анварнинг сармунший бўлишига суюнибдир, шайтони зўр бўлса ҳам, инсофи чакки эмас», деб Шаҳидбекка дўстона муомала қилди ва Анварнинг иши тўғрисида билганини сўзлади; ҳали аср намозиға чиққанда яна Шаҳидбек билан учрашиб сўзлашди ва Анвар «аҳмоқ»нинг бу ишка норизолиғидан шикоятланди. Шаҳидбек бироз ўйлағандан кейин: «Мен ўзим мирзо Анвар билан бир сўзлашай бўлмасам...», деди. Чунки башарти Анвар бош мунший бўлиб қолса ва бунда ўзининг ҳам иштироки бўлса албатта... ҳа-дея. Шу мулоҳазада Шаҳидбекнинг кўзи аллақанча жойларни кўриб олди.

– Мирзонинг уйда бўлиш вақтини айтсангиз, ўзим олдиға кирар эдим, – деди.

Анвар «бекор гап, анчайин бўлмағур гап», деб махдумнинг бу тўғридағи саволларига аҳамиятсизгина қилиб жавоб берар ва шунинг учун махдум ҳам бу кунгача масалага ишончсиз қараб келар эди. Алҳол эрса бу гап бутун Қўқон халқи оғзида сўзланиб қолди ва бунинг устига Султонали мирзо махдум-

¹ Иқтидо – тақлид қилиш, эргашиш.

дан жиддий илтимос ҳам қилиб кетди. Шу сабабларга биноан махдумнинг назарида Анварни кўндириш масаласи жиддийлашкан ва Шаҳидбекнинг ҳалиги сўзидан кейин ўз ёнига кўмакчилар, кенгашчилар олиш лузумини ҳам ҳис эткан эди. Шу мулоҳаза билан Шаҳидбекнинг ҳалиги таклифини маъалмам-нуният қабул қилди:

– Ҳабба... алҳол Анвар уйга келган бўлса керак; лозим топсангиз мен билан бирга марҳамат қилингиз, – деди.

Шаҳидбек Анвар билан сўзлашкали ва уни кўндиргали келгандек кўринса ҳам, аслида ғаразсиз одам эмасдир.

11. Махдумнинг таҳдиди

Анвар ўртага дастурхон ёзиб, икки лаган манти чиқариб қўйди, уч киши қамти ўлтуриб, манти тановул қилишдилар. Таом асноси Шаҳидбек секин-секин мақсадга ёндашиб келди.

– Халқ оғзида дув-дув гап, – деди манти чайнаб, – гўё сиз марҳум сармунший ўрнига насб¹ қилинар эмишсиз, деб... Бу ҳақиқат гапми ёки овозами, яхши пайқолмадиқ. Бу сўзнинг ҳақиқатини ҳозир ўзи сиздан эшитамиз-ку ва лекин сизга хайрихоҳ бўлган тақсирим ва мендек кишиларни бу шойиъа² бениҳоят хурсанд қилди, хррр... Дарҳақиқат, бу мартабага ниҳоятда лаёқатингиз бор эканини ўрда арбобларидан ҳам эшитамиз...

Шаҳидбек сўзни шу жойга келтириб махдумга қаради. Махдум соқолидаги хамир ушоғини олиб, меҳмонни лаганга тарғиб қилди.

– Кеча ва ўткан кунларда, – деди махдум лагандан олган мантисини қўлида ушлаган кўйи, – бу шойиъаларга мен ҳам ишонмагандек эдим. Аммо бу кунги довруқ мени ҳам таажжубка қўйди. Воқиъан Анвар сармуншийликка мансуб қилинса, не ғаройиблиғи бор? Алҳамдулиллоҳ, фазли кофий, ақли солим³, истеъдод бўлса боз инчинин⁴...

Анвар қўли лаганда экан, кулимсиб қўйди. Шаҳидбек кеч харорати ва манти иссиқлиғи таъсирида яна ўбдан терлаган эди. Рўймоли билан манглай ва бўйин терларини артар экан, Анварга қаради:

¹ Насб – тайинлаш.

² Шойиъа – ёйилган, тарқалган хабар.

³ Ақли солим – соғлом ақл.

⁴ Инчинин (инчунин) – шунингдек.

– Хўш, мирзо Анвар?

– Шундай гаплар бор, – деди Анвар, махдумга кўз қирини юбориб, – аммо бу гаплар меним хоҳишим ва рағбатим хорижда бўлмоқда. Шунинг учун бу шойиъаларга аҳамият бериш-ка арзимайдир.

Шаҳидбек махдум билан кўз урушдириб олди.

– Яъни сиз сармуншийликни хоҳламайсиз? – деб сўради.

– Албатта.

– Сабаб?

– Сабаби шулки, – деди Анвар, – мен бунингдек масъул, айниқса, тантаналик вазифаларга ҳаваскор эмасман.

– Албатта, шундай-ку, – деди Шаҳидбек, – аммо киши, алаҳхусус¹ сизга ўхшаш йигитлар ҳамиша бир ўрунда ўлтуриб қолмайдирлар. Тажриба, истеъдодлари ўскан сайин, юқорирок мартабаларга мина борадирлар. Шунингдек, сизни ҳам юқори мартабага кўтармакчига ўхшайдирларким, хррр... буни сизнинг ҳаваскорлигингиз эмас, фазлингиз тақозо қилиб, бунда сиз асосан ҳар қанча қарши бўлсангиз ҳам, хррр... лаёқатингиз яна сизни бу хизматни қабул қилишга мажбур этадир.

– Кишилар муболаға қилгандек менда истеъдод йўқ, – деди Анвар, ерга қараган ҳолда. – Ундан кейин ўрдаға кечагина борган менга ўхшаш ёшларнинг «бош мирзо бўламан», деб умидланишлари айна бир кулгидир. Яъни, демакчиманки, бу вазифа тамаъида ўн, йигирма ва балки ўттуз йиллаб кўзини тўрт қилиб келган муншийлар, муфти ва шоирлар бор. Уларнинг ёнида менга ўхшаш бир ёш тажрибасизнинг ҳам тамаъланиши кулги эмасми? Айниқса, ўрдадаги урфи одатларни ва тажрибаларни ўз кўзидан ва бошидан кечириб турган кишилар томонидан бу шойиъани дуруст деб ишонилишига таажжуб қиламан...

Шаҳидбек қўлини артар экан кулди:

– Шу ишончсизлигингизнинг ўзи ҳам бир болалиқ.

– Болалиқ, болалиқ, – деб қўйди махдум.

Манти тановул қилиниб битди. Махдум лаганлар тегини ичиб-ялади. Фотиҳадан сўнг, лаган ва дастурхонларни ичкарига элтмакчи бўлган Анварни Шаҳидбек тўхтатди:

– Лаганларни қўйиб турунг-чи мирзо, илгари ҳалиги масалани ешайлик.

¹ Алаҳхусус – хусусан.

Анвар қўлидағи дастурхон ва лаганни суфа лабига қўйиб ўлтурди. Махдум гулдурос билан кекириб, устидан «алҳамдулиллоҳ» ҳам деб олди.

– Хўш, мирзо Анвар?

– Гап бояғича, бек ака, – деди Анвар, – бу масала аҳамият беришка арзимайдир.

Шаҳидбек махдумга қаради. Махдум Анварни жеркти:

– Арзийдирми, йўқми, ахир, сўзга қулоқ бер-да, Анвар болам.

– Хўб, марҳамат қилсинлар.

– Эшитишимизга қарағанда, – деди қўлини ўйнатиб Шаҳидбек, – жанобга манзур қилинганлар орасида сизнинг ҳам номзадингиз бор экан.

Анвар кулимсиди:

– Бор деб эшитдим.

– Ўрдадағи ишончлик кишиларнинг сўзларига қарағанда, ёрлиғ сизнинг отингизга бўлар эмиш.

– «Бўлди» билан «бўлар эмиш» орасида катта фарқ бор.

– Хўб, – деди ўзини елпиб Шаҳидбек, – биз бу иккисини бир ёққа қўйайлик-да, икки орадан «башарти бўлса» феълини олайлик, хе-хе-хе... Башарти ёрлиғ сизнинг исмингизга бўлиб қолса, сиз шунда нима қиласиз?

Анвар кулиб махдумга кўз қирини ташлади.

– Сиз бу «башарти бўлса»га ҳам ишонманг, бек ака.

Махдум хўмрайиб Анварга қараб қўйди. Шаҳидбек яна сўради:

– Ахир, шу эҳтимолга қарши жавоб беринг-да, хррр.

– Мен истеъфо ва узр аризаси берар эдим...

– Ҳамоқат!¹ – деди махдум ва тесқари қараб олди.

Шаҳидбек таассуф қилган каби бошини чайқади:

– Бу сўзингиз билан бояғи гапингизга қарши бордингиз. Боя «мендан бошқа бўладирганлар ҳам бор, мен бу ишка умидланмасам ҳам бўладир», дегандек қилган эдингиз, ҳозир эрса бошқа нарсани айтасиз, хррр.

– Куфрони неъмат, нон тепкулик, – деди махдум. Анвар яна кулимсиди, аммо жиддий тус олган эди:

– Хайр, кишилар ўйлағандек, меним мирзобошилиққа истеъдод ва лаёқатим ҳам бўлсин, агар ёрлиғ берсалар, бу вази-

¹ Ҳамоқат – аҳмоқлик.

фани қабул ҳам қилайин, – деди, – аммо анови – йигирма-ўттуз йилдан бери шу мансабнинг қайғусида келган кишилар тинч ётадир, деб ўйлайсизми, ҳар замон оёғимдан чалмайдирлар деб ишонасизми? Мана шу андишада тубан ва аҳамиятсиз бўлса ҳам, ҳозирги хизматимни аъло кўраман ва шу мулоҳаза билан тақсирим айтканларидек, куфрони неъмат қилмоқчи бўламан.

Шаҳидбек махдумга қаради, махдум Анварга қарши чиқди:

– Сен ўз ишингни билиб қилсанг, вазифангда суствлик кўрсатмасанг, – деди, – сенга бутун олам душман бўлганда ҳам бир мўйингни ҳам қилолмас. Чунки ҳақ ҳамиша ғолибдир, ҳақсизлик эрса мағлуб. Тухмат ва бўхтон хавфида маъракадан¹ юз ўгуриш – йигитларнинг иши бўлмас. Чунончи, ушбунинг мисоли туркийда ҳам бор: «Чумчукдан кўрқиб, тариқ элмаган», деб кўрқоқ кишиларни масхара қиладирлар. Шунга ўхшаш сен ҳам чумчукдан кўрқиб, тариқ элмагучилар хилидан бўлсанг... мен янглишиб юрган эканман-да, болам!

– Ҳақиқат... – деб кулди Анвар ва бироз ўйланиб тўхталди. – Ҳақнинг ҳақсизлиққа ғолиб келганини оғизда эшитсам ҳам, шу чоққача амалда кўралмадим, – деди, – масалан, мендан ҳам ўзингизга равшанроқдирким, мирзолардан Саидхон, мулла Сиддиқ ва Мўминжонларнинг бошига қандай фалокатларни солмадилар, ҳолбуки, ҳақиқатда улар хон ўйлаганча хиёнатчи кишилар эмас, фақат бу учавининг ёмонлиқлари бир неча адоватлик мирзоларнинг тўқума тухмат ва бўхтонлари эди², Айниқса, ўзим бир неча йилдан бери ўрдада ишлаб, шунингдек ўз

¹ Маърака – жанг майдони.

² Бир вақт Худоёр, «одил подшоҳ» бўлмоқ ниятида мазкур уч мирзони махфий равишда вилоятларга жўнатиб, уларга: «Золим бекларим, порахўр қози ва бошқа амалдорларим бўлса, менга билиб берингиз, мен уларнинг жазоларини бераман», деб буюради. Саидхон, мулла Сиддиқ ва Мўминжон – бу учави вилоят, туманларда неча вақт махфий кезиб, бек, қози, умуман, мансабдорларни текшириб чиқади. Уларнинг тўғри баҳо беришлари натижасида маъмурлардан қарийб тўқсон фоизи золим ва порахўр кўрсатиларди. Хон бу ҳолга ҳайрон бўлиб, ўрдадан бир неча кишиларга сирни очади. Бу кишилар бояғи уч мирзонинг рақибларидан бўлиб, хонга иғво қилади. Мирзолар ўзларига пора бергучиларни яхши кўрсатиб, бермагучиларни ёмон кўрсатади. Йўқса сизнинг овони адолатингизда шунчалик ёмонлар бўладими? Бу кўрнамаклар нафс сўзига кириб, жанобингизнинг аксар содиқ кулларингизни сиздан юз ўгуришларига ва салтанатингизга раҳна солишга сабабчи бўлмасинлар», деб. «Одил подшоҳ» бу иғвога лаққа учиб мазкур уч мирзонинг кулоқ-бурунларини кесиб, ўзларини ўрдадан ҳайдашқа ва улар кўрсаткан ўн фоиз яхши кишиларни ҳам ишдан олишга буюради. Анвар эса юқорида шу воқеага ишорат қилмоқдади.

ора фиску фасодларни ҳар кун учратмакдаман ва шунинг учун булганч бир муҳитда мундай талашлик вазифани ўз устимга олишдан ҳазар қиламан.

– Сенинг мисолинг, – деди маҳдум, – нодиран воқиъдир... Агар шундай ҳодисаларни ўйлаб турсанг, ўрдада эмас, ҳатто кўчада ҳам юришинг маҳолдир. Бахтинг бунчалик кулган экан, жабонат¹ билан давлат кушини қўлдан учуриш куфрони неъмат, болам!

– Ҳа, тақсир, – деди Шаҳидбек, – айни ҳикмат сўзлайсиз... Укам мирзо Анвар, бахт деган нарса йигитка бутун умрда фақат бир мартаба қарайдир, хррр, агар шунда маҳкам тутиб қолсангиз, хўб, бўлмаса ҳамиша отнинг кейинги оёғисиз-да.

– Тилак ва ташвиқотларингиз холисона бўлгани учун ташаккур айтаман, – деди Анвар, – яна шу ҳолда мени маъзур кўрасиз...

Маҳдум яна қизишди, ўнг кўзини қисиб, бир ёқлама Анварга қаради. Чунки ул жуда аччиғи чиққан кезларда кишига шу хилда қарар эди.

– Мен ким, Анвар?

– Сиз... Сиз устозим...

– Бас, устозингнинг, – деди маҳдум, – шу кунгача қайси таълимидан зарар ва қайси кенгашидан зоеғлиғ тортдинг?

– Нафдан бошқа ҳеч. Лекин ўз умримда бир густоҳлик² қилмоқчиман.

Маҳдум яна аччиғланиб, бир-икки тамшанди:

– Бошқа нарсага густоҳлик қилсанг қил, илло ҳозирғи инондинг³ айни ҳамоқат! – деди қўлини пахсалаб, – агар мен сенга устоз ва ота бўлсам, бу ишка қулоқ қоқма, илло ўзинг бил, тузукми?!

Анвар индамади, чунки маҳдум кейинги жумла билан маълум бир таҳдидгача бориб еткан эди.

– Қизишманг, қизишманг, – деди Шаҳидбек, – мирзо Анвар сиз ўйлаған йигитлардан эмас. Албатта, мирзо Анвар айткандек, хррр... ўрдада ўшандай гаплар ҳам йўқ эмас ва лекин мен азмойишчи⁴ бўлсам, хрр, шуни айтиб қўяйки, ўрдадағи катта-

¹ Жабонат – юраксизлик, қўрқоқлик.

² Густоҳ – адабсиз, андишасиз; эркин, эрка.

³ Инод – ўжарлик, қийиқлик.

⁴ Азмойиш – мушоҳада, ўйлаш.

дан кичик мирзо Анварга ҳурмат билан қарайдир. Чумолини оғритмаган кишига ким ҳам адоват қилсин, хррр...

– Ҳабба! – деди маҳдум, – энди нима қолди; орада гўдаклик хавфидан бошқа ҳеч гап йўқ... Ойиға қирқ тилло вазифа, анвоъи ҳадяи шоҳона, яна – элдан кўриладирган обрў, ҳурмат, ҳай, ҳай, ҳай...

Маҳдумнинг кейинги жумласи Анварни кулимситди. Кучланиб жиддиятини сақлаган ҳолда:

– Ҳозирча мени бош мунший қилиб ёрлиғ берганлари йўқ, – деди, – шунинг учун бу тўғрида сўзлашиш менга қолса ҳали эртароқ кўринадир.

– Мен ҳам буни билиб турибман, болам Анвар – деди маҳдум. – Башарти бу мартабани Худойи таоло сенга насиб қилса, ҳалигидек болалиқ ақлинг билан нобуд қилиб қўймагил, деб сўзлайман. Эшитишимга қарағанда, жанобға бир ариза ёзиб, узр баён қилмоқчи эмишсан...

– Ким айтди?

– Ким айтканини қўябер, аммо бояғи ҳаракатларинг бу кори баддан ҳам қайтмаслигингга бизни ишонтирадир. Дарҳақиқат, ушбу хабар тўғрими?

– Сизга арз қилган киши балки билиб сўзлагандир... Башарти сиз бу фикримни маъқул топмасангиз... албатта мажбурман.

– Ҳабба, – деди маҳдум тамом очилган қиёфатда, – гўдаклик лозим эмас, жабонат кўб мазмум¹ суфат, «Осилсанг ҳам баланд дорға осил» мақоли кўб пурҳикмат сўз.

Маҳдум шу гапни айтиш ораси қонё² ва мағрур Шаҳидбекка қараб олди. Чунки ул бу мағруриятка икки жиҳатдан ҳақли эди; «башарти сиз маъқул кўрмасангиз...», деб Анвар ўз ризолигини маҳдумнинг ёлғиз шахси билан билдирди, ҳам шу жумла билан устозидан бошқаларнинг ўз раъйига қарши бора олмаслиқларини онглатди.

Яхшигина тушурилган манти ва одатдан ташқари энтикиб, ҳаллослаб кўб сўзлаш натижасида Шаҳидбек чарчаб, ёстикқа суяниб қолган эди. Шунинг учун ул икки орадағи онглашишни ёнбошлаган кўйи табрик этди:

– Балли, мирзо, балли, гап шундай бўлсин, хррр...

¹ Мазмум – айб, ёмон.

² Қонё – рози.

Бир-икки пиёла чой ичишкандан сўнг, махдум билан Шаҳидбек фотиҳа ўқуб, шом намозиға кўзғалишдилар. Анвар Шаҳидбекни ўрта эшиккача кузатиб борди. Шаҳидбек Анвар билан хайрлашар экан:

– Иншооллоҳ ёрлиғ оларсиз, деб ўйлайман... Бир неча закотчилар тўғрисида сиз билан кенгаширдиган гаплар ҳам бор. Ўз фарзандимиздек йигитсиз, сизнинг мирзобоши тайинланишингиз бизга айни муддао, – деди.

– Ёвда бўлса, тезаги тегар эмиш. Анвар ўз болангиз-да.

Анвар уларнинг сўзига қарши мажхул бир вазият сақлаган ҳолда бош қимирлатиб суфага қайтди.

12. Бахмалбофда фақир бир оила

Анвар 1267¹-нчи хижрия миёналарида Қўқоннинг Бахмалбоф маҳалласида² фақир бир оилада дунёга келди. Оналар туққан болаларини сизга «тилаб-тилаб олган фалоним» деб, оталар «Худой берган ўғулча» деб тақдим этадилар. Аммо бизнинг Анвар бўлса онасининг «тилаб-тилаб олғани» эмас ва отаси ҳам уни «ўғулчаға» ҳисобламаган эди. Отасининг касби бўёқчилик, ҳамиша ярим белидан нил сувига чўмилиб ётқан бир камбағал ва бир қарич, икки қарич болалардан бештасига дада эди. Шу беш боланинг ёниға иззатсиз, ҳурматсиз олтинчи «меҳмон» бўлиб бизнинг Анвар қўшилди. Яъни Анвар тилаб олинган бола эмас, дадаси билан онасининг тилақларига қарши, фақат уларнинг бахтсизлик ва қашшоқликларига хизмат қилғучи бўлиб туғилди. Бола тилаб олинса, сўйинч-қувонч, ноғорачи-сурнайчи ва шунга ўхшаш чўзма-чалпак, ис-чароғ маросимлари нуқсонсиз ижро этиладир. Аммо Анварнинг дунёга келиши мундай маросим, тантаналар ва орзу-ҳаваслар билан бус-бутун алоқасиз эди. Масалан, онаси ўз ёниға доя чақириб такаллуфланмади, тўнғуч қизи Нодиранинг кўмагида туғди; болаларини қўни-қўшниға сўйинчи учун чиқармади. Чунки қўшнилари «Қайси ҳолингға туғдинг?» ёки «ўзи ўлгур ит мизожми?» деб таъна қилишларидан чўчиди.

Шу ҳолда етти-саккиз кунлаб Анварнинг дунёга «ташрифи» сир бўлиб кечти. Анвар оҳорлиқ янги йўргак кўрмаганидек,

¹ Мелодий ҳисоб билан 1850 – 1851 йиллар.

² Бахмалбоф маҳалла – духоба тўқуйдурғанлар маҳалласи (Муал.).

оғаларидан бирининг эски бешигига тўққузинчи кун беланди эмас, тиқилди.

Анварнинг «чилласи чароғ кўрмаган» бўлса ҳеч боки йўқдир, бироқ йигирма кунлаб бешиқда исмсиз ётиши қизиқдир, чунки янги «кадрлик меҳмон»га от қўйиш на отасининг эсига ва на онасининг хотирага келган эди. Орадан йигирма кун ўтса-ку, болага исм қўймасалар, деб ота-онани айблаш оғир. Балки, Салим бўёқчининг тирикликдан қўли бўшамагандир. Анорбибининг бўлса олти боланинг хархашасидан қулоғи тинчимай, мияси суюлгандир, харҳолда бу «кадрлик» боланинг оти мухтарам маҳалла имоми тарафидан қўйилмаганидек, ота-она томонларидан ҳам насиб бўлмади. Исм қўйиш вазифасини йигирма иккинчи кунларда ўн икки ёшлиқ Нодира адо қилди.

Нодира ўз яқинларидаги махдумлардан бирининг боласини яхши кийими, айниқса, ёқимлик эшитилган «Анвар» исмига суқланиб, ҳавасланиб юрар эди. Ўйлаб-нетиб турмади-да, янги чақалоқ укасининг отини ҳам «Анвар» деб атади ва бешиқда чалқанча ётиб, нурсиз қора кўзлари билан дадасининг фақир ҳаётига «разм қўйган» бу чақалоқнинг теварагидан айланиб, «Анваржон, Анваржон!» деб хитоб қила бошлади. Шуни ҳам айтиб қўйиш керакки, Анварнинг дунёга келишини бирдан-бир табрик этиб сўйинган шу Нодира эди. Сўнграқ яна унга оналик мартабасида қолғучи, ҳатто шу кунгача Анварнинг энг меҳрибон кишиси бўлиб келгучи яна шу Нодирадир.

Шу йўсун Салим бўёқчининг мавридсиз лайлаклари ичида бемаҳал ғуррак бўлиб Анвар ҳам яшай бошлади. Болалари кўпайган сайин Салим аканинг иши ҳам кейинга кетканидек, кундан-кун, эҳтиёждан-эҳтиёжга ўтиб борар эди. Анвар уч ёшқа кирганда, беш йиллардан бери Салим акага ёпишиб олган бобосир касали унинг ёқасидан олиб йиқитишга муваффақ бўлди. Яъни Салим ака қонсираб, дармонсизланиб ётиб қолди. Муолажага пул керак, мундан ҳам илгари оиланинг умумий касали бўлган озиққа ҳам шу нарса керак. Салим бўёқчи сармосидаги нил, туз ва шунга ўхшаш дастмояларни сотиб, муолажа қилдирган бўлди. Дард анча улғайган эди. Бу чиқимлар фойда ўрнига зарар келтирдилар. Дўкон дастгоҳини сотиб, рўзғор қилди. Булар ҳам биткандан кейин бу оиланинг оғир кунлари бошланди. Очиқ, яланғочлик, айниқса, касал боқиш.

Шу қиш, айниқса, қаттиғ келган эди. Совуқдан сақланиш учун уларнинг ҳозирликлари йўқ. Ўпкасига совуқ тегдириб, Салим аканинг тўртинчи боласи ўлди. Кўкламга чиқар-чиқмас Салим бўёқчининг ўзи ҳам дунё билан видолашди. Бунинг устига Анвар, яна икки оғасига қизамиқ тошиб, бир бола мунда ҳам ўлиб берди. Шу йўсун олти ой ичида Анорбиби эридан ва икки боласидан айрилиб, тўрт гўдак орасида тирик бева бўлиб қолди. Нодиранинг бўйи чўзилиб қолган, ҳар начук бир жойини топиб кетар, аммо учта ёш боланинг иши қийин эди. Эридан болаларнинг тарбиясига ярарлиқ ҳеч гап қолмаган, бир-иккита хум, уч-тўртта мўнди ва шунга ўхшаш резров, бошқа бир бало ҳам йўқ. Анорбиби меҳнат билан яшаб, етти-саккизни туғиб, ёши ҳам қирқларға бориб, тусига ажин кириб, кексаймаса ҳам қаримсиқ бўлиб қолган, шунинг учун бирартага тегиб олиши тўғрисида ўйлаш ҳам беҳуда.

Анорбибига ўхшаш тул хотунларнинг қиладирган ишлари ҳар кимга ҳам маълум: маҳаллада дастурхончилик, бойлар эшигида оқсочлик, ҳунармандроқ бўлса, кинначилик ва ҳоказо. Анорбиби шу ҳунарларнинг ҳамасига ҳам қобилият эълон қилиб, болаларини боқиш фикрига тушди. Ва бу орада қизи Нодирани бир бўзчи боласига узатиб, юкини ҳам бироз енгиллатди.

13. Танийсанми, шу жажжи қизни?

Фалакми кажрафтор, турмушми бемаза, ҳар ҳолда Анварларнинг толеъи яна пастлик қилди. Бир кун Анорбиби биравникида юмуш қила туриб тўсиндан оғриб қолди, бир соатнинг ичида тилидан ҳам айрилди. Занбилга солиб ўз уйига келтириб ташладилар. Болаларнинг фиғони фалакка чиқди. Куяви табибга югурди. Натижада юрак фалажига йўлиққани маълум бўлиб, шу кун кечаси ҳатто уч гўдаги тўғрисида бир оғиз васият қилолмай вафот этди. Мозорға элтдилар. Тобут олдида икки оғаси билан олти ёшлиқ Анвар ҳам йиғлаб борди.

Ўн бир ёшлиқ Темир, тўққиз ёшлиқ Қобил ва Анварларни тарбия қилиш оғирлиғи Нодиранинг устига тушди. Марҳума онасининг ёдгорлари бўлган бу уч болани бегоналар қўлида хор қилиб қўйишни Нодира истамаса ҳам, эрининг фақирлиғи бунга монеъ эди. Таъзия кунлари ўткандан кейин ўғулликқа деб сўраганларға икки болани бериб юборди ва Анварни ўзи

билан олиб, онасининг қақир-куқурларини бир аравага ортиб эрининг уйига келди.

Нодира онаси ўрнига Анварнинг бошини силади, ювиб-та-ради ва Анварнинг истикболи учун қайғирди. Отаси ва ўз эрининг касбларига яхши баҳо бермагани учун Анварни бошқа киши қилмоқ фикрига тушти. Уни ўқутмоқчи, хатто мадрасаларга юбормоқчи ва шу йўсун муллалиқ даражасига етқузиб, отасининг уйига чароғчи қилмоқчи эди. Анварни ўзлари турган маҳалладан бир гузар нари бўлган Солиҳ махдумнинг мактабига берди. Анвар «тахта»дан ўқуш бошлади, зеҳнининг тиниқлигидан бўлса керак, ўн бир ёшида саводи чиқаёзди. Бироқ ўқишда қанча бахтли бўлса, пешанада ўшанча бахтсиз эди. Шундоғки, Нодира икки болалиқ бўлган эди. Эри: «Укангга едириб-кийдирайми ёки ўз болаларингними? Укангни кишига шогирд бериб юбор», деб Нодирани қисташга турди. Бечора Нодира оғир ҳолда Анварни кишига шогирд бериб, ўқушини зоеъ қилишга кўзи қиймайдир, эрига муқобала учун ҳеч бир мантиқ тополмайдир. Чунки эрининг холи ўзига маълум. Шу йўсун яна бир йил ўтиб, Анвар тўғрисида эри билан аччиғ-тизиқ бўлган бир кун паранжисини ёпиниб кўчага чиқди ва тўғри Солиҳ махдумнинг уйига борди. Шу вақтларда Солиҳ махдумнинг онаси Марғилонга кетмаган эди.

Нодира Моҳлар ойимга йиғлаб ҳасрат қилди. Ҳамма саргузаштларини бирма-бир сўзлади. Шу бола учун эридан чеккан изоларини чизиб:

– Улуғ даргоҳларингизга шу ятим боланинг умри зоеъ бўлмасмикин, ўқуши жуванмарг қилинмасмикин, деб келдим. Бир парча нонларингизни аямай, ятим бошини силасаларингиз, деб келдим, – деди.

«Қуш тилини қуш биладир», деганларидек, Нодиранинг самимий арзи бандачилиги Моҳлар ойим билан Нигор келиннинг юракларини эзди ва шу онда Моҳлар ойим мактабхонадаги болалар ичидан Анварни чақиртириб олди. Анвар келишкан, дўндик бола эди.

– Домласи мақтайдирған ўзимнинг зеҳнлик болам-ку, – деди Моҳлар ойим Анварни кўриши билан ва Нодирага таскин берди.

– Хўб, қизим, хўб, поччаси боқмаса боқмасин, мен ўзим боқаман, ўқутиб катта мулла қиламан.

Анвар поччасининг кейинги кунлардаги дағал муомалалари сабабини ўйлаб, хафаланиб юрар эди. Мохлар ойимнинг ҳалиги сўзи билан масалага тушунди ва ятимона бошини қуйи солди. Бу ҳолдан опаси таъсирланиб, кўзига ёш олди.

– Йиғламанг, жувон, – деди Мохлар ойим, – йўқлик қурсин, – йўқлик. Поччаси камбағал бўлса, унда ҳам гуноҳ йўқ, ҳамма гап тақдир азалдан. Яхши, бу кунданок бола сизникига бормайдир, ўз ёнимда ўғлим бўлиб ётадир. Отинг нима, катта йигит?

– Анвар...

– Ох, отинг ҳам ўзингга ўхшаш чиройлик экан... Манови дўндиқ қизни танийсанми?

Шу ўртада ўйнаб юрган олти ёшлар чамалиқ Раъно югуриб келиб, Мохлар ойимнинг бағрига кирди. Анвар ўзидан ҳам дўндикроқ Раънога қараб кулди:

– Раънохон, – деди.

Мохлар ойим Раънони бағридан чиқариб буюрди:

– Бор, Анвар акангга салом қил!

Раъно келинларча Анварга салом қилди ва жазб қилингандек Анварнинг яқинига бориб тўхтади.

– Кўриш, Анвар! – деди ойим.

Анвар Раънони бағрига олиб кучоқлади. Шу ҳолда Мохлар ойим кулимсиди.

– Агар ўлмасам, шу дўндиқ қизимни бериб, Анварни ўзимга қуяв қиламан.

Анвар уялиб бағридагини бўшатиб юборди. Хотунлар кулишдилар. Шу йўсун Нодира Мохлар ойимдан жуда хурсанд бўлгани ҳолда уйига қайтиб кетди.

Ўз уйида бир нонхўр ортиши махдумга, албатта, ёқмас эди. Бироқ, онасининг раъйини қайтаришдан ҳам ожиз эди. Шундоғ ҳам бўлса, «томоғи-ку, енгил, кийими оғирроқ. Кийимини опасининг устига қўймабсиз-да» – деди. Мохлар ойим «Кийими бир гап бўлар. Кишилар масжид, мадраса солғанда, биз бир ятим боқсақ, арзимайдими? Сенга оғирлик қилса, ўз бисотимдан кийинтирарман, болам», – деди.

Анвар ўн икки ёшида учунчи оилани кўрди. Лекин бу охирғиси Анвар учун ҳар жиҳатдан ҳам қулай бўлди: ўқушини давом этдирар, қорни панжшанбаллик нонлар билан тўқ, уст-боши ямоқ бўлса ҳам, яланғоч эмас эди. Бу учунчи оилага кўчишда Анварни энг хурсанд қилган нарса мактабдаги бола-

ларнинг озор беришларидан қутилиши ва домланинг асранди ўғли мақомини олиши бўлди. Болалар уни эҳтиром қилмасалар ҳам, унга бурунғича ёмон муомала қилишдан ҳайиқиб қолдилар. Анварга бу уйда ортиқча юмиш ҳам йўқ, чунки ҳар қанча уй хизматлари мактаб болаларидан ортмас, ўқушдан бўшаган вақтини Раънони ўйнатиб кечирар эди.

Ўн уч ёшида мактаб прўграммасини битириб, ёш бўлса ҳам халфалик, яъни домлага кўмакчилик қила бошлади. Ва ҳар кун болалар озод бўлгандан кейин маҳдум унга кофиядан¹ дарс берар ва «Гулистони Саъдий»дан бир неча банд ўқутиб, маъноси билан ёдлатар эди.

Ўн беш ёшида мактабни ёлғиз ўзи идора қилиш даражасига етканидек, яхшигина форсийхон ва бир даража араб тилига ошно бўлди. Маҳдум мундан бир неча вақт илгарилар Анварни мадрасага узатиш тўғрисида сўзланиб юрса ҳам, ҳозир бу гапни оғзиға олмай қўйди. Чунки мактаб ишида ялқовланиб Анварга суяниб қолди ва мадраса масаласини унутдириш мақсадида, араб, форс наҳв сарфидан² ўзи дарс беришка киришди.

Маҳдум Анварга шу жиҳат билан иноқ эди. Аммо Моҳлар ойимнинг Анвар билан муомаласи холис ва самимий бўлиб, ул Анварга ўз боласидек меҳрибон ва ҳар вақт: «Кўнглингни бузма, Анвар йигит; кўрасанми шу жажжи қизни? Албатта сенга бердираман!» дер эди. Лекин Моҳлар ойим ваъдасига етлмади. Маҳдумдан аразлаб Марғилон кетишка мажбур бўлди. Бироқ, кетар чоғида ҳам Анварни унутмади. Нигор келинни ўз ёнига чақириб: «Куявлик учун Анвардан яхшироқ йигитни тополмассиз, Раънога Худойим умр бериб, бўйи етса, албатта Анварга бердиргин» – деди.

14. Чин ўртоқ

Анвар ёшлиғида бўшанггина бир бола эди. Ўз тенгги болалар билан оз алоқа қилар, уларга кам аралашар ва ортиқча ўйнаб-кулмас, ҳамиша унинг кўзида бир мунг ётар эди. Бу ҳолат балки оила бахтсизлигидан, ота-она бағрида яйрамаганликдан туғилгандир, десак, унинг икки оғаси мундай эмас эдилар. Бир онадан неча хил бола туғиладир, деганларидек, Анварнинг

¹ Кофия – араб тили грамматикаси.

² Наҳв – синтаксис, сарф – морфология.

яратилиши оғаларига нисбатан бошқача эди. Махдумнинг уйида тура бошлағач, Анварда бироз ўзгариш кўрилди. Шунда ҳам болалар билан алоқасини эскича юрутиб, фақат Раъно ёнидагина ўйин-кулки боласига алишинар, Раънони етаклаб боқчага, кўчадаги катта сув бўйларига чиқиб ҳамроҳини боқчадаги гулларнинг исми, учиб юрган қушларнинг навъи, катта оқар сувлар ва айниқса Раъно каби ёш қизчалар учун бу сувларга йиқилиш хавфи ва шунингдек, бошқа масалалар билан унитанишдирар, кўчада ўлик кўтарганларни кўрса, бирарта боланинг отаси ёки онаси ўлганлигини сўзлаб, бунинг орқасидан: «Меним ҳам онам ўлганда ўшандоқ қилиб кўтарган эдилар... Мен ҳам шу боладек мозорга йиғлаб борган эдим», деб қўяр эди. Раъно ҳам Анварнинг сўзига диққат билан қулоқ солар ва кўпинча ҳисобсиз саволлар ила уни кўмиб ташлар, лекин Анвар зерикмас, ҳар бир сўроққа жавоб бериб, Раънони қаноатландиришга тиришар эди.

Анвар ёш бўлса ҳам жиддий ва кичкина мияси муҳокамага қобил, бошқа кишилар устига тушкан бахтсизликдан ҳам мутаассур бўлғучи эди.

Бола чоғиданоқ энг яхши кўрган нарсаси гулзор ва ундаги гуллар эди. Махдумнинг оиласига келиб тура бошлагандан сўнг боқчанинг гулзор қисмини ўз идораси остига олди. Гулларни суғориш, ўтларни юлиб, тозалаш вазифаларини ўзи бажарди. Гуллардан ҳеч кимга уздирмас, бир боланинг узиб олганини кўрса, ўзи хафа бўлганидек, болани ҳам хафа қилар эди. Болаларнинг дарағи билан ҳар кимнинг уйида бўлган янги гуллардан кўчат ва уруғ олиб, йилдан йилга гулзорни бойитди. Ёз кунлари келса, болаларни капалак ва олтин қўнғуз тутиб келишка буюрар; қийнамай, озор бермай заҳасиз капалак тутиб келганларга сабоғини ўқутиб қўйиш билан мукофот берар, капалак ва олтин қўнғузларни гулзорда учуриб юборар, агар улар гулларга қўниб қолсалар, ўзида йўқ сўюнар эди. Шунинг учун аксар ёз кунлари махдумнинг боқчаси оқ, нимранг, ола, зангор, малла, ложувард ва бошқа тус капалакларнинг ялт-юлт учишлари билан алоҳида бир кўринишка кирар, Анварнинг ўқушдан бўшаган кезлари гуллар ичида ва шу капалаклар орасида кечар эди.

Анвар ҳар ким учун ҳам сўйимлик ва хушмуомаласи барчага баробар эди. Аммо айниқса хуш кўрган кишиларидан би-

ринчиси Раъно ва иккинчиси мактабдаги шогирдлардан сабоқдош шериги Насим исмлики бола эди. Насим билан Анвар жуда яқин дўст, бир-бирини онглағучи сирдош ўртоқ эдилар. Гарчи Насимнинг отаси Қўқоннинггина эмас, бутун хонлиқнинг танилган кишиларидан ва бу икки боланинг синфий айирмалиқлари ер билан кўкча, лекин ёш дўстлар бунинг фарқиға етмаслар, Насим «хоннинг мирзобошисининг ўғлиман», деб ҳаволанмаганидек, Анвар ҳам «Салим бўёқчининг яtimi, Солиҳ махдумнинг асрандисиман», деб андиша қилмас эди. Бу икки бола бир жойда суҳбатка киришсалар, четдаги бир киши Анварни йиртиқ бўз кийимлар ичида ва Насимни шоҳи-адраслар билан ғарқ ҳолда кўриб, албатта «бу гадойбачча билан бекбаччанинг ўзаро нима муносабатлари бор?» деб таажжубланар, лекин дўстлар ҳали бунинг айирмасини идрок қилмаслар эди.

Ақсар жумъа кунлари махдумдан изн олиб, Анвар шу ўртоғининг уйига борар, кечкача Насим билан «суҳбатлашиб» қайтиб келар эди. Анвар шу муносабат билан Насимнинг отаси Муҳаммад Ражаб пойгачининг илтифотиға ноил ҳам бўлди. Насим ўртоғи Анварнинг ятимлиғини отасиға билдириб, мажбур қилган бўлса керак, бир неча ҳайит мавсумларида Муҳаммад Ражаббек Анварга кийимлар ҳам берди. Бу илтифот икки дўстнинг алоқаларини бир-бирларига яна қаттиғроқ боғлади, айниқса, махдумнинг димоғини чоғ қилди. Зеро, Анварнинг, Муҳаммад Ражаб каби бир кишининг ўғли билан дўстлашиши бир камолат бўлганидек, дўстлиқнинг ҳатто сарполар кийишкacha бориб етиши махдумнинг назарида яна айни фазилат эди... Шу сарпо кийиш воқиъасидан сўнг махдум Анварга бошқача қараб қолди ва ичидан «сен одам бўладирган кўринасан», деб қўйди.

Бахтка қарши, бу дўстлиқ алоқаси узоқ давом эталмади. Бир кун орадағи дўстлиқ риштасини ўлим яғмогари келиб узди. Насим ўн беш ёшлар чамасида чечак касали билан оғриди ва ўша кезларда давосиз ҳисобланган бу касалдан ўнглалмай вафот қилди. Муҳаммад Ражаббек ва оиласи учун бу мусибат, албатта, оғир эди. Бироқ, улардан ҳам Анвар учун оғир бир ҳасрат бўлди. Ҳатто, кўз ёшини марҳумнинг ота-онасидан ҳам кўброқ Анвар тўқди десак, муболаға қилмаган бўлурмиз. Уч кун мактаб ва махдумни унутиб, Муҳаммад Ражаббек ҳавлисида туриб қолди. Ҳар оқшом Насимнинг қабри устида бир соатлаб йиғлаб

ўлтурди. Бу ёшнинг самимий чин дўстлиғи ва ўртоғига садоқати ҳар кимни таажжубка қўйди.

Анварнинг биринчи мартаба марҳум дўстига атаб ёзган марсияси мотамлик ота-онани яна бўзлатқан эдиким, биз марсиядан бир неча мисраъини куйида кўрсатамиз:

*Очилмай сўлса ҳар гул ғунчаси пиру жувон¹ йиғлар,
Эмас пиру жувон, балки ҳамма аҳли жаҳон йиғлар.*

*Ажал яғмогари боғи зако² ичра узиб занжир,
Раҳмсиз эзса маъсум лолаларни, чун хазон йиғлар.*

*Насимим кетди оламдин мени қайғу аро ташлаб,
Кўзимдин оқса хун ҳеч бир ажаб йўқ, чунки қон йиғлар.*

*Жаҳонда эрди танҳо мен ятимга ҳамнишин, дилдор,
Ғарибликнинг диёрида адашкан нотавон йиғлар...*

Мулла Муҳаммад Ражаббек пойгачи ўғлининг содиқ дўстига шу кундан эътиборан бошқача қараб қолди. Бир жиҳатдан маъсумият, иккинчидан кўриниб турган истеъдод Муҳаммад Ражаббекни Анварга илтифот этишка мажбур қилди. Гарчи Анварнинг юқоридаги марсияси болалик хархашасидан иборат эди эрса-да, яна унинг истиқболидан хабар олиш учун яхши мезонлиқ вазифасини ҳам ўтар эди.

Мулла Муҳаммад Ражаббек аввало ўз илтифотини Анварнинг марсиясидан бир байтини Насимнинг қабр тошига олиш билан бошлади. Сўнгра Анварнинг «дунёда мен ятим ўртоғингга танҳо сирдон ва дилдор (кўнгил кўтаргучи) эдинг. Бу кун мен сендек дўстдан айрилиб, яна ғурбат диёрида нотавон йиғлайман!» деб афсус ва надомат қилишига қарши, яъни Анварнинг ятимлик ва ғариблигига йўл қолдирмаслиқ учун мулла Муҳаммад Ражаббек ўғлининг содиқ дўстига ўз оталиғини кўрсатмакчи бўлди.

Анвар уч ҳафтагача хатми қуръон кечлари Муҳаммад Ражаббек уйига келиб турар эди. Охирги хатми Қуръон кечи Муҳаммад Ражаббек Анвардан аҳвол сўради:

– Домлангиз саломатми?

¹ Пиру жувон – кекса-ю ёш.

² Боғи зако – ақл боғи.

- Шукур.
- Ўқушингиз яхшими?
- Бирмунча.
- Домланинг уйида турасиз?
- Тақсир.
- Сиқилмайсизми?
- Йўқ.
- Илми ҳисоб ўқуғанингиз борми?
- Йўқ, тақсир.
- Домлангиз илми ҳисобни билурмикин?
- Билмаслар деб ўйлайман.
- Агар мен бир домла таъйин қилсам, ҳисоб ўқуйсизми?
- Устозим рухсат берсалар, албатта ўқуйман.
- Хўб... бўлмаса эрта кечка домлангиз шу ерга келиб, менга учрашсин.
- Хўб, тақсир.

Эртаси куни маҳдум келди, Муҳаммад Ражаббек маҳдум билан сўзлашиб, Анварни ўрда хизматига олиш фикрида бўлганлигини, бунинг учун арабча, форсийчадан яна ҳам чуқурроқ маълумот олиши лозимлигини ва ҳисоб ўрганиши кераклигини айтди. Маҳдум Муҳаммад Ражаббекнинг Анварга мунчалик марҳамати учун бироз шошиб қолса ҳам, лекин бу меҳрибончилик сабабига яхши тушунганлиги жиҳатдан аввало бекнинг ятимпарварлигини, сўнгра Анварнинг зако ва истеъдодини махтади. Анварни одам қилиш йўлида чеккан ўз машаққатларини ҳам шикоят йўсунида сўзлаб чиқғач, бу кунларда эҳтимоми том¹ бирлан Анварга форс ва арабийдан дарс бериб турганини ва алҳол ҳам Анвар форсийча тазкира ва таҳрирлар ёза олишини баён қилиб, неча хил узрлар ичида ўзининг илми ҳисобдан баҳрасизлигини билдирди, яъни Анварнинг илми ҳисоб ўрганиши учун бошқа муаллим керак бўлур, деди. Муҳаммад Ражаббек бу тўғрига ўзи домла топмоқчи бўлиб маҳдумга рухсат берди.

15. Маҳдумнинг бахти

Шу кундан бошлаб Анварнинг ҳаётида янги саҳифа очилдир. Яъни маҳдум Анварга илгаригича – истиқболи қоронғу бир ятим, деб қарамай, балки Анвар каби ўз ўғли бўлмаганига

¹ Эҳтимоми том – бутун диққат билан.

ўкуна бошлайдир. Дарҳақиқат, унинг ўкунишига арзийдирган чигил масалалар ҳам туғуладирким, масалан: Анвар ўрда хизматиға кириб қолса, ойиға беш тилло, ўн тилло нақдина даромад қилиб турса, бу маблағлар...

Шундай истиқболдағи бу «маблағлар» масаласи махдумнинг ичини ари бўлиб талайдир. «Ўн ёшдан бери ўкутиб, едириб, кийдириб келаман: албатта, даромад маним ҳаққим бўлур», деб ўйласа ҳам, бу ҳукмидан ўзи унча рози бўлинқирамайдир. Ҳарҳолда масала чигил...

Моҳлар ойимнинг Раънони Анварга бериш тўғрисидағи «аҳамиятсиз» сўзлари ўша вақтларда махдумнинг энсасини қотирган бўлса, ҳозир шу ҳақда чинлаб ўйладиғина эмас, балки «ҳалигидек Анварнинг бахти очилиб кетса, нима маломати бор. Ятимлик айб эмас, инсон учун фазлу камол лозим, кулиб турган бахт ҳожат, наслу насабнинг ҳеч аҳамияти йўқ. Раънонинг ҳуснига ҳар ким ҳам таҳсин қилур: Анвар албатта йўқ демас... Бу борада мол ва жонни бир қилишдан бошқа маслаҳат йўқ», деган қарорға дафъатан келиб қолди. Мундан бирар ойлар илгари Нигор ойимға: «Анвар балоғатға етаёзди. Сен билан Раънога шаръан номаҳрам, ундан қочишларинг лозим», деган бўлса ҳам, бу буйруқ ҳозирғача амалга ошмаган эди ва бундан кейин ҳам амалга ошмайдирган бўлди. Зеро, махдумнинг фикрича, Анварга оғир туюлиш эҳтимоли бор эди...

Анвар Муҳаммад Ражаб пойгачи тарафидан белгиланган бир муфтида ҳисоб, иншо (таҳрир) қоидаларини ўргана бошлади. Махдум ҳам жон отиб араб ва форсийдан таълимни кучайтирди. Анвар бир йил ичида ҳисобни ўрганди. Ва бошқа дарсларида ҳам яхши муваффақият қозонди, ҳам шу кўклардан эътиборан ҳар кун ўрдаға бориб, Муҳаммад Ражаб мунший қўл остидағи мирзолар ёнида дафтардорлик, номанавислик усулларини тажриба қила бошлади. Бир йил чамаси маошсиз тажриба кўрди. Шунда ҳам ҳафта сайин Муҳаммад Ражаббек ўз киссасидан уч-тўрт танга чой пули бериб турар эди. Анвар шу арзимаган уч-тўрт тангани ҳам махдумнинг қўлиға келтириб берар ва ҳафта сайин ўзига устозининг умидини каттароқ боғлатиб борар эди.

Анвар бир йиллик тажрибада ўрдадағи дафтардорлик, форсийча ва туркча номанавислик¹ ҳунарларини тамоман деярлик

¹ Дафтар ва номалар ҳар икки тилда юритилар эди (Муал.).

ўрганиб тажрибалик мирзолар қаториға кирди. Сармуншийнинг оғзидан чиққан маънони тартибка солиб нома, ёрлиғ ёки бошқача бир тазкирани таҳрир қила олар, мирзолар жумлани галат ифода қилиб, сармуншийдан аксар танбеҳ эшитканларида, Анвар бундай танбеҳка жуда сийрак учрар эди.

Иккинчи йилдан бошлаб етти тилло моҳона¹ билан маошлиқ мирзолар қаториға ўтди. Моҳонадан ташқари солиқлардан ҳам дархонлик² қоғози олди. Солиқлардан дархонлик маҳдумнинг рўзғориға катта енгиллик эди. Чунки сўнгги йилларда хонлик томонидан халқ устига тушкан ва тушиб турған солиқлар беҳад ва тўлаб бўлмаслиқ эдиким, бу ҳақда келаси бобларимизда сўз бўлур. Шу хурсандлик баробарида биринчи ойнинг етти тилло-си яхлит ҳолда маҳдумнинг кўлиға тегиши гўё тўй устига тўй эди. Домланинг етти тиллони олғандағи ҳолини тасвир қилиш, албатта қийиндир; кўзлари ғилайлашқан, афтида қизиқ ўзгариш кўрилиб, оғзининг танопи узоқ саёҳатни ихтиёр қилған – «ҳабба... ҳосилинг дуруст, Анвар болам, лекин пулга эҳтиёт бўл, бўтам!» – деган эди. Етти тиллонинг қўлдан чиқиш хабари Нигор ойимнинг қулоғиға етишкач, Анвардан ранжиди: «Ҳамма, пулингни домлангға чакки берибсан, Анвар, уст-бошингни, кўрпа-ёстиғингни, ортиб қолса Раъно укангнинг устини тузатишинг керак эди. Домланг туфлаб тугишдан бошқани кошки билса!» – деди.

Маҳдум етти тилло «нақдина»ни олиб, қанча шодланған бўлса, ўшанчалик ташвишка ҳам тушди. Унинг фикрича, замона ёмон, бузуқилар бениҳоят; мумкинки, Анварни ўзидан айнатиб, оғзи ошқа етканда, бошини тошқа тегдирсалар... Раънони Анварга никоҳлаб бошини боғлаб қўяйми, деб ўйлади. Бироқ, Раъно ҳали ўн бир ёшда эди. Иккинчи кун Анвар ишдан қайтиб келгач, маҳдум уни боқчаға олиб кирди. Боқчадан кунгай ҳам кўкрак бир ўрунни кўрсатди:

– Ана шу ерга сенга атаб бир уй, бир айвон, ошхона ва ахтаҳонаси билан иморат солсам дейман... Ҳабба, Анвар? – деб сўради. Анвар кулди:

– Иморатка элли тиллодан кам пул етмайдир. Маним бўлса бир пулим йўқ. Бўладирғани ҳам фотиҳа бергунингизча албатта сизники ва ойимларники, – деди.

¹ Моҳона – ойлик.

² Дархон – озод этиш.

– Ҳабба... химматингга! – деб юборди махдум, – албатта-ку, шундай ва лекин ўша ниятларингдан кейин бояғидек алоҳида пул йиғсанг дейман-да... Албатта, бу гап уч-тўрт йилсиз эмас-да.

Шу вақт Раъно нарида бола кўтариб турар эди. Махдум Раънони ўз ёнига чақириб, унга ҳам ҳалиги ўрунни кўрсатти:

– Ҳабба... мана шу ерга Анвар акангга уй солиб берамиз, Раъно. Бу сенга қалай ўхшайдир, қизим?

Раъно отасининг сўзига тушунмади:

– Анвар акамнинг ётадирган меҳмонхонаси борку, – деди.

– Хе-хе-хе, боласан, қизим боласан, – деб кулди махдум. – Анвар аканг тоқай меҳмонхонада ётади дейсан. Ахир бир кун уйланади, бамисоли сен бўлсанг эрга тегасан... Ахир уй керак-да, қизим.

Бу сўздан Анвар қизариб кетди. Раъно Анварга қараб олди ва дадасига аччиғ қилган каби бурулиб ичкарига жўнади. Махдум Анварга усталиқ билан бир маънони онглатиб, таъминот берганидек, бузуқиларнинг васвасасига қарши дам ҳам солган эди... Бу дам солиш Анварга ҳам таъсирсиз қолмади. Шу кунгача Раънонинг ёш, маъсум ҳуснига умидсиз қарайдирган бўлса, бундан кейин унга умид ва истиқболнинг ширин хаёллари билан термуладирган бўлди.

Махдум ўзининг чеккан ташвишида ҳақли бўлиб чиқди. Анварнинг теварагида «холис» маслаҳатгўлар ҳам кўринишиб қолдилар. Айниқса, бу «холис»лардан бири поччаси эди. Поччаси етти тилло дарагини эшитиб энтикди. Эрининг тазйиқи остида Нодира ҳам кенгашка турди.

– Поччанг, бизнинг ҳавлиға келиб турсин, ўзим уйлантириб қўяман, дейди.

Анвар бошқаларнинг кенгашига қулоқ солмаганидек, опасининг сўзига ҳам илтифот қилмади. Махдум жавоб бермагунча бу уйдан кетмаслигини билдириб, фақат поччасига ёрдам бериб туриш ваъдаси билан опасини тинчитди.

Анвар иккинчи ой маошидан уч тиллони ўзида қолдириб, уйга кийим-кечак олиш учун изн сўраган эди, махдум «шу иш чаккида, болам. Хайр, бундан сўнг шу номаъқулчилик бўлмасин!» – деб аранг кўнди. Анвар Нигор ойим, Раъно ва ўзига кийимликлар сотиб олди. Нигор ойим шолпар, Раъно атлас кийдилар.

Нигор ойим Анварнинг пинжига кириб олиб, ўз йўлига сола бошлади. Маошининг ҳаммасини маҳдумга бермасликка, шунга ўхшаш кам-кўстларга ҳам яратиб туришга ундар эди. Анварнинг андишасини рад қилиб: «Ҳар қанча берсанг ҳам дадаси ола берадир. Лекин берганингни сен билан бизга миси ҳам юқмас. Шундай бўлгандан кейин, ишни ўйлаб қилиш керак», дер эди. Чунки Нигор ойим эрининг Анварга қаттиғ ботина олмаслигини сезар эди. Шундай бўлса ҳам, Анвар етти-саккиз ойғача топқанини маҳдумга бериб, дуосини олиб турди. Лекин маҳдум шунчалик даромад билан ҳам эски табиъатини бир зарра ўзгартмас, ҳамон эски тос, эски ҳаммом: ҳар кун суюқ ош, Худо ёрлақаган кун озодлиқнинг палови, шунда ҳам Анвар кеч келиб совиған ошни ер, уйда иссиғ нон ёпилмас, ҳамиша панжшанба кун йиғилған нон суви қочиб, тарақлаб келаси панжшанбагача кафолатни ўз устига олар эди. Бора-бора Анвар ҳам бу ҳолдан сиқилиб, Нигор ойимнинг кенгашича иш қилмоққа мажбур бўлди. Олтин бериб қуруқ дуо ва миннатдорчилик олишдан, дуосиз еб-ичишни аъло кўрди. Уйга гўшт ва бошқа масаллиғ олиб бериб, хоҳлаған таомини буюриб турди; ўзи яхши кийинганидек, Нигор ойим, Раъноларни ҳам яхши кийинтирди. Нодира опасига, жиянларига кийимлар олиб берди; икки тиллони Марғилонда оғриб ётқан Моҳлар ойимга совға-салом қилиб юборди.

Бу ўзгариш маҳдумни довдиратиб қўйди ва қўрқа-писа «бу ой харожатлабсизми, болам?» – деб сўраған эди, «кам-кўстларни тузатиб олдиқ» – деган жавобни берди. Иккинчи ойда, кўрпа-ёстиқларни тузатиб, маҳдумнинг кўзи тўрт бўла бергач, икки тиллолиқ «холис» дуо ҳам олиб қўйди. Лекин маҳдум бу ҳолдан анча шошқан эди. Бирар шайтон йўлдан оздирдимидеб астағфируллоҳ ўкур эди. Анварнинг эскича очиқ юз билан муомала қилиб фақат «нақдина» важҳидангина дам бўлиб қолиши, топқанини «бемаза» овқатларга, кийим-кечак ва бошқа «беҳуда моляъни»ларга¹ сарф қилиши маҳдумни кўб тангликка солған эди.

– Бўтам Анвар, – деди бир кун маҳдум, – дунё деган кўб ноёб нарса; кишининг бир куни бўлса йиғлаб-сихтаб ўтиб кета берадир, илло, зар қадрига етиш керак... менда бўлса, ўзингда турғандек гап, болам.

¹ Моляъни – қийматсиз нарса.

Бундай «муассир» насиҳатлар ҳам Анварга қор қилмади. Чунки Нигор ойим ва Раънолар билан бу тўғрида қатъий битишиб қўйган эди. Шу билан бирга махдумнинг ойлиқ вазифасини икки тиллодан ҳам камайтирмади. Инсон ҳар нарсага қобил... бора-бора махдум шунга ҳам қаноат қиладирган бўлиб, ҳисоб-китобни эсидан чиқарди. Бироқ ой сайин икки тиллони олганда «қолғани» тўғрисида бироз юраги ачишиб қўяр эди.

16. Хоннинг илтифоти

Девонда расмий мирзо бўлишининг учунчи йилида Анвар жуда катта эътибор қозонган эди. Айниқса, туркий таҳрирда мирзоларнинг ҳар бирисидан устун: чиройлик услуби, осон таркиб¹ ва ифодаси бор эди. Буни мирзолардан бошлаб сарой шоирлари, сарой муфтилари, бош мунший Муҳаммад Ражаббек, ҳатто хоннинг ўзи ҳам эътироф қилар эдилар.

Худоёр муҳр босиш асноси ёзилган ёрлиғ ва номаларни ўқутиб эшитар, муншийларнинг эшитилмаган араб ва форс сўзлари орқалиқ тўқуған ярим туркий жумлаларига аксар вақт тушунмас: «Эналаринг арапқа текканма?» деб мирзо, муфтиларни койир эди.² Аммо, Анварнинг ёзган ҳар бир жумласини муסיқий каби роҳатланиб, тушуниб тинглар ва «шу бала бариларингдан ҳам ўқуғанрақ чиқар!» деб, бошқа мирзоларнинг юрагига ўт ёқар эди.

Муҳаммад Ражаб мунший кейинги кунларда муҳим тазкиралар таҳририни Анварга топширадирган бўлди. Ўзи бирар жойга кетадирган бўлса, девон идорасини Анвар қарамоғига қолдирар, ҳар бир тўғрида ҳам бошқалардан кўра Анварга

¹ Таркиб – жумла тузиш.

² Худоёр қипчоқлар ичида ўскани учун тили ўзбекчадир. Эналаринг сўзидаги «нг» ҳарфини «нғ» равишида қалин сўзлайдир. Бу кунги Фарғона ўзбекларида ҳам (айниқса қишлоқларда) юмшоқ «нг» ўрнида қалин «нғ» ишлатиш кўб эшитиладир. Ҳозирги ислоҳ қилинган ҳарфимизда бу қалин «нг»нинг махсус шакли йўқдир. Ёзганда (н-ғ) ҳарфларидан бир товуш ясалса ҳам бироқ ўқуғанда ҳар ким буни ўз махражидан чиқаролмас, янглиш ўқур. Бу қалин «нғ» ўзбекча бир неча сўздагина ишлатилмай кўб (эллилаб) сўзда истеъмол қилингани учун манимча алоҳида бир шакл қабул қилиш эҳтиёжи ҳис этиладир. Масалан, машҳурлари: занғ, панғ, ланғ, даранғ, қаланғи-қасанғи, данғ, тўнғуз, шанғи, тўнғилламоқ, тўнғ, тўнғуч ва анғиз, тинғ бошқалар... Эски «нинг» «нг» равишида ислоҳ қилинган. Бу йўғон «нғ» ҳам «ғ» ҳарфининг устига уч нукта қўюлиб ёзилсамикин... (Муал.).

ишонар эди. Зеро, Анвар ҳар бир ишни тўғри ва холис адо қилар, вазифасидан ташқари ишларга киришмас, оладирған маошидан ортиқча тамаъга тушмас эди. Бу ўрунда Анварнинг бир хусусиятини атайноқ ёзиб ўтишка бурчлимиз: ўрус истибдод идораси ёнидағи мусулмон қозихоналари ва улардаги мирзоларни ҳар ким хотирлайдир. Ўша мирзоларнинг унар-унмаска «қалам учи» сўрашлари, кичкина ишни улғайтиб мазана¹ чиқариш ҳаракатлари ҳам бизга маълумдир.

Шу қозихона мирзолари, баайни ҳикоямизнинг мавзуи бўлган Худоёр саройи муншийларининг кичкина нусхалари эдилар. Хонға ёзиладирған арзи-додлар сарой мирзоларидан ташқарида таҳрир қилинған бўлса, аксар вақт ишка ошмас эди. Яъни четда ёзилған ариза қабул қилинса ҳам, ариза эгаси қалам учини бегона қилғани учун аризани хонға ва сармуншийга кўрсатмай, йиртиб ташлар эдилар. Ариза эгаси натижа сўраса, «аризангизни саводсиз киши ёзған экан; жаноб илтифотсиз қолдирдилар», – деб саводлиқ кишидан бошқа ариза ёздириб беришка маслаҳат кўрсатар эдилар. Ариза бергучи иккинчи маротаба харажатланиб, сарой мирзоларининг ўзларидан ёздиришга мажбур бўлар эди. Мундан бошқа, бир-бирлари устидан хонға шикоят қилиш, ўзаро битмас адоват ҳам давом этиб, аксар бир-бирларининг тегига сув ҳам қуйиб турар эдилар. Яна аксарият мирзолар хоннинг хуфиялик хизматини ҳам адо қилиб, шахсий адоват ёки хонға яхши кўруниш учун фуқародан нечаларнинг гуноҳсиз қонига чўмилиб, мудҳиш фожиаларга ҳам сабабчи бўлар эдилар. Шунинг учун халқ, айниқса, камбағаллар сарой мирзолариға нафрат билан қарар, улар ёниға яқинлашишдан қўрқар, иложсизлиқдан икки букулиб салом берар эди.

Лекин Анвар тамаъни, шайтанатни, адоватни, айниқса, хуфияликни билмас, девонда ўзига топширилған вазифанигина адо қилар, алалхусус, мазлумлар додномасини хонға эшитдиришка ва яхши натижалантиришка тиришар эди. Ул ўзининг шу тўғрилиғи соясида ҳамиша анови мирзоларнинг ишига билоқасд² халал бериб, чиришни³ бузуб турар, ҳам шу ва бошқача сабаблардан уларнинг адоватига яхшиғина ҳадаф⁴ ҳам бўлған

¹ Мазана – ширинкома, воситачига, даллолга бериладиган пул.

² Билоқасд – қасдсиз, ният қилмай.

³ Чириш – битаётган ишни бузиш.

⁴ Ҳадаф – нишон.

эди. Бироқ Анварнинг ҳомийси – Муҳаммад Ражаббек катта эътибор ва нуфузга молик, ҳам хонга инобатлик, шунинг учун мирзолар Анварга қарши ҳеч нарса қилолмас эдилар. Мирзолар орасида Анварга тиш-тирноғи билан қарши бўлган Шаҳодат муфти каби кекса мирзолар яшаганларидек, унинг истеъдод ва зақосига холис мафтун бўлган Султонали каби мирзолар ҳам бор эдилар.

Шу йўсун тажриба йилидан ташқари беш сана саройда ишлаб келар эдиким, мундан ўн беш кунлар муқаддам сармунший Муҳаммад Ражаб пойгачи бир ҳафтагина оғриб, вафот этди. Анвар ўзига самимий меҳрибон бўлган бир кишидан айрилди. Неча йиллардан бери Муҳаммад Ражаббекнинг ўлумини ёки бошқача бир фалокатини кутиб, ундан сўнг бош муншийликка ўзини чоғлаб юрган Шаҳодат муфти хизмат билан қишлоққа чиқиб кетканлиги учун, муваққат равишда бош муншийлик вазифасини Анвар адо қила бошлади. Ва шу бир неча кун ичида Анварнинг бош мунший бўлиш шойиъаси юриб қолдиким, ҳозирга бу тўғрида бир мулоҳаза айтиш қийиндир. Чунки бу мансабга интилуғчи казо ва казолар, шоир ва фузалолар кўбдир.

17. Анварнинг андишаси

Анвар Шаҳидбек билан маҳдумнинг сўзларига қарши мажхул бир вазиятда бош қимирлатиб суфага қайтди. Уларнинг чиқиб кетишларини кутиб турғандек ички эшикдан Раъно кўринди. Ҳар замон титраб, учиб кетишка ҳозир турган бошидаги сариғ атлас парчасини бир қўли билан босиб ушлаган эди. Анвар Раънони шу ҳолда кўриб, суфа ёнидаги очилган гуллар устида тўхтади. Раъно келар экан, ўпкалик кўз билан Анварга кулимсиб қарар эди. Келиб суфа лабида турган бўш лаганларга тақилди.

– Бу кунги меҳмондорчилиғимиздан рози бўлган ўхшайсиз, Анвар ака, – деди қайрилиб Раъно.

– Жуда рози бўлдим, – деди Анвар ва Раънонинг ёнига келди, – айниқса, сенинг қўлинг билан тугилган мантилардан жуда мамнун бўлдим, Раъно.

Раъно лаганлардан қўлини олиб, тирсаги билан суфага суянди:

– Маним қўлим билан тугилган мантиларни қаёқдан билдингиз?

– Қаёқдан билдингиз? – деб Анвар кулди, қўлида бир дона қашқар гули бор эди, – айниқса, сенинг қўлинг нимага теккан бўлса, мен ўшани даррав сезаман.

– Мен туккан мантилар қандай экан?

– Танаймайди дейсанми?

– Танаймайсиз.

– Чоклари диққат билан чимтилган, тўрт бурчаги иккига қовиштирилган, дўндиқ... танаймайди, деб ўйлайсанми? Мен нуқул сен туккан мантиларни танлаб едим...

– Мазалиқ эканми?

– Мазалиқ нима деган сўз, – деди Анвар, – мана шу қашқарнинг қизил гули ёдингдами, биз бу гулни келтириб ўтқузган йилимиз пушти ранглик бўлиб очилган эди. Икки йил ўтмай қизил туска кирди. Биласанми бу нимадан?

Раъно Анварнинг жиддий қилиб берган бу саволига тушунмади:

– Офтоб қизартиргандир.

– Янглишасан, Раъно, – деди Анвар, – мен бу гулнинг қизариш сирини ҳам биламан, бунинг қизаришига ҳам сен сабаб, сенинг қип-қизил лабинг...

– Ҳазилни қўйинг, – деди шу гулдек қизарган Раъно, – Шаҳид семиз нима учун келган экан, сизни мирзобоши қилмоқчилар шекиллик?

– Бу гапни қўй, Раъно, ишонмасанг ойнага қара, сенинг лабинг билан шу қизил гул ранги орасида фарқ борми, мана, қара?..

Анвар томонидан лабига тегизилган гулдан Раъно ўзини олиб қочди:

– Ҳазил ўлсин... Сизни мирзобоши қилмоқчиларми?

– Мени ҳар бало қилмоқчилар... Лекин бўлмаган сўз.

– Нега бўлмаган сўз, шаҳарга овоза бўлган эмиш-ку?

Анвар орқаси билан сакраб суфа лабига оёқ солинтириб ўлтурди. Раъно бояғича унинг ёнида суфага суянди.

– Овоза ҳақиқат эмасдир.

– Шамол бўлмаса, теракнинг боши қимирламас эмиш. Балки сизни мирзобоши таъйин қилурлар.

– Мени мирзобоши таъйин қилсалар яхшими, Раъно?

– Яхшими, ёмонми, мен қайдан билай?

– Ёмон, Раъно.

– Нега ёмон?

– Ифлос иш. Агар бошқа касб топсам, ўрдани бутунлай ташлаб кетар эдим.

– Ифлос иш?.. Сизнинг бек поччангиз ҳам шу хизматни қилар эди-ку?

– Мен бек почча бўлолмайман, Раъно, ўрдадаги тўкулиб турган гуноҳсиз қонлар, доим теваракдан эшитилиб турган оҳу зорлар маним юрагимни эзадир, тинчлигимни оладир. Яна мен мирзобоши бўлиб қолсам, бу оҳу зорларнинг, тўкилган маъсум қонларнинг ичида билфеъл¹ сузарман. Бу вақт маним азобим бевосита бўлур. Балки бунда иштирок ҳам қиларман. Чунки хонға яхши кўруниш учун кўб ишларни унинг истаги-ча кўрсатиш, зулм пичоғини қайраб бериш, шу мансабда узоқ яшамоғимнинг асос шартидир. Лекин мен бундай виждонсизлик учун яратилмаган ўхшайман. Мадху сано, олқиш ва дуо замирига яширинган зулмдан фарёд, ҳақсизликдан дод маъноларига малҳам бўлиш, албатта, маним кўлимдан келмас. Чунки «соябони марҳамат» виждон кенгашига кулоқ солғучи «аҳмоқ»лардан эмасдир. Дадангнинг феъли сенга маълум, Раъно. Дунёда «манфаат»дан бошқани кўрмайдир. Маним нима учун бу мансабдан қочқанлигимнинг фарқиға бормай, «куфро-ни неъмат қиласан, ойиға фалон тилло», деб дафъатан кўрқоқ-лигимға ҳукм чиқарадир. Дадангга бояғи узрларни кўрсатиш тошнинг кулоғиға азон айтиш билан бир бўлғани учун сукут қилдим. Агар орада бир киши бўлмаса эди, гарчи, бош мирзолик ҳозир бир хаёл эрса-да, ўшанда ҳам шу овозаға бўйин сунмас эдим, Раъно.

Раъно Анварнинг кўзига тўғри тикилиб, сўзни тинглади. Унинг тусида Анварга ачиниш вазияти бор эди:

– Яхши ният билан мирзоликни қабул қилсангиз, – деди, – аҳолидан ёрдам қўлингизни йиғмасангиз, шу ҳолда барча гуноҳ сизнинг бўйнингиздан соқит бўладир, Анвар ака.

– Тўғри, – деди Анвар, – лекин гап бунда эмас, Раъно, мен шундай бўлишини тилар эдим. Бошқалар мен тилаганча қилмайдилар, биноан алайҳи, масъулият маним бўйнимдан соқит бўлди, деб тинчланиш мумкин эмасдир. Сен тамоман бошқа-

¹ Билфеъл – амалда.

ча тушунган бир масала, сенинг ҳаракатинг ва истагинг акси-ча натижаланиб турса, руҳан эзиласан, виждонан азобланасан. Мана, асли мушкilot шу нуқтададир. Йўқса, гардандан соқит қилиб кўйиш ҳар нарсадан ҳам қулай вазифа, аммо маънавий мағлубият оғир масала, Раъно.

Раъно Анварнинг мақсадиға тушунди, шекиллик, бир неча вақт жим қолди ва қаршисидағи йигитнинг ўйчан юзига бир-икки қараб олди.

- Демак, мирзобошилиқни қабул қилмайсиз?
- Агар топширсалар, қабул қиламан.
- Шунчалик мушкilot ичида?
- Чунки отанг буни мендан талаб қиладир.
- Отамнинг қандай бийлиги бор?

Маъсум бу саволдан сўнг Анвар энтикиб қўйди ва Раънони бир фурсат кўздан кечириб турди:

- Жуда катта бийлиги бор, – деб яна энтиқди.

Раъно қайтиб сўрамади. Гўё ул ҳам бундағи бийликка тушунган эди. Секингина лаганларга қўлини юбориб, Анварга бўштоброқ қаради:

- Чой ичасизми?
- Кейинроқ ичаман.

Раъно лаганларни кўтариб жўнади. Атлас кўйлак ичида тўлқинланиб кўринган унинг латиф гавдаси алҳол Анварнинг кўз ҳадафи эди.

- Мен хуфтанга чиқмайман, Раъно!

Раъно ярим йўлда тўхтаб, кулимсираган ҳолда Анварга қаради:

- Чиқарман! – деди.

18. Жиловхонада бир жанжал

Аср намози учун масжид жиловхонасиға энди уч киши йиғилган эди. Жиловхонанинг тўрида ўлтурган қора тўнлик, ўттуз ёшлар чамасида рангсиз ва ёшлиғиға қарамасдан қуюқ соқолини баҳайбат ўстуриб, бир бурдагина юзига оттўрба оскан каби бир киши эди. Унинг ёнида бўз яхтак боғичини осилтириб, хандалакдек бўқоғи билан ўнг томоғини зийнатлаган ўрта яшар яна бир «хусни Юсуф» кўринар эди. Унинг қаторида ошловдек чўзуқ юзлик, оқ бўз кўйлаги ердан тўрт энлик

кўтарилиб, бўз салласи гардани аралаш ўралган учунчи нозанин ўлтурар эди.

Булардан биринчи мухтарам шу масжиднинг ёш имом ва хатиби Абдурахмон домла жаноблари бўлиб, иккинчиси маҳалланнинг ширин сўз ғийбатчиларидан Самад бўқоқ, учунчиси масжиднинг муаззини Шукур сўфи эди. Самад бўқоқ билан Шукур сўфи имом афандининг мулойимона, ҳам битта-битта айни мақомига чертиб ва қатор териб борган сўзига сомиъ эдилар.

– Ўрда ичида шунчалик оқил ва донолар тўлиб ётқан бир фурдатда, таҳсил кўрмаган, нодон бир гўдакка бундай улуг бир вазифа, валлоҳи аълам, топширилмас деб ўйлайман. Бу вазифани уҳда қилмоқ учун кўп гап керак. Аввало ақли солим, сониян, таҳсили том лозим, ваҳоланки, сиз айтқан йигит ўткан саналар Солиҳ махдумда савод ўқуб, биздан ҳижжа¹ ўрганиб юрар эди. Баҳарҳол бу хабарга ақл бовар қилмайдир...

– Ҳа-а, тақсир, – деди Самад бўқоқ ва Шукур сўфини тирсаги билан туртти, – бу бала киму, ўрдага мирзабошилиқ ким. Замонанинг зайли минан, бояғидек Мамаражаб мирзабошининг ярдамида ўрдага киришиб қоған-да... баяғидек оппоққина бўлса, Мамаражаб ўз ёнига оған-да...

Имом бўқоқнинг сўзини тинглаган ҳолда, икки кўзини ерга қаратқан эди.

– Юртнинг сўзига қараб айтаяппан-да, – деди Шукур сўфи, енгилган оҳангда, – гарчи бир неча кундан бери катта-кичикнинг оғзида шу гап.

– Кўбчиликнинг оғзини тикиб бўлардима, сўфи-а.

Самад бўқоқнинг бу сўнгги ғийқиллашида томоғи остидаги йўғон томирлари туртиб чиқди. Имом ҳамон икки кўзи ерда бўлгани ҳолда кичкина бошини қимирлатди:

– Ўрдадан бирар киши масхара учун хабар тарқатқандир.

– Ҳа-а, тақсир.

Шу ҳолда жиловхонага тўртинчи киши кириб келди. Буни-си жиккак, қирқ билан элликнинг ораси, елкаси туртиб чиққан Сафар бўзчи исмлиқ эди. Имомга салом бериб, сўфининг ёнига ўлтурди ва сўзга биров қулоқ солғач, тушунар-тушунмас баҳска аралашиб қолди.

¹ Ҳижжа – сабоқ.

– Иншоолло, шу йигит мирзабоши бўлар, – деди Сафар бўзчи суҳбатнинг руҳини билмаган ҳолда, – ўзи ажаб зукко йигит, фуқаропарвар бола: бўғани маъқул, а, лаббай, тақсир!

Имом ерга қараган ҳолда бошини қимирлатиб қўйди. Самад бўқоқ хўмрайиб Сафар бўзчиға қаради:

– Э, акиллай берасанда, Сафар, – деди бўқоқ, – биз нима деяпбиз-ку, сен нима деяпсан.

– Хўш, нима деяпсанлар?

– Овоза гап деяпмиза, мирзабошилиққа катта милла керак деяпмиза.

– У милла эмас эканми?

– Милла бўлса ҳам, хашаки миллалардан-да.

– Ашунга қоғанда чалғибсан, Самад, – деди Сафар бўзчи, – хат битишка келганда қўявур, камбағалга қайишқанини кўрсанг, ҳа, бўлди дейсан.

– Занталагинг кимга қайиша қопти?

– Ҳаммага, ҳаммага, – деди Сафар, – мени ўзимга ҳам ёрдам қилди-да, яшагуринг.

– Ҳа-а, хўш?

– Бултур ана шу кезде, – деди Сафар энгашинқираб, – бозорға саккизта бўз олиб тушкан эдим. Бирарта мушкил иғво қилдим, закотчининг томоғи тақилладими, ҳарчи фалакат, қўлтуғимдаги бўзни ёппо олди, қўйди; «отанг яхши, онанг яхши, косибман, савдогар бўлсам уйим куйсин»... Асти қўйса-чи... Бир йиллик закотинг деб кўтарди, кетти. Қўлингдан нима келади, Самад. Хафалигим ошиб, уйга қуруқ қайтдим. Майда-чуйда кутиб ўлтурган бола-чақанинг кути учти. Мол кетти – жон кетти, ишка ҳам қўлим бормайди. Энди бўлар иш бўлган десанг, юрак ачийди, дастмоя ҳам ғалтакка чиқадиған. Арза-парза биттирсамми, дейман. Кўчада унга-бунга кенгаш солсам, арзанг маъқул дейишди. Шу яқинда, ўзи ўрдада турадиған бир арзачи бор эмиш. Кеткан устига кеткан деб, дўкон теги яримта бўз бор экан, қўлтуғимға тикиб олдим. Ана шу тобларда сўроғлаб арзачи мирзаникига борсам, ҳозир ўрдадан келиб, энди тўнини ешиб турған экан. Ёш, навқирон йигит, «салом, алик», «ҳорма», «бор бўл». «Шундай, шундай гап; бир парча арза биттирсам, деб келган эдим». Ўрдалиққа гап уқдириш қиёматдан қийин, тақсир. Лекин бу йигитда гаврлик¹ си-

¹ Гавр, габр – оташпараст, исломни танимаслик.

ёқи йўқ, Шукур сўфи. Гапка қониб олиб, кулоқ қоқмай «хўб». Арзанинг бир ерига закотчининг оти тушар экан, неча қайта сўраса ҳам билмадим, ундан кейин афти башарасини уқдириб эдим, тусмоллаб биттасининг отини ёзди, чоғи. «Энди кета беринг, арзани ўзим топшираман», – дейди. Жавобини ҳам икки кундан кейин ўзидан олар эмишман...

– Манави осонлиқни қаранг, тақсир. Дуо қилиб қалам учисига бўзни бердим, олмайди. «Ёпирай, озсинди-ёв, қургур» деб кўрқдим. «Арза ўрунласа, яна хизмат қилармиз, мирзабоши». Яна йўқ, «тоза фалакат бости» – деб турсам, «арзага ҳақ олмайман; бўзингни олиб кетавур» – дегани экан. Барака топқурни қаранг, тақсир. А, шундақа одам ҳам бўладими, Самад оға. «Олтин олмасанг, дуо ол» – деб кўлимни очтим. Ҳа, энди буни қўявуринг. Эртаси кечқурун гула тўғрилаб ўлтурсам, эшикни бирав тақиллатади. «Ҳа, келавуринг». Дўконхонага бўз кўлтуклаған бир киши кирди.

- Сафарбой сизми?
- Ҳа, биз.
- Арза берганмидингиз?
- Берган эдим.
- Отангизнинг оти нима?
- Маматбой.

Кўлтукдағи бўзни олдимға ташлади. Худди кечаги бўзларим: таппа-тақ саккизта.

- Бўзларингизни олдингиз-а?
- Ҳа, олдим.
- Хайр.
- Хўш.

Бу яхшилик арзадан ҳам бурун мирзабошидан бўлди, деб ўйладим. Балаларнинг кенгаши билан икки бўзни кўтариб шом пайтида мирзанинг уйига бордим. Чақирдим, чиқди. Миннатдорчилик билан икки бўзни узатдим; асти олса-чи. «Яхтакка бўзим бор, кетавуринг», дейди. «Сотиб, пулини берайми?» десам, «пулим ҳам кўб» дейди. Ақалли биттасини ҳам олмади. Яна дуо қилиб, бўз билан қайтдим. Фаришта ҳам шунчалик бўлар, деб ўйлаб қолдим, Шукур сўфи! А, шундай йигит мирзабоши бўлмай, ким бўлсин, Самадбой! Кўбни дуоси кўл деганлар; ишонмасанглар, ана тақсиримдан сўранглар!

Ҳикояни эшитиш асноси имомда бир ғижиниш вазияти бор эди. Ҳикоя биткач, заҳарханда билан Самад бўқоққа қаради, дами кесилаёзган бўқоқ бундан рухланди.

– Ёлғонни ҳам ямламай ютадиған бўлибсан-да, Сафар, – деди бўқоқ.

Сафар бўзчи тўсундан ўзгариб кетди. Ранги ўчинқиради:

– Азбаройи Худо, қасамми?

– Иккита бўзни икки қўллаб оборсанг, – деди Самад бўқоқ, – қайси аҳмоқ олмай қайтарар экан? Ёлғонни сал киши ишонадиған қилиб гапириш керак, Сафар!

– Азбаройи Худо, олмади! – деди Сафар ва асабийланиб ўр-нидан туриб кетди, – шу каъбатуллониғ ичида ўлтуриб ёлғон гапирган одам мусулмон эмас, кишиниғ қасамиға ишонмаған ҳам етти мазҳабда мўмин эмас!

Сафар аканиғ азтаҳидил аччиғланғанини сезган имом ораға тушти:

– Бундай яхшилиқни ҳар ким ҳам қила оладир, Сафар ака, – деди, – шунинг учун мирзобошиниғ сизга қилған яхшилиғиға мен ишондим. Аммо бизниғ баҳсимиз унинг бева-бечорага қилған яхшилиғи тўғрисида бўлмай, бу одам ўрдадағи мир-золарға бошлиқ бўла оладирми, яъни ўшандоғ катта ишниғ уҳдасидан чиқадирми, устидадир.

– Баракалла, тақсир, – деди Сафар бўзчи турған еридан, – менга қолса, иншоолло, уҳдасидан чиқади!

Имом Сафар бўзчиға тушуна олмай, бироз тикилиб турған-дан кейин сўради:

– Унинг уҳда қилишини сиз қаёқдан биласиз?

– Худой билдирса, биламан-да, тақсир?

– Хўш?

– Ахир, кўбчиликниғ дуоси кўл-да, тақсир!

– Кўбчиликниғ дуоси кўл бўлса яхши, – деди имом, – аммо бу хизматка унинг илми кофийми?

– Ковфий, тақсир, ковфий!

– Ахир, сиз кофийлиғини қаёқдан биласиз?

– Ахир... ковфий эмаслиғини сиз ҳам қаёқдан биласиз, тақсир?

– Кофий эмаслиғини мен шундан биламанки, – деди имом аччиғини ичига ютқан ҳолда, – бундай мансабга минадир-ган киши Бухоройи шарифда таҳсил кўрмаганда ҳам, лоақал

Хўқанд мадрасаларида ўқуған бўлиши керак, аммо сизнинг мирзобошингиз саводхонликдан бошқани билмайдир.

– Билмаганини сиз қаёқдан биласиз тақсир?

– Чунки мен уни ўз кўлимда ўқутқанман... бир ятим бола эди.

– Худонинг бериши, тақсир, – деди Сафар, ўйлаб-нетиб турмай, – жанобингиз Бухоройи шарифда неча йил ўқуб, ниҳояти маҳаллага имом бўлдингиз... Худой бермаса, шундай, тақсир. Ул бўлса мадраса кўрмасдан мирзаларнинг мирзаси бўлмоқчи; Худой берса, шундай, тақсир.

Сафар бўзчининг бу сўзидан имомнинг қонсиз ранги яна қонсизланган, оламунчоқ кўзи алланучук ҳолатка кирган эди.

– Аблаҳ одам экансан! – деди.

– Сиз ҳам аҳмақ мулла экансиз! – деди Сафар бўзчи.

Имом ғазаб билан ўрнидан туриб Сафар бўзчиға хезланган эди, уни Самад бўқоқ ушлаб қолди.

– Падар лаънат, адабсиз! – деди Самад, – домлаға шундай сўзни айтасанми-я?

Сафар бўзчи турған ўрнидан силжимади:

– Чўзма кекиртагингни, бўқоқ, – деди, – қани қўйиб бер-чи тақсирингни, ёқалашсин-чи мен минан! Андишанинг отини кўрқоқ қўйдингни?!

Шукур сўфи ўрнида бақа бўлиб қолган, имом бўлса гўё ҳужум қилмоқчидек Самад бўқоқни итарар эди. Самад бўқоқ ғийбатдан бошқа ишка ярамағани учун, имомнинг ёрдамиға етиш чамаси йўқ эди.

– Шу адабсизлигинг билан, – деди Самад насиҳатомуз, – яна домланинг орқасида намоз ўқуйсанми, Сафар, а!

– Ўқумасам қутиламанми сенлардан!

– Ўқумасанг бор, жўна!!!

– Ҳе... – деб сўкинди Сафар бўзчи ва жиловхонадан чиқиб жўнади. Унинг орқасича «падар лаънат, жоҳил» деди имом ва илгариги ўрниға борди. Бир неча вақт учавлари ҳам сўзсиз ўлтурдилар.

– Бир ит-да, тақсир, хафа бўлманг.

Имом жавоб бермади. Яна бир неча киши келиб қўшилғач, Шукур сўфи мезанага чиқиб азон айтди. Асрни ўқуш учун масжидга кирдилар.

19. Ифлос бир мозий

Имомнинг табъи жуда сусланди. Шом ва хуфтан асноларида ҳам ҳеч ким билан сўзлашмади. Сафар бўзчининг «Бухоройи шарифда неча йил ўқуб келиб, ниҳояти маҳаллага имом бўлдингиз. Худой бермаса, шундай бўлади, тақсир» – деган сўзи заҳарли ханжар каби унинг юрагида янгидан янги жароҳат очар эди.

Дарҳақиқат, Сафарнинг бу сўзи имомнинг эски жароҳатини мудҳиш тузлаб ташлади. Бу жароҳат шу кунгача ичдангина фасодланиб юрган бўлса, бу кун Сафар бўзчи каби бир «бемаъни» бу ярани раҳмсиз суратда ёриб юборди. Самад бўқоқ ва Шукур сўфи каби бемазалар олдида имомнинг обрўсини тўқди. Бу – бир ёқдан. Иккинчи тарафдан, Сафарнинг «ул бўлса, мадраса кўрмасдан мирзоларнинг мирзоси бўлмоқчи...» жумласи яна дард устига чипқон. Яъни имомнинг ҳасад ўти тўрт томондан пуфланди, гўё ул икки олов ўртасида қолғандек бўлди.

Анварнинг бош муншийликка ярамайдирганлигини, илмсиз, фазлсизлигини нега бунча исбот қилишга тиришди? Сафар бўзчи каби бир «аблах» билан баҳслашиб, ўзига нега бунча хафалик ортдирди? Гарчи, Анварга холис қиймат бермакчи бўлганида ҳам буни Сафар каби илмсиз, нодон бир кишига тушундирмоқ учун қандай ҳожат бор эди? Бунинг сабабини сўзлашдан илгари имом афандининг ўткан тарихига бироз кўз ташлаб олишга мажбурмиз. Чунки бусиз ўқуғучимизни таъмин қилиш мумкин эмасдир.

Ҳозирғи имомимиз – мулла Абдураҳмон мундан йигирма йиллар муқаддам, қисқагина, аҳамиятсизгина «Раҳмон» исми билан аталар эди. Абдураҳмоннинг отаси уламо наслдан, аммо бу шараф нима сабаб биландир унинг отасига насиб бўлмаган, бироқ Абдураҳмоннинг амаклари ота касбини ушлаб, таҳсил кўрган жойлари Бухорода катта мударрислардан саналар эдилар. Абдураҳмон ёш бола экан, отаси ўлиб, онаси ва ота томонлари тарбиясида қолди. Ўн беш ёшларгача Солиҳ маҳдум мактабида савод ўқуғач, мударрис амаklarидан Бухоройи шарифка келиб таҳсил қилишга даъват хати олди. Хатда Абдураҳмоннинг бобо касблари уламолиқ эканини, шунинг учун бошқа касбларга уруниб умр зоеъ қилиш абаслиги¹, ўз тарбияларида

¹ Абас – бефойда, беҳуда.

тахсил кўриш лузуми сўзланар эди. Бу даъват Абдурахмоннинг онасиға ва бошқа яқинлариға жуда маъқул тушиб, уни Бухороға жўнатиш қарориға келдилар. Абдурахмон ҳам истиқболдағи мударрис, муфтилик ширин хаёллари ичида Бухороға сафар қилди.

Катта амак Бухоронинг «Хўжа Порсо» мадрасасининг мударриси бўлиб, Абдурахмон шу кишининг тарбиясига келган эди. Абдурахмон силлиққина бола, мадраса муллабаччалари албатта шундай силлиқ болаға ўч.... Шунга биноан домла мударрис гарчи мадрасадан хужра бериш мумкин бўлса ҳам, мазкур ишончсизлик мажбуриятида Абдурахмонни ўз меҳмонхонасиға жойлаштирди. Шу ҳолда Абдурахмон таҳсил бошлади.

Домла мударрис «замона бузуклиғини» назарга олгани учун Абдурахмонни ҳалиги тўғридан жуда қаттиғ назорат қилар эди. Бироқ домлаларнинг бундай бузукликқа қарши бора олишлари мумкинми эди? Уларнинг ўзлари шу «маҳрам» балосиға гирифтор, яъни бузукликқа манбаъ бўла туриб ҳам, яна «замона бузуклиғи»дан шикоят қилишлари ўша вақтлардағи «мадраса мантиқи»ға ҳеч бир баҳссиз сиға олур эдиким, бу тўғрида менга осила кўрмангиз. Кишининг боласини бузиш ҳар бир салласи муаззам, илми «фавқулодда», ўзи «варасатул-анбиё»¹ саналған зотлар назарида ва виждонида маъфу, аммо ўз ўғлиға бошқалар ўшандоғ ҳайвонликни қиладирған бўлса: «Замона бузук, эҳтиёт шарт!».

Шу йўсун домла мударрис буродарзодасини яхши эҳтиёт билан, ҳатто шомдан кейин дарбозаға кулф солиб тарбия қилар, мадрасадаги оти ёмонға йиртилган хоҳ ёш, хоҳ кекса, умуман, талабалар мажлисиға яқинлашдирмас эди.

Киши, аввало, моххов ёки пес бўлмасин: бўлдими, бетдан бўлмаса, елкадан, қўлдан сув очмаса, оёқдан, ҳарҳолда оқаберадир. Шунга ўхшаш жамият ҳам бир касал билан оғридими, унинг ҳар бир табақа ёки синфига, яна тўғриси, фардига² шу касал сироят³ қилмай қолмайдир. Домла мударрис буродарзодасини мадраса муллабаччаларидан ҳар қанча эҳтиёт қилса ҳам, яна амният⁴ остида эмас эди. Мадрасадан ташқарида ҳам

¹ Варасатул-анбиё – пайгамбарлар авлоди.

² Фард – шахс, кимса, киши.

³ Сироят – таъсир.

⁴ Амният – тинчлик, хотиржамлик.

Абдурахмонни кўз остига олғучи «муллабаччалар» йўқ эмас эдилар, масала четларнинг кўз олайтиришига етканда, табиъий, домла мударриснинг кўлидан ҳеч иш келмай қолди.

Домла назоратни эскича давом этдириб, хотиржамъ юрғанда бир неча жувонбоз савдогарлар Абдурахмон билан алоқа қилиб қўйган эдилар. Домла мударрис эрта-кеч Абдурахмонни кўз ўнгидан юбормас, хуфтандан кейин дарбозага қулф солар, Абдурахмонни меҳмонхонада ётқузиб, сўнгра ўзи ичкарига ухлагали кирар; зиёфатка бориладирган бўлса, ўзи билан бирга олиб юрар эди. Яна шу ҳолда Абдурахмонни қандай қилиб буза олсинлар? Таассуф, бузган эдилар. Баччабозликқа махсус ҳунар ва найранглар ижод қилган омилкор савдогарлардан бир нечаси «Абдурахмонча»ни йўлдан оздирган эдилар.

Домла мударрис хотиржамъ ичкарига ухлагали киргандан кейин меҳмонхонанинг кўча томон даричасига кичкина бир кесак тик этиб тегар, гўё ешиниб ётқан Абдурахмонча бу ишорадан сўнг туриб кийинар ва секингина даричани очар, эшик очилган кўчадан бир ўрим арқон тўп этиб меҳмонхонага ташланар эди. Абдурахмонча арқоннинг бир учини меҳмонхонанинг дарчасига боғлаб, иккинчи учига ўзи осилиб кўчага тушар, арқонни бўй етарлик қилиб яширғач, нарида кутиб ўлтурган «одам ўғриси» билан бирга базм ўрнига жўнар эди. У ерда бўлса беш-ўн «ошиқлар» Абдурахмончани келиши он билиттифоқ «Бухоро амирлиги»га кўтариб, амру фармониға итоат қилурлар:

«Мулла Абдурахмонжон, жаноби олий, гарам, аз сарашон гардам, балонгни олай!»¹ каби мадҳу саноларга кўмилган «Абдурахмонча» ҳар бир ишни ўз тилагича юритар: май учун соқий бўлар, заифона кўйлак, лозим ва бошиға кокил кийиб, ўн олти ёшар қиз суратига кирар; чойға лабини тегизиб «табаррук» қилар; дутор, танбурга йўрғалаб ўюнчи бўлар; бошидағи кокил билан «ошиқлар»ни раҳмсиз қамчилаб, ситамгар ва золимга айланар, энг охирда... Қисқаси, бу бобдаги бор чорамиз учун ҳам ярарлиқ ҳолға келган ёки келтирилган эди.

Уч йилгача шу йўсун «ошиқлар» кўнглини овлаб келиб, бир кун сир очилиб қолди. Домла мударрис бу номуска чидалмай Абдурахмонни ўз уйидан қувлади. Абдурахмон тавба қилиб, домла мударрисдан лоақал мадрасада туришни сўради. Воси-

¹ Гарам, аз сарашон гардам, балонгни олай – айланай, бошингга жоним фидо, дардингни олай.

та-васоит билан изн ҳосил қилиб, мадрасада истиқомат қила бошлади. Энди ишрат навбати мадраса жигар сўхталарига...¹ Икки йил чамаси мадраса афроди² орасида чандир каби саккиз тарафдан тишланиб юргандан кейин соқол-мурти чиқиб, хусн сармоёси заволга юз тутди ва кундан-кун «бозор касодланиб», харидор озайди. Абдурахмон уч йил бўйи савдогарлар орасида «ахлоқ тузаткан» бўлса, яна икки йил мадрасада туриб, шу тузалган ахлоқни «камолатка» эришдирди. Шунинг учун анвоёи эркаликка, неча хил мукайифотка, ранг-баранг «иззат, ҳурматка» ўрганган кўнгли бу харидорсизлик балосига туз сепилган ярадек ачир эди. Кўбни кўрган бу кичик бош баъзи уят найрангларга ҳам уриниб кўрар, масалан «вақтсиз чиққан» соқол-муртларини мўйчинак билан териб, ҳар кун ўн қайта ойнага қарар, янги харидор топиш мақсадида кун сайин бозор-раста, кўй-гузарлар сайрига чиқар эди...

Маълумдирким, дўндиқчалар, аввало, оқчаси кўб, бел оғриғи кўрмаган бойларга насиб бўлурлар. Улар зеркиб ташлағач, ўрта ҳол «ташна»лар домига тушарлар. Соқол-мурт чиқиб давангиликдан³ хабар келгач, учунчи табақа, яъни бўйнийўғон, гўлабурлар истифодасига кечарлар. Шунга ўхшаш бизнинг Абдурахмон ҳам мўйчинак ушлаган даврида шу учунчи табақа – чойхонанишин, тавкаргир⁴ ва бобойи бангилар орасидан ўзига замин топди. Унинг бу учунчи давридаги аҳволини ёзишга қалам маъзурдир. Шу йўсун бу кейинги табақа орасида ҳам уч йил чамаси иш кўргач, ажойиб бир дунёдийда, мисли оз-шалоқ, ҳамма шароитлари билан мадрасалик бир безори ва чапан ҳолда баччалик даври билан видоълашди. Чунки, башара нонга чумоли ёпишқандек соқол, мурт билан тўлиб, мўйчинакка сўз берарлик бўлмади.

20. Ҳушёрлик

Ҳозир Абдурахмон ўзининг яқин мозийсида усти ширнига беланган от тезакдан бошқа бир нарса кўрмаганидек, истиқболида ҳам эпикалик бир ҳол тасаввур қилолмас эди. Бир неча ойлар ниҳоятда руҳсиз, кайфсиз ва дарсига ҳам ҳавсаласиз да-

¹ Жигар сўхта – ошиқи беқарор.

² Афрод – шахслар, кишилар, кимсалар.

³ Давангилик – ўсмирлик даври.

⁴ Тавкаргир – киморда ютуқдан чўтал олувчи.

вом этиб юрди. Гўё бу кунларда бениҳоят ичкулуқдан сўнг бош оғриғи даврини кечирар эди. Шу йўсун кўб вақт рухий хасталиқ кечириб, кутилмаганда жонланиб кетди. Яъни «Ақоид»нинг шарҳига яхши тушуниш учун беш бармоғини оғзига тикқандек энг шимарди.

Юқоридағи рух тушиш даврида ул мозийсидағи каби эркалик, амру фармон ва шуҳрат учун қайғирған, кўб бош оғритиб, эндиги шуҳратни мўйчинак истеъмоли билан эмас, балки ақоид, шарҳ ва ҳавоший¹ воситасида топмоқчи бўлған, яъни фарди ғоясиға² диний олимлик либосини кийдириш фикрига келган эди. Беш йил «ғоя» учун қаттиғ берилиб, рутубатлик ҳужрада захлаб, саломатлиги учун умр бўйи аримайдирған ориғлик, рангсизлик ортдириб, йигирма саккиз ёшида «хатми кутуб»³ қилишға муваффақ бўлди. Беш йиллик ўзгаришдан сўнг домла мударрис Абдурахмоннинг эски гуноҳларини кечирған эди. Ўз ёнидан бирмунча сарф этиб, Абдурахмон учун хатм тўйи қилиб берди.

Мулла Абдурахмон Қўқон сафарига ҳозирланар эди. Кўнгли Қўқонда ўзини кутиб турған уламолик шуҳратига; муфтилик, қози ва аъламлик мансабига ошиқинар эди. Унинг фикрича, Қўқондағи қариндош-уруғлар ҳам ёш олимнинг истиқболиға ҳозирлик кўргандек эдилар.

Шу йўсун ошиқлар ёр васлига ошиққандек мулла Абдурахмон ҳам ўз шаҳрига елиб-югуриб етди. Ул ўйлағанча истиқболға бутун Қўқон кўчиб чиқмаса ҳам, қариндош-уруғдан учтўрт киши, маҳалла кексаларидан иккита савобталаб чол дарбоза ёнида кутиб олдилар. Бу соддача истиқбол қилиниш Абдурахмоннинг Бухорода туриб қилған ширин хаёлиға биринчи зарба эди. Уйига бориб тушти. Бир неча кунгача фотиҳахонлик, ҳордиқ чиқариш маросимлари давом этди. Лекин бундан ҳам қаноатлана олмади, билъакс, жини отланди. Чунки зиёрат қилғучиларнинг аксариси мертуқ-сертук қавму қариндошлар, узоқ-яқин кўз таниш мадраса талабалари ва бир неча маҳалла имомлари бўлиб, ул куткан асосий моялар⁴, яъни мударрис,

¹ Ҳавоший – ҳошиялар, бирон китобнинг шарҳига берилган шарҳ.

² Фарди ғояси – Аллоҳнинг бирлигини англаш ғоясидир. Юқоридағи жумладан мана шу ғояни, яъни Аллоҳнинг якка-ю ягоналиги ғоясини диний илмлар билан исботлаш назарда тутилади.

³ Хатми кутуб – китобларни ўқиб тугатиш.

⁴ Моя – аслзода, асл одамлар.

пешволар, муфти-уламолар ва бек-бекзодалар, бообрў ашроф ва боёнлар зиёратчилар орасида ақалли кўз огриғи учун ҳам кўринмадилар. Бу иккинчи зарба эди.

Зиёрат қилишга «қўли тегмаган» баъзилар узр мақомида ўз уйларига «махсус зиёфат» билан чақирарлар, деб кутди. Бахтка қарши бу умид ҳам бўш чиқди. Бир неча қариндошларнинг титраб-қахшаб қилган зиёфатлари билан «уйдан уйга ўтиб неъматлар ичида сузиб юриш» хаёли ҳам «бир хаёл» бўлиб қолди. Бу учунчи зарба эди.

Бир ой ўтмай қавму қариндошларнинг-да зиёфатлари ниҳоятига етиб, бева онасининг туппасига қаноат этишка мажбур бўлиб қолди. Бухорода ўйлағанча бирар мадрасанинг мударрислиги ёки бу топилмағанда мукаррирлигигина эмас, ҳатто нариги маҳалланинг имоматини олиш ҳам қийин келди. Ўзидан икки маҳалла нарида бўлган ҳозирғи масжид имоматига таъйин қилмоқчи бўлган эдилар, бунга ҳам моний чиқди; мулла Абдурахмон алҳол суннатни бажо келтирмаган, яъни уйланмай, тарки суннат қилган кишининг имоматида нуқс бор, дейишиб, маҳалладаги баъзи тақводорлар эътироз қилдилар. Шундан кейин бир неча ёр-дўстлар, тўй чиқимини ўзаро устларига олишиб, уни уйландириш фикрига туштилар. Бухородағи «хаёллар» зеру забар¹ бўлган ҳолда, мулла Абдурахмон уйлашиш шарти билан ҳалиги маҳалла имоматига ўтди. Ҳозир шунчалик паст ишка ҳам бўйин эгиш зарурати бор эди...

Мулла Абдурахмоннинг совчилари ибтадаан² Солиҳ маҳдумнинг қизи – Раъно учун бордилар. Чунки Раънонинг ҳусни бу даҳада машҳур, ундан кейин Абдурахмоннинг ўзи Солиҳ маҳдумда савод ўқуб юрган фурсатда ёш Раънони кўрган, учунчидан, ёш олим кекса домланинг қизиға уйланса, яна бир ҳусн бўлар эди. Айниқса, мулла Абдурахмон ҳануз Раънонинг эрга берилмаганлиги хабарини эшиткач, бу тасодифни истиқболининг хайрлик фоллари сирасига киритди. Раъно бу ўн йил ичида яна етилган бўлса керак, деб тўйни кутмаёқ, унинг хаёлий сиймосини кучоқлай бошлади. Мактабдор домлаларға қарағанда ўз илм ва мартабасини аллақанча юқори қўйганликдан, Солиҳ маҳдумнинг кулоқ қоқмай домод қилишиға ишонар ва бу кунми, эртами, Раънони чиндан дар оғуш этиш учун ошиқар эди.

¹ Зеру забар – остин-устин, вайрон.

² Ибтадаан – бошлаб, дастлаб.

Лекин тақдир бунда ҳам уни алдади. Совчилар Нигор ойимдан бўлмаган узрни олиб келдилар: «Қизлари ҳали ёш эмиш, энди ўн икки ёшқа кирган эмиш...».

Мулла Абдурахмон хотунлар сўзига ишонмай, Солиҳ маҳдумнинг ўз олдиға маҳалладан бир-иккита кексани совчи қилиб юборди. Бу совчилар ҳам яна аччиғроқ жавоб билан келдилар. «Солиҳ маҳдум қизини ўрдада мирзолик қиладирған Анвар исмлиқ бир йигитка фотиҳа ўқуб қўйған экан. Фотиҳа қилмағанда, албатта сизга берар экан, кўб афсус чекти».

Бу жавобдан кейин Абдурахмоннинг дами ичига тушиб, ўз тақдириға лаънат ўқуди. Аммо кўнглида Раънони оладирған Анвар исмлиқ йигитка қарши бир кек туғилди. Бу жавоб чиндан тўғрими, найранги йўқми деб, ўрдада хизмат қиладирған Анвар отлиқ мирзони сўраштирди. Тўғрилиғини билиш устига ҳатто бу Анварнинг кимлиғини ҳам хотирлади: ўзи Бухороға кетар олдида Солиҳ маҳдумнинг мактабида ўқуб юрган ўша ятим бола эмиш. Уч-тўрт йиллардан бери ўрдада мирзолик қилиб, неча тилло моҳона олар эмиш... Бу сўраштириб билишдан кейин Абдурахмоннинг ичи яна ёниб кетди; Бухорода хатми кутуб қилиб келган бир «олим», ақалли бир маҳалла имоматига хархашасиз ўталмасин-да, унинг ҳаром тукига арзимаган бир бесавод ятим ва баднажот исқирт ўрдадан фалон тилло вази-фадор бўлсин ва шу туфайлда Раъно каби бир қизни ҳам ўзиники қилсин: бу, айниқса, киши чидарлик гап эмас эди...

Мулла Абдурахмон бутун камолатини ишка қўйиб, имомат ва хатиблиққа шуруъ¹ қилди. Ҳар кун қавмлариға амри маъруф, наҳйи анилмункар² айтиб, хусусан, ҳар ҳафта жумъа куни амри маъруфни кенгроқ доирада юритиб, кўбларнинг кўнглини эритишқа муваффақ ҳам бўлди. Изҳори фазл ниятида қилинған бу кўз бўяш кўбларнинг диққатини ўзига жалб этиб, ҳатто унинг амри маъруфини тинглаш учун жумъа кунлари чет маҳаллардан оғиб, кишилар кела бошладилар. Бу муваффақиятдан чатнаёзған мулла Абдурахмон кучангандан кучанар, айниқса, орада хонға тегишлиқ ҳукуматдор беклардан кўриниб қолса, жаннат ва жаҳаннам устидаги масалани дарҳол хонға итоат, бекларга ҳурмат билан айрибошлаб олар эди. Ҳаммабоп бўлишға қарағанда, айниқса, хонбоб бўлишға тиришар эди.

¹ Шуруъ – бошлаш, ишга киришиш.

² Наҳйи анилмункар – ёмонликдан қайтариш.

Унинг бу жонбозлиғи бошқа тўғриларда бирар амалий натижага эришмаса ҳам, фақат бир важида ниҳоятда яхши самара берди. Унинг «дарёи фазли»га мафтун бўлган савдогарлардан бири қиз қариндошини бериб, ўзига куяв қилди. Яхши оилга куяв бўлганидек, шаҳардаги бошқа давлатмандлар билан ҳам алоқа боғлади ва уларнинг зиёфатлари воситасида баъзи мадрасаларнинг мударрислари, мукаррирлари билан ҳам танишди, қисқаси, бироз бурни кўтарилаёзди. Фақат энди ўрдага яқинлаша олса... Аммо ҳануз бу муяссар эмас-да.

Имомнинг кўнгли Анвар қаршисига озгина кирлик эканини ўқуғучи юқоридан онглади. Унинг кўнглидаги шу озгина кир Анварнинг кўтарилишидан тинчсиз эди.

– Нодон Анвар ўрдадан қувланиш ерида сармуншийлик мансабига минмакчи.

Холис муҳокама кўпинча муҳокама бўлиб қоладир. Аммо ғаразлик фикр аксар сўзлагучини шарманда қиладир. Шунга ўхшаш, мулла Абдурахмон ҳам муҳокамасига озгина ғараз аралаштириб, Сафар бўзчининг аччиғ ҳақоратиға ҳадаф бўлди.

Шундай, ул Анварга кекли эди. Шунинг билан бирга Анварга қарши амалда бир иш қилиш кучидан ҳам маҳрум эди. Балки сиз «Энди имом афанди уйланиб олибдир, Раънога эҳтиёжи қолмабдир, бас, шу ҳолда кек сағлашға қандай мантиқ бор?» дерсиз. Бу – жуда содда муҳокама. Аслида, бу кек Раъно билан бошланган бўлса ҳам, ҳозирда доирани бошқача ушлаган. Масалан, дейсизми? Масалан, Сафар бўзчи жуда билиб сўзлади: «Сиз шунча йил Бухорода ўқуб келиб, ниҳоятни маҳаллага бир имом бўлдингиз, ул бўлса...».

Битишқа маҳкум бўлган кекни мана шу «неча йил Бухорода ўқуб келганлик ёки Бухороға бормаса ҳам, кимсан фалоний бўлганлик» сақлаб турар эди. Агар сиз содда бўлсангиз, масалага Сафар бўзчи каби қараб, «Худой берса, шундай» дерсиз, яна гапга тушунмасиз, Абдурахмон каби кишиларнинг табиъатиға тушуниш, албатта, қийин ва тушунмаган маъқул.

21. Ёрлиғ бериш маросими

Ёрлиғнинг кимнинг исмига ёзилганлиғини эрталабданок ўрдада ҳар ким сезиб қолди. Девонда эски одатича ўз ишини қилиб ўлтурғучи Анварнинг ёниға дам-бадам мирзо ва ғай-

ри сарой ходимлари келиб, оҳиштагина уни табрик этиб кетар эдилар. Анвар табрикларга илтифотсиз, оддий вазиятда, хонға эшитдирилиши зарур, атроф ҳокимларидан бу кун келган нома ва аризаларнинг муҳимини аҳамиятсизидан ажратиб, ҳудайчига топшириш учун тайёрлар, баъзиларини биринчи хонада олдиға давот-қалам қўйиб, дафтар устида ўлтурган мирзо, муфтиларга ҳавола қилар эди.

Сармунший хонасида Анвардан бошқа яна икки номанавис бор эди. Бу иккиси қоғозға михлангандек гап-сўзсиз савағич қаламни қирр-қирр қоғоз устидан юритиб турар эдилар. Бу қовоқ-тумшуғи осилиб кетканларнинг биттаси Шаҳодат муфти бўлиб, номзади хонға манзур қилинганлардан эди. Иккинчиси шоир «Мадҳий»нинг сармунший бўлишини орзу қилган Калоншоҳ отлиғ яна бир пешқадам мирзо эди.

Биринчи хонадаги ўн бешка яқин мирзолар ҳам турлиси турли вазиятда: Султонали мирзоға ўхшаганлар ер остидан ёнидағисиға кулиб муомала қилар ва баъзилари Шаҳодат муфти каби тўнини тесқари кийиб олган кўринар эди. Анвар ёнидағиларнинг бу ўзгаришларидан сиқилгансумон ҳар бир аризани кўриб чиқиш ораси уларга қараб олар эди. Қаршисидаги иккиси гўё мум тишлаган каби сўзсиз эдилар.

– Бу кундан мени мазох қилиб бошладилар, – деди ниҳоят Анвар, – гўё мен сармунший бўлар эмишман...

Шаҳодат муфти савағич қаламини давотка бир-икки тикиб олғач, кўзи қоғозда экан, жавоб берди:

– Бўлсангиз ажаб эмас...

– Йўқ, – деди Анвар ариза буклаб, – сиз қишлоқда бўлганингиз сабабдан келгунингизча ишлар тўхтаб қолмасин деб, вазифамдан ташқари ишларга уриндим. Эртадан бу вазифани ўзингиз олингиз, тақсир, мен бу мазохларга чидай олмайман.

Шаҳодат муфти қарийб бутун кўкрагини ёпқан баҳайбат мош-гуруч соқолини қалам билан таради:

– Мазох бўлмаса керак, – деди билинтирмайгина энтикиб, – алҳол ёшсиз, муҳофазангиз бутун, зерикиш сизнинг учун айб бўлади... Биз энди бу ишни кўб қилиб зерикканмиз...

– Албатта, – деди муфтининг ёнидаги Калоншоҳ мирзо кўзини қоғоздан олмаган ҳолда, – мазохларга қулоқ солиш керак эмас.

Анвар табрикларни бир қадар ҳақиқатка яқин кўрар эди. Аммо уларга «мазох» деб таъбир қилиши, ўзини маълум ўнғайсизликдан қутқариш ва уларга ҳам енгиллик бериш учун

эди. Бирок Калоншоҳ мирзонинг кейинги сўзи яна уни эзиб, очикдан-очик бўлган бу адоватка қарши қандай муқобала қилишдан ожиз келди. Шу ҳолда биринчи хонанинг даҳлизидан ҳудайчи кўринди ва турган жойидан Анварни чақирди:

– Мирзо Анвар!

Анвар ҳудайчи учун ажратқан аризаларни қўлига олиб ўрнидан турди:

– Аризалар тайёр... Ҳузурингизга чиқармоқчи бўлиб турган эдим¹.

Ҳудайчи бошини чайқади:

– Аризаларни ҳозирча қўйиб турунгиз, – деб ерга ишорат қилди, – ўзингиз мен билан бирга келингиз.

– Қаёққа, тақсир?

– Ҳузури муборакка.

Мирзолар бир-бирларига қарашиб олдилар. Шаҳодат муфти бўзрайиб хамроҳига қаради. Анвар эса кўлида аризалари билан ҳайрат ичида эди. Даҳлизда уни кутиб турган ҳудайчи яна танбех қилди:

– Мен сизга айтаман, Анвар.

Анвар, кўлидағини ўз жойига қўйиб, ҳудайчи орқасидан чиқди.

Хон тахтда эди. Ўнг тараф курсида Абдурахмон офтобачи² ва сўлда шоир мулла Ниёз домла қўл боғлаб ўлтурар эдилар. Биринчи хонадан Худоёр ҳузурига кирадирган эшикнинг икки ёнида ойболта кўтарган икки жаллод сурат каби қотқанлар, улар қаторида хон улуғлари – аъён ва сарой беклари чизилишиб ўлтурганлар эди.

Ҳудайчи «ҳузури муборакка» кириб таъзим қилди...

– Чақирдингма? – деди хон.

– Тақсир.

– Изн берамиз.

Ҳудайчи куллик қилган кўйи орқаси билан юриб, биринчи хонанинг даҳлизига келди ва даҳлизда кутиб турган Анварни «ҳузури муборак» сари йўлга солди.

Анвар «ҳузури муборак»нинг эшигида тўхтаб, таъзим адо қилди ва унинг ёнидағиларга ҳам ярим таъзим ишорасини берди.

¹ Ариза ва бошқа гаплар хонга ҳудайчи томонидан тақдим қилинадир (Муал.).

² Абдурахмон офтобачи – Мусулмонқулнинг ўғли (Муал.).

– Ишларинг яқшима, мирза? – деб сўради хон.

– Дуолари баракасида, қиблагоҳ, – деди Анвар.

Хон мулла Ниёз домлага қаради:

– Бу жигит бизнинг мирзалар орасида ўбдан кўринади, – деди.

Домла Ниёз ўрнидан кўзгалиб олди.

– Файзи шаҳаншоҳий.

– Мен бу жигитни мирзабаши қилмақчи бўлдим, – деди хон ва тизаси тегидан бир қоғоз олиб, домла Ниёзга узатти, – ўқунг, домла.

Домла Ниёз ўрнидан туриб, қоғозни олиб ўпди, Абдурахмон офтобачи ва унга эргашиб биринчи хонадаги аъёнлар баробар ўрунларидан туришдилар.

Домла Ниёз турган кўйи ёрлиғни ўқуди:

«Ба исми субҳонаҳу. Амруллоҳи фаризатун ва амруно вожиб¹. Бизким Фарғона мамлакатининг хоқони султон ибни султон, аъни Саййид Худоёрхон сўзимиз: Жулуси солисамизнинг² учунчи санаси мутобиқи³ 1287-нчи ҳижрия⁴ моҳи сафарнинг 25-нчиси⁵, ушбу ёрлиғимизни бердик хўқандлик мулла мирзо Анварғаким, мазкур мулла мирзо Анвар бинни Салимбой шаръи шариф узра устивор туруб, амримизга инқиёд⁶ этиб, девонбеги унвон дигар садри мунишийлик умури⁷ вазойифларимизни кама янбағи⁸ адо қилғай деб. Адойи ҳадама⁹ асноси биз амири вазифа мутлақалъинон¹⁰ дорус-салтананинг¹¹ ҳаққи шаръийсиға хиёнат қилишдан ижтиноб¹², адолатимиз ойинасини даноат¹³ ғубороти бирлан халалдор айлашдин парҳез, арзи доди фуқаромиз суръати истимойда¹⁴ ихмол¹⁵ ва сустлик кўрсатмай интишори¹⁶ адолатимиз кў-

¹ Аллоҳнинг амри фарзидир, бизнинг амримиз вожибдир.

² Жулуси солиса – учунчи марта ўлтуриш (тахтга).

³ Мутобиқ – мувофик, уйғун.

⁴ Мелодий ҳисоб билан 1872 йил.

⁵ Моҳи сафар – сафар ойи, қамария йил ҳисобида иккинчи ой номи.

⁶ Инқиёд – бўйсунуш.

⁷ Умур – ишлар.

⁸ Кама янбағи – талаб даражасида, кўнгилдагидек.

⁹ Адойи ҳадама – хизматларни бажариш.

¹⁰ Мутлақалъинон – ўз-ўзига мустақил.

¹¹ Дорус-салтана – мамлакат.

¹² Ижтиноб – четланиш.

¹³ Даноат – пасткашлик, тубанлик.

¹⁴ Истимоъ – эшитиш, қулоқ солиш, тинглаш.

¹⁵ Ихмол – эътиборсизлик.

¹⁶ Интишор – ёйилиш, тарқалиш.

шишида субҳи шом машғул ва мабзул¹, диққат ва эътибори том қилғай деб ва яна мазкур исмига ёрлиғ мактуб бўлмиш итоатиға афроди² девонхонамиз маъмурлар³ деб, муҳри шоҳонамиз бирлан ушбу ёрлиғни таъкид ва тақрир⁴ этдик».

Домла Ниёз ёрлиғни тугатиб, қоғозни манглайиға кўтарди ва икки қўллаб Худоёрға узатди.

Худоёр ёрлиғни олиб қаршида бош букиб турган Анварга ишорат қилди. Анвар югуриб келиб, ёрлиғни олиб ўпти ва уни салласига санчиб, орқаси билан юриб, илгариги ўрниға бориб тўхтади.

Домла Ниёз Анвар тарафидан дуоға қўл очти:

– Давлати шаҳаншоҳи рўз-барўз афзун, душманони амирал мўминини сарнигун бошад. Аллоҳи таоло сояи зиллаллаҳиро, аз сари раиятон кам накунад...⁵

*Худовандо, бигардоний балоро,
Зи офатҳо, ниғаҳ дорий ту моро.
Ба ҳаққи ҳарду гисӯи Муҳаммад,
Забун гардон забардастони моро⁶.*

Дуо асноси, айниқса, биринчи хонадаги аъённинг йиғи ва риққат⁷ оҳанглик «омин, омин» садолари «хузури муборак»ни титратти. Дуодан кейин ҳудайчи икки тўн келтириб, кимхобни домла Ниёзга ва қора бахмалдан тикилган мирзобошилиқ хилъатини Анварга кийдирди. Кимхобни кийиб олғач, мулла Ниёз «саховатда Ҳотами тоийдан, адолатда Нўширавони одилдан» ортиғроқ ул жанобнинг ҳаққиға яна янги дуо ва санолар тўқуди, гўё «амирал мўъминин»ни кўмди ва ўзи ҳам қайнади. Бундан сўнг маросим итмомиға⁸ етиб, Анвар секин-секин

¹ Мабзул – бағишламоқ.

² Афрод – одамлар, кишилар.

³ Маъмур – амр қилинган.

⁴ Тақрир – қарор.

⁵ Шаҳаншоҳнинг давлати кун сайин кўпайиб, амиралмўъмининнинг душманлари йўқ бўлсин. Аллоҳ таоло Худо соясини фуқаро бошидан кам қилмасин.

⁶ Эй Худо, сен балоларни қайтарғучидирсан, Офатлардан бизни сақлағучидирсан.

Муҳаммаднинг икки кокили ҳурматига, Бизга ғолиб келгучиларни забун қил (Муал.).

⁷ Риққат – кўнгил бўшлиқ.

⁸ Итмом – тамомлаш, тугаллаш.

орқаси билан юриб биринчи хонага ва ундаги аъённинг табрикларига кўмилиб, даҳлизга чиқди.

Анвар девонхона сахнига етканда, ичкаридаги каттадан-кичик мирзо, муншийлар янги бошлиқларини муборакбод қилғали ўрунларидан қўзғалдилар. Ҳозир баъзиларининг устида бояғи «онглашилмовчиликлар» гўё бўлмагандек, ҳатто мулла Шаҳодат муфти ҳам ҳеч нарсани кўрмагандек, ўз умрида биринчи мартаба Анварнинг ҳурматига ўрнидан турди.

– Муборак, муборак! Боракалло, мирзо Анвар! – деди.

Баъзи муншийлардаги ярим соатлиқ бу ўзгаришдан таажжуб қилинмасинким, бунинг сабаби оддий ва очикдир. Сармунший, демак, агарчи соқоли кўксини тутқан Шаҳодат муфти кабиларнинг бўлса ҳам, хўжасидир. Шу соатдан бошлаб уларнинг тақдири шу бир кишининг қўлидадир.

Анвар самимий ва риё аралаш табриклардан анча ўнғайсизланган эди. Бошидағи ёрлиғни қўлига олиб, ўз-ўзидан таажжубланганнамо атрофидаги мирзоларга қаради:

– Жанобнинг амирлари билан, – деди Анвар уларга хитобан, – энг оғир ва жавобгарлик бир хизматни ўз устимга олишқа мажбур бўлдим. Бу мажбуриятим ўзимга эътимод қилганимдан эмас, балки сизнингдек оталарим, оғаларимга такагоҳ деб ишонганимдандир. Ўйлайманким, бундай мажбуриятда қолган бир укангизни албатта ерга қаратмассизлар ва ундан марҳаматларингни аямассизлар... Мен сизларнинг сояларингизда тарбияландим, менга ўз шогирдларингиздек муомалада бўлиб келдингизлар. Бу кун мен расман сизларга бошлиқ бўлиш мажбуриятида қолган эканман, яна ҳеч аҳамияти йўқдир. Мақсад: мундан кейин ҳам менга кечаги Анвар каби такаллуфсиз муомалада бўлишларингиз ва ҳурматлар билан мени ранжитмасликларингиздир. Чунки содда муомала яқинлиқ ва меҳрибонлиқ белгисидир.

– Бу кунгача биз сизни марҳум мулла Муҳаммад Ражаббекнинг шогирди бўлганлигингиз учун эҳтиром қилмадиқ, – деди жавобан Султонали мирзо, – балки сизнинг истеъдодингизни ҳурмат қилдиқ. Мундан сўнг ҳам бош мирзолигингизни эмас, мирзо Анварлигингизни эҳтиром қилармиз.

Мулла Шаҳодат муфти ер остидан Султоналига хўмрайиб қаради ва нос отиб, ўз жойиға бориб ўлтурди.

– Сиз ҳамиша мени муболағангиз билан уялтирасиз, мулла Султонали ака, – деди Анвар. – Агар менга ҳурмат лозим бўлса,

муболаға билан эмас, яна такрор айтаман, бир қариндошингиз қаторида такаллуфсиз муомала қилиш билан бўлсин.

Фотиҳадан сўнг ҳар ким ўз ишига ўлтурди. Анвар ҳам бах-мал тўнни еша бошлаған эди, ёниға Султонали мирзо келди:

– Анвар, сиз уйга борсангиз яхши эди.

– Нима учун?

– Ёрлиғ олғанингизни хабар қилиш учун шаҳарга ҳозир жарчи чиқар. Уйингизга сизни муборакбод қилғали кишилар келса...

– Аввало меним уйим йўқ. Ундан кейин мени муборакбод қиладирған танишларим ҳам йўқ, – деди Анвар қўл силтаб, – бундан хотиржамъ бўлингиз.

– Ёшлиқ қиласиз, Анвар.

Анвар жавоб бериш ўрниға кулимсираб қўйди ва жойиға ўл-туриб, аризалар кўра бошлади.

22. Адрес тўн ва иссиқ нон «фожиаси»

Ёрлиғ олишнинг иккинчи соатларида бутун шаҳарга бу ха-бар тарқалиб кетди. Ўрда жарчиси бозор ва уруниш жойларда тўхтаб:

– Айюҳаннос! Билмаган билсин, эшитмаган эшитсин:

*Вақтики, ажал паймонаси тўлди,
Мунший мулла Муҳаммад Ражаббек ўлди!
Фазл боғида очилған бир гул,
Яъни гул шоҳиға қўнған булбул.
Ба номи мулла мирзо Анвар,
Камолига мусалламдир¹ аксар.
Ҳузури муборакдан олиб ёрлиғ,
Майдони қаламкашликда қилур сухандонлиғ.
Ҳар кимсанингким бахти кулса,
Шоҳиға жону дил ила хизмат қилса,
Лутфу шоҳонага сазовор бўлғай,
Атрофи зару зевар ила тўлғай!..*

манзумаси билан жар солиб юрар эди.

Кечаги хабарларга кулги ва мазох тариқасида қараған шаҳар уламо ва ашрофлари бу кунги ҳақиқат олдида ҳар замон

¹ Мусаллам – тан бермоқ, қойил бўлмоқ.

ёқа ушлаб: «Тавба, бу қандай бемазалик? Бир беному нишонга бунча илтифот!» дер эдилар. Шаҳарнинг аксарият қисми бўлган камбағал-косиблар бу масала устида бир хилдароқ фикр қилиб «ким бўлса ҳам, ўзи инсофлик бўлсин, нима дединг-а, Мамарайим?» каби содда жумла билан ўз орзуларининг нимада эканини гавдалантирар, аммо Анварга иши тушиб, унинг шафқатини кўрган Сафар бўзчи кабилар бу хабардан жуда ҳам хурсанд: «Қилмишидан топти бу йигит, бўғани жуда маъқул» деб, янги мирзобошининг таърифини қилар эдилар.

Махдум бу хабарни илгаридан кутиб турган бўлса ҳам, яна шошиб қолди. Сўйинчига келган йигитни тўхтатиб қўйиб, дарҳол икки болани меҳмонхонани супуриб, жой солишқа буюрди ва бошқа болаларни ёппа озод қўйиб юборди. Алпанғ-талпанғ ичкарига кириб, ўқуғучи қизлар ичидаги Нигор ойимни ўз ёнига чақирди:

– Хай, – деди, – Анварингдан киши келди, сандиғингни оччи!

Нигор ойим махдумнинг шошиб айткан бу сўзига тушунмади.

– Анвардан нима учун киши келади, сандиқни нега очай?

– Хай, аҳмақсан, – деди махдум энтикиб, – Анвар ёрлиғ олган, сўйинчига йигит келди; сандиқни очиб, шунга бир нарса бериб юборайлиқ дейман, тез бўл!

Нигор ойим ҳам шошилинкаиради, уйга кириб, сандиқнинг калидини тополмай, тўрт томонни излар, махдум даҳлиздан туриб уни койир эди. Калид топила бермагач, махдумнинг тоқати тугади, чиқиб қизлар ичидан Раънони чақирди.

– Топдим, топдим! – деди Нигор ойим.

Махдум уйга қайтиб кирди. Нигор ойим сандиқни очиб сўради:

– Қандай тўндан олай?

– Бўздан ол, бўздан.

Шу вақт Раъно ҳам уйга кирди. Махдум қизиға қараб кулди:

– Бахтинг-да, қизим, – деди, – Анвар аканг сармунший бўлибдир.

Раъно кулимсираб четка қаради:

– Мени нега чақирган эдингиз?

– Сандиқнинг калидини биласанми, деб чақирган эдим, калид топилди.

Нигор ойим бир бӯз тўнни олиб, эрига кўрсатти:

– Шуниси бўладими?

– Ҳа бўлади, ташла.

– Ўрдадан келган кишига шу тўнни бериб бўлармикин?

Раъно ҳам бӯз тўнга эътироз қилди:

– Бериб бўлмайди, уят.

Махдум ўйлаб қолди:

– Бўлмаса, – деди иккиланиб, – жўнроқ адрасдан олчи, – Нигор ойим бир адрас тўн олиб махдумнинг қўлига берди.

Махдум тўнни ёруққа солиб кўрди:

– Йўқ, адрас хайф, Раъно, – деди тўнни таҳиға солиб, – ҳалиги бўзни беравур.

– Бўз тўн бергандан, бермаган яхши, – деди аччиғланиб Раъно, – арзимаган нарса учун Анвар акамни уялтирасизми?

Раънонинг ёниға Нигор ойим ҳам қўшулди:

– Киши уялғулиқ бўлмасин, Раъно.

– Ҳайф-да, хайф, – деди махдум, адрас тўнни салмоғлаб кўриб. Бояғи шошилиш ҳолати ҳозир йўқ, аммо юзида ачиниш вазияти бор эди. – Увол-да, увол, қизим, ипаги жуда қуюқ экан.

– Ипаги қуюқ бўлса, ҳеч нарса қилмас, – деди асабийланиб Раъно. – Кишининг иззати нафси ундан ҳам қуюқ.

– Хайр, хайр, – деди махдум, адрас тўн билан видолашқан-дек. – Сен қизларингни озод қўй, Нигор, дастурхон тайёрлаб, чой қайнат. Фотиҳага одамлар келса керак. Сен Раъно, сочларингни ювиб, сал одамшаванда бўлиб юрсанг бўлмайдим, қизим?

Махдум шу сўзни айтиб чиқди. Раъно махдумнинг орқасидан нима учундир кулиб юборди. Нигор ойим югуриб эрининг орқасидан чиқди:

– Ҳай, Раъно! – деди ҳавлида кетиб борган махдумга, – нонларимизнинг суви қочқан, ҳамир қилишға вақт оз, бозордан иссиғ нон олдирасизми?

Бу гап махдумга адрас тўннинг алами устидан туз сепкан таъсирини берди.

Ҳавли ўртасида бош қашилиб қолди ва кўзини қисиб, хотуниға қаради:

– Жуда қаттиғми? – деб сўради.

– Жуда қаттиғ, ҳатто ушатишқа ҳам қўлнинг кучи етмас.

Жавоб яна фалокатлироқ эди. «Хўб, нон олдираман» дейишқа ҳам маҳдумнинг мажоли қолмаган ҳолда бошини қуйи солиб, жавобсиз ташқариға жўнади. Меҳмонхона саҳнида кутиб ўлтурган йигитка ўз қўли билан адрас тўнни кийдирди. Йигит дарбозадан чиққунча ҳам маҳдумнинг кўзи «хайф кеткан» адрас тўнда, ҳатто ундан Анварнинг келаётқан хабарини сўрашни ҳам унутқан эди. Ҳавли супурғучи бола сув сепмай чангитиб юборгани учун уни «аблаҳ, кучук!» деб койиди. Меҳмонхонада кўрпача ёзиб турган боланинг ёниға кириб, қўмаклашди ва боланинг уқувсизлиғидан ранжиб, буни ҳам бирмунча ачитиб олди.

– Сен чопиб гузарга чиқ, – деди болаға, жой солиниб бўлгандан кейин. – Катта толнинг тегида Совур новвойнинг дўкони бор. «Маҳдум домлаға йигирма дона нон керак экан. Нархи қанчадан?» деб даррав сўраб кел. «Маҳдум домлаға» дегин, «арзон қилиб айтар эмишсиз, пули нақд эмиш» дегин... «Янги мирзобошининг ўрдадан меҳмонлари келар экан» дегин... Югур!

Болани нарх билишқа жўнатиб, ҳавлиға чиқди. Ҳавлидаги бола сувни кўб сепиб, ерни лой қилиб юборган эди, яна койиди ва дарбоза олди – кўчаға ҳам сув септириб, ичкари кирди.

– Қизларни озод қўйибсан, яхши, – деди маҳдум Нигор оймға. – Биз-ку, шу хабарни кутиб турган эдик. Шундай бўлгандан кейин, нон-понингни тўғрилаб турмайсанми; ун бўлса-ку бор, аблаҳ, қани менга уч-тўртта нонингдан олиб кўрсат-чи.

Раъно онасининг сўзи билан қутидан беш-олти дона нон олиб, дадасининг қўлиға берди. Дарҳақиқат, бир-бириға ўхшамаган нонлар тарашадек қотиб қолган эдилар. Маҳдум уруниб кўриб, биттасини ҳам синдиришға кучи етмади. Раъно юзини четка ўгуриб, кулиб турар эди. Маҳдум урина-урина ниҳоят ўзи ҳам кулди.

– Зор қолғуринг жуда ҳам қотипти-да, кун ҳам иссиқ-да, Раъно?

Бу сўздан Раъно баттарроқ кулиб юборди. Нигор ойм ҳам кулимсиди:

– Ахир, ўзингиз кечагина мен хамир қилай десам, койидингиз, – деди Нигор ойм. – Биз-ку майли, куни бўйи ишлаб кел-

ган Анварга жабр. Шунчалик рўзгор қилиб, лоақал юмшоғроқ нон едирмасак... Киши жуда ҳам уялади.

– Мен иссиқ нонга бола юбордим, – деди махдум қаттиғ нонларни Раънога бериб. – Анварга жабр бўладир, деб ўйла-санг мундан кейин ўзига лойиқ, оз-оз нон ёпиб тур. Сен билан мен бўлсақ қаттиғ нонни ҳам ея берамиз: жазаси чойға бўкти-риш-да.

Махдум айтмаса ҳам, Нигор ойим Анвар билан Раънога яширинчи юмшоқ нон ёпиб берар, фақат бу кун ўша нондан бир-иккита қолган эди. Махдум энди нон сотиб олишни бўй-ниға олиб, ташқариға чиқди. Нарх билиб келган болаға йигир-ма пул бериб, орқаси куймаганини олиш шарти билан нонга юборди.

Анварнинг «танишсизлиқ ва уйсизлиқ» фикрининг аксича фотиҳахонлар ҳам кўриниб қолдилар, иккинчи, учунчи дур-кум фотиҳахонлар келгандан сўнг, махдум Анвар олдиға киши юбориб, уни чақиртириб келишка мажбур бўлди.

Шу кун кечкача шаҳарнинг ҳамма табақаларидан ҳам фо-тиҳахонлар келиб турдилар. Ҳатто Анварнинг нодонлиғидан кулиб ёқа ушлаган уламолар, бой ва ашрофлар муборакбодчи-ларнинг аксариятини ташкил этар эдилар. Чунки бу кейинги табақа замонасозлиқ, мувосо¹ ва тадбир орқасида яшағучидир-лар. Анвар ўзини табрик қилғучи уламо ва ашрофлар юзидан очиқ равишда риё, шайтанат ва тамаъ ўқур, камбағаллардан содда самимият кўрар эди.

23. Китоб сўзи

Асрдан бироз илгарироқ эди. Махдум дарбоза ёнида му-боракбодчи мударрислардан бирини икки буқланиб таъзим қилган ҳолда узатар эди. Ҳазрати мударрис хайрлашқан жо-йида яна тўхтаб, томоқ қириб олди.

– Ҳай, мулла Солиҳ, яна бир гапни саҳв² қилибман, – деди ҳазрати мударрис. Солиҳ махдум югуриб ҳазратнинг ёниға келди. – Мирзога айтишни эп кўрмадим; масалан, ривоят ва ҳоказо масалаларга ҳожат тушса, биздан бегона қилмасин... Жанобингиз шуни ҳам таъйинлаб қўясиз.

¹ Мувосо – мураса қилиш, келишиш.

² Саҳв – унутмоқ.

- Хўб, тақсир, хўб.
- Фаромуш қилмассиз, албатта?
- Хотиржамъ тақсир.

Махдум уламо, амалдор ва ғайрилардан шунинг каби сипо-ришларни тўрт-беш соатдан бери қабул қила-қила жуда мияси суюлган эди. Ҳозирғи илтимосни ҳам ўшалар қаторида бўйнига олиб, ҳазрат мударрисни жўнатди.

Нари-бери бўз салласини бошига чулғаб, сарпойчан каф-шини шап-шуб босиб, дарбозадан ичкарига кириб бормоқда бўлган Сафар бўзчини махдум тўхтатди:

– Хўш, хўш, ука, – деди Сафар бўзчиға. – Йўл бўлсин сизга?

Чунки махдум муборакбодчи камбағаллар у ёқда турсин, ҳатто уламо ва бойлардан ҳам ҳозир зериккан эди. Бу зерик-кишка иккинчи мартаба нон олдиришнинг ҳам алоқаси бор эди. Сафар бўзчи остона ёнидан махдумга қийшайиб қаради:

– Лаббай, тақсир? – деди.

– Йўл бўлсин сизга?

– Мирзо Анвар инимга Худо мартаба ато қилган эмиш деб эшитдим, – деди Сафар бўзчи, – пиримни зиёрат қилай, деб келяппан...

– Келганингиз маъқул, илло ўзи ҳозир жуда чарчаб қолган-да, четдан дуо қилиб турсангиз ҳам кифоя, ука.

Сафар бўзчи бошини қашиб, яна махдумнинг афтига қараб қўйди:

– Зиёрат қилиб чиқа бераман, тақсир. Бошқа гап йўқ, тақсир.

Махдум Сафар бўзчининг илгарисига ўтти:

– Майлику, ука, ранжитасиз-да.

– Садағаси кетай мирзонинг, – деди Сафар бўзчи махдум-нинг қаториға бориб, – барака топқурнинг ўзи ранжийдирган йигит эмас, хоксор-да, тақсир, кўрсангиз биларсиз-ку, мен минан жуда қадрдон-да, тақсир.

Махдум асабийлашиброқ Сафар бўзчининг бетига қаради. Сафар бўзчи ҳам махдумга бироз тикилиб турғач, илжайди.

– Кўрсангиз биларсиз, мен минан жуда қадрдон-да, тақсир, – деди яна ва махдумга илтифот қилмай, ичкарига юруй берди. Бир неча мартаба келиб Анварнинг меҳмонхонасиға ўрганиб қолган, шунга биноан бу тўғрида махдумнинг ёрдамиға муҳтож ҳам эмас эди.

Анвар меҳмонхонада Шаҳидбек ва яна бир саркарданамо билан сўзлашиб ўлтурар эди. Сафар бўзчини даҳлизда кўриб ўрнидан турди. Иккиси неча йиллик қадрдонлар каби самимий кўришдилар. Сафар бўзчи кўзида ёши билан Анварни табрик қилди. Анвар унга ўз ёнидан жой кўрсатиб ўлтуришдилар. Сафар бўзчининг фотиҳасига анови икки бек аранг қўл кўтариб қўйдилар.

- Закотчидан тинчмисиз? – деб Анвар кулди.
- Худойға шукур, давлатингизда, мирзам.
- Бозорлар яхшими?
- Бир навъи... ҳарчи тириклик тебраниб туради, ука.

Сафар бўзчининг бояғи ҳаракатидан аччиғланиб ташқарида қолган маҳдумнинг кимни ҳам бўлса ичкарига таклиф қилган товши эшитилди. Сафар билан Анварнинг сўзлари бўлинишка мажбур бўлди.

Мулла Абдурахмон Анвар билан ёнма-ён ўлтурғучи «дўсти» Сафар бўзчини меҳмонхонанинг даҳлизига киришидаёқ кўриб қолди ва сариқ туси бўзариб кеткан ҳолда ичкарига қадам узди. Сафар бўзчининг ҳурмати учун лоақал қимир этмаган беклар ҳам мулла Абдурахмоннинг истиқболига қўзғалишдилар. Маҳдум мулла Абдурахмон билан Анварни бир-бирларига танишдирди.

– Балки хотирларсиз, мирзо Анвар, – деди маҳдум, – сиз маним қўлимга келган йилларингизда мулла Абдурахмон акангиз ҳам бизнинг мактабда ўқур эдилар.

- Хотиримда. Хўб саломатмилар, тақсир?
- Алҳамдулиллоҳ, – деди Абдурахмон ва ер остидан Сафар бўзчиға қараб қўйди, – мартабалари муборак бўлсин.
- Қутлуғ, тақсир, қани, марҳамат қилсинлар.

Ўлтуришдилар, фотиҳадан сўнг яна бир даража аҳвол сўрашилди. Ҳозирги тасодуф жуда қизиқ тушкан эди. Мулла Абдурахмон бу учрашишдан ниҳоятда ўнгғайсизланган. Анварни табрик этиш учун оғиз очишға қодир эмас ва ҳар замон қаршисидағи «бемаъни»ға қараб қўяр эди. Шу ҳолда бир неча фурсат сўзсиз ўлтуришкандан кейин, Анвар қўбчиликни дастурхонға таклиф қилди ва Шаҳидбек мулла Абдурахмонни сўзга тортди.

- Нима лавозимотдалар, тақсирим?

– Имоматда, – деди Абдурахмон ва ер тегидан Анварга кўз юбориб олди, – Бухородан келганимиздан бери имоматдамиз... Мадрасада ҳам бирмунча мукаррирлигимиз бор...

– Кўб яхши экан; имоматлари қайси маҳаллада?

– Бизнинг маҳаллада, – деди сўзга аралашиб Сафар бўзчи, – тақсиримнинг илмлари жуда дарё, ўзлари Бухорода хатим китоб қилганлар.

Шаҳидбек гўё кўнгил учун яна:

– Кўб яхши экан, – деди.

– Мулла Абдурахмоннинг илми дарҳақиқат яхши бўлган деб эшитаман, – деди маҳдум.

Сафар бўзчи мулла Абдурахмоннинг тилагига қарши яна сўзлаб кетди:

– Яхшилиққа келганда – яхши, бироқ тақсиримнинг толеълари бироз пастлик қилиб туради. Бўлмаса мударрислик, муфтилик, мирзолик – буларнинг барисига ҳам тақсирим етук... Фақат толеъ паст-да, бек бобо. Мана энди мирзам оталиқ қилиб ўрдадан бирар иш топиб берсалар, тақсиримга ҳам офтоб тегса ажаб эмас. Ўзлари ҳам бир ҳафтадан бери мирзамнинг ҳақлариға дуода эдилар... а, тақсир, шундай эмасми?

Мулла Абдурахмон Сафар бўзчининг қаршисида ҳозир ҳар бир разолатка ҳам бўйин эгар эди. Манглайдағи терини артиб, бесаранжом аҳли мажлиска қараб чиқди ва ғулдирагансумон:

– Шундай, – деб юборди.

Маҳдум Сафар бўзчини мулла Абдурахмон тарафидан воситачилик учун жўрттага келган, деб ўйлади.

– Мулла Абдурахмон ўзимизники, – деди маҳдум, – албатта мирзо Анвар қўлидан келган ёрдамани аямас.

– Албатта, мунший тариқасида ўрдага олинса ҳам бўлади – деди утта¹ бек.

Анвар ваъда бериб қўйишни эп билмаганликдан, сўзсиз ўлтурар эди. Мулла Абдурахмон ҳар замон манглай терини артиб олар эди. Сафар бўзчи тунови кунги адабсизликни тақсиримнинг кўнглидан чиқардим деб, мулла Абдурахмоннинг кўзини учратишка ва озғина бўлса ҳам тақсиримдан миннатдорчилик олишға тиришар эди. Бирмунча вақт шу кўйи сўзсиз ўлтуришкандан кейин беклар фотиҳа ўқуб қўзғалмоқчи бўлдилар. Сафар бўзчининг яна оғзини очиб юборишдан қўрқиб, хатто қи-

¹ Утта – нариги, анови.

мир этмай ўлтурган имом ҳам бекларнинг фотиҳасига қўшулишиб ўрнидан турди. Сафар бўзчи ҳам мирзонинг ҳақиға дуо қилиб имомга эргашти. Чунки имом билан биргалашиб кетиш орзуси, шу баҳонада тунови кунги паст-баланд гапларни мулла Абдурахмоннинг кўнглидан чиқариш нияти бор эди.

Анвар билан хайрлашиб, тўрт киши баробар кўчага чиқдилар. Ўттуз қадам чамаси бирга бориб, Шаҳидбек ўз ҳавлисига бурулди. Яна бироз борғандан сўнг иккинчи бек ҳам бошқа кўчага кириб кетди. Мулла Абдурахмон ҳам Сафарбой «дўсти» билан бирга юришни хоҳламади, шекиллик, тез-тез адим ташлаб ҳамроҳлик алоқасини узмоқчи бўлди. Бунга қарши Сафар ака уч ҳатлаб бир босиб, Абдурахмоннинг ёнидан чиқди. Бу ҳолдан яна имомнинг феъли айнаб, йўл устида бирдан тўхтади ва Сафарнинг афтига бир турли мушук қараши қилди:

– Нега тўхтадингиз, боравуринг.

Сафар бўзчи Абдурахмоннинг тўхтаганидан хабарсиз икки-уч адим нарига ўткан эди:

– Биргалашиб борамиз-да, тақсир.

– Мен сиз билан юришни хоҳламайман, жўнанг, жўнанг!

Сафар бўзчи тушунолмай бироз қараб қолди:

– Нега, тақсир?

– Нега дейди-я, аҳмақ одам...

– Ўзларингизни айтишларингизга қарағанда, мусулмон киши учун кина сақлаш бир рўймолни ювиб қурутқанча экан, – деди Сафар бўзчи, – бизлар бўлсақ тўрт кундан бери шайтонни апицлаб юруймиз... Шуниси ҳам кифоя-да, тақсир.

– Астағфирулло, – деди имом, – сиз ўша кун маним устимга уч кунлик гап қилдингизми?

– Шайтоннинг ишида, тақсир, – деди Сафар, – ахир, яна маним айтканим бўлди-ку, мен бунга бир нарса деяпманми? Недир кинани қўяйлиқ деяпман-да.

Мулла Абдурахмон истиғфор айтиб, йўлга тушти. Сафар бўзчи ҳам мулойимгина унинг ёнида қўл қовуштириб жўнади.

– Хўш, кинани ташлаган бўлсангиз, – деди йўлакай имом, – нега боя уларнинг олдида оғзингизга келганини ўтладингиз?

– Яхшилиқдан бошқа ҳеч гап айтмадим. Фақат илмингизни мақтадим.

– Бошқа гап айтмадингизми?

– Нима дедим, ахир? Шунчалик илмлари бўлса ҳам, толеълари озгина пастлик қилиб турадир, дедим. Бу тўғри гап эмасми, тақсир?

– Мен сизга мирзодан хизмат сўраб беринг, деб ваколат берган эмас эдим-ку.

– Ваколат-ку, йўқ... Ахир, токай илмингизни хор қилиб масжидда ётасиз... Ахир, биравни ука, биравни ака деб, сиз ҳам тузукроқ ишка қатишинг-да, тақсир.

– Астағфирулло... Балки менга подшоҳликдан ҳам шу имомат яхшидир.

– Бе-е-е, гўрними, тақсир – деди Сафар бўзчи, – у гапни кўйинг, нафсиламр гап яхши. Шаҳардаги бирарта мударрис домлани ўшандақа мирзабоши кўтарсалар йўқ дерми?.. Вой-боёв, тақсир, сизга ҳам ўрдадаги бир мирзаликни берса деб, «сизнинг ҳаққингизга тақсирим дуода бўлдилар», дедим-да. Маним холислигимни шундан ҳам пайқасангиз бўлар эди, ука.

– Астағфирулло, – деди яна имом, – дарҳақиқат, мен уни шундай, деб дуо қилганмидим... Ёлғоннинг нима кераги бор?

– Тақсирим бўлсангиз ҳам ҳали ёшсиз-да, – деб кулди Сафар. – Башарти ростини сўзлаб «сизнинг мирзабоши бўлишингизни тақсирим кўралмаган эдилар» десам, хурсанд бўларминдингиз, вах-хах-хах, хех-хех-хех... Йўқ, тақсир, ўзингиз ҳам Бухорода ўқуған бўлсангиз керак: китоблар икки жойда ёлғон айтишни маъқул деган эканлар; биттаси – эру хотуннинг орасида, иккинчиси – икки мўминни битириш учун. Буни Худо раҳмати домлам ўқуб берар эдилар. Шу гап қулоғимда қолған экан, мен дуруғ¹ айткан бўлсам, китоб сўзига амал қилдим-да, икки мўминни битиштириш учун сўзладим-да.

Мулла Абдурахмон яна оғиз очолмади. Чунки Сафар бўзчи «китоб сўзи» билан уни енгиб қўйди. Маҳаллага келиб етдилар. Сафар бўзчи кинани тамоман кўнглидан ювиб ташлаған эди. Шомни мулла Абдурахмон орқасида ўқуш учун масжидга кирди. Жиловхонадаги намоз кутиб ўлтурган қавмлар ичидан Самад бўқоқ, Шукур сўфилар ҳам кўринар эдилар. Сафарнинг имом билан бирга масжидга киришидан таажжубланган Самад бўқоқ уни туртиб сўради:

– Ярашдинларми?

¹ Дуруғ – ёлғон.

– Кина деган рўймолни ювиб қуритқунча, – деди Сафар бўзчи, – янги мирзабошининг уйидан домла билан бирга фотиҳа ўқуб келамиз. Ҳали эшитдингми, ўша маним мирзам ёрлиғ опти-я.

Самад бўқоқ индамай четка бурулиб кетди. Шукур сўфи шом намози учун такбир тушура бошлади.

24. Шоирнинг сирри

Ўн беш куннинг ичида маҳдумнинг меҳмонхонаси расмий бир маҳкамага айланаёзди. Ўрдага ариза билан мурожаат қиладирган ҳар ким, ҳатто расмий кишилар ҳам аввал маслаҳат сўраш учун Анварнинг ёнига келар эдилар. Кундузлари ўрда девонини бошқариш, эрталаб ва кечқурун ўз уйида хусусий кишиларни қабул қилиш, албатта, Анвар учун оғир эди. Аммо бу оғирлиқ бурундан сармунший бўлган кишининг устидаги қонуний вазифаси ҳисобланиб келганликдан кишиларни уйда қабул қилишга Анвар мажбур эди. Бу хусусда камбағалларнинг берадирган заҳматлари Анварга унча оғир тушмаса ҳам, беклар, уламо ва бойларники аксар чучмал ва машаққатли бўлар эди. Чунки камбағалнинг кенгаш сўраб келиши жуда муҳим ишлар устида, масалан: бир бекнинг қилган зулми устидан шикоят, жуда камбағал бўлгани учун солиқлардан дархонлиқ сўраш ва ҳоказо... Кейингилар эса, масалан: бир мударрис иккинчи мударрис устидан шикоят қилиб, бу тўғрида домла Ниёз Муҳаммад шоғовулбошининг қулоғига андаккина тинғиллатиб қўйишни сўрар; бир закотчи иккинчи бир закотчининг хиёнатидан «холисона» шикоят қилар, бир савдогар ўзининг жуда фақирлиғидан ҳасратланиб, закотдан озод қилинишини сўрар; агар закотдан қутқазиб юборса, Анварнинг «қўнглини тўлатиш»ка ҳозирлигини ҳам билдирар эди. Анвар бу кейинги илтимосчилардан гоҳ аччиғланиб, гоҳ кулар, ҳарҳолда бир неча дақиқалиқ ваъдалар билан уларни жўнатқунча эси кетар эди.

Бу сўнғиларнинг ташрифлари Анварга қанча беҳузурлик берса, маҳдумга ўшанча мағрурият ва лаззат бағишлар, ҳатто Анвар ўрдада бўлган кезларда ҳам уларни меҳмонхонага қабул қилиб, Анвар келгунча унга қанча сифоришлар¹ ва аксар сифоришчиларнинг ўзларини тўплаб турар эди. Юқорида Сафар бўз-

¹ Сифориш – топшириқ, буюртма.

чи билан воқиъ бўлганидек, маҳдум ариза ва кенгашка келгучи косиб ва тўни эскилар ила чиқиша олмас, ўлгунча уларни ёмон кўриб, «мирзо бу кун келмайди, сиз билан гаплашишка фурсати йўқ, бемаъни бўлманг» каби гаплар билан камбағалларни эшикдан қайтаришга тиришар эди. Анварнинг бирарта камбағал билан «эзилишиб» ўлтурганини кўрса, ичидан аччиғланиб «куллушайъин яржиъу ило аслихи...» паст ҳамиша пастлигини қилдир... «Сут билан кирган – жон билан чиқар» мақоли кўб тўғри сўз, деб ўйлар ва энсаси қотиб, четка кетар эди.

Маҳдум шу кунгача Анвар билан Раъноларнинг тўйларини қилишга шошилмасдан келар эди. Аммо бунда бир қанча сабаблар бўлиб, жумладан, Анварнинг Раънога қаттиғ боғланганини яхши сезганлиги ва шунинг орқасида Анвардан «хотиржамъ»лиги эди. Шошилмаслиқнинг иккинчи ҳам кучлик сабаби мумкин қадар тўйни узоққа чўзиб, шу воситада Анварни соғиш... чунки тўй қилиниб, Раъно Анварга берилса, бу даромаднинг қатъиян кесилиш эҳтимоли бор эди.

Анвар бош муншийлик даражасини олгандан кейин маҳдум илгариги «сиёсат»ни яна давом этдириш ва этдирмаслик тўғрисида иккиланиб қолди. Зеро, Анвар ҳозир бутун шаҳарга донғ тортқан, шаҳарнинг уламози, ашрофи, бек ва бекбаччаси Анварни танийдир; Анварга мазкур олий табақаларнинг ҳар қайсиси ҳам ўз қизини бериб, куяв қилишга тайёр. Бас, шу ҳолда яна маҳдум эски тадбир билан амал қилса мумкинми?

...Маҳдум ноилож сармунший бўлишни йигирманчи кунларида Нигор ойим билан кенгашиб, мирзо Султоналига мурожаат қилиш мажбуриятида қолди. Токи мирзо Султонали Анварнинг ризолиғини олиб берсин.

Анвар кечқурун ўрдадан қайтишга ҳозирланар эди. Хон аёнларга рухсат бериб ҳарамга кирган, ўрданинг кундузлик ходимлари тарқалишиб, фақат кеча беклари, хон соқчилари, доимий ходимлар қолган эдилар. Энг кейинга қолиб Анвар билан Султонали мирзо ҳам ўрдадан чиқдилар. Уларнинг орқасидан ўрда дарбозаси ёпилди.

Султонали мирзо Анварнинг ташқи аҳволи билан яхши таниш бўлса ҳам, унинг ички сиррига воқиф эмас, чунки Анвар хусусий ҳаёти, айниқса, Раънога алоқасидан ҳеч кимга оғиз очмас эди. Анварнинг маҳдум ҳавлисида туришини жойсизликдан ва ёшлиқдан, шунда ўсиб ўргангандан, деб юрған Султона-

ли мирзо бу кун эрталаб ўз уйига келган махдумнинг сўзидан кейин бироз ҳақиқатка тушунгандек бўлди. Айниқса, махдумнинг ҳеч бир муқаддимасиз «Ожизамиз билан мирзо Анварнинг тўйларини қилмоқ ниятимиз бор эди. Шу тўғрида жанонинг бингиз мирзо Анвардан тўйга урунишимиз учун бир калима жавоб олиб берсангиз» деб, тўғридан-тўғри фақат тўй вақтини белгилашни сўраши Султонали мирзога яна бошқа сирларни онглатқан эди.

Иккиси йўл бўйлаб сўзлашиб борар эдилар:

– Маним сўзимга кирсангиз, албатта, бир от олингиз, – деди Султонали мирзо, – айниқса, сизга энди пиёда юриш келишмайди.

Анвар бояғича яна кулди.

– От минишнинг нима ҳожати бор, модомики, тайёр оёғотимиз бўлганда...

– Маъқул-ку, мундан сўнг яхши эмас-да.

– Ҳозир яхши эмас экан, – деди Анвар, – мен бу хизматдан тушкандан сўнг пиёда юриш яхши бўладими?

– Нега тушар экансиз... Кўб йиллар шу вазифада қоласиз.

Анвар кулиб қўйди:

– Лекин, манимча, бир йил ҳам қололмасман... Агар оғам бўлсангиз, Худодан сўрангки, бўйнимга бирар бўхтон ортирмай, азл қилинайин.

– Бўлмаган васвасаларга тушасиз, Анвар.

– Шаҳодат муфтингизнинг афтига сира қарайсизми, шоирингизнинг пичинглари пайқайсизми? Агар шу жонворлар мендан сармуншийликни тинчлик билан олсалар, ўзимни жуда ҳам бахтлиқ кишилардан санар эдим... Шунчалиқ зўр харидорлари турган бир замонда бу вазифани менга келиб тўхтаганига ҳануз ақлим бовар қилмайди... Бу воқиъа ё мени ўта бахтиёрликка ёки фажиъ бир фалокатка олиб борар. Сиз айтканча васвасамга ёхуд бошқа бир бадбинлигимга биноан кейинги эҳтимол...

– На Шаҳодат муфти ва на шоирнинг қўлидан бир пуллик иш келса, мендан домангир бўла берингиз, – деди Султонали, – сизнинг сармунший бўлишингиз ҳарҳолда бир ҳақиқат эди. Негаки, кўб йиллардан бери хиёнат, иғво билан кун кечириб, етти ёшлиқ гўдакнинг ҳам назарида икки пуллик обрўси қолмаган муфтининг сиррини ёлғиз менгина эмас, бутун шаҳар,

хатто хоннинг ўзи ҳам биладир. Бас, бу жиҳатдан унинг ёрлиғ ололмаслиғи аниқ эди. Домла Бурҳон маҳдумнинг бўлса, шоғовул домла билан оралари бузуқ; агар хон ёрлиғни унинг исмига буюрганда ҳам шоғовул домла ёзмас эди. Мундан бошқа домла Бурҳоннинг лоқайдлиғи, девонхонани ост-уст қилиши бўладирган савдо... Шоир «Мадҳий»нинг бўлса яна аҳволи маълум: хонни махташ, ўзига ёқмағанни ҳажв қилиш, хотунбозлик, баччабозлик билан овора бир бетаъйин. Мундан ташқари, «Мадҳий»нинг ёрлиғ ололмаслиғига яна бир сабаб бор эдиким, бу сирни ўрдадан фақат биз бир неча кишиларгина билар эдик...

– Хўш?

– Буни сўраманг-да, кулманг.

– Хўш, хўш?

Султонали мирзо кулди ва товшини секинлатиб деди:

– Шоир ҳарамдаги канизларнинг бири билан алоқа боғлаған экан...

– Хўш, ундан сўнг?

– Бу ҳолни сезган иккинчи бир каниз хонни бу алоқадан хабардор қиладир. Хон канизни ҳарамдан ҳайдаганидек, шоирни ҳам ҳузурига чорлаб, ўбдан оғиз-бўғзиға, хатто энасининг ўсма-сурмасигача қолдирмайдир... Шоир аранг тавба қилиб қутиладир.

Анвар кулди:

– Шунинг учун унга ёрлиғ берилмади, дейсиз?

– Албатта. Шоирнинг эси бўлса бўйини бошоққа узатмай, саройдан ҳайдалмаганига ҳам шукур қилса бўлар эди. Бинобарин, сизнинг хаёлларингиз тамоман ўрунсиз. Яхши, ҳозир кўнмасангиз ҳам пиёда юриб зерикканингиздан кейин от менишга мажбур бўларсиз. Шунинг учун буни қўйиб турайлик-да, отдан ҳам зарурроқ масалага ўтайлик, масалан, бошингизни икки қилиш учун, албатта вақт еткандир, деб ўйлайман?

– Қаёқдағи гапларни топасиз, Султонали ака.

– Ҳазили йўқ. Уйланиш сизга ҳам фарз, ҳам қарз. Бунга қолғанда, албатта бир узр кўрсаталмасиз.

Анвар кулимсиб қўйди:

– Уйланишни ҳам бекор бўлишғача тўхтатиб турсақ, дейман.

– Ана гап, – деди Султонали, – балки умр бўйи шу вазифада қолиб кетарсиз. Шу ҳолда бутун умр хотунсиз юриш, хах-хах...

– Ким бир вазифада умр бўйи қолган бўлсин.

– Қолганлар кўб. Масалан, Муҳаммад Ражаббек мархум; Муҳаммадалихон замонидан бери девон билан олишиб келар эди. Мен сизга жиддий айтаман: шаҳардан кимнинг қизини ёқтирсангиз ҳам биз олиб беришка ҳаракат қиламиз.

– Раҳмат...

– Чиндан сўзлайман, Анвар.

Анвар ярим жиддий Султоналига қаради ва унинг ўзидан жавоб кутканини сезиб:

– Хўб, мен бу тўғрида домла билан кенгашиб, сизга жавоб берайин, – деди.

– Бу кун эрталаб домла бизникига келган эди, – деди Султонали жиддий турда, – домланинг сўз даромадига қарағанда, сизни ўзига куяв қилиш фикри борга ўхшайди. Сизнинг ризолигингиз биланми, йўқми, бунисини билалмадим...

Анвар қизаринди. Жавоб бериш ўрнига «натижа?» дегандек қилиб унга савол назари билан қаради.

– Домланинг гапига қарағанда, бошқа тарафлар биткан кўринди, – деди Султонали давом этиб, – фақат ул маним воситамда тўйни бошлаш учун сиздан изн олғали келган экан. Ман бу тўғрига сиздан жавоб олиб бермакчи бўлдим.

Анвар кулди. Аммо бу кулиш унинг бояғи кулгуларидан тамоман бошқа, яъни бахтиёрлик кулгуси эди.

– Яхши, – деди Анвар ва ўн қадам чамаси сўзсиз борди. – Яхши, мен эртагача ўйлашиб, сизга жавобини бераман.

– Маъқул, агар бу кун домлага учрашсам, жавобни эртага оламан дейми?

– Албатта.

– Хайр, Худонинг паноҳига, Анвар.

– Хўш, Султонали ака.

Иккиси ажралишдилар.

25. Ҳаёт шамъи

Неча йиллар Анварнинг кўнглини машғул эткан бир муаммо ниҳоят орзуға мувофиқ ҳал қилинғандек, яъни шубҳа ичида қизарган муҳаббат ғунчаси висол хабари билан очилаёзғандек

ва курук томоша билан кечкан унинг ой, йиллари бу кун Раъно гулини искаш башоратига ноил бўлгандек эди. Дарҳақиқат, бунча йиллардан бери маҳдумнинг эшигида қолиши, опаси Нодиранинг «Мен сени онамнинг уйига чароғчи бўларсан, деб сўйинган эдим. Ўз истиқболинг учун қайғирмай, бир кишини семиртириб юришинг ақлли йигитларнинг иши эмас, Анвар» каби таъналарига бўйин эгиши ва ҳатто шу уйдан силжимаслик фикрида ўзи тиламаган вазифаларга ҳам уриниши яна шу башоратни олиш учун эмасмиди?

Истиқбол сўзини ҳар ким ҳар турлик тушунадир. Анвар ўз истиқболини ёлғиз муҳаббат орқалиқ кўрар эди. Ота-онанинг чароғини ёқиш учун аввало ўзига бир шамъи ҳаёт топмоқчи ва ўзи шамъсиз туриб, ота-онага чароғ ёқишни асло тасаввур қилолмас, яъни истиқбол Анварнинг фарди ҳаётида¹ ёлғиз муҳаббат эди.

Йигитлар ўз истиқболлари қайғусида янги бино, янги рўзгор тузийдирлар ва ҳатто дунёда ҳаёлий ҳам бўлмаган рафиқалари учун кийим тикдирадирлар... Анвар эрса аввало Раъно каби бир рафиқага эга бўлмоқчи ва шу воситада бошқа масалаларга қарамоқчи эди.

Анвар Султонали мирзога бояғи ваъдани бериб, бу хабар билан юраги шопиринган ҳолда уйга келди. Меҳмонхонада ўзини кутиб ўлтурганлар билан нари-бери ишни битириб, ичкари кирди. Унинг бу кириши ҳар кундагидек киши билмас, тасодифий эмас, Раънони кўришдан бошқа яна маълум бир маънони Раънодан уқуш учун эди.

Раъно айвоннинг устунига суяниб китоб ўқур, Нигор ойим ўчоқ бошида овқат пишириш билан машғул эди. Раъно ўзига қараб келгучи Анварга ер остидан кулимсиб олғач, бироз кўришиб турган оёқ учларини сариғ атлас кўйлаги билан яширди, атлас кўйлакни яхшигина туртиб турган сирлик кўкраги устига ён ўрим сочларини олиб ташлади. Анвар яқинлашғач, секингина китобдан кўзини олиб, «ҳорманг» деди, яна китобка юз ўгирди. Анвар келди ва унинг қўлидаги китобка қаради.

– Умар Хайём, – деди ва Раънонинг қаршисиға, ҳавлига оёб солинтириб ўлтурди. – Қани, ўқучи эшитайлик.

Раъно китобни секингина ёпиб, Анварга узатди:

– Сиз ўқунг, мен эштай.

¹ Фарди ҳаёт – шахсий ҳаёт.

- Ўзинг ўқи, бахилсан-да.
- Мен тўғри ўқуй олмасам, тунови кунгидек куласиз...
- Жўрттага хато ўқуб ўзинг кулдирдинг... Ўқи, Раъно.

Раъно китобни ерга қўйди:

- Мен ўқуб зерикдим...
- Маним учун ўқуб бер, деяпман.

Раъно йўлакка ишорат қилди:

- Дадам келиб қолади.
- Қаёқдан бу қадар уятчан бўлиб қолдинг?

Раъно табассум билан жавоб берди ва унда бироз қизари-ниш белгиси бор эди. Анвар бу ҳолдан бир нарса сезгандек, сўзни бошқага бурди:

- Кун иссиқми, терлабсан, Раъно?

Раъно бурни устидаги билинар-билинемас марварид резала-рини рўймоли билан артди.

– Терлашим иссиқдан эмас, – деди кулимсираб Раъно, – бошқа нарсадан...

- Нимадан, қани?

Раъно бироз эски кулавич ва мунаққидлик¹ ҳолатига кирди:

– Сиз беклашканингиздан бери... сизни кўрсам уяладирган бўлиб қолибман. Терлашим ҳам сиздан уялғанимга...

– Кесатук ҳунаринг эсингдан чиқдим, деб турган эдим. Ҳар начук ёдингда экан. Тагин хўш?

– Хон жанобнинг муншийлар муншийси бўлган бир йигит-нинг салобати борлигини ким инкор этсин. Албатта, бу тўғрида канизингизга ҳақ берарсиз деб ўйлайман.

– Хўб, ҳақ бердик, – деди кулиб Анвар ва ўрнидан турди. – Башарти, канизимиз уялмасалар, бизнинг ҳам бир амримиз бор: амр қилсақ, уялмасмикинлар?

- Амрингизга маҳжуби инқиёд² этишка канизингиз ҳозир.

– Канизларнинг ўз хўжалари билан ўлтуриб муомала қилиш-лари мумкинми? Амрга инқиёд этишдан илгари шу тўғрида жавоб берсангиз...

Раъно ирғиб ўрнидан турди, гўё канизлардек, икки қўли ёнида ва боши кўксида афу сўради:

¹ Мунаққид – танқидчи.

² Маҳжуби инқиёд – яширинча бўйсунтиш.

– Инсон муштақ аз нисёнаст...¹ Канизи бетамиз ҳамиша афу атоға лойиқдир, чунки зархарид² хўжасиға содиқдир.

Анвар очик ва ўюн-кулгини бир дақиқа ҳам қўйиб туролмаған парининг санъаткор шу вазиятига кулимсираган қўйи анча қараб турди, ҳам ўзининг хўжалиқ рўлини бузмай:

– Мен суфада бўламан, фурсат топиб ёнимға чиқ, сенга айтадирған махфий бир сўзим бор, – деди.

Раъно канизлар каби бош букиб «ҳозирман» ишорасини берди ва табассумга мойил жоду кўзлари билан Анварга оҳиста бош кўтариб қаради... Анвар ўзини завқ ҳам кулгидан тўхтатолмаған ҳолда ташқариға бурулиб жўнади. Ўчоқ бошида машғул Нигор ойим ҳам қизининг кейинги ҳаракатидан кулиб, Анварга қаради. Лекин Раъно билан Анварнинг доимий шунингдек ўюнлариға тушуниб қолғани учун бу тўғрида гап айлантирмади:

– Ошим пишиб қолди, Анвар, – деди ўчоқ бошидан кулимсиб, – суфада бўласизми?

– Бўламан.

– Отангиз аср намозидан чиқиб, бир жойға бориб келаман, деган эдилар. Сизнинг ошингизни сузиб чиқара берайми?

– Майли.

– Ташқарида болалар кўринса, айтиб юборингиз-чи.

– Хўб.

Анвар махдумнинг қаёққа бориб келишини ўйлаған ҳолда ташқариға чиқди.

Шомдан бир оз эртароқ эди. Енгилча бир шамол суфа атрофидаги гулларни эринибкина қимирлатар ва бу қимирлатишдан райҳонларнинг ўткур иси ўқтин-ўқтин димоғқа келиб уринарди. Ўн икки-ўн уч кунлик ой кўкнинг шарқи-жануби қисмидан туссизгина бўлиб кўтарилиб келмақда, қуёш ботқан сайин унинг чехраси ҳар замон очилиб бормоқда эди. Шаҳар подаси қайтиб, теварақдан сигир ва бузоқларнинг ма-а-а-му-у-у-лари, қўзичоқ ва қўйларнинг ба-а-а-бу-у-у-лари эшитилиб турар эди.

Анвар суфада ўрда юмишларидан баъзисини таҳрир қилиш билан машғул экан, ичкаридан Раъно чиқиб келди. Гўё Анвар

¹ Инсон муштақ аз нисёнаст... – фаромушхотирлик айрим пайтларда инсон учун хос хусусиятдир.

² Зархарид – кул.

Раънонинг келишидан хабарсизча ўз ишига қаттиғ берилган эди. Раъно оҳистагина Анварнинг ёнига келиб, суфага суянди, икки қўли билан иягини кўтариб, ораликдан Анварнинг таҳририга қаради. Анвар ҳам мулойимгина кулимсиб Раънога кўз қирини ташлаб олғач, гўё илтифотсиз яна қаламини қоралаб, қоғоз устига бир-икки калима ёзди. Аммо учунчи калимага ўтканда қалами қўлида ўйланиб қолди ва бояғидек ёнидағига кулимсиб қаради. Раънонинг ҳам кўзи унга тўқнашиб, бироз бир-бирларига кулимсираган ҳолда тикилишдилар...

– Нега тўхтадингиз, ёза беринг.

– Сенинг қилган ишинг доим шундай, Раъно.

– Масалан?

– Масалан... Ҳамиша иш чоғида келиб, фикрни бўласан.

– Мен орага сўз аралаштирдимми?.. Ёза беринг, мен шундай қараб тураман.

Анвар Раънога ўнгланиб ўлтурди:

– Фойдаси йўқ энди, фикрни ўғирладинг.

– Мен фикр ўғриси эмасман... Қани ёзинг.

Анвар қўлидаги ёзилган қоғозни қўйиб, иккинчи оқ қоғоз олди:

– Энди бошқа нарса ёзаман.

– Майли ёзинг.

– Сен ҳам жавоб ёзсанг, хўбми?

– Хўб.

– Тунови кундагидек жавоб тополмасанг нима қилай?

Раъно суфага оёғ солинтириб ўлтуриб олди.

– Юзимга бир шапалоқ уринг, лекин сажъ қофияси осон бўлиш шарт билан.

– Маъқул, – деб кулди Анвар ва Раънога қараган ҳолда ўйланди. Бу ўйланишдан Раъно қошларини чимириб эътироз этди:

– Кўб ўйламанг.

Анвар жавоб бериш ўрнига қаламини қоралаб ёзди:

*Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси,
Насиб ўлмиш менга гулшан аро гулларнинг «Раъно»си.*

Анварнинг қаламидан қоғозга тушиб борган сўзларни таъқиб эткан Раъно, қоғоздан кўзини олиб қизарди ва бош чайқаб тескарига қаради.

– Қани, жавоб, Раъно?

Раъно шу кўйи бироз Анварга қарамай турди ва қайрилиб унинг қўлидан қалам-қоғозни олди-да:

– Уят қилмайсизми? – деб сўради.

– Маним ёзганимни сен уят қилмасанг, мен ҳам сенинг ёзганингни уят қилмайман. Лекин шарт шуки, маним икки йўлимга айна жавоб бўлсин.

Раъно яна бироз ўйланиб, Анвардан яширинчи ёзди:

*Агар ор этса Лайли, ҳақлидир Қайсинг жунунидин,
Не бахт, Раъно, харидоринг талаб аҳлининг «Мирзо»си.*

Раъно ёзувни Анварнинг олдиға ташлаб, қизарган ва кулимсираган ҳолатда чопиб гуллар ёниға кетди. Анвар жавобни ўқуб завқланди:

– Офарин, Раъно, лекин биравнинг устида ортиқчароқ муболаға қилибсан.

Раъно гуллар ёнидан Анварга жиддий қаради:

– Сиз ҳам муболаға қилган эдингиз.

– Маники муболаға эмас, – деди Анвар, – масалан, сен ҳозир гуллар ёнидасан, ҳам чиндан-да, гулларнинг раъносисан... Мана, мен яна ёза бошладим; жавобға ҳозирлан, Раъно.

Раъно югуриб Анварнинг ёниға келди ва унинг қаламидан томған сўзларни ўқуб борди:

*Ҳамиша хавфда кўнглим бу муҳаббат интиҳосидин,
Мени ҳам этмаса мажнун дебон Раънонинг савдоси.*

Раъно кейинги мисраъни ўқуб ўйланиб қолди. Анвар ҳозирги Раънонинг ўйчан кўзига анчагина тикилиб турғач, кулимсиди:

– Жавоби қийин келдими, Раъно?

– Қаламни беринг, – деди Раъно ўпкалаган қиёфатда қўл узатиб, – ўйлағали ҳам фурсат бермайсиз.

Ёзди:

*Муҳаббат жомидин нўш айлаган¹ аҳли зако бўлмиш,
Фунуни тибда мажнундир кишининг куйса сафроси.*

¹ Нўш айламоқ – ичмоқ.

– Енгдинг, Раъно, енгдинг, – деди Анвар, – лекин кейинги мисраъда бир хато қилдинг...

– Масалан?

– Тибнинг айтишича, сафро эмас, қон куйса, киши жинни бўладир...

– Қоннинг бузулишига аввало сафронинг куйиши керак, сафро куймай туриб қон бузулмайдир... Хўш, яна ёзасизми ёки енгилдингизми?

– Енгилдим...

– Енгилган бўлсангиз, ютуғимни беринг.

Анвар юзини тутиб берди. Раъно бўшқина унинг юзига уриб қўйди.

– Агар шу гал ҳам енгсам, – деди Анвар ачиниб, – мен сени уриб ўлтурмас эдим...

– Нима қилар эдингиз?

– Энди фойдаси йўқ.

– Айтинг-да, агар менга ҳам маъқул бўлса, урғаним ҳисоб эмас, бўшқина урдим-ку.

– Лекин сен уни қилолмайсан...

– Нега қилолмайман, қани айтинг-чи.

– Қилолмайсан... – деб кулди ва бироз айтишка кучланиб турди. – Мен... мен сенинг юзингга қўлим билан эмас, оғзим билан урар эдим...

Раъно қизариб ерга қаради. Юзга оғиз билан уришни ул ўз умрида биринчи мартаба эшитканлиги учун қизаришқа ва ерга қарашга ҳақли ҳам эди. Ўзининг ёзган муҳаббатка оид шеърлари ва Анварга берган ҳалигидек жавоблари билан чин бир маҳбуба ва маъшуқа бўлиб кўринса ҳам, лекин кейинги гапларга ҳануз ошна эмас ва юзга оғиз билан уришлардан тамом бегона эди. Бу гап Анварнинг ҳам биринчи жасорати бўлиб, иккиси-да шу «янгилик»нинг ўнггайсизлигида қолдилар.

Гумбази нилигун¹ қандилида шамъи кофурийлар² ёқиладиган бошлаган эди. Ой ҳам бироз нурланиб, турмушка янги қадам босқан бу икки ёшнинг ҳозирги ҳолларидан кулимсигандек кўринар эди. Бояғидан бирмунча кучая тушкан шамол гулни гулга қовиштириб, гўё бу икки ёшга: «Сиз ҳам мана шу гуллар каби қовишинг» дегандек бўлар эди. Ўнггайсизликда қолган Раъно хижолат аралаш Анварга кулимсиб бош кўтарди.

¹ Гумбази нилигун – осмон, кўк.

² Шамъи кофурий – юлдузлар.

- Мен сизнинг «амрингизга» мувофиқ чиқган эдим.
 - Амримга мувофиқми? – деди Анвар ва Раънонинг кўзига тўғри қараб илжайди. – Шомдан кейин.
 - Нима шомдан кейин?
 - «Амримга» мувофиқ чиқишинг.
 - Ҳозир-чи?
 - Ҳозир мумкин эмас.
- Раъно ўпка билан Анварга қаради ва туриб ичкарига жўнади.

26. Нега ерга қарайсан, Раъно?

Кучлик шамол кўтарилиб, боқчадаги ҳар нарсани тўрт тарафка бука бошлади. Кўча чанглари кўкка кўтарилиб, ой ва юлдузлар нурини хирароқ бир ҳолга қўйдилар. Чигирткалар чирллаши, кеча ҳашаротларининг нағмаси кучлик шамол товши билан кесилди. Суфа устидаги сўри ҳар замон тўрт томонга чайқалиб, ўз остида ўлтурғучиларнинг бетларини гоҳ кўрсатиб, гоҳ яшириб, улар билан ўйнашқандек теваракка ҳусайни гужумларини бир-икки бора узиб ташлади.

Анвар ўзидан нарироққа тушкан бир шингил узумни олиб еди ва бир-икки гужумни ҳамроҳига узатти:

– Ма, Раъно...

– Мен емайман.

– Мен ҳам сенга егин демайман.

Раъно ўз ёнидаги гужумларни йиғиб, Анварга берди.

– Мана узум есангиз... Менда нима юмишингиз бор?

– Баракалла... Тўкилган узумларни йиғиб бер-чи, менга.

Раъно яна бир нечта гужумларни териб узатти.

– Қани, юмишингиз?

– Сенда нима юмишим бўлсин, Раъно. Ҳар кунги ўзинг билган гап... сўзлашиб ўлтурармиз; узум тўкилса, менга териб берарсан, деб чақирган эдим.

– Дадам ҳуфтандан қайтиб қолади. Гапингиз бўлмаса, мен кетаман.

– Ҳуфтан ҳали ўқулган эмас, азон ҳозир айтилди. Башарти дадамиз ҳуфтанны ўқумай келиб қолса, бунинг ҳийласи осон: даррав анави гулнинг тегига яширинамиз.

– Башарти дадам бизни кидириб гулнинг тегидан топса, нима қиламиз?

– Нима қилар эдик? Сен уйингга кетасан, мен бўлсам меҳмонхонага.

– Иккавингиз гулнинг тегидан нима қилиб ўлтурган эдингиз, деб сўраса, нима жавоб берамиз?

– Ўзимиз ўлтурган эдик, деймиз.

– Нима учун, деса-чи?

– Қизингиз уялгани учун, деймиз.

Раъно кулиб ўрнидан турди ва суфадаги кўзи илғаган ғужумларни териб Анварга берди:

– Хайр, юмишингиз бўлмаса, мен кетдим, шамолдан қулоғим битти.

– Гапим бор, гапим, – деди Анвар, – кел, айтаман.

Раъно қайтиб келди.

– Айтинг.

– Ўлтур.

Раъно Анварнинг қаршисиға ўлтурди. Ўлтуриши билан кучлик шамол юриб бошидаги рўймолни учурди ва олиб бориб Анварнинг бетига ёпти.

– Ха-ха-ха, шамол сиздан ўчимни олди. Қани, гапуринг.

Анвар рўймолни қисимиға олди.

– Ҳозир гапираман, лекин шартим бор.

– Айтинг шартингизни.

– Аччиғланмайсан.

– Хўб...

– Уялмайсан.

Раъно масалаға тушунгандек ўйлаиб қолди.

– Рўймолимни беринг.

– Рўймолинг учиб кетди... Шартимга кўндингми?

Раъно жавоб бермади. Анвар Раънонинг олачалпоқ кўлага ичида хаёлий бўлиб кўринган юзига қаради. Унинг хаё ичида олийлик касб эткан жоду кўзи Анварнинг ҳозирги мақсадига тушунганликни ифода қилар эди. Бирмунча вақт шу кўйи сўзсиз қолдилар. Шамол дам кўтарилиб, дам босилар эди. Шамол асноси гуллар ҳам келинлар каби ҳар томонға эгилишиб салом беришиб олар эдилар.

Анвар ўзини суфанинг қоронғи қисмиға олди. Раънога айтмакчи бўлган сўзи эҳтимол унинг ўзига ҳам ўнгғайсизлик берар эди.

– Туғилгандан сўнг ўсиш, ўскандан сўнг икав-икав бўлиб яшаш бор, – деди Анвар ва бироз тўхталиб олди. – Жуфтлик ёлғиз кишилар орасидагина эмас, ер юзидаги ҳар бир махлуқда ҳам бор... Масалан, тоғлардаги оҳулар, ўрмонлардаги тўтилар, чамандаги булбуллар ҳам ёлғиз эмас, жуфай яшайдирлар... Сенингча қандай, мен уни билмайман, аммо жуфтланишнинг, манимча энг муҳим бир шарти борким, ул ҳам икки тарафнинг муҳаббат занжири билан бир-бирларига қаттиғ боғланишларидир... Биз икав ёшлиқдан бирга яшаб келамиз, орамизда махфий сирларимиз йўқ ва бизнинг ўзора сирларимизга воқиф бўлган чет кишилар ҳам йўқ. Шунга биноан сен билан маним ҳар бир тўғрида ҳам очиқ сўзлашмагимизга ҳеч бир монеълик бўлмас, деб ўйлайман... Агар янглишмасам, иккимизнинг бир-биримизга муомалаларимиз самимий ва юракларимиз тепиши ҳамоҳангдир. Ёки янглиш сўзладимми, Раъно?

Раънонинг ерга қараган кўзи секингина Анварга кўтарилиб, яна ерга оғди. Анвар унга бироз қараб турғач, сўзида давом этди:

– Сен эшитдингми, йўқми, билмадим, улар иккимизни жуфтлашдирмакчи бўлиб, бу кун мендан киши орқалиқ тўй вақтини белгилашни сўратқан эдилар, мен эртага жавоб бермакчи бўлдим... Сени бу ерда тутишим ҳам сен билан кенгашиб, эртага шунинг жавобини уларга айтишдир... Нега ерга қарайсан, Раъно?

Раъно бошини кўтариб, кулимсиди ва юзини четка ўгирди...

– Сен уял, уялма, улар бизни жуфтлашдирарлар. Марҳума Моҳларбибининг фотиҳаси ерда қолмас. Агар сен шундай юра берайлик десанг, мен ҳам уларга сенинг жавобингни айтаман... Гапир, Раъно.

– Юра берайлик, – деди Раъно юзини четка ўгирган ҳолда, – уларга нима оғирлиғи бор?

Раънонинг бу сўзи Анварнинг устидаги юкни кўтариб ташлағандек бўлди.

– Иккимиздан бошқага, албатта оғирлиғи йўқ... Лекин, сен айтканча, қачонгача юра берайлик? Уларга бир муҳлат кўрса-тишимиз керак, Раъно.

– Қариғунимизча...

– Қариғунимизча, деб муҳлат сўрайми?

– Ўлгунимизча...

Анвар кулди ва сурулиб Раънонинг ёнига келди. Гўё уни ўзига қаратмоқчи бўлгандек, елкасига қўл юборди...

– Менга қара, тўғри жавоб бер, Раъно.

Раъно қулоғи остига теккан иссиғликдан чўчиб юзини ўнг-лаган эди, тасадуфан лаби ҳалиги иссиғликқа учрашди... Иложсиз каби лабини иккинчи ҳароратлик лабдан ажратолмай, бир неча сония кутиб қолди. Кучлик шамол қўзғалган эди. Шамол, гўё кўмаклашкан каби орқадан эсиб, Раънони Анвар томонга майл этдирар эди. Терак орқасида қолган ой ҳам кучлик елнинг кўмагида терак бошидан буларга мўралаб олди. Икки ёшнинг ҳозирги ҳолини яқиндан томоша қилмоқчи бўлган туссиз бир юлдуз кўк саҳнининг ерга яқинроқ қисмига учиб тушди...

– Жавоб бер, Раъно.

– Бу ҳолда мен жавоб бералмайман...

– Жавоб бермасанг, мен ҳам сени бўшатмайман.

– Дадам келиб қолади...

– Дадангдан бу кун жавоб олдим.

Раъно Анварнинг ияги остига сўл чаккасини қўйиб четка қаради.

– Сиз хоҳлаган вақтда бўлсин.

– Менга қолса эртага...

– Майли...

Анвар ияги остидаги мулойимлашқан қизнинг юзидан ўпти ва унинг тўзғиған сочларини тўғрилаб, ҳаётбахш кокилларнинг муаттар бўйини узоқ ҳидлади.

– Чин сўзла, мен сенинг раъинг билан уларга жавоб айтмакчиман, Раъно.

– Кўкламга...

– Чинингми?

– Чиним.

– Хўб бўлғай. Мен эртага, тўйимиз кўкламга бўлсин, деб жавоб айтаман... ерлар кўк гиламлар билан бежалганда, ҳар тарафни бинафша чечаклари босқанда, қушлар уя қайғусини чекканда, биз ҳам тўй қилармиз; чимилдиқда бахт созини тинглаб, истиқбол куйини куйлармиз... Шундайми, Раъно?

– Шундай...

– Ундан сўнг маним оғушимда шунинг сингари даданг келиб қолишидан кўрқиб, киши қўлига тушкан қуш боласидек типирчиламасан. Шу ҳуснинг, шу малоҳатинг ва шу латофатинг билан тамом меники бўларсан, шундайми?

Раъно жавоб бермай, Анварнинг оғушидан ўзини қутқариб ўрнидан турди. Суфанинг зинасига бориб кафшини кийди ва Анварнинг қувлашидан кўрқиб, сапчиб ерга тушти...

– Жавоб айтиб кет, Раъно.

– Ҳа, шундай, – деди Раъно, гул ёнида рўймолини тўғрилаб.

– Энди сизнинг олдингизга чиқмайман.

– Нега чиқмайсан?

– Негаки, жуда ёмон киши бўлибсиз... Мен аямга айтаман.

Анвар кулди.

– Нимани айтасан?

– Ҳаммасини айтаман.

Шу вақт ўрта эшиқдан кириб келган маҳдум уларнинг сўзини бўлди, ичкарига кетиб борган Раънони тўхтатиб, «Анвар акангга чой бердингми, қизим?» деб сўради.

27. Зулм ўчоғи

Худоёрхонга 1283-нчи йилда¹ учунчи мартаба тахтка чиқиш насиб бўлди. Унинг охирғи салтанати хонлиқ истибдодининг аччиғ зулм ва таъаддиларининг² жонсўз қора саҳифаларини ташкил этадир. 1283-нчи ҳижрийдан 1292-нчигача бўлган саккиз йил, Худоёрнинг эркин нафас олиб, Фарғона устида ўзи тилаганча қамчи ўйнатқан ва зулм тиғини камбағаллар қони билан сарбаст бўяган сўнгги давридир. Мамлакатни обод қилиш баҳонаси билан 1284-нчи йилда Қўқон косибларини ҳақсиз – муфт³ ишлатиб, янги раста, карвонсарой, пахтасарой ва коппонлар бино қилдирди. 1285-нчи йилда Қўқоннинг Ўрганч мавзеида машҳур Оқсаройни солдирди, узоқ жойдан ариғ қазитиб келиб, Оқсарой атрофини суғортирди. Иссиғ кунларда салқинлаш, малика хонимлар билан ишрат қуриш учун «Боғи Эрам» ясадди. Онаси Ҳоким ойимнинг васиятига мувофиқ, 1286-нчи йилда «Ҳоким ойим мадрасаси» деб машҳур мадрасани, яна шу йилда Амир Умархон тарафидан асоси қўйилган маълум янги ўрдани ҳам теварагида боғ ва гулзорлари билан ишлатиб битирди⁴.

¹ Мелодий ҳисоби билан 1864 – 1865 йиллар.

² Таъадди – азоб.

³ Муфт – текин, бепул.

⁴ Эски ўрда Шаҳруххоннинг ўғли Абдукаримхон тарафидан 1145 ҳижрия миёналарида бино қилинган, Худоёрнинг орзулариға жавоб бералмайдирган холға келиб эскирган эди (*Муал.*).

1286-87-нчи йилларда «Улуғ нахр», «Хон ариғ» деб машҳур ариғни қазитди. 1287-нчи йилда ўз номидаги «Мадрасаи олий»ни ва «Дахмаи шоҳон»ни, 1288-нчи йилда Қўқоннинг эски қаландархонасини бузиб, янгидан таъмир, ҳам ўлган оғаси Султон-муродхон исмига мадраса бино қилдирди. Ва ушбу йил ўғли Ўрмонхоннинг хатнаси учун бир юз йигирма кун ош бериб, тўрт ойлик тўй эълон қилди. Шундоғки, ҳар кун икки юз қозон ош дамланар, саккиз юз танур нон ёпилар, икки юзлаб улоқ берилар, мамлакатдан тўйга келгучи аёнга ҳар кун минглаб тўн кийдирилар эди.

Бу қадар саховат, бунчалик дабдаба, албатта, хазинадаги олтинлар кучи билан бўлгандир, деб баъзиларнинг кўнглига келар. Хонлар ва подшоҳлар хазинасидаги олтинлар манбаъи ҳам фуқаронинг биллак кучидир. Лекин Худоёрнинг саховатпешалиги ва маъмуриятпарварлиги меҳнатқашнинг хазинага олтин суратида йиғилган кучидан эмас, бевосита биллак кучидан, кўз ёшидан эди. Чунки Муҳаммадалихон давридан бошланган (1240) ўзаро тахт талаши, ўзбек-қипчоқ жанжали ва бошқа тўполонлар хазинани ялаб-юлққан, Худоёр 1283-нчи йил тахтка ўлтуришида эшиги очик – бўш хазинагагина эга бўлган эди.

Бу «маъмурият даври» саналган беш-олти йиллар Фарғона фуқароларининг омҳузлари¹, қора кунлари бўлган эди. Худоёрнинг Сирдарёдан сув чиқариш можаросини мисол учун олайлик:

Хоннинг раъйи сув чиқаришга тўхтади. Хазинанинг бўшлиғини, ўйланган ишнинг ниҳоятда улуғлиғини андиша қилмади. Қаламравидаги барча шаҳар ва қишлоқларга саркорлар, чўғоллар тарқатди. Улар халқдан солиқ йиғишқа, ёрдам тўплашқа буюрилган эдилар. Бу ихтиёрий равишдаги ҳозирликдан сўнг, «мамлакатимдаги ҳар бир хонадон битта кетман ва битта мардикор берсин!» деб истисносиз умумий бир фармон ҳам бўлди. Қамчиси кўкда тобланиб, ханжари заҳар сочқан «хон ҳазратнинг буйруғига» ким қарши бора олсин. Ҳар бир оила, гарчи, рўзғор бошлуғини бўлса ҳам, битта кетман билан хон таъйин қилган жойга йўллай бошлади. Бойлар битта мардикор ёллаб бериш устига от ёки арава ҳам топишқа мажбур эдилар.

Эни олти, бўйи (чуқурлиғи) беш газдан ўн беш газгача қазиладирган ариғнинг узунлиғи ўттуз чақирим ва шу ўттуз чақиримлик ариғ қазилиб битқанда, Наманган ва Андижон туман-

¹ Омҳуз – умумий хафалик.

ларидан икки минг ботмонгача ер суғорилар эди. Шу йўсун ариғ қазила бошланди. Лекин ишчи кўб, озиқ-овқат йўқ эди. Бойлар киши ёллаб қутулганлар, ўттуз чақиримлиқ ариғ хатига бола-чақасини оч ташлаб, кетман кўтариб келган нуқул меҳнаткаш, косиб ва деҳқонлар чизилганлар эди. Ўз ёнларидан сарф қилиш учун оқчалари, ҳукумат тарафидан бериладирган овқатнинг салмоғи йўқ эди. Иссиғ куюш остида гиёҳсиз чўл бағрида кетман одатдагидан кўброқ ем талаб қилади. Ариғ қазувчиларнинг овқатдан силлалари қуриб, иликлари пучайган, ердан ўн қадок тупроқ олиб ирғитишқа эмас, ҳатто кетманнинг ўзини кўтаришқа ҳам дармонсиз эдилар. Хон тарафидан улар устига ишбоши қилиб белгиланган саркорлар, очлиқ ялқовлиғини чинга ҳисоблаб, қулоқ эшитмаган сўкишлар билан бечораларни таҳқир этар, сулайиб йиқилмағунча кетманни ташлатмас эдилар. Ҳар ўн беш-йигирма кунда ариғ бошига келиб турғучи хон, саркорларнинг сиёяти¹ билан ҳар бора бир-икки меҳнаткашни ялқовлиқда, ўзига итоатсизлиқда айблаб, кўбчилик кўз ўнгида бўғизлатар ва ҳар гал келиб кетишида шунинг сингари мазлумлар қони билан янги «Хон ариғ»ни намлаб турар, бу зулмни ўз кўзлари билан кўриб турган бечоралар очлиққа, дармонсизлиққа қарамай, жон аччиғида ишка ёпишар эдилар.

Шу йўсун зулм зарби остида ниҳоятда улуғ иш бир йилга ҳам қолмай итмомиға еткан, минг чақиримлар бўйлаб Сирнинг сирлик суви кумуш каби оққан, гиёҳ унмаган чўллар меҳнаткашлар қони баробарига ям-яшил кўкарган эди. Шу мисолдан онглашилган бўлса керакким, хоннинг маъмуриятпарварлиги, яъни унинг мадрасалар, боғлар, қасрлар, сарой-расталар ва дахмалар бино қилиши, тўрт ойлаб тўй бериши хазинада асрлардан бери йиғилиб ётқан олтинларни сарф қилиб эмас, тўғридан-тўғри фуқарони муфт, мажбурий ишлатиш йўли билан эди.

Хоннинг гарчи зулм билан бўлса ҳам солган мадрасаларига, қаздирган ариғларига таҳсин қилғучи, «золим бўлса ҳам, маъмуриятпарвар экан» дегучи баъзи биравлар орамизда топилиб қолур. Шунинг учун хонни «маъмуриятпарвар» қилган омиллар устида тўхталиб оламиз:

Хон икки мартаба тахтдан ҳайдалиб, анчагина тажриба ордирган, учунчи мартаба тахтга ўлтуриши маданиятлик ўрус истибдодининг Тошкандни олиб Хўжандга ҳам қўл узатқан са-

¹ Сиёят – чақимчилик.

наларга тўғри келган эди. Бу кунги шароит тажрибалик хонни бошқача сиёсат ушлашка мажбур этар эди. Ниҳоятда қаттиғ кўллиқ бўлиш, юқори табақа ҳисобланган уламони, ашрофни ўзига қаратиш лозим ва тахтига аждаҳо каби оғиз очиб келмақда бўлган ўрусларга қарши ўз маданиятини қуриб, жавоб бериши керак эди. Шунинг учун меҳнаткашни раҳмсиз ишла-тиб мадрасалар бино қилмоқда, ариғлар чиқармоқда, сарой ва расталар, қаландархона ва ўрдлар ёпмоқда эди. Абдукарим-хондан бери ўнлаб хонларга яраб келган ўрдани бузиб, янги ўрда бино қилиши ўз кайфига қараганда ҳам ўрусларга жон-лиқ кўрсатиш, ялтирасин шаъну шавкат билан Фарғонани ўз қўлида сақлаб қолиш учун эди.

Ўчадирған чароғ ёниб ўчадир, мақоли каби Туркистон хон-ларида сийрак кўрилган бу маъмуриятпарварлик бизга қолса, шу омиллардан туғилган ва бунда самимий ҳеч нарса йўқ эди.

28. Ҳарам

Янги ўрда юқорида ёзганимиздек, ҳақиқатан, шукуҳлик, хушманзара бино қилинган эдиким, унинг ҳозирги харобаси-дан ҳам кўрса бўлур.

Ўрда кўрғонининг ташқари айланаси (тўрт томони) ажойиб гулзорлар, анвоъи мевалик дарахтлар билан зийнатланган. Бу боғни махтаб Худоёрнинг ўз шоири Мулла Ниёз Муҳаммад:

*«Ясаб қасре саодат даврида боғи жаҳон оро,
Муаттар бўлди гулзоридин олам гумбази хазро¹.*

*Шаҳи волоки берди зеб боғ ичра раёҳиндин,
Ўшал кун тутди ер саҳнини бўйи анбари соро².*

*Ясарда тарҳини тарроҳлар³ андоғ сакиз гулшан,
Бу гулшан ҳар биридин топдилар юз минг чаман оро.*

*Ки ҳар ашжор⁴ асморини⁵ таъмида шакар мазмар⁶,
Очарға шаққар оғзин муддаиликқа наҳад оро.*

¹ Хазро – кўк яшил.

² Сор – тоза, соф.

³ Тарроҳ – лойиҳачи.

⁴ Ашжор – дарахт.

⁵ Асмор – мевалар.

⁶ Мазмар – замири, ичи.

*Жиёбон расталардин боғ топди зеби оройиш,
Гулистониға бергандек чаман оро гули хумро¹.*

*Жаҳон боғида ҳарна неъматидир бунда ул мавжуд,
Насиб эткай сенга юз йилғача ҳақ, эй жаҳондоро²...»*

дейдир ва Худоёрға бу боғда юз йиллаб роҳатланмоқ учун дуо қиладир.

Домла Ниёз Муҳаммад айткандек, гулшаннинг уч тарафи хиёбон, расталар ва бунда эртадан-кечкача халқ қайнашиб турар эди. Ўрда боғининг эшигида доим қоровуллар қараб турганлиқдан, ўрдага алоқаси бўлмаган кишилар боққа киралмаслар, фақат ҳафтада бир кун, хоннинг кўнгил очиш соатларида, баъзи мустасно зотлар учун боғнинг йўли очиқ бўлур эди. Боққа кирилгандан кейин, тўғридан янги ўрданинг дарбозаси, мухташам музаяқакор тоқ ва равоқлар кўзни қамашдирар, киши гўё ўзини хон хузурида, истибдод салобати остида сезар ва мутантан³ ва музайян⁴ қасрдан руҳ олиш ўрниға, билъакс, бир даҳшат ва хавф ҳис эта бошлар эди. Ўрданинг хиштин, кунгираддор қўрғонлари ости билан жазойири қилич тақинған махсус муҳофиз йигитлар айланиб, бегона кишини қўрғон яқиниға йўлатмаслар, айниқса, ўрданинг юқори қисмидан қўйилған ҳарам дарбозасиға яқинлашиш учун, ҳатто ўрданинг ўз ходимлариға ҳам рухсат йўқ эди. Ҳарам дарбозасидан юрғучилар ёлғиз хоннинг ўғли – шаҳзода, хоннинг хотун қариндошлари, канизлар, доя хотунлар, яна баъзи «махсус» юмишларга хон томонидан белгиланган заифаларгина эдилар. Бу дарбозадан хоннинг ўзи ҳам юрмас, чунки унинг ҳарамига кирадирган йўли ўз маҳкамаси ва шаҳнишин орқалиқ эди.

1287-нчи йилнинг сунбула ойи, яъни эрта кузнинг кўклам ҳавосига яқин турған салқинча бир куни. Кечки соат бешларда ўрда ичида қайнаб турған ҳаёт бироз тинчиб тушти, дарбоза ёнларидағи қоровуллар ичкарига киши киритмай қўйдилар. Ўрда хизматчилари, масалан, беклар, мирзолар, ясовуллар ва шулар сингари «сайид»⁵ ходимлари бирин-сирин чиқиб

¹ Хумро – қизил.

² Жаҳондоро – жаҳонни эгалловчи ҳукмдор.

³ Мутантан – тантанавор.

⁴ Музайян – зийнатланган, безатилган.

⁵ Сайид – амир демоқчи.

тарқала бошладилар. Биринчи дарбозанинг икки биқинида турғучи қоровул йигитлар ўрданинг улуғ даражалик бекларини таъзим билан узатар, мансаби қуйироқ ясовуллар билан мутояба қилишиб қолар эдилар. Саркардалардан баъзиси дарбоза ташқарисида хизматчи тарафидан қантарилиб турган отининг ёнига келиб, отни қараб чиқар, яхши боқмагани ёки тоза сурмагани учун сайисни¹ койиб олар ва сўкуниш ораси сайис кўмагида отиға миниб жўнаб кетар эди.

Дарбозабонлар ўрдада зарур юмиши борлиғини сўзлаб, илтижо қилғучи ҳар қандай кишини ҳам ҳозир ичкарига йўлатмаслар ва асабийланиб койиб қайтарарлар эди.

– Бу ўзи қандай одам, қулоғиға ун босқанму! – деб жекириниб турган биринчи дарбозабон узоқдағи кимгадир қараб қолди, кўзи ўша тарафда экан бояғи сўзини такрорлади, – боравуринг, оғизни очманг, шери Яздон² келганда ҳам ичкари киритмаймуз!

Илтижо қилғучи умидсиз дарбозадан йироқлашди. Унинг кетича дарбоза ёнида банорас паранжилик бир хотун пайдо бўлиб, ичкарига парвосиз кира берди. «Шери Яздон»ни ҳам киритмайдирган дарбозабонлар хотунни бошдан оёғ кузатиб, индашмай қараб қола бердилар. Хотун ичкари кириб, тўғриға қараб юрди, асл ўрданинг улуғ мухташам дарбозасиға яқинлашқандан кейин ўнгдағи айри йўлға бурилди.

Хотун ҳарам дарбозасини чоғлаб борар эди. Қўрғон остидағи соқчилар хотунға ёвош-ёвош қараб олиш билан кифояланар ва уни таниғандан парвосизча ўз ёнларидан кечирар эдилар.

Хотун ҳарам дарбозаси ёниға етиб, остонаға қадам босқан чоғида бўсағадағи йигит «виш» этдириб қиличини кинидан суғурди.

– Тўхтанг!

Хотун тўхтади ва йигитка қараб бетидағи чашмбандини қия очти. Йигитнинг жиддияти кулимсирашка мубаддал³ бўлиб, ҳаводағи қиличини қайтариб ғилофиға солди. Хотун юзини очқан кўйи ичкарига юрди. Ўттуз беш ёшларда кўринган бу гўзал хотун ҳарам ходималаридан Гулшанбону эди.

¹ Сайис – отбоқар.

² Шери Яздон – халифа Алиға берилган нисбат.

³ Мубаддал – алмашинган.

Гулшанбону Худоёрнинг иккинчи даврида ўз хусни билан бир неча мартаба хоннинг илтифотига сазовор бўлган ҳарам канизларидан эди. Худоёр тахтни ташлаб, Бухорога қочишга мажбур бўлгандан кейин, оғасини ғайри шаръий ишларда, жумладан, хотунбозликда айблаб, тахтга минган Маллахон ўз даъвосига мувофиқ Худоёр ҳарамидаги юзлаб хотунларни ўз йигитлари орасида хотунликка тақсим қилиб юборди. Шу жумладан, Гулшанбону ҳам Маллахон тарафидан Худоёрга қарши урушда қаҳрамонлик кўрсаткан бир йигитка инъом қилиниб, шундан бери ўша йигитнинг никоҳида хотун эди. Худоёр учунчи мартаба тахтка мингандан кейин, Гулшан хоннинг ёнига келиб, эски «қадрдонлик» номига ҳарамдан бир хизмат сўраганида, «марҳаматлик» хон Гулшаннинг арзини ерда қолдирмай, ҳарам ходимларининг жуда озларига насиб бўладирган улуг бир мартаба ато қилдиким, биз Гулшанга топширилган вазифанинг нимадан иборатлигин қуйида кўрармиз.

Гулшан дарбозадан ичкари киргандан кейин, паранжи остида босилиб тартибсизланган сочларини тузатди, чанг ўлтурган нилий ранг товор кўйлагининг этакларини қоқти, қўлидаги ёқут ва зумурад кўзлик олтин узукларини тўғрилаб тақти ва шундан сўнг зиналардан юқорига қараб чиқа бошлади. Йигирманчи зинадан кейин узун – ўрданинг эни қадар бир йўлак бошланиб, унинг ўнг-сўлини ўн чоғлик бухори чакма эшиклар зийнатлаган эдилар. Бу эшиклар ҳарамдаги алоҳида ҳавлилар ва улар даромадини¹ кўрсатар эдилар.

Гулшан узун йўлакка чиқиб, ўнгдаги биринчи эшикни итарди. Ичкари тарафдан кекса бир ходима – эшикочар хола кўриниб, Гулшанга салом берди ва «хуш келдилар» – деди. Гулшанни ичкари киритиб, эшикни беклади. Бу ҳарамнинг кичкинагина сув ҳавлиси эди. Ўртадаги мис ҳовузда кўм-кўк сув мавж уриб, бир неча канизлар ҳовуздан сув олмоқда эдилар. Ҳавлининг шимолидаги ходималар турадирган кичкина бир уйдан бошқа мунда бино йўқ, фақат жанубда ҳалигидек бир эшик бор эди. Сув ҳавлисидаги бу ҳовуз ҳарамнинг бутун эҳтиёжини ўтар, уни ҳафтада бир неча мартаба махсус соатларда мешкоблар томонидан тўлдириб турилар эди.

Гулшан паранжисини қўлига олиб, эшик томонга юрди. Эшик ёнига келиб секин-секин ҳалқани чертди. Эшик ичкари-

¹ Даромад – йўлак.

дан очилиб, бунда ҳам эшикочар хола кўринди. Лекин буниси ёшқина бир каниз эди. Гулшандан паранжи, чашмбандни олиб, «хуш келдилар» – деди. Бу ҳарамнинг биринчи хавлиси эди. Ҳавлининг тўрт томони нақшинкор, ойнабанд, гул чакилган даричалик, ҳаммаси бир хил бичиқда танобий (зол) уйлар, ҳар бир уйга махсус даҳлизлар ва бир-бирига ямашдириб солинган хоналарни шу даҳлизлар бир-биридан ажратиб турар эдилар. У қадар кенг бўлмаган саҳн остига хишт тўшалган, ҳавли юзида тўрт-бешта қизил шолдан кўйлак ва бошлариға сариғ шолдан рўймол ўраб, оёқлариға бедонадан кафш, маҳси кийган ёш канизлар сочилган ҳолда вазифалари орқасидан юрар эдилар. Гулшан улар билан оҳиста сўрашди ва канизларнинг биридан ярим товуш ичида сўради:

– Онҳазратим?

– Шаҳнишиндалар, – деди каниз, товшини четка чиқармасликқа тиришиб.

Шаҳнишин – хоннинг хос ҳужраси, хон овқатланадирган, ухлайдирган ҳам хотунларни қабул қиладирган уй бўлиб, сув ҳавлисининг қатори билан то тахт ўрнатилган маҳқамагача қатор уч хона танобий уйлардан иборат эди. Бу уйлар шаҳнишинликка мувофиқ бошқа бинолардан баланд қилиб солинган эдилар. Ҳавлининг шарқий томони маҳқамага қаратиб солинган бинолар орқаси, жануби хос ойимлар – яъни хонимлар танобийси, ғарби – қисман танобий ва қисман ошхона ва ҳарам хазинаси биноларини ва бошқа ҳавлиларга чиқиш учун даромадларни ташкил этар эди. Гулшан, «шаҳнишиндалар» жавобидан сўнг, тараддудлангандек бўлди. Бироз иккиланиб турғандан кейин, яна бир қайта сочини, рўймолини, кийимини тузатиб олди ва шаҳнишин томонға бурулди.

– Ойихоним чақирадирлар, – деб бир каниз шивирлади.

Гулшан уч-тўрт қадам босқан эди, тўрдаги танобийдан чиқиб келган канизнинг ҳалиги сўзи билан тўхтади ва сўзсиз каниз томонға бурулди. Гулшан кирганда даҳлизнинг тўрида уч нафар каниз санама¹ тикиб ўлтурар эдилар. Улар билан саломлашди. Ул саломлашқан аснода ичкари танобийдан олти ёшлар чамалиқ, оқ туслик, қора кўзлик кўркамгина бир бола сариғ атлас кўйлагини ҳилпиратиб чиқиб келди.

¹ Санама – ироқи.

– Ассалому алайкум... Соғмилар, шахзодам, – деди Гулшан қўлини кўкрагига қўйиб, болаға букилинқираған ҳолатда.

Шахзода жавобсиз кулимсираб, Гулшанга бироз қараб турди-да, ичкарига кириб кетди.

Гулшан кафшандозда оёғини ешиб, гиламга чиқди. Даҳлиз ўн бир ёғочлиқ катта мунаққаш уйдан иборат бўлиб, тахмонида атлас ва адрас кўрпа, кўрпачалар уюлган, тоқчалари анвойи хитойи ва қашқар чиннилари, Бухоро мис ва кумуш идишлари билан зийнатланган эди. Гулшан кафшини еша бошлағач, юқоридағи санама тивувчилар ҳам ўрунларидан турған эдилар, келиб кўришдилар. Улар кўришиб бўлганда, бояғи каниз ичкаридан чиқди.

– Кирсинлар, – деди Гулшанга.

29. Оғача ойим

Гулшан эшикка юриб келиб, рўймол–лачагини тузатти ва ичкарига қадам босди. Эшик ичкарисида қўл қовиштириб ўлтурган каниз ўрнидан туриб букилди.

– Сафо келдилар¹.

Асл гиламлар, бахмал кўрпачалар, олтин ва кумуш асбоблар билан зийнатланган танобий уйнинг орқа ва ўнги деярлик кўзни қамашдирарлиқ шукуҳларга ғарқ бўлган эди. Танобийнинг ҳавли томониға қурулган учта кичкина теразаларнинг ойналари ҳам бундаги асл ашёларнинг турлик навъи қабилдан ҳар кўзи ҳар рангда жилваланар ва уларнинг акси зиёси билан шипга осилған олтин қандил алвон тусда товланар эди. Танобийнинг тўрида, ипак жойнамоз устида қиблаға қараб ўлтурган ойим тизасига ясланған шахзодани эркалаб, ёниға қайрилди. Эшиқдан кириб, қўл қовиштириб тўхтаған Гулшан икки букилиб салом берди.

– Келинг, Гулшан, – деди ойим, – ўлтуринг, ваалайкум ас-салом.

Гулшан таъзим билан биринчи даричанинг юқорисиға бориб ўлтурди ва дуоға қўл кўтарди.

– Ойи хонимнинг бахт ва обрўлари зиёда, шахзодамнинг умрлари узун бўлсин.

¹ Сафо келдилар – хуш келдилар.

Эшик ёнида тик турган каниз дуо асноси ўлтуриб фотиҳа ўқушди. Фотиҳадан сўнг яна ўрнидан туриб қадалди. Ойим ҳа-мон шаҳзодани эркалаб жойнамоз устида ўлтурар эди.

Жияклик атлас кўйлак, Бухоро кундалидан¹ желатка ва бо-шиға санама рўймол ўраган ўттуз беш ёшлар чамалиқ бу хо-ним – Хоннинг муътамад² хотуни Оғача ойим ва шаҳзода эса хоннинг суюклик ўғли – Ўрмонбек эди. Оғача ойимнинг хитой хонимлариникига ўхшаш қора бодом кўзи ва умуман сиймоси туркистон қизи эмаслигини айтиб турар, бироқ тилида бего-налиқ сезилмас эди. Оғача ойимнинг асли исми Масъуда хо-ним, аммо «Оғача ойим» деб машҳур бўлиши унинг қашқар қизи бўлганлиғидандир. Уйғурлар биздаги «хоним, бекач» де-йиш ўрнида «оғача» дейдирлар. Масъуда Ўш атрофида турғун бўлган уйғурлардан Ибодуллаҳўжа деганнинг қизи, Худоёр ўзининг иккинчи давлатида бунга уйланган эди.

Худоёр тахтни ташлаб Бухороға кетишка мажбур бўлгандан кейин кўб хотунлари унга вафосизлик билан эр қилиб кеткан-лари ҳолда, шу Оғача ойим эрининг хорлиқ ва муҳтожлик кунларига шерик бўлиб юрган ва шу вафодорлиғи жиҳатидан хоннинг эътимодини қозонган эди. Иккинчидан, Оғача ойим Худоёрнинг ҳарам хотунлари ичида ақлик, тадбирлик ва шу сояда ҳарамнинг барча хонимлари ва юзлаб канизлари бунинг идорасиға топширилган эдилар. Юзлаб кундашлар орасидағи жанжаллар Оғачанинг ислоҳиға³ келиб тўхтар, ҳарамдан ҳар кимса бунинг сўзига қулоқ солишға мажбур, ҳатто хоннинг ўзи ҳам хотунлари орасидағи онглашилмовчиликларни Оғачанинг ислоҳиға ҳавола қилғучи эди. Янги кийим бериш вақти еткан-да, кимга қандай кийимлик лозим, ким қандай нарсага муҳтож – бу масала ҳам Оғача ойим тарафидан ҳал қилиниб, хазиначи-га буюрилар ва ҳозирланилган кийимликлар унинг томонидан тақсим қилинар эди. Бундан бошқа, кундалик ошхона овқати ҳам Оғачанинг белгилаши билан пиширилар, ойим ва каниз, доя ва чеварларнинг ҳаммомга боришлари, бекларнинг тўйи-ға чиқишлари ва шунга ўхшаш лозим-омадалар ҳам бу ойим-нинг кўрсатишига мувофиқ эди. Баъзан Оғача ойим мамлакат ишларига ҳам оралашиб олар, гоҳо ўз фикрига хонни унатиб

¹ Кундал – зар иплар билан тўқилган қимматбаҳо мато.

² Муътамад – ишончли, эътимодли.

³ Ислоҳ – тузатиш, тўғрилаш.

хам кўяр эди. Худоёрнинг хотунларидан кичик Шоҳ ойим¹ вафот этиб, ундан бир бола – Ўрмонбек ятим қолган эди. Худоёр Ўрмонбекни жуда яхши кўрар ва ўзига валиаҳд белгилаган эди. Кичик Шоҳ ойим ўлгандан кейин Ўрмонбекни ҳарамда эъти-модлик бўлган Оғача ойимга топширди. Шундан бери ул Ўрмонбекни ўз боласидек тарбия қилиб келар ва бу сабабдан ҳам хоннинг назарида унинг қадри жуда юқори кўтарилган эди.

Оғача ойим ҳануз Гулшанга илтифотсиз, Ўрмонбек билан сўзлашмакда эди.

– Жуда шўх бўлибсан, ўғлим. Мен сени отахонингга чақиб бир урдирай.

– Будана берсангиз шўхлиқ қилмайман.

– Буданаларингни ўлдириб битирдинг-ку, золим, буданаларни яна қайдан олайлиқ.

– Мен ўлдирмадим, ўзлари ўлиб бутдилар.

– Зийракни нега урдинг?

– Зийрак менга будана топмади.

Оғача ойим эшик ёнида тик турган канизга қаради:

– Кел, Мисқол, – деди ва Ўрмонбекнинг орқасини силади.

– Сен ғуманг билан ўйнаб кир, буданани эртага топдирармиз.

Каниз Ўрмонбекни етаклаб чиқа бошлади.

– Олдимга ҳеч ким кирмасин, – деди Оғача ойим. – Эшикни ёпиб чиқ.

Улар чиқгач, Оғача ойим Гулшанни ўз яқинига чақириб, жойнамоздан кўрпачага сурилиб ўлтурди, такрор «яқинроқ келинг, Гулшан», деб таклиф қилди. Оғача ойимнинг бирам муҳим сўзи борлигини сезган Гулшанбону қўл қовиштириб, ойимнинг яқинига бориб тиз чўкти.

– Шаҳардан нима хабарлар топдингиз, Гулшанбону?

– Шаҳар хабарлари ойи хонимдан махфий эмасдир.

– Ўзингиз тинч турасизми, уй ичингиз соғмилар?

– Шукур... Онҳазратим ва ойи хонимнинг сояйи давлатларида.

– Ишларингиз қандай? – деди кулимсираб Оғача ойим. – Бизга кундашлар топиб бўладими?

Бу саволдан Гулшан бошини қуйи солди, Оғача ойим кулимсиганча Гулшандан жавоб кутиб турар эди.

¹ Шуғнон бегининг қизи (Муал.).

– Сиз бизга кундаш изласангиз ҳам, – деди Оғача ойим, – албатта, ўз ихтиёрингизча эмас, саййиднинг амрлари билан; шунинг учун бу тўғрида мен сизни айблай олмайман.

Бу сўз билан Гулшан бироз хижолатдан чиққандек бўлди.

– Албатта, ойи хоним...

– Сўзимни ерда қолдирмаслигингизга ишонганим важдан, – деди Оғача жиддий тус олиб, – сиз билан бу тўғрида махфий бир-икки оғиз гаплашмакчи эдим.

– Канизингизнинг боши устига, ойи хоним.

Оғача ойим деворга суялган ёстикни тирсаги остига тортиб така қилди.

– Мен бу гапимни ўткан кун Ботирбоши холага ҳам айтиб қўйдим. Лекин саййиднинг қулоқларига еткурмаслик шартдир. Бу тўғрида холадан ҳам сиз эҳтиётлироқсиз, деб ишонаман. Чунки сизнинг мен билан эски қадрдонлигингиз бор.

– Чўрингиз сўз улашдиришни ёмон кўрадир, ойи хоним.

– Албатта, шундай бўлмоғи лозим, – деди Оғача ойим, – ўзгалардан ҳам сизга айтқулуги йўқ, Гулшан. Саййиднинг никоҳларида биз ўнлаб кундашмиз...¹ Агар канизларни ҳам қўшиб ҳисобланса, кундашларнинг саноғи бир юздан ортадир. Ботирбоши хола, яна бир нечалар ва атрофдаги бекларимизнинг таважжуҳлари соясида² саййиднинг ҳарамлари уч-тўрт йилнинг ичида бунчалик чўриларга эга бўлди... Янги ва кенг ўрдага келиб яйрашармиз деган эдик, баракатларингизда кундан-кун баттарроқ сиқилишиб борамиз. Ҳатто ичкари ҳавлиларда бир уйга саккиз, тўққуз каниз жойлашишига тўғри келиб қолди. Бу ҳол давом этса, бирар йиллар ичида яна бир янги ўрда солишқа тўғри келадир. Бу, албатта, мумкин эмас. Ундан сўнг саййиднинг ҳамма диққатларини ҳарамга тортилса, мамлакат иши халалдор бўлишида ва бунинг уволини бизлар кўтаришимизда шубҳа йўқ. Мана шу андишаларга бориб, сиз билан кенгашмакчи эдим... Бу андишам Ботирбоши холага ҳам маъқул тушиб, ваъда берди. Сиз ҳам шу гапларни яхши ўйлаб, ўз фикрингизни менга сўзланг-чи, Гулшанбону.

¹ Шариятда тўрттадан ортиқча хотун олиш йўқдир. Худоёрнинг расмий никоҳидаги хотуни тўрттадан ошмас, яъни, янги хотун оладирган бўлса, тўрттинчи хотунини канизликка кечириб, ўрнига янгисини қўйиб турар эди. Оғача канизликка кечирилганларни ҳам бунда қўшиб ҳисоблайдир (Муал.).

² Атроф ҳокимлари хушомад тариқасида чиройли қизларни хонга юбориб турғучи эдилар... (Муал.).

Гулшан Оғача ойимнинг мақсадиға тушунмагандек бироз ўйланиб турди:

– Муддаоларига чўрингиз тушунмадим, ойи хоним.

– Тушунмаган бўлсангиз, – деди Оғача, – мундан сўнг ҳарамга хотун ва каниз келтирилмасин, дейман.

Гулшан бошини қуйи солди. Чамаси, Оғача ойимнинг таклифи унга ёқмагансумон эди. Дарҳақиқат, оғиздағи ошни олдириш ҳар ким учун ҳам бир хил эмасдир.

– Биз каминаларда нима гап, айланай ойи хоним... Биз ҳарна қилсақ, онҳазратимнинг буйруқлари билан қиламиз... Биз онҳазратнинг отқан ўқларимиз.

Оғача ойим Гулшаннинг кўзига анча тикилиб қолди. Лекин Гулшан кўзини ундан қочириб ерга боқди.

– Албатта, биз саййиднинг отқан ўқларимиз, – деди Оғача ойим қизиқишқаннамо. – Лекин, хўжам буюрди, деб ишнинг ўнг-терсига қарамай югура бериш аҳмоқликдир. Агар сиз билан мен он ҳазратнинг холис қуллари бўлсақ, саййиднинг давлатларига раҳна солмайлик, дўсти нодонлик қилмайлик. Мана бу холис қуллик даъвосида бўлган бизнинг қўлимиздан келадир... Зоҳиран, саййидга хиёнат кўринса-да, ҳақиқатда холис дўстлик, деб сизга бу таклифни қилдим. Саййидни кунчилайди¹, деб бошингизга келтира кўрмангки, ҳозир ҳам мен онҳазратнинг бир юзинчи хотуни бўламан. Юз хотуннинг биттаси бўла туриб, кундашлик қилиш ўзи телбалиқдир. Лекин, орада бир ғараз² бўлса, ул ҳам сизга айтканимдек, холис қуллик – чин давлатхоҳликдир³, тушундингизми, Гулшан.

Гулшан «биз саййиднинг отқан ўқларимиз» деб Оғача ойимни аччиғландирган эди. Ўз хатосиға тушунган Гулшан узр айтди.

– Мен сизга бу гапни бошқа мақсадда айтдим, ойи хоним. Биз, дедим... албатта, биз...

– Агар сиз бунда ноилож бўлсангиз, мендан йўл сўранг.

– Пир бўлиб қўлимдан тутсангиз, онҳазратимнинг ўғурларида бошим фидо бўлсин.

– Гап шундай бўлса, иккимизнинг бу ишка кўмаклашувимиз ёки сукут қилишимиз давлатхоҳлик эмас, душманликдир,

¹ Кунчи – рашк қилиш, қизғаниш.

² Ғараз – мақсад, ният, муддао.

³ Давлатхоҳ – хайрихоҳ; дўст.

– деди Оғача ойим. – Маним сизга кенгашим – бундан сўнг Устингиздаги хизматка бироз ўйлашиб қадам босишдир.

– Мени итобга¹ тутсалар?..

– Бунинг тадбири осон, – деди Оғача. – Аввал шуки, сай-йиднинг кўзларига оз кўрининг, кўринган чоғингизда сулук чўри тополмадим, деб узр айтинг. Сизни, тополмабсан деб қийин-қистокқа олмаслар, жазога тортмаслар. Муҳтожликдан қўрқсангиз мен бор, мен сизга қўлимдан келган ёрдамни қиларман. Маъқулми, Гулшанбону.

Кейинги жумла билан Гулшаннинг чехраси очилиб кетди.

– Хўб, айланай ойи хоним.

– Аҳсан!

Даҳлизда санама тикиб ўлтурган канизлардан бири – хазинадор югуриб кирди.

– Лаббай.

– Опанга икки тилло бер, устига мунсак ёп!

Аҳсан икки қўлини кўкрагига қўйиб, таъзим қилгандан сўнг, чиқиб кетди.

– Шундай одатингизча маним олдимга келиб туравуринг, керагингиз бўлса тортинмай айтинг.

Гулшан бош букиб қуллик қилди. Эшик очилиб, қўлида адрас мунсаги билан Аҳсан кирди ва Гулшаннинг устида тўхтади. Гулшан ўрнидан туриб ойимга бош эгди. Шу ҳолда Аҳсан мунсакни унинг устига ёпиб, қўлига икки тиллони ҳам узатди. Гулшан устида мунсаги билан оҳистагина ўлтурди. Аҳсан ҳам турган жойига чўккалади. Гулшан дуога қўл кўтарди. Аҳсан омин, деди. Дуодан сўнг Гулшан ва хазинадор – Аҳсан оҳиста-оҳиста орқалари билан юриб, Оғача ойимнинг ҳузуридан чиқдилар.

30. Хоним ойимлар

Гулшан эғнида мунсаги билан даҳлизга чиқиб, ундаги канизлар томонидан «илтифотга лойиқ кўрилгани» учун табрик қилинди. Кафшандозда кийинар экан, кўзи тўғридаги шаҳнишинда эди. Канизлар билан хўшлашиб ҳавлига тушди.

Юқорида сўзланганидек, бу ҳавлида хоннинг суюкли хотунлари ўзларига хос доя, чевар, канизлар ва қуллари билан турар эдилар.

¹ Итоб – таъна.

Оғача ойимнинг қаторидағи иккинчи танобий хоннинг суюкли хотуни Розия ойимға қарар эди. Розия ойим гарчи ўткан йиллардагина хонға никоҳланган бўлса ҳам, ўзининг хаёлий хусни билан «сайид»нинг илтифотини жалб этиб, ҳарамда биринчи мавқуъга минган хонимдир. Хизматиға тўрт каниз ва икки қул ҳадя қилинган бу ойим асли кошғарлиқ бўлган Охунд-жонбой деганнинг қизидир. Розия хоним қизлик чоғида Қўқон бойларидан Жонбобо отлиғ бир кишиға тегиб, бир бола туққандан кейин эри ўладир. Бундан сўнг қўқонлиқ Миён Фазл Ваҳҳоб ҳазратка эрга чиқадир. Гулшанбонуға ўхшаш хуфиялар «сайид»нинг қулоғиға етқирган бўлсалар керак, бир кун хон, тўсиндан арава юбориб, Розия хонимни «меҳмон»ға чақиради...

Хоннинг ҳукмиға қарши Миён Фазл Ваҳҳоб нима ҳам қила олсин. Розия хоним хон ҳарамидида бир кеча қўниб, эртаси уйиға қайтадир. Ул уйиға қайтиб келганда Миён Фазл Ваҳҳоб Розия хонимнинг қўлиға талоқ хати топшириб, етти арава мол билан ўрдаға жўнатадир... Миён Фазл Ваҳҳоб бу ишни қўрққанидан қилганми ёки хонға аччиғ тариқасидими, ҳарҳолда буниси ҳатто Розия ойимнинг ўзига ҳам қоронғидир¹.

Гулшан Розия ойимнинг даромадиға етканда икки нафар каниз даҳлиздан чиқиб, бўсағанинг икки томонида қўл боғлаб ва бош букиб тўхтадилар. Шу ҳолда ичкаридан гўё юзи сут билан суғорилғандек оқ, қуралай кўзи ойсиз ва булутлиқ кечасидан ҳам қорароқ, қадди сарв каби мавзун, қора сочи тақимини ўпқан, уст-боши ипак ва олтинлар билан ғарқ бир хоним хиромон чиқиб келди. Бошидағи ҳисобсиз кокиллари ни санама тикилган оқ ҳарир рўймол билан озорсизғина боғлаған, ёқа ва этакларига нафис жияк бириктирган хонатлас кўйлак, бухоро кундалидан қирғоқлариға олтин уқа (қўр) тутулған енгсиз желатка кийиб, ёқут кўзлик олтин тугмаларни бўшқина солған, ҳуснда мисли оз бу нозанин хоннинг суюкли хотуни – мазкура Розия хоним эди. Розия хоним орқасидан саккиз-тўққуз ёшлар чамалиқ, кўз ва тишидан бошқа аъзосида оқи йўқ бир бола

¹ Ҳарам тўғрисидағи маълумотимизнинг аксариси бу кунда ҳам ҳаёт бўлган шу Розия ойимдан олинди. Ҳозир тўқсон ёшларға еткан бу кампир ўзининг кучлик хотираси билан бизга қимматлиқ маълумотлар берди. Ҳануз сақланиб келган баъзи хусусиятлари билан бизни таажубка солди. Муҳтарама Розия ойимға ва икки орада воситачи бўлиб устимға миннат қўйған қўқонлиқ дўстим Босит Қодирийға ташаккур ва раҳматлар айтишқа бурчлиман (Муал.).

кўриниб, хонимни таъқиб этди. Бу ёш югурдак қулча хонимнинг ҳар бир майда хизматларига тайёр каби оёғ олар эди¹.

Розия хонимга қарши келгучи Гулшан букилиб салом қилди. Розия хоним ишорат билан жавоб бергач, «эсонмисиз» деди ва унинг жавобини ҳам кутмай шахнишин томонга қараб йўл солди.

Гулшан Розия оймнинг қуйисидаги дахлизга юзланиб, ундаги канизлардан Қурбон оймнинг соғлиғини сўраб ўтди. Қурбон ойм танобийсидан сўнг ҳавлининг кун ботишига мойил бино Шодмон оймга қарашлик ва шу билан ҳарамнинг биринчи ҳавлисидаги оймлар ҳисоби битадир².

¹ Қуллар аксар тожик ва ҳабашдан бўлиб етти ёшдан ўн икки ёшгача эдилар ва ҳарамда бундан юқори ёшдаги қуллар сақланмас, қул ўн икки ёшга етканда ҳарамдан чиқарилиб, ўрдадаги бирар хизматка белгиланар эди, дейдир Розия ойм. Эрлиги олинган (бичилган) қуллар Худоёрнинг онаси Ҳоким ойм – Жорқин оймгача (1285-нчи йилда вафот) фақат икки нафар бўлиб: Эшмат саркор, Тошмат саркор; (ҳар иккови ҳабаш) булар ҳам хондан ташқари ҳарамга киралмас эканлар. Ҳар кун эрталаб хон онасига салом бергани кирганда ҳалиги икки нафар қул ҳам хоннинг орқасида кириб, Ҳоким оймга салом бергандан сўнг яна хон билан бирга чиқишиб кетар эканлар (бу иккиси Шералихондан қолган, Ҳоким оймга яқин, кадрдон қуллар бўлганга ўхшайдир).

Розия оймнинг айтишига қараганда, шу икки қулдан бошқаларнинг эрлиги йўқотилмаган экан. Бундан онглашиладирким, Худоёр ҳарамга тўғрисида ёзгучи ўрусларнинг қул (евнух)ларни каниз ва хонимлар билан аралаш юрган ҳолда кўрсатишлари муболағадир.

Розия ойм яна тафсилга киришиб: «Хон биринчи мартаба тахтдан ҳайдалишида ўзига қарашлик ёш қуллардан бир нечасини Жиззахка элтиб ўқутди ва сўнгги даврида уларни баъзи мансабларга қўйди. Улар: Шогулом жарчибоши, Жамил Файзулло ва Муллача хазиначилар, Давлат удайчи, Давлат саркор ва Шошанд кўрбошилар» дейдир. Бу қуллар ҳам ҳарамга киралмаганларидек, эрликлари ҳам жойида экан (*Муал.*).

² Розия оймнинг айтишига қараганда, Худоёр ўзининг уч қарра хонлик даврида шу хотунларга уйланган: 1) Қозоқ тўра – Розия ойм бунинг отасини аниқ айталмайдир. Лекин ўзи қирғизлардан эди, дейдир. Фикримизча, Мусулмонқулининг қизи шу бўлсамикин?.. Хизматида тўрт канизи бўлган; 2) Анбарчик тўра – Ўратенада юзбеги бўлган Худоёрбек валламининг қизи; 3) Катта пошшо ойм – қўқонлик Хўжа Калон тўранинг қизи, Насриддин бекнинг онаси, хизматида етти каниз, тўрт қул; 4) Қўқонлик ойм – Қўқоннинг Сармозор даҳасидан, кимнинг қизи эканини Розия ойм билмайдир. Хон биринчи мартаба тахтдан қулангач, эрга тегиб кеткан; 5) Қурбон ойм – гумалардан (жория-хизматкор), Ўрмонбекнинг хазиначиси, хизматида икки қул, уч каниз; 6) Гулзода бекач – гумалардан, хизматида тўрт каниз. Шаҳзодаҳон исмлиқ бир қизи бўлиб, 1919-нчи йилда Ўшда ўлган; 7) Ширин бекач – гумалардан, хизматида уч каниз, икки қул. Тўра пошшо исмлиқ бир қизи бўлиб, қўқонлик Кароматхон тўрага берилган; 8) Исфаралиқ ойм – исфаралиқ Ҳабиб эшоннинг қизи. Бундан Моҳзодаҳон исмлиқ бир қиз туғулиб, қўқонлик Сафохон тўранинг ўгли Исахонга берилган (Моҳзода алҳол тирик эмис). Худоёр иккинчи хонлик даврида исфаралиқ оймни гарликда айблаб, баҳона билан ўрдадан ҳайдаб юборган.

Худоёрнинг иккинчи хонлик даврида олган хотунлари: 9) Мунисхон пошшо – қўқонлик Розихон тўранинг қизи, хизматида саккиз каниз, тўрт қул. Бундан Саййид Умарбек исмлиқ ўғул туғулган. Саййид Умарбек бу кунда Рошидон райўн, Тўра қишлоқда

– Эсонмисиз? Мунсак муборак, аямлар соғми?

Гулшан қўл учи билан кўришди:

– Ўзинг ўйнаб кулиб юрубсанми? Мунисхон пошша ойим саломатмилар? Биби пошша ойим ёзилиб келдиларми?

– Шукур, шукур, бизнинг ҳавлига киринг.

– Кирарман, – деди Гулшан ва устидаги мунсакни еча берди. – Сен маним келганимни уларга айтма. Мен ўзим бироздан кейин чиқарман.

Каниз орқасига бурилиши билан йўлакнинг юқори эшикларидан бири тарақ-туруқ очилиб, ичкаридан икки ёш оёғ ялан каниз қувлашиб чиқдилар. Гулшанни мунсак билан овора кўрган қизлар шу тарафка қараб югурдилар.

турар эмиш; 10) Пошшобону ойим – Кўконда машҳур Баҳодирхон тўранинг синглиси, Мухаммад Аминбек билан Чорсолохон пошшонинг онаси, хизматида тўққуз каниз, беш кул. 11) Масъудaxon (Огача ойим) Ибодуллахўжа қизи, Фансуруллохбекнинг онаси; 12) Кишбиби (Кизойим) – Худоёрнинг тоғаси Гадейбой дотқонинг қизи. Бу аслда Шохмуродхоннинг хотуни бўлиб, Шохмурод ўлгандан кейин Ҳоким ойим Бухорода ўгли Худоёрга Кишбибини никоҳлаб берган, хизматида беш чўри, уч кул; 13) Кичик Шохойим – Шугнон ҳокимининг қизи, Ўрмонбекнинг онаси, боланинг чилласи чиқмай ўлган; 14) Тўхтанюшшо (Чиндовуллик ойим) – Наманган тумани Чиндовул қишлоғининг хўжа қизларидан, хизматида тўрт каниз, уч кул. 15) Катта Шохойим – Дорбоз ҳокимининг қизи, хизматида етти чўри, катта Шохойимдан Саййид Фансуруллох исмлик ўғул туғулиб, беш ёшида экан, Марғилонда Пўладхон ўлдирган; 16) Гуландом бекач – гумалардан, бундан Офтобхон исмлик киз туғулиб, Худоёр вақтида, ўн уч ёшида ўлган. 17) Моҳбегим бекач – гумалардан. Биняминбекнинг онаси, хизматида уч кул, уч чўри; 18) Гулқиз бекач – гумалардан. 19) Асал бекач – гумалардан. Учунчи хонлик даврида; 20) Қоратегинлик ойим – Қоратегин ҳокимининг қизи, хизматида етти чўри; 21) Бибиюшшо (экавотлик ойим) – Наманган юқорисида Экавот қишлоғининг катта эшони Хўжам пошшо тўранинг қизи, хизматида уч чўри, икки кул бўлган; бу ойимдан Саййид Фансуруллох исмлик ўғул туғулиб, боланинг уч ёшида Пўладхон ўлдирган. 22) Розия ойим – (шу маълумотларни бергувчи). Розия ойимдан Саййид Умарбек отлик ўғул бўлса ҳам уч ёшида ўлган. 23) Қамбар пошшо – Хўжакалон тўранинг кичик қизи, Катта пошшо ойим ўлгандан кейин болдиз олган, хизматида уч каниз. 24) Ойнисахон пошшо – Турсун оталиқнинг қизи; 25) Тухфанисо ойим – Олтиариқ қозисининг қизи; бу қизга уйлангандан ўттуз етти кул кейин Худоёр ўрусларга сизгиниб Тошканд келган. 26) Ҳамрох биби ойим – кўқонлик Нурматбой деганининг қизи; 27) Саиданисо (чимёнлик ойим) қирғизлардан бирининг қизи. 28) Шодмон ойим – гумалардан; хонга суюкли эмиш, хизматида уч чўри, уч кул; 29) Гулбону бекач – гумалардан; хизматида бир чўри, бундан Озодахон исмлик бир киз туғулиб, кўқонлик Баҳодирхон тўрага келин бўлган; 30) Рухафзо бекач; 31) Сайқал бекач; 32) Санавбар бекач; 33) Аргувони бекач; 34) Нигор бекач; 35) Рузвон бекач. Бу олтовни ҳам гумалардан эмиш.

Бу ерда ёзилганлар Худоёрнинг тугал хотунлари ҳисоби бўлмас, деб ўйлайман. Чунки Розия ойимнинг хотиридан баъзиси кўтарилган бўлиши мумкин. Биз Розия ойимнинг ёнида эканмиз, ўртоқ Босит:

– Хон неча хотун олган эди, ойи? – деб хазил тариқасида тақрор савол берди. Розия ойим мендан ийманган киёфада:

– Хон курсин, унинг олган хотунларининг ҳисоб-китоби йўқ, болам, – деди ва манимча, жуда тўғри сўзни айтди (Муал.).

– Гулшанжон, Гулшанжон! Эсонмисиз, омонмисиз? Сарпа қутлуғ!

Шўх канизларнинг бири Гулшаннинг олдидан ва иккинчиси ёнидан ўрамалаб, бирининг оғзидан иккинчиси «Гулшанжон, эсонмисиз!»ни олиб эсанкиратдилар.

– Бўлди, бўлди! Шўх байтал ўлгурлар! – деди Гулшан, – ойимлар эшитса, нима деган гап бўлади?

Қизлар Гулшаннинг сўзига қулоқ солмай, келган тарафларига қараб уни судрадилар.

– Тўқ байтал! Гулшанжон – Тўқ байтал!

Гулшан аччиғланса ҳам, яна уларнинг сўз ва ҳаракатидан кулишка мажбур эди.

– Қуриб кеткурлар... Шунинг учун ҳам сенларнинг олдингга киргим келмайди-да!

Сўзга илтифотсиз, ўюн билан борган канизлардан бири Гулшаннинг қўлидаги мунсакни титкилаб ўзига тортди:

– Қайси гўрдан олдинг, менга берсанг-чи шуни!

– Ол, ол! – деди Гулшан мунсакни бўшатиб, – ўлимлик қиларсан!

– Албатта тобутимга ёпарлар!

Йўлакнинг бошидаги эшикка етдилар ва учиси бирдан сиқилишиб ичкарига кирдилар.

31. Қирқ қизлар

Гулшанлар кирган ҳавли «Қирқ қизлар» деб аталар эди. Бунда хоннинг кўнгил очишига хизмат қилғучи «Қирқ қизлар» турар эдилар. Бу ҳавли ундаги ўюнчи, созанда ва навозанда канизларнинг сонидан олиб, «Қирқ қизлар» аталган эди.

Худоёрнинг ҳарам канизлари сони бир юз элли беш нафар бўлиб, булардан ўн тўрт нафар оқ саройда, саккиз нафар шаҳнишинда, яъни хоннинг ётиш-туришига махсус, саккиз нафар Ўрмонбекка қарағучи, ўн нафар доялар ҳузурида, йигирма беш нафар шу «Қирқ қизлар»да ва қолганлари ҳар қайси хоним ойимларнинг хизматида эдилар.

Ҳавли юзида тўп ўйнағучи «Қирқ қизлар»дан етти-саккизи Гулшан олдиға югурдилар.

– Эсонмисиз!

– Елиб-югуриб ҳорманг!

- Эрингиз ўлмадимми?
- Шаҳар йигитлари омонми!

Бу қизлар ҳалигилардан қолишмайдирған шўх эдилар. Гулшан ҳам энди жиддият сақлаб турмади:

- Зерикмай ўлтурибсанларми? Ичларингда туғиб қўйғанларинг йўқми? Ўйнаш қилиб тутилмадингларми?

Бу ҳавли тўртта кичик ва битта зўр танобий уйдан, ҳам «Қирқ қизлар»га махсус ошхона ва бошқалардан ташкил топиб, қизлар кичик уйларга жойлашқан эдилар. Уларнинг ясанига келганда, юқоридаги канизларда кўрилгандек – қизил шол кўйлак, сариғ гуллик қизил шол рўймол, шувамотос ёки адрас желатка эди. Ҳозирги тўп ўюнига иштирок этувчи қизларнинг ҳаммаси деярлик ялан оёғ бўлиб, юмишдаги ва ошхонада ош пиширғучи қизлар дуранглик бедона кафшлар кийган эдилар. Аксарият, йигирмадан ошқан қизлар, ичларида ўн олти, ўн етти ёшлиқлари ҳам кўринар эди. Бу қизлар мамлакатнинг ҳар тарафидаги беклардан хонга ҳадя тариқасида юборилғанлар, шунинг учун улар терма дўндиклар эдилар. Чўри исми билан ҳарамга келган кунлари ҳар бирлари ҳам хоннинг «илтифоти»га бир-икки мартабагина «лойиқ» кўрилиб, сўнгра «Қирқ қизлар» ичига ҳавола қилинған эдилар. Улар ҳануз ҳам шаҳарнинг машҳур хотунлари бўлған Нусрат ҳофиз, Ботирбоши хола, Тилло ҳофиз, Тожи ҳофиз, Мисқол ҳофиз, Хон оғача, Мисоқ оғача, Улуғ ўюнчи, Шоҳбачча, Ражабхон, Тош ҳофиз ва ҳатто марғилонлик Зебихонлардан ўюнга, созга, ашулага таълим олиб келарлар ва шунинг учун ҳар бирлари ўз ҳунарларида яхши санъаткор бўлған эдилар. Жумъа куни етканда бу ҳавлидаги катта танобий тартибқа солинар, «қирқ қизлар» янги кийимлар кийиб, упа-эликлар қўярлар, турли зийнатлар тақиб, ажойиб суратда базмга ҳозирланарлар эди. Жумъа намозидан кейин хон баъзан ёнида Розия ва Оғача ойимлар билан бу ҳавлига ўтар ва катта танобийнинг тўрига қўюлған махсус курсига ўлтуриб, «Қирқ қизлар» базмини кўрар эди...

Шу йўсун қизлар Гулшанни ҳавли ўртасидаги тўп ўюнига судрадилар. Гулшан ўюнга иштирок этишда тихирлик қилиб кўрган эди, қизлар зўр келдилар. Ноилож ул ҳам ўйнамоққа мажбур бўлди. Бир чеккада ўлтуриб ешинди. Шу қизлардек ялан оёғ, бош ялан бўлди. Товор қўйлагини аяб липпа урди,

енгини тирсаги юқорисиғача шимарди ва ички кийимини ҳам болдириғача кўтарди.

Қизлар ўзлари ясаған катта ипак коптокни Гулшанга бердилар:

– Марра беш-ўн; ҳар ўнда бир айланиш; агар тўпни маррага еткармай қочирсангиз, ҳар биримизни апичиб, ҳавлини бир айлантириб чиқасиз! – дейишди қизлар.

Гулшан шартни эшитиб ўйланиб турди.

– Агар маррага еткарсам?

– Биз апичиб айлантирамиз!

– Қочинглар бўлмаса! – деди Гулшан ўртага тушиб, – тўпка тегсанглар, менга ҳадуқ берсанглар ҳисоб эмас!

Қизлар унинг шартига кўниб ҳавлининг теварагига тарқалишдилар. Гулшан ўйинни бошлади. Тўп чиқагон эди. Гулшан биринчи ўнни муваффақият билан тамомлади. Ўн иккинчи урушда биринчи ўн учун айланган эди, Гулшаннинг узун сочлари атрофка тарқалиб, ҳатто кўкраги ҳам ларзага келди... Қизлар қийқиришиб кулдилар. Иккинчи ўннинг айланиши ҳам шу йўсун кулги берди. Лекин учунчи ўннинг ерга саккизинчи урулишида копток қочти. Гулшан коптокни ҳарчанд қувлаб юқори чиқаришга урунса ҳам бўлмади, ерда думалаб қолди. Қизлар қийқириқ ичида чапак уриб юбордилар ва Гулшанни ўраб олдилар. Гулшан чиқиб қочишга хезланса ҳам бўлмади, ул кутмаганда бир қиз орқадан келиб сакраб минди...

– Хих, эшагим!

Қизлар кулишар эдилар. Икки қиз Гулшаннинг олд ўрум сочидан ушлаб етаклади. Бу томошага ҳатто уйдаги ва ошхонадаги қизлар ҳам қизиқсиндилар. Биринчи қизни ҳавли айлантириб чиққан эди, иккинчиси минди... Шу йўсун бечора Гулшан ўнлаб қизни ўз устига миндириб, орқаси яғир бўлаёзди. Яна ўюн бошланди...

Шомга яқин ош тайёр бўлиб, қизлар ўз қўшоқлари билан уйларига кирдилар. Гулшан ҳам бир қўшоқ қизларга қўшулиб, ўртадаги уйга кирди. Қизларнинг ўзидек уйнинг полос ва жиҳозлари ҳам бесаранжом эди. Унда бир рўймол, бунда бир маҳси, нарида яна бир нарса... Хулласи, уй ивирсиб ётар эди.

Гулшан бу ҳолдан ранжиб қизларни урушти:

– Сенларга ҳеч сон кирмади... Қачон кўрсам, уйлари лўлининг хуржун солған елкаси!

– Лўлининг хуржун солған елкаси бўлса, – деди Нозик отлиғ бир қиз, – ўзинг йиғиштириб бер, Гулшан опа!

– Менми, менга нима?

– Менга ҳам нима?

– Сенинг турадирған уйинг, – деди Гулшан, – йиғиштирсанг, кўнглинг равшан бўлади.

– Уй йиғиштирилмаса ҳам кўнглим равшан, – деди Нозик ва ёнидағи Тухфага қараб кулди. – Тухфа, сенинг ҳам кўнглинг равшанми?

Тухфа оғзини катта очиб, Гулшаннинг олдиға келди:

– Мана, ўз кўзинг билан қара, опа, кўнглим чилчироғ ёққан-дек равшан, кўрдингми?

– Кўрдим, кўрдим, – деди Гулшан, юзини четка ўгуриб. – Кўнглинг равшанлиги устига яна бир нарса ҳам тилабдир...

– Нима тилабдир, эрми? – деди учунчи ёқдан Қумри. – Кўнгилдагини топар экансан, опа! Меникига ҳам қара-чи, нима тилар экан?

– Сеники ҳам эр, – деб кулди Гулшан. – Буларга бир сўзни айт-да, қоч! Ош келди. Нозик, дастурхонингни ёз!

Нозик дастурхон ёзди. Ўртаға икки хитой лаганда палов қўйилиб, Гулшан билан етти қиз ошқа ўлтурдилар. Кенгаш-пенгаш бўлмади. Хуфтандан кейин уйлардағи қизлар бирин-сирин катта танобийға йиғила бошладилар. Икки чилдирма қизитилди ва дутор, танбур, ғижжак, чанг каби асбоблар созланди. Қизлар ўзора базмга ҳозирланар эдилар ва ҳар кеч ҳам базм билан кўнгил ёзар эдилар. Дарҳақиқат, эркаклар дунёсидан алоқаси кесилган мазлума, оила ҳаётидан маҳрум бечоралар шундан бошқа нима билан ҳам овинсин? Уларнинг овунчоғи – кундузлари ўюн, кечалари базм ва тунлари уйқу ҳам туш эди.

Қизларға махсус назокат билан соз чалинар эди. Созга йўл-бошчилик қилған чилдирма ярим товушда гумбирлар, кўнғуроқлари шинғирлар эди. Катта қандилдағи чилчироғ нури остида ҳарам қизларининг ҳусни ялёнар, ўртада ўйнағучининг маммалари мақом билан силкинар ва «Қирқ қизлар»дағи кундалик базмга одат қилған бошқа ҳавли канизлари билан танобий борған сайин тўла борар эди.

Ўюнчи қуллик қилиб, саҳнадан чиқди. Унинг ўрниға Нозик кўзғалди. Нозик саҳнага чиқиши билан чилдирма ҳам бошқа куйға ўтди:

– Бак-баканг, бак-баканг...

Чилдирмага созлар замлангандан кейин, икки ўртадан узук ва шўх бир куй туғилди. Нозик ўртада хиромон бир тарафка ўткан эди, қизларнинг баъзисидан соз каби шўх ва нафис оҳанг эшитилди:

*Очилғанда лолалар, териб юрғай болалар,
Айтингиз-чи, холалар, ўткан дўндиқ, созмидир?
Ўткан дўндиқ, созмидир?*

*Термулғаним билмаса, писандига илмаса,
Раҳми асло келмаса, менга қилған нозмидир?
Чеккан жабрим озмидир?*

Нозик ўйнар, қизларнинг ашуласига аъзо ҳаракати билан тасдиқ ишорасини берар ва бунда нафис бир санъат кўрсатар эди.

*Бағрим ўтда ёнади, ёрим мендан тонади,
Кулни йўққа санади, мендан ё аразмидир?
Мендан ё аразмидир?*

*Ёрим юзи гул эрур, зулфлари сунбул эрур,
Лаҳза кўрган қул эрур, ёки бул пардозмидир?
Ёки бул пардозмидир?*

*Хуммор кўзинг ўйнатиб, ошиқни арзон сотиб,
Исён лойиға ботиб, жабру ситам бозмидир?
Жабру ситам бозмидир?*

*Тирнамағил сен ярам, йиғлатма кўб, қил карам,
Турған ўрнингдир ҳарам, яъни шоҳим базмидир!
Яъни шоҳим базмидир!*

*Ою йиллар йиғлаған, бағрин ҳар дам тиғлаған,
Ҳасратидан биғлаған¹, бахтсиз бир қиз Назмидир!
Бахтсиз бир қиз Назмидир!*

Кейинги байтлар оғир бир фожиъани тасвир қилдилар: ойллар, йиллар йиғлаған, ҳасратидан ҳушсиз йиқилган бахтсиз бир қизнинг жонсўз фарёдини гавдалантириб кўрсатдилар. Бу ўрунда шўх куй лобарғина қилиб бир ҳасратка таржимонлик этди. Юқоридан бошлаб ўйноқи руҳда куйлаб келган қизлар ва доим нозу карашмада бўлган ўртадаги ўюнчи ҳам бундаги оғир маънони ўзича олишқа тиришдилар...

¹ Биғлаған – биғиллаған, ҳушсиз йиқилган (Муал.).

*Ою йиллар йиғлаган, бағрин ҳар дам тиглаган,
Ҳасратидан биғлаган, бахтсиз бир қиз Назмидир!*

Бу «бахтсиз бир қиз» базмдаги қизларнинг ҳар қаюсиға маълум эди. Фақат бу мажлисда унинг фарёди иштирок этса ҳам, ўзи иштирок этмас, беҳисоб фарёдлар, фиғонлар, ҳасратлар билан чарчаган бу қиз ҳозир тупроқ остида тинчиб ухлар эди. Унинг таржимаи ҳолини «Қирқ қизлар»дан ҳар ким билганидек, ҳатто уни қўмсаб йиғлағучилар ҳали ҳам топилар эдилар. Дарҳақиқат, озодликдан маҳрум этилган мазлума қизларға неча асарлар қолдириб кетган бир шоирани ким билмасин, кўбчиликнинг айтолмаган ҳасратини куйларга солиб берган шоирани ким унутсин? Ошиқидан айрилган бир маъшуқа, номусиға тўқунилган бир мазлуманинг фарёди кимларнинг юрагига кириб ўлтурмасин?

Шундай... Мундан бирар йиллар илгари шу «Қирқ қизлар» ичида Назми исмлиқ бир қиз ўлган эди. Бу шу қизнинг тўқуған байтларидан бири эди. Қизларнинг сўзига қарағанда, Назми Қўқон қишлоқларининг биридан, чиройлик қиз экан. Назми холасининг ўғли билан севишкан, ҳатто тўй кунлари ҳам яқинлашқан экан. Отаси жуда камбағал деҳқон бўлиб, Худоёрнинг неча йиллик солиқларини тўламаган экан.

Худоёр чўғоллари (золим табиъатлик, раҳмсиз солиқ йиғувчилар) қишлоққа чиқиб, Назмининг отасини сиққанлар, урғанлар... Қизидан бошқа мол тополмай, уч йиллик солиқ бадалига Назмини тутиб, Худоёрға тортиқ қилганлар. Хонға Назмининг ҳусни ёққан, уни доя хотунларға қўшиб ҳаммомга юборган. Худоёр бир-икки кеч бечоранинг номусига тегиб, сўнгра «Қирқ қизлар»ға қўшқан... Назми шунда икки йил чамаси куйлаб, йиглаб юрган, «Қирқ қизлар»ға кўб янгиликлар берган ва охирида ўзи сил бўлиб ўлган...

Назмининг охириги икки байтидан сўнг базм битди. Ҳар ким ўз жойиға тарқади.

32. Нозик

Гулшан бояғи етти қизлар ёнида ухламоқчи эди. Нозик билан Тухфа ўрун ёзар эдилар. Қумри Гулшанга шўхлиқ қилар эди.

– Сен аҳмоқсан, Гулшан опа! – дер эди Қумри. – Эрингни ёлғиз ташлаб биз «бўйдоқлар» ичида нима маъно топасан?

Гулшан ҳавлининг кун ботиши – ошхона ва бошқа рўзгор уйлари ёни билан бориб, бир эшик орқали бизга маълум узун йўлакка чиқди. Йўлакда сув ҳавлисидан чиқиб келган бир каниз Гулшанни кўриши он қўлидаги сувлик кашкулни ерга қўйиб югурди:

– Алжимай ўл! – деди Гулшан. – Сенлардан, албатта, маъно топмайман... Сенларнинг ўйлаганларинг фақат...

– Бўлмаса сен нимани ўйлайсан?

– Мен тириклик тўғрисида ўйлайман. Сенлар тўқликқа шўхлик қиласанлар. Бир вақт мен ҳам хоним ойимларга чўри эдим. Бироқ сенлардек...

Ҳамма қизларнинг қулоқ-кўзи Гулшаннинг оғзида эди. Ўрунни ёзиб битирган Тухфа сўради:

– Сен ўйламасмидинг?

Гулшан бироз жавобсиз, кулимсираб турди.

– Ўйласам ҳам сенларча ҳар кимнинг олдида валдирамас эдим... Бу ўзи шайтоннинг иши. Намоз ўқусанг, рўза тутсанг, хаёлингга бу нарса ҳеч келмас. Мана биттаси Зарифа, сенлардек уят сўзга оғиз очмайди.

– Ва-ха-ха-ха! – деб кулиб юборди Қумри. – Айт-чи ўзинг, Зарифа, сен кеча қандай туш кўрдинг?

– Қуриб кет, – деди Зарифа юзини четка ўгуриб. – Кишини кўрган туши билан айбламакчи...

Қизлар бирин-бирин келиб ўрунлари устига ўлтурдилар. Ўрун қатор ва бир-бирига тақаштириб солинган эди. Гулшан ўзи учун четроқдаги ўрунни танлади.

– Кўйлак ешар! – деди Қумри турган кўйи ва кўйлагини ешиб ташлади. – Иштон солар!

Қизлардан уч-тўрттаси Нозикни таъқиб этдилар ва шарт-шурт бир-бирининг яланғоч этига урушиб шартак олишдилар. Кип-яланғач қизлар билан кулги бошланди.

– Сенларнинг ёнингда ётқан киши гуноҳкор бўлади, – деди Гулшан бошини кўрпага буркаб. – Агар билсанглар, ҳар қайсинг иккита, учта боланинг онаси бўладиған ёшдасанлар.

– Тўғри айтасиз, айланай Гулшан, – деди Қумри яланғоч ўзини шамъга солиб. – Менга яна бир қараб кўринг-чи, балки беш боланинг онаси бўлсам ҳам арзир.

Ҳамма кулишиб юборди. Кўрпани бироз очиб қараган Гулшан ҳам бу ҳолдан ичи қотиб кулди.

– Шамъни ўчир.

Қумри тоқчадаги шамъни ўчирди. Уй қоронғиланди. Энди «нари ёт, бери ёт» билан бир-бирларини итариб, суриб кўрпани тўрт томонга тортишиб жанжаллаша бошладилар.

– Ухлатасанларми, йўқми? – деди Гулшан жекириниб.

– Жим, жим, – деди ярим товуш билан Қумри. – Гулшан бизнинг уйга ухлағали келган экан.

– Уйида эри ухлатмаган бечорани.

– Мен шунинг учун ҳам эрга тегмайман-да, – деди Қумри. – Эр деганнинг оти ўчсин, кишини ухлатмайди.

– Ухла, бечора, ухла, – деди Тухфа, – «Қирқ қизлар»дан саранжомингни олиб кет.

Яна кулги кўтарилди. Гулшан ҳарчанд ўзини ушласа ҳам яна қизларнинг кулгисига тортилди.

– Гап-сўзда ҳам бир маъни бўлиши керак, – деди Гулшан, – бўшдан-бўшка ҳиринг-ҳиринг; бундан кўра тинч ухлаган яхши.

– Маъни ўзи нима, Гулшан опа?

– Маънининг маънисини сўрама, Тухфа, – деди Қумри. – Гулшан опам жавоб берсин, бизнинг шу «Қирқ қизлар»да қамалиб ётқанимизда ҳам маъни бормикин?

– Уни қўявур, – деди қизлардан яна бири, – Гулшан опам эрини ёлғиз ташлаб, биз маънисизларнинг ичида яна бир маънисиз бўлиб ётипти; шунда ҳам бир маъни бормикин?

– Товушларинг ўчсин.

– Бор, бор, – деди аллаким. – Бизга ҳамроҳ топиб келади.

– Бизга ҳамроҳ топиб келганида ҳам маъни борми?

– Нега маъни бўлмасин, бизга ўхшаш маънисиз кўпаяди.

Яна кулги кўтарилди. Қизларнинг «маъни»дан бошланган «пайрав»ларининг кейинги жумласи Гулшанга ҳам таъсир қилиб ҳиринглади.

– Қирилиб кет ҳаммаларинг... Энди маънисизни кўпайтирмайман, тинч ухлаларинг.

– Баракалла, – деди Нозик. – Ана энди сизга ҳам маъни кирипти.

– Бекор айтибсан, Нозик, Гулшан опамга маъни кирганига кўб бўлган.

– Масалан, қачон кирган?

– Анчадан бери... Эрга текканингизга қанча йил бўлди, Гулшан опа?

Қизлар яна шаққиллашиб кулдилар.

– Бемаза гапни қўйинглар, ухлайлиқ.

– Ухлашни бироз қўйиб тур, Гулшан опа, – деди Нозик. –

Мен сенга мазалик бир хикоя айтсам эшитасанми?

– Хикоянг қурсин...

– Ўзи мазалик гап. Эшитмасанг, барибир ухлатмайман.

Гулшан мингиллаб ўрнида ағдарилди.

– Айт, лекин чўзма.

– Чўзмайман. Сенлар ҳам жим ёт, овсинлар!

Бир-бирини қитиғлаб, хиринглашкан қизлар Нозикнинг сўзига қулоқ солмадилар.

– Тухфа, Қумри! – деб ҳайқирди Нозик. – Тинчимасанглар бўғаман, майлими?

Нозикнинг таҳдидига қулоқ солучи яна бўлмади. Нозик ирғиб ўрнидан турган эди, қизлар кўрпага яшириндилар.

– Оғзингга аямай ураман, Наврўз!

Кўрпа ичида қизларнинг пиқиллаши эшитилса ҳам, бояғи тўполон биткандек бўлди.

– Уйғоқмисан, Гулшан опа?

– Гапуравер.

Қизларга яна бир мартаба танбеҳ ясағандан кейин Нозик ўз ўрнига келиб ўлтурди.

– Бир кун эрталаб биз ҳаммомдан келар эдик, – деб хикоя бошлади Нозик, – бизга йўл устидан бир йигит ҳамроҳ бўлди...

– Эски дард, – деди аллаким, қизлар пиқиллашиб юбордилар.

– Эски гап бўлса, кишини эшиткали қўймайсанларми?..

Мен Гулшан опамга сўзлаб бермакчиман, сенлар эшитмасанглар, ухлаларинг ё бўлмаса, сўзни қовиштирларинг!

– Сўзлай бер, биз тинч ётамиз, – деди Тухфа, – Наврўз, Қумри, Ҳамроҳ, жим ёт-да, ахир!

– Шундай, Гулшан опа, йўлдан бизга бир йигит ҳамроҳ бўлди. Ўзи қандай йигит деб сўра: сурма қўйғандек оху кўзи бор, қизил олмадек таранг юзи бор, энди чиқиб келган кўк майса мўйлаби, Розия хонимникидан ҳам нафисроқ қалам қоши... Устига кийган беқасам тўни ўзига шундай ярашқанки, биз қизлар ихтиёрсиз унга қарашдик; а, шундайми, Тухфа?

Тухфа тасдиқ қилди, Гулшандан уйғоқлик жавобини олиб, Нозик давом этди:

– Ёш, уятчан йигитка ўхшади. Йигирма чоғлиқ қизнинг ўзига тикилганидан уялиб, ерга қаради... Бизни ҳаммомга олиб борғучи Насиба хола билан Ханифа доя эдилар. Улар бизни йигитка айланишкан ҳолда кўриб, тез юришқа қистадилар. Биз йигитка қарай-қарай ночор қадам босар эдик. Йигитча бўлса биздан қолишмай бирга келар эди. Биз ўрда дарбозасига ета-ёзган эдик, мен қайрилиб орқамга қарадим. Ёш йигит ҳамон ўн қадам нарида келар эди... Шайтон васваса қилиб кўнглимга бир гап келди. Секин-секин сурилиб, қизлардан кейин қола бордим. Энг орқага чиқғач, бошимдаги рўймолни олиб, паранжи ичидан ерга ташлаб юбордим... Дарбозага яқинлашқан эдик, дарбозани очиб, дарбозабонлар четлашдилар. Рўймолим ерга тушдими, йўқми – билмас эдим, лекин дарбозадан ташқарида тушиб қолишини тилар эдим... иш кутканча чиқмади, деб афсус қилдим, чунки дарбозадан ўн адим ичкари кирган эдик, дарбоза ёпилмасдан яна орқамга қайрилдим. Ўзимдан беш қадам нарида тушкан рўймолимни бояғи йигит энгашиб ердан олар эди. Мен бурулиб йўлимга кета бердим...

– Опа, рўймолингиз тушти!

Юрагим орзиқиб тўхтадим. Йигитча рўймолимни келтирди, тусида бироз кулимсиш бор эди.

– Сизникидир? – деб сўради.

– Меники, – деб қўлидан олдим, раҳмат айтиш ҳам эсимдан чиққан. Дўндиқ йигит бошқа сўз айтмади. Рўймолни менга бериб ўрданинг улуғ дарбозасига қараб кетди. Мен бўшашганча қизлар орқасидан ҳарамга судралдим. Мен йигитни бир адим наридан кўрдим, товшини ҳам эшитдим, қўли ҳам қўлимга тегди, шекилли. Ухламайсанми, опа?

– Уйғоқман, – деди Гулшан. – Хўш, ундан сўнг нима бўлди?

– Нима бўлганини ҳозир сўзлаб бераман... Юрагим ўйнаган ҳолда «Қирқ қизлар»га кирдим, «опа, рўймолингиз тушти, сизникими?» жумласи қулоғим остидан кетмайди ва суврати кўз ўнгимга келган сайин, юрагим орзиқади. У ёқни ўйлайман, бу ёқни ўйлайман, ўйимнинг бошига еталмайман, аммо юрагимга бир парча олов ташланган, ёнаберадир. Ичимдаги шу ўт билан гўё мен маст бўлганман, бошим шишкан, кўзим тинган, юрғанимни-турғанимни билмайман. Нега кўрдим, нега қарадим? Нега рўймолимни ташладим, нега олиб берди, нега ўрдага киралди? Бу ўзи жин, мени жинни қилмоқчи... Ох, яна бир кўрсам эди! Ҳаммом борганларнинг ҳар биридан сўрайман: «Йўлдаги

йигитни сен кўрдингми?» «Кўрдим»... «Кўрган бўлсаларинг сенларнинг ҳам юракларинг ёнадими, яна кўргинг келадими?» «Йўқ». Шундан сўнг унинг жин бўлганлиғига ишониб қоламан: мен жинга тегишдим, жин мени чалди, дейман. «Бизнинг ўрдада шундай йигит борми?». «Йўқ», «Сенлар ҳам унинг орқамиздан ўрдага эргашиб кирганини кўрдингларми?» «Йўқ». Демак, мени жин чалган... Тухфа бўлса: «Сен пари йигитка ошиқ бўлгансан», деб кулади. Мен унинг сўзига ишонаман. «Балки пари йигитдир, ул ҳам мени яхши кўргандир», дейман. Шундан кейин мен кута бошладим. Агар яхши кўрган бўлса, мени ўз юртига олиб кетар, деб ўйладим. Эрта кутдим, кеч кутдим, пари йигитдан дарак йўқ. Ўн беш кундан сўнг яна ҳаммомга бориш чоғи етди. Мен сўйиндим, балки бу кун парилар юртига кетарман, деб ўйладим. Шу орзуда ҳаммадан илгари мен отландим. Бордик. Ҳаммомдан чиқиб, пари йигит билан учрашкан жойга яқинлашқан эдик, юрагим ўйнай бошлади. Учрашилганда қиладирган ишоратларни ўйлаб қўйган эдим. Агар четдан туриб ўзига имласа, қизлардан ажралиб қолмоқчи эдим. Маълум жойга етдик... Пари йигит йўқ. У ёқ-бу ёққа, тор кўча ичларига қарадим, яна йўқ. Баданимга совуқ тер чиқди, қизлардан ажралиб, йўлда тўхтаб қолганимни ҳам билмайман. Бир вақт Насиба холанинг чақирган товши билан кўзим очилди ва не зайлда қизларга етиб олганимни билмадим. Ўрда дарбозасига еткунча неча қайта орқамга қарадим, – деди Нозик ва узоқ тин олиб, бироз тўхтади. – Шундай, мен пари йигитка ошиқман. Уч ойдан бери ошиқман, Гулшан опа.

– Пари йигитка ошиқмисан, хе-хе-хе.

– Нега куласан, Гулшан опа?.. Ишонмасанг, Тухфадан сўра.

– Ошиқлигингга кулмайман, – деди Гулшан кулиб. – Сен айткан йигит пари эмас.

Нозик ўрнидан сапчиб турди.

– Ким бўлмаса?

– Одам!

– Одам? Сен уни кўрганмисан?

– Кўрганман... Ўзи бизнинг ўрдада... Ҳозир пойгачининг ўрнига ким ўлтурган, биласанми?

– Биламан, мирзо Анвар отлиғ киши.

– Сен ошиқ бўлган «пари йигит» шу...

Тухфа бирдан хахолаб юборди. Бу кулгидан уйқуға борган қизлардан баъзиси сўчиб кетди.

– Мирзо Анварга ошиқ бўлган экансан, Нозик.

Нозик ҳамон қотиб турар эди...

– Шу қадар ёш йигит мирзобоши бўлганми, Гулшан опа?

– Бўлган.

– Бўлса ҳам арзийди, – деди Нозик, – ўзи уйланганмикин?

– Мен қаёқдан билай, уйланганми, эмасми?.. Уйланмаган бўлганда ҳам сени олмас.

Нозик бир неча вақт жим қолди...

– Албатта, мени олмас, – деди Нозик, унинг товшида шу чоққача эшитилмаган бир синиқлиқ оҳанги бор эди. – Албатта, сен айтканча, мени олмас. Менга ит теккан, мен...

Гулшан жавоб бермади. Бироздан сўнг қатордан пишиллаган товушлар эшитилди ва бу пишиллашни ора-чора пиқ-пиқ йиғлаган товуш бузар эди.

33. Янги «хунар»

Ичкаридан чиқиб келган махдум мирзобошини кутиб ўлтурғучилар ичида мулла Абдурахмонни ҳам кўриб қолди.

– Бахайр, мулла Абдурахмон, бахайр... Ваалайкум ассалом.

Солиҳ махдум мулла Абдурахмон билан кўришди ва уни кишилардан айириб меҳмонхонага олиб кирди.

– Хўш, ҳабба... Хўб саломатмисиз?

– Алҳамдулиллоҳ... Ўзларининг сиҳҳатлари?

– Парвардигорга минг қатра... Хўш, қадамлариға ҳасанот?

– Мен тунови кунги марҳаматлари юзасидан... – деди мулла Абдурахмон, – башарти мирзо Анвар жаноблари мувофиқ кўрсалар, муншийликка кирсамми, деган ниятда...

– Кўб яхши, кўб яхши, – деди махдум, – не ғаройиблиғи бор, илмингиз кофий, фақат иншо... иншодаги нуқсонингизга албатта Анвар устозлик қилар, қараб турмас... Хуснихат важида сизга таълим ҳожат бўлмаса керак.

– Таҳрир ва иншода ҳам устозга муҳтожлик оз, – деди бироз нафси олинган қиёфада, – мирзо Анвар каби бўлмасамиз ҳам ундан берироқ, тақсир...

– Яна яхши, яна яхши. Аммо, лекин девонхонадаги барча мирзо, муфтиларға қарағанда Анварнинг таҳрири фасихроқ¹ эмиш. Бу, албатта, таълим хосияти... Кам-кўст ўрганилса, бе-

¹ Фасих – чиройли, равон.

шак манфаати бўлур. Хўб... Мирзо Анварга ўзлари тасодуф келмакчиларми ёки мен восита бўлсам дурустми?

– Билмадим... Ўзлари восита бўлсалар ҳам маъқулми, деб ўйлайман?

– Воситалик ҳам дуруст, зеро, хотиржамъ сўзлашармиз, соний сизнинг камолатингиздан мирзобошини қаноатландириш зарурати ҳам бор, – деди махдум ва бироз ўйлаб тўхтади. – Ҳабба, девонхона қавоидича¹, янги мирзо малака ҳосил қилгунча вазифа емас экан. Бизнинг Анвар ҳам ибтидо вазифасиз хизмат қилган эди.

– Моҳонада аҳамият оз, зеро, маишатимиз имомат орқасида таъмин, тақсир.

– Ҳабба, бу тарафдан ҳам ташвиш оз экан. Иншоода чобакдаст² бўлиб олсангиз, вазифа важҳи осон... Гайраз, боби олийга алоқа, калон ва калонзодалар билан робита ҳам кишига кўб манфаат берадир. Бу жиҳати сизга кўб ғанимат, – деди махдум ва товшини секинлатди. – Имомат билан бир жойга етиб бўлмайди... Аммо бу андишангиз бениҳоят маъқул. Сиз ўзимизнинг фарзандимизсиз; зеро, ўз болаларимизнинг ўрда билан алоқадор бўлишлари бизга айти манфаат. Хотиржамъ, мулла Абдурахмон, мен Анварга сизнинг важҳингизни тушунтирурман. Албатта ўз ёнига олар.

Абдурахмон махдумга раҳмат айтди ва кетиш учун кўзғалди.

– Қай вақт хабар олсам бўлур экан? Албатта, жавоб ўзларидан бўлса керак?

– Ҳабба, эртага баъдаз бомдод, – деди махдум. – Нега кўзғалдингиз, чой, нон, моҳазар...

– Раҳмат, тақсир.

Махдум мулла Абдурахмонни ҳавлигача кузатиб чиқди ва хайрлашиб, Анварни кутиб ўлтурганлар ёнига келди. Ҳар кимдан аҳвол ва кутиш учун сабаб сўради. Тўни янгироқларнинг болалари қаерда ўқушини, башарти, шу даҳадан бўлсалар, нима учун болаларини бошқа мактабга берганликларини текширди. Айниқса, кутиб ўлтурғучилар ичидаги ямоқ тўнлик, қўли қадоқ бир дехқон махдумнинг диққатини ўзига жалб эткан эди.

– Хў-ўш, ким, ҳали сиз қишлоқдан келган кўринасиз, – деди махдум, – қани, айтинг-чи, касал нима?

¹ Қавоид – қоидалар, тартиблар.

² Чобакдаст – чаққон, эпчил.

Дехқон махдумнинг хурматига ўрнидан туриб, қўл қо-
виштирди:

– Ўн уч таноп еримиз бор эди, тақсир... Чамаси, янгиш
бўғанда, ўттуз уч таноққа ҳақ соғанлар. Мен шунга арза ёзди-
райма, деб...

– Химмм, – деди махдум, – кишлоғингизда оқсоқол йўқми?

– Бўған минан, тақсир... кулоқ соладиған эмас.

Махдум яна бир мартаба дехқонни бошдан-оёқ кўздан ке-
чирди.

– Ариза ёздиришқа чақа керак бўлади, ука. Чақангиз бўлма-
са, оворагарчиликка арзимади, иним...

Дехқон белини тимискилаб, гўё чақасини кўрсатадирған-
дек ҳаракатланди.

– Чақасиз арзага келиб жинни бўғанмизма, тақсир.

Махдум дехқоннинг чақаси борлиғига қаноат қилса ҳам,
Анвардан хотиржамъ эмас эди. Чунки «зарношунос» Анвар-
нинг шу дехқонга ўхшаш камбағаллар ишини битириб бериб,
улардан «чақа» олмаслиғини билар эди. Ҳатто шу тўғрида Ан-
варга «бу ишингиз зарношунослик, болам», деб насиҳатлар
қилса ҳам, бир натижа чиғмаған, шунга биноан «заршунос»
махдум яқиндан бери қизиқ бир ҳунар ижод қилған эди. Мах-
дум кўпинча кишилар Анварга учрашиб тарқалғунча, йўлақда
ўлтуриб олар эди. Анварга йўлиқиб чиққан ҳар бир кишини
тўхтатиб, натижани билар, ариза ёздирған ёки бошқача бир
кенгаш олған бўлса, ҳақ берған, бермағанлигини сўрар, Анвар
берилған ҳақни олмай қайтарған чиқса, дарҳол «сиз чақани оз
берғансиз-да, мўлроқ берсангиз, албатта олар эди. Хўб, май-
ли, борини менга ташлаб кетинг, ўзим уни кўндирарман», деб
ариза ёздирғучининг бор оқчасини қоқмалаб қолар эди. Ҳатто
баъзи вақт икки оғиз сўз билан қайтиб чиққан кишидан ҳам
бир нарса ундиришқа тиришар, «мишиқ офтобга текин чиқ-
майдир, сиздан оқча сўрашқа ийманған-да, менга бир нарса
ташлаб кетсангиз, ўзим унга бериб қўярман. Ўзингизга бериш-
ка уялибдир, деб айтарман. Ҳабба, яна ишингиз тушишига ях-
ши-да», дер эди.

Шу йўсун махдум бир неча ҳафтадан бери бу «ҳунар»ни ўзи-
га касб қилиб олған, Анвар ариза ва кенгашдан бир пул ишла-
маған кунларда, ул неча тангаларни йўлақда ўлтуриб топар
эди. Кишиларни жўнатиб хотиржамъ бўлғач, жарақ-жарақ оқча

билан ичкарига кириб кетар, ичкарида бу кунги «даромад»ни санаб, бир пулни беш пулдан, тангани чақадан ажратиб, «хе, гап билгунча иш бил, бачча талоқ», деб ўзича кулар эди. Албатта, бу хунарни уй ичидагилардан яширар, айниқса, Анвардан «беҳад» андиша қилар эди.

Махдум аср намозига кеткан пайтда Анвар ўрдадан қайтиб келди. Махдум шошиб ва асрни чала ўқуб келса ҳам, яна бахтлиқ одамлардан анчаси ишни битириб тарқаган эдилар. Махдум аттанг ўқуб, меҳмонхона даричасидан қайтди, аср азони кеч айткан сўфидан ранжиди. Ичкарида яна бир неча киши кўрингани учун эски одатича, гўё биравни куткандек, йўлакка келиб турди. Бироздан кейин меҳмонхонадан бир мулланамо чиқиб келди. Махдум чиқувчини ёқтирмагандек ер остидан кўзини ғилайлатиб қарағач, бирдан вазиятини ўзгартди:

– Ассалому алайкум, келган эканлар, тақсирим!

– Ваалайкум ассалом! Хўб саломатмисиз, Солиҳ махдум? Мирзо Анварда андак юмишимиз бўлур экан... Яшағурингиз, кўб зийрак бола: кичкина ариза ёздириб олдим... Хўб саломатмисиз, махдум?

Махдумнинг оғзидан ҳар турлук такаллуфлар чиқса ҳам, унинг нима учун ариза ёздирганини сўрамади. Чунки бу одам шу ўртанинг эшонларидан бўлиб, гадойдан хайр кутиш маъносиз эди. Мундан бошқа, эшонни сўзга тутса, «келаси даромад»нинг ҳам қўлдан кетиш эҳтимоли бор, шунга биноан махдум сўзни мухтасар қилмоқчи бўлди:

– Кўб яхши, кўб яхши, келиб турсинлар, тақсирим!

– Келамиз, келамиз... Мирзо Анварга фотиҳа ҳам лозим. Ўзингиз бир зиёфат қилиб чақирай ҳам демайсиз, махдум... Мен мирзога айтдим: бу хизматингиз билан қутулмайсиз, бир зиёфат қилиб чақирасиз, дедим. Мирзо кўб сахий табиъат кўринади. Қачон келсангиз зиёфатимиз тайёр, эшон почча, дейди. Болаларнинг тўйини қилар эмишсиз, деб эшитдим. Мирзодан сўрасам, кулгулик билан тўғри жавоб бермади. Кори хайрни тўхтатмаган яхши... Хўш, тўй қачон, махдум?

Махдум бу дуру дароз «бемаънилиқ»дан анча тоқатсизланган, ичкаридан бир киши чиқиб кетмасин, деб кўзи бесаранжом эди.

– Тўйни кўкламга бошласақ, деб турибмиз!

– Фурсатни узоққа олибсиз-да. Хайр, ҳар нарса вақти соати-га етиб бўладир. Тўйларингиз ҳам кичкина бўлмас деб ўйлайман. Тўрт даҳанинг казолари ҳам тўйга айтилсалар керак, ҳарам хонимларини ҳам бир кун кутарсиз... Зеро, қуяв болангиз кичкина одам эмас. Бирар минг тўн кетиши бу ерда турган гап. Албатта, тўйга келганларнинг қўллари қуруқ бўлмас... Ҳарам хонимлари бўлса, юз тиллолиқ сарпосиз келмаслар, қизингизга чўри ҳадя қилсалар ҳам ажаб эмас. Албатта, даромадга яраша буромад, деган гап бор.

Маҳдум, меҳмонхонадан юриб келган оёқ товшини эшитиб, ёмонлаган отдек типирчилади. Эшон бўлса ҳамон булбул каби сайраб борар эди:

– Тўйдан қўрқиш керак эмас. Кори хайрникини Аллоҳ таолонинг ўзи етқираар экан. Сизнинг тўйингиз-ку, албатта, бошқаларникидан кўб катта бўладир. Яна шундай бўлса ҳам, таваккал билан қулочни кенг ёза бериш керак. Худо хоҳласа, тўй кунларингиз ўзим келиб тураман. Тўй кўрмаган киши учун, албатта, одам кутиш қийин. Лекин менга ўхшаш одамдан иккитаси бир кунда беш минг кишини кута оладир.

Меҳмонхонадан чиқиб келган бир хотун киши эди, уларнинг ёнидан шовиллаганча ўтиб кетди. Маҳдум олазарак гоҳ эшонга, гоҳ хотунга қараб қолди.

– Аёллар бўлса ичкаридан хотиржамъ бўлишсин... Бизнинг аёллар тўйда хотун кутиб, жуда омилкор бўлишиб қолган. Тўйдан бирар ҳафта илгари хабар берилса, албатта, бош усти, аёлларни юборамиз... Хаёлингиз паришон кўринади, маҳдум, бирар аъзонгизда алам борми, мулла Солиҳ?

Ҳақиқатан ҳам маҳдум ҳозир жуда бесаранжом бўлган эди. Чунки меҳмонхонадан иккинчи оёғ товши юриб келар эди.

– Йўқ, баҳузур.

– Шундай, тўйда одам кутишдан хотиржамъ бўласиз. Тўйдан илгари ҳалиги зиёфатни унутманг-чи, мулла Солиҳ. Шу баҳонада мирзо Анвар билан ҳам бир суҳбатлашайлик...

Бояғи деҳқон йўлақдаги икки «хурматлик» зотка таъзим қилиб, дарбозага ўтди. Бетоқат маҳдум эшоннинг сўзига қулоқ солмай:

– Сиз тўхтаб туринг-чи, ука, – деди.

Деҳқон нарида тўхтади. Эшон яна сўзида давом этди:

– Агар фурсатингиз бўлса, мен шу ҳафта ичи бўш эдим, мирзо Анвар ҳар қачон ҳам тайёр экан. Такаллуфнинг унча ҳам ҳожати йўқ. Мантими, сомсами, ишқилиб, оғизга ёқадиранроқ таом бўлса кифоя... Вақтини белгилаб, мактаб болаларидан бирини бизнинг уйга юборсангиз бас.

– Ҳўб, тақсир.

– Бўлмаса, гап шундай бўлсин. Ўзингиз ҳам бизни йўқлаб уйга борсангиз, қадамингиз кира тилайдими? Хайр, мулла, Солих, кўргунча Худойнинг паноҳига.

– Хайр, тақсир, хайр.

Маҳдум эшонни ҳатто дарбозагача кузатиб чиқишга ҳам энсаси қотиб, деҳқон ёнида тўхтади:

– Нима гап, ариза ёздирдингизми, ука?

– Йўқ, тақсир, – деди деҳқон, – тақсирим шу қовозни питиб бердилар, танопчиға кўрсатадуган қовоз экан.

– Кўб яхши, – деди маҳдум, – қалам учи бердингизми?

– Йўқ. Чақа берсам олмади, тақсирим.

– Озгина бер...

Маҳдум «озгина бергансиз» демакчи эди, бироқ «озгина бер» билан тилини тишлаб, дами ичига кетишка мажбур бўлди. Чунки ҳозир меҳмонхона томондан Анвар келиб чиққан ва маҳдумга салом берган эди.

– Ваалайк... Мен, шундай, масжиддан, – деди маҳдум шошқан ҳолатда ва ўз оғзиға қараб турган деҳқонға ишорат қилди, – ишингиз биткан бўлса боравуринг.

34. Хайрул-умури авсатуҳо

Деҳқон «озгина бер» деб тиланғучиға нима беришини билмаган ҳолда йўлақдан чиқиб кетди. Маҳдум терлаган, довдираган йўсунда Анвар билан ичкарига юрди. Бироз сўзсиз борғандан кейин секин Анварнинг афтига қараб қўйди.

– Ғози эшон ҳузурингизда экан, – деди маҳдум, – ўзи кўб бемаъни одам... Зиёфат-миёфат деб яқин бир соат вақтимни олди. Ўзи кўб таммоё одам. Сизга ҳам зиёфатдан дам урған бўлса керак?

Анвар илжайиб бош ирғатди. Маҳдум Ғози эшондан койиб давом этди:

– Тамаға ўзи кўб мазмум¹ суфат... Чунончи, аzza ман қа-наға, залла ман тамаға...² Отаси марҳум ҳам беҳад тамағкор эди. Ит еганини қусиб, ўғли ундан ҳам расвороқ чиқибдир. Бу авлоднинг каттадан кичиги бир-биридан баттар... Муфт ариза ёздирибсан, кета бер. Яна бу ўртада зиёфат ба чи маъни?!

Анвар маҳдумнинг сўзига кулиб, орқада борар эди. Маҳдум ичкарига томон сўзланиб кирар эди:

– Такаллуф лозим эмас эмиш: мантими, сомсами – ҳар начук оғизга ёқадирқан таом бўлса кифоя эмиш. Кабоб бўлса емасмидингиз, эшон?! Тўйға ўзи бош бўлиб турар эмиш, одам кутишни бениҳоят билар эмиш. Эй... ман сандек таммоъни тўйбоши қилиб, телба бўлдимми? Уйидан тоқ келиб, жуфт кет-макчи-да, бу таммоъ.

Маҳдум шу сўз билан ичкарига кириб, ҳавли саҳнида чақалоқ кўтариб турган Раъно ёнидан айвонга ўтди. Маҳдумнинг орқасида кирган Анвар Раънонинг олдида тўхтаб, ундан чақалоқни олди. Отасининг юзида аччиғланиш сезган Раъно Анварга «нима гап?» деган каби им қилган эди, Анвар кўз қисиб арзимаганлик ишорасини берди.

Маҳдум айвонга чиқиб ўлтурар чоғида яна бир «астағфирулло» деб кўйди. Чунки кайфи жуда ҳам бузулган эди. Илгари масжиддан кеч қайтиш билан бузулган авзо, Ғози эшоннинг «пастлиги» ила жуда ҳам авжига чиққан эди. Бу кунги кутилган «даромад» сартопо³ фалокатка учраб, маҳдумнинг кўнглини ғаш қилган, айниқса, деҳқоннинг ҳам текинга қутулиши ва ўзининг Анвар олдида шарманда бўлаёзиши... Буларнинг ҳаммасига шу «паст», «таммоъ» сабабчи ва шунинг учун ҳам маҳдум Ғози эшон тўғрисида ҳар бир сўзни айтишдан тортиниб турмади.

Анвар ҳавли юзида чақалоқни восита қилиб, Раъно билан сўзлашар эди. Маҳдум кечки ош пишириш билан машғул Нигор ойимдан таомнинг тайёр бўлиш вақтини сўраб, Анварни ўз ёнига чақирди.

– Қани, бу ёққа, Анвар! – деди маҳдум. – Таомни шу ерда тановул қилсақ ҳам бўлур... Сен, Раъно, укаларингга қара-чи: Мансур ташқарида кўрингандек эди; дарбозани ҳам занжирлаб кир, қизим!

¹ Мазмум – ёмонланган, қораланган.

² Қаноатли азиз, тамағли киши хордир (*Муал.*).

³ Сартопо – бошдан-оёқ.

Раъно ташқариға чиқиб кетди. Анвар қўлида чақалок билан айвон муюшига келиб ўлтурди. Чақалок Анвар қўлидан ирғиб ҳар тарафка талпинар ва турлик товушлар чиқариб кичқирар эди. Махдум чақалокнинг ҳаракатига қизиқсинди:

– Мам-мам, мам-мам-мам, – деди қўлини чақалокқа уйна-тиб, – ду-ду-дув, ду-ду-дув... ҳай баччаталок, ҳай баччаталок! .. Беҳад шўх бўлибти-да, беҳад, ду-ду-дув!

Чақалок махдумга талпинар, кичкина қўлларини гоҳ очиб, гоҳ юмар эди.

– Кел, йигит, кел! Алҳол хом-да, хом; қизамиқ чиқиб ўтса эди. Ду-ду-дув!

Раъно укаларини бошлаб кирди. Махдум чақалокни қўйиб, болаларни койиб кетди:

– Ҳай бемаънилар! Чақирмаса, уйга киришни билмайсанлар! Кийимни қара, кийимни! Турпокқа ағнадингми, эшшак! Қоқ, қоқ, ешиб қоқ! Аттанг-а, эсиз кийим... Буларни энди нима қилса бўлади, Анвар?

Анвар махдумдан кўрқиб турган болаларнинг аҳволига қараб кулимсиди:

– Эси кириб қолар.

– Қиёматдами? Буларнинг татиғини бермасам... ҳе, кўзларинг курсин! Раъно, сен акангга кўрпача солиб, укангни ол, онангга айт, ош дам еган бўлса, сузсин!

Раъно айвонга кўрпача ёзиб, Анвардан чақалокни олди ва онасининг ёнига кетди:

– Анвар, қани кўрпачага чиқинг! Қўлларингни ювиб кел, эшшаклар!

Болалар югуришиб ариққа кетдилар, Анвар ҳам қўл ювиш учун болалар орқасидан борди. Ариқнинг суви жуда лойқа эди. Анвар болаларни ариқдан қайтариб, обдастадаги тиниқ сувдан уларнинг қўлига қуйиб, ювинтирди. Навбат ўзига етканда айвонда туриб, махдум бақирди:

– Раъно, акангнинг қўлига сув қуй!

Анвар Раънонинг келиб сув қуйишига қарамай, ўзи ювина берди. Раъно етиб келгунча қўлини ювиб олди. Махдум қизидан аччиғланди:

– Жуда сушт қадамсан-а, Раъно. Сени талқон еб сувга юборган киши қайтиб келгунингча, тикилиб ўлади!

Махдумнинг ташбиҳидан Анвар ва Раъно кулишдилар. Сўз-ни жойида ишлаткани учун бўлса керак, махдумнинг ўзи ҳам кулимсиради:

– Тўғри-да, мирзо Анвар, қўли сушт косибдан оёғи чаққон гадой яхши эмиш!

Улар яна кулишдилар. Махдум завқланди. Анвар кўрпачага чиққандан кейин Раъно ўртага дастурхон солди. Нигор ойим сопол лаганда палов келтириб, ҳаммалари бирга ошқа ўлтурдилар. Ош ўхшалган эди. Биринчи ошамдаёқ махдум Нигор ойимни тақдир этти:

– Бу кунги ошинг дуруст, Нигор... Бироқ гўштни кўб солибсан.

Нигор ойим кулимсиб Анварга қаради:

– Гўшт кўб бўлса, ош ўхшаладир.

– Хайрул-умури авсатуҳо¹, Нигор.

– Бу сўзнинг ошқа гўштни кўб-оз солиш билан нима алоқаси бор?

Раъно онасининг бу сўзи билан пиқ этиб кулди. Анвар юзидаги кулгини яшириш учун четка қаради.

– Ҳадиснинг ҳукми ом², Нигор, – деди махдум. – Бундаги умур – умурид-дунё³, умурид-дунё иборат аз ҳаракати аҳли мўмин. Инчинин, бу ҳадиснинг амалиёти охират учун ҳам ҳукми жорийдир⁴... Масалан, шабу рўз савм⁵ ва салот⁶ мўмин кишини жисман нотавон ва нафақаи аҳли аёлдан ожиз қиладир. Бас, бу ҳолда ибодатнинг касрати, яъни тоатда ифрот⁷ ҳам хайрул-умурга қўшилмас, зеро, фарз ва суннат банди учун кофий эрди. Маънойи кофий чист, ай авсат⁸... Бинобарин, бу ҳадиси шариф рўзғорот борасида дастур тутилса, яна айни ҳикмат ва савоб. Масалан, ошқа йигирма пайса гўшт солмоқчисан; аммо «авсат» қилмоқ ниятида, мазкурдан ўн пайсани ажратиб қолдинг... Бас, ҳикматни томоша қил; эртаси кун ошинг яна жазлик, яъни «авсат» билан икки кунлик эҳтиёждан қутилиб, савобга ҳам

¹ Ҳар ишнинг ўртаси яхшидир, ёки: ишда эътидол яхши (Муал.).

² Пайғамбарнинг буйруғи ҳаммага тегишлик.

³ Умурид-дунё – дунё ишлари.

⁴ Ҳукми жорий – ярайдиган ҳукм.

⁵ Савм – рўза.

⁶ Салот – намоз.

⁷ Ифрот – ҳаддан ошиш.

⁸ Етарли деганнинг маъноси нима, бу демек ўртачалиқдир.

дахлдор бўлдинг. Ҳикмати дигар:¹ дунё ваҳҳинг² яхши эрди. Таомни яхши мазалик еб, нафсинг яхши ошқа хў³ қилди. Вақти келиб, афтодаҳол бўлдинг, кунинг гўштсиз таомга қолди: аммо нафси амморангни⁴ сержаз ошқа хў қилдирганинг ваҳҳидан гўштсиз ош оғзингга ёқмайдир, бу – бир азият; сониян: лазиз ошқа хў қилган нафсинг тақозаси билан, анвоъи ҳабосатларга ва мазмум кирдорларга⁵ иртиқоб⁶ қилмоғинг хавфи ҳам бордир; бу нимадан келди? Албатта «авсат»ка риоясизлигингдан.

Махдумнинг «амри маъруфи» Нигор ойимга қаратиб сўзланса ҳам, ҳақиқатда умумий, яъни, бир ўқ билан бир неча қушни урмоқчи эди. Бироқ, қаршига қараб отилган бу ўқдан махдумнинг ўзи ҳам амин эмас, агар лаган теварагидаги ўлтурғучилардан бири туриб, бошқаларидан қатъи назар, фақат бу кунги хайрул-умурингизни мисолга олайлиқ: «Йўлакдаги «умурид-дунёнғиз» ўзингиз айткан «авсат»ка кирадими?» деб сўраса, билмадикки, махдум нима деб жавоб берар эди. Мадра-са кўрган Солиҳ махдум, балки бу саволдан ҳам шошиб қолмас. Китобнинг «нафақа» баҳсидан варақ очиб, «нафақаи аҳли аёл» учун бўлган «ҳаракат»нинг фарзлигидан ва бундаги ҳисобсиз савоблардан дам уриб, «нафақа» билан иши йўқ баъзиларни «ерга қаратса» ҳам мумкин эди... Лекин ўқ еганлардан ҳеч бириси махдумга қарши чиқмаганларидек, унинг сўзини тасдиқ этиш белгисини ҳам кўрсатмадилар. Эҳтимолки, улар муқобалага ожиз эдилар ёки қарши чиқишга орада бошқача бир сабаб бор эди. Фақат бир-бирисига қарши ўлтурган икки ёш маънолиқ кўз уриштириб кулимсидилар.

Махдум амри маъруфдан кейин ошқа қаради, кўб вақт сўзсиз фақат ошдан бош кўтармади. Махдумнинг даъвосича, ҳар бир ишда ҳам «авсат» мезондир. Лекин ош олишда бу «мезон» унутилди. Бошқалар ора-чора бир гўшт қўшиб олганда, махдум бир ошамни ҳам гўштсиз юбормаслиққа тиришиб борди, яъни «авсат»дан ўтиб «аъло»да иш кўрди...

Ошни яримлатқанда, махдум лагандан бош кўтариб, Анварни тузукроқ олишга таклиф қилди, болаларни ошни тўкиб ейишда айблаб, Раънони чипхўрлиги учун койиди:

¹ Ҳикмати дигар – бошқа бир ҳикмат.

² Дунё ваҳҳи – бойлик.

³ Хў – одат.

⁴ Нафси аммор – доим ёмонликка буюриб турувчи нафс.

⁵ Кирдор – одат, қилиқ, иш.

⁶ Иртиқоб – ҳаракат.

– Чипхўрсан-да, қизим... Шу ҳам ош ейишми?

– Меники адно¹, – деди Раъно.

Бу сўз Анвар ва Нигор ойимларни товуш чиқариб кулишка мажбур этди.

– Сенга бир сўз тегмасин, қизим, – деди кулиб махдум. – Ошни сушт еган киши, ишда ҳам сушт бўладир.

– Бўлмаса, ошни «аъло» ейиш керак экан-да...

– Оғзинг куймаса, аълоси ҳам дуруст.

Яна кулишдилар.

– Ҳай, воқиъан, – деди махдум, кулги ораси тўхтаб. – Мирзобошидан бир илтимосимиз бор экан, ёдимдан чиқаёзган экан... Ким ҳали... ҳабба, боя мулла Абдурахмон келган эди. Ўшал ваъдамизга мувофиқ сиз билан учрашмакчи экан. Чоғи ул ҳам мирзоликқа киришмакчи. Хўб, мен мирзо Анвар билан гаплашиб қўярман, ўз ёнига олса керак дедим. Ўзи яхши мулла бўлган кўринади, закки таъб² йигит...

Анвар бироз ўйлаб турди.

– Ким у мулла Абдурахмон, хотирлай олмадим?

– Ўзимизнинг мулла Абдурахмон-чи, ахир... Ёрлиғ олган кунингиз фотиҳага келган ёш имом.

Анвар яна бош чайқади:

– Ҳеч бир эсимда йўқ.

– Хўб, – деди махдум ўнг кўзини қисиб. – Ўшал кун фотиҳага келган бўзчи мухлисингизни хотирлайсизми?

– Хотирлайман.

– Ҳабба, энди ўшал бўзчининг устига кирган ёш муллани ҳам хотирлаб қаранг.

– Хотиримга келди... Ўзи ёшлиғида бизнинг мактабда ўқуған?

– Ҳабба, – деди махдум ва баҳска Нигор ойимни ҳам тортди, – уни сен ҳам биласан.

– Мен қаёқдан билай?

– Ўзи Бухорода ўқуб келган, Раънога бир неча қайта совчилар юбориб юрган одам.

Нигор ойим боши билан «танидим» ишорасини бериб, Анварга секин кўз қирини юборди. Раъно «совчи» сўзи билан энсаси қотқандек сочиқни олиб қўлини артди. Махдум кейинги сўзини ўйлаб айтдими, йўқми – ҳар начук Анварда ғаюрлик

¹ Адно – паст; озгина.

² Закки таъб – озода табиат.

каби бир ҳис уйғониб, ўзидан жавоб куткучи махдумга илтифотсиз, Раънодан сочиқни сўради.

– Нега қўл артасиз, Анвар. Кун бўйи оч юриб, еган ошингиз шуми?

Анвар Нигор ойимга раҳмат айтиб тўйганини сўзлади ва қўл артар экан, чақалоққа гап қотди.

– Анвар билан Раънонинг тўпроғи бир жойдан олинган, – деди махдум ош ошалаб, чунки ҳануз уники «авсат»ка етмаган эди, – иккиси ҳам кам таом.

Махдумнинг бу сўзи юқоридаги гуноҳини ювгандек бўлди. Улар бир-бирларига қарашиб, илжайишдилар. Нигор ойим ҳам оғирликдан чиқди.

– Шундай, Анвар... Шу йигитни ўз ёнингизга олсангиз, қалай бўлар экан?

– Ҳозирча мирзога эҳтиёжимиз йўқ.

– Мирзога эҳтиёжингиз бўлмаса ҳам, яна шундай кишиларни олганингиз маъқул, деб ўйлайман. Зеро, бундайлар ўзингизга синамол, яна ўз тарбиянгизда етишсалар бошқалардан сизга хайрихоҳроқ, инчинин, хизматингизга аздаҳидил камарбаста бўлурлар. Бу ҳам бир маслаҳат-да, болам Анвар.

– Ўйлашиб кўрармиз.

– Ўйлашқан албатта яхши ва лекин мен буни кўб вақтлардан бери андиша қилур эдим. Билохир¹, амниятингиз учун бу тадбирни кўб пухта идрок қилдим. Зеро, Султонали мирзодек ҳамкуфларингиз² кўпайса хайриятингиз, деган мулоҳаза фикримга келди.

– Балки, тўғридир...

Анварнинг кўзи дастурхонда эди. Бу тўғрида қатъиятсиз муҳмал жавоблар беришидан недир туйинган Раъно Анвардан кўз олмай турар эди. Нигор ойим Мансурга қолган ошни едириб қўйиш билан ора-чора гапка ҳам қулоқ солгандек бўлар эди.

Махдум кекириб, сочиқ сўради.

– Бу андишанинг ҳақлиғида шак йўқ, Анвар, – деди ва дастурхондаги донларни териб, оғзига ташлади. – Менга таслим бўлиб, ибтадаан шу мулла Абдурахмонни ўз ёнингизга олинг. Ул бир неча ойғача муфт хизмат қилишга ҳам рози.

¹ Билохир – ниҳоят.

² Ҳамкуф – сафдош, дўст.

– Масала унинг муфт ёки ҳақли хизмат қилишида эмас.

– Яъни, масалан?

– Мен янги мирзо бошлаб борсам, у ердагиларга оғир кел-масмикин, деб ўйлайман.

– Ул мажжонан¹ хизмат қилади, бас, мирзоларингизга нима оғирлиқ?

– Яна ҳарҳолда, бир-икки ойдан кейин бўлса ҳам уларга рақобатчи ортади... Айниқса, бизнинг Шаҳодат муфти каби-ларнинг феъли сизга ҳам маълум.

– Шаҳодат муфти ўзи қандай ит! – деди маҳдум. – Андишамиз ҳам бамисоли шундай итлар қаршисиға ўз кишингизни тиккайтариш эмасми? Ёшлиғингиз бор, болам, ёки янги мирзо олишда биравнинг рухсатига ҳожат борми?

– Йўқ.

– Ана холос. Аз карнайчи як куф. Мен эрта унга айтай, ҳузурингизга бораверсин.

– Бориши қочмас... Илгари мен у ердаги баъзилар билан кенгашайин-чи.

– Хўб, уларнинг юзи учун кенгашкан маъқул: аммо, баҳарҳол олмоқ керак.

Маҳдум фотиҳа ўқуб, шом намозига қўзғалди. Ташқи йўлакка етканда, ёдиға Ғози эшоннинг бемаънилиги келиб тушти, шу қаторда тўй, тўйға иштирок этадирган казолар, хоним ойимлар, ҳаммадан ҳам муҳим ва қизиғи ёмғур каби ёғиладирган тўёна ва уларнинг саранжоми... Сўфи такбир тушурар экан, маҳдумнинг кўнглидан «Раънога чўри қўша кўрмасинлар-да, тишлик ҳайвоннинг бўлганидан бўлмагани яхши» деган андиша кечти...

35. Хон кўнгил очмоқчи

Қавс ойи² кирган бўлса ҳам, ҳаво мўътадил, кун жумъа эди. Ўрда боғиға сув сепилиб, супурилган, ўртадағи шаҳсуфага лолагул гилам ёзилиб, хоннинг ўлтуриши учун баҳмал кўрпача устидан арслон териси ташланган эди. Ҳозир шаҳсуфа хон ва аъёндан холи, аммо шаҳсуфа қаршисидағи нимсуфалар ва-зирлар, саркардалар, қозикалон, шайхулислом, қози-қуззот,

¹ Мажжонан – текинга.

² Қавс – 22 ноябр – 21 декабр.

раис ва шаҳарнинг зўр уламолари – мударрислар, аҳли тариқат эшонлар, ўрда ходимлари ва энг пастарини кўрбоши ва даҳбошилар билан лиқ тўлган эди. Уламо қисмида умуман банорас тўн, оқ салобатлик салла, вазир ва саркардаларда кимхоб ва бахмал тўнлар, бошларида баъзан салла ва баъзан ўсиқ баррадан тикилган телпаклар ҳилпираар эди.

Хон бу кун жумъа намозигача кўнгил очмоқчи ва бундаги йиғилганлар шу кўнгил очиш соатида иштирок эткучи хоннинг кўнгил тортарлари, яъни мамлакат аъёнлари эдилар. Хон ҳали ички ўрдадан чиқмаган, ҳамма раъият «жаноби олий»ни кутиб мухташам дарбозага кўз тикканлар эди. Шаҳсуфадан бироз нарида, атрофи бордон билан ўроғлиқ бир қапа пайдо бўлган ва бу қапа ичида бир неча киши суҳбат куриб ўлтурар эдилар.

Бир неча дақиқа куткандан сўнг, мухташам дарбозада Дарвеш удайчи кўриниб, қаршисидаги раъиятка ўрундан туриш ишоратини берди. Бирдан ҳамма шув этиб кўзгалди. Дарвеш удайчи дарбоза ёнига ўтиб, рукуъга¹ борди. Ичкаридан кимхоб тўн билан йўғон қорнини ўраган, оқ шоҳи салласини манглайигача туширган Худоёр кўринди. Хон кўриниши билан барча раъият ҳам удайчи каби рукуъга кетдилар. Худоёр орқасидан ёш Ўрмонбек қизил бахмалдан тикилган сипоҳи кийим билан отасини таъқиб этар эди. Бунинг орқасидан қизил мовутдан шаҳзода каби кийиниб, силоҳ² тақинган ва ҳар қаторга тўрт нафардан терилган ўн олти-ўн етти яшар, ёш ва хушрўй сипоҳлар (махрамлар) чиқдилар. Хон шаҳсуфага қараб келди. Ўнинчи қатордан сўнг ёш сипоҳлар туркуми узулиб, яхши интизомлик қирқ нафар навжувон шаҳзода орқасида хонни таъқиб этар эдилар.

Шу ҳолда нимсуфаларнинг биридан чалғулар товши келди. Созлар нафис ва оҳангдор қилиб «Сарбозча» куйини чалдилар. Куй созда қайтариб олинғач, хон орқасидаги ёш сипоҳларнинг бир қисмидан шу куйнинг ашуласи эшитилди:

*Шаҳаншоҳим, шаҳаншоҳим, бахтингиз кулсин!
Давлатингиз, шавкатингиз душманлар кўрсин!*

*Қалқон ушлаб, ханжар таққан ёвлар майдонға!
Номуссизлар, вафосизлиқ қилдингму хонға!*

¹ Руку – бош эгиш.

² Силоҳ – қурол-аслаҳа.

*Бизнинг айткан назримиз бор шоҳимардонға!
Аҳдин бузиб, динни сотқан бўялғай қонға!*

*Шаҳаншоҳим, шаҳаншоҳим, бахтингиз кулсин!
Давлатингиз, шавкатингиз душманлар кўрсин!*

Хон суфанинг зинасига етиб, юқори минди. Шаҳзода ҳам отасини таъқиб этди. Ёш сипоҳлар хон ва Ўрмонбекни зинада қолдириб, тўғрига ўтдилар, суфадан айланиб бориб, хоннинг муҳофазатига, яъни Худоёр ўлтурадирган арслон терисининг орқасига саф торта бошладилар. Хон бориб арслон терисига ўлтурди. Ўрмонбекни ўзининг ўнг томониға олди. Раъият ҳамон рукуъда... Ёш сипоҳлар суфанинг уч тарафини қуршаб олган эдилар. Хон жойлашгач, рукуъдагиларга тиккайиш ишоратини берди. Барча бош кўтариб, қўл қовиштирди. Соз ҳам тўхтади. Суфанинг зинасида удайчи ҳозир бўлиб, қўлини кўтарди, раъият ҳам унинг билан баробар дуоға қўл очдилар.

– Душманлар хароб, мунофиқлар бетоб ўлсин... Онҳазратимнинг давлатларига Худо тавфиқу адолат берсин!

Дуодан сўнг барча юз сийпади. Хон удайчига бир нарса деб ишорат қилди.

– Мингбоши, қушбеги, домла шоғовул, жаноб шайхулислом, оталиқ ва амсоли ҳазратка ул жаноб ўз ҳузурларидан жой меҳрибончилик қиладилар!

Удайчи санаган кишилар бирин-бирин шаҳсуфага чиқиб хонға салом ва таъзимдан кейин атрофлаб тура бошладилар. Суфага ўн чоғлиқ аркон¹ чиққандан сўнг, хон удайчига яна бир нарса деб қўйди.

– Фароғат ато қилдилар!

Сипоҳлардан бошқа барча тик турғанлар шув этиб ўлтурдилар. У ер-бу ердан йўталган товуш эшитилди.

Удайчи хонға арз қилди:

– Онҳазратимнинг давлатларига Худо тавфиқу адолат берсин... Қулларидан бири валинеъматимға икки калима арзим бор, дейдир!

Хон келсин, ишоратини қилди. Барчанинг кўзи бояғи бордонлиқ уйга тушги. Бордон ичидан узун бўйлиқ, қора соқоллиқ, устида малла тўн, симоби бўз салласининг пешини бир

¹ Аркон – давлат арбоблари.

қарич осилтирған бир киши чиқди; тамкин, виқор билан битта-битта юриб келиб, зина ёнида хонға қарши тўхтади... Хондан тортиб ҳаммага табассум туси кирган эди. Киши хонға қарши турған ҳолда салласини тузатди, соқол-муртини силади, тўнини қоқиб, олдини ўради, сўнгра хотиржамъ рукуъга борди. Бирдан хон ва раъият кулиб юбордилар. Бу киши Худоёрнинг энг яхши кўрган қизиғи Зокир-гов эди.

Зокир-гов бошини рукуъдан кўтариб, гўё жаноза ўқуған кишидек, икки елкасига салом берди. Яна гурр этиб кулиб юбордилар. Зинанинг иккинчи бошида турған Дарвеш удайчи Зокир-говга танбих берди:

– Кимнинг ҳузурида турғанлигингизни унутманг!

Зокир-гов қўли қовиштирилған ҳолда, гавдасини қимирлатмай ёнидағи удайчига қаради:

– Ўзим ҳам билиб турибман, бу ерда аҳмоқ бор, деб ўйлайсанми?

– Хўш?

– Хонимға арзим бор!

Яна гурр эткан кулги боғни тутиб кетди¹.

Удайчи:

– Арзинг бўлса, додрас² ҳузуридасан, гапур!

– Арзимни ўйлаб туриппан-да, ўйлағали ҳам қўймайсанми? – деди Зокир-гов. – Ёки мен ҳам сўзимдан янглишиб, Жаббор жиннидек осилиб кетайми?

– Арзга келиб турғанингга бир ош пишар вақт бўлди!

– Мен ҳам арзимни миямда пишириб олаётибман-да; пишмаған ош ич оғритадими-а, тақсирлар?

– Арзингни йўлда ўйлаб келмабсан-да!

– Эй, девонами бу ўзи! – деди Зокир-гов. – Йўлда ўйлаш учун бундан бошқа касал йўқми?

– Йўлда нимани ўйладинг?

– Хон ҳузурига бораётибман, деб ўлимни ўйладим, ятим қоладирған болаларимни, мен ўлгандан сўнг эрга тегадирған янгангизни ўйладим! (Кулги.)

– Жанобни ва шу қадар раъиятни маътал³ қўйма!

¹ Бундаги кулгига сабаб «хонимға» сўзидир. Чунки бизда «хоним» деб хотун кишига айтиладир (Муал.).

² Додрас – олампадох, хон.

³ Маътал – кутмоқ.

– Хе-хе-хе! – деб кулди Зокир-гов. – Сизлар ҳар кун минглаб кишини ўрда тегида маътал қўйганларингизда, мен бир нафас маътал қўйсам, хе-хе-хе!.. Тақсир, сизга арз!

Хон «айт» деган каби бош ирғатди.

– Тақсиримга биринчи арз шуки, – деди Зокир-гов, – ёнимда турган шу бақа афтни мендан нари қилсангиз, зеро, бунингизнинг дағдағаси сизникидан ҳам ўтадиған кўринади! (Кулги).

Худоёр удайчига, суфага чиқ, ишоратини қилди. Зокир-гов қўлини дуоға очти:

– Онҳазратимнинг давлатлари кам, ўзларида ғам, кўзларида нам, душманларида дам, қадларида ҳам бўлмасин... Шаҳзодамнинг бошларида бахт, остларида тахт ўйнаб, ёш умрларига ажали бевақт етмасин... Шоҳи бахтиёрнинг хизматларига бел боғлаган оқ салла, кўк салла, тўни малла оталаримизнинг диллари ҳам ҳамеша соқолларидек оқ бўлсин, омин! Соний, арзи бандалигимиз шулки, биз, дарбадари девона, ақлу хушдин бегона, халқ тилида афсона, элкезар ғарибона қулларингиз дарду алам ютар эрдик, қаламравингизнинг бир четидан ўтар эрдик. Дедиларким, бу диёрнинг хоқони, Искандари сони, зару зевар кони, элнинг ошу нони, яъни саховатда Ҳотам, қаҳри келса мотам... ғурабо¹ ёридир ва яна сизлардек бозори касод дарбадарлар, энаси кўчада туққан бепадарларга ҳам эҳсони жорийдир, деб биз аҳли тамаъ бечора, нафс илгида² овора ғариблар ҳар қайсимиз беш пайса, ўн пайса тамаъ хапидан ютиб, даргоҳингизга юзландик, токи эски-туски ҳунарларимизни арз қилсақ, жанобингизни беш пул, ўн пул қарз қилсақ, деб... (Кулги.)

– Қўп, ҳунарингизни кўрсатинг – деди хон.

36. Қизиқлар

Зокир-гов хонга қуллик қилди ва икки-уч қадам бордон томонга юриб, бутун товши билан чақирди:

– Баҳромбой! Ҳов, Баҳромбой!!!

Бордон ичидан бир оёғида кафш, иккинчиси кафшсиз олди очиқ кир яхтагидан бадани кўринган, бир қўли билан елкасини қашиб, иккинчиси билан иштонбоғини ушлаган, бош ялан бир йигит чиқди.

¹ Ғурабо – ғариблар.

² Илги – қўл.

– Эшак ханградима! – деди Бахром ва у ёқ-бу ёққа алонглаб олғандан кейин, яхтагининг чокини ахтарди. – Сингли талок битни қочирдим-да! (Кулги.)

– Бахром деяппан, менга қара!

– Э-ей, Зокир ака, сен чақирдингма... Ҳа, нима гап?

– Хонни кўндирдим!

– Кўндирдингма?.. Мен ҳам айтдим-ку, хон ўзи лақма эмиш, деб. (Кулги.)

– Улар қани?

– Уларингма? Уларинг ичкарида ятипти.

– Нима қилиб ятипти.

– Қўй десам бўлмади, бир пой кафшимни икави, ҳузур қили-иб еб ятипти! (Қаттиқ кулги.)

Зокир-гов аччиғланди.

– Сенларга ҳеч бир ақл кирмади-да... Энди хоннинг олдиға бир пой кафш билан чиқасанми?

Бахром ўйланиб бошини қашиди.

– Чиқсам чиқавураман-да. Хонинг ҳам менга ўхшаган бир одам-да, ака! (Кулги.)

– Кир, кир, падарлаънат, дар-рав уларингни олиб чиқ!

Бахром елкасини қашиб, кафшлик оёғи билан кафшсиз оёғини «тап-чип, тап-чип» ерга босиб ичкарига кириб кетди. Бироздан сўнг икки ҳамроҳини бошлаб чиқди. Чиққанлардан бири пак-пакана, юп-юмалоқ, лўп-лўнда бир махлуқ эди. Унинг гавдаси бу қадар «келишкан» бўлиши устига, башараси ҳам шунга монанд тушкан, томоғининг остида чўгури қовундек бўқоқ ғовлаб ётар эди. Унинг гавдаси мисоли бир гупчак бўлса, шу гупчакнинг юқорисиға катта бир сувқовоқни бош бўлсин, деб ўрнатқан эдилар. Ва бу ялтир қовоқнинг бетида кўз бўлиб, қуёшда қовжираган иккита ғўлун туршак, оғиз ерида бир кафш, бурун ўрнида юқориға қараб ўрмалаган баҳайбат бир қурбақа ва қулоқ мақомида сувқовоқнинг икки бағриға тиралган икки ошлов турар эди. Қош ва бошдағи соч тўғрисида оғиз очиб бўлмас, аммо беш-ўн тук, яъни соқол-мурт ғира-шира кўзга чалинар эди. Сепкил ва чечак доғи бу бетни «музояқакор»¹ қилиб кўрсатканидек, оёғидағи чориқ, устидағи қисқа, эски алак чопон, белидағи беш-ўн айлангириб боғланган бўз белбоқ, бошининг учдан бир қисмигагина кўниб ўлтурган тор

¹ Музояқакор – сиқилган, қийналган.

пилта тўппи бир «хусн»га яна бир юз «хусн» қўшиб арз қилар эди. Бу махлуқ доимий ўрдада турадирган хоннинг кундалик қизиғи мулла Бахтиёр эди. Иккинчиси мулла Бахтиёр билан ўчакишкандек, жуда узун бўйлик, ғилай кўзлик, ажина қошиқдек юзлик, қотма, ўзининг бўйидан ҳам узунроқ тўн ва бошига қаландар кулоҳи кийиб, ялан оёғ, ўрта яшар Давлат исмлик яна бир қизиқ эди.

Зокир-гов буларни қарши олди.

– Э, ҳаромзодалар, – деди Зокир-гов қўлини пахсалаб, – андак нафсларингни тийсанглар, хотунларинг талоқ бўладими?! Бунинг бир пой кафши қани?

Баҳром маъюс бўйин солиб турди, Бахтиёр билан Давлат лабини артиб, бир-бирига қарашди:

– Айт!

– Сен айт.

– Нима деб айтаман?

– Еганимиз йўқ, деб айт...

Бахтиёр икки қўли билан белбоғига така қилиб, қаддини ростлади ва бошини бироз орқасига мойил тутиб, қаққайди:

– Билиб сўзла, ака, биз еганимиз йўқ!

Зокир-гов индамасдангина Бахтиёрнинг ёнига ўтди ва озорсиз қилиб унинг намойишкор кўриниб турган бўқоғини салмоқлади:

– Кафшнинг ўкчаси тикилиб қолипти-ку, иним! – деди Зокир-гов. Кучлик кулги кўтарилди. Сўнгра вазиятини ўзгартириб, уларга уқдирди: – Биз ҳозир хоннинг ҳузурига борамиз, эшитасанларми... Учавинг ҳам адаблик, мутавозий¹ бўлиб кўрин. Хонга учрашканларингда, икки букулиб қуллик қил, ундан кейин хонни дуо қиласанлар. Тузукми? Қани, келаберларинг орқамдан!

Тўрттави, бири орқасидан бири чизилишиб, шахсуфа ёнига бордилар. Зокир-гов зина ёнида тўхтаган эди, орқадағилар бир-бирига туртинишиб, бири у ёққа, бири бу ёққа, учунчиси хонга орқа ўгирган ҳолда тўхталишдилар. Бу ҳолдан хабарсиз Зокир-гов уларни хонга тақдим этди:

– Қулбаччаларингиз... саломга келдилар. (Кулги.)

Зокир-гов уларнинг ҳолидан хабар топиб, шошди ва ошиқиб, уларнинг бетини хонга қаратди.

¹ Мутавозий – кибрсиз, одобли, таъзимли.

– Ҳай, бепадарлар, ҳай, беадаблар... тўғрингда ўлтурган кишига баробар қуллик қил.

Учави баробар қуллик қилдилар, қулги бошланди. Чунки уларнинг ҳар бири бошқа кишига қуллик қилиб, хон четда қолган эди.

Зокир-гов хонга узр айтиб, уларни койиди:

– Кимга қуллик қилдинглар?!

– Тўғримизда ўлтурганга.

– Лўнда бўл, лўнда; учавинг ҳам!.. Дуо қил, дуо!

Учави дуога қўл очти, қўл очқанча бир неча вақт қарашиб турди, сўнгра тирсаги билан бир-бирини туртиша бошлади. «Сен қил, сен...» Қулги кўтарилди. Улардан товуш чиқа бермагач, Зокир-говнинг ўзи қўл очти.

– Омин де, хўкизлар! – деди. Улар «омин, омин» деб турдилар. – Шояд дуо қабул бўлса... Аллоҳ таолонинг мулла Бахтиёр ва Давлат каби закки бандаларига бизнинг эҳтиёжимиз йўқ. Шунинг учун дуо қиламизки, бу учавининг жонини тезроқ олсин ва бандаларини бу фалокатдан қутқарсин, омин!

Учави ҳам фотиҳага юз сийпашкан эдилар, яна атрофни гурр эткан қулги бости. Фотиҳадан сўнг Зокир-гов уларни йўлга солди:

– Тилак қил, тилак; бақрайиб турасанларми? Учави яна бир-бирини туртишиб, ўз ора бир нарса сўзлашиб олдилар. Давлат нимадир айтиб, суфага ўлтурганларга ишорат қилди... Орадан Баҳром тилакка оғиз очти:

– Салла-калла, шопу шалопни кўриб, ўзимиз ҳам жуда кўрққанга ўхшаймиз... Манови Давлат бўлса «Бу ўлтурганларнинг ҳаммаси ҳам одамхўр деяпти. (Қулги.) Энди тилагимиз шуки, бизларга жавоб берсалар, жойимизга тинчкина кетсак... (Қулги.) Илоҳи мана шу ўлтурганларга Худойим инсоф берсин... (Қулги.) Юрагимиз жудаям чиқиб кетаяпти! (Қулги.)

– Ҳай, тилакларинг билан бориб ёт! – деди Зокир-гов ёнига уриб. – Қочиб қол, еб қўяди!!

Орадан «дод» деган товуш чиқди, учави ҳам уч томонга қочар экан, Бахтиёр Давлатнинг оёғига чалиниб йиқилди. (Қаттиқ қулги.) Баҳром билан Давлат олпонг-толпонг бордонга кириб кетдилар... Зокир-гов Бахтиёрни тутиб қолди.

– Қўй, ака, қўй! – деб йиғлади Бахтиёр, – бекорга ўлиб кетмай, бала-чақам бор.

– Емайди сени!

– Ейди, ака, ейди! Манови бекингнинг кўзига қара... во-й-воя-а-а, кўювор! *(Кулги.)*

– Мен сенларга аччиғ айтим-а, падар лаънат!

– Менда ўчинг борга ўхшайди, ака! Анови домланг нах одамхўрнинг ўзи, кийимингни ҳам ешдириб ўлтурмайди... Уяғини сўрасанг, хонингга ҳам ишонмай қолдим! *(Кулги.)*

Бахтиёр силтаниб Зокир-говнинг қўлидан чикди ва ғилдирагандек бордонга қараб қочти. Зокир-гов ҳам уни қувлаганча бордонга кирди.

Бироздан сўнг тузукроқ кийимда, бошига салла ўраб, оёғида сағри кафш билан қўлида жойнамоз каби бир нарсани кўтариб бордондан Давлат чикди. Хонга таъзим қилгандан сўнг, жойнамозни ерга ёзди. Хонга таъзим қилиб: «Шайхулисом Валихон тўра¹ шу ерга марҳамат қилар эканлар!» – деди. Хон мулла Ниёз домланинг ёнида ўлтурган шайхулисом Валихон тўрага қаради. Аҳволга тушунмаган шайхулисом «Нима гап?» дегандек қилиб, жойнамоз ёнидағи Давлатка кўз қирини ташлади. Давлат «Ҳеч гап» деган ишорани бериб, бордонга қайтиб кетди. Демак, ҳозир шайхулисом Валихон тўрага муқаллид бўлмоқчи эдилар. Буни пайқаган халқ секин-секин, бир-бириси билан имлашиб, кулимсишдилар ва барчанинг кўзи бордон уйда бўлди. Бир вақт бордон эшигидан банорас тўн кийиб, ўнг қўлига асо ушлаган ва сўл қўлида адрас рўймолға тугиклик китоб кўтарган шайхулисом Валихон тўра (Зокир-гов) кўринди. Шайхулисом каби қадди бироз букик ва қадам кўйиши ҳам Валихон тўрадек икки тарафка мойил эди. Барчанинг кўзи ва диққати ҳар икки шайхулисомда бўлди. Хон ёнидағи ҳақиқий шайхулисом эса қип-қизарган ва ҳар он «тавба» деб қўяр эди.

«Шайхулисом» йўл устида тўхтади ва ерда тушиб ётқан бир нарсани асосининг учи билан текшириб кўрди ва уни туртиб четка чиқарғач, йўлида давом этди. Кўбчилик чидалмади, гур этиб кулиб юборди. Валихон тўранинг ўзи ҳам тавба аралаш кулиб қўйди. Чунки Зокир-гов ҳеч бир нуқсонсиз муқаллид бўлмоқда эди. Жойнамоз ёнига етди, асосини шайхулисом асоси ёнига тиради, кафшини ешиб жойнамозга чикди. Ўлтуриб китобни тиззасига қўйди ва пичир-пичир дуо ўқуб юзини сийпади.

«Шайхулисом» уёқ-буёқни қарагандан кейин чақирди:

¹ Бу киши асли чувтлик бўлиб, шайхулисом ва янги солинган Ҳоким ойим мадрасасининг бош мударриси *(Муал.)*.

– Мирзо Ҳамдам-ҳай, мирзо Ҳамдам-ҳай!
Кулги кўтарилди, айниқса, шайхулисом ёнида ўлтурган домлалар қаттиғ кулдилар.

– Мирзо Ҳамдам-ҳай...

Бордондан Баҳром чиқди, ул ҳам муллаёна кийинган эди.

– Лаббай!

Баҳром «шайхулисом» қаршисиға келиб, салом берди. «Шайхулисом» жавоб бериб, жойнамоз ёниға ешкан кафшиға қаради.

– Ҳай, шу кафшимни бир пок қилинг, мирзо Ҳамдам, – «Мирзо Ҳамдам» тавозий билан чўнтагидан рўймолини олиб, кафшни арта бошлади ва шу вақтда бордон ичидан, ул ҳам муллаёна кийимда мулла Бахтиёр чиқиб келди; «шайхулисом» қаршисиға келиб, салом берди.

– Ваалайкум ассалом! – деди «шайхулисом» ва келгучининг апти-бошиға қараб олди. – Шинед, бачча, шинед!

Бахтиёр ўлтурди.

– Хўш, писар, чи гап?

– Тақсир... сизга.. арзим бор эди... Подшоҳимиз янги мадраса бино қиғанлар деб илм талабида қишлоқдан тушкан эдим; бир ҳужра берсангиз, деб сизга арзга...

– Хўб, хўб... Шумо гужойи?¹

– Тақсир, Олтиариқдан...

– Аттанг, аттанг, – деди «шайхулисом», – барвақтроқ келмабсиз-да, бачча, акун² ҳамма ҳужраларга жой йўқ, муллабаччалар жойлашиб қолган.

– Муллаларнинг арасиға қўйсангиз ҳам бўлавуради менга, – деди тавозийланиб Бахтиёр. – Биз қишлоқ одами... сиқилишсақ ҳам ётаврамиз, тақсир!

– Хўб, хўб... Акун ҳужраларимиз муллабаччалар минан беҳад тўлган, ҳолонки бир тариқ ҳам сиғмайди, биз дуруғ сўзламаймиз, бошидон³...

Ҳақиқий шайхулисом масалага тушуниб, тер чиқара бошлади. Бахтиёр (муллабачча) маъюс фотиҳа ўқуб, «шайхулисом» ҳузуридан кетди. «Мирзо Ҳамдам» кафшни туфлаб, тозалаб бўлғандан кейин «шайхулисом»нинг қаршисиға ўлтурди. Нариги ёқдан «шайхулисом» рўбарўсига Давлат келиб тўхтади.

¹ Шумо гужойи – сиз қаерликсиз?

² Акун – (акнун) – энди.

³ Бошидон – ўргулай.

– Ассалому алайкум, тўра почча! – деди Давлат ва кафшини ешиб келиб, «шайхулисом» билан қўл олишиб кўришди. – Хўб саломат, офият хастедми¹, тақсир?

– Худоро шукур, Худоро шукур.

Давлат рухсат, фалон кутмай «шайхулисом»нинг ёнига ўл-туриб олди.

– Ба жаноб арз...

– Бисёр хўб, арз кунед².

– Очиқ гав: бизга бир хужра берсалар, деб келдик-да, тўра почча!

– Хўб... Гужойи?

– Таксир, чустий, ба жаноби шумо ҳамшаҳрий³.

– Яъни писари ки?

– Писари усто Муҳаммад собунгар.

– Хўб, хўб, – деди «шайхулисом» ва «мирзо Ҳамдам»га буюрди, – ба ҳамин одам як хужра додан гир⁴!

Давлат дуо қилиб «шайхулисом» ҳузуридан кетди. Қўқонлик муллабачча рўлида Бахтиёр келди. Унга яна: «Биз дуруғ сўзламаймиз, мадрасамизга бир тариқ ҳам сиғмайди», деган жавоб бериб жўнатилди. Давлат яна чустлик бир толиби илм бўлиб келган эди, «мирзо Ҳамдам» орқалиқ «додан гир!» буйруғи берилди. Қаттиғ кулги кўтарилди. Хон ва домла Ниёзнинг кўзларига ёшлар чиқди. Аммо шайхулисом дам-бадам манглай терини артиб олар эди. Зокир-гов хонга қуллик қилиб, шогирдлари ёнига борди. Хон ва раъият янги қизиқлиқни кутиб қолдилар.

37. Бирикиш

Далв ойи⁵, қаттиғ қиш. Девоннинг ҳар икки хонасига бир нечадан сандал қўйилган эди. Ҳар бир сандалга тўрттадан мирзо жойлашиб, дафтар таҳрири, ёрлиғ иншоси билан машғул эдилар. Хон ҳузурига чақирилган Анвар ярим соат чамаси кечикиб чиқди. Анвар ўз хонасига келиб кирганда, четдаги танчада Шаҳодат муфти бошлиқ мулла Абдурахмон ва Калоншоҳ мир-

¹ Офият хастедми – тинчмисиз?

² Жуда ҳам яхши, арзингизни айтинг.

³ Чустликман, сиз жанобларига ҳамшаҳарман.

⁴ Шу одамга бир хужра бергин.

⁵ Далв ойи – 22 январ – 21 феврал.

золар нима тўғрисидадир, оҳиста-оҳиста сўзлашиб ўлтурар эдилар. Эшиқда Анвар кўриниши билан уларнинг суҳбати кесилди ва ҳар ким ўз қўлидаги ишка қаради.

– Эҳи, эҳи, – деб йўталинди Шаҳодат муфти, – нима фармон бор, мирзо Анвар?

– Ҳеч гап, – деди Анвар ўз танчасига жойлашиб. – Ўш, Андижон ҳокимларига нома буюрилди... Сиз мулла Абдурахмон ака, қўлингиздагини неча нусха тайёрладингиз?

Мулла Абдурахмон ёнидаги қоғозларни санади:

– Уч нусха.

– Яна бир нусха ёзсангиз, бас. Закоатчи исмини қўймағандирсиз?

– Қўймадим.

– Жуда яхши, ўзим қўярман. Қўлингиздагини тезроқ ёзиб битирсангиз, яна бир иш бор, – деди Анвар ва Шаҳодат муфтига юз ўгирди. – Таксир, сиздан бир илтимос; кечаги Абдушукур понсадга маҳзарни¹ ўзингиз ёзиб бермасангиз бўлмайдирган кўринади. Боя менга яна учрашди; гулдур-гулдур қилади, мақсадиға ҳеч бир тушуналмадим. Чамаси, унинг даъво кониятини сиз яхшироқ билар экансиз?

– Қўйинг шу бош оғриғини, – деди муфти, – неча бора менга иши тушиб, бирар мартаба ҳақ берганини хотирламайман.

– Ҳақ олиб беришка мен кафил.

– Эй-ҳа, мен ололмағанни сиз олармидингиз?

– Ололмасам, сизга ўз ёнимдан тўлай, таксир; ишқилиб, шунинг даъвосидан мени қутқаринг-чи.

Шаҳодат муфти индамади. Анвар қоғоз олиб, бир нарса ёза бошлади. Шаҳодат муфти оҳистагина ёнидаги Абдурахмонни туртиб қўйди ва Анварга ишорат қилиб, «ана аҳвол» дегандек илжайди. Яъни унинг ҳаракати «кўрдингми мирзобошини, қўлидан маҳзар ёзиш ҳам келмайди» мазмунида эди. Мулла Абдурахмон оҳиста бош кўтариб кулимсиди. Бу гапдан хабардор бўлиб ўлтурган Калоншоҳ мирзо қўлини оғзиға карнай қилиб Анварга тўғрилади, яъни жиртак чалди. Шу ҳолда эшиқдан Султонали мирзо кириб, Калоншоҳга тикилиб қолди...

– Маймунлиқ муборак!

Иш билан машғул Анвар қоғоздан бошини кўтариб, эшикдаги Султонали мирзога қаради:

¹ Маҳзар – ариза.

– Нима гап?

– Ҳеч гап, – деб кулди Султонали, аммо кўзида ғазаб ўти ёнар эди. – Мен бояғи қоғозга кирган эдим.

Анвар ёнидаги қоғозлар ичидан бир ариза ажратди:

– Жавоб мен айтканча бўлсин.

– Хўб.

Султонали қоғозни олиб чиқар экан, яна уларга қараб кўйдди. Уларнинг учави жиддий равишда ишга берилган, қоғоздан бош кўтармас эдилар. Султонали чиқиб кетди. Бироздан кейин Шаҳодат муфти секин бош кўтариб Анварга қаради. Анвар ўз ишига қаттиғ боғланган эди. Шаҳодат муфти Калоншоҳ билан кўз тўқнаштириб, «яхши бўлмади», деган каби бош чайқади. Калоншоҳ аҳамиятсиз кўз қисди. Одатдагидан ҳам ранги ўчкан Абдурахмон буларнинг ҳозирги им-ишоратига иштирок этмай, ўз ишига қараган эди.

Солиҳ махдумнинг ўша сўзи билан Абдурахмон ишка олинган эди. Уч ойдан бери Анвар қошида – ўз ҳузурида мирзолик қилиб келар ва иккинчи ойдан беш тиллолик моҳонага ҳам ёзилган эди. Бир ойлар чамаси Анварга садоқат билан, унинг қаноти остига киргандек ишлади. Бу орада Шаҳодат муфти ва Калоншоҳ мирзо кабилар билан сирдон бўлмаса ҳам танишди, яқинлашди. Бошда Шаҳодат муфтилар уни ётсинишиб унинг ёнида ҳар турлик ғийбатларни қилишдан чўчидилар. Чунки мулла Абдурахмоннинг Анвар кишиси бўлиши тахмин қилинган эди. Иккинчи ойдан моҳонага ёзилиши ҳам уларнинг ўз андишаларида янглишмаганликларини кўрсатди. Бироқ Абдурахмоннинг баъзи ҳаракатлари, масалан, мирзо Анварнинг арабча, форсийча лафзлардан холи, содда таҳририни нусхаларга кўчирар экан – «аттаому било милҳи» (тузсиз ош), деб кулиб кўйиши муфтиларни ўйлатиб қўяр, бу таънани чин кўнгилдан чиққанига шубҳаланишни-да, шубҳаланмасни-да, билмас эдилар.

Шундай фурсатларда «аламзада» муфтилар ҳам бирар латифа сўзлашка тутунар, аксар латифа мазмунини бир тарафка буриб юритар эдилар. Баъзан Шаҳодат муфти ишдан чарчаган каби оҳ тортиб, ўзича «ямутул-асаду филғабоби жуъан ва лаҳмут-тайри ютраҳу лил-килоб»¹, деса, иккинчи ёқдан Калоншоҳ мирзо шу мақолнинг давомини сўзлаб «вал хинзиру яному

¹ Арслон чангалзорда очликдан жон берадир, аммо итни қуш гўшти билан боқадирлар (*Муал.*).

фил-фирош ва улул-уқули яному алат-туроб»¹, дерди. Мулла Абдурахмон уларнинг кинояси мазмунига тушунибми ёки тушунмасданми, ҳарҳолда, бир илжайиб қўяр эди.

Шу йўсун иккинчи ойда бу икки муфти мулла Абдурахмонни синаб вақт кечирдилар. Абдурахмон ҳам ўзининг аксар сўз ва ҳаракатлари билан уларни шубҳадан чиқара борди, ниҳоят икки муфти учунчи ёш «олим»ни ҳам, гарчи бир «нодон» тарафидан келтирилган бўлса ҳам «заршунос» деб билдилар ва учунчи ойдан уни ҳам ўз ёнлариға олиб сирдон бўлишдилар. Бояғидек «қозихона маҳзарлари» уларга дастмоя бўлди. Анвар ўзи вақт тополмай, бирар нарсани муфтиларга ҳавола қиладирган бўлса, «мирзобошининг тиши ўтмади» деб кулишдилар. Мулла Абдурахмон ҳам валинеъматни бўлган Анварнинг риоясини² унутаёзди. Чунки мазкур икки муфтининг таъсирлари кучлик бўлиши устига, ўзи ҳам уларга мойил, ҳатто бу камситишлардан лаззат олғучи эди...

Анвар икки муфтининг ғийбатларини яхши билса ҳам, Абдурахмоннинг бу ғийбатда иштироки борлигини сезмас эди. Фақат яқиндан бери Султонали мирзо Абдурахмоннинг бунда иштироки борлиғиға воқиф бўлди. Ҳатто шу тўғрида Анварга баъзи сўзларни ҳам айтди. «Мулла Абдурахмондан нон емай-миз, сизга қарши қаттиғ қутурган икки итимиз бор эди, энди учунчисини ўзингиз келтирганга ўхшайсиз...».

Кечка томон мирзолар тарқалишдилар. Бироқ бизнинг муфтилар ҳануз қўзғалмас эдилар. Анвар эса ҳаммадан кейин чиққучи эди. Икки муфтининг қўзғалмаслиқлариға ўзи сабабчи бўлганлигини яхши билган Султонали мирзо Анвар билан хайрлашиб чиқди. Шундан бироз сўнг муфтилар ҳам кетишка чоғландилар.

Ҳаво совуқ, тўрт эллик чамаси қор ёғиб, кўча бетини ёпқан эди. Қўқоннинг ўзига махсус изғириқ бу қор билан яхши қуролланиб, кишининг қулоқ-тумшуғини заҳар каби ялаб ўтар эди. Кишилар телпакни бостириб кийган ёки саллани қулоқ ва манглай аралаш ўраб, бўз гуппини тумшукқача кўтарган эдилар. Кўча бўйлаб ҳар ким чопар, бир нарсадан қуруқ қоладиргандек югурар эди. Бу кунги совуқ билан қор ҳар кимга ҳам ғарч-

¹ Тўнғуз хузур қилиб тўшақда ухлайдир, оқиллар тупроқда ётадилар (Муал.).

² Риоя – ҳурмат, андиша.

лиқ кафш инъом қилган, бой ва беклар оёғидаги бедона, сағри қала кафшлар билан камбағал косиблар кийган упика¹, айбаки² кафшларнинг ўзаро фарқи қолмаган ва ҳатто баъзилар оёғидаги ёғоч кафшлар ҳам ажойиб нағманавозлиқ қилар эдилар.

38. Ғариб кўнгли

Анвар бошқалар каби югурмаса ҳам елиб келар эди. Хишт-кўпрукка етканда, катта сув ёнидаги ҳужра эшигида кўсқи³ пўстунга ўралиб турган қоровул унинг олдиға тушиб салом берди:

– Совуққа қотқан кўринасиз, тақсир... Гулханимиз бор.

Анвар тумшугини тўнидан чиқариб илжайди ва тутун чиқиб турган эшикка бурилди, қоровул олдинда келиб, эшикни очиб берди. Анвар ичкарига кирди. Тутун билан қоп-қорайған, пасткина қоронғи ҳужранинг ўртасида гулхан ёниб, алангаси мўрига ўрлар эди. Гулхан ёнида қўлиға касав тутқан Султонали мирзо олов жўнашдириб ўлтурар эди.

– Сиз ҳам совуққа қотқанларданмисиз?! – деб қулди Анвар.

– Жон олов – жон эр, депти бир хотун... Гулхан ўтлик йигитнинг иссиқ қучоғи эмиш. Қани, бу ёққа марҳамат!

Қоровул ва Султонали мирзоларнинг қисташлари билан Анвар гулханнинг тўрига, тўрт қатланиб солинған кийизга ўлтуриб, қўлини оловга тутди.

– Ўзингиз ўлтурмайсизми, ака, ўлтуринг!

Анварнинг бу сўзи билан адаб сақлаб турған қоровул гулханнинг бир чеккасига чўккалаб, гулхан ёнидаги қора қумғонни оловға тираброқ қўйди.

– Совуқ тузук бўлди, – деди Анвар исиниб. – Ўрдадан чиқиб, ўзингизни гулханга урибсиз-да?

– Қарасам, уйга еткунча қотадирғанман, Тойир акамнинг туйнуғида тутун кўриб, эшикни очсам, иш катта. Хиралик бўлса ҳам кирдим, нима қилади... Бироқ, сизни Тойир акамнинг ўзи чақириб кирганга ўхшайди, ҳали сизга чой дамлайман, деб овора бўлса ҳам, эҳтимол...

Тойир ака қумғонни яна олов томонға итариб қўйди:

¹ Упика – бузоқ терисидан тайёрланган кўн.

² Айбаки – мол терисидан ишланган сифатсиз тери.

³ Кўсқи – жулдур, эски.

– Ҳозир дамлаймиз, тақсир, ҳозир. Сув ҳам қалқиб қолибдир, яхши кўк чойимиз ҳам бор.

– Ўзларингиз ичмасангиз, меним учун ҳожат эмас, мен ҳозир кетаман.

– Шу гулханни ташлаб, қаёққа?

– Уйга... Балки кишилар кутиб ўлтурган чиқарлар.

– Шундай совуқда сизни ким кутсин, чойни дамлай беринг, Тойир ака, мирзобошини юбормаймиз.

– Шундай бўлсин, тақсир... ғарибларнинг чойидан ҳам бир ичиб қўйсинлар, – деди Тойир ака ва ўрнидан туриб бурчакдаги ёрилган тарашадан бир қучоқни келтириб гулхан ёнига ташлади. Қайнаб тошқан қумғонни оловдан олиб, чой дамлади.

– Тойир акамнинг гулханини ташлаб кетиш бўлмайди, – деди Султонали, – бир-икки пиёла чойидан ҳам ичиш керак, бир-икки калима суҳбатини ҳам эшитиш керак.

Анвар илжайиб қўйди. Тойир ака қозикдаги тугунни очиб тўрт-бешта нон, бир хович каттақўрғон магиз олиб, кичкина баркашчага солди. Баркашни Анвар олдиға келтириб, узр айтди:

– Камбағалчилик, тақсир, олдингизға дастурхон ёзолмадиқ...

– Нима айби бор, – деди Анвар, – мен шундай қоронғи уйда гулхан ёнида ўлтуришни ва шу ҳолда чой ичишни жуда яхши кўраман.

– Бу ўлтуришнинг ўз олдиға бир нашъаси бор, – деди Султонали.

– Бор... Шоирона, дарвешона бир маъноси бор. Мен ёш, ятим чоғим, опамнинг уйида шу ҳолни кўрар эдим. Язнам қашшоқ косиб эди. Қиш келди дегунча гулхан ёқар ва шу йўсун гулхан ёнида ўлтуриб чой ичар эдик. Шу гулхан ҳаёти ҳануз меним эсимдан чиқмайди ва шу ҳаётка ҳамиша кўнгилда бир муҳаббат сақлайман.

Тойир ака Анварга сопол пиёлада чой узатди. Гулхан кейинги қаланган тарашалар билан алангаланиб ёнди. Қоронғи ҳужра ёришиб, учқунлар билан зийнатланди.

– Бола-чақангиз борми, Тойир ака?

– Йўқ, тақсир... Шу ерда юртни дуо қилиб ётаман.

– Тойир акам ҳам сизга ўхшайди, – деб кулди Султонали. – Тўйни кўкламга қолдирганингиз яхши бўлмади, қиш кунлари Тойир акамдек ёлғизлик...

– Чунки мен Тойир акам турмишини яхши кўраман... Дардисарнинг нима кераги бор-а, Тойир ака?

Тойир ака қўлида касав билан олов тўғрилар эди.

– Қурби еткан кишининг бола-чақа қилгани маъқул, тақсир.

– Нима учун?

Тойир ака олов жўнашдириб, бироз жавобсиз ўлтурди. Соқол-муртига учиб тушкан учкун куллари селпиб ташлади.

– Худой фарзанд берса, қариған кунларингизда ишингизга ярайди, – деб қўйди Тойир ака, яна бироз олов тўғрилаб турди. – Менда ҳеч ким йўқ... Ёшим эллидан ошқан, тақсир... Ҳозир куч-қувват бор, бир нарса топиб бўлади... Бир вақт келар, куч кетар, шунда менга ким қарайди, тақсир? Иссиқ жон, мен оғриб ётарман, бир қошиқ сувга муҳтож бўларман... Шунда сувни менга ким беради, тақсир? Ўлим ҳақ, ажал етиб, амонатни олса, кўзим юмилса, бир чеккада ўлиб қолганимни ким билди, тақсир?.. Кишининг бола-чақаси бўғанда шундай гаплар йўқми, деб ўйлайман-да.

– Тўғри гап, – деди Султонали, – дарҳақиқат, киши қандай кунларга қолишини билмайди. Тойир акам айтканча, бола-чақа бўлса, бироз кўнгил тўқи-да.

Анвар бироз сўзсиз, ўйланиб турди, қўлидаги пиёласини бўшатиб, Тойир акага узатти.

– Уйлантириб қўяйлиқми сизни?

Тойир ака миннатдор оҳангда кулди.

– Э, жонингдан, тақсир, – деди, – энди бўлмайди.

– Нега бўлмайди?

– Соқолға қаранг, ўлим иси келади...

– Бўлмаган гап... Сиз биздан ҳам ёш кўринасиз.

– Кўнгил қариған, тақсир, кўнгил, – деди Тойир ака, қўлини кўкрагига тегизиб олди. – Энди кўнгил ҳеч нарса ҳам тиламайди, фақат тинчлик тилайди... Тинчлик қачон бўлади, унисини билмаймиз-да.

Сўзни яна айлантиришга йўл қолмади. Анвар ер остидан Султоналига кўз юборди. Султонали маънолик бош ирғатиб қўйди. Тойир ака ўз олдидаги ёниб ўчкан хокаларни кулдан ажратиб, гулханга ташлар эди. Бояғи шиддати йўқолган гулхан нафис кўк тутун чиқариб оҳиштағина чайқалиб ёнар эди. Куллар кўкка учар, чўғлар кулга ботар, чалалар чўққа айланар эдилар... Учави ҳам сўз қўйишқандек анча вақт гулханнинг шу ҳолини таъқиб этдилар.

39. Бишуй, эй хирадманд...

– Муфтиларингиз меним орқамдан жўнаган бўлсалар керак, мирзо Анвар?

Хаёли бошқа нарсада бўлган Анвар Султоналининг сўзига тушунибми, эмасми, ҳар начук бош ирғатиб қўйди.

– Мен сиз билан хайрлашиб кўчага чиқсам, «дўстингиз» Мулла Абдурахмон уларни кутиб турган экан. Чамаси, кундузги «суҳбат»нинг мобаъди¹ бўлса керак?!

Анвар хаёли билан видоълашқандек, тилар-тиламас Султоналига юз ўтирди.

– Қандай суҳбатнинг?

– Суҳбатнинг эмас, ғийбатнинг.

Анвар кулди:

– Сиз мулла Абдурахмон домлани кўралмай қолдингиз.

– Масала кўралмасликда эмас, унинг нолойиқ ҳаракатида, дўст кўриниб, душманлик кўчасига киришида.

– Биз унинг чин кўнглини билишдан ожизмиз.

– Ҳарҳолда, бу калтакесак бизга дўст эмас.

– Хўш? – деб кулди Анвар.

– Муфтилар бизга дўстми, душманми?

– Балки душмандирлар, лекин биз уларга душман эмасмиз.

– Бали! – деди Султонали мирзо. – Башарти бизнинг ёрдамимизда ишлик бўлган бир одам, эрта-кеч бизнинг душманимиз ҳисобланган кишилар билан ҳамсуҳбат бўлса, оғиз-бурун ўпишса, биз унга қандай баҳо беришимиз керак? Бундай одамни биз очикдан-очик душман ёки аҳмоқ деймиз. Аммо мулла Абдурахмон аҳмоқ эмас, кўб иш кўрган туллак! Энди фақат унинг душманлик тарафи қолди, ҳам бу аниқ. Меним ҳукмимга қаноат қилмасангиз, ҳикматка қаранг. Шайх Саъдий:

*«Бишуй, эй хирадманд, аз он дўст даст,
Ки бо душманонат бувад ҳамнашаст»², –*

дейдирлар...

– Мен мулла Абдурахмонни яхши киши, деб ўйлайманми?

– Ўйламайсиз, бироқ унинг ўзига яраша муомала қилмайсиз, шу билан бирга анови муттаҳамларни ҳам ҳаддидан оширасиз!

¹ Мобаъд – давоми.

² Маъноси: Эй хушёр киши! Душманларинг билан бирга ўлтуришкан – ҳамсуҳбат бўлган дўстингдан қўл ювғил (Муал.).

Анвар баркашдаги магиздан бир-икки дона олиб кўлида ушлади.

– Сизнингча, улар билан қандай муомала қилишимиз керак?

– Мулла Абдурахмонни ўрдадан жўнатиш керак; тинчкина имом ва хатиблигини қилсин. Муфтиларга ҳам қозихонадан бирар вазифа топилиб қолар.

Анвар бош тебратиб кулди. Тойир ака гулханга ўтун қалаб шом учун жойнамоз ёзди. Султонали мирзо имом бўлиб, уч киши шомга турдилар. Шомни ўқуб гулхан ёнига ўлтурар экан, Султонали сўради:

– Ёки уларни ўрдадан жўнатиш осон эмасми?

– Осон, бироқ осон ишда лаззат йўқ, – деб кулди Анвар. – Сизнинг шу гапингиз билан бир киши ёдимга тушди: ўзи мулла Абдурахмоннинг қавмларидан бўлган оқ кўнгилли содда бир киши бор. Оти... ҳа, оти Сафарбой, касби бўзчилик. Ўткан кун ўрдадан қайтиб борсам, шу киши уйда мени кутиб ўлтурибдир. Хўш, келинг, Сафар ака? – Куйган-пишкан, менга «арз» қилди: мулла Абдурахмоннинг бир дўстидан эшиткан эмиш, гўё мулла Абдурахмон биравга «Мирзо Анварнинг тегига яқинда сув келади» деган эмиш... «Бу нима деган гап, мирзо, нега сизнинг тегингизга сув келади?» – деб сўрайди. Мен кулдим... «Ҳозирча тегим қуруқ, башарти тегимга сув келса, бўзчиликни ўргатасизми?» – деб сўрадим. Саволимга жавоб бермайди, фақат сизнинг сўзингизни айтиб: «Имомимиз фисқи-фасод, бундай кишини ҳайдаганингиз маъқул», – дейди. Сизга ёқадирган сўзни айтдимми, Султонали ака?!

– Бу киши сизга чин дўст экан, – деди Султонали жиддий. – Мен ўз фикримда янглишмасман. Бу калтакесак юткан чаённинг юрагида, Худой билсин, сизга қарши катта адоват бор.

Шу чоққача олов кавлаб жим ўлтурган Тойир ака сўзга қотишти:

– Сафар, елкаси чиққан, жиккак йигит эмасми, тақсир?

– Бали, бали.

– У меним ошнам бўлади. Эҳей; у билан биз ҳар ёз бирга мардикор ишлар эдик; ўзи ўбдан яхши йигит.

– Вассалом, – деди Султонали мирзо. – Бас, Абдурахмон ҳам адоватда муфтилардан қолишмайди. Шунча яхшилиқни билмаган киши...

– Яхшилик қил, дарёға ташла; балик билмаса, Холик¹ билур, деганлар. Фузулий: «Даҳр² бир бозордир, ҳар ким матоъин арз эдар» деб жуда тўғри сўзлайдир. Шунга ўхшаш биз ҳам, ўзимизда бўлган матоъни бозорға соламиз, улар ҳам бисотларини кавлаб шундан бошқасини тополмайдирлар.

– Бу шундай, мирзо Анвар, аммо ўзингизни душмандан мудофаа қилиш керакми, йўқми?

– Мен нимани душмандан мудофаа қилай? – деб кулди Анвар. – Агар уларнинг адовати мендан бош муншийликни олиш учун бўлса, марҳамат қилсинлар, ҳатто ўзим уларга ёрдам ҳам берай. Тўғри, сиз уларнинг номуссизона ҳаракатларидан қизишасиз, аччиғланасиз. Мен-чи, мен ҳам бир инсон, кўкдан тушкан фаришта эмасман; ўз устимдаги ғийбатлардан, ҳайвонча қилиқлардан, иззати нафсимга тўқинган ҳаракатлардан аччиғланаман. Сиз айтканча, уларни ўрдадан ҳайдаш мулоҳазаларигача бориб етаман. Бироқ, баъзи андишалар мени тўхта-тиб қўядир. Аввало, улар билан тенглашиш меним учун камчилик кўринадир; иккинчи, уларни девондан ҳайдаш тўғрисиға келганда яна андишалар бор: башарти муфтиларни девондан чиқарсам, халқ нима дейди, беш кун амалга миниб, ўттуз йиллик мирзоларни қадр қилмади, демайдими? Агар улар тинч-кина чиқиб кетса-ку, яхши, билъакс, хон ва шоғовул домлалар воситасида яна кириб олса, мен нима деган одам бўламан? Бу ҳолда бир адоват устига юз адоват замланишида шубҳа йўқ. Энди мулла Абдурахмон тўғрисида: бошда мен бу кишини ўрдаға олишға қарши бўлиб, биринчи кўришимдаёқ бу мулладан яхшилик кутмаган эдим. Бироқ, сизга айтканимча, ўртада но-зик бир киши восита бўлди, шундан кейин ноилож хизматка олишқа мажбурият туғулди. Мулла Абдурахмон ифлослар қаториға ўткан экан, иши осон, жўнатиб юбориш қўлимиздан келади. Ва лекин, фикримча, уни ҳам жўнатиш маслаҳат эмас. Аввало хизматка олмаслик керак эди; олинғач, уч ой ўтмасдан жўнатиш... Жуда оғир; агар ифлос бўлса унинг табиъати, биз ўзгарта олмаймиз, ҳар ким тилаган ошини ичадир.

Султонали мирзо муфтилар тўғрисида бир нарса деялмаса ҳам, Абдурахмонни жўнатишға исрор этди³.

¹ Холик – Яратувчи, Худо.

² Даҳр – дунё, олам.

³ Исрор этмоқ – қистамоқ.

– Хўб, муфтилар қолсин, яна бир неча кун сасишсин. Бироқ, Абдурахмонни тўхтатманг, агар сиз шу чувалчангнинг баҳридан ўтсангиз, ҳамроҳларига катта ибрат кўрсаткан бўласиз.

Анвар кулиб қўйди.

– Сиз меним дўстимга қаттиғ тикилдингиз...

– Тикилишка – тикилдим, – деди Султонали мирзо жиддий, – сиз лоақал шуни ҳам жўнатмасангиз, мен кетаман. Муфтиларнинг афтини кўриб қийналар эдим. Энди бу учунчи ифлоснинг юзига қарашқа тоқатим қолмади!

Султонали жиддийлашкан эди, Анвар яна қарши боришни мувофиқ кўрмади.

– Хўб, – деди, – сиз шуни маслаҳат кўрсангиз, жўнатайлиқ.

– Бали! – деди Султонали. – Сиздан яна бир талаб: эртадан бошлаб мени ўз хузурингизга олинг, токи муфтилар эртадан кечкача ғийбат сўзлаб, маймун бўлиб вақт кечирмасинлар.

– Бу ҳам осон, – деб кулди Анвар, – улар мен йўқ вақтдан фойдаланиб, юрак бўшатар эдилар. Энди бундан ҳам бечораларни маҳрум этмакчисиз; бу қадар зулм...

Султонали яна кулмади:

– Қилганга қиламиз-да.

Шундан кейин кетишка чоғландилар. Анвар қўзғалар экан, ёнчиғидан бир тилло олиб, Тойир акага узатти. Тойир ака библибми, билмасданми, ҳарҳолда тиллони қўлига олғандан сўнг, яна тез қайтариб берди:

– Уят, уят бўлади.

– Бу пул ўзимга, деб ўйламанг, – деди Анвар Тойир аканинг қўлини итариб, – сиз бу пулга ўтун, магиз, ортиб қолса чой оласиз. Султонали акам билан келганимизда гулханни бундан ҳам катта қилиб берасиз.

– Сизлар келсаларинг ҳаммасиям ўзимиздан топилади.

Анвар пулни олмади. Тойир ака маслаҳат сўрагандек Султоналига қаради. Султонали дуо қилиб, олинг, деган каби ишорат қилди. Тойир аканинг дуосидан кейин чиқдилар.

40. Алдаш учун бола яхши

Бир неча кунлардан бери Сафар бўзчи хурсанд эди. Мулла Абдурахмоннинг хизматдан чиқишига ўзим сабаб бўлдим, деб ўйлар; ўз сўзи билан мулла Абдурахмон каби бир кишининг

сувға тушкан нондек шилқиллаб қолишиға: «Кўрпангга қараб оёғ узат, муллавачча!» – деб ўзича кулиб қўяр эди. Кеча Самад бўқоқни кўчада учратиб, пичинг отди: «Мирзабошимнинг тегига сув кетипти-я, гапингни тўғри чиқишиға қара, Самад?» – деди. Чунки Анварга бориб айткан хабарни шу Самад бўқоқдан эшиткан эди. Самад бўқоқ унинг бу пичингидан қизарди: «Кулоғимға янглиш кирган экан-да, аблаҳ!» – деб гапни кулгуликка бурди. Сафар бўзчи ҳам «пайрав» қилди. «Бир қўчқорнинг боши кеткунча, минглаб қўйнинг боши кесилар эмиш, деб айт домлангға!» – деди. Самад бўқоқ индамади.

Сафар бўзчи мулла Абдурахмоннинг хизматдан бўшатиғанини эшиткандан бери «Мирзамни бир кўрсам» деб Анварнинг олдиға боришқа чоғланиб қолди. Бироқ, дастгоҳ ёнидан қўзғалишқа ишни қизғанди. Бу кун иш тўқур экан, ўзича қарор берди: «Бу кун чоршанба, эрта панжшанба... жумъа кун мен ҳам бўш, мирзам ҳам бўш. Ҳа, индин борғаним маъкул».

Шомдан бироз илгарироқ Сафар ака ишдан чиқди. Куннинг совуқлиғиға ҳам қарамай музлаган совуқ сувда таҳорат қилди, нари-бери бўз салласини чулғаб, масжидга югурди. Ул жиловхонадан кирганда, масжиднинг тўрдаги ҳужрасидан мулла Шаҳодат муфти, Калоншоҳ мирзо ва мулла Абдурахмонлар намозга чиқиб келар эдилар. Сафар бўзчи ҳар икки муфтининг ҳам ўрдада туришларини яхши билар эди. Мулла Абдурахмонни ўрдаға яна оладиған бўлибдирларми, деб ўйлади ва уч уламо келиб масжидга киргунларича адаб сақлаб, масжиднинг бўсағасида қўл боғлаб турди. Улар келиб масжидга кирар экан, мулла Абдурахмон кўзининг пахтасини чиқариб, Сафар бўзчиға қараб ўтди, улар орқасидан Сафар бўзчи ҳам хонақоҳға кирди. Аммо ҳалиги қарашдан сўнг Сафар бўзчининг бошидан: «Бу муллалар ҳам домламдек ўрдадан ҳайдалганлармикин? Мирзамнинг ғийбатига йиғилишқанлармикин?» – деган бир фикр ўтиб кетди.

Сўфи такбир тушурди, мулла Абдурахмон меҳробка ўтди, муфти ва бошқалар унга иқтидо қилдилар. Имом қироатда, Сафар бўзчи сомиълик¹ ўрниға – «манови кетман соқолнинг афти хунук, ўттасининг авзойи бузук, домламнинг бўлса ғурраги бола очқан... Учави ҳам аламзада бўлсами? Домламнинг кўнглини кўтарғали келганлардир, ёки мирзам билан икки орани

¹ Сомийлик – тинглаш.

битиштирмакчиларми?.. Мирзамнинг битишмагани маъқул, икки оғиз гап учун ханузгача кек сақлаган домла...» – деб ўйлар эди. Шу йўсун васвасаланиб шом намозини қандай ўқуғанини ўзи ҳам билмади, аммо ётиб туришдан эринмади. Фотиҳадан сўнг жамоат тарқала бошлади. Беш-олти киши, жумладан, Сафар бўзчи ҳам адаб сақлаб, домлалар масжиддан чиққунча қўзғалишмадилар. Улар чиқиб кеткандан сўнг сўфи шамъни ўчирди, бошқалар масжиддан тарқадилар. Сафар бўзчи саҳнга тушиб ҳужрага қаради; ҳужра даричасидан шамъ ёруқлиғи тушар, ичкаридан қўлида қуроқ дастурхон ушлаган, ўн бир-ўн икки ёшлиқ бир бола чиқиб келар эди.

Сафар бўзчи жиловхонага ўтиб тўхтади. Ҳужрадан келган бола ўз ёнига етқач, болани олдинга ўтқариб, унинг орқасидан кўчага чиқди. Бола кўчанинг ўнг томонига қараб кетди. Сафар аканинг ҳавлиси кўчанинг чапида эди, лекин ул ўз ҳавлиси томонга юрмай, шу бола орқасидан борди.

– Ҳой, Шукур сўфининг ўғли!

Шукур сўфининг ўғли – бола, йўл устида тўхтади. Сафар бўзчи унинг ёнига етиб олди.

– Қани юравур, сенинг отинг Маматқул-а?

– Ҳа.

– Маматқул... Сен бизнинг Асқарбойни танийсанми?

Бола ажаблангансумон Сафар бўзчиға қараб олди.

– Асқар мени ўртоғим-да, шу топқача билмайсиз экан-да!

– Ҳа, ҳа... ўзинг ҳам яхши йигит кўринасан... Масжидда нима қилиб юрган эдинг?

– Имом поччамнинг ҳужраларида чай қўйиб бердим. Катта домлалар меҳмон бўб кепти.

– Ҳа, ҳа... Энди қаёққа борасан?

– Имом поччамнинг уйларида ош об келаман-да.

– Туппа-тузук дасёр бўлиб қопсан-да. Ош олиб келганидан кейин тагин чой қўйиб берарсан ҳали?

– Ҳа, қўйиб бераман. Домла поччалар жўнағунча хизмат қилиб тураман.

– Ҳа, ҳа... Катта домлалар қачон келишди экан?

– Дадам азонга чиққанда келишди-да, қўйиб берган чайимни шу топта ичишяпти.

Сафар бўзчи ўн қадамча сўзсиз борди.

– Ўзинг қўб яхши боласан-да, Маматқул, домла поччаларнинг нима дейишяпти?

– Ҳали гапуришканлари йўқ-да.

– Маматқул-чи, шу домла поччаларнинг сўзига яхши қулоқ солиб, тигнаб оған киши бемалол жаннатка кириб кетавурди-да... Сен ҳам уларнинг сўзини тигнаб оласанми?

– Ҳа, тигнаб оламан. Дадам савоб бўлади, деяпти.

– Бали, Маматқул, жуда яхши тигнаб ол-да... Агар сен шу домла поччаларнинг сўзини яхши тигнаб, улар жўнағандан кейин менга бориб сўзлаб берсанг-чи, Маматқул, мен сенга ўн пул бераман-да.

Маматқул тушуналмаслик ичида Сафар бўзчиға қаради:

– Чин айтаяпсизми, Сафар ака?

– Ёлғони йўқ-да, Маматқул, – деди Сафар бўзчи ва бўз яхтанинг чўнтагини силкитиб жарақлатди. – Кўраяпсанми чақаларни... Агар уларнинг гапини тигнаб менга сўзласанг-чи, ўн пулни олавурасан-да, Маматқул.

– Тунда сизнинг олдингизға борғани кўрқаманда.

– Нимадан кўрқасан, Маматқул? Асқар ўртоғинг кечаси ҳам кўрқмасдан юравуради.

– Мен итдан кўрқаман-да.

– Бизнинг кўчада ит йўқ-ку, тентак, кўрқсанг эта-метан бор. Агар имом поччанг энди кетавур деса-чи, Маматқул, хўб, деб хўжрадан чиқ-да, ҳеч кимга билдирмай, дарчанинг теги-дан гапни эшит, ҳамми?

Маматқул нима учундир илжайиб қўйди ва маъқул деган каби бош ирғатди.

– Кўрқмасанг, улар жўнағандан кейин бизникига бор, мен дўконда иш тўқуб ўлтураман; ўн пулни олиб келавурасан-да, сендан нима кетди, Маматқул...

– Тузук.

Бола шу сўзни айтиб кичкина, тор кўчага бурулди. Сафар бўзчи боланинг орқасидан бироз қараб турғандан сўнг, орқасиға қайтди. Сафар бўзчи болаға берган ўзининг бу ваколоти билан келаси кун мирзобошининг олдиға яна бир гап топиб бормоқчи эди. Унинг фикрича, эҳтимолки, кейинги домла поччалар ҳам ўрдадан ҳайдалишка лойиқ, мирзобошиға душман бўлиб чиқар эдилар. Шу хаёллар билан келиб, уйига кирди. Эрини кута-кута қозондаги туппаси аталаға айланган Тўхтабиби Сафар бўзчини койиб қарши олди.

41. Чақангиз сийқа эмасми?

Ул аксар шом ва эрталабки намозларнигина масжидда ўқуб, қолғанларини уйида адо қилар, пешин, аср, хуфтанларга вақт тополмас эди. Аммо бу кеч жўртта хуфтанга чиқмади. Яъни Маматқул ўн пул учун шошиб, топқан гапини кишилар орасида сўзлаб берса, эҳтимол эди. Ошдан сўнг ишхонасига чиқди. Дастгоҳ ёнидаги қора чароғни ёқиб ўришдаги узукларни улади, аймашқан ипларни ешди, чигилларни ёзиб тароғлади, оғзи билан оҳор буркиб, яна таради ва энг сўнг қурутиш учун ўришни елпиди. Ўриш тўқишқа ростлангандан кейин, эски тўппидаги найчага солинган ипларни (арқоқни) олиб, дастгоҳқа тушти, тиг ва гулани орқага суриб моккини ростлади.

Қора чароғ аранг-аранг дастгоҳни ёритар, елкаси ташқариға туртиб, кўкраги ичка ботқан Сафар бўзчи гўё дастгоҳқа қуюлиб қўйғандек кўринар эди. Тепки босишдан ғич-ғич қилган нағма эшитилар ва бу нағма оҳангига ўйнағучи мокки у ёқ-бу ёққа ўтиб турар, лаҳза сайин арқоқ-ўриш бирлашиб, тўрт эллик бўз ҳосил қилар эди. Сафар бўзчининг бир кечлик ишига бир оҳор мўлжал бўлиб, қора чароғнинг мойи ҳам соат вазифасини ўтар, яъни қора чароққа тўлдирилган мой ҳар кун бир оҳорға етиб битар эди.

Сафар бўзчи новорт ёғочини ўраб, оҳорлиқ тандага – ўришқа мўралади ва нос отиб, кўча томонға қулоқ солди. Чунки ул ҳануз Маматқулнинг келишидан умидвор эди. Бироз қулоқ солиб тургандан кейин, моккига янги найча жойлаб, яна ишка уринди. Ичкарида чарх тоблаб найча солиш билан машғул Тўхтабиби кўйлак енгини иплик ўришчалар билан тўлдириб чиқди. Гап-сўзсиз, ўришчаларни эски тўппига ағдариб, бўшалган найчаларни йиғиб олди.

– Оёғим совуқ қотти, оловнинг иложини қил-чи.

– Ўт ёқиб берайми?

– Ҳа, бали, уч-тўртта тарашани кертиб кирсанг бўлади.

Тўхтабиби чиқиб кетди. Сафар ака асабийлангандек тез-тез тепки босиб ишка қаради. Мокки тўхтовсиз икки ёққа сапчиб турди. Ўн дақиқа чамаси шу ҳолда иш қизғин давом эткандан кейин, бирдан мокки тўхтади, Сафар бўзчи ташқариға қулоқ солиб қолди. Кўча эшик «ғийқ» этиб очилиб, йўлақдан кичкина оёқ товши келди. Сафар бўзчи моккиси қўлида ўзича илжайди, яна бир-икки оёқ босқандан кейин, дўконхона эшиги очилди.

– Бали, Маматқулим, бали... Эшикни ёп, эшикни!

Маматқул эшикни ёпди ва икки кўлини оғзига кўтариб исинди.

– Совуқ қотдингми, Маматқул? Ҳозир олов ёқамиз, ҳозир... Боядан бери Маматқул келади, деб ўн пулни сақлаб ўлтурибпан-да.

Шу пайтда эшик қияғина очилиб, яна ёпилди.

– Киравур, Тўхта, киравур: ўзингнинг Маматқулинг-ку.

Тараша кўтариб Тўхтабиби кирди ва Маматқулга қаради.

– Маматқулмидинг, – деди Тўхтабиби. – Бемаҳалда нима қилиб юрибсан, болам? Энанг эсон-соғ юриптими?

Маматқул Тўхтабининг сўзига бош ирғатиб, Сафар бўзчиға қаради...

– Маматқулнинг менда иши бор, холаси. Оловни тезроқ ёк, Маматқул совуқ қотипти...

Тўхтабиби ўтунни гулхан ўрнига ташлаб, қўлидаги қовғасини қора чароққа тутиб ёндирди ва бориб ўтунни ёқди.

– Уларни жўнатиб келдингми, ўғлим Маматқул?.. Бали, бали. Ёнларингга яна бошқа киши ҳам келдими?

– Йўқ.

– Ҳа, ҳа... Имом поччанг сенга кетавур демапти-да?

– Мен тагин икки қайта чай қўйиб бердим-ку: мен кетсам уларга ким чай қўйиб берарди. Мен чайни қўйиб, гапни тигнаб ўлтурдим.

– Бали, бали, – деди Сафар кулиб ва хотунига қараб қўйди. – Йигит деганинг ана шундай бўлсин-да, бизнинг Асқарбойлар ҳам «Йигит»-да. Қани, Маматқул, гулханнинг ёнига борайлик-чи, исиниб гапиришамиз-да.

Иккиси гуруллаб ёнган олов ёнига чўнқайдилар. Сафар ака оёғини кафшидан чиқариб оловга тутди.

– Асқарбой ухлаб қоғанми, дейман, хола?

– Ухлаб қоған, – деди Тўхтабиби ва бориб дастгоҳ ёнидаги бўшаган найчаларни йиғиб олди. – Шуларни тўлдириб берсам, бу кечага етар?

– Тўлдиравур-чи, кўрамиз-да.

Тўхтабиби дўконхонадан чиқди. Сафар бўзчи Маматқулга қараб илжайди. Маматқул ҳам ўз навбатида илжайиб, Сафар бўзчининг чақалиқ чўнтагига кўз ташлади ва нима учундир энтикиб қўйди.

– Хўш, Маматқул охун?

Маматқул ўйлаб иккиланди:

– Китоб... китоб сўзини айтишмади-да, ха... Катта домлам Қурғандаги¹ ижжани² ўқуған эди, мен...

Сафар бўзчи боланинг андишасига тушуниб кулди:

– Сен уқуб ололмадингми, аттанг. Майли, уқуб олганингни айта бер.

Маматқул енгилланиш нафаси ютди, кўзини беихтиёр Сафар бўзчининг чўнтагига тикди.

– Китоб сўзи бўлмаса ҳам чақани беравурасизми, Сафар ака?

Сафар бўзчи кулгидан ўзини тўхтата олмади, чўнтагидан чақаларни чиқариб қўлига олди:

– Беравураман-да. Кўраяпсанми?.. Шундан ўнови сеники.

– Имом поччам, – деди Маматқул кўзини чақадан ололмагани ҳолда, – имом поччам ўзи ўрдага мирзабоши бўған экан-да... Ўша хат битадуған жайда мулла эмас бир киши катта бўб қоған экан... Ўша мулла эмас хоми киши имом поччамни хат битишка тозаси экан, деб мирзахонадан чиқарған экан-да... Али мирзо деган киши имом поччамни унга ёмонлапти...

Сафар бўзчи Маматқулнинг сўзини бўлди:

– Кимга ёмонлапти?

– Ўша мулла эмас хоми кишига ёмонлаптида... Шуннан кейин имом поччамни чиқарипти. Энди катта домламларни ҳам ўрдадан чиқарсам, деб юрган экан. Ўзи жуда ёмон киши экан-да... Катта домламлар бунини қиламиз энди, деб имом поччамнинг олдиға келишипти экан-да, – деди Маматқул ва бир неча фурсат Сафар бўзчининг қўлидаги чақага қараб турди. – Чақангиз сийқа эмасми, Сафар ака? – деб сўради.

Сафар ака кулди, чақадан бештасини ажратиб Маматқулға узатти.

– Мана, ўзинг кўр-чи.

Маматқул чақани олиб, у ёқ-бу ёғини текширди:

– Мухри бутун экан. Бир пулга ўн пайса ҳолва берармикин, Сафар ака?

– Нега бермасин. Чақани чўнтагингга солиб қўй, қолганини сўзлаб бўғанингдан кейин оласан. Катта домлалар кенгашка келган эканлар, дегин?

¹ Қурған – Куръон.

² Ижжа – ҳижжа.

– Ҳа... Чақамни белбоғимга тугсам тушиб қолмасмикин?

– Ҳозир тугма, мандан яна беш пулни олғанингдан кейин, қўшиб тугарсан.

Маматқул қўлидаги пулни жарақлатиб ўйнади ва шунинг орқасидан ижирғаниб шикоятланди:

– Оёғим ивишиб қоған.

– Чўнқайиб ўлтурма.

Маматқул ўлтуриб олғандан кейин, яна ижирғанди:

– Игна санчяпти?

– Қулоқ солма, сўзлай бер, ҳозир ўзи тузалиб қолади.

– А, шундайми, – деди Маматқул маҳсисини силаб. – Сизники ҳам ашундақа бўладими, Сафар ака?.. Катта домлам соқолини тутамлаб, ўшани янди, тузоққа тушар, деди. Имом поччам ўйлаб ўлтурди, ундан кейин... Санчяпти-ку, Сафар ака?

– Ҳозир тузаласан, хўш?

– Ундан кейин... Сизларга маъқул бўлса, бир гап хотиримга келади, деди. Ўша кўклам чиқса уйланади, деди...

Сафар бўзчи Маматқулни тўхтатиб сўради:

– Ўша ким, ўша?

– Ўша-да, мулла эмас, синглиталоқ-да... Ўзингиз ҳам сўрай берайди экансиз-да!.. Оладуған хотуни чиройлиқ, деб эшитаман, деди. Бу ҳам бир гап-да, шу қизни хонға тўғриласақ бўладимикан, деди. Катта домлалар маъқул дейишди. Ҳай-ҳай дейишди... Шу ерда Маматқул биров ўйлаб қолди, – бунинг давоси гулчин бўлади, дейишди.

Сафар бўзчи кейинги сўзни такрорлади:

– Гулчин бўлади, дейишди?

Маматқулнинг ўзи ҳам бу тўғрида иккилангандек бўлди.

– Мен яхши пайқамадим-да: давоси гулчин бўлади, дейишди... гулчай... йўқ.

– Ундан кейин?

– Шу, бўлди.

– Бари?

– Бари шу... Мен ташқариға чай қўйғани чиққанимда гап тигнамадим-да.

– Маъқул, маъқул, – деди Сафар бўзчи, – ундан кейин улар кетдиларми?

– Кетдилар. Имом поччам энди уйингга бор, деди менга... Чақани берсангиз қўшиб тугар эдим.

Сафар бўзчи кулиб, қўлидаги чақадан яна беш пулни узатди.

– Мендан ўн пул олганингни ҳар кимга сўзлаб юрма, тузукми? Ҳа, ундан кейин бу гапни ҳеч кимга айтма, домлаларингнинг сўзи савобсиз гаплар экан... Уйингга ёлғиз кеткали қўрқмайсанми?

Маматқул бироз ўйланиб, белидаги чақа тугунини қўли билан ушлади, Сафар аканинг «қўрқмайсанми» саволига жавоб бермай, бориб эшикни очди ва югурганча чиқиб кетди.

42. Қув одам экан

Сафар бўзчи дарбозадан кирганда, ичкаридан ясамол бир хотун чиқиб қолди. Мундай яхши кийинган ва ҳусндор хотунни ул ўз умрида биринчи мартаба кўргани учун бўлса керак, хотун яшириниб олғунча ундан кўзини олмай қаради. Таажжуб ва ҳайрат ичида келиб меҳмонхонага кирди. Меҳмонхонада Анвар йўқ. Анвар ўрнида бегона бир киши – Султонали мирзо ўлтурар эди. Сафар бўзчи салом берди. Султонали мирзо жавоб бериб, ўлтурган жойидан Сафар бўзчиға жой кўрсатди. Сафар бўзчи бироз сўзсиз ўлтургандан кейин, «мирзасини» сўради. Султонали мирзо, Анварнинг қўшнилардан бириникига зарур бир юмиш билан чиқиб кетканлигини ва бироздан сўнг келишини сўзлаб, ундан мирзода қандай юмиши борлигини савол қилди.

– Юмиш-ку, йўқ, тақсир, – деди Сафар. – Биз бир холис дуоғўй одам... Мирзамни бир зиёрат қилай, деб келган эдим.

Султонали Сафар бўзчини бир нарсанинг тамаъида юрган киши, деб ўйлади. Чунки Анварнинг қўли очиклигини, унга кўб ҳожатмандларнинг ўрганиб қолганлиқларини яхши билар эди. Аммо Сафар бўзчи Султоналининг силлиқ муомаласидан хурсанд бўлиб, унга қарши ўзида дўстлиқ сизди. Бироз жим ўлтургандан кейин Сафар яна тилга келди:

– Барака топсин мирзам одамжон-да, одамжон; биздек фақирлар билан ҳам оғайни, сизлар билан ҳам шундай, барча баробар.

Бу сўз Султонали мирзонинг бояғи фикрига қарши сўзлангандек тушди. Сафар бўзчининг мирзо билан оғайнилик даввоси уни таажжубга солди.

– Шундай, шундай... Мирзо, сиз айтканча, барчага баробар йигит, – деди Султонали. – Нима касб қиласиз?

– Бўзчилик, тақсир. Лекин мирзам, сен бўзчисан, деб биздан ҳазар қилмайди, биз шунисига адо-да, тақсир... Бўлмаса гузаримизнинг оқсоқоли ҳам икки оғиз гапимизга қулоқ солсин-чи. Нафсамбир гап яхши-да, тақсир.

Сафар бўзчининг «нафсамбир» гапи Султоналини беихтиёр кулдирди.

– Тўғри айтасиз. Исмингиз нима?

– Биз деворнинг қавагида ётқан бир одам-да. Ўзимиз киму, исмимиз нима бўлар эди. Шаҳарнинг Олим қовоғи¹ эмасмизки, айткан он таниб олсангиз.

Султонали мирзо яна кулди, – «нафсиламр» гаплардан завқланиб, ул ҳам Сафар бўзчиға қарши ўзида яқинлик ҳис этди ва бироз ўйлаб турди.

– Исмингизни айтсангиз, балки мен танир эдим... Сиз бўзчи бўлсангиз, ўткан ҳафта мирзо Анварга бир сўз айткан эмасмиз?

– Айткан бўлсам эҳтимол; нега десангиз, қўл бўшағанда мирзамнинг зиёратига келиб тураманда.

– Сиз... Сиз мулла Абдурахмоннинг қавмларидан эмасмиз?

– Хе-хе-хе... Худда, тақсир.

– Агар янглишмасам, исмингиз Сафарбой чиқар?

Сафар бўзчи завқланиб, кайфланиб кулиб юборди:

– Мирзам айткан эканлар-да.

Султонали мирзо ҳам кулди ва кулги ораси латифа қилди:

– Сиз ўзингизни паст уриб Олим қовоқ эмасманки, отимни айткан он танисанг дейсиз, ҳолбуки, сизни ўрданинг мирзобошиси, шаҳарнинг кўрбоши, даҳбошиси ҳам танийдир.

– Тавба қиппан, тавба қиппан, – деди Сафар. – Мен ўз қадримни билмай юрган эканман-да.

Иккиси хангама сўқиб, бир неча пайт кулишдилар ва бир онда эски қадрдонлар ҳолиға ўтишдилар. Султонали уни «Сафар ака» деб хитоб қила бошлади ва мулла Абдурахмоннинг кейинги аҳволдан сўради. Сафар бўзчи мулла Абдурахмон-

¹ Худоёрға чет мамлакатлардан мол келтириб сотғучи машхур савдогар (Муал.).

нинг бўшатилаганидан хурсандлигини изҳор қилди ва унинг лаби гезариб юрганини сўзлаб, Султоналини кулдирди.

– Шунчалик холинг бор экан, думингга қумғон боғлашинг нима ҳожат эди, деб куламан. Эгри тўнкага – эгри тўқмоқ; мирзам хўб яхши қилганлар-да.

– Шундай, – деб кулди Султонали, – кишиларга энди нима дер экан, балки қулоғингизга чалинғандир?

Сафар бўзчи ўнг қовоғи устини силаб олди ва қўлининг текис ўсмаган тирноқларига қаради.

– Бу тўғридаги сўзини эшитканим йўқ-ку... Энди ўзи ёмон одам-да.

– Масалан, ёмонлиғи?

– Ёмонлиғи... – деб яна тирноғига қараб қолди, – ишқилиб, тақсир, шу одамни пайини қирқсам, дейди-да. Илгари холисанлилло душман бўлса, энди аламзада бўлди-да...

Сафар бўзчининг содда кўнглида яширинган сир оз-оз сиртига ҳам тепиб турар эди. Унинг – «...энди аламзада бўлди-да» жумласидан шубҳаланиб қолган Султонали жиддий тус олди:

– Мен мирзо Анвар билан бирга тураман, Сафар ака, – деди.

– Мирзо билан бизнинг орамизда ҳеч бир яширин гап бўлмайди. Масалан, сизни тусмол билан танишим, мулла Абдурахмон тўғрисида келиб айткан сўзингизни билишим...

– Мен буни билиб туриппан, тақсир.

– Билиб турган бўлсангиз, – деди Султонали ўпкалик қиёфатда, – нега мендан шубҳаланасиз?

– Йўқ, йўқ, ука, мен Худой ҳаққи...

– Бўлмаса, нега мулла Абдурахмон тўғрисидаги саволимга тузук жавоб бермайсиз?

– Мен айтдим-ку, ёмон одам-да, ўзи...

– Унинг ёмон одамлигини ўзим ҳам биламан. Аммо мени ҳам ёмон одам деб ўйлаганингиз учун... Хўб, ҳали мирзо Анвар келганда ўша мендан яшириб турган гапингизни сўзларсиз, мен шунда сизни уялтирарман...

Сафар бўзчи бирдан кулиб юборди ва қўли билан Султоналини яниб қўйди:

– Уят қилсангиз ҳам «нафсамбир»ини айтай, анча қув одам экансиз.

Бу содда баҳо Султоналини кулдирди:

– Сиз мендан ҳам қувроқ экансиз.

– Мен топқан гапимни мирзамни ўзига айтай, деган эдим-да.

– Албатта айтасиз, лекин мен ҳам эшитсам, зарар қилмайди. Хўш, «аламзада» нима қилмоқчи?

– Аламзадами? – деб кулди Сафар ва бироз ўйлаб турди. – Ўрдада турадиган бўлсангиз, анови катта гўзим муфтиларингиз бор-ку?

– Бор, бор: пул берсангиз ҳаром ўлган эшакнинг ҳалоллиғига фатво берадирган муфтилар. Хўш?

– Гапларингиз ҳам қизиқ экан... Ана шу муфтиларингиздан иккитаси ўткан кун домламизнинг ҳужрасига меҳмон бўлишди...

Сафар бўзчи ўткан фаслда ёзилган можарони бир-бир сўзлаб борди. Эшиткучи бўзчининг соддағина қилиб сир олишини кулиб завқланиб тинглаб турди.

– Боланинг сўзи кўб тутал келди, тақсир. Чамаси мирзам бир қизга уйланмакчи экан-да. Қизи қурғур чиройлиқ бўлса, қўйинг-чи, шу қизни хонга олдирмоқчи бўлганлар-да. Кишига алам қилгандан кейин ҳар бир куракни бемалол...

Султонали мирзо бу сўзни эшитиш билан бирдан ўзгариб кетди, кўзи катта очилиб, манглайида узун-узун ажинглари ҳосил бўлди:

– Туттилмаган гап... Хўш, сўзлай беринг-чи?

– Боланинг хуллас гапи шу, – деди Сафар ва бироз жим қараб турди. – Ҳа, ҳа, яна бир нарса ҳам бор экан: улар шуни мувофиқ кўрганларидан кейин – «бунинг давоси гулчин» деб айткан эмишлар. Мен боланинг бу сўзига ҳарчанд тушуналмадим. Бола янглишқанми ёки муллаларнинг шундай тожикиси ҳам бўладими, мен энди авом одамман-да, тақсир.

Султонали мирзо шу жумла устида ўйладими ёки бошқача бир андиша уни машғул этдими, баҳарҳол, бирар дақиқа чамаси сўзсиз хаёл суриб қолди. Сафар бўзчи эса, бу ҳолдан бад олиб, манглайини қашиди. Қашир экан, бармоқ ораси Султонали мирзонинг юзидан бир нарса ўқушқа тиришар эди.

– Улар қайси кун шу маслаҳатни қилган эдилар? – деб сўради Султонали мирзо.

– Ўткан кун, тақсир.

– Яъни орада кеча панжшанба ўткан?

– Бали, бали.

Султонали бошини чайқаб тебранди. Сўнгра мирзо Анварнинг кўкламга чиқиб уйланмакчи бўлганини, қиз эса, шу уйнинг боласи эканини, домлалар мирзо Анварнинг обрўсини тўкиш фикрига тушканликларини сўзлаб чиқди:

– Раҳмат сизга, Сафар ака, – деди Султонали. – Сиз мирзо Анварнинг обрўсига тўқунмоқчи бўлган бир ёмонлиқнинг хабарини олдиндан олиб келгансизким, мирзо Анварнинг бир дўсти бўлишим сифати билан сизга миннатдорчилик изҳор қиламан ва шунинг билан бирга бу хабарни мирзога билдирмаслигингизни, ҳозирча бу сирнинг иккимизнинг орамиздағина қолишини сиздан сўрайман. Негаки, мирзо Анварни бу хабар билан ташвишка солган бўламиз. Мирзога бу хабарни айтишдан илгари ошиғич равишда сиз билган ифлослар қаршисига чиқиб ишлашимиз, мирзонинг обрўсига тўқунадирган ёмонлиқни даф қилишимиз ва шундан кейингина бўлиб ўткан бу можарони унга сўзлашимиз керакка ўхшайди. Мен ҳозир мирзо Анвар қайтиб келмасданоқ, шу гап орқасидан бир жойга бораман... Борадирган жойимни сизга айтиб ҳам қўяй: «Давоси гулчин» жумласидаги «гулчин» сўзини бола янглиш онглаган, улар – «давоси Гулшан» деганлар. Зероки «Гулшан» сўзи бир хотуннинг исми бўлиб, бу хотун хонга чиройлик қизлар топиб бергучи ҳарам далласидир¹. Улар ўзларининг ифлос ниятларига шу хотун орқалиқ етмакчи, шу воситада мирзо Анвардан ўч олмоқчи бўлганлар. Фурсатни қочирмай, шу хотуннинг олдиға боришим керак. Гапка тушунган чиқарсиз, Сафар ака.

– Тушундим, садағанг кетай, тақсир.

– Гап шундай бўлсин; иш бартараф бўлғунча, бу тўғрида мирзога оғиз оча кўрманг, жон ака, – деди такрор Султонали ва ўрнидан турди. – Мен мирзо Анвар келмасдан жўнай, келса юбормайдир. Сиздан мени сўраса, бир киши чақириб кетди, дерсиз, дурустми?

– Хўб, мен ҳам сиз билан кетаберсам?

– Йўк, сиз ўлтуринг, меним дарагимни айтиб, уни хотиржамъ қилинг. Ундан кейин келаси жумъа албатта шу ерга келиб, мендан натижани эшитарсиз, мирзо билан учавимиз ўлтуришиб суҳбатлашармиз, маъқулми?

– Хўб.

Султонали хайрлашиб, ошиғич меҳмонхонадан чиқди.

¹ Далла – қўшмачи.

43. Чўлоқ қуш

Айвонда салла ўраб овора бўлган махдум йўлақдан «заифа» шарпасини олиб, танчада санама тикиб ўлтурғучи Раънога:

– Йўлақда хотун киши кўринади, хабар ол-чи, болам, – деди. Раъно йўлақда ярмисини кўрсатиб ёндама турган хотуннинг олдиға борди.

– Ассалому алайкум...

Хотун саломга жавоб бериб, йўлақ томонға ўтди ва Раънони ўз олдиға имлади. Ясамол, пўстун кийган бу хотун Раънонинг диққатини ўзига жалб этди. Бориб кўришди.

– Насиббекнинг ҳавлилари шу эмасми, отин қиз?

– Йўқ, – деб кулди Раъно, – биз Насиббекнинг қўшнисимиз.

Хотун бошдан оёқ Раънога қараб чиқди:

– Шўрим курсин, – деб қўл силкиди хотун, – мен адашиб сизларни овора қилибман... Кези келганда танишиб қўйганни айби йўқ, бу кимнинг ҳавлиси?

– Солиҳ махдумнинг.

– Мен адашмай кетай, жуда уят бўлибти-да, ҳали мен махдум поччамнинг ҳавлиларига кирдимми... Сиз кимлари?

– Мен... қизлари.

– Кўб яшанг, исмингиз?

– Раъно... Қани, бу ёққа.

– Раҳмат, Раънохон... Насиббекнинг уйи сизнинг қайси тарафингиздаги эшик бўлади?

– Сўлимиздаги биринчи дарбоза.

– Раҳмат, Раънохон.

Хотун хайрлашиш ўрниға, яна бироз Раънога қараб турди. Раъно бу ҳолдан ўнгғайсизланиб, ерга қаради. Хотун кулимсиб олгандан кейин, Раъно билан хўшлашиб орқасиға қайтди, ташқариға чиқиб, Сафар бўзчиға учрашди...

Раъно хотунни жўнатиб, ичкарига кирганда, махдум «зарурат» тўнини кийиб, ўзига оро берган ҳолда, айвондан тушиб келар эди. Хотуннинг ким эканини сўрагандан кейин, Раънога бу кунги рўзғор ишлари тўғрисида баъзи таълимотларни берди. Чунки Нигор ойим бу кун эрталаб қариндошларникига меҳмон бўлиб кеткан, Раъно уйда ёлғиз қолган эди.

– Онанг кеч қайтади, бинобарин, таомни барвақтроқ қилсанг ҳам бўлади... Ҳабба, таомни ўзинг билан Анвар акангга

лойиқ қил, мен бўлсам тўйдан албатта тўйиб келаман, онанг ҳам оч келмас, – деди ва бир неча қадам юриб, яна тўхтади. – Анвар акангдан, нима таом қилай, деб сўрасанг яхши бўлади, қизим!

Раъно отасига маъқул ишоратини бериб айвонга келди, маҳдум чиқиб кетди. Раъно айвонда бир неча вақт санама тикиб ўлтургандан кейин, ишини йиғиштирди, рафдаги китоблардан бирини олиб очди. Китоб устида ҳам анча шуғулланиб, бундан ҳам зерикди. Сўнгра ўрнидан туриб, ташқарига йўл солди. Боқча эшиги ёнига келганда, Анвар ташқарида ким биландир хайрлашар эди. Раъно эшик ёнида кутиб турди. Бироздан кейин Анвар ёлғиз қолиб, шу томонга – ичкарига қараб кела бошлагандек бўлди. Раъно кулимсиб ўзини эшик панасига олди.

– Ассалом.

Бир-икки қадам олдинга ўткан Анвар мулойимгина эшитилган «ассалом» сўзи билан чўчиб, ёнига қаради ва жуда ҳам қўрққан киши бўлиб атрофига туфлай бошлади.

– Жоним чиқиб кетди... Бу нима қилганинг, ҳой қиз!

– Буми, бу сизни чўчитканим.

– Хўш, нима қилиб юрибсан?

– Сизга ош қилиб берайми, деб сўрағали чиққан эдим.

– Отамдан сўра.

Раъно отасининг тўйга кетканини ва сўзини айтди. Анвар кулимсиди.

– Уч қават ҳавлида иккимиз ёлғиз қолсақ қандай бахт бу?.. Бўлмаса мен дарбозани занжирлаб келай.

– Ҳа... занжирлаб келинг...

– Нега аччиғланасан, яхши қиз, мен ичкари кирсам, меҳмонхонанинг ёлғиз қолишини ўйламайсанми?

Раъно истиғноланди.

– Мен сизни ичкарига таклиф қилғали чиқмадим, нима ош қилишни сўрағали чиқдим.

– Мақсадингга тушуниб турибман, аммо сен ёлғиз зерикмагил деяпман.

– Мен зерикмайман... Қандай ош қилай?

– Қайси хилини буюрсам экан? – деб ўз-ўзига савол берди Анвар. – Убрага уқувинг йўқ, паловни ланж қиласан, сомсани ёполмайсан, туппани кесалмайсан, сенга қайла буюргандан, атала қил деган яхши, чунки эзилтириб юборасан, манти

тўғрисида ўйлаш ҳам ортикча... Яна шу ҳолда қандай ош қилай, деб дўқ урғанинг қизиқ.

– Мен уқувсиз бўлсам, ўзингиз ош қилинг.

– Мен ҳам ош қилишни яхши билмайман, шунинг билан бирга дўқ ҳам урмайман, – деди Анвар. – Лекин икки ёрти-бир бутун бўлсақ, эҳтимол, яхши ош қилармиз... Сен бориб ўчоқ ҳаракатини кўрабер, сабзи-пиёз тўғрашни менга қўй, хўбми, яхши қиз?

Раъно жавоб бермади, ўпка намоиши остида ичкарига жўнади. Анвар кулги ораси ташқариға чиқди...

Раъно ўчоққа оловни ёқиб қозонни ювар, Анвар ўчоқбошининг суфасига энгашкан кўйи сабзи тўғрар эди. Раъно ҳануз ўпка сақлаб, Анварнинг саволларига жавоб бермас, унинг қизиқлик сўзларига ҳам тескари қараб кулар, кулгисини унга кўрсатмас эди.

– Хотун кишининг чархи билан ўчоғиға тегма, деган гап тўғри эмиш... Албатта, сен хотун киши эмассан-ку, бироқ «куллу шайъин яржиъу ила аслиҳи»¹. Сабзини майда тўғрайми, йирик? Бир бор эмиш, бир йўқ эмиш, ўткан замонда бир қиз бор эмиш: кўзига тутун кириб юм-юм йиғлаган эмиш. Сабабини сўрасалар, ўтун ҳўл эмиш, аммо қизнинг аччиғи хийли мўл эмиш... Тескари қараб кулма, ҳой қиз! Ўҳ, латта келтир, қўлимни кестим!

Раъно ялт этиб Анварнинг қўлиға қаради ва алданганини билиб, яна ўз ишида давом этди.

– Қўлингни кессанг ҳам бу қиз ишонмайди. Сочинг куяди, яхши қиз.

Раъно сочини орқасиға ташлаб, ўчоқбоши суфасига чиқди; қозонға ёғ солиб, Анварнинг олдиға гўшт билан пиёз келтириб қўйди. Анвар гўштни тўғраб, яна тегажаклик бошлади:

– Тўйинглар қачон, ҳой қиз... Жавоб берсанг-чи, ахир, агар насрни писанд қилмасанг, назм билан ҳам сўрай:

*Нағма унлари,
Баҳор кунлари,
Ишрат тунлари,
Етарми, Раъно?*

¹ Куллу шайъин яржиъу ила аслиҳи – ҳар бир нарса ўз аслиға қайтади.

Раъно секин илжайиб, Анварга ён қаради, сўнгра кўзини ўчоқ ёнидаги бир нуқтага олиб, ҳаракатсиз қолди.

– Насрга жавоб бералмаган, назмга... Ўзим ҳам қизиқман-да, – деди Анвар.

Раъно бир неча вақт бояғича ҳаракатсиз, Анварнинг пичингига илтифотсиз турди, сўнгра Анвар томонга бироз майл этиб илжайди:

*Кеча-кундузлар,
Кизарди юзлар,
Уятли сўзлар
Битарми мирзо? –*

деди ва орадан озгина фурсат кечириб яна:

*Ўчоқ бошидан,
Дўсти қошидан, –
Қараб Рошидан!
Кетарми мирзо? –*

деди ва шунинг орқасиданок:

*Манглайин қашиб,
Мендан ҳам ошиб,
Жавобим шошиб
Етарми, мирзо?!*

Анвар уст-устига тушкан қатор бу ҳужумлар остида шошиб қолди, байтларнинг қайси бирисига жавоб беришни билмай кулди.

– Лўли экан бу қиз! – деди.

Раъно ўчоқ ёнига чўнқайиб олов жўнашдиран экан, ер остидан Анварга қараб илжайди:

– Жавоб.

Анвар кулимсиган ҳолда ўйлаб қолди.

*Нозмидир ҳаё?
Билмадим, аё,
Гўзал, дилбаро.*

.....

¹ Кўқон туманида бир қишлоқ номи (Муал.).

Анвар охирғи мисраъни айталмай тутилиқди, чунки қофия топиш қийин эди. «Кетар, етар» вазник сўзлар қофия учун камбағал бўлиб, ўхшашлари тўрт-бештадан ошмас ва шулар ҳам Раъно томонидан олиниб биткан эдилар. Анвар ҳар қанча уриниб, кейинги мисраъга қофия тополмагандан сўнг Раънога қўшилишиб кулишди.

– Қушингизнинг боши билан икки қаноти бор, лекин оёғи йўқ.

– Қуш учун бош билан икки қанот кифоя, Раъно... Қуш учиб юрса, бас!

– Чўлоқ қуш кўкда учиб чарчагандан кейин дарахтка қўнолмайди, аммо ерга тушса мушук еб қўяди, – деди Раъно ва кулиб қотиб қолди.

Кучлик кулгидан Раънонинг кўзи ёшланиб, ўсиқ кипраги жуфтланди, кулги ва ўчоқ ҳарорати билан икки юзи қизил олмага айланиб, латиф бурни устида марварид резалари ҳосил бўлди.

Анвар ўзининг мағлубиятидан хафа эмас, Раънонинг ҳуснидаги ҳозирғи ажиб ўзгариш муваффақиятидан ўзини тутолмай кулгучи шоиранинг намойишкор хурсандлиги Анвар учун бир юз мағлубиятка арзирлик эди.

44. Қоп йўқотдинғизми?

Султонали мирзо «Қушбеги» маҳалласига келиб, бир дарбозага кирди. Қоронғи йўлақдан юриб бориб, ички эшикни тақирлатди. Ичкаридан «Ҳозир!» деган товуш эшитилгандан кейин бир неча қадам орқага қайтиб келди. Бироздан сўнг ичкаридан беқасам чопонини елкасига хом ташлаган, маҳсисиз оёғига сағри кафш кийиб, кўйлакчан баданини чопони билан ўраган қирқ ёшлар чамалиқ бир йигит чиқди ва Султонали мирзога салом бергандан сўнг, шошиб чопонининг енгини кийди, келиб кўришди.

– Марҳамат, тақсир.

Бу киши молтопар хотунни олиб, суяги тинчиб қолган Холбой – Гулшаннинг эри эди. Уйда эрта-кеч бекор ётиб, Гулшаннинг топиб келганига қаноат қилар, фақат ош пишириб, ҳавли супурар эди. Бошқа оилаларда хотунлар уй иши билан бўлиб, эркаклар кўча ишини қилсалар, Холбой аканинг оиласи тамо-

ман шунинг зиддига қурилган эди. Султонали мирзо Гулшаннинг ўрдага кетканлигини эшитиб, силласи қуруди, бир неча вақт фикрга толиб қолди.

– Ўрдага кетканлигини аниқ биласизми?

– Бундан чиқиб бир жойга бормоқчи эди, – деди Холбой, – агар иши битса, тўғри ўрдага кетмакчи, битмаса, уйга қайтиб келмакчи эди. Шу чокқача қайтиб келмагани учун ўрдага бордим, деб ўйлаб туриппан.

– Сиз ўша борадирган жойини биларсиз?

– Пайқолмадим, тақсир.

Султонали мирзо тинкаси қуруғандек орқасига тисланиб, йўлакнинг тоқчасига ўлтурди ва манглайини қашиди:

– Кеча янгамни ҳеч ким йўқлаб келдимиз?

Холбой бироз ўйланиб соқоли остини чимчилади.

– Йўқлаб келган экан, мен уйда йўқ эдим.

Султоналининг туси ўзгариб, бошини қимирлатиб қўйди, шипка, кўчага қаранди.

– Агар янгам келса, мени айтарсиз, мен яна қайтиб келаман... Уйдан силжимамай, мени кутсин, катта бир иш бор, дурустми?

Султонали мирзо Холбойдан ваъда олиб кўчага чиқди, илдам-илдам оёғ қўйиб, келган томониға йўл солди. Қинғир-қийшиқ кўчалар бўйлаб борар, кўчада кўринган ҳар бир хотунни текшириб оёғ босишиға қараб ўтказар эди. Бозорчаға етканда тевааракдан жумъа азони эшитилди. Кўчада дуркум-дуркум салла ўраган халқ масжидларга қараб оқар, ул эрса жумъани унутиб аллақаяққа чопар эди. Солиҳ махдум кўчасини босиб тўғриға ўтди, ўн қадамча юриб тўхтади. Бироз тараддудланиб турғандан сўнг, орқасига қайтиб, Солиҳ махдум кўчасига кирди. Дарбоза қия очилиб турар, ташқари кишидан холи, меҳмонхона қулфланган эди. Султонали мирзо боқча эшигида тўхтаб, тирқишдан мўралади. Хотун киши йўқлиғиға қаноатлангандан кейин, боқчаға қадам бости ва секин-секин юриб ичкари ҳавлининг эшигида тўхтади.

– Мирзо Анвар, ҳов, мирзо Анвар!

Чақирриш уч-тўрт такрорлангандан кейин, йўлакдан гурс-гурс оёқ товши келди. Султонали мирзо ўзини эшикнинг ёниға олиб, яна чақирди. Ичкаридан: «Йўқлар!» деган жавоб бўлди.

– Қаёқдалар?

– Жумъага кетдилар.

Султонали роҳат нафас олғандек кўришиб, кўзини эшик остонасига тикди:

– Сиздан сўраб кетсам ҳам бўлар, синглим... Шу ерга бир хотун келдими?

– Йўқ... Ҳа, боя бир хотун адашиб кирган эди, – деган жавоб бўлди.

Султоналининг кўзи олалиниб, пешонасида қатор ажинлар зоҳир бўлди.

– Адашиб кирди?

– Ҳа.

– Адашиб кирганига қанча бўлди?

– Боя, эрталаб.

Султонали бошини чайқади. Раънога раҳмат айткандан кейин, ташқариға қараб юрди. Кўчага чиқиб яна бояғича оёғини қўлиға олғандек, югуриб кетди. Ўрдағача бир ярим чақирим чамаси йўл бўлиб, ул бу масофани ўн беш дақиқа ичида бости. Ҳавонинг совуқ бўлишиға қарамай, манглайдан тер қуйған ҳолда ўрданинг биринчи дарбозасига келиб етди. Дарбозабонлар ёнида тўхтаб сўзлашди, манглай терини артиб, дарбоза суфачасига ўлтурди.

– Қоп йўқотдинғизми, тақсир, – деб кулди дарбозабонлардан бири.

– Ўхшаш... Жаноб жумъага чиқдиларми?

– Чиқмадилар.

Султонали мирзо дамани ростлаган каби бироз сўзсиз ўлтурди.

– Ҳарамга бирар хотун кирдими?

– Битта кирмади, – деб кулди дарбозабонларнинг бири. – Беш-ўни кирди чамаси...

Султонали унинг хангамасига кучланиб кулди, аммо яна оғиз очишға мажолсиз каби ўлтуриб қолди. Чунки, энди мундан нарига югура олмас, қўли шундан ортиқчаға етмас эди. Кўзини ерга тикиб, икки соатдан бери қилган ҳаракатларининг шамолға кетканини хотирлади. Абдурахмон ва шериклари ўзларининг ифлос мақсадлариға етмасалар, деб энтикди, айниқса мирзо Анварнинг душманлари олдида обрўси тўқулиши унга оғир туюлди. Бу оғирлиқнинг устига Абдурахмон тўғриси-

да қилған ўзининг худраъйлигини¹ хотирлағач, яна ҳам кўнгли гаш тортди. Бу жиҳат билан гўё ёмонлиқнинг бош омили Султоналининг ўзи бўлиб чиқар, «Агар мен Абдурахмонни ўрдадан чиқариб юборишқа исрор этмасам, мирзони бу ишка мажбур қилмасам, балки бу адоватлар бўлмасмиди?» – деб ўйлар, Анварнинг таъна қилмаслиғини билса ҳам, яна маънан эзилишини, унинг юзига қаролмаслиғини чамалар эди. Андишаси шу жойга еткандан кейин ўрнидан турди, дарбозанинг кичкина эшикчасини очиб, ичкарига кирди. Тўғри йўлни қўйиб, қор остида босилиб қолган собиқ гулзорлар ичи билан айланиб юрди. Ички ўрда қўрғонлари остида яроғлиқ йигитлар айланиб турар эдилар. Султонали мирзо юра-юра ўрданинг чап муюшига, қоровул йигитлардан бирининг яқиниға етиб, у билан сўрашди, бир-икки оғиз сўзлашиб, ўрданинг шарқиға юзланди. Бундаги дарбоза беклари билан борди-келди айтишиб: «Жумъа кун нима қилиб юрибсиз?» – деган саволга: «Бу кун жаноб кўнгил очмоқчилар, деб эшиткан эдим» – жавобини берди. Булар ёнида ҳам бироз ўлтуриб, яна кўзғалди, ўрданинг шимол қисмиға ўтди. Ҳарам ва хон оиласига махсус янги дахма теварагида уч-тўрт нафар қора қулчалар ичида Ўрмонбек ўқ ўйнаб юрар эди. Султонали мирзо дахмага қараб борди, «кичкина хон»ға таъзим қилгандан сўнг, дахманинг бир чеккасига ўлтуриб, Қуръон ўқуди. Аммо кўзи ўйнаб юрган болаларда, тили қироатда эди. Фотиҳадан сўнг қорихонанинг айвон муюшига чўнқайиб, болаларнинг ўюниға томоша қилди. Ўрмонбек камончага ўқ қўйиб отар, ўқлар кўкка кўтарилиб турли масофага бориб тушар, қулчалар отилган ўқларни териб келиб Ўрмонбекка берар эдилар. Отилган ўқлардан бири Султоналининг оёғи остиға келиб тушти. Султонали энггашиб ердан ўқни олди, ўқнинг уринган патини тўғрилаб ўлтурди. Шу ҳолда қулчаларнинг бири югуриб етди. Гап-сўзсиз ўққа қўлини узатқан эди, Султонали қулчанинг бўйи етмайдиган қилиб қўлини юқори кўтарди.

– Ўқни беринг, ака, тақсир қафа бўлати!

Султонали ҳазиллашкан бўлиб, ўқни юқорида кўтариб тураберди.

– Сен Гулшан опани танийсанми?

¹ Худраъй – ўжарлик, ўзбилармонлик.

- Танисам не?! Беринг ўқни!
- Шошма, хувари, Гулшан опа бу кун ҳарамга келдимми?
- Келса не?..
- Ўқ ўйнаб бўлгандан сўнг Гулшан опани менга чақириб бер, дурустми?
- Қўп.

Султонали ўқни қулчанинг қўлига ушлатди, аммо яна қўйиб юбормай қўрғон ости билан юриб турган йигитларга қаради...

- Аниқ чақириб берасанми, ўғлим?
- Қўп дедим-қув.
- Мени танийсан-а?
- Сизни? Сиз мирзо – тақсир.

Султонали ўқни бериб юборди. Қулча югуриб Ўрмонбек ёнига кетди. Султонали қўрғон остидаги йигитларга кўз қирини ташлаб, уларни ўзидан парвосиз топди. Чунки унинг ҳозирги иши, яъни бола орқалиқ ҳарам билан алоқа тутиши қўрқинчли саналар, башарти бу хил гап сезилиб қолса, катта фалокатларга ҳам сабабчи бўлар эди. Ўрмонбек яна бироз ўқ отқандан сўнг, зерикиб, камончани ерга ташлади ва ўзи ҳарам дарбозасига қараб жўнади. Қулчалар ҳам уни таъқиб этдилар. Султонали мирзо болаларни ҳарамга киргизиб, қабрларга яна «фотиҳа» ўқуди ва секин-секин орқасига қайтди.

45. «Фотиҳа – муҳри Худодир»

Маҳдум чувирлашиб ўқуб ётқан болаларга тўхталиш ишоратини бериб, ўзи ирғиб ўрнидан турди ва шошқанча мактабхонадан чиқиб, саҳн ўртасида турган икки нафар машҳур беклар истиқболига югурди. Улар билан энггашиб кўришкандан сўнг, бориб меҳмонхона эшигини очди.

– Марҳамат, тақсирлар, марҳамат!

Маҳдум бу қадар шошиб қолишга ҳақли эди. Чунки, келгучиларнинг ҳар иккиси ҳам хон ёнида мўътабар ва ҳамиша унга мусоҳиб¹ беклардан эдилар. Улар меҳмонхонага кириб ўлтургандан кейин, маҳдум ўрнидан туриб, қўл қовуштирди ва «хуш келдилар!» – деди. Меҳмонлар ҳам маҳдумнинг ҳурматига қўзғалишиб қўйдилар.

¹ Мусоҳиб – суҳбатдош.

– Начук Худо ярлақади, тақсирлар? Ғарибхонамизни муборақ қадамларингиз билан мунаввар этканларингиз учун ҳазорон раҳмат.

Беклар махдумга ташаккур айтдилар. Абдурауф тунқотар ҳамроҳига қараб олгандан кейин «ташриф» сабабига тил очди:

– Жаноби пушти паноҳ бизни зиёратларига буюрдилар, сизга улуғ меҳрибонлиқ ато қилдилар.

Махдум жойидан кўзғалиб ўлтурди, аммо «жаноб»нинг «марҳамат»ларига тушуналмай шошди. Тунқотарнинг сўзига Муҳаммад Шариф дастурхончи изоҳ берди:

– Ҳар кимса ҳам пушти паноҳнинг марҳаматларига лойиқ кўрила олмайди. Пушти паноҳ ўзларини домодликқа чоғлаб, бу башоратни бизлар орқалиқ сизга етқаришқа амр қилдилар...

Махдум бояғидек яна кўзғалиб олса ҳам, аммо товши чиқмай, сукутка кетиб қолди.

– Тақсиримда ожиза борлиғини пушти паноҳ эшиткан эканлар... – деди тунқотар. – Мирзо Анвар каби донишманд етиштирган киши оқила ва жамила¹ қиз ҳам тарбия қилмаганмукин деган андишага борибдирлар... Шогирдингизга қилган марҳаматни жанобингиз ва каримангиз учун ҳам дариг тутмаслик ниятида, бизни хизматингизга буюрдилар. Албатта, бу марҳаматнинг нечоғлиқ улуғлиғини сизга сўзлаб ўлтуриш ҳам ҳожат эмас.

– Қуллик, раҳмат, пушти паноҳнинг давлатлари зиёда бўлсин, – деди махдум узоқ сукутдан бош кўтариб. – Бир эмас, юз қизимиз бўлганда ҳам жанобнинг канизликларига назр қилиш вазифамиз эди. Аммо камина ва ожизамизда бир қанча гуноҳлар, нуқсонлар, узрлар бор, тақсирлар.

– Беайб парвардигор, – деди тунқотар. – Банда ҳамиша маъзур ва хатоликдир, тақсир.

Махдум бош ирғатиб бироз сукутда ўлтурди, сўнгра кўзини тунқотарнинг тиззасига тикди.

– Жанобларига ожизона арз... Аввало камина ожиз, нота-вон, афтодаҳол; пушти паноҳ жиҳатларидан содир бўлган улуғ марҳаматка сазовор ва лойиқ эмасдирман; сониян – ожизамиз олампаноҳдек улуғ зотка ҳамхоб бўлмоқ учун кофий тарбия олмаган бир қулбаччадир. Бас, биз шу кайфиятда онҳазратнинг меҳрибонлиқларига арзирму, тақсирлар?

¹ Жамила – чиройли, гўзал.

– Пушти паноҳнинг сизнингдек аҳли илмларга қаратилган дарё марҳаматлари арзитар, тақсир.

Тунқотар бу марҳаматнинг беҳад улуғлигини шарҳ қилиб кетди. Махдум бир неча фурсат сукутда ўлтургандан кейин, тунқотарнинг муболағаларига бош ирғатиб қўйди.

– Шак йўқ, шак йўқ, мен онҳазратка мусалламман¹ ва лекин... ва лекин бир узри фақирни андишага қўядир: ожизани бир важҳ билан мирзо Анварга ишонтирған эдик... мана шу масала каминага бироз мушқил келади...

Бу сўздан тунқотар дастурхончига қаради, дастурхончи қўл силкиб кулди:

– Ҳеч боки йўқ, – деди дастурхончи, – мирзо Анвар пушти паноҳнинг ўз кишилари, бу хабарни мирзо эшитса, шубҳасиз, сўюнадир.

– Иншооллоҳ.

– Биз бориб онҳазратка жанобингизнинг дуонгизни эшитдирамиз: хусни қабулингизни, ижобатингизни уқдирамиз... Жанобнинг хурсанд бўлишларида шубҳа йўқ, тақсир, – деди дастурхончи ва бошқа сўзга йўл қўймай; ҳатто кейинги масалаларга ҳам келиб етди. – Тўй фурсатини таъйин қилиш албатта, онҳазратнинг ихтиёрларига... Қани, тунқотар, фотиҳа қилайлик, фотиҳа – муҳри Худодир!

Тунқотар фотиҳага қўл очди, махдум саросима ҳолатда уларни таъқиб этди. Фотиҳадан сўнг «совчилар» ҳеч нарсага қарамай қўзғалдилар. Ўн беш дақиқалиқ бу ҳодисадан махдумнинг мияси шишди, ҳатто айтишқа чоғлаб турған муҳим бир сўзини ҳам унутди. Уларни дарбозага кузатиб чиқар экан, мазкур йўқотиб қўйған муҳим сўзини хотирласам, деб кучанар эди. Беклар билан хайрлашар чоқдагина бирдан «ҳабба» деб юборди. Унинг совчиларга айтмакчи бўлған сўзи ҳақиқатан муҳим, яъни бу воқиъа хабарини Анварга шу беклар воситаси билан етказиш эди. Улар бу илтимосни маъалмамнуният қабул қилдилар, мирзога ётиғи билан сўзлаб, махдумнинг маъзур қолғанлигини унга уқдирмоқчи бўлдилар.

Махдум «улуғ меҳмонлар»ни жўнатиб, меҳмонхонага қайтиб келди. Мияси ҳануз тузукрак муҳокамага қобил эмас, кутилмаган бу ҳодиса ўзи учун фойдалиқми, зарарлиқми – имти-

¹ Мусалламман – хоннинг ихтиёрларидаги одамман.

ёз¹ қилолмас эди. Анварни аяғанлиқми ёки ундан уялғанлиқми, баҳарҳол, кўнглида бир хил ғашлиқ, чигаллик бор эди. Муҳокама ҳар турлик: тўйни илгарироқ қилиб қўйсақ бўлар экан, деб ўйласа, иккинчи тарафдан, «хонға падари аруслик»² масаласи ораға кўндаланг тушиб, яна фикри чувалиб кетар эди. Бир тарафдан Анвар, иккинчи тарафдан хон... Шу йўсун, фикри бир йўлда тинолмай гангиган ҳолда меҳмонхонани ёпиб чикди.

Маҳдумни мактабхона эшигида кўрган болалар чувирлашиб сабоқ такрорлашка тутиндилар. Лекин маҳдумга ҳозирғи чувур-чувур ёқмади; унинг учун ҳозир тинчлик, кутилмаган ҳодисанинг ўнг-терсини ўйлаш керак туюлди. Маҳдум мактабга кириб ўз ўрнига ўлтургач, болаларни тўхташға буюрди. Болалар жим бўлгандан кейин «озод!» деб юборди. Болалар домлаға салом бериб, бир онда мактабхонани бўшатиб кетдилар. Маҳдум дарс ўрнидан кўзгалмай яна ўйлаб қолди.

Анвар тўғрисидағи кўнгил ғашлиғи бир турлик бўлса ҳам, бошқа тарафдан анчагина яхши умидлар туғулиб қолдилар. Хонға қайин ота бўлиш эл қошида кичкина гап эмас эди. Қалин тўғрисида подшоҳ-куявдан кўп маблағ кутилса бўлар эди. Агар Худо ўғул набира ато қилса, Худоёрнинг тахт вориси бўлиш эҳтимоли ҳам бор эди... Тўйнинг кейинга силтаниши эса, тақдир иши; Раънонинг тақдири хонға битилган, шунга биноан Анвар тўйни кейинга силташқа, биткан ишни йитиришқа³ мажбур эди... Яна шу ҳолда ва шунча янги умидлар ичида кўнгилдан ҳалиги ғашликни, ўзига номаълум илинжни ювиб юбора олмади. Яна биров шу тўғрида қийналиб ўлтургач, Анварга қарши ўзида бир аччиғ сизди: «Тўйни кўкламга қўй, деб унга ким айтди? Бу ўзи ҳар ишда ҳам суст қадам. Энди, хон сўратқандан кейин рад қилишға кимнинг ҳадди бор!» – деб кўнглидан кечирди. Шундан сўнг ул озғина тинчиди, яна бир мунча фикрланиб ўлтургандан кейин кўз ўнгига қалин учун бериладирған бир саноч⁴ олтин, эл қошидағи обрў, энг охирда Худоёрнинг тахт вориси бўлган хонзода келиб кечдилар. Ўзини эл сўраб турған ёш хон ёнида кўриб, илжайди...

¹ Имтиёз қилмоқ – фарқламоқ.

² Падари арус – қайнона.

³ Йитмоқ – йўқ қилмоқ, барбод бўлмоқ.

⁴ Саноч – тери тўрва, идиш.

Шу йўсун махдум ўзини босиб олди, кўкдан тушкандек бу совчиликни ўз истиқболнинг хайрлик фоли, файзи илоҳий, деб қувонди, ҳануз кўнглини ғаш қилиб турган Анвар масаласини хотирига келтирмасликка, «хаёли фосид»¹дан қочишқа қарор берди. Махдум шуни ўзига маъқул қилгандан кейин бошқа кишилар андишасини, айниқса, уйдагилар раъйини ўйлаб турмади. Ўзича саодат бўлиб кўринган бу фожиъа хабари билан Нигор ойимни эсанкиратди, йиғлатди. Раъно эрса танчада ўқуб ўлтурган Хайём рубоиёти устига ҳушсиз бошини кўйди.

– Ўн йиллаб бизга кийдирган, едирган бечора Анварга оқибатимиз шу бўлдимми! Шўрлик Раъно бир юз хотун ёнига юз биринчи кундаш бўлиб борадимми? – деб йиғлади Нигор ойим.

Раънонинг ҳозирги аҳволини биз ёзиб ўлтурмаймиз. Аммо махдум уларнинг ҳар иккисини аҳмоққа чиқариб, ўзи «оқиллар» қаторига ўтди.

46. Йигит!

Маълумки, кеча Султонали мирзо қул болага Гулшанни чақиришни таъйинлаб, ўрдадан чиққан эди. Шу чиқишда ўрда атрофидан силжимамай, кечгача Гулшанни кутди. Аср намозидан бироз кейинроқ ўрдадан уч-тўртта хотунлар чиқдилар, буларнинг орасида Гулшан ҳам бор эди. Султонали мирзо хотунлар билан сўрашиб (чунки ўрдага алоқалиқ хотунларнинг ҳаммаси унга таниш), Гулшанни четка чақирди, унинг билан сўзлашиб иш қўлдан кетканлигини ва душманларнинг яна бир ифлос найрангларини онглади. Шундоғки, Гулшаннинг ёнига борғучи мулла Абдурахмон, гўё ўзини Солиҳ махдум тарафидан юборилғучи қилиб кўрсаткан. Ҳатто мулла Абдурахмон орқалиқ Солиҳ махдум, қизимни хонға махтасин, деб Гулшанга бир неча тилло пул ҳам бериб юборган эмиш...

– Мен қиз топишни икки-уч ойлاردан бери ташлаб юборган эдим, – деди Гулшан, – кишининг ҳожати чиқсин, дедим. Кейинчалик ўзимга гап тегдирмаслик учун аввал бориб қизни кўрдим; қизни ёқтирғанимдан сўнг не андишалар ичида хонға келиб арз қилдим... Мен у қизнинг мирзо Анварга айтдирилганлигини, ўртада адоват борлигини туш билайми, Султонали ака... Энди иш ўтди, мен хоннинг олдиға кириб, кечаги

¹ Хаёли фосид – бузуқ хаёл.

сизга махтаган қизим фалон экан, деб айта олмайман. Мирзо Анвар уйланадирган бўлса, мен кўриб қўйган яхши қизлар бор, айбонам¹ учун мирзо Анварга мен бошқа бир қиз топиб берай.

Султоналининг тарбузи қўлтуғидан тушиб, Абдурахмон ва шерикларидан ғижинган ҳолда Гулшан билан хайрлашди. Бутун кун зир югуриб юрганига эмас, ифлосларнинг ғализ муваффақиятига чидамас эди. Бу чучмал адоват билан ингичка табиъатлик Анварнинг не кайфиятка тушишини тасаввур қилолмас; ит феъл, қадр билмас хонга аччиғ қилиб, мирзолиқни ташлаб кетмаса, деб кўрқар эди.

Гулшан айтканча, иш ўткан, гап мазмунича, албатта хон Солиҳ махдумга куяв бўлмай қўймас, ҳозир бунинг қаршига бирар тадбир топиш жуда қийин ва бу хабарни Анварга айтиш-айтмаслик масаласи ҳам яна оғир. Султонали мирзо бу гапдан Анварни хабардор қилиш ва қилмаслик тўғрисида кўб ўйлади. Қанча мулоҳазалардан кейин уни хабардор қилишни маъқул кўрди. Чунки юзда тўқсон тўққузга қарши бир эҳтимолгина бу фожиъанинг бўлмай қолишлиғи тарафида эди. Анварни хабардор қилса, эҳтимолки, унинг ўзи бирар чора топар ёки масала Султонали ўйлаганча унинг учун аҳамиятлик бўлиб чиқмас, башарти аҳамиятлик бўлганда ҳам фожиъани кутиб, ўзини босиб қарши олиш ногаҳонийсига қараганда хийла енгил кўчар эди.

Султонали эрталаб уйқудан туриб, намозни ўқуди, болалари ёнида чой ичмай, Солиҳ махдумнинг ҳавлисига қараб кетди.

Меҳмонхонада ўрдага кетмакчи бўлиб турган Анвар Султоналини ранжиб қарши олди:

– Шундай ҳам иш бўладими, кеча нега мен келгунча кетиб қолдингиз?

– Бирав чақириб келди-да... Мен ўз ўрнимга Сафар акамни ташлаб кетдим-ку.

Анвар ўпкалик илжайиб, ундан чой ичкан-ичмаганлигини сўради. Султонали гўё ўзини шу яқиндағи қариндошлардан бириникида қолган ва шунда нонушта қилиб, йўл устидан Анварнинг олдига кирган каби кўрсатди. Иккиси биргалашиб йўлга тушдилар. Кўчада йигирма қадам чамаси боргандан сўнг, Анвар кулимсиб Султоналининг кўзига қаради:

– Кеча бизнинг ҳавлига кимни сўраб келдингиз?

¹ Айбона – зарар учун тўланадиган жарима.

Султонали манглайини қашиди:

– Мен чақириб келганда, сиз уйдаминдигиз?

– Мен уйда эдим, – деб кулди Анвар ва бироз жим борди. – Мен уйда бўлмасам ҳам, уйдагилар сизни таниганлар. Уйдан шу хабарни эшитиб, кечадан бери таажжубка тушдим... Хўш, сиз сўраган хотун ким? Ўзи нима гап?

– Арзимаган гап...

– Қани?

Султонали масаланинг қулай кўчишидан енгил тортиб, бироз сўзсиз борди.

– Кулги гап... Сизга бироз тегишлиги бўлса ҳам арзимайдир... Арзимаса ҳам?

– Гапуриг... Сизнинг келиб юрганингизни эшитканимдан бери анча ташвиш чекдим.

– Сизга бир сўзни айтиб ҳам бўлмайди, – деб кулди Султонали, – игнани туюдек, хасни харидек кўрасиз.

– Менми? Хайр, дунёни сел ювса ҳам тўпуғимга чиқмасин, сўзлангиз.

Султонали ҳикояни Сафар бўзчидан бошлади. Лекин жиддий эмас, ярим жиддий қилиб мулла Абдурахмон ва муфти бечораларнинг ақлига гўё шундан бошқа пастлик ва масхарароқ фикр келмаган, шу қадар аҳамиятсиз, тубанлиқ билан гўё ўч олмоқчи бўлганлар руҳида сўзлаб борди. Анварнинг бир неча кундан бери ўзи тушунмай чеккан ташвиши, кўнгил ғашлиғи ҳақиқатка айланиб борса ҳам, Сафар бўзчининг болани алдаб йўлга солишидан, сир олишидан ва Абдурахмонларни камситиб, масхаралаб қилинган ташбихлардан кўб ўрунда кулиб, Султонали мирзога енгиллик берди. Сўз Гулшан билан учрашиш ва ундан олинган жавобка етканда, Анварнинг туси ўзгариб, кипрак остлари учиб кетди. Аммо кутилмаган равишда яна совуққонлик сақлади.

– Зарари йўқ, – деди Анвар бир хил вазиятда қўл силтаб. – Мен улардан бу хилда ифлослик вужудга келишини тасаввур қилмаган бўлсам ҳам, лекин ҳарҳолда адоват куткан эдим... Зарари йўқ, Султонали ака.

Султонали Анварнинг товуш оҳангидаги ўзгаришга эътибор этмаган бўлса керак, ҳануз бояғи ярим жиддий руҳидан силжимади.

– Саллалик эшакларнинг диринглаши оғилхонағача... Улар мирзо Анвар уйланмакчи бўлган қизни хонға тўғрилаб, шунинг

билан гўё ўч олмоқчилар. Мирзо Анвар хотунсиз қолсин, демакчи-да бу аҳмоқлар. Ҳолбуки, бутун мамлакат қизлари мирзо Анвар учун соч тарайди. Агар сиз хоҳласангиз қозикалон ёки домла шоғовул ва шулар сингари калонполарга куяв бўлолмайсизми? Кесак отиб арслонни енгмакчи бўлган галварсларнинг ишига кулгим қистайдир...

– Зарари йўқ...

– Раҳмат, Анвар. Мен сизнинг баъзи тўғриларда юрагингиз кенглигидан аччиғланар эдим... Дарҳақиқат, ўйлаб қарасам, юрак кенлиги ўзи бир фазилат эмиш... Бундан бошқа маъно онгламангиз, Анвар. Муфти кабиларнинг паст, бачкана адоватининг киши қитиғига тегиши бўлмаса, сиз ва дўстларингизча ҳам қиз оти деган топилмайдирган матоъ эмас.

– Албатта.

Анвар ўзини фавқуллода текис ушлаб борар, ҳозир унда бояғи ўзгаришларнинг ҳеч бириси ҳам кўринмас эди. Султон-али мирзо бу бемаза гапни Анварнинг кўнглидан чиқаришқа тиришиб ҳалигидек юпатишларни оғзидан қўймас, эшиткучи эса қисқагина жумла билан унинг фикрига қўшулар ёки илжайиб, тасдиқ ишорасини берар эди. Иккиси бирга девонга кирдилар. Ишка илгарироқ келган мирзолар ёзув билан машғул эдилар. Анвар мирзолар билан саломлашиб сўрашди, ҳатто ҳеч гап бўлмаган каби Шаҳодат муфтилардан ҳам аҳвол ва соғлиқ сўради. Муфтиларни кўриши ҳамано нафрати жунбушка кирган Султоналининг бу ҳолдан таажжуби ортиб Анварга қаради ва кўнглидан «йигит» деган сўзни кечирди. Султонали айтканча, шубҳасиз, бу йигитнинг кўнгли ёлғиз муҳаббаткагина эмас, муҳаббатдан ғайри фазилатларга ҳам қобил эди.

Султонали мирзо ҳам нариги хонадан Анварнинг ҳузурига ўткан Шаҳодат муфтилар қаторида ўлтуриб ишлар эди. Анвар бу кунги нома ва аризаларни йиғиштириб удайчига топширди, девоннинг ўзига тегишлик бўлганларини мирзолар орасида тақсим қилди. Ҳар ким ўз вазифасига берилиб, ораға жимжитлик кирди. Фақат бу тинчликни савоғич қаламларининг қоғоз устида қириллаши ва гоҳо букланган қоғозларнинг шалдираши бузар эди. Шу ҳол бир соат чамаси давом эткандан сўнг, онда-сонда сўз ҳам кўзғалди. Анвар ҳузуридегилардан Шаҳодат муфти қоғоз-қаламни ёнига қўйиб сандалда исинди.

– Мулла Наврӯз кӯб паст одам-да, – деди муфти, – унинг иши кечадан бери менга ажаб таъсир қилади-да...

– Паст, паст, – деди Калоншоҳ.

Султонали Анварга қараб қўйди. Анварнинг эса кўзи ёзувда эди.

– Шунча кишининг илтижосини ерда қолдириши ўзи ярамаслиқ... Қазоси етиб ўлган экан, келиннинг молига нима дахлинг бор? Бу одамият эмас-да.

– Паст кишида одамият нима қилсин.

Султонали кулимсираб, бир-икки қайта муфтиларга қараб олди.

– Уйингга икки тарафдан шунча одам йиғилди, сўзга кирмай, уларни овора қилдинг, лоақал бир лаган ош билан уларни жўнатсанг, ўлиб қолармидинг... э, ҳайф сендек мумсукка!¹

– Мен ҳам мулла Наврӯзни бунчалик билмас эдим, – деди Калоншоҳ, – одамиятни еб қўйган киши экан.

Султоналининг ранги ўчиб, қовоқ остлари пирр-пирр уча бошлаган эди.

– Қизиқ баҳсни қиласиз, – тақсирлар, – деди бирдан Султонали, – шу замонда одамият қолдими? Агар озгина андиша қилиб кўрсак, сиз ҳам, биз ҳам одамиятни пок-покиза еб қўйган чиқамиз. Бу замонда ўзгани қўя туриб, ҳатто ўзларингиздан ҳам одамият кутмасангиз бўлади, тақсирлар!

Юраги тор – асабий Султоналининг бу сўзи «ширин суҳбат» устидаги муфтиларни ҳайрон қилиб қўйди. Анвар Султоналига қараб унинг кўзини учраталмади. Чунки ул ҳалиги сўзларни айтиб, қўлидаги таҳрирга берилган эди.

– Сиз ажаб одамсиз-да, Султонали, – деди муфти. – Биз нима деяпмиз-ку, сиз нимадан ўтлайсиз.

– Сизлар одамиятдан баҳс қилаётибсизларми, ахир? Мен ҳам бу вақтда одамият йўқлиғидан зорландим-да...

– Сизнинг сўзингиз ажаб, Султонали. Сиз бизнинг одамиятимиз йўқлигини бир жойда кўрганмисиз ёки димоғингизга футур етиб қолганми?

Анвар Султоналининг кўзини учратишка урунди, аммо Султонали муфтиларга юз ўгуриб ўлтурди.

– Сизларнинг одамиятингиз йўқлигини ҳеч бир жойда кўрганам ва эшитканим йўқ, албатта, – деб заҳарханда қилди Сул-

¹ Мумсук – ўтакетган хасис, бахил, зиқна.

тонали. – Аммо ҳозир ўз нафсимдан бир ҳисоб олиб кўрсам, ҳатто шу ҳафтанинг ичидаёқ неча жиноятка иртикоб¹ қилганман. Шунинг учун ҳам бояғи сўзни айтдим-да. Йўқса, меним ким билан қанчалиқ ишим бўлсин, тақсирлар...

Муфтиларнинг ранги бўзариб, иттифоқлашқандек Анварга қараб қўйдилар ва Султоналидан зорланғандек бош чайқадилар.

– Султонали ака, – деди Анвар зорланган оҳангда, – тақсирларим айтканча, димоғингизга бироз футур етканга ўхшайдир: шундай гаплар нима ҳожат, нима алоқаси бор? Тинчкина ишингизга қарасангиз-чи, Худо хайр берсин.

Сўнгра Анвар муфтилар томонга кулимсиб, Султоналининг гапига аҳамият бермасликка ишорат қилди. Шаҳодат муфти бир нарсаларни айтиб ишига қаради. Султонали ҳам кулиб, гўё Анварга итоат қилғандек, сўзсизгина қаламини қўлига ушлади. Ҳар ким ўз ишига қараб, орада яна бояғича тинчлик бошланди.

Кечка томон мирзолар тарқалишиб, орада Султонали ва муфтилар ҳам бирин-сирин чиқиб кетдилар. Энг сўнгра қолиб қўзғалган Анвар девонхона даҳлизидида тунқотарга учрашди. Тунқотар Анвар билан ҳазиллашқандек, унинг қўлидан ушлаб ичкарига – девонга бошлади. Ичкарига кирдилар.

– Хизмат, тақсир?

– Хизмат шуки, – деб кулди тунқотар, – сизнинг устингиздан бир ўктамлик қилинди.

– Яхши... Эшитсам бўладими?

– Жаноб бу кун бизни устозингиз Солиҳ маҳдумникига қулчиликқа юборган эдилар. Бориб эшитсамиз, фотиҳа сизга бўлган экан... Биз қиблагоҳ учун кечарсиз, деб ўйладиқ...

Анвар бу захарлик сўз билан илон каби тўлғаниб олса ҳам, бутун кучини сарф қилиб, сир бермасликка тиришди.

– Атиги шу гапми?

– Шу гап, мирзо Анвар.

– Арзимаган гап... Буни мендан сўрамасангиз ҳам бўлар эди.

– Раҳмат, мирзо, мен сизнинг бу садоқатингизни жанобга сўзлайман.

– Йўқ, йўқ, – деди Анвар бош чайқаб, – зинҳор гапирманг, зинҳор.

¹ Иртикоб – машғул бўлиш, қўл уриш.

– Нега ахир, нега? Жаноб ҳам ўзларининг содиқ кулларини таниб қўйсинлар-да.

Анвар мажхул оҳангда кулди: «Айтманг, мен хоҳламайман» – деди яна. Иккиси биргалашиб девондан чиқдилар.

Хаво текис қорамтил булут билан ўралган, Қўқоннинг машхур шамоли қанот ёйган эди. Қорамтил булутлардан куйирокда олақарғалар қанот қимирлатмай саёҳат қилар ва онда-сонда ёмғур қатралари томчилар эди. Шу вақтда кўпрук ёнига келиб тўхтаган Анвар қаёққа бориб ётсам, деб тараддудланди...

47. Очиқ хат

Шом намозини ўқуб қайтқан маҳдум меҳмонхонанинг эшигини очиқ кўрди. Унинг келганлигини фаҳмлаб, тўғри ичкарига ўтди. Бироздан кейин товоқда ош кўтариб Нигор ойим чиқди. Йиғидан кипраклари терилиб, чуқур андиша ичида бошини қўйи солган эди. Нигор ойим кирганда Анвар чароғпояга шамъ ёқар эди. Нигор ойим дастурхон ёзиб, товоқни Анварнинг олдига қўяр экан, бирдан пиқ-пиқ йиғлаб юборди. Анвар хайрон бўлиб қолмади, йиғи сабабига тушунди.

– Нега йиғлайсиз? Такдирни ўзгартириб бўладими? Хафа бўлиш яхши эмас, сиз шундай бўлсин деганмидингиз...

Нигор ойим жавоб қайтармади, йиғлаган қўйи меҳмонхонадан чиқишга ошиқди. Анвар ошдан бир-икки луқма олиб, қўлини артди, сандал кўрпасини бағрига тортиб, кучли ва узун тин олди.

Чароғпоядаги шамъ бедиллар юрагидек титраб, меҳмонхонани аранг-аранг ёритар, шамънинг титроғи билан кўзини бир нуқтага тиккан Анварнинг ҳозирги хаёлчан юзи ҳам қалтирагандек кўринар эди. Меҳмонхона тип-тинч, фақат бу тинчликни ташқарида ёққан ёмғурнинг кучсиз шитирлаши, ўқтин-ўқтин қўзғалиб қўйган шамолнинг даричага келиб уруниши ва аллақайси том бошидаги бир мушукнинг мавлаган товши бузар эди. Дарича тирқишидан келиб кирган кейинги шамол чароғпоядаги титроқ шамъни ўчураёзиб, меҳмонхона қоронғиланди ва шу чоғда ичкаридан чиқиб келган оёқ товши билан Анвар хаёлдан кўз очиб, танча устидаги товоққа қўл узатди ва товоқни ушлаганча бироз кулоқ солиб турди. Оёқ товшининг

меҳмонхонадан узоклашқанини, маҳдумнинг хуфтан учун масжидга ўтканини фаҳмлади ва товоқни ўлтурсан жойидан орқасидаги тоқчага олиб қўйди. Орадан бир пиёла чой ичиш фурсати кечкандан кейин яна оёқ товши эшитилди. Буниси адим сайин меҳмонхонага яқинлашиб келар эди. Меҳмонхона даҳлизда қўлида чойдиш кўтарган Раъно кўринди... Икки кўзи қип-қизариб, қовоқлари олудек кўпчиган, юзида ҳам зўриқиш аломати бор эди. Ерга қараган ҳолда оқ чойдишни Анварнинг яқинига келтириб қўйди, тоқчадаги пиёлани олиб чойдишдаги чой билан чайқади, пиёлани сочиқлағач, яна чайиб иккисини Анварнинг ёнига сурди ва бирдан ўкраб юзини танча устига қўйди...

– Раъно, Раъно – деди шошиб Анвар. – Боламисан, ҳали ҳеч гап бўлгани йўқ-ку.

Раъно бошини кўтармай, пиқ-пиқ йиғлар эди. Анвар уни юпатиб, ялинган ҳолда йиғидан тўхтатишқа уринар эди.

– Бекорга йиғлайсан, Раъно. Йиғидан бир фойда чиққанини эшитканмисан ёки мени ҳам йиғлатмоқчимисан?.. Агар ўйлаб кўрсанг, йиғлаш сенинг ҳаққинг эмас, меним ҳаққим, ҳолбуки, мен йиғламайман. Нега? Негаки, йиғи энг сўнгги иш... Мен йиғлаган кишини ёқтирмайман. Тур, жоним, тур.

Анвар Раънонинг сочини силади, икки қўли билан бошини кўтариб, юзидан ўпти.

– Мендан кўнгли қолсин десанг, йиғла. Юзингни ёш билан ювибсан, Раъно, ўнган, мен юзингни артиб қўяй. Ўзингга кел, ақлингни йиғ, оғир қиз бўлиб, сўзимга қулоқ сол.

Раъно юзини четка ўгуриб, бошидаги рўймоли билан юзини артди, узун энтиқди.

– Йиғлаб бир натижага етиб бўладими? Ҳеч. Кўзинг яна ёшланди, сен йиғлай бер, мен сўзламайман, Раъно.

Раъно яна четка қараб кўзини қурутди. Анвар пиёлага чой қуйиб, Раънога узатти:

– Ма, Раъно, ич.

Раъно ичмайман дегандек, бош чайқади. Анвар қистаб чойни олдирди.

– Ҳаммасини ичмасанг ҳам бир-икки хўпла.

Раъно Анвар айтканча, икки-уч хўплаб, пиёлани олдиға қўйди. Анвар ўрnidан туриб даҳлизга чиқди, қўлида обдаста, дастшў кўтариб Раънонинг ёнига келди.

– Юв юзингни, Раъно.

Анвар сув қуйиб турди, Раъно юзини ювди. Анвар қозикдан сочиқ келтириб берди. Раъно артинди.

– Ана тамом... Энди одамшаванда сўзлашайлик, йиғи нима ҳожат.

Раъно қайғуларини озайтиргандек энтикди, ўзига ярим жиддий тикилиб турган йигитка жавобан илжайди.

– Яна бир кул, Раъно.

Раъно бирдан тундликқа оғишди.

– Кулги соати эмас...

– Кулги соати бўлмаса, йиғи фурсати ҳам эмас, – деди Анвар ўлтуриб. – Сенинг мурассаъ¹ халтачага ўхшаш кичкинагина юрагинг бор, ичини қийматли тошлар билан тўлдиргансан. Бу кун қазо муншийси² шу мурассаъ халтачадаги қийматли тошлар орасига қўпол бир нарса келтириб тикди... Табиъий, сенинг кичкина юрагинг бу қўполликни кўтара олмади, қийматли тошлар сиқилдилар, сен йиғладинг, сенинг каби мен ҳам шу қўполликни қабул қилишда қаттиғ энтикдим, бироқ йиғламадим. Нега? Негаки, бу қўполлик меним юрагимдаги жавоҳирни сиқиб чиқара олмас, фақат унга тангликкина берар эди, сенга ҳам шундай эмасми, Раъно? Хўш, энди бизнинг фожиъамиз сабабига келайлик. Бу ҳодиса тўғридан-тўғри хоннинг ўзидан келган гап эмас. Хон – ҳазми ҳар бир ифлосликни ҳам кўтарадирган катта бир ҳайвон. Унинг теварагида майда ҳашаротлар кўб, булар ҳам ўзларига яраша ҳайвонлик истайдилар. Бироқ қўл қисқа, шунинг билан бирга ётиб қолишқа кўнгил тинчимайдир. Шундан кейин хон – катта ҳайвонни қитиқлаб ишка соладилар... Балки ёдингдадир, мулла Абдурахмон исмлиқ бири сенинг харидоринг эди, шоир айтканча:

*Мендин ўтиб гулга бўйи етмади,
Умид узиб ўз йўлига кетмади.*

Хабаринг бор, мен отангнинг тазйиқи остида уни ўрда хизматига олдим, ул ўрдадаги бир неча ифлослар билан биргалашиб, меним қаршимга ишлади... Мен... уни ўрдадан жўнатдим, натижада ҳозирғи ифлосликка енг шимардилар. Бироқ улар

¹ Мурассаъ – қимматбаҳо тошлар билан безалган.

² Қазо муншийси – Аллоҳнинг иродаси, тақдир.

бизни бир-биримиздан ажрата оладиларми? Йўқ. Мажозий ажралиш – ажралиш эмасдир, чунки биз бир-биримизга мажозий боғланмаганмиз, ҳақиқий боғланишни эса қатъ этиш¹ ифлослар уҳдасидан келмас. Бас, шу ҳолда биз икав нега хафа бўлайлиқ, Раъно? Ишқ давоси авом ўйлаганча васл эмас – ҳажрдир. Зеро, васл ишқ ўтини сўндирғучи, ҳажр эса камолатка эришдирғучидир... Сен шу иккидан қайси бирисини танлайсан, Раъно?

Раъно кўзини тиззасига тикиб, кўли билан шолча ипини чирмаб ўлтурар эди. Халиги савол Анвар тарафидан яна такрорланди.

– Мен кейингисини... Бироқ, хоннинг ифлос тўшагида ётмайман.

Анвар бир неча вақт сукутда ўлтурди. Раънонинг жавоби унга оғир таъсир қилган эди...

– Буни мен ҳам хоҳламас эдим... Бироқ ифлослар меним чора йўлларимнинг ҳаммасини кесдилар, Раъно. Яна ўйлашмоқ учун фурсат бор, айниқса, сен бирар тадбирни мувофиқ кўрсанг, мен бош эгаман... Сени йиғлатиб ҳайвон чангалига бермасман... Шундай, сен йиғлама, ақлли қизларча ҳаракат қил, мен...

Анвар сўзини тугата олмади, меҳмонхона эшигида маҳдум кўринди:

– Ичкарига кир, Раъно, бевақт бу ерда нима қилиб ўлтурибсан?

Анварнинг вужуди ғизз этиб кетди: қаршисида бояғича ўлтурган Раънога «тур, жўна» деган каби ишорат қилди, лекин Раъно қимирламади. Маҳдум бошқа сўз айтмай, даҳлиздан орқасига қайтди.

Анвар жуда ҳам оғир тортқан эди. Ҳақиқатан ҳам маҳдумнинг бу ҳаракати ақлсизча, аҳмоқларча эди. Анварга оғир келишини ўйламай бу «буйруқ» билан Раънонинг кундалик одатини манъ қилар, ҳар қачон ўз вақтида ўлтурган Раъно гўё бу кун «бевақт» ўлтурар эди. Бундан бошқа, унинг Анварга учрашмай намойишкор чиқиб кетиши, қандайдир яна бир маънони онглатқандек ҳам бўлар эди.

Раънонинг юзидаги қайғи белгилари йўқолиб, унинг ўрнини ғазаб, нафрат аломатлари олди.

¹ Қатъ этмоқ – узмоқ.

– Андишасиз!

– Зарари йўқ, аччиғланма, – деди Анвар. – Энди бошқа сўзимиз ҳам йўққа ўхшайдир...

Раъно яна бироз кўзгалмай ўлтуриб қолди, сўнгра кўзига жиқ ёш олиб, меҳмонхонадан чиқди.

Эрта билан Нигор ойим чой олиб чиққанда, меҳмонхонада Анвар йўқ, сандал устида очик бир хат ётар эди:

«Меҳрибон хола.

Ёшлиқдан сизнинг тарбиянгизда ўсдим, сизга ва тақсиримга қўб заҳматлар бердим. Бу заҳмат бадалига тегишлик ҳақ қайтаролмаган, хизмат қилолмаган ҳолда маълум сабаблар тазйиқи остида сизнинг шафқатли тарбиянгиздан кетишка мажбур бўлдим. Сўнгра уйдаги менга алоқадор барча нарсалар, шу жумладан, ўзингиздаги амонат олтинлар ҳам ошлангизга мендан ҳадядир. Мен олтинларни қизингизнинг тўйига атаб йиғқан эдим, мундан сўнг ҳам шу оқчани Раънонинг тўйига сарф қилсангиз, деб сўрайман. Мени йўқлаб келгучиларга ўрда дарагини айтилса эди. Шафқат ва марҳаматингиз билан гуноҳимни кечирарсиз умидида:

Анвар».

48. Тўй арафасида

Хоннинг совчилари иккинчи мартаба келиб тўй вақтини тайинладилар: келаси жумъа маҳдумнинг уйида тўй ижро қилиниб, маросимдан сўнг Раъно ўрдага юбориладирган бўлди. Тўй вақти белгилангандан бир кун кейин тўй жамарғаси ҳам келди. Хоннинг ҳадяси уч юз тилло пул, шу қадар қийматка арзийдирган шоҳона сарполар, маҳдумга алоҳида илтифот қилинган «раисулмакотиблик»¹ унвонларидан иборат эди.

Шунчалик илтифотлар ичида гангиб қолган маҳдум уч кундан бери дараксиз кеткан Анвар тўғрисида ўйлай олмади, фақат бундан «ҳамоқат», «андишасизлик» деган натижа чиқариб тинчиди. Нигор ойим эрса ўзини бирмунча босиб олди, гоҳо Анварга юраги ачиб қўйса ҳам, уни ошиғич келган тўй ҳозирлиги масаласи ихтиёрсиз равишда бу тўғрини ўйлай олмаслиққа мажбур этди.

Раъно!.. Маълумки, бу кунларда Раънога тикилган фалокат беҳад улғудир: фалокатлик, ҳалокатлик кунлар яқинлашадир.

¹ Раисулмакотиблик – мактаблар раиси.

Бунинг устига уч кундан бери Анвар дараксиз. Анвар «висол – мухаббатни ўлдургучи, ҳажр эса – камолатка эришдиргучидир», деб Раънони ҳамишаликка ташлаб кетдими ёки маҳдумнинг бемаза муомаласидан кўнгли олиниб, араз қилдими? Ҳолбуки, ҳозирги кунлар араз, аччиғ ва фалонларни кўтарадирган вақтлар эмас, ҳеч бўлмаганда, бечора қизга гап билан, сўз билан маънавий ёрдам бериб туриш соатларидир. Бечора Раъно ҳамиша яхшилиқ, ақллиқ кўриб келган бир кишисидан ҳам охирда дағаллиқ кўрар, вафосизлиқ бўйини олар эди. Шу дудама фалокат бир неча кун ичида Раъно гулини сўлитаёзди, ҳатто жоду кўзлар ёш тўкишдан ҳам тўхтадилар.

Раъно сандалда ўлтуриб жумъа куни – мудҳиш жумъа куни тўғрисида ўйлар эди. Бу кун сешанба, жумъагача яна икки кун бор. Фақат икки кунгина... Раъно бундан ортиқни кўз ўнгига келтира олмас, гўё ўзини жар ёқасида кўрган кишидек панжшанба кечдан беихтиёр, гўё савқи табиъий¹ остида орқасига тисарилар эди. Шундан кейин Анвар тўғрисида хаёл суриб, унга – Анварга қарши ўзида кучлик бир кек сезар, шундай оғир соатларда ташлаб кеткан «йигит» яна бир кўринса, қандай кинолар билан истиқбол қилишини – кутиб олишни ўйлар эди: «Ҳамма даъволарингиз пуч! Сиз мирзобошлиқдан маҳрум бўламан, деб кўрқдингиз, бизнинг уйда ўн йил турсангиз ҳам, отамнинг феълени билмаганмидингиз? Холонки, мен сизни хондан ҳам юқори ўрунға қўйган эдим. Энди фурсат қўлдан кеткач, нима учун келдингиз?..». Лекин ул кейинги итоби маъносидан ўзига ҳисоб бермас, агар бунга қарши Анвар: «Қандай иш ва фурсат ўткандан кейин келдим?» – деб сўраса, эҳтимолки, Раъно сукут қилар, чунки ҳозиргача унинг фикрига вақти ўтадирган бирар чора келмаганидек ва бу тўғрида ўйлаб ҳам кўрмаган, фақат бу фожиъа қаршисида такагоҳ², деб Анварни истаган, Анвар эса кўздан йўқолиб, Раънонинг мажруҳ юрагида яна янги бир жароҳат очқан эди.

Нигор ойим ошиғич ҳозирликлар орқасидан чопиб юрар, бешиқда ётиб зериккан Масъуд қичқириб йиғлар эди. Бояғи хаёллар ичида ўлтурган Раъно узоқ энтиқди ва асабий ҳаракат билан ўрнидан туриб, бешиқ ёнига келди. Тебраткан билан бола тийила бермагач, уни йиғлаган кўйи ташлаб, ҳавлига тушти ва

¹ Савқи табиъий – табиий ҳаракат.

² Такагоҳ – суянчиқ.

нариги айвонда юмиш қилиб ўлтурғучи онасиға «эмизинг!» деб асабий ҳайқирди, ўзи йўлак томонға қараб ўтди.

Бокчада Маҳмуд ва Мансурлар кўшни болалари билан ўқ отиб ўйнар эдилар. Атроф олашовур қор билан ёпилган, сўри остидаги суфанинг четлари ёгин билан нураб, устидан бир неча жойи узун-узун ёрилган эди.

Суфа ёнида тўхтаган Раъно болалар ичидаги Маҳмудни чақириб, сўради:

- Маҳмуд, даданг қаерда?
- Дадам... бозорда.
- Ташқарида ким бор?
- Ичким.

Раъно бошқа сўз айтмай ўрта эшикка келди. Маҳмуд айтканча, ташқарида ҳеч ким йўқ, тўй муносабати билан мактаб шогирдлари бир неча кунга озод қўйилган эдилар. Нима мақсад биландир ташқариға чиққан Раъно меҳмонхона эшигини кулфланган кўриб, машқхонаға қараб келди. Эшик занжирини тушуриб ичкари кирди. Саҳнидаги бўрё ва бордонлари чувалиб, титилиб ётқан машқхонанинг ҳар бир тоқчасиға кўз ташлаб, бирар нарса излагандек юринди. Тўрдаги тоқчадан устига кўк сир берилган бир давотни олиб қаради. Давотнинг ичидаги лосларини қора-сарик тусда куриб қолган кўргач, оёқ остиға ташлаб машқхонадан чиқди.

– Маҳмуд!

Камончасиға ўқ қадаб ётқан Маҳмуд ўрта эшикда турган опасиға қаради.

– Ҳмм?

– Бери кел.

Маҳмуд тилар-тиламас опаси – Раънонинг ёниға келди.

– Ҳмм?

Раъно Маҳмудга ўз орқасидан келишка ишорат қилиб, яна машқхонаға қараб кетди. Маҳмуд қўлидаги камончасини турли тарафка ўқтала-ўқтала Раъно билан машқхонаға кирди. Улар иккиси бир неча вақт машқхонада қайси тўғридадир сўзлашиб қолдилар.

Уйда хат ёзиб ўлтурган Раъно онасининг ким биландир ҳавли юзида кўришиб, сўзлашқанини эшитди ва бироздан сўнг юмалоққина, тўла-тўкис бир бўғоз хотунни айвон муюшида кўриб, ёзувини тўхтатишқа мажбур бўлди. Чунки хотун Раънони кўриб қолган, шунинг учун бўғоз хотун билан чиқиб кўри-

шиш Раънога лозим бўлган эди. Раъно чиқиб кўришди. Нигор ойм танимаган меҳмонни сандалга таклиф қилди.

– Бу ёққа, айланай, бу ёққа.

Хотун қистатмай сандалга чиқиб ўлтурди, кўзи Раънода экан, фотиҳа ўқуб рўмол-лачагини тузатди:

– Танимаган хотун нима қилиб юрийди, деб ўйларсизлар, айланай, – деди хотун ва чўнтагидан бир қоғоз чиқарди. – Мирзо бир-икки кундан берли бизникидалар... Танисаларингиз керак, ўргулай, мен мирзо Султоналининг кўчлари¹ бўлман... Китобсиз зерикдим, уйда бир китобим бор эди, деб боя – эрта билан шу қоғозни берибтилар, айланай...

Хотундан бу сўзни эшитиб Нигор ойм ачиниш ва уялиш вазиятига кирди. Танчадан нарироқда тик турган Раъно Нигор оймдан қизгангандек, келиб хотуннинг қўлидаги букланган қоғозни олди.

– Мирзодан уятлигимиз... Айниқса уч кундан бери қаёқларда қолди, деб ич-этимни едим, – деди Нигор ойм. – Тақдирга ҳеч нарса деб бўлмас экан... Биз мирзо билан уланишармиз деб ўйлаган эдик.

– Тақдири азал, айланай, – деди хотун. – Мирзо ҳам юртда иккита ақил бўлса, биттаси. Сизлардан ҳануз миннатдор эканлар; шундай, шундай иш бўғандан кейин келишка андиша қилиб қоғанлар-да, айланай.

Улар шу сўзда экан, Раъно уйга кирди:

«Холамға, сўнгра Раънога. Беҳад салом ва дуо. Мендан ранжигиз, на учунким шундан бошқа чорам йўқдир. Хат олиб борғучидан Шайхи Саъдий куллуётини² бериб юборсангиз, бўш соатларимдан фойдаланар эдим. Раънога маълум бўлсинким, бундан сўнг сенга меним машқларим (шеър дафтарим) керак бўлмас ва ўзинг билан олиб юришинг ҳам эҳтиётдан эмас. Агар хафа бўлмасанг, шуни ҳам бериб юбор. Соғлиқ аҳволотингиздан ёзингиз.

Аддои Анвар».

Хат шу қисқа жумлалардан иборат, яна шундай ҳам бўлса Раъно учун қийматли эди.

Ҳали ёзиб бошлаган қоғозни нима учундир йиртиб ташлади, айвондагиларнинг ўзаро сўзлашиб турганларидан фойдаланиб, жавоб ёзишқа шошилди.

¹ Кўчлари – хотунлари.

² Куллуёт – шоирнинг асарлар тўплами.

49. Рамз

Анвардан биров илгарироқ қайтқан Султонали оғилхона айвонида сигир соғиб ётқан хотуни устида тўхтади.

– Бордингми, Рузвон?

– Бордим, – деди Рузвон ва эмчакдан «пов-пов» сут соғишда давом этди. – Бордим, олиб келдим.

– Меҳмонхонага олов қилгандирсан?

Рузвон боши билан «қилдим» ишорасини берди.

Султонали мирзо уйга ўтди, салла-чопонини ешиб, яна хотунининг ёнига келди.

– Бузоқни ешиб юборинг-чи, айланай. – Султонали мирзо устунга боғланган бузоқни ешиб юборди. Бузоқ онасининг эмчагига ёпишди. Рузвон хурмадаги сутни кўтариб ҳужрага ўтди, Султонали ҳам хотуни орқасидан кирди.

– Хўш, нима гап бўлди, Рузвон?

Рузвон хурмадаги сутни товоқларга бўлар эди.

– Бордим, хатни бердим, чой қайнатдилар, талай гапуришиб ўлтургандан кейин, китобни олиб қайтдим.

– Кимлар бор экан?

– Отин хола, қизи.

– Қизи қалай?

Рузвон афсус қилгандек, бошини икки елкасига ирғатди ва тилини тағлайиға тегизиб «чаллоқ» этдириб қўйди.

– Мен, мирзобоши жуда хафа кўринади, деганингиздан ҳам шуни ўйлаган эдим. Баайни сурат: киши ҳам бундай бежирим бўлар экан.

– Ҳа, ҳа!

– Чамаси, улар ошиқ-маъшук, балохўр хон лоақал шунга чўвагини тикмаси нима қилар эди. Бечора қиз, шундай хафа, шундай хафа. Дор-дунёси¹ қоп-қоронғи.

– Ҳа, ҳа... Отин холаси-чи?

– У бечора ҳам ҳайрон, «болаларимнинг сўйинчи ичига тушти», – дейди.

Султонали афсуслангандек бош чайқаб қўйди.

– Китобни қаерга қўйибсан?

– Меҳмонхонада... Ҳа, айтканча, ичида кичкина хат ҳам бор.

¹ Дор-дунё – кўнгил, ич.

Султонали мирзо кечлик ош тўғрисида баъзи гапларни ай-тиб, ташқарига чиқди. Меҳмонхона очиқ эди. Тирсаги билан танчага така қилган Анвар Саъдий куллийетини варақлар эди. Султонали кириши билан Анвар китобни ёнига олиб қўйди ва кучлангандек илжайди.

– Раҳмат, олиб келган эканлар.

– Китобнинг ичида хат бор эмиш, балки кўргандирсиз?

Анвар хатни кўрмаган эди, китобни қайтадан очиб, муқовадан тўрт букланган бир қоғозни олди. Хат масаласи билан Анварнинг бироз шошиб қолганини сезган бўлса керак, уйда бир иши борлигини сўзлаб, Султонали меҳмонхонадан чиқди. Анвар хатни очди.

«Хурматлик Анвар ака, ассалому алайкум. Ҳаммамиз соғ ва саломатмиз. Келин ойим орқалиқ бериб юборган хатингизни олдиқ, соғлиғингизни, тинчлиғингизни ўқуб ва эшитиб жуда хурсанд бўлдиқ: илоҳи, саломат бўлсинлар. Соний, биздан аҳвол сўрасангиз, алҳамдулиллоҳ, тинчмиз, хотиржамъ бўлурсиз. Сўратиб юборган китобингизни бериб юбордим. Аямдан сизга салом, боқий сўзни Шайхи Саъдийдан ўқурсиз деб, хатни мухтасар¹ қилдим, Раъно».

Анвар ёзувни кўлида ушлаган ҳолда қараб қолди. Бироз ўйланиб тургандан кейин, хатни яна ўқуб ҳар бир жумла устида тўхталиб ўтди. «Соғлиғингизни, тинчлиғингизни эшитиб жуда хурсанд бўлдиқ» жумласи билан «сиз тинчиб кетдингиз» демакчи эди. Чунки, шу жумладан кейинги «илоҳи, саломат бўлсинлар» кинояси буни таъкид қилар, «соний, биздан аҳвол сўрасангиз, алҳамдулиллоҳ, тинчмиз, хотиржамъ бўлурсиз» яна киноя, аммо энг кейинги «боқий сўзни Шайхи Саъдийдан ўқурсиз деб, хатни мухтасар қилдим» жумласи бироз ўрунсиз каби эди. Анвар бу жумлани «мундан сўнг ёнингизда Раъно йўқ, бўш вақтингизни Шайхи Саъдий ўқуб кечирингиз» маъносида тушунди.

Анвар қоғозни буклаб, китобнинг муқовасига солди ва хатнинг оғир маъноси таъсирида энтикиб сукутка борди. Унинг бу кунларда кечириб турган ҳоли жуда оғир, бу оғирлиқ устига Раънонинг мазлумона ёрдам сўраб киноялар ёзиши яна аламлик эди. Чора нима? Бу фожиъани дафъ қилиш учун бирар

¹ Мухтасар – қисқа.

йўл, бирар хил тадбир? Фақат бир йўл, энг сўнгги чора: Худо-ёр олдида сирни очиш, Раънога ва Раънонинг эса ўзига қарши муҳаббатларини фош қилиб, хоннинг оёғига бош уриш – ялиниш, ёлбориш... Ҳайхот, бу разолатни Анварнинг нафси ҳазм қилолмаганидек, «адолатпаноҳ»нинг ҳам бу тўғрида «марҳамат»лари шубҳалик. Башарти Анвар шу разолатка иртиқоб этса, адабсизлик, уятсизликда айбланиб, бирар жазога йўлиқиши ҳам яқин эҳтимолдир.

Маънан ва жисман эзилган, айниқса, ҳозирги аҳвол ичида кўз ўнги қоронғиланган Анвар меҳмонхонага кириб келгучи Султоналидан ҳам ибo қилмай, гўё ҳушсиз каби бошини икки қўли орасига олиб, сандал устига энгашти... Масала билан бир-мунча таниш Султонали мирзо бу ҳолни дафъатан бояғи хат мазмунидан деб ўйлади. Уялмасин, деган каби бир нарса излаган бўлиб, тоқчаларни айланди... Анвар қаддини ростлаб, узун нафас олди ва Султоналига ўлтуринг ишоратини қилди. Султонали ўлтурди.

– Нега ундайсиз, Анвар?

Анвар кучланиб илжайди.

– Ҳалиги хат мени хафа қилди, – деди ва бироз тўхталиб турди. – Сиздан яширар сир йўқ, хат ёзғучи билан орамизда анчадан бери яқинлик каби бир гап бор эди. Маълум гаплар туғилгач, мен ўзимни четка олишни, қатъий алоқа қилишни мувофиқ кўриб, сизнинг устингизга келдим. Воситангиз билан бу кун хат ёзиб, мендан ранжийдир, тинчиб кетдингиз деб, киноя қиладир. Ёш, ақлсизга нима ҳам деб бўлсин, фақат диққатлик... Мана, ўқуб кўрингиз, сартопо киноя.

Султонали кулимсиди, аммо ўзида ўнгғайсизлик, тусида қизариниш бор эди. Хатни мирзонинг қўлидан олиб ўқуди. Ўқуб чиққач, ёзувнинг яна аллақайси жумласига иккинчи мартаба қаради.

– Қизик, «боқий сўзни Шайхи Саъдийдан ўқурсиз деб, хатни мухтасар қилдим...» Бу жумла билан нима демакчи?

– Бу ҳам киноя, – деди Анвар, – бундан сўнг меним тўғримда ўйламай, бўш вақтингизни Шайхи Саъдий ўқуб кечирингиз, демакчи бўлса керак.

Султонали мажҳул ҳаракат ясади.

– Балки...

Бу муҳмал тасдиқ ва мажҳул вазият Анварни шубҳага туширди.

– Хўш, сизнинг фикрингизча?

– Мен... Мен ҳам сизнинг фикрингизга келиб қолдим; мен бошқачароқ тушунган эканман.

– Масалан?

– Мен: «Китобнинг ичида яна бир хат бор, қолган сўзни шундан ўқурсиз» деб.

– Эҳтимол, сизники тўғридир, – деб аланғлади. – Бу ҳам бир эринмаганлик бўлсин; китоб ичини ахтариб кўрайми?

Султонали кулди.

– Майли... Мен уйга кириб, таом етилган бўлса, олиб чиқай.

Султонали кетди. Анвар китобнинг ўнг-терсини очиб, ахтара бошлади. Ҳеч нарса кўрина бермагандан кейин бирма-бир саҳифа очиб боришдан ҳам эринмади. Бош тарафдан ўттузлаб саҳифа текширилган эдиким, Султоналининг фоли ҳақиқатка ошиб, саҳифа орасига буклавсиз қўйилган бир хат китоб четига қоқилиб чиқди. Анвар шошди.

«Андиша ва эҳтиёт юзасидан бир хатни алоҳида ёзиб, китоб ичига яширдим: Анвар ака, оғир соатларда ёнингизда турғучи дўстдир; қочқучи эсаким – буни сизнинг ҳукмингизга ҳавола қиламан. Ваъда бериш осон, лекин уҳдаси машаққат; бундан сўнг шуни ҳам хотирда яхши тутингиз. Оғир дақиқаларда арзимас гапни кўнгилга олиш сизнинг каби олийжаноблар иши бўлур, деб ким ўйласин. Бахтсиз бир қизнинг нажоти учун тебранмадингиз деб, сизни айблаб бўлмас; бироқ, бахтсиз Раъно таҳлика остида қолганда, уни бу кун-эрта бир фожива кутканда вафолик деб билган бир кишисидан бу янглиғ жафо кўриши нақлларида ўқулганми, афсоналарда тўқулганми? Шу қадар гуноҳим бор эмиш, деб хафа бўлмангиз, Анвар ака. Башарти шу гуноҳларнинг ювилиб кетишини тиласангиз, сизга бир хизмат бор, ҳам сизнинг учун энг осон хизмат: эртага чаҳоршанба кечқурун, тиласангиз, очикча, тиламасангиз, яширинча бўлса ҳам бизникига келингиз, мен билан охирғи мартаба видоълашингиз. Чунки сиз наишбу намо қилган жойда Раънони ҳалокат кутади».

Анвар ёзувни онда-сонда ўқуб, тезлик билан китобка қайтариб солди, саҳифалар орасида қолдириб, устига янги саҳифалар уя борди. Чунки лаганда манти кўтарган Султонали даҳлизга қараб ўткан эди.

– Борми? – деди Султонали лаганни сандал устига қўйиб. – Валлоҳи аълам, маъно сиз тушунганчадир. Мен янглишқан чиқарман.

Анвар унинг сўзини тасдиқ қилган каби бош ирғатиб, китобни ёпди, қўл ювғали даҳлизга чиқди.

50. Маъшуқа маҳбаси¹

Раънонинг иккинчи хати Анвар учун яна бир ташвиш эди. Унинг ёнига боришдан ҳеч бир мантиқ топмас, билъакс, юрак ўтининг аланга олишини, жароҳатларнинг янгиланишини кўрар эди. Китоб баҳонаси билан хат ёзиб, ўз дарагини айтиб, эвазига шундай ташвиш ортдириб олган Анвар, кечаги кунларда ҳиссиётка қаттиғ берилиб, китоб сўратиш оқибатини яхши муҳокама эталмаганидан пушаймон эди. Шунинг билан бирга ўзининг мундан сўнгги ҳаракатида ҳам амният² сезмас эди. Чунки Раънога учрашишдан ҳеч бир фойда тасаввур қилмаган муҳокамаси қаршисидаги кучлик бир майл, Раънога йўлиқишда фойда эмас маъно кўрсатар эди... Учрашилганда шубҳа йўқким, Раъно йиғлар, кўнгилни бузар, шундан бошқа иш чиқмас, лекин иккинчи тарафда неча йиллиқ муҳаббат яна шу фожиёв учрашишга мойил каби эди.

Ул тун бўйи учрашишнинг яхши ва ёмон тарафларини ўйлаб, ухлай олмади, ора-чора ухлаб кеткан аснолари ҳам яна шу учрашишга алоқадор тушлар билан кечди. Ҳар қанча ақл изи билан ҳаракат қилишга тиришса-да, яна учрашмаслик, сукут қилиб кетишлик эб кўринмас эди. Учрашиш нечоғлиқ тадбирсизлик, жон койитиш бўлмасин, Раънонинг: «Мен билан охирги мартаба видолашингиз, сиз нашъу намо қилган жойда мени ҳалокат кутади» жумласи ҳар қандайдур андишаликни енггарлик ва бу жонсўз хитобадан кўз юмиш йигитлик шаънига ярашадирган кўринмас эди.

Анвар қатъиян бориш қарориға келганда, девонда ўлтуриб ишлар эди. Унинг эндиги тараддуди учрашиш ёки учрашмаслик борасида эмас, Раънонинг олдиға очиқча боришми, яширинчами тўғрисида эди. Башарти очиқ борса, маҳдумнинг шубҳаланиши, Раънони четка қоқиб ёки уларни таъқиб этиб, яраға туз сепиши, Анварнинг иззати нафсига тўқуниши аниқ.

¹ Маҳбас – ҳибсхона, қамоқхона.

² Амният – тинчлик.

Яширин борса... Орада хиёнат, бузуқ ният бўлмагандан кейин яшириниб юриш нима ҳожат? Хайр, яширинча ҳам борсин, баноғоҳ маҳдум кўриб қолса... Унинг учун бу масалани ҳал қилиш жуда ҳам мушkil эди.

Иккиси кечқурун қайтишиб келдилар: Султонали мирзо кундаги каби Анварни яхши ошлар билан меҳмон қилди. Шомни ўқугандан кейин Анвар «бир неча соат ичида жиянлари олдиға бориб келиш учун» Султонали мирзодан изн олиб чиқди.

Қишнинг охирғи кунлари, кўчада қора совуқ билан изғирик юрар эди. Тўққуз-ўн кунлик ой шаҳарнинг қоқ устида чети қорайған сариқ баркашдек ялтираб турар эди. Маҳалла болалари эшикма-эшик юриб, «Барот келди, билдингизми, идиш-товоқ ювдингизми?» ашуласини айтар эдилар.

Анвар маҳдумнинг маҳалласига келиб етканда, киши танимаслик даражада қоронғи тушди ва шу қаторда Анварнинг кўнглидаги қоронғилиқ ҳам кучайди, юрак уриши эътидолдан¹ чиқиб, ўғри кишидек атрофга қарана бошлади. Бундан бирар ҳафта илгари бахт бўйини онғқитқан бу маҳалла ҳозир шунинг зидди билан хувиллар; ҳаммаёқ тим қоронғи, фақат у маҳалла устида нурланиб кўринган ойғина унинг кўнглини ёритар, бироқ... Бироқ кажрафтор фалак² уни ҳам бағрида қора доғи билан ўрда томонга қараб судрар эди...

Анвар ёпик ҳолда турған дарбоза ёниға келиб, оҳиста итарди. Дарбозани занжир кўриб, кўз ўнги қоронғиланди... Бир неча фурсат дарбоза ёнида қадалиб турғандан сўнг, тўғриға ўтди. Йигирма қадам чамаси юриб, қўшнининг дарбозасини итарди, буниси очиқ эди. Қоронғи йўлакка кирди. Ул маҳдумнинг хуфтанга чиқишидан фойдаланмоқчи, хуфтан азони айтилғандан кейин ҳам дарбоза очилмаса, сўнгра қайтиб кетмакчи эди. Узоқ кутишка тўғри келмади, маҳалла масжидида хуфтан азони айтилди, шундан бироз кейин Раънолар дарбозаси ҳам ғийқиллаб очилди.

Дарбозадан чиққан оёқ товши Анварга яқинлаб келар эди. Анварнинг юраги арзиқиб, қўшни дарбозасининг ички томондан очиқ табақа орқалиқ йўлга мўралар эди. Раънолар дарбозасидан чиққучи тўғриға ўтиши билан Анвар турған йўлакнинг ичкарасидан ҳам оёқ товши келиб қолди. Анвар шошди,

¹ Эътидол – ўрталик, меъёр.

² Кажрафтор фалак – эгри айланувчи фалак.

махдум беш-олти қадам йироқлашқач, йўлақдан чиқишқа мажбур бўлди. Анвар оёғидан товуш чиқармасликқа тиришиб, секин-секин дарбозага юриб келди. Орқадаги оёғ товушларининг узоқлаша борганини сезиб, хотиржамъ ичкарига кириб олди. Меҳмонхона сахнида бироз аланглаб тургандан кейин, тўғрига – машқхона эшигига ўтди. Машқхона эшигини очар экан, орқасига – дарбоза йўлагига қаранди.

Даричалари ёпиқ машқхонанинг ичи ҳосидлар¹ юрагидек қоп-қоронғи, даромад ҳам ёпилгандан сўнг уй гўё лаҳад тусига кирди. Зулумот ичида қолган Анвар орқа-ўнггини ажратолмай бўрё устини чоғлаб бир-икки қадам юриб келди ва икки қўли билан тизасини кучоқлаб чўнқайди. Даричалар тирқишидан тушкан ёруғлиқ билан зулумот бироз кучсизланди, шунда ҳам унинг кўз ўнгги қов² каби қоронғи эди. Ҳамма тип-тинч; қулоқ остидаги чивиллашишдан бошқа товуш эшитилмас, ора-чора узоқдан келган бола йиғиси бу тинчликни бузғандек бўлар эди. Шу ҳолда орадан неча дақиқалар ўтиб кетди. Бир вақт ер ости дукиллагандек бўлди. Бу дукиллаш секин-секин оёқ товшига мубаддал бўлиб, унинг қулоқлари тиккайди. Ичкаридан чиққан бирав йўлакками, меҳмонхонагами ўтиб кетди. Анвар энтиқди, меҳмонхонанинг эшиги очилиб, бироздан кейин яна ёпилди, ҳавли сахнида яна бирав юринди. Борган сайин машқхонага яқинлашиб келган оёқ товши билан Анвар тоқатсизланди. Эшик очилиши билан беихтиёр ўрнидан туриб кетди...

– Анвар ака.

– Мен...

Эшик очқан Раъно эди, бир-икки қадам ичкарига кириб тўхтади. Анварга озгина қараб турғач, узун нафас олиб орқасига қайтди. Анвар бу ҳолнинг сабабига тушуналмаганидек, уни чиқармай тўхтатишқа ҳам ўзида жасорат топмади. Бирар дақиқадан сўнг эшикда яна Раъно кўриниб, Анварнинг олдига қорамтил бир нарса келтириб қўйди.

– Сизга кўрпача олиб келдим, – деди шивирлаб, – уйга аммам ва холамлар келишкан, мен уларни ухлатиб чиқаман...

Раъно шу сўзни айтиб, орқасига қайта берди, эшикни бояғича ёпиб, хужрадан йироқлашди. Аҳволга бироз тушунган Анвар кўрпачани бўрёга солиб, устига чиқди ва эркин нафас

¹ Ҳосид – ҳасад қилувчи, бахил.

² Қов – куйдирилган пахтага нисбат.

олиб ёнбошлади. Энди Раънонинг ҳарҳолда чиқишини билса ҳам, бироқ қачон чиқишини билмас, шунга биноан бир товук ўткунча кўтиб ўлтуришни чамалар эди. Орадан бироз фурсат кечканда дарбоза очилиб ёпилди. Анварнинг қулоғи тиккайиб, қадини ростлаб ўлтуришка мажбур бўлди. Оёқ товши яқинлашди, узоқлашди ва охирда битиб ҳам кетди.

Вақт жуда қийинлик билан ўтар, ташқарида «тиқ» эткан товуш уни бир аланғлатар эди. Бир товук¹ ўтканига талай вақт бўлса ҳам, ҳамон Раъно дараксиз. Юраги сиқилган Анвар гоҳ ўлтуриб, гоҳ ёнбошлар, совуқда музлаб кеткан маҳсилик оёғини турли вазиятка солиб кўрар эди. Шу азоб ичида яна талай вақт кечти. Маъшуқа маҳбасига тушкан Анвар ўлтуриб чидалмади. Кафшини кийиб, ўрнидан турди, музлаган оёғини иситиш ва оғриққа кирган аъзосини ҳаракатлантириш учун уй бўйинча кезина бошлади. Неча вақт саҳн айланиб, яна ўлтурди. Ой ҳам бота бошлаган, чунки четдаги дарича тирқиши орқалиқ тушиб турган кучсиз ойдин изи ҳам йўқолиб, уйни қоронғилиқ босқан, теваракдан чалинган довулларнинг «гум-гум» оҳанги ичида хўрозлар иккинчи мартаба қичқириб юборган эдилар. Анвар бироз ёнбошлагандан кейин яна ўрнидан турди, кафшини кийиб келиб, эшикни очди, саҳнга тушиб кўзини уқалади. Кўкда дуркум-дуркум юлдузлар сайр этар эдилар. Том бошидан ботишқа яқинлашқан ой нури аранг-аранг кўзга чалинар эди. Анвар тоза ҳаво искаб узун нафас олди.

– Зерикмадингизми?

51. Жасур қиз

Қулоғи остидағина айтилган бу сўз Анварни чўчитди ва ўз ёнида қўлида бир нарса кўтариб турган Раънони кўрди.

– Уларни ухлатмай чиқолмадим... Уйга кирайлик, Анвар ака.

Юраги арзиққан Анвар Раънонинг орқасидан машқхонага кирди. Иккиси кўрпача устига ёнма-ён ўлтуришдилар.

– Китоб ичидаги хатни пайқамасизми, деб кўрққан эдим, – деди ярим товуш билан Раъно. – Пайқамасангиз...

– Ўзинг ҳамма гапка тушуна туриб, яна бунчалик аччиғ ёзганинг нимадир, Раъно?

¹ Товук – хўроз қичқирғи.

– Чунки шунчалик аччиғ ёзмасам, – деди Раъно товшида титроқ оҳанг билан, – сиз келмас эдингиз... Сиз... Сиз мирзо-бошилиқни яхши кўрасиз-а?

Анвар бу муносабатсиз саволдан бироз ҳайрон бўлиб турди.

– Тушунмадим... Нима демакчисан?

– Сиз мирзобошилиқни яхши кўрасизми, деяпман?

– Яқинда мирзолиқни ташламоқчиман, Раъно.

– Мирзолиқни ташлағандан сўнг нима иш қиласиз?

– Қўқондан кетаман, саёҳат қиламан.

– Мени... мени ҳам ўзингиз билан олиб кетмайсизми?

Анвар яна тушунмади. Раънонинг юзига анча қараб турди:

– Сен... сенга мумкинми, Раъно?

– Мумкин, – деб қалтиранди Раъно. – Мирзобошилиқни ҳозирдан эътиборан ташласангиз мумкин...

Бу сўз Анварни ҳам қалтиратиб юборди.

– Нима деяпсан, Раъно?

Раъно бир неча вақт жавоб бералмай турди. Ўзини тўхтатиб олиш, ҳаяжонини тиндириш оғир эди.

– Ҳалиги... ҳалиги сўзингиз чин бўлса, мен ҳам сиз билан кетишни хоҳлайман... Башарти сизга оғир ошмасам...

Анвар жим бўлиб қолди, тушига ҳам кирмаган бу таклифка нима дейишини билмай энтиқди...

– Башарти сизга оғир ошмасам, – деди такрор Раъно.

«Жасур қиз» деб ўйлади Анвар. Чиндан ҳам бу жасурона исён хотун-қизлар томонидан Худоёрнинг ҳайвоний истагига қарши биринчи кўтарилиш эди. Анвар истиқболда қанчалик мушқилот ва хатар кўрмасин, бу жасоратни хуш қабул қилишга мажбур, чунки муҳаббатдан ҳам илгари йигитлик тақозоси шу эди.

Ул ўз яқинида турган қора тугунни ушлаб қаради.

– Бу нима, Раъно?

– Бу... бу сизнинг эски кийимларингиз.

– Нима учун бу?

– Башарти сиз хоҳласангиз.

Анвар паранжими, деб чамалаган эди. Мантиқсиз бу жавоб уни шоширди.

– Хўб, сенинг ризолигинг йўлида... – деди Анвар ярим товушда. – Меним эски кийимларим сенга нима даркор?

Раъно жавоб бериш ўрнига узун сўлиш олиб ёнидаги тугунни еша бошлади.

– Паранжи олмадингми, ахир?

– Ҳозир... – деди Раъно ва қоронғида бир нарсалар қила берди.

Паранжиси ҳам бордир, деб ўйлаган Анвар уни ўз ҳолига қўйиб турди. Бирар дақиқадан кейин Раъно ердан бир нарса ни тутиб қўзғалди, паранжи каби узайган нарса ичидан «чок» эткан бир нарса ерга тушти.

– Топиб олинг шуни.

Анвар ерни тимискилади.

– Нима эди?

– Аямга берган амонатингиз.

Анвар тушкан нарса олтинлар эканини пайқади, узоқни ўйлаган Раънога қарши юрагида яна ҳароратлироқ муҳаббат сездиди.

– Топдингизми?

– Топдим.

– Туринг энди.

Анвар Раъно билан бошлашиб ҳужрадан чиқди ва ўз ёнида паранжи ёпинган қизни эмас, телпак ва тўн кийган ёш, ўспурин бир йигитни кўрди...

– Бу нимаси, Раъно?

Раъно жавоб бериш ўрнига йўлакка қараб юра берди. Дарбозани очиб кўчага чиққандан сўнг, Анвар Раънонинг олдига тушиб, йўл бошлади ва ўзида енгиллик ҳис этди. Чунки Раънонинг йигит суратига кириши андозасиз маъқул; бемаҳалда паранжилик хотунни бошлаб юриш миршаб ва қоровулларда ҳам турли шубҳа туғдиргани каби, Анварнинг ўзи учун ҳам ўнгғайсиз бўлар эди. Гўё бир ўртоғи билан кетиб боргандек парвосиз кўринган Анвар, бурилишка етканда ўзидан ўн қадам орқадаги ҳамроҳини кутиб турди. Ғуруби¹ яқинлашқан қип-қизил ой Анвар тўхтаган муюшга кўлага каби заиф нур сочар эди. Раъно Анвар ёнига етиб «қаёққа юрамиз», деган каби бир йўлга ва бир ҳамроҳига қаради. Соч ўрумларини телпак остига босиб, тўни тўпуғи устига тушаёзган «ёш йигит» Анварнинг кўзига яна ҳам дўндукроқ кўринди. Анвар Раънонинг тўнини бироз кўтариброқ ушлатди, онда-сонда телпакдан чиқиб қолган соч толала-

¹ Ғуруб – ойнинг ботиши.

рини яширди ва «ўннга» деган ишоратни қилди. Раъно олдинда, ундан икки-уч қадам орқада Анвар йўлга тушдилар. Енгил бедона маҳсиси билан қала кафши кичкина оёғига жуда ҳам келишкан Раъно гўё учкандек тез юриб борар, орқада келган Анвар ғояи омомга¹ ошиққандек ундан қолишмасқа тиришар эди. Узоқ юрдилар. Элли қадам чамаси нарида гулхан ва гулхан теваарагида уч-тўрт нафар кишилар кўриниб, Раъно тўхталди.

– Тўхтама, Раъно, – деди орқадан Анвар, – сен писанд қилмагандек, парвосиз гулхан ёнидан ўта бер, мен улар билан сўзлашиб қолсам, нарироқда кутиб тур.

– Миршаблар бемаҳалда қўймас эмиш-ку.

– Мен билан сени қўяр... Қўрқмай боравур.

Раъно иккилангансумон йўлга тушти, гулхангача ўн қадам қолганда миршаблардан бири ҳайқирди:

– Тўхта!

Раъно Анварга қараб тараддудланди, Анвар юра беришка ишорат қилиб, тезлик билан гулхан ёнига етди. Анварни таниган миршаб ва қоровуллар таъзиман ўрунларидан қўзғалдилар.

– Қўзғалманглар, – деди Анвар гулханда исиниб, – даҳбоши ҳам шу ерда эканлар...

Анвар «даҳбоши» деб атаган юм-юмалоқ киши Қорунбой исмлиқ бўлиб, миршабларнинг кизиқроғи, шунинг учун ундан «даҳбоши» деб истехзо қилар эдилар:

– Ёнингизда бесақал билан бемаҳалда нима қилиб юрибсиз, тақсир? Одамзодга ишониб бўлмас эканда...

Анвар, «даҳбоши»нинг кўзи Раънога тушиб қолганини онглади. Гулхандан ўттуз қадамча нарига бориб тўхтаган «бе-сақал»га кўз қирини ташлади.

– Зиёфатда эдик, даҳбоши.

– Ҳа-а-а-а менам айтдим... Уй бу ёқда қолиб, энди қаёққа кетапсиз, тақсир?

Анвар қўлини яқиндан иситмакчи бўлиб гулхан тарафка бир қадам бости.

– Эшитмадингизми, ҳали?... Мен Раис кўчадан... янги ҳавли олдим.

– Муборак, муборак.

¹ Ғояи омом – умид-мақсад.

Анвар кутлуг айтиб, улар билан хайрлашди. Миршаблар унинг ҳурмати учун қўзғалишиб қолдилар.

Гулханчилардан элли қадамлаб узоқлашқач, Раъно Анварнинг етиб келиши учун йўл устида тўхтади.

– Нима деяпти у гўрсўхта?

Анвар ҳиринглаб кулди ва Раънонинг елкасига қоқди:

– Юр, юр, йигитча. Гўрсўхта тўғри айтяпти.

– Етаёздиқми, қаерга борамиз?

– Яқин, қолди, кечаги хотуннинг уйига...

Раъно олдинга тушиб кетди, узоққина сўзсиз борғандан кейин орқасига қайрилиб сўради:

– Ўзлари яхши одамларми?

– Яхши, яхши, – деди Анвар ва ўн қадам чамаси индамай борди. – Сен уй эгасидан қочиб ўлтурма, ўзи меним оғам... Тузукми, Раъно?

– Хўб.

Яна бироз юриб торроқ бир кўчага бурилдилар. Султонаlining дарбозасига еткунча иккиси ҳам оғиз очиб гапиришмадилар.

52. Дўстлиқ «каромати»

Эрталаб хоннинг ҳарамдан чиқиш вақти яқинлашқан, салом ва истиқбол учун хослардан саккиз-тўққузи йиғилган эдилар. Шу кутиш асноси эшикда ҳовлиқиб Султонали кўринди. Қора бармоғи билан хослар ичидаги Абдурауф тунқотарни ўз тарафига имлаб, орқасига қайтди. Абдурауф тунқотар ажабланган ҳолда даҳлизга чиқиб, ўзини четка олиб турган Султоналига «нима гап», деган ишоратни қилди. Султонали лабини тишлаб, қўли билан тунқотарни ўз ёнига чақирди. Тунқотар маҳсичан оёғини ерга босиб Султонаlining ёнига келди.

– Хўш?

Султонали бошини икки елкасига ирғатиб, лабини тишлаб олди.

– Мирзобошимизнинг миси чиқиб қолди-ку.

– Хўш, хўш?

Султонали тунқотарнинг қулоғи остига энгашти ва ярим товуш ичида деди:

– Мирзо Анвардан онҳазратка номуссизона бир хиёнат содир бўлди.

Тунқотар бошини қуйироқ тушуриб, Султоналининг афтига эгри қаради:

– Масалан?

– Мирзо Анвар уч-тўрт кундан бери меним ҳавлимда қўниб юрар эди, – деди Султонали ва сўз ораси у ёқ-бу ёққа қараб қўйди. – Чамаси, устозига бир хиёнат қилгандан кейин меним ҳавлимда ётиб юрган экан... Ўз устозини билмаган бу бепадар, олампаноҳнинг ҳам бетларига оёқ қўйишдан тоймай, мазкур устозининг қиблагоҳ учун мувофиқ қўрилган қизини йўлдан оздириб, бу кун кечаси уни қочириб меним ҳавлимга олиб келди... Гарчи ўз ҳавлимда ётқан меҳмоним ва дўсти қадрдоним бўлса ҳам, валинеъматимнинг ҳаққи намақларини унуткан бу беҳаёнинг андишасизлигидан ҳар мўйим бир ништардек кийимимдан тешиб чиқаёзди. Унинг йигитлигига тилда таҳсин ўқуб, ичдан лаънат айтиб, жанобни хабардор қилиш учун югуриб келаётқаним-да, бек ака.

Тунқотарнинг кўзи қинидан чиқаёзиб, бир-икки қайта соқолини қўли билан букиб ямлади.

– Падар лаънат. Ўзи ҳозир сизнинг уйингизда?

– Ҳа, ҳа... Қиз ҳам шунда. Жанобнинг раъйларини билиш қийин-ку, бироқ менга қолса, вақт қочирмай уни ҳозироқ қўлга олиш керак-да.

– Бўлмаса-чи, – деди тунқотар елкасини қисиб, – мен ҳозир арз қилай. Раҳмат сизга.

Тунқотар ҳузури хоска кириш учун шошилди. Султонали хоннинг «ҳаққи намагини» бенуқсон адо қилиб, хотиржамъ девонга қайтди. Анварнинг энг содиқ кишисининг охирғи «кармати» ниҳоят шу бўлди.

Кўб фурсат ўтмади. Девоннинг даричаси ёнига келган тунқотар Султоналига чиқ ишоратини қилиб, ўзи нарироққа кетди. Ҳовлиққан, энтиккан Султонали оёғини онда-сонда ташлаб, девонхонадан чиқиб келди.

– Марҳамат?

– Ушлашка буюрдилар.

– Айни каромат, – деди Султонали. – Иккисини ҳам албатта?

– Албатта.

Ёниға тўрт нафар ясовул олиб, Султонали йўлга тушти. Ташқи дарбоза ёниға қантарилган отлардан бирисига миниб, тунқотар ҳам уларнинг изига кирди. Озғина юргандан кейин, тунқотар яёвлардан ўзди. Унга етиб юриш учун Султонали ва ясовуллар елиб бордилар. От билан баробар югуришар, озғина кейинда қолсалар, отлиқ тунқотар тез юришга қистар эди. Шу йўсун ҳаллослашиб, узок чоптилар... Бурулишқа етканда Султонали бироз сусланиб, ўзидан ўн от адими йироқда борган тунқотарни чақириб тўхтатди ва қўлини ўнгга силтади. Тор кўчага кириб кетдилар. Уч дақиқа чамаси елгандан сўнг, Султон-алининг дарбозаси кўринди. Султонали тўхтади...

– Ўша кўриниб турган дарбоза... Озғина таҳаммул қилин-син-чи, бек почча, меним киришим яхши бўлмас, дейман?..

Тўрт адимча олдинда борган тунқотар отнинг жилавини тортди.

– Нима учун?

– Меним дўстлиқ отим бор... Мен четроқда турсам маъқул бўлмасми?

– Маъқул, маъқул.

– Раҳмат... Дарбозадан кирсангиз меҳмонхона бор; ул шунда бўлса керак, қиз эса ичкарида эди.

Султонали шу сўзни айтиб, ўзини қаршидағи дарбоза йўлагига олди. Тунқотар йигитлар билан дарбозага қараб кетди. Дарбозанинг ҳар икки табақаси ҳам ланггилаб очилган, ичкари тарафдан хотун ва эр кишининг сўзлашкан товушлари эшитилар эди. Тунқотар отдан тушиб, жилавини ясовуллардан бирининг қўлига берди:

– Сен от билан шу ерда турасан, дарбозадан на хотун ва на эркак кишини чиқармайсан, – деди тунқотар. – Сиз йигитлар, мени орқамдан кирингиз, Анварни кўрганингиз он ҳеч нарсага қарамай, қўлини боғлангиз.

Ясовуллар садоқат нишони кўрсатдилар. Тунқотар уч-тўрт қадам ичкари юрди ва йўлак даромадида тўхтаб ичкарига қулоқ солди. Ичкаридан эр ва хотун сўзларини эшитди.

– Шарманда бўлдим, расво бўлдим!..

– Шарманда бўлиш ҳеч гап эмас, – деди ичдан тунқотар.

– Вой шўрим қурсин!..

– Албатта шўринг қуруйди, моча!.. – деди тунқотар.

Тунқотар йигитларга «орқамдан» ишоратини қилиб, бирдан сахнга чиқди... Сахннинг ўртасида қўлида бир қоғоз ушлаб, бошини қуйи солган Солиҳ махдум турар эди. Махдумнинг ёнида икки киши, улардан берироқда паранжилик уч хотун қадалган эдилар. Тунқотар ва ясовулларнинг шапраси билан ҳамма чўчиб кетди. Махдум қўлини бир-бирига уриб, оҳ чекти:

– Шарманда бўлдим, расво бўлдим!

Тунқотар шошиб, олпонг-толпонг махдумнинг ёнига келиб етди.

– Нима гап?

Махдум шарт этиб, пешонасига уриб, йиғлади:

– Сўзлагали тил йўқ... Жанобнинг олдиларида шармисор, газабка сазовор бўлдим... Эрталаб уйғонсақ, бепадар ожизамиз йўқ... Саросима уён-буён югуриб турганимизда, мирзо Султоналиникидан, қизингиз бизникида, деган хабар борди. Биз аёллар билан югуришиб келсак, бир онда...

– Хўш, хўш?

– Ҳаромзода Анвар уни йўлдан оздириб, бу ердан ҳам олиб қочибдир... Ҳарчанд ичкари ва ташқарини излаб, ушбу хатдан гайри асар топмадиқ... Эвоҳ!..

Хотунларнинг биридан йиғи товши эшитилди. Тунқотар махдумнинг қўлидаги хатни юлққандек ўз қўлига олди.

«Иззатлик мирзо Султонали оғамизга! Маълум бўлсинким, синглингиз билан маслаҳатлашиб ўз ҳаётимиз учун сизникида туришни хавфлик, деб ўйладиқ. Гарчи дўст кўринсангиз ҳам, баъзи нолойиқ ҳаракатларингиз бизни шубҳага солди. Айниқса, хотунингизнинг Раънога бузуқ қиз билан қилган каби муомаласи яна бизни хавотирга туширди. Шуларга мабни¹ алдаган каби сизни ўрдага жўнатишқа, сиздан сўнг уйингиздан кетишқа мажбур бўлдиқ. Дунёда дўсти содиқни топиш қийин экан. Сизга ҳарчанд: «Мен ошиқман, қиз маъшуқамдир, олампаҳоққа қилган бу хиёнатим ёлғиз ўз тарафимдан содир бўлган жиноят эмас», – десам ҳам сиз «Ёшлиқ қилибсан, марҳаматлик подшоҳинг ҳақини унутибсан!» дейсиз. Лекин сиз шу қиз йўлида ҳатто бош муншийликдан ҳам кечиб турганимни ўйламайсиз. Бунинг учун мен сиздан ранжимайман. Аммо сизни инсон фаҳмлаб, уйингизга дўст олиб келганда бу қадар тундлик, бу қадар риоясизлигингиз кишига қаттиғ таъсир қиладир. Ичкарида ҳатто қиз бечоранинг

¹ Мабни – биноан.

бошиға ёстиқ ҳам бермаганлар. Баракалла сизга, баракалла янгамизга, баракалла одамгарчиликка!..

Аддои дўстингиз Анвар»

– Одамгарчиликни ҳам билади, бу туз кўр қиғур! – деди заҳарханда ичида тунқотар ва хатни букиб ёниға солди. – Ичкаридан мирзо Султоналининг хотунини чақириб берингларчи!

Хотунлардан бири ичкарига кўзгалди. Рузвон йўлакда турған бўлса керак, хотун ички эшик ёнида тўхтаб, йўлак билан сўзлашди. Тунқотар эшик ёниға келди.

– Сиз шундамисиз, янга?

– Ҳа, айланай.

– Сиз бу гаплардан нима биласиз?

Рузвон эшик панасига яшириниб, бироз жавобсиз турди ва бир-икки томоқ қириб қўйди:

– Уч кундан бери мирзо Анвар отлиғ йигит бизнинг меҳмонхонада ётиб турар эди, айланай... Шу йигит бу кун ярим кечада бир қизни бошлаб келди, мен ҳайрон бўлиб мирзонгиздан сўрасам, шундай-шундай гап... Жуда хафа бўлиб кетдик-да, айланай. Кет дегали юз чидамайди, киши чақирғали яна вақт эмас; мирзонгиз билан кенгашиб, эмди ҳарчи эрта-лабгача жой берайлик, тонг отса, буларнинг татиғини бергучилар топилар-ку, ахир, дейишдик. Тонг отди, мирзо Анвар у кишига: «Мен бунда яна бир кун тураман, шунгача бизни эҳтиёт қилсангиз бўлади», деган эмиш. Мирзонгиз шошиб ўрдаға кетди, у кишидан кейин мен ҳам тинч ўлтуралмадим, айланай. Қўшнимизнинг боласини қизнинг уйига чоптирдим. Бир вақт мен билан сандалда ўлтурган қиз уйдан чиқди, мен ташқариға чиққуси келдим, деб бепарво ўлтурабериппан, айланай... Шу чиққани билан қайтиб кирмади-қўйди. Кўнглим ғаш тортиб, ҳавлига чиқиб қарадим. Йўқ, ташқаридамикин деб шу турған жойимға келган эдим, уёқдан булар келишиб қолди... Бўған гап шу, айланай!

Тунқотар афсус чекиб махдумнинг ёнида турған кишиларга яқин келди.

– Сизлар нима қилиб юрасиз бу ерда?

– Биз... биз мирзо Султоналининг қўшнилари бўламиз.

– Жуда яхши, хизмат?!

Тунқотарнинг қариҳ¹ бу муқобаласидан кишилар сиқилиб қолдилар.

– Мен кўчада эдим, – деди бириси қўрқа-писа, – у ёқдан домла билан аёллар келиша берди... Аёллар йиғлашқанга мирзонинг уйда бир гап бўлганми, деб...

– Текин томошачиман, дегин... Хўб, сен-чи?

– Мен ҳам мирзо Султоналига қўшни бўламан, – деди иккинчи киши: буниси ўзига бироз тетикроқ эди. – Бироқ мен, сизларнинг гапларингизни эшитиб, бир нарсага ҳайрон бўлиб туриппан-да.

– Нимага ҳайрон бўласан?

– Мен шунга ҳайрон бўляпманки, янгамнинг сўзига қараганда, мирзо Анвар ўз ёнида паранжилик хотун билан чиқиб кетса керак эди... Боя мен уни дарбозадан чиқиб борганида кўрдим, ёнида хотун-потин деган гап йўқ эди.

– Ёлғизмиди?

– Ёлғиз-ку эмас эди, бироқ ёнидағиси аёл эмас, дўндиққина бир бесақал эди.

Тунқотар қўшнининг сўзига тушунмади, елкасини қисиб қўйди.

– Сиз аниқ кўрибсиз, Карим ака, – деди у ёқдан Рузвон. – Қиз кечаси келганида ҳам эркак кийимида эди.

– Ўб, падар лаънат! – деб юборди тунқотар.

Устига тоғ ағдарилган маҳдум бошини яна қуйироққа солиб, хўнғир-хўнғир йиғлади.

– Бўлар иш бўлган... – деди тунқотар атрофига хитобан, – улар-ку, албатта, қўлга тушиб жазосини топар, бироқ жанобнинг шаънларига жуда оғир гап. Биноан алайх, шу ердаги сирга воқиф бўлганларнинг вазифаси бу ҳодисани кишига сўзламаслик, кўрган-кечирганини шу ерда қолдириб кетишлик!

Кишилардан: «Албатта, албатта!» деган жавоб бўлди. Сўнг-ра тунқотар маҳдумнинг ёнига келди.

– Сизда гуноҳ йўқ, бироқ қиз ўсдиришни билмас экансиз.

– Бандамиз, бандамиз, – деб йиғлади маҳдум. – Илоҳи жувонмарг бўлсин, мени ерга қаратди.

Паранжидаги хотунларнинг бири бўлган Нигор ойим пиқ-пиқ йиғлади. Тарбузи қўлтуғидан тушкан тунқотар ясовул-

¹ Қариҳ – ёқимсиз, хунук.

ларнинг олдига тушиб, тарс-турс кўчага чикди, йигитлардан бирининг кўмагида отқа миниб, жилавини қўйди. Султонали яширинган дарбозага етканда йўлакай чақириб ўтди:

– Мирзо Султонали, чиқинг. Қочқан, падар лаънатлар!

Султонали кўзини катта очиб, дарбозадан чиқди.

– А, чинми?

– Қочқан, – деди тунқотар хатни Султоналига узатиб, – ўқуб, яна менга қайтаринг, жанобга ҳам кўрсатишимиз керак...

...Султонали шу ҳодисанинг иккинчи куни хонга қилган садоқатининг самарасини ҳам кўрди, яъни бош мунший бўлиб белгиланди.

53. Чаённинг намоёиши

Бу кеч масжид хужраси яна обод, катта шамъни тоқчага қўндириб, очиқ танчага писта кўмир солиб, маъюс, бир-бирига ёнма-ён ўлтурғучи икки муфти қўлларини оловга товлар эдилар. Хужранинг тўрдаги тоқчасига беш-олти дона қалин муқовалиқ китоблар терилган, уларнинг варақ тахида – «Шарҳи мулло Жомий», «Ақоиди маъалҳавоший», «Ҳикматул-айн», «Алвиқоя», «Сияри шариф» каби сўзлар ёзилган эди. Кун ботиш тоқча девориға гул равишида туширилган дуо ёки шунинг каби муқаддас калималар ёзиғлиқ бир қоғоз ёпиштирилган. Сирлар билан турланган қозикларнинг бирига бева хотуннинг декчасидек бир салла илинган эди.

Шаҳодат муфти касавни олиб, чўғни титди ва кенг кўкрагини шишириб нафас олди.

– Ажаб бедаво дард-да.

Калоншоҳ мирзо бошини ирғатиб қўйди.

– «Суйган ёрим сен бўлсанг, кўрган куним не бўлғай», – деб давом этди муфти. – Улуламир қадрношунос бўлгандан сўнг қийин экан. Шу оқпадарнинг қўл остида ишлагандан девонни ташлаб кеткан беҳроқ.

– Сабр қилинг, домла, сабр: «Инналлоҳа маъассобирин»¹.

– Албатта... Ва лекин Султоналидек бемаънига бош эккандан, ҳар рўз ўн таёқ еган яхши.

Хуфтанни ўқуғандан сўнг таҳорат янгилаб юрғучи мулла Абдурахмон хужра эшигида кўринди. Кичкина ҳовонча боши-

¹ Аллоҳ сабр қилғучилар билан биргадир (Оят.) (Муал.).

дағи оқ тепчима тўппи ва қора узун соқоли уни ҳиндиларнинг савдогари қиёфатига қўйган эди. Мулла Абдурахмон ичкари кириб, қозикдағи саллани оқ тўппи устидан кийди.

– Мен жанобларнинг сўзлари билан уйга овқат буюрмадим-а?

– Лозим эмас, биз уйдан овқатланиб келганмиз.

Мулла Абдурахмон танча ёнига келиб ўлтурди ва ер остидан Шаҳодат муфтига қараб илжайди.

– Шундай қилиб, мирзо Анварни қиз билан қочирдингиз?

– Қочириш бўлса, қочирдиқ ва лекин қордан қутулиб ёмғурга тутилдиқ, мулла Абдурахмон.

– Мен эшитдим.

– Куллу явмин батар¹ – буниси ундан ҳам қабиҳроқ бўлди... Беш кундан бери юраклар зардобка тўлди, мулла Абдурахмон, – деди муфти. – Кеча бизникига йўқлаб борган экансиз. Сиз кетибсиз, мен келибман-да; кўб афсус қилдим. Бу кун мулла Калоншоҳни олиб, сиз билан суҳбатлашиб қайтайлик, деган ниятда...

– Қуллуқ тақсир, куллуқ, – деб мулла Абдурахмон қимирлаб ўлтурди. – Мен Анвар билан Султонали можаросини фақат кеча мирзо Боисдан эшитдим. Бу тўғрини аниқроқ билиш учун жанобингизнинг хизматингизга борганим эди... Хўш, ҳаводис² нима?

– Ҳаводисми? Қани сўзланг-чи, мулла Калоншоҳ.

Калоншоҳ, сўзлай беринг, дегандек Шаҳодат муфтининг ўзига ишорат қилди. Шаҳодат муфти кўзини юминқираб, ҳаводисдан саҳифа очди:

– Ҳаводис шулки, Анвар борасиға сизнинг олған нишонингиз жиддан тўғри тушиб, биз куткандан ҳам зиёдроқ самарага эришкан, яъни мағрур гўдагимиз қизни олиб қочқан...

Мулла Абдурахмон ҳакимона³ илжайди, Шаҳодат муфти давом этди:

– Чамаси, нисфи шаб – ярим кеча асноси, дўстим деб, ёнида қиз, Султоналининг уйига келган. Султонали тонг отқунча икки гўдакнинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлатиб чиққан, эрта билан улар уйқуда ётқанда, Султонали ўрдаға югуриб келган;

¹ Куллу явмин батар – кундан-кун баттар.

² Ҳаводис – ҳодисалар, воқеалар.

³ Ҳакимона – доноларча.

воқиъани тунқотарға сўзлаб, тунқотар хонға йўлиқиб, хоннинг буйруғи билан ёнлариға ясовуллар олиб келсалар, ошиқ-маъшук йўқ, улар жойида Султоналига аталған бир сабнома¹ бор... Чамаси, Султонали аблахлик қилиб, Анварни бад олдириб қўйған ва тонг вақти, улар уйкуда экан чоқда ғойиб бўлиб, яна шубҳани ортдирған бўлса керак. Султонали Анвар билан қизни тутиб бералмаса ҳам, баҳарҳол хонға яхши кўриниб, Анварнинг ўрнини олишқа муваффақ бўлди. Барча хаводис мана шундан иборат.

Абдурахмон ҳикояни эшиткандан кейин, бир неча вақт сўзсиз ўлтурди. Танчадаги оловни тузатар экан, ер остидан муфтиларга қараб илжайди.

– Мирзо Боисдан ҳам шу маолни² эшиткан эдим, – деди ниҳоят. – Жанобларнинг фикрлари балки тўғридир, аммо мен бу маолдан бироз шубҳа қиламан...

– Яъни, масалан?

Абдурахмон қўлини ўйнаб, яна бироз сукутда ўлтурди, сўнгра лаби оҳиста-оҳиста очилиб юмила бошлади:

– Бу ҳаммаси Султонали билан Анварнинг ўюнидир, деб ўйлайман... Бу андишамга бир неча сабаблар ҳам бор. Жаноблардин махфий эмасдирким, биз ўзаро қандай яқин бўлсақ, Султонали билан Анвар ҳам ўзаро шундай қалин дўст эдилар. Бинобарин, ақлга «қарға қарғанинг кўзини чўқур эканми?» деган савол келадир; жаноблари шу борани қандай тушундилар экан.

Шаҳодат муфти Калоншоҳқа қараб қўйди, Калоншоҳ парвосизроқ кўринар эди. Орада яна бир неча вақт сукут ҳукм сурди.

– Султонали сармунший бўлиш учун дўстидан кечса ҳам мумкин, – деди муфти. – Иккинчи тарафдан, сизнинг фикрингиз ҳам эҳтимолдан баъид³ эмас.

– Султонали дўстидан кечмай туриб ҳам бу найрангни қилса мумкин эмасми, домла? – деб кулди Абдурахмон. – Масалан, хон олмоқчи бўлған қизни қочирғучи Анвар икки бошдан-ку, қайтиб сармунший бўлолмайдир, бошқа тарафдан, хиёнаткор дўсти бўлиб танилған Султоналининг ҳам ҳаёти таҳлика остида турадир... Бас, шу ҳолда бу найранг тўқилған бўлса, яна тўғри-

¹ Сабнома – сўкиб, таҳқир қилиб ёзилған хат (*Муал.*).

² Маол – мазмун, маъно.

³ Баъид – узоқ.

си, шу хийлани Султоналининг амнияти талаб қилган бўлса, сиз билан мен ғайраз қандай мантиққа суяна оламиз?

Шаҳодат муфти ўрнидан турди, Абдурахмоннинг ёнига келиб орқасини қоқди:

– Раҳмат, ўғлим, раҳмат. Сени туққан онангга ва ўқутган устозингга раҳмат.

Абдурахмон ерга қараган ҳолда илжайди. Шаҳодат муфти унинг ақлига таҳсин ўқуй-ўқуй, нос чакиб, ўз жойига ўлтурди.

– Мулла Калоншоҳ-а, шу гап бизнинг ақлимизга асло келмабти-да?

Шаҳодат муфтининг хурсандлигига қўшулмай, тунд ўлтурғучи Калоншоҳ, парвосиз қўлини оловга иситди.

– Мен шу андишани ҳам қилган эдим, – деди бироздан кейин Калоншоҳ, – лекин ақлим бовар қилмаган эди ва ҳозир ҳам бу фикрга қўшула олмайман.

– Сабаб?

– Боис шулки, Султонали Анварга суиқасд қилмаганда ҳам, унга ҳеч гап йўқ эди. Аммо ул хонга қаробат¹ ҳосил қилиш учун аздақидил Анварнинг қасдига тушканким, бунда шубҳа йўқ.

Ўзгалар тарафидан сўзланган фикр ёки баҳс ҳар қанча мантиқий бўлганда ҳам Калоншоҳнинг қарши чиқиш феъли бор эди. Унинг бу феълига яхши тушуниб қолган Шаҳодат муфти бош чайқади.

– Биз янглишамиз.

Калоншоҳ яна юқоридаги сўзини такрорлади:

– Бачи маъни янглишамиз? Мулла Абдурахмоннинг ўзи ҳам ўйлаб кўрсин, башарти Султонали дўстлиқ юзасидан Анварни қочириб юборганда ҳам унга ҳеч бир зарар йўқ эди. Бас, Султоналининг ҳамма ҳаракати тўғри, Анварга хиёнат қилиши мансаб умидида эканлиги шубҳасиз.

Орада ўз фикрига қарши шунча раддия ўтса ҳам парвосиз, гўё мууроқабада² ўлтурғучи мулла Абдурахмон яна илжайиб бош кўтарди.

– Султоналининг Анвар билан ати-қатилиги ўрдада ҳар кимга маълум-ку, домла. Башарти ўз уйида турган Анварнинг хиёнати тўғрисида ўзини тағофулға солса, мардумнинг кўнглига нима гап келар эди, айниқса, жанобларингиз қандай андишага тушар эдингиз... Ожизнинг фикримча, ул найрангбоз-

¹ Қаробат – яқинлик.

² Мууроқаба – мушоҳада қилиш.

лар бир ўқ билан неча қушни урғанлар, масалан, жанобга Султоналининг садоқати зоҳир бўлди, сармуншийлик вазифасига беозор ўлтуриб олди ва учунчидан, мардум кўзини бўяди.

– Баҳарҳол... баҳарҳол Анварга қарши чиқмағанда ҳам, Султоналини на хон ва на биз айблай олар эдик.

– Хўш?

– Хўш-пўши йўқ, – деди қизишиб қолган Калоншоҳ – бирравнинг устига айб қўйиш учун шаръан шоҳидлар лозим, даъвони исбот қилиш керак... Хах-хах-хах, сен фалончи гуноҳкор билан дўст эдинг, деб кишини айблаш. Масалан, ушбу даъвони қилғучи ўзингиз ҳам уларнинг маслаҳати устида бўлмагансиз; фақат шундаймикин, деган мулоҳазада сўзлайсиз, ҳолбуки, сизнинг сўзингизнинг шаръан тўрт пуллик қиймати йўқ, ука...

Калоншоҳ жуда қизишиб кетди, «шаръан сўзингизнинг тўрт пуллик қиймати йўқ, ука» таҳқири билан мулла Абдурахмон ҳам бўзариб олди.

– Меним сўзим бир мулоҳаза, тақсир, мулоҳаза шаръан исботка буюрилмаган. Ҳоказо, ўзингиз айтканча, гўё маснад¹ учун жон отиб юрган Султоналининг зоҳир² ҳаракатига ҳам ишониб бўлмайдир.

– Шунинг каби, сизникига ҳам вусуқ³ йўқ.

– Мен айтаяпман-ку...

Жанжалнинг каттага кетишини фаҳмлаган Шаҳодат муфти Абдурахмоннинг сўзини бўлиб, ораға тушди:

– Баҳс нима ҳожат? Мулла Калоншоҳники ҳам тўғри, сизники ҳам ҳақиқат... Аммо ҳозирги масаламиз қайси фикр тўғрилиғи устида эмас, қайси йўл билан Султоналини бу ўрундан олиб ташлаймиз борасида.

Кўб йиллардан бери бирга юриб, ўз руҳига тушуниб қолган Шаҳодат муфтининг бу сўзи билан Калоншоҳ озгина ёришди.

– Ана бу бошқа масала, – деди, – мулла Абдурахмоннинг фикрини тўғрими, эгрими, суриштирмай, унга фақат бир тадбир деб қарасангиз, бу бошқа гап, аммо маҳзи ҳақиқат⁴, деб билиш бус-бутун хато.

¹ Маснад – мартаба.

² Зоҳир – ошкора, очиқ.

³ Вусуқ – ишонч.

⁴ Маҳзи ҳақиқат – фақат тўғри гап.

Шаҳодат муфти бу масалани ёпиб, иккинчи тарафка ўтишка шошилди. Чунки Абдурахмон яна бир илжайиб икки оғиз сўз айтса, Калоншоҳнинг оғзини тикиш оғир ошар, Шаҳодат муфти буни яхши онглар эди.

– Халос, халос, – деди муфти, – менда воқиъ ҳолоғи фараҳ¹ ҳам фақат шунинг устида, йўқса, илми ғайбни² ким билибдир. Аммо мулла Абдурахмон мулоҳазасининг қиймати шундаким, Султонали муаммосини тез ҳал қилса бўлур.

Муфтининг сифориш³ сўзлаши билан Калоншоҳ жуда ҳам ўзига келиб қолди ва «ҳалли қандай» деб ёвошқина сўраб ҳам қўйди.

– Ҳалли осон, жуда осон, – деди муфти. – Биз мулла Абдурахмоннинг мулоҳазаси айни билан жанобга бир ариза ёзамиз, холос.

Мулла Абдурахмон намойишкор Калоншоҳка қараб, ўнг қўли билан манглайини қашиди... Аммо Калоншоҳ қаноатланмағандек қилиб бош чайқади.

– Хон Султоналининг садоқатига қаноат ҳосил қилган, яна шу ҳолда бу аризага ишонадирми?

– Агар ҳақиқатни айтилса, хон ўзидан бошқа ҳеч кимга эътимод қилмайдир, – деди муфти, – хайр, Султоналига эътимод қўйган ҳам бўлсин, яна бу тақдирда ҳам биз аризани ёза берамиз. Нега? Агар ишонса, Султоналини ўрдадан ҳайдар, ишонмаса, яна бизга нима зарар, бу гап сизга қандай ўхшайди, мулла Абдурахмон?

Абдурахмон кўзини катта очиб, тўғри топқан каби бош ирғатди.

– Аризамиз ўрунласа қўб яхши, билъакс, ўрдадан ўзимиз ҳайдалурмиз, – деди Калоншоҳ.

– Нима учун? – деб сўради муфти.

– Ахир аризани ким берганлиги маълум-ку.

– Йўқ, – деди муфти. – Биз ариза остига имзо қўймаймиз, Калоншоҳ.

– Имзосиз ариза муътамад⁴ бўлмас.

¹ Менда воқиъ ҳолоғи фараҳ – мендаги ҳалиги хурсандлик.

² Илми ғайб – ғойибни билиш, келажакда бўладиган воқеани олдиндан билиш. Бу хусусият фақат Аллоҳга хосдир.

³ Сифориш – меҳрибонлик, ҳурмат.

⁴ Муътамад – ишончли.

– Муътамад бўлсин-бўлмасин бизга нима зарар; баҳарнавъ шу эҳтимолни хоннинг қулоғига еткарсақ бас-да, Калоншоҳ.

– Кимнинг дастхати билан ёзасиз?

– Бу осон, сиз бунисидан хотиржамъ бўлинг, Калоншоҳ!

Калоншоҳ ноилож ариза ёзишқа роғиб¹ бўлди. Аризанинг шу мажлисда, мулла Абдурахмон ҳузурида ёзилиши мувофиқ кўрилиб, муфти таҳрирга ўлтурди.

54. Икки хил садоқат

Кечаси ёмғур савалағандек ёғиб турадир... Қоп-қоронғи, олти қаричлик тор кўчанинг муюшида турган бир кўлага ёмғурдан қочқан каби кичкина эшик панасига сиқилган ва зўр бериб эшикни қоқадир.

– Ким?

– Мен, очинг.

– Сафармисан?

– Ҳа.

Эшик занжири «ширқ» этиб кўтарилди. Ёмғурда бўккан Сафар ўзини торғина, олди очиқ йўлакка олиб, эшикни занжирлади.

– Тинчликми?

– Тинчлик, – деди эшик очқан кампир. – Нега кеч қолдинг, Сафар?

– Ёмғурни кўрмайсизми...

Сафар кампирнинг орқасидан сўзланиб саҳнга чиқди. Тор саҳннинг йўлак қаторида тўрт бўйра эни катталигида ости бир қаричқина ердан кўтарилиб ишланган каталак айвоннинг тўр тоқчасида қора чароғ сасиб ёнадир. Сандалнинг бир чеккасида ғўза суғуриб ўлтурғучи бир кекса кўр киши қўлидаги ғўза пўчоқ ва суғурған пахтаси билан бошини баланд кўтариб ҳавлидаги сўзга қулоқ солиб турадир. Сандалнинг иккинчи тарафида юзини рўймоли билан яширған хотунми, қизми ўлтуриб, сандалнинг учунчи томонида бир тўда чиқарилған пахта орасида чиғириқ кўринадир...

– Ойим қизим бизни жудаям уялтирди, Сафар, – деб сўзланди кампир. – Шунча қайтарсақ ҳам бўлмайди, эрта-кеч отасининг ёнида ғўза суғуришади.

¹ Роғиб – мойил.

– Синглим зериккандир-да, опа, – деди Сафар. – Эсон-омон ўлтурибсизми, почча, ассалом алайкум.

Кўр киши бошини яна ҳам баландроқ кўтариб, икки тарафка чайқади.

– Ваалайкум салом... Ҳа, нега жим бўлиб кетдинг, Сафар? Мулланинг олдиға кирақо, ёмғурда ивидингми, хўб.

Сафар танчадаги юзини яширғучиға қарамасликқа тиришиб, даромади айвондан бўлган хужра эшигига чикди.

– Эски ҳикояларингизни сўзлаб, опамни зериктирмай ўлтурибсизми, почча?

– Ҳа, ҳа, – деди кўр киши, – қизимнинг ўзиям ҳикояга жуда уста экан-да, дам мен ҳикоя айтаман, дам ойим қизим айтади: асти қўйсанг-чи бизни, Сафар.

– Бали, бали.

Сафар хужранинг эшигини очиб, ичкарига кирди. Сандал устига қора чароғ қўйиб, олдиға китоб ёзган Анвар Сафар бўзчининг истикболиға қўзғалди.

– Ўлтуринг, ўлтуринг, шу ишингиз ёмон-да, мирзам... Саломатмисиз? Зерикмадингларми? Уч кун кечикдим-а. Мендан хафа бўлган чиқарсиз-ов... Ҳа деганда у ёқдан хабар бўлавермади, унинг устига аёллар навқасланиб¹ қолди...

– Зарари йўқ, тоза ивибсиз, Сафар ака. Асли бу кун ҳам чакки овора бўлгансиз.

– Жаззаси чопонни солиб ташлаш-да, мирзам, – деди Сафар чопонини ешиб. – Қани ўлтуринг... Юртда тинчлик, ёр-дўстдан сизга салом, мирза оғайнингиз хотиржамъ мирзабошлиқни қилаяпти... Мен бўлсам, сенгаям бали, устозинггаям бали, деб юриппан.

Анвар илжайди. Сафар бўзчи сандал ёниға ўлтуриб, маҳсининг қўнжидан бир қоғоз олди. Анвар қоғозни ундан олиб сандал устига қўйди. Қозикда осилган чопонини келтириб, Сафарнинг яхтакчан елкасига ёпти.

– Шамоллайсиз, Сафар ака, ўраниб ўлтуринг.

– Ҳамма вақт кайиб қоғансиз-да, мирзам, – деди Сафар ва устиға ёпилган беқасам чопоннинг астар-аврасини текширди. – Тоза яхтак киймаган эдим, бунингиз менга увал-да, ука.

Анвар ўлтурар экан, эътиборсиз қўл силқди ва сандал устидан хатни олиб очди:

¹ Навқасланиш – ҳолсизланиш, дармонсизланиш, касалга чалиниш.

«Баланд мақом, лойиқи эҳтиром, буродарим мирзо Анвар.

Дўстлар шод, душманлар ғамгин, явми саодат¹ яқиндир. Фалак кажравлиги аҳли салоҳ² устига ҳар рўз ҳар ранг³ жавр туғдирса ҳам, ба ҳамаҳол⁴ лайли залиманинг⁵ явми навираси⁶, риёзати қавиянинг⁷, ажри азимаси⁸ бордир. Жаноби сарвари коинот⁹, мушриклар¹⁰ шарридин¹¹ сақланмоқ учун ўзларини ғор паноҳига олган эрдиларким¹², бу амсолингиз¹³ каби уммати ҳақиқийларга¹⁴ суннат бўлди. Баъда, камина дўсти хосдин¹⁵ арзи ихлос¹⁶ шудирким, барча тадбирларимиз шоҳи мажнунга¹⁷ ва ғайри ашқиёга¹⁸ баайни афсун каби таъсир қилиб, ўткан хатда ёзган мулоҳазаларим ҳаёлдан ҳақиқатка ошмоқда. Каминага хоннинг эътиמודи ёндошмоқда ва ул андишаларимиз эҳтимоли биздин узоқлашмоқдадир. Можаро бир неча кун сир бўлиб кечса ҳам, алҳол ўрдадин баъзилар бу сирга воқиф бўлганга ўхшайдирлар, маъаҳозо¹⁹ очиқ сўзлашкан ҳеч кимда ҳад йўқ. Аммо, иккинчи тарафдин, сизни излашкан махфуй буйруқлар берилди, дарбоза беклари ёнига хуфиялар юборилди, бинобарин, сиздин илтимос, ушбу хавфлар кўтарилгунча бениҳоят эҳтиётда бўлиш, Тошканд ниятини бир неча ҳафтага мавқуф²⁰ қўйишдир. Хизматингизга Сафарбой билан ушбу хатни озгина кечиктириб юборишим боиси ҳам, мазкур хавфлар борлигидан бўлиб, маълумингиздир, Сафарбойнинг табиъатида

¹ Явми саодат – саодатли кунлар.

² Аҳли салоҳ – тўғри кишилар.

³ Ранг – турли.

⁴ Ба ҳамаҳол – ҳамиша.

⁵ Лайли залима – қора тун.

⁶ Явми навира – нурли кун.

⁷ Риёзати қавия – қатта машаққат.

⁸ Ажри азима – улуг мукофот.

⁹ Жаноби сарвари коинот – пайғамбар.

¹⁰ Мушрик – Аллоҳга ишонмовчи, бутпараст.

¹¹ Шарр – ёмонлик, гуноҳ иш.

¹² Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) исломни ошкора тарғиб этаётган даврида Макка мушрикларининг таъқибидан Мадина шаҳрига қочиб, Абу Бакр билан бирга йўлда ғорда жон сақлайдилар. Султонали шунга мисол қияпти.

¹³ Амсол – мисол.

¹⁴ Уммати ҳақиқий – пайғамбар йўлидан борганлар.

¹⁵ Дўсти хос – яқин дўст.

¹⁶ Арзи ихлос – самимий арз.

¹⁷ Шоҳи мажнун – ошиқ хон.

¹⁸ Ғайри ашқиё – ўзга золимлар.

¹⁹ Маъаҳозо – шу билан бирга.

²⁰ Мавқуф – тўхтатиш.

андак бебоклик¹ ва лоқайдлик бор. Бинобарин, мухобароти дигаримизни² унинг аёли воситасида қилсамми, деган андишадаман. Зеро, аёл киши, баҳарҳол, мардум назарига яхши ва кундуз кунлари борса ҳам хавфсиз. Аммо бошқа эҳтиёт ўзингизга мунҳасир³. Зинҳор ва садди⁴ зинҳор, ҳамсоғлардин хотиржамъ бўлинмасин. Соний – сизга тегишлик ғариба⁵ хабар шудирким, кеча ўрдадин қайтиб келсам, меҳмонхона саҳнида уч нафар йигит ўлтуруибдир. Ҳар учави ҳам бизнинг Фарғона кийимида бўлмаган бу йигитларни ариза ёздирғали келганми, деб ўйладим. Салом-алиқдин сўнгуларни меҳмонхонага олиб кирдим. Истифҳоми⁶ сабаби таширфдин сўнг, йигитлардин бири меним ким эканлигимни аниқлаб олди, баъда, афсус чекиб, сизнинг можаронгизни сўзлади. Мен татом ҳайратда қолиб, хуфияларми, деган андишага тушдим. Бу ҳодисани кимдан эшитдингиз, мирзо Анварга қандай алоқангиз бор, деб сўрадим. Опамдан эшитдим, ўзим мирзо Анварнинг оғаси бўламан, деган жавобни берди. Мен таажжубда қолдим; зеро, оғангиз борлиғини сиздин эшитмаган эдим. Ўткан хатимда ёзганимча, бу йигитка ҳам опангизга берган жавобни айтдим, яъни ўзимни оқлаш учун ҳодисага бирмунча ёлғон аралаштириб сўзладим. Йигит-оғангиз бўлмиш афсус чекти, ўн йиллардин бери Қўқонда бўлмаганлиғини, бухоролик бир саркарда эшигида хизмат қилганлиғини, қариндошларини кўриш учун Бухородан Самарқандга келиб, у ердаги катта оғасини тополмаганини, ундан Қўқонга ўтиб, бунда ҳам сизга йўлиқолмай қолганини сўзлади. Баъда унинг устидаги шубҳам бироз зойил⁷ бўлиб, кўнгил кўтардим. Оғангиз бўлмишнинг ёнидағи йигитлар бизнинг бу тарафнинг кишисига ўхшамайдирлар. Булар оғангиз бўлмишнинг ҳамроҳлари, Қўқонни томоша қилғали келган эмишлар. Сизга оғалиқ даъво қилғучининг исми Қобилбой, туси сизга ўхшаб келса ҳам, ўзи тўла, паҳлавон йигит ва ҳар учави ҳам забардаст кўриндилар. Ҳарчанд қистасам ҳам, уларни овқатқа тўхтатиб бўлмади. Сиз кечаги мактубингизда меним сармунший тайинланишимдан ташвишланиб, орада муфтилар, Абдурахмонлар бор, сизга

¹ Бебоклик – 1. Ҳайиқмаслик. 2. Мулоҳазасизлик.

² Мухобароти дигар – бундан кейинги ёзишма, аълоқа.

³ Мунҳасир – боғлик.

⁴ Сад – юз.

⁵ Ғариба – ажаб, таажжубли.

⁶ Истифҳом – сўраб билиш.

⁷ Зойил – йўқолмоқ, аримоқ.

бирар заҳмат етарми, деган андишани ёзибсиз. Воқибан, меним учун бу хавф бор, бундан кўз юмиб бўлмас. Модомики, «садоқатим он ҳазратка офтобдин равшанроқ бўлди, девонда мендин ғайри мавсуқроқ¹ киши топилмади, баъдаз сармунишийлик менга ҳавола қилинди, холос». Утқан хатимда ёзганимдек, бу «марҳамат»дан бош тортишқа ҳеч бир йўл топмадим, агар узр баён қилсам, сизни тутиб беришқа бўлган ҳаракатимнинг сохталиги очилиш эҳти-моли бор эди. Чунки хонға садоқат бизнинг «одамлар» фикрича, бирар манфаат тақозосидир. Агар мен хонға «садоқатлик қул» эканман, бу «садоқат» замирида бир манфаатим бўлмоғи лозим-дирким, ул ҳам ўз дўстимни ҳалоғи «садоқатимға» қурбон қилиб, эвазига сармунишийлик маснадини олишимдир. Башарти шу мас-наддин бош тортсам, менга ишончсизлик туғилиши шубҳасиз эди. Бас, шу мажбуриятда мен бу вазифани қабул қилдим. Менга заҳмат етиши тўғрисида сиз таишиш чека кўрмангиз, модомики, тақдирим шу экан, тағйири² мумкин эмасдир. Бу йўлда қан-чалиқ заҳмат чекимайин ва ҳатто бошим ҳам кетмасин, меним учун қийматлироғи инсонга садоқат ва шу садоқатни то ўлгунча қўлдин бермасликдир. Синглимиз Раънобибига салом айтурсиз. Ота-оналарига ҳеч бир зарар бўлмади, фақат «ҳадя»ларнигина қайтариб олдилар. Охирғи сўзим яна эҳтиётлик устида: зинҳор-зинҳор ҳар эҳтимолга қарши ҳозир турилсин.

Аддои мирзо Султонали».

Анвар мактубни тугатиб, олдида ёниб турган қора чароққа тутиб, куйдирди.

- Эҳтиёт керак-а, Сафар ака?
- Албатта, мирзам, албатта.
- Бу кеч қоласизми, кетасизми?
- Кетмасам бўлмайди, Султоналингиз хафа қилади, ука.

Анвар кулди.

– Кетсангиз, хат ёзиб туришим керак экан, – деди ва тоқча-дан сиёҳ-қалам олди. – Исидингизми, Сафар ака?

– Ҳа, ҳа... Жон кириб қолди, мирзам.

* * *

¹ Мавсуқ – ишончли.

² Тағйир – ўзгартиш.

...Биз ўткан 51-фаслда Анвар билан Раънони Султоналининг дарбозасида қўйиб, 52-фаслга сакраган эдик. Шунда чала қолган бир неча аҳволни ҳозир айтиб кечмасак, мухтарам ўқуғучиға Султонали масаласи биров онглашилмай қоладирган кўринди. Шундоғки, Анварнинг мажбурият остида Раъно билан келиши Султоналини жуда ҳам шошириб қўйди. Икки орада кучлик муҳаббат борлиғиға яна бир карра амалда қаноат ҳосил қилганидек, уларнинг истиқболини қоронғилиқда кўрди. Яна шу ҳолда матонатини йўқотмай, «дўстинг учун қон ют» мақолидаги каби, уларни қаҳрамонлиқда табрик этди. Анвар эса фақат ўз истиқболи устидагина қайғириб қолмай – чунки Раъно ва ўзининг истиқболлари мундан кейин ё чик, ё пук эди – аммо икки ўртада бу ботқоққа тойиб кетиши аниқ бўлган Султонали масаласида жиддийроқ ўйлади. Зеро, мулла Абдурахмонга илҳом бўлганидек Анвар тинчкина Раънони ёниға олиб қочса, албатта Султонали ушланар эди. Мулла Абдурахмоннинг фикрларидан ташқари, Султоналининг ўз хотуни Рувзонбиби орқалиқ маҳдумнинг уйи билан қилинган китоб алоқаси ҳам бор, энг охирда муфти ва Абдурахмонларнинг Султоналига кучлик адоватлари... Шу мулоҳазаларини Султоналига баён қилиб, фикр сўраганида, ундан аҳамиятсиз жавоб олди. Чунки дўстлиқ тақозоси ҳар қандай оғирлиқ қаршисида матонат, кўкрак керишдир, бошингға тоғ йиқилиш эҳтимоли бўлганда ҳам, турган жойингдан силжимасликдир – Султонали шу эски қонун тобиъларидан ягона вакил эди. Лекин Анвар ўз дўстини балоға қўйишни хоҳламади. Ҳар эҳтимолга қарши чора кўришни лозим топиб, ўқуғучиға маълум йўлларни Султоналига таклиф қилди. Табиъий, ул кўнди. Шу йўсун эртага ўйналатурган томошаға Султоналининг хотуни ҳам ўргатилди, ҳатто ярим кечада қўшни Каримбой ҳам уйқудан уйғотилиб, бир тилло баробарига ёлғон гувоҳ тикланди ва шу ондан бошлаб Анвар билан Раъно Каримбойнинг уйига чиқиб яшириндилар.

Маълумдирким, эртаси кун ҳар ким ўз рўлини яхши адо қилиб, иш жуда силлиқ ўтди, ҳатто бу ўртада Солиҳ маҳдум ҳам оқланиб қолди. Султонали шу кун кечқурун Тойир акани Сафар бўзчиға юборди. Чунки бу ишда сирдон бўлиш ва Султоналига кўмаклашиш учун энг мувофиқ ҳам ишончлик киши бирдан-бир Сафар бўзчи эди. Хуфтан асносида Сафар бўзчи етиб келди, воқиъани эшитиб, дафъатан мирзони яшириш

учун шаҳарнинг четроғида бўлган язнасининг уйини жўшлади. Дарҳол язнаси, яъни опасининг уйига югуриб, жой ҳозирлатди ва шу кечасидаёқ Анвар билан Раънони элтиб жойлаштирдиким, қолгани ўқугичимизга маълумдир. Аммо Анварнинг хийласи хон ва яқинлариға шундай яхши таъсир қилдиким, биз буни Султоналининг сармунший белгиланишидан онглаймиз.

«Қирр-қирр» хат ёзиб борган Анвар, савоғич қалам учини сочиға суйкаб, қаламга ёпишқан лос қилчигини тушураб экан, Сафар бўзчиға юз ўгирди:

– Мундан сўнғи келишингизда мирзо Султонали ёнингизға бир киши кўшса керак. Сиз шу йигитни бу ерга олиб келасиз, ўзи меним оғам бўладир, хўбми?

– Хўб, мирзам, хўб. Мирза оғайнингизға шуни тайинлаб битсангиз бўлди-да.

– Шундай, мен битяпман.

Анвар яна ёзувға қаради, Сафар бўзчи сандал кўрпасига ўраниброқ ўлтурди. Ташқарида ёмғур тинаёзиб, кучлик шамол кўзгалган, ёмғур томчиларни гоҳо том устига тўпиллатиб қаттиғ тушураб, дарича тирқишидан кирган шамол билан қора чароғ чайқалиб-чайқалиб ёнар, айвондаги кампирнинг чигиригидан ғижиллаб чиққан товуш мушук бола мавлаган каби хужрага эшитилиб турар эди.

55. Баримта

Кун чошқоҳдан ошиб, Чорсуда халқ олағовири бошланса ҳам, шундаги бўш дўконларнинг бирида уч нафар йигит ҳануз донг қотиб ухлар эди. Чорсуда бўлиб турган тарс-тўполон гўё бу уч йигитни аллалар эди. Бошиға биттадан шапарак кир ёстик кўйиб, остиға яланқават тақир кўрпача ёзган ва устиға гуппи чопонини ёпиб, яна шу ҳолда баҳузур хуррак отиб ухлаган бу уч йигит мусофирға ўхшар эдилар. Улар шу йўсун роҳат қилиб ётқанда, тахтабандлик дўкон ёниға ташқаридан бирав келиб тўхтади ва ҳамма товшин кўйиб, бақириб юборди: «Тўхта, ҳовв Наврўзқул!»

Ухлағучиларнинг иккиси пинагини бузмади, аммо дўконнинг тўрида ётқан чувак бир йигит сўчиб, бошини кўтарди, уйқулиқ кўз билан атрофига қарағандан кейин, ҳамёза тортди,

керишди, сўнгра энг четда ётгучиға кўзи тушиб, ёнидағи йигитни туртди:

– Тур, Шариф, тур, пешин бўлубту.

Иккинчи йигит кўзини очди:

– Эй, қўйсанг-чи, Раҳем.

– Тур-да, ахи, ана Қобелбой ҳам кеб тўхтабту.

Шарифбой ёстикдан бурилиб, ёнидағи учунчи йигитка қаради:

– Палаънат, қачон келган экан?

– Ким билсин... Инисини бо учратдимикин? Қани, уйғот-чи, палаънатини.

Шарифбой ётқан жойидан қўлини узатиб, Қобилбойнинг муртидан тортди, Қобилбой ғиншиб уйғонди:

– Тек ёт, Шариф.

– Инингга йўлиқдингми?

– Йўлиқдим, икавингга салом айтди, – деди Қобилбой ва юзини улардан четка ўгуриб олди. – Бироз тинч қўй, ухлайман.

– Эби, эби, – деди Раҳим, – буродаринг ахволини гапур-да, ахи. Бар падари уйқуки, пешинга чикин¹ бўлса; кўчага бўлиб ётқан тўпалангни гўшингга иласанми?

– Кеч келдим, кўб жоврама-чи, Раҳим.

– Қорунни тўйғузиб, сўгун, ухла, акун² қорунлар ҳам пиёз бўлиб тўхтабту, нонуштани қаерга қиламиз, Шариф?

– Чойхонага қиламиз.

– Қани, сен ҳам кафанингни ёпиниб шунда чикин ётма, палаънатинг бо ухлаб кетдимми?

Иккиси туриб кийина бошладилар. Раҳим узун белбоғини тўғрилар экан, бир қанча чақа ва тангалари ерга сочилиб тушти.

– Ўхў, ўхў, сабил, – деди Раҳим пулларни териб. – Худо буларни ҳам кўб кўрди чоғи, акун, Қўқонинг бизга тўғри келмади, иш топилмайде, пул сочиладе, оч қоламиз чоғи, Шариф?

– Қобелбойнинг Қўқонжониға лаънат, – деди Шариф, – ло-ақал темирчи ҳам шогирд олмайди, бизга бирон иш топиб бер-маса, тўппа-тўғри нарҳар Қобелнинг устига минамиз.

Буларнинг вақирлашиға уйқуси ўчиб кеткан Қобил, тўнғур-тўнғур бир нарсаларни сўзлаб, ёстикдан бошини кўтарди.

¹ Чикин – ... гача.

² Акун (акнун) – энди.

– Чумчукдек чирқиллашдинглар-да, тожиклар, – деди Қобил. – Исшиз қолған бўлсаларинг, Тошкандга кетамиз.

– Ана-ана, яна топди гавни, – деди Раҳим. – Валдир-валдир қиласан, Қобелбой акун, Тошканд бориш учун пул кани?

– Пул топилади.

– Пул топилади? – деб кулди Раҳим, – бу бепадар бойбач-чангизни қара, Шарифбой.

– Пул топилади, – деди яна Қобилбой ва яхтагининг чўнтагига қўл солди. – Паст одамларсан-да: биринг темирчининг ўғли, иккинчинг шустагарнинг¹ боласи...

– Вой-вой, – деди Раҳим, – назари баланд бўёқчининг ўғлидан хафа бўллем!

Қобилбой чўнтагидан бир нарса олиб, уларнинг оёғи остига ташлади ва ўзи оғзини катта очиб, ҳамёза тортди.

– Ана пул, керак бўлса ол, сендек ифлосларни бир йил боқадди.

Раҳим билан Шарифбойнинг оёқлари остига икки тилло келиб тушти, улар бир олтинларга ва бир Қобилбойга қараб қолдилар.

– Эби, кимни ўлдурдинг?

– Ота касбим одам ўлдуриш эмас.

– Иниси берган, – деди Шариф. – Кани, ининг билан кўришдингми, Қобел?

– Кўришдим.

– Одами нағз бўлган?

– Одами нағз.

– Акун шу қочиб ёта берайкан-да, – деди Раҳим. – Бирон чора боқсин-да, айтмадинг-чи, ахи?

– Айтдим... Пайт топиб ҳаммамиз Тошканд кетмакчи бўлдиқ.

– Бале-бале! – деди Раҳим ва Шарифка қараб қош қоқти. – Тошканд кетамиз дегани тексиз² эмас экан-да, палаънатингни. Ҳай, иш битти, Қобелбой, Тошкандга юрамиз, ўрусингни ҳам бир кўрайлик³.

Шариф ерда ётқан икки тиллони олиб Қобилга узатти:

– Ма, тиллонгни киссангга тиқ, Қобел.

¹ Шустагар – мато оҳорловчи.

² Тексиз – бекор.

³ Шу вақтларда Тошканд ўрус қўлида эканлиги унутилмасин (муал.).

Қобил олмади.

– Тилло ўзларингга, икавинг бир тиллодан бўлиб ол.
– Аччиғингни қўй, ахи биз сенга даҳанаки айтдик-да.

Қобил кулди ва парвосиз кийина берди.

– Олмайсанми, палаънат?

– Ўзларингга деяппан-ку, иним сенларга атаб берди.

– Биздан қарзи йўқ-ку, ахи?

– Тушунмаган одамларсан-да, – деди Қобил. – Иним қочиб ётқан ҳолда уларни меҳмон қилолмадим, деб сенларга шу икки тиллони бериб юборди... Энди тушундингми?

– Вой, палаънат... Ҳали сан бизни ўз пулимиз билан бетимизга урдинг?

Қобил кулди. Улар иккиси бирининг оғзидан бири олиб, Қобилни паст уриб, Анварни мақтаб кетдилар.

– Сан отанг ўғли эмассан, агар отанг ўғли бўлсанг, мирзо Анвардек меҳмондўст бўлайдинг. Мирзо Анвар меҳмоннинг бетини кўрмай, бошидан тилло нисор¹ қилганда, сан палаънат бизни туконхонага қамаб қўясан. Буродаринг бўлмаса, Қўқонжонингни кўтариб оғзингга урайдик, мурунингдин мағзи саринг оқиб тушайди!

Қобил бир нарса деб тўнғиллади.

– Э, тўнғиллама, палаънат. Биз пул ошноси эмас, одам ошноси... Сени бозори подшога олиб чиқса, оғзига тиши бор деб саккиз пулга ҳам олмайди, ба Худо!

Улар шу ҳангаманинг устида эдиларким, Чорсудаги шовқин-сурон ичидан баҳайбат бир ҳайқириқ эшитилди: бозор ола-ғовири бирдан кесилиб, бу учави ҳам ташқариға қулоқ солиб қолдилар:

Эй-й-й-й-й-й...

– Бозор аро йиғилишиб гул терганлар!

Қасам ёдлаб, подшоға сўз берганлар!

Мирзо Анвар отлиғ элга маълум киши,

Ўрда ичра қаламкашлик эрди иши.

Арзимаган гуноҳига қочди, кетди.

Бундин андак подшоға озор етди.

Унинг дўсти Султонали номлиғ мирзо,

Бу қочишдан чекмакдадир беҳад изо

¹ Нисор – сочиш.

*Мирзо Анвар гуноҳига тойилди зор,
Халойиқни тўхтатишдан мақсадим бор.
Эрта пешин асносида Султонали,
Орсиз Анвар гуноҳига ўлгай, бали.
Жамиятда ҳозир бўлса осий Анвар,
Ёки унинг дўсти оиносидин бирар.
Гуноҳингга Султонали ўлар, десин,
Эрта пешин вақти, афсус, сўлар десин.
Имонлик қул нафси учун дўстин сотмас,
Гуноҳи йўқ оиносини ўтка отмас.
Қулоқ солган гуноҳсизнинг фарёдиға,
Дард қолмағай, етар ҳар вақт муродиға!*

Жарчи тўхтади, шовқин-сурон яна эскича давом этди. Жарнинг давомида қулоғи тиккайиб, кўзи катта очилган Қобилбой сукутка кетди...

– Нега хомуш тўхтадинг, Қобил? Акун жарчинг нима деб вақирлайди?

Қобил жавобсиз бошини чайқади.

– Гапур, – деди Шариф. – Мирзо Анвар, осий Анвар, деяпти чоғи?

Қобил яна жавоб бермади.

– Забонинг бор, ахи, буродарингни тутканлар-чи?

– Йўқ.

– Бўлмаса нега ундай чикин хомуш тўхтадинг?

– Энди тутмакчилар...

– Энди тутмакчилар? – деб заҳарханда қилди Раҳим. – Дарди харинани тутлади.

– Тушунмай ётибсанлар, анови кун биз бир мирзонинг уйига борган эдик-а.

– Ҳай.

– Ана шуни, сен Анварнинг дўсти эдинг, деб баримта¹ ушлаганлар.. Эртагача Анвар келмаса, шу Султоналини ўлдурад эмишлар...

Жар маъносига энди тушунган йигитларнинг юзида бирдан ўзгариш кўрилди, кўзларида ғазаб, нафрат ўти ёнди:

¹ Баримта – гаров.

– Бу хон йўқ¹, бу даюс! – деди Раҳим. – Акун санинг лабинг-га кесакни ман суртай, ўртоғим Шарифни ўлдир? Бу хон йўқ, бу даюс. Азбаройи Худо, даюс!

Қобил лабини тишлаб, секинроқ ишоратини қилди. Чунки хуйланиб кеткан Раҳим бутун дўконхонани бошига кийиб бақира бошлади.

– Бу хон йўқ, бу даюс! Вой дар даҳанат хонаша!..

– Секин-секин! – деди қўрқувлик Қобил ва ўрнидан туриб кетди, – бир фойдаси борми, жинни!

– Вой дар даҳанат хонаша!..

Қобил югуриб бориб, дўконхона эшигидан кўчага қаради.

– Қўй акун, даюсинг мени ҳам бўғиз қилсин... Вой дар даҳанат...

Раҳимнинг эскидан шунинг сингари асабий оғриғи бор эди. Шариф билан Қобил унинг феълига яхши тушунар, ул бирар ҳақсизликка дуч келса, гарчи масаланинг ўзига тааллуқли бўлмағанда ҳам шунинг сингари жинни бўлиб олар эди. Раҳим учтўрт дақиқа сўкуниб, титраб дўконхонани бошига кўтаргандан кейин тинчиди, Қобил дўконхона эшигини ёпиб, ўртоқлари ёнига келди. Учави бир неча вақт хомуш ўлтурдилар.

– Шу бевафо дунёга бир иш қиламиз, Қобилбой, – деди яна кўзи оланган Раҳим. – Даюсингни зиндони қаерга?

– Зиндонини нима қиласан?

– Ана ман бор, ана Шариф, ана сан, – деди Раҳим. – Шу тунга учавимиз бориб ё ўламиз, ё шу бечорангни рўшноликка оламиз.

Қобил манглай остидан Шарифка кўз юборди. Шариф кулимсиб, Раҳимга қаради.

– Э, сенгачи бало шуд?²

– Ҳеч чи, – деди Раҳим. – Акун биз дунёга нима олиб борамез, ҳай ўллуқ; дунёга ўн тилло пулимиз қолайдим, ё уйга сочини тараб тўхтаган хотунимиз қолайдими?

– Йўқ, қолайтикони йўқ, – деди кулиб Шариф.

– Дасташа гир, – деди Раҳим. Шариф билан Қобилга икки қўлини чўзиб, улар иккиси ҳам илжайган кўйи қўлларини бердилар. – Лафзатон якми?

– Як-як, Раҳим дав.

¹ Бу хон эмас... (муал.)

² Э, сенга нима бало бўлди?

– Ҳазилаш нест?

– Нест.

– Тамом, – деди икки кўлини бўшатиб Раҳим. – Шуд.

Бу аҳдлашишдан сўнг учави ҳам хомуш қолдилар. Ташқарида шовқин-сурон давом этар, узоғроқ жойдан қаландарлар талқини эшитилар ва дўкон ёнидаги бир каллапаз зўр бериб ёғлиқ хасипини мақтар эди. Полос устидаги чўпларни ўйнаб ўлтурган Қобилбой узоқ сукутдан бош кўтарди.

– Меним бир неча ерларга боришим керак экан.

– Қаёнға?

– Кеча мени олиб кеткан бўзчининг уйига, ундан кейин инимнинг олдиға.

– Нима учун?

– Балки Султоналининг қамалиши ёлғондир, агар чин бўлса, иним билан албатта кенгашиш керак. Ўрунсиз кучаниб қолмайлиқ-да.

Шариф Қобилнинг сўзини маъқуллаб, бош ирғатди.

– Ҳай, кет, – деди Раҳим. – Биз шу ерга бўламиз, ханжарларни чархка тоблаймиз. Кўб тўхтама, палаънат.

Шариф ва Қобил унинг жиддиятидан кулимсишдилар. Қобил дўкондан чиқди.

56. Хайр энди, Раъно!

Хотун-қизлар жинсидан иродаси кучлик, ҳатто эрлардан ҳам жасурроқ шахсларни кўб учратамиз. Шунинг билан бирга, уларни нақадар кучлик иродага молик бўлмасинлар, яна ҳиссиётларига мағлуб кўрамиз. Масалан, ҳикоямиз қаҳрамони Раънонинг жасорати, хонға қарши исёни, ҳатто маъюс қолган Анварни йўлға солиши ўз замонаси учунгина эмас, бизнинг ҳозирги асримиз учун ҳам лойиқи таҳсин ва Раъно ёшлиқ қизларимизға ибратдир. Лекин иродаси кучлик шу Раъно ҳозир яна ҳиссиёти кўлида мағлуб эди.

Бу кеча Анвар оғаси билан кенгашиб, шу кунлар миёнасида Тошканд кетишни ўзига жазм қилди. Раънога ҳам Қўқон билан видеолашиш оғир сезилмади. Аммо, масала қатъий ҳал қилинғач, Раънода бир тарафдан қўрқунч, иккинчи тарафдан қизиқ яна бир жасорат туғулди; кампир билан биргалашиб ота

маҳалласига борар эмиш; ўзи биравнинг йўлагида туриб, кампир орқали онасини айтдириб чиқар эмиш.

Туни билан шуни ўйлаб чиққан Раъно, эрталабдан бери Анварни хафа қилар, ўз сўзида исрор этар эди. Кичкина хужранинг сандалида қаршима-қарши ўлтурғучи Анвар ва Раъно бир-бирисидан ўпкалик қиёфатда эдилар.

– Ҳиссиётка қаттиғ берилибсан, Раъно... Ҳар қадамингда сени бир фалокат кутади, менга қолса аямга ҳам ишониб бўлмас.

– Паранжи ичида борган Раънони таниш учун ҳеч кимда каромат йўқ; аямга нега ишониб бўлмасин?

– Сен қочқан, аянгнинг обрўсини тўккан қизсан...

– Ҳеч, ҳеч... Аямнинг кўнглини мен яхши биламан, аям сиз ўйлаган хотунлардан эмас, ҳеч.

– Яхши, йўлда ҳам сени ҳеч ким танимасин, кампир ҳам аянгни алдаб олиб чиқсин, аянгнинг ўзига ҳам ишонайлик; яна ҳарҳолда меним учун шу қасдингдан кечсанг, нима бўлади Раъно? Биз Тошкандга бориб еткан кунимизок, соғлиғимизни ва узримизни айтиб, хат ёзармиз-ку, жоним.

Раъно жавоб бериш ўрнига бирдан йиғлади, анча вақт кўз ёшини юзи орқалиқ тўкиб турди.

– Балки мен... аям билан абадий кўришмасман.

– Ҳай Раъно, Раъно, – деди Анвар. – Худоёр юз йил яшайди, биз Тошкандда ўламиз, деб ўйлайсанми? Хайр, кўб бўлса Худоёр яна беш йил яшасин, ваҳоланки, унинг зулми шу йўсун давом этканда, биз чамалаган бу фурсат ҳам кўб; зеро, зулм неқадар кучайса, унинг умри шунча қисқа бўлиши тажрибалар билан собитдир. Агар шунгача ҳам сабринг етмаса, бошқа чораси топилар, Раъно, масалан, аянгни Тошкандга чақирармиз ёки гапни бироз эскиткандан сўнг Қўқонга ўзимиз ҳам келсак бўлади.

Раъно жавобсиз яна кўз ёшисини тўка берди, бу ҳолдан сиқилган Анвар, Раънога бироз қараб турди:

– Ҳўб, йиғлама. Ҳали бир-икки кунсиз йўлга чиқолмасмиз, бу кун кечаси акам келса, эрта бозорга чиқиб йўл ҳозирлигини кўрса, ҳарҳолда бириси кун кечқурун жўнашимиз ҳам аниқ эмас. Бинобарин, сен ошиқмасанг ҳам бўлади. Ундан сўнг, сенинг ўйлаган йўлинг жуда қалтис, бу тўғрида бошқачароқ тадбир топармиз...

Раъно индамади, бир энтикиб ором ҳавосини ютди ва рўй-моли билан кўз ёшисини курутди. Анвар ўпкалик илжайиб Раънони янди. Улар шу ҳолда экан, хужра девори кўча тарафдан уч-тўрт қайта гурс-гурс урилди. Иккисининг ҳам қулоқлари тиккайиб бир-бирисига савол назари юбордилар...

– Бегона киши эмас, – деди бироздан кейин Анвар. – Мен Сафар ака билан кундузи учун девор уришни шарт қилган эдим... Сен чиқиб кампирга айт, эшикни очсин.

Раъно хужрадан чиқди. Бирар дақиқадан кейин ҳавли саҳнига бир неча оёқлар кирди. Бемаҳал йўқлашдан Анварнинг кўнгли ғаш тортиб, келгучини Сафар ака бўлар деб ўйлади. Хужра эшиги очилиб ичкарига бири орқасидан бири – Қобилбой билан Сафарбой кирдилар. Анвар яна онглашилмовчилик ичида қолди, Сафар аканинг тинчсиз, ҳаяжонли кўзи Анварнинг илгаридан кўриб қўйган бир неча эҳтимолларини хотирлатиб, уларга жой кўрсатди.

– Вақтсиз йўқлашларингиз сабабсиз бўлмас, – деди товшини секинроқ чиқариб Анвар. – Биздан хабар топқанларми?

Сафар ҳамроҳига қараб, икки қўлини қовуштириб енглари ичига олди.

– Йўқ...

– Султоналини қамаганларми? – деб яна сўради Анвар. – Қамаганлардир?

Сафар ва Қобил бир-бирларига қарашдилар.

– Шундай, мирзам, шундай... Бизлар жуда ҳайрон бўлиб қолдиқ-да.

Анварда қонсизланиш ва кипрак остларида ҳаракат кўрилди.

– Зарари йўқ, қутқарамиз... Қачон қамаганлар?

– Кеча кечқурун... Боя бизнинг уйга Султоналининг хотуни келган эди, мен шундан эшитдим. Унинг устига акангиз бориб қолди...

– Сиз кимдан эшитдингиз, ака?

Жарчи хабарини ва бу тўғрида ўртоқлари билан берган қарорини Қобилбой сўзлади. Анвар оғасининг сўзини жиддий эшитиб, бир неча вақт ўйлаб ўлтурди.

– Сиз ва ўртоқларингизнинг ҳамиятларингизга раҳмат... Лекин бу йўл билан Султоналини қутқариш қийинроқ, балки мумкин ҳам бўлмас, деб ўйлайман.

– Агар биз унинг қамалган жойини билсак, нима учун мумкин бўлмасин, Анвар? Ўртоқларим юраксиз йигитлар эмас, бу ёғидан хотиржамъ бўлингиз.

– Раҳмат. Албатта, бу жасоратни юраксиз кишилар қилолмас. Меним бу жасоратка умидсиз қарашим сабаби шунинг учунки, бундай шартлик ва нозик ҳабслар¹ аксар ўрданинг ўзидаги овоққа қамалғучи эди.

– Ўрдаға кириш қийинми?

Анвар бош чайқади.

– Ҳеч мумкин эмас, тун бўйи элли нафар йигит ўрда қўрғонни остидан айланиб турадир.

Қобилбой маъюс Сафар бўзчиға қаради. Сафар бўзчи зўр бериб мўйлабини тишлаб, узар эди.

– Зиндонға қамаган бўлсалар, эби бор экан-да, тақсир.

– Эби... Зиндонға қамашлари эҳтимолдан узоқ, Сафар ака.

Яна бир неча фурсат сукутда қолдилар. Қобилбой ҳар он тўпписини қайириб, бошини қашир эди. Анвар сандал кўрпачидаги бир ипни узиб олмоқчи бўлгандек қўлини силтар эди.

– Зиндондан хабар олдиришимиз керак экан-да, Анвар?

– Хабар олинса... бўлади.

Қобилбой Анвардан шу жавобни олиб, Сафар бўзчиға юз ўгирди:

– Мирзонинг уйига бир киши юборсақ-да унинг хотуни эрига таом келтирган бўлиб зиндонға борса... Шу қандай бўлар экан, Сафар ака?

– Маъқул, ука, маъқул.

– Сизга-чи, Анвар?

Анвар тўғри ишорасини берди.

– Бояғи андишамизни ҳам айтиб ўтайлик, – деди Қобилбой.

– Биз йўлда бир тўғрини мулоҳаза қилиб келдик, Анвар. Сўзнинг рости шуки... Сиз бу уйдан ҳозир кетсангиз маъқул. Ҳарчи одам боласи-да. Ҳалигидек жони кўзига кўриниб иқрор бўлиб қўйса...

Анвар бош чайқаб, кулимсиди.

– Султонали ундай одам эмас, бундан хотиржамъ, – деди Анвар қаноат билан ва бироз ўйлаб турди... – Аммо Султоналининг хотуни, тўғриси, бироз хавфлироқ; хотун киши эримни қутқараман, деб нодонлиқ қилса, иш расво...

¹ Ҳабс – маҳбус.

Сафар бўзчи боя Султоналининг хотуни келганда, Қобил-бойнинг ниятини эшитиб хотиржамъ бўлганини сўзлади.

– Жуда яхши қилинган, раҳмат... Ҳали унинг уйига киши юборсангиз, яна уқдириш, хотиржамъ қилиш керак, шундай ишонтирилсинки, эрта пешингача эрининг озод бўлишига шубҳаси қолмасин, ҳатто уни бу йўсун алданса ҳам бўладир. Эрта билангача қутқарилса, хўб, қутқарилмаса Анварнинг ўзи бориб қутқарар эмиш, агар сен шунгача сабр қилмасанг, эрининг яна жазо тортишига сабаб бўласан, дейилсин.

– Хўб, мирзам, хўб.

– Сизга яна бир хизмат, Сафар ака, – деди Анвар, Сафар хозирлик ишорасини қилиб, энгашиб олди. – Хизмат шуки, синглингиз мен билан бирга турмаса, сиз олиб кетсангиз...

– Хўб, хўб.

Анвар ўрнидан турди ва ҳозир қайтиб киришини сўзлаб хужрадан чиқди. Кўр киши зўр бериб ғўза суғурар, кампир чиғириқ чиқарар, Раъно эса, кўзини бир нуқтага тикиб, сандал ёнида ўлтурар эди. Анвар ҳавлига тушиб, Раънони ўз тарафига имлади. Иккиси ҳавлининг чеккароғига бордилар.

– Эшитдингми, Раъно?

– Нимани?

– Уларнинг сўзини?

– Йўқ.

– Бизнинг бу ердалиғимизни сезиш эҳтимоллари бор экан, Султонали қамалган, иқроқ қилса эҳтимол эмиш...

Раънонинг кўзи қавариб кетди.

– Аҳ?

– Қўрқма... Сен ҳозир Сафар ака билан кетасан, мен ҳам бошқа жойга бораман. Йўл ҳозирлигини кўриб битиргунча бир неча кун айрилишиб турмасақ бўлмас... Сен бориб кийин.

– Ростданми?

– Ростдан, сен қўрқма, фақат бу бир эҳтиёт, ҳозир Султоналининг қамалишидан бошқа гап йўқ.

– Кийимларим хужрада...

– Хужрада бўлса, улар чиққандан кейин кириб кийинарсан.

Иккиси айвонга қайтиб, Анвар хужрага кирди.

– Синглингиз ҳозир кийинади, – деди Анвар. – Бирга юриш бўлмас, иккавингиз биров илгариди, Раъно орқада борсин.

– Хўб.

– Ундан кейин сиз зиндон хабарини билиб, хуфтан чоғи меним олдимға келингиз, Қобил ака.

Қобил ваьда ишоратини бериб, Сафар ака билан хужрадан чикди. Раьно кириб кийина бошлади. Анвар маъюс эди, бироз шошинқираб кийинган Раьнонинг латиф юзига қаттиғ тикилган эди.

– Сиз кимникига борасиз?

– Менми, мен... мен шу яқиндағи биравникига.

– Мен ҳам сиз билан турсам бўлмасмиди?

– Йўк, хавф бор.

Раьно айрилғуси келмагандек уфлади. Кийиниб бўлиб паранжисини ҳам қўлиға олди, Анвар хужранинг бурчагига ўтиб, Раьнони ўз ёниға имлади. Раьно келгач, Анвар уни қаттиғ қучоқлаб ўпди.

– Акам сенинг ёнинға мендан хабар етказиб турар, сенга бошқа ёрдамлар ҳам қилар, Раьно.

– Тошкандга тезроқ кетайлик, мен... уч кундан ортиққа кўнмайман.

– Хўб... яна бир ўпай, Раьно.

Раьно табассум ичида яна юзини тутиб берди. Анвар бир неча вақт унинг юзидан ажралолмай турди.

– Бўлди... Улар кутишиб қолғандирлар.

Анвар уни бўшатди...

– Пулни сен олиб кет, Раьно, меним эсим йўк, йўқотиб қўярман.

Раьно бурчакдаги кийиз тахидан бир ҳамён олтинни олди.

– Сизга бир-икки тилло бериб кетайми, балки керак бўлар?

Анвар керак эмас, деб бош чайқади. Яна шу ҳолда Раьно ҳамёндан икки тилло олиб, Анварга кўрсатди:

– Шу икки тиллони холам билан отамға биттадан бериб кетаман.

– Бер, бер... Хайр энди Раьно!

Раьно ҳам, хайр, дегандек бош ирғади ва шошиб хужрадан чикди. Раьно айвондагилар билан хайрлашар экан, хужрада қолган Анварнинг икки кўзи жиқ ёшқа тўлиб, кўкраги кучлик-кучлик силкинди ва гавдаси ўзига оғирлиқ қилғандек деворға бориб суянди...

57. Кўркунч бир жасорат

Қобилбой бу сўзни эшиткучи қулоқлариға ишонмағандек, Анварнинг яқинроғиға сурилди.

– Нима деяпсиз, Анвар, мен яхши онгламадим?

Анвар яна ўша сўзини такрорлади. Қобилбой энди бироз орқасиға қочиб, кўзини катта очди ва бир неча вақт қотиб турди...

– Сиз нима қилмоқчисиз, ука. Ўз оёғингиз билан... Йўқ, бу бўлмаган гап. Балки бу хоннинг унга пописасидир, шу ҳийла билан мақсадиға етмакчидир... Қўйинг бу гапни, ука, қўйинг...

Анвар ҳамон бояғи вазиятда, кўзини бир нуқтаға тикиб, сандал устидаги қоғозни оғаси яқинроғиға суриб қўйди...

– Башарти пописа бўлмаса?.. – деди Анвар. – Хон пописани билмайди, унинг ҳамма ҳаракати жиддий. Шундай, сиз бу хатни эртага унинг қўлиға берасиз ва ундан ҳар бир ёрдамингизни аямайсиз.

– Бу ақиллик гап эмас, ука...

– Мен энди шунга қарор берганман, – деди Анвар ўзгаришсиз. – Бу азмдан қайтиш йўқ... Фақат, сиз ундан ёрдамингизни аямаслиққа менга сўз берсангиз бўлди.

Қобилбой энтиқди, хатни қўлиға олиб, бир неча фурсат сукутда ўлтурди... Сўнгра бирдан ўрнидан туриб ҳужрадан чиқа бошлади.

– Йўл бўлсин?

– Кетяппан.

– Хайр, кечирингиз.

Қобилбойдан жавоб бўлмади.

Кун қиёмға яқинлашқан. Яна бирар соатдан сўнг Султон-алини ўлимга олиб чиқар эдилар. Ўрда ҳеч бир ўзгаришсиз, одатий такаллуфида ҳаракатланар, бахмал ва заррин кийган саркардалар ичкари билан ташқариға тўхтовсиз қатнашиб турар эдилар. Бу кунги девонда бир неча муҳтарамларнинг чақчақи билан яна бошқача руҳ, икки кундан бери яна девон хизматини адо қила бошлаган бир муҳтарам ёш олимнинг мулоийим сиймоси мирзолар орасини яна мунаввар эткан ва юзидан ғолибият маъноси чакиллаб турған икки муфтининг мутоябаларига ёш олимнинг майин нигоҳи ҳар замон илжаяр эди.

– Унинг учун икки йўл, – дер эди Шаҳодат муфти, – ё амма-зодасини топиб бериш, ё ўлим, фақат икки йўл.

– Албатта шундай, – деб унинг сўзини тасдиқ қилар эди мулла Абдурахмон. – Топиб берганда ҳам, яна жазо бор, бу та-рафи ҳам унутилмасин.

– Яна қандай жазо? – деб ажабланар эди мулла Калоншоҳ.

– Топиб беришни бўйнига олдими, бас, бу сўз Анварни қо-чирган ҳам ўзим, деган иқрордир.

Бу бийрон жавоб мулла Калоншоҳга ёқинқирамас эди.

– Топиб беришни бўйинга олмаслик, гуноҳсизлик деган сўздир. Дарҳақиқат, Анварнинг қаерга кетканини билмаса, қандай қилсин? Бас, бу ҳолда Султонали қатл қилинадир, гу-ноҳсиз ўлдириладир... Бунга ким сабаб, унинг қони кимни ту-тадир? Мен шунисига ҳайронман-да.

Бу сўз қаршидаги икки муҳтарамни лом дедирмай қўйиб, чақ-чақ шу ерда шарт кесилди. Шаръий либос кийдириб, ўз менлигини ишка оширган мулла Калоншоҳ ғолиб ва мағрур, қўлидаги таҳрирга қаради.

Шундай: шу соат ичида Султоналини ўлим жазосига олиб чиқар эдилар. Ўрдадан ҳар ким унинг нажот топишига ишон-мас; хоннинг олдига чақирилди – ўлди, башарти гуноҳи бўлиб, иқрор қилса, яна жазога қолди, вассалом. Аммо Анвар хон ҳу-зурига келиб ўзини унинг ҳукмига топширадир, чин йигитлик йўли билан дўстини қутқарадир, деган хаёлга ким ишонсин? Кеча жарчи кўй-гузарларни айланиб, Анварни инсофка чақир-ди, киши қониға қолмаслик фазилатини тараннум эттирди. Бироқ Анварнинг бундай «ҳамоқати»га ахлоқан сукут этиб, виждонан музлаган ўрда арбоби ва бошқалар ишонсинми?

Шундай: ўрда арбоби бу кун пешиндан бироз илгарироқ мужассам бир виждон, тоғюрак бир йигит ва ўлим сари кулиб келгучи бир арслонни ўз тарихида биринчи мартаба кўрди ва тонг ажабда қолди. Бу улуг жасорат бир неча дақиқаларғача зулм итларини сукутка солди, уларни ишдан тўхтатди. Ўрда арбобларининг маҳқамада ўлтурганлари эшик ёниға чиқиб, йўлда борганлари ҳаракатсиз қолиб, парвосиз ҳар ким ёнидан саломлашиб ўткучи арслонни тамоша қилдилар.

Анвар девонхона қаршисиға етканда, нима мақсад билан-дир даричалар ва эшик ёнидан мўралашқучи мирзоларга уму-мий бир таъзим ифода қилди ва собит қадам зиналарга оёқ

қўйиб, юқориға, хон ҳузурига чиқиб кетди. Пойтахт бўсағасидаги доимий ясовуллардан ўтиб, даҳлизда тўхтади. Чунки бундан нарига ўтиш учун ҳудайчи воситасида хондан рухсат олдириш лозимдир. Биринчи эшик ёнида қўл қовиштириб турғучи Дарвеш ҳудайчи таажжуб ва ҳайрат ичида Анварни қаршилаб, иккинчи хонадаги «жаноб» ҳузурига кетди.

Тахтига така қилган Худоёр икки кўзи тўғрисиға икки жаллодни қўйиб, ёнидаги домла шоғовул, Турсун оталиқ ва ғайри бир неча аёнлар билан суҳбатлашар эди.

– Пушти паноҳо! – деди ҳудайчи, – хиёнаткор ўз ихтиёри билан келиб, доми адолатингизга таслим бўлмоқчи!

– Хиянаткаринг ким?

– Мирзо Анвар!

Хон сесканиб кетди, ҳамнишинлар ҳам алонг-жалонг бўлдилар.

– Келтир!

Ҳудайчи қуллик қилиб, орқасиға қайтди. Даҳлиздаги Анвар биринчи хонадаги аённи ҳайратка солиб, иккинчи танобийнинг бўсағасида, жаллодлар ўртасида тўхтади ва хонға таъзим адо қилди.

Рақибни бу қадар жасоратда кўрган Худоёрнинг кипрак остлари учиб, соқол туклари силкинди ва бироз сўз тополмағандек тамшаниб турди.

– Сен бизга хиянат қилдинг, ит увли!

Анвар бош ирғатди.

– Иқрорман.

– Тузимни унутдинг!

– Тонмайман.

– Иқрорсен, тонмайсен, ўбдан иш! – деди заҳарханда қилиб хон, – ўлудан ҳам қайтмайсан!

– Мен сиздан марҳамат сўраб келган эмасман, – деди илжайиб Анвар. – Ўзимни ўлимга бериб, бир гуноҳсизни қутқозиш учун келганман.

Ҳамнишинлар лабларини тишладилар. Худоёр истеҳзолик кулди.

– Пусулмончилик қиғансан-да?

– Албатта, – деди Анвар, – бошқалар киши гуноҳи учун гуноҳсизни тутиб, пусулмончиликдан чиққач, мен пусулмонлик билан ўлишни ўбдан билдим.

Бу жавоб Худоёрни қип-қизил туска қўйиб, манглайда терлар кўринди, ғазаб ўти аланга олди.

– Сенинг қиған ишинг пусулмончиликда борми, ит увли?

– Муслмончиликда юзлаб хотун устига, бир камбағал уйланмакчи бўлган қизга ҳам зўрлик қилиш борми, қиблаи олам.

– Чиқар буни, жаллод!

Жаллодлар ҳаракатландилар.

– Ханжаримиз қонсираған!

Анвар бош чайқаб кулди.

– Гуноҳсизни меним кўз ўнгимда банддан озод қилинмас экан, Анварни бу ердан чиқара олмаслар, қиблаи олам, – деди ва ўзини ташқариға торта бошлаған жаллодларни арслонларча силтаб юборди, – сизда адолат борми, жаноб?!

Кўркунч бу ҳайқириқ Худоёрни инсофка келтирди. Жаллодларни тўхташқа ва ҳудайчини Султоналини ҳозирлашга буюрди. Кўзи қонланған Анвар икки қўлини ёниға ташлаб Худоёр қаршисида туриб қолди. Ҳамма сукутда... Шундай фурсатларда гуноҳкорни адабсиз сўзлар билан сўқиб турғучи Худоёр ҳам жим. Чунки, аён назарида ҳар бир адабсизлигига Анвар тарафидан кучлик бир ҳақорат олиш эҳтимоли бор. Шайхи Саъдий айтканча, дунёда ҳаётидан қўл ювғучидек тили узун киши бўлмас. Дарҳақиқат, инсонни разолатка солғучи унинг манфаати тақозаси, қола берса ўлимдир. Бу иккисидан кечгучига эса на подшоҳнинг қаҳри ва на жаҳаннамнинг қаъри фарқсиздир.

Кўб фурсат ўтмай ҳудайчининг орқасида Султонали кирди, хонға қарши турғучини таниб, титради... Титрар экан, Анвардан бироз кейинда туриб хонға таъзим қилди.

– Сиз озод бўлдинғиз, – деди хон, – девонға чиқиб ўз ишинғизға қаранг!

Султонали ихтиёрсизча хон томонға букулиб олди... Анвар «истеҳзоли» вазиятда Султоналиға ён қаради:

– Меним қаршимға ишлаб, жанобга неқадар содиқ қолсангиз ҳам, садоқатингиз сизни нажотка чиқара олмади, билъакс, сиз ўйлағанча мен – инсофсиз сизни қутқардим... Сиз шуни унутмасангиз бўлди, Султонали ака, – деди Анвар ва хонға ишорат қилди. – Қўлимни боғласинлар, чиқариб ўлдирсинлар.

Султонали орқасиға қайтди, қайтар экан, кўзидан бир неча томчи ёши оқиб тушди. Жаллодлардан бири келиб, Анварнинг қўлини орқасиға боғлади. Анварнинг қўли боғланар экан, Муҳаммад Ниёз домла ўрнидан туриб, хонға қуллик қилди.

– Шу адабсизнинг гуноҳини меним учун кечсинлар.

Хон юзини четка ўгирди:

– Растага чиқаринг!

Анвар хонни ва ҳамнишинларини масхаралагандек таъзим адо қилди. Жаллод олдинга тушди, унинг орқасидан Анвар юрди ва орқадан икки нафар қуроллиқ ясавул эргаштилар. Анвар ўзини ўрдага киришида қандай тетик туткан бўлса, ўлим сари чиқишида ҳам ўшандоғ парвосиз эди. Кўзи тушкан таниш ҳар кимса билан «Хайр, хўш» деган каби имлашиб олар эди. Ранги қув ўчиб ҳушсиз каби ташқи дарбоза ёнида турган Султонали билан ҳам алоҳида видоёлашди. Анварнинг қарашидаги маънога тушунган Султоналининг юраги сув бўлиб оқди ва ҳушсиз, ҳиссиз, Анвар кўздан йўқолгунча қараб қолди...

Янги растада халқ қайнашар эди. Қўлида яланғоч ханжарини ушлаб, белига ойболтасини қистирган манфур жаллод орқасидан келгучи маҳкумга кўзи тушкан халқдан баъзиси жазо майдонига қараб оғилди ва баъзиси нафратланган кўйи ўзини четка тортди. Жазо майдони янги раста билан ўрда боғининг муюшида бир дор ва остига қон оқизиш учун қазилган чуқурдан иборат эди. Дор остига келиб етдилар. Бир онда дор атрофига юзлаб йиғилган томошабин халқни ясовуллар четланишка буюрдилар. Халқ орқага силжиган бўлиб, яна сиқилиша берди. Дор остида Анварнинг қўли ешилиб, таҳорат олиш учун унга сув берилди. Чунки бу маҳкумнинг қонуний ҳаққи эди. Анвар таҳорат олар экан, жаллод ва ясовуллар ханжар яланғочлаб унинг теварагини қуршаб турдилар. Анвар таҳоратланиб, устидаги тўнини ерга ёзди. Жаллодлар доирани бироз кенгайтиб, Анвар икки ракаъат намоз ўқуди. Дуодан сўнг Анвар ўрнидан турди, қўлини боғлашқа бериб, атрофига бесаранжом аланғлади. Теваракни сириб олган халқ олдида манфур кўзини мойландириб ўз устига тўп-тўғри қараб турган мулла Абдурахмонни кўрди. Анвар титради. Абдурахмон илжайди...

– Кулишка ҳаққингиз бор, домла, чунки ўч оласиз, – деди Анвар. Бирдан ҳамманинг кўзи Абдурахмонга тушди. – Фақат сиз ифлослиқ натижасида куласиз, мен... мен тўғрилиқ самарасини ўраман, сиз ифлос виждон билан ғолибсиз, мен соф виждон билан мағлубман... Мени дор остига ким келтирди? Виждон эмасми, тақсир?! Сизни бу ерда ким томошабин қилди. Ифлослиқ эмасми, тақсир?!

Халқ чуқур сукутда, ўз орасида турган «пешво»га киналик кўз билан тикилган эди... Жаллод қўли боғланган Анварни дор томонга олиб борди. Анвар ўз ихтиёрича чуқур ёнига ўлтурди ва ханжарини яниб келган жаллодга қўли билан «озғина тўхтанг» ишоратини қилиб, Абдурахмон томонга кулди:

– Меним ҳолимни кўрингиз, домла, – деди Анвар кулган юзда, – қўлим боғланган, устимда ханжар ялтирайди. Лекин мен куламан... Нима учун бундай, тақсир? Чунки виждон роҳатда, жон тинч, юракда ишқ... Дуруст, мен кўмилгач, қабрим устида кўкси доғлиқ қизил лолалар кўкарар... Нимадан бу? Бу – сизнинг каби тубанлар солган из...

Томошабинлар тоқатсизлангандек кўриндилар, Анвар узаниб ётди... Жаллод ханжарини енггига яниб Анвар устига энгашти.

...Энгашти, бироқ орқадан берилган кучлик бир зарб билан Анварнинг устидан ошиб, мукканча чуқурга йиқилди. Жаллоддан беш қадам нарида турган ясовуллар ҳам кўкдаги ханжарлик қўлларини остга букалмай, кимлар биландир олишиб ётар эдилар ва шу онда кучлик шапалоқ товши эшитилиб, салласи чувалган бир ёш мулла ерга ўлтуриб қолди. Халқ тартибсизланди... Қобилбой Анварнинг дастбандини кесди ва иккиси тартибсизлик ичига кириб йўқолдилар. Қуролсизландирилган ясовуллар гурр этиб турли томонга сочилган халқ ичидан дўст-душманни ажратолмай гарангсидилар. Шу вақт бутун аъзоси эски қонларга беланган жаллод чуқурдан чиқишқа интилар эди...

Шу воқиядан икки кун сўнг ярим кеча вақти, Бешариқ билан Хўжанд дарбозалари ўртасидаги қўрғон девори остига тўрт нафар қўлага келиб тўхтади... Йигирма икки-йигирма уч кунлик ой ҳали унча кўтарила олмаган, айниқса ой нурига қўрғон девори тўсқун эди. Қўлагалар бирин-бирин қўрғон деворига тирмаша бошладилар. Биринчи мартаба кунгира ёнига чиққучи эмаклаб юриб атрофни текширди, текширгучининг бетига ой нури сепилиб, таниш бир юз – Сафар бўзчи зоҳир бўлди. Қўрғон ташқариси кенг дарахтсиз қир, туманлик – хира ойдин ва узоқдан бир неча туп яланғоч дарахтлар қўлагаси кўринар эди. Сафар бўзчи ўзидан бир зина қуйида турган ҳамроҳларини бирин-бирин ўз ёнига чиқара бошлади. Анвар, паранжилик Раъно, энг охирда қўлида арқон кўтарган Султонали юқориға

чикдилар. Султонали аста-секин кунгира ёнига келиб, остга қаради.

– Саккиз газ бор, – деди шивирлаб Султонали. – Келинг, Анвар...

Анварнинг қўлтуғи остидан арқон солиниб боғланди. Султонали ва Сафар бўзчи Анвар билан қучоқлашиб кўришдилар... Сўнгра Анвар кунгира ёнига келиб, қуйиға осилди. Сафар билан Султонали арқонни секин-секин юбориб турдилар.

– Етдим, – деган товуш келди қуйидан ва бироздан сўнг арқон ҳам бўшалди. – Тортинг...

Арқон тортилиб олинди. Паранжиси аралаш Раъно ҳам арқонга боғланди.

– Арқонни қаттиғ ушлаб, оёгингизни деворға тираб тушасиз, Раъно... Энди омон бўлинг, синглим...

– Келин ойимларға салом айтинг сиз ҳам, амаки.

Раъно гоҳ чалғиб, гоҳ тўхтаб, қуйиға силжиди. Ерга тушиш-ка бир газ чамаси масофа қолганда девор остида кутиб турган Анвар уни кўтариб олди.

– Қўйинг, ўзим тушаман.

– Тегимиз ариқ, лойға ботасан.

Анвар шу сўзни айтиб, уч-тўрт қадам босди, Раънони «Туя тойди» аригининг нариги чеккасига чиқариб қўйди. Раъно қўлтуғи остидағи арқонни ешди, арқон девор устига томон соғилиб олди. Анвар яна кўрғон девори остиға юриб чикди ва секин юқорини чақирди:

– Султонали ака!

Кўрғон кунгирасидан Султоналининг кўлагаси қуйиға энгашти.

– Эҳтиёт бўлингиз, Султонали ака, – деди Анвар. – Сиз ҳам шу ҳафтадан кечикманг. Такрор айтаман: зинҳор кўриниш фикрига туша кўрманг.

– Хотиржамъ, хотиржамъ.

Чунки Анварнинг кутилган кунидан бошлаб Султонали ҳам яширинган эди. Гарчи, хон уни қайтадан йўқламаса ҳам, яна шу эҳтиётни мувофиқ кўрган эдилар. Султонали уй ишларини саранжомлаш учун улардан бир ҳафта кейинроқ йўлга чиқмоқчи эди.

Анвар «Туя тойди» ариғидан Раъно ёниға ўтиб, охирғи мартаба хайрлашдилар.

– Хайр, Султонали ака, хайр, Сафар ака!

- Хайр, амакилар!
- Аллоҳнинг паноҳига, Анвар!
- Сафаринглар бехатар бўлсин!

Қўрғон устидагилардан кимдир бири пиқ-пиқ йиғлади. Анвар Раънони олдиға солиб, узоқда кўринган дарахт кўлагасига қараб юрди. Ер жуда ботқоқ, ҳар бир қадам аранг ердан узилар эди. Йигирма қадам чамаси борғач, Раънонинг кафши лойға тишлашиб оёғ узолмай тўхтади. Икки қадам орқада келган Анвар Раънони кўтариб олди.

– Меним этигим бор, чимга чиққунча жим тур, – деди Анвар.

– Қўрғон устида... Қўйинг, уяламан...

Анвар жавоб бермади. Ўттуз қадам чамаси бориб Раънони ерга қўйди ва қўрғон устидан хануз мўралашиб турғучи кўлагаларга «кетинг» деган каби қўл чайқади. Иккиси яна бошлашиб кетдилар. Улар ўн беш қадам босар-босмас дарахт кўлагаси остидан икки отлиқ югуриб чиқди ва бир онда Раънолар ёнига келиб, отлиқдан бириси «тўп» этиб ерга тушти ва жилавни Анварга тўғрилаб турди.

– Акун, сувор бўлинг.

Анвар Раҳим кўмагида отқа минди. Узангидан оёғини чиқариб Раънони чақирди. Раъно Анвар билан, Раҳим Шариф билан мингашиб олдилар. Анвар яна қўрғон кунгирасига қаради. Хануз икки кўлага кўринар эди. Қамчисини уларга тўғрилаб силкитди, отни йўлга солди. Дарахт кўлагаси остида соябонлиқ араванинг шотисига така қилган Қобилбой уларни қаршилади. Раъно от орқасидан аравага ўтди. Анвар ҳам отдан қўниб, аравага – Раъно ёнига чиқди. Раҳим ўз отиға миниб, Қобилбой аравани йўлга солди. Икки отлиқ араванинг икки шотиси ёниға кириб қўзғалдилар. Тўғун¹ темири ердаги майда тошларға уруниб, шақ-шуқ товуш чиқара бошлади. Арава ва отлиқлар кўлагаси дақиқа сайин кичиклаша борди, бора-бора кенг қирнинг бағрида кўзга кўринмас бўлиб кетди. Фақат, яна бир оз тўғуннинг кучсиз-кучсиз тошқа уриниши эшитилиб турди...

БИТДИ.

¹ Тўғун – гилдиракнинг ташқи гардиши.

МИРЗО АНВАРНИНГ КЕЙИНГИ ҲАЁТИ ТЎҒРИСИДА

Мен мирзо Анвар ҳикоясини марҳум отамдан эшиткан эдим. Мирзо Анвар Қўқондан қочиб келиб, уч-тўрт йил чамаси Тошканднинг машҳур Эскижўва маҳалласида турган. Ул вақтларда бизнинг ҳавлимиз шу Эскижўвада бўлиб, мирзо Анвар отамга қўшни эмиш.

«Қўқондан бир мирзо кўчиб келиб, фалончининг ҳавлисини ижарага олган эмиш», деган гап чиқиб қолди, – деб ҳикоя қилар эди чол. – Мен мирзо хабарини эшитсам ҳам, бир ҳафтагача ўзини кўралмадим. Рўза кунларининг бирида биз масжиддан шом намозини ўқуб чиқар эдикким, сўфи: «Ҳаммангизни Худоёрхоннинг мирзоси ифторга таклиф қилган», – деди. Биз йигирма чоғлиқ киши янги қўшнининг уйига бордиқ. Бир уй ва бир айвонга яхши полослар солинган, кўрпачалар ёзилган, ўртада анвоъи дастурхонлар... Биз уйга кириб ўлтургандан кейин эшик ёнида хушсурат бир йигит кўринди. Бизга тавозийланиб хуш омади айтди. Мирзо Анвар дегани шу эмиш. Биз ифторга қарадиқ, мирзодан аҳвол сўрадиқ, тошкандлик бўлғумиз келди, деб кулди. Биз – тошкандликлар хўш кўрадирган норин қилдирибдир, хўб едик... Домла билан бир нечалар фотиҳага яқин ташқариға чиқиб кетдилар. Биз нима воқеъ бўлганиға тушунмадик. Орадан бироз ўткандан кейин яна қайтиб кирдилар. Дастурхонлар йиғилиб иш фотиҳага тўхталган эдиким, домланинг олдиға бир коса сув келтириб қўйдилар. Домла никоҳ хутбасини бошлади... Биз хайрон бўлдиқ. Хутба охириға етиб, мирзо Анварга бир қизни никоҳладилар; биз, мирзо билан қизнинг ҳаққиға дуо қилиб, тарқалишдиқ. Лекин хилофи одат бу никоҳ ҳар биримизни таажжубга солди. Яна бирар ҳафта ўт-кач, бир нечамиз мирзо билан таниш бўлиб олдиқ, кейинроқ мирзони улфатчилигимизга ҳам олиб кела бошладиқ ва шунда мирзонинг ўз оғзидан Худоёр билан кечкан можаросини эшитдик, таажжубландик ва минбаъд мирзога ихлосимиз ортди...».

Чолнинг сўзига қарағанда мирзо Анвар Худоёрнинг қўли етмайдирган Тошкандда (ўрус қўл остида) тинч, аммо жуда

ҳам фақир яшаган, бойларга мирзолик қилса ҳам, даромади доимий бўлмаган. Тошкандда туришининг учунчи йилларидан Худоёрдан бир афвнома олиб, қашшоқлик жонига теккан мирзо Анвар, ўйлаб турмай, Раъно билан Қўқонга қайтқан. Орадан уч-тўрт ой ўткач, Қўқондан келгучилар мирзонинг ўлдурилганлигини сўзлаганлар. Нега ўлдурилган, эски «гуноҳи» учунми, бошқа сабаб биланми ёхуд «афвнома» ҳам мулла Абдурахмонларнинг найрангги бўлганми, отам бу тарафини яхши билмас эди.

Мен ушбу китобка материал йиғиш учун Қўқон бордим, яшаган кишилар билан сўзлашиб юрдим: ўзи Худоёр девонида ишламаган бўлса ҳам, Худоёр мирзоларига ҳамаср бўлган бир кекса мирзога учрашдим. Унинг сўзига қараганда, мирзо Анвар ўлдурилмаган. Худоёрдан сўнг анча йил яшаб, ўз ажали билан ўлган эмиш. Мен ҳайрон бўлиб қолдим ва икки ўртада тараддудланиб, мирзонинг кейинги ҳаётини шу ҳолда битиришқа мажбур бўлдим.

*Абдулла Қодирий – Жулқунбой
Тошканд, 1928-нчи йил, 15-нчи феврал*

«МЕҲРОБДАН ЧАЁН» РОМАНИНИНГ 1929 ВА 1935 ЙИЛЛАР НАШРЛАРИДАГИ ТАФОВУТЛАР

Биринчи ва иккинчи нашрларида ўрнига-ўрин киритилган сўз ва жумлалар остига чизик тортилган.

Иккинчи нашрида киритилган сўз ва жумлалар тўлқинли (курсив) ҳарфларга олинган.

Иккинчи нашрида тушириб қолдирилган сўз ва жумлалар қавс ичига олинган.

Кимларнинг воситаси биландир мазкура гўзал канизнинг таърифи Бухоро амири Баҳодир – (Ботур) хонға етиб... – Насрулло – 17-бет.

... шу канизни қўлга киргишиш тўғрисида бош оғритиб, нос чакиб юрган Баҳодирхон қулоғига.. – Ботурхоннинг – 17-бет.

... улардан дарҳол бир «фатвойи баҳайбат»н и талаб қилғанида... – ... улардан дарҳол бир «фатво» талаб қилади – 18-бет.

Дарвоқиб «холисона» бу фатвога амир Баҳодирхон «бетарафона» қиймат бериб – Насруллохон – 18-бет.

Амири Баҳодирнинг бу «холисона» жиҳоди – Насруллонинг – 18-бет.

... ҳам амири Баҳодир томонидан қатл қилинди – Насрулло – 18-бет.

... ва Баҳодир томонидан ҳад урилган уламоларнинг – Насрулло – 19-бет.

... аранг (ит азоби) рўзғорға етиб турар эди – 19-бет.

Маҳалла қишилари банорас тўнни «зарурат» деб атаган бўлсалар ҳам... ҳазилмандлари. – 22-бет.

...(аммо) кўбчилик маҳдумни ранжитар эдилар. – 23-бет.

... ниҳоят Лолани сув олиш учун кўза ушлаб (кўчага) чиққан ҳолатда кўрдим – 27-бет.

Чунки, афу этасиз, ўша кезларда *шундай тўғриларда* аччиғла-нишға ҳаққим бор эди... – 27-бет.

... мудавварга мойилроқ жоду кўзи кишига қаттиқ қараганда қоралиқдан бошқача яна бир турлук *қизғиш* нур сочар эди – 28-бет.

... укаларининг бутун ўюнига комил ҳуқуқли бир аъзо тариқасида иштирок этадир – 29-бет.

Қора чивик беқасамдан ҳарир тўн кийган мавзун қад Анвар... – ипак – 36-бет.

– Тескарига бурма (Раъно), балки сени эрга бермакчидирлар – 37-бет.

... қўлидаги ҳархаша қилиб бошлаган болани овитиш учун тебранди – ҳархашалана – 37-бет.

Шаҳидбек Анвар билан энтика-энтика кўришқач, жой кўрсатилмасданоқ суфанинг тўрига ўлтуриб олди – ташланди – 39-бет.

10 фасл охирида (Шаҳидбек Анвар билан сўзлашқали ва уни кўндиргали келгандек кўринса ҳам, аслида ғаразсиз одам эмасдир) – 42-бет.

– Сабаби шулки, – деди Анвар, *кўзини дастурхоннинг алла қайси нуқтасига тиккан ҳолда*, – мен бунингдек масъул, айниқса тантаналик вазифаларга ҳаваскор эмасман – 43-бет.

... Сизга ўхшаш йигитлар ҳамиша бир ўрунда ўлтуриб қолмайдилар – ерда – 43-бет.

– Кишилар муболага қилгандек менда истеъдод йўқ, – деди Анвар ерга қараган ҳолда – бошини кўтармаган – 43-бет.

– Сен ўз ишингни билиб қилсанг, вазифангда сузлик кўрсатмасанг, – деди *баланд товуш билан*, – сенга бутун олам душман бўлганда ҳам, бир мўйингни ҳам қилолмас. – 45-бет.

– Сенинг мисолинг, – деди маҳдум *бирмунча кучанган ҳолатда*, – нодиран воқийдир – 46-бет.

... Мен ҳам буни билиб турибман, болам Анвар, – деди маҳдум *мулойимлашиб* – 47-бет.

... Анвар ўз ризолиғини маҳдумнинг ёлғиз шахси билан билдирди... – ризолик сиёқини – 47-бет.

... «ўзи ўлгур ит мизожми» деб таъна қилишларидан чўчиди – мижозми – 48-бет.

Бир онадан неча хил бола туғиладир... – алвон – 53-бет.

Насим ўн беш ёшлар чамасида чечак касали билан оғриди ва ўша кезларда давосиз ҳисобланган бу касалдан ўнглалмай вафот қилди. – замонасидаги чечакдан эмлаш аҳамиятига тушунмаганлик, яъни хонлик жаҳолатига фожий қурбон бўлди. – 55-бет.

Моҳлар ойимнинг Раънони Анварга бериш тўғрисидаги «беъмани, аҳамиятсиз» сўзлари... – 58-бет.

Анвар бир йил ичида ҳисоб ва ишшо қондаларини ўрганди ва

бошқа дарсларида ҳам яхши муваффақият қозонди. – 58-бет.

(Анвар) Нигор ойм, Раъно ва ўзига кийимликлар сотиб олди – 60-бет.

Булардан биринчи муҳтарам шу масжиднинг ёш имом ва хатиби Абдурахмон домла (жаноблари) бўлиб... – 68-бет.

Дуо қилиб, қалам учисига бўзни бердим, олмайди – узатдим – 70-бет.

Унинг орқасича «падар лаънат, жоҳил» деди имом... – деб сўкинди – 72-бет.

Хозир Абдурахмон ўзининг яқин мозийсида... – Энди – 76-бет.

Раъно махдумнинг орқасидан нима учундир кулиб юборди – юзини қўллари билан яширди – 88-бет.

– Жуда қаттиғми? – (деб сўради) – 88-бет.

– Хай, мулло Солих, яна бир гапни сахв қилибман, – деди ҳазрати мударрис. – фаромуш. – 90-бет.

– Кўб яхши экан, – деди, – деб қўйди – 93-бет.

– Нима дедим, ахир? Шунчалик илмлари бўлса ҳам толеълари озгина пастлик қилиб турадир, дедим. – билимлари – 95-бет.

Аmmo бунда бир қанча сабаблар бўлиб... – Лекин – 97-бет.

– Сен уял, уялма, барибир улар бизни жуфтлашдирларлар – жуфтлаштирадилар – 109-бет.

Гулшандан паранжи, чашмбандни олиб, секингина «хуш келдилар» деди – 118-бет.

... оёқлариға бедонадан кафш, маҳси кийган ёш канизлар сочилган ҳолда вазифалари орқасидан юрар эдилар. *Уларнинг шу яқинда турган душманга сездирмасликка тиришкандек ёки уйқуда ётқан мудҳиш йиртқични уйғотиб юборишдан қўрққандек, оёқларини ерга секин босиб, авайлаб қўзғатишлари ва бир-бирлари билан имлашиб, ночор қолғанда ярим товуш чиқариб муомала қилишлари бу ҳовлида нимадир бир фавқулодда аҳвол борлигини сездирар эди.* Гулшан ҳам бу аҳволга тушунгандек улар билан оҳишта сўрашди ва канизларнинг биридан ярим товуш ичида сўради... – 118-бет.

Эшик ичкарасида қўл қовиштириб ўлтурган каниз ўрнидан туриб букилди. – турган каниз букилиб таъзим қилди. – 126-бет.

Икки чилдирма қизитилди ва дутор, танбур, ғижжак, чанг каби асбоблар созланди. – чалғувлар – 131-бет.

– Нега маъни бўлмасин, бизга ўхшаш маънисиз кўпаяди.

(Яна кулги кўтарилди. Қизларнинг «маъни»дан бошланган «пайрав»ларининг кейинги жумласи Гулшанга ҳам таъсир қилиб хиринглади) – 135-бет.

(Шу йўсун) махдум бир неча ҳафтадан бери бу «хунар»ни ўзига касб қилиб олган... – 141-бет.

Анварнинг арабча, форсийча лафзлардан холи – сўзлардан – 63-бет.

... ёш «олим»ни ҳам гарчи бир «нодон» тарафидан келтирилган бўлса ҳам «заршунос» деб билдилар... – «қадршунос» – 164-бет.

Султонали мирзо, Анварнинг қўшниларидан бирини – кига зарур бир юмиш билан чиқиб кетканлигини... – беклардан бириникига бир зарур иш билан кетканлигини – 179-бет.

– Жанобларига ожизона арз... – узр – 193-бет.

... бу хабарни мирзо эшитса, шубҳасиз, сўюнадир – севинадир – 194-бет.

Махдум (мактабга) кириб, ўз ўрнига ўлтургач болаларни тўхташга буюрди – 195-бет.

... Гулшанга бир неча тилло (пул) ҳам бериб юборган эмиш... – 196-бет.

– Кеча иккинчи дафъа бизнинг ҳавлига кимни сўраб келдингиз? – 198-бет.

... сиз ва дўстларингизча ҳам қиз оти топилмайдирган матоъ эмас – деган – 199-бет.

Ерга қараган ҳолда оқ чойдишни Анварнинг яқинига келтириб қўйди. – ёнига – 203-бет.

Бу кун қазо муншийси шу мураассаъ халтачадаги қимматли тошлар орасига қўпол бир нарса келтириб тиқди – фарроши, ташлади. – 204-бет.

... ҳар кечаси ўз вақтида ўлтурган Раъно гўё бу кун «бевақт» ўлтурар эди – қачон – 205-бет.

Энди Раънонинг ҳар ҳолда чиқишини билса ҳам, бироқ қачон чиқишини билмас (шунга биноан бир товуқ ўткунча кутиб ўлтуришни чамалар) эди – 217-бет.

Паранжидаги хотунлардан бири (бўлган) Нигор ойм пиқ-пиқ йиғлади – 227-бет.

Чамаси, нисфи шаб – (ярим кеча) асноси... – 228-бет.

Мен бўлсам, сенгаям бали, устозинггаям (бали), деб юриппан. – 234-бет.


... бунингиз менга увал-да, ука, – *деб сиқилинқиради.* – 234-бет.

... Масалан, аянгни Тошкандга чақирармиз, ёки (гапни) бироз эскиткандан сўнг Қўқонга ўзимиз келсак ҳам бўлади – 246-бет.

(Яна шу ҳолда) Раъно ҳамёндан икки тилло олиб, Анварга кўрсатди – 250-бет.

Йигирма икки-йигирма уч кунлик ой ҳали унча кўтарила олмаган, айниқса *озғина кўтарилиб чиққан* ой нурига қўрғон девори тўсқун эди – 256-бет.

Таржималар



НИКОЛАЙ ВАСИЛЬЕВИЧ ГОГОЛЬ

УЙЛАНИШ

Пьеса

Абдулла Қодирий таржимаси

Қатнашувчилар

Агафья Тихоновна – савдогар қизи, қаллиқ.

Арина Пантолеймоновна – холаси.

Фекла Ивановна – совчи.

Подколёсин – хизматчи. Надворний советчик.

Кочкарёв – унинг дўсти.

Яичнитса (Қуймоқов) – экзекутор.

Аничкин – хизматдан бўшалган суворий офицер

Жевакин – денгизчи.

Дуняшка – оқсоч қиз.

Стариков – мусофирхона эгаси.

Степан – Подколёсиннинг хизматкори.

БИРИНЧИ ПАРДА

Бўйдоқ кишининг уйи

Биринчи кўриниш

Подколёсин – (ўзи якка, диванда ағанаб ётиб). Қўлинг бўшаганда мана шундай ўйлаб қарасанг, кўрасанки, оқибат уйланиш керак экан. Ростдан ҳам нима бу ўзи? Умринг ўтади-ўтади, оқибат таъбинг ланж бўлади. Мана, барот ойи¹ тагин ўтиб кетди. Ҳамма ёқ таб-тайёрга ўхшайди-ку, ахир. Совчи бўлса уч ойдан бери қатнайди. Тўғриси, ўзингга ҳам наша қилади. Ҳой, Степан.

Иккинчи кўриниш

Подколёсин, Степан.

Подколёсин – Совчи келмадимми?

Степан – Келгани йўқ.

Подколёсин – Машиначиникига бордингми?

Степан – Бордим.

Подколёсин – Ҳўш, тикаётиптими?

Степан – Тикаётипти.

Подколёсин – Битаёзай дептими?

Степан – Ҳа, битипти, тугмабоғи қилаётипти.

Подколёсин – Нима деддинг?

Степан – Тугма қилаётипти дейман.

Подколёсин – Барин фракни нима қилар экан, деб сўрамадимми?

Степан – Йўқ, сўрагани йўқ.

Подколёсин – Барин хотун олмоқчими деб сўрагандир?

Степан – Йўқ, ҳеч нарса дегани йўқ.

Подколёсин – Бошқа фраклар ҳам бор эканми? Бошқаларгаям тикаётгандир?

¹ Барот ойи – қамария йил ҳисобида саккизинчи ой номи шаъбон.

Степан – Ҳа, фрак кўп.

Подколёсин – Бошқаларнинг мовути меникидан пастрокдир?

Степан – Ҳа, сизникининг мовути яхшироқ.

Подколёсин – Нима дединг?

Степан – Сизникининг мовути яхшироқ дейман.

Подколёсин – Яхши, барин нега бунақа нафис мовутдан фрак тиктираётиптилар деб сўрамадими?

Степан – Йўқ.

Подколёсин – Хотун олмоқчиларми дегандай гап-мап қилмадими?

Степан – Йўқ, бу хусусда гапиргани йўқ.

Подколёсин – Менинг амалимни, қаерда хизмат қилишимни айтдингми?

Степан – Айтдим.

Подколёсин – Айтканингда нима деди?

Степан – Кўнгилларидагидай қилиб тикишга уринаман, деди.

Подколёсин – Яхши. Бор, жўна. (Степан кетади)

Учунчи кўриниш

Подколёсин – (ўзи якка) Фракнинг қораси одмироқ бўлади, мен шундай фикрдаман. Бошқа туслар мирзаларга, титулярларга, бошқа бачканароқ кишиларга муносиб, аллақандай бачкана бўлади. Мартабаси улуғроқ одамлар кўпрак... нима дер эди ҳали, эсдан чиқди-я. Яхши бир сўз эди-ю, эсдан чиқди-да! Шундай тақсирим, ўзингни минг айлантирмагин, надворний советник – подполковникнинг ўзи, ниҳояти мундирида ашқал-дашқали йўқ. Ҳой, Степан!

Тўртинчи кўриниш

Подколёсин, (Степан кириб келади)

Подколёсин – Этик мойи олиб келдингми?

Степан – Олиб келдим.

Подколёсин – Қаердан олдинг? Мен тайинлаган дўконданми? Вознесенский кўчасидаги дўконданми?

Степан – Ҳа, ўша дўкондан.

Подколёсин – Хўш, қалай, яхши мойми?

Степан – Яхши.

Подколёсин – Этик мойлаб кўрдингми?

Степан – Кўрдим.

Подколёсин – Қалай, ялтирайдими?

Степан – Ялтирашга яхши ялтирайди.

Подколёсин – Мойни берганда, баринга нега бундақа мой керак бўлиб қолди, деб сўрамадими?

Степан – Йўқ.

Подколёсин – Бариннинг хотун олиш ниятлари борми, деб сўрамадими?

Степан – Йўқ, ҳеч нарса демади.

Подколёсин – Яхши, бор, жўна!

Бешинчи кўриниш

Подколёсин – (ўзи якка) Шундай қараганда, этик аҳамиятсиз нарсага ўхшайди, аммо андозаси келишган бўлмаса, яна тагин сариқ мой билан мойланган бўлмаса, мўътабар одамлар орасида кишига унча иззат-икром бўлмайди. Ҳамма аллақандай... Оёқ-ни қадоқ қилса, яна расво. Ҳар балога чидайман, аммо қадоққа тоқатим йўқ. Ҳой, Степан!

Олтинчи кўриниш

Подколёсин, Степан.

Степан – Нима буюрасиз?

Подколёсин – Этикдўзга оёқни қадоқ қилмайдиган қилиб тиккин деддингми?

Степан – Айтдим.

Подколёсин – Нима деди.

Степан – Хўп деди. (Степан чиқади)

Еттинчи кўриниш

Подколёсин ва Степан

Подколёсин – Уйланишнинг оворагарчилиги кўп-да! Ҳали у, ҳали бу. Ҳамма ёқ тахт бўлиши керак. Йўқ, зормонда, бу иш

одамлар айткандай осон эмас. Хой, Степан! (Степан киради)
Сенга яна шуни айтиб қўяй...

Степан – Кампир келди.

Подколёсин – Ха, ҳа, келдимиз, чақир. (Степан чиқади) Хм,
бу иш... қийин.

Саккизинчи кўриниш

Подколёсин билан Фекла

Подколёсин – Ха, салом, салом Фекла Ивановна. Хўш? Қалай?
Курси ол, ўтир, хўш, гапир, қалай, нима-нималар бор? Унинг оти
нима эди, ҳали Мелонями?

Фекла – Агафья Тихоновна.

Подколёсин – Ха, ҳа, Агафья Тихоновна. Бирон қирққа борган
қари қиздир?

Фекла – Шундоқ эмас-да, йўқ, уйлансангиз, махта-махта
эсингиз кетади, балли дейсиз.

Подколёсин – Ёлғон айтасан, Фекла Ивановна.

Фекла – Қариган чоғимда ёлғон гапираманми, отагинам,
ёлғонни ит гапирсин.

Подколёсин – Бисот-чи, бисот. Бисотдан гапир.

Фекла – Бисотими, бисоти: Масков даҳасида битта ғишт
иморат, болохонаси билан. Киримини айтинг, ҳузури жон:
битта баққолнинг ўзи дўкон ижарасига етти юз беради. Пива-
хонасидан ҳам одам узулмайди, ёғочдан солинган яна иккита
уйи бор, биттаси нуқул ёғочдан, бунисининг пойдевори ғишт.
Ҳар биттасининг тўрт юз сўмдан даромади бор. Виборг томони-
да ҳам полизи бор. Уч йил бўлади, бир савдогар карам экани
ижарага олган эди. Шундай яхши одам экан, ичкиликни сира
оғзига олмайди, учта ўғли бор, иккитасига хотун олиб берди,
учунчиси ҳали ёш, «дўконда ўтирсин, садо-сотик жўнашиб тур-
син» дейди. «Мен қариб қолдим, ўғлим дўконда ўтирсин, савдо
яхши бўлсин» дейди.

Подколёсин – Ўзи қалай, афти-башараси дурустми?

Фекла – Нақш олмайди, оқи оқ, қизили қизил... Шундай
нарсаки, нимасини айтасиз. Хўп ялчийсиз, дўстингизга ҳам,
душманингизга ҳам «барақалла Фекла Ивановнага» дейсиз.

Подколёсин – Штаб офицернинг қизи эмасми мабодо?

Фекла – Учунчи даражалик савдогарнинг қизи. Аммо ўзи шундайки, генерал олса ҳам куймайди. Савдогарга сира-сира хуши йўқ. «Мен, – дейди, – бир бедаво бўлсам ҳам, дворянга тегаман». Шундаям олифта. Байрам кунлари шоҳи кўйлақлар кийганда кўрсангиз, Худоё нима десам, бирам келишади. Худди фаришта.

Подколёсин – Шунинг учун мен сенга айтган эдим-да, мен надворний советник, шунга қараб... тушундингми?

Фекла – Турган гап, нега тушунмай? Бир надворний советник ҳам киши қўйган эди, унашмади, ёқмапти. Бу одамнинг қизиқ феъли бор экан: биронта рост гапи йўқ, аммо ўзи туппа-тузук одамга ўхшайди. Нима қилсин, Худо берган дард-да, бунга ўзи-ям тажанг, аммо ёлғон гапирмасдан туралмас экан. Худонинг хоҳишида!

Подколёсин – Хўш, бундан бўлак қиз йўқми?

Фекла – Тагин қанақаси бўлсин? Бундан яхшиси йўқ.

Подколёсин – Энг яхшиси шумикин?

Фекла – Дунёни қидириб, бундақасини тополмайсан.

Подколёсин – Ўйлаб кўрамиз, ўйлаб кўрамиз, азизим. Эртдан кейин кел-чи. Иккаламиз яна мана шунақа... мен ётаман, сен гапириб берасан...

Фекла – Ахир, бу қандоқ гап! Отагинам! Уч ойдан бери келаман, бир нафи йўқ, тўн ёпиниб ўтириб, трубкани чекканинг чеккан!

Подколёсин – Ҳа, хотун олиш осон ишми бўлмаса? У этик эдики, «Ҳой, Степан, келтир» деб кийиб кетаверармидим? Ўйлаш керак, кўриш керак.

Фекла – Хўш, нима қибти. Кўрадиган бўлсанг, кўр. Молни кўришга чиқарган. Айт, камзулингни келтирсин, эрталаб яхши вақт, ҳозир бор.

Подколёсин – Ҳозир? Ҳавони кўр, айниб турибди. Кўчага чиққанимда бирдан ёмғир қуйиб берса-я...

Фекла – Ўзингга қийин. Сочингга оқ оралабди, ҳадемай эр-хотунлик ишига ярамай қоласан. Об-б-бо, придворний советник! Биз шунақа жазманлар топамизки, кейин аптингга ҳам қарамасмиз.

Подколёсин – Бу қанақа бемаъни гап? Нима бўлиб менинг сочимга оқ оралашини орзу қилиб қолдинг? Қани оқи? (Сочини пайпаслайди)

Фекла – Оқ ораламай бўладими, одамнинг умри шу-да. Буни кара-ю. Ҳеч нарса манзур эмас бу кишига, ундай десанг – йўқ, бундай десанг – йўқ. Шундай бир капитанни мўлжаллаб қўйганманки, сен унинг олдида хемири. Овозини айт, жаранглайди, ўзи Алгалантерствода хизмат қилади.

Подколёсин – Бекор айтибсан, мен ойнага қарайман, оқ соч қаёқда. Ҳой, Степан ойнани олиб кел. Йўқ, шошма, ўзим кириб кўраман. Гапини кара-ю, Худо сақласин, бу чечакдан ҳам ёмон. (нариги уйга киради)

Тўққизинчи кўриниш

Фекла ва Кочкарёв (югуриб кириб)

Кочкарёв – Қани Подколёсин?.. (Феклани кўриб) Сен нучук бу ерда, қаёқдан келдинг. Ҳу, ўша сени!.. Менга қара, қаёқдан ҳам мени уйлантириб қўйдинг?

Фекла – Нима, ёмон иш қилибманми? Суннатни бажо келтирдим.

Кочкарёв – Суннатни бажо келтирдинг? Хотун-а! Хотунсиз куним ўтмасмиди?

Фекла – Ўзинг қўймадинг-ку: уй-лан-тир, уй-лан-тир деб, қулоқ миямни единг-ку!

Кочкарёв – Ҳу, тишсиз каламуш!.. Бу ерда нима қилиб ўтирибсан энди? Наҳот Подколёсин ҳам уйланмакчи бўлса?..

Фекла – Нима қипти, Худо инсоф берибти.

Кочкарёв – Э, лаънатини кара-я, менга индамайди. Буни кўр-а, секин киши билмас уйланмакчи.

Ўнинчи кўриниш

Ўша кишилар ва Подколёсин. У қўлидаги ойнага жуда диққат билан қарайди.

Кочкарёв – (унинг орқасига бекиниб қўрқитади). В-а-а-а!

Подколёсин (қичқириб, қўлидаги ойнани ташлаб юбориб) – Жинни! Нима кераги бор... нима энди. Бу қандай бемаънилик! Жон-понимни чиқариб юбординг.

Кочкарёв – Зарари йўқ, ҳазиллашдим.

Подколёсин – Шу ҳам ҳазил бўлди-ю. Ҳалиям ўзимга келолмайман! Мана, ойнаям синди, бекорга келгани йўқ эди. Инглиз магазинидан сотиб олган эдим.

Кочкарёв – Хўп, бўлди, бошқа ойна олиб бераман.

Подколёсин – Олиб берасан? Биламан топиб берадиган ойнангни: кишини ўн беш ёш қари қилиб кўрсатади, яна афтини қийшайтиради.

Кочкарёв – Менга қара, кўпроқ мен сендан ўпкалашим керак, сен мендан, ўз дўстингдан сиригни яширасан. Уйланмакчи экансан-ку?

Подколёсин – Бўлмаган гап, хаёлимга ҳам келгани йўқ.

Кочкарёв – Далили мана-ку! (Феклани кўрсатади) Мана, турипти, бу қандақ жонвор экани маълум. Хайр, нима қипти, ҳеч боқиси йўқ. Шариат иши, ватан учун ҳам зарур иш. Рухсат эт, рухсат эт, ҳамма ишни ўзим бошқараман. (Феклага) Хўш, гапир: қандоқ, нима ва ҳоказо. Дворян қизими, ё бўлмаса савдогар қизими, оти нима?

Фекла – Агафья Тихоновна.

Кочкарёв – Агафья Тихоновна Брандахлистовами?

Фекла – Ё-о-йўқ, Купердягина.

Кочкарёв – Олти дўкон кўчасидами уйи?

Фекла – Йўқ-да, Қумлоққа яқин, совунгарлик кўчасида.

Кочкарёв – Ҳа, ҳа, совунгарлик кўчасининг шундоқ орқасидаги ёғоч иморатми?

Фекла – Дўконнинг орқасида эмас, пивахонанинг орқасида.

Кочкарёв – Қаер бўлди бу? Буни мен билолмадим.

Фекла – Тор кўчага шундай бурулганда тўғрида бутка бор, буткадан ўткан замоно, чап қўлга қайрилсан, шундай рўпарада ёғоч иморат, шундай кўриниб туради. Бу иморатда сенат обер-секретарининг илгариги хотуни-мошиначи туради, сен мошиначиникига кирма, шунинг нариги ёғида ғиш иморат бор. Агафья Тихоновна, яъни ўша қиз, яъни келин ана шу ғиш иморатда.

Кочкарёв – Яхши, яхши, ўзим боплайман, энди сен кетавер, керагинг ҳам йўқ.

Фекла – Нучук? Тўйни ўзинг ўтказмакчимисан?

Кочкарёв – Ўзим, ўзим, сен энди аралашмасанг бўлгани.

Фекла – Вой, шарманда-ей! Ахир, бу эркак қиладиган иш эмас-ку. Суқулманг, тақсирим, бу ишга.

Кочкарёв – Бор, бор! Ақлинг етмайди сени ҳеч нарсага. Аралашмай қўя қол! Тошингни тер, йўқол!

Фекла – Бировнинг еб турган нонини оғзидан тортиб олади, Худони билмаган. Шунақа паст ишга аралашади. Бундақа эканини билсам, айтмас эдим. (Аламзада бўлиб чиқиб кетади)

Ўн биринчи кўриниш

Подколёсин билан Кочкарёв

Кочкарёв – Қани, биродар, бу ишни пайсалга ташлаб бўлмайдими, кетдик.

Подколёсин – Ҳали мен ҳеч қандай қарорга келганим йўқ. Шундай бир ўйлаб қўйдим...

Кочкарёв – Бўлмаган гап, беҳуда гап! Уялма: мен сени шундай уйлантириб қўяман, ўзинг ҳам билмай қоласан. Ҳозир бетўхтов қизнинг уйига борамиз, кўрасан нима бўлишини.

Подколёсин – Э, ана! Бир ками шу эди.

Кочкарёв – Нега бундай дейсан, нега? Ўзинг бундай қара: шу уйланмаслигиндан нима чиқади? Уйнинг аҳволини кўр: нима энди бу? Қара, этигинг пардозланмай ётади, дастшўйинг бамисоли итялоқ, устол устида бир тўда тамаки, ўзинг бўлсанг, тепса тебранмас одамдай куни бўйи ағанаб ётасан!

Подколёсин – Рост. Уйим бетартиб, буни ўзим ҳам тан оламан.

Кочкарёв – Хотун олсанг, ўзинг ҳам бошқача бўлиб кетасан, нарсалар ҳам, диванинг, итинг бўлади, қафасда бирон жинқарча... Бундай кўз олдингга келтириб кўр, сен диванда ўтирибсан, бирдан ёнингга бир созгина дўндиқ ўтириб, қўлчаси билан...

Подколёсин – Савил, ўйлаб қарасанг, ростдан ҳам қандай қўллар бор дегин, оппоқ, худди сутдай.

Кочкарёв – Нимасини айтасан! Қўлмисан – қўл! Хотунларнинг биродар... нимаям дейсан энди, хотунларнинг, биродар, зорманда нималари йўқ.

Подколёсин – Ростини айтсам, ёнимда яхшигина бир хотун ўтирса, менга маъқул келади.

Кочкарёв – Ана, кўрдингми, ўзингнинг ҳам кўнглинг суст кетади: энди ҳаммани ишга солиб турсанг бўлгани. Сен ҳеч нарсанинг ташвишини тортма. Тўй оши, бошқа бало-баттарлар-

ни ўзим... Шампанскийни, нима десанг-де, бир дюжнадан кам олишнинг сира ҳисоби йўқ, биродар. Мадераям ярим дюжнадан кам бўлмайди, албатта. Келиннинг бир тўда аммавачча-хола-ваччалари бордир – буларнинг ҳазилга тоби бўлмайди. Арақ олмасак ҳам бўлади, нима дединг-а? Овқат хусусига келганда мен мўлжаллаб қўйган бир сарой ошпази бор, итвачча шундай ҳам овқат қиладики, еявериб ўрнингдан туrolмайсан.

Подколёсин – Шошма, сен шундай қизишиб кетдингки, гўё ростдан ҳам тўй бўладигандай.

Кочкарёв – Нега тўй бўлмасин? Пайсалга ташлаш нима ҳожат? Розисан-ку?

Подколёсин – Менми? Йўғ-э... Мен ҳали тамом рози бўлганим йўқ.

Кочкарёв – Ана холос. Ҳозир хўп дединг-ку?

Подколёсин – Мен ёмон бўлмас эди, дедим, холос.

Кочкарёв – Қандай бўлди? Биз, ахир, ҳамма ишни яқин...

Нима? Оилавий турмуш сенга маъқул келмайдими?

Подколёсин – Йўқ, маъқул.

Кочкарёв – Бўлмаса, нима дейсан? Нега ишни тўхтатасан?

Подколёсин – Ишни тўхтатмайман-у, қизиқ туюлади-да...

Кочкарёв – Нимаси қизиқ?

Подколёсин – Қизиқ эмасми: шунча вақт бўйдоқ юриб-юриб бирданига хотунлик бўлсам...

Кочкарёв – Э-э-э-э айб эмасми? Йўқ, сен билан астойдил гаплашиш керак экан, мен ота ўғли билан гапиришгандай очикчасига гаплашаман. Қара, ўзингга бундай тузукроқ қара, масалан, мана, менга қарагандай қара. Хўш, нима сен шу топда харидай гап, ҳеч қандай аҳамиятинг йўқ, оламга нима деб келдинг? Бундай ойнага қара, кўр-чи. Бемаъни афт-башарангдан бўлак ҳеч фазилатинг йўқ. Уйланганингдан кейин-чи, кўз олдингга келтириб кўр, атрофингда икки-уч эмас, балки беш-олтита ўзингга ўхшаган болаларинг диркиллашиб юрушади. Мана ҳозир ўзинг ёлғиз, надворний советник, экспедитор ёки бирон начальниксан; уйланганингда-чи, атрофингда кичкина экспедиторлар, митти ҳаромзодалар юрушади, биронта шўхи кичкина қўлчаси билан соқолингдан тортади, сен бўлсанг «вов, вов» деб хурасан! Қара, бундан яхши нарса борми?

Подколёсин – Болалар жуда шўх бўлади, ҳамма ёқни расво қилишади, қоғозларни титишади.

Кочкарёв – Шўхлик қилса қилабермайдими, ҳаммаси ўзингга ўхшаган бўлади, шуни айт.

Подколёсин – Тавба, ғалати гап, бир биққича, бир итвачча дарров сенга ўхшаши қизиқ!

Кочкарёв – Қизиқ эмасми бўлмаса, албатта, қизиқ-да. Қани, кетдик.

Подколёсин – Борсак борайлик, майли.

Кочкарёв – Ҳой, Степан, бариннинг кийимларини олиб кел тезроқ.

Подколёсин – (ойна олдида кийинаётиб) Оқ желатка кийсам тузук бўлар эди.

Кочкарёв – Гап унда эмас, бари бир.

Подколёсин – (ёқани кияётиб) Лаънати кирчи, ёқани шундай ёмон оҳорлаптики, сира тикка турмайди. Сен айтиб қўй, Степан, агар у аҳмақ кийимларни бундан кейин шунақа дазмоллайдиган бўлса, жавобини бераман. Дазмол қилиш ўрнига хушторлари билан юриб кунни кеч қилади.

Кочкарёв – Қани, бўл, биродар, бўл тезроқ! Мунча ивирсиндинг!

Подколёсин – Ҳозир, ҳозир. (Фрак кийиб ўтиради) Менга қара, Илья Фомич, мен сенга айтайми, ўзинг бор.

Кочкарёв – Ана энди: жинни бўлдингми? Мен борай! Хотун оладиган менми, сенми?

Подколёсин – Оёғим тортмаяпти: яхшиси, эртага борақолайлик.

Кочкарёв – Бирон тариқча ақлинг борми? Жинни эмасмисан? Боришка тайёр эди-ю, бир варакасига айниди-қолди. Аблахлик эмасми бу, ахир, тўнғизлик эмасми бу, айт-чи!

Подколёсин – Нега сўқасан? Нега? Мен сенга нима қилдим?

Кочкарёв – Аҳмоқсан, ўлгудай аҳмоқсан, буни сенга ҳар ким ҳам айтади. Эсинг йўқ, экспедитор бўлсанг ҳам, тариқча эсинг йўқ. Менинг нима деб жоним ҳалак? Сенга наф бўлсин дейман, чайнаб оғзига солиб қўйсанг ҳам, юталмайди. Ётганинг ётган, лаънати бўйдоқ. Ўзинг айт, қани нима деса бўлади сени? Қани-қани, чучмал. Оғзимга бир гап келди-ю... одобдан эмас-да. Хотунчалиш! Хотундан ҳам харобсан!

Подколёсин – Сен ҳам чакки эмас! (Босинқироқ) Эсинг жойидами? Бу ерда крепостной одам турипти, бунинг олдида сўқинади, тағин шунақа гаплар айтади, сўқкани бошқа ер қуриб кетканми ўзи?

Кочкарёв – Сўкмасдан бўладими ахир, а? Ким сени сўкмайди. Сўкмасдан илож борми ўзи? Туппа-тузик одамдай инсофга келса-ю, бирданига тентаклик қилиб айниса-я? Э, сўтак!..

Подколёсин – Хўп, бўлди, бораман, бунча бўғилдинг?

Кочкарёв – Бораман! Албатта борасан-да, нима қиласан бўлмаса (Степанга) Шляпаси билан шинелини бер.

Подколёсин (Эшик олдида) – Ғалати одамда бу. Бирга юриб ҳам бўлмайди: бирданига бекордан-бекорга чангитиб сўкиб қолса. Ҳеч адаби муоширатни¹ билмайди.

Кочкарёв – Бўлди, энди сўкмайман. (Иккови чиқиб кетади)

Ўн иккинчи кўриниш

Агафья Тихоновнанинг ҳовлисида бир уй. Агафья Тихоновна қарта ёзиб ўтиради. Арина хола Понтолеймоновна қараб ўтирган бўлади.

Агафья Тихоновна – Яна йўл, хола! Аллақандай бир ғиштин шоҳ кўз тикади... Кўзи яхши... муҳаббатномалар. Чап томондан қорамашшоқ шоҳи ҳатто ёрдам бермоқчи, аммо бир бадкор хотун йўлини тўсаётипти.

Арина – Қорамашшоқ шоҳи ким деб ўйлайсан?

Агафья – Билмайман.

Арина – Мен биламан.

Агафья – Ким?

Арина – Мовутфуруш яхшигина бир савдогар, Алексей Дмитриевич Стариков.

Агафья – Йўқ, у эмас, гаров боғлайман у эмас.

Арина – Йўқ дема, Агафья Тихоновна, сочи шундақа сариқ. Бошқа қорамашшоқ шоҳи йўқ.

Агафья – Ҳеч-да, қорамашшоқ шоҳи дворянин бўлади – савдогарга йўл бўлсин қорамашшоқ шоҳи бўлишга.

Арина – Эй, Агафья Тихоновна, раҳматлик отанг тирик бўлса, бу гапни гапирмас эдинг. Столга шапатилаб бирам бақирар эди: «савдогарликдан ор қиладиганларнинг башарасига тупураман» дер эди. «Қизимни полковникка бермайман, бошқалар берсин! Ўғлимни ҳам ҳарбий хизматга қўймайман. Ҳукуматга бошқалар қилган хизматни савдогар қилмасмиши?». Столга шапати-

¹ Адаби муошират – муомала одоби.

си билан бир урсами – бас. Қўлини айт – пақирча келар эди. Тўғриси айтканда, онанг бечорани ўша адо қилди, раҳматлик ҳали-бери ўлмас эди.

Агафья – Мен ҳам шундақа баджаҳл эрга тегайми? Ўлсам ҳам савдогарга тегмайман.

Арина – Алексей Дмитриевич ундақа эмас-ку.

Агафья – Тегмайман дедим, тегмайман. Пахмоқ соқол: овқат еганида соқолидан оқиб тушади. Йўқ, йўқ, тегмайман.

Арина – Яхши дворянинни қайдан топасан? Кўчада тушиб ётармиди?

Агафья – Фекла Ивановна топади, жудаям яхшисини топиб бераман, деди.

Арина – Ёлғончи хотун у, айланиб кетай.

Ўн учинчи кўриниш

Ҳалиги иккави ва Фекла

Фекла – Йўғ-э, Арина Пантолеймоновна, беҳудага ғийбат қилиб юргани Худодан кўрқинг.

Агафья – Ие, Фекла Ивановна-ку! Ҳа, нима, гапиринг? Борми?

Фекла – Бор, бор, албатта бор, тўхта, нафасимни ростлаб олай, ўлиб бўлдим. Сенга харидор топаман деб, кирмаган ҳовлим қолмади: маҳкамаларга, министерларга, қоровулхоналарга кирибман... Вой жигарим-е, сал бўлмаса балога қолиб эдим, ўлай агар: Афёровларни уйлантирган кампир бор-ку, ўша менга дўқ қилиб келса бўладими? «Нимага, – дейди, – бировнинг еб турган нонини оғзидан тортиб оласан, ўз маҳаллангни бил», – дейди. Мен ҳам бўш келмадим: «Нима қипти? – дедим. – Мен ўзимнинг баришнамга куёв ахтариб юрибман, жонинг чиқмасин, ҳаммани ҳам рози қилгим келади». Аммо сенга шундай ҳам куёвлар топдимки! Аввалию охири дунёга бундақаси келган эмас. Шу бугун келишади. Атайин сенга хабар қилгани келдим.

Агафья – Қандақасига бугун? Ўргилай, Фекла Ивановна, мен кўрқаман.

Фекла – Кўрқма сухсурим! Ҳаммининг бошида бор иш бу. Келиб кўришади – холос. Сен ҳам кўрасан, ёқмаса кетаверади.

Арина – Яхшисини топкан бўлсанг гўрга-я!

Агафья – Неча киши? Кўпми?

- Фекла – Ҳа, олти кишича бор.
- Агафья – (Қичқириб). Вой!
- Фекла – Нега – сухсурим, бунча чўчийсан! Танлайсан: биттаси ёқмаса – биттаси ёқади.
- Агафья – Дворянларданми?
- Фекла – Ҳаммаси худди хиллангандай, шундақа дворянларки, асти қўя қол.
- Агафья – Қанақа, қанақа дворянлар?
- Фекла – Баҳоси йўқ, шундай яхши, шундай батартиб. Биринчиси Балтазар Балтазарович Жевакин – баҳоси йўқ одам, флотда хизмат қилган, сенга жуда муносиб. «Менга семизгина хотун бўлса, ариғига сира хушим йўқ», – дейди. Экзекутор Иван Павловични айт, ёнига йўлаб бўлмайди. Шундай савлатлик, шундай барваста. «Менга қизнинг таърифини қилаверма, мол мулкидан гапир», – деб бир бақирди. «Униси бор, муниси бор, отагинам», – дедим. «Ёлғон айтасан, мочахар», – дейди. Шундақа гап гапирдики, сенга айтгани юзим чидамайди. Мен дарров билдим, хийла одамшаванда бўлса керак, деб қўйдим.
- Агафья – Хўш, тагин ким?
- Фекла – Тагин Никанор Иванович Аничкин. Бу жудаям кетворган одам, лабини айт: Ҳақиқ, онагинам ҳақиқ, баҳоси йўқ. «Менга, – дейди, – яхшигина тарбия кўрган, французча биладиган хотун бўлса». Феъл-атворини айтгин, немис дейсан, ўзи мулойим нозик, оёқлари ингичка.
- Агафья – Йўқ, мулойим одамларга унча хушим йўқ... билмадим, сира ёқмайди...
- Фекла – Нозиги ёқмаса Иван Павловичга тег – нозик эмас. Бундан ўтадигани бўлмайди. Барин десанг бариндай, мана шу эшикдан сиғмайди, баҳоси йўқ одам.
- Агафья – Нечага кирган?
- Фекла – Ҳали ёш: бирон эллик ёшда, йўқ элликка ҳам бормаган.
- Агафья – Фамилияси нима?
- Фекла – Фамилияси – Иван Павлович Қуймоқов.
- Агафья – Фамилияси шунақами?
- Фекла – Шундақа, ҳа.
- Агафья – Вой, Худойим, фамилияни кўринг-ку! Менга қара, Фекла Ивановна, бу қандоқ бўлди, унга тегсам, Агафья Тихонова Қуймоқова бўламанми? Вой, Худо урди-кетди!

Фекла – Вой, онагинам, Русияда ҳар фамилиялар борки, эшитсанг – имонинг учади, унинг фамилияси ёқмаса, Балтазар Балтазарович Жевакинга тег – баҳоси йўқ йигит.

Агафья – Сочи қанақа?

Фекла – Сочи дуппа-дуруст.

Агафья – Бурни-чи?

Фекла – Э... бурниям яхши, ҳамма ёғи келишган, ўзиям чакки эмас. Айтсам – аччиғинг келмасин: уйида каттакон бир дурбиндан бўлак ҳеч балоси йўқ.

Агафья – Тағин ким?

Фекла – Акинф Степанович Пантелеев, амалдор, титулярний советник, жиндай дудуқроқ бўлса ҳам, ўзи салмоқли одам.

Арина – Нима бу, нуқул амалдор, араққа қуши қалай? Мана бунисини айт.

Фекла – Ичишга ичади, йўқ демайди, ичади. Нима қилсин – титулярний советник, ипақдай мулойимлиги бор-ку.

Агафья – Йўқ, қўйинг, пияниста эрга ҳушим йўқ.

Фекла – Ихтиёринг – онагинам, буниси ёқмаса, бошқасига тег. Бир ҳисобда, баъзан ичса, нима қипти? Ҳафта бўйи маст бўлмайди-ку: орада баъзи кун ҳушёр ҳам бўлади.

Агафья – Хўш, тағин ким?

Фекла – Яна биттаси бор-у, ундақароқ... Уни қўй! Булари тузук.

Агафья – Ким, ахир?

Фекла – Унинг тўғрисида гапиргим ҳам келмайди. Ўзи тузук, надворний советник, медали ҳам бор, аммо осонликча жойидан қимирлатиб бўлмайди, уйдан чиқаролмайсан.

Агафья – Хўш, яна ким? Энди бештасини айтдинг, олтига деган эдинг, шекилли?

Фекла – Ҳа, ҳали камми? Эҳтиёт бўл, хомталаш қилиб кетмасин ҳаммаси! Олтитасининг дарагини айтганимда, чўчиб кетган эдинг-ку.

Арина – Сенинг бу дворянларингдан нима чиқар эди, топганларингнинг олтоvidан битта савдогар тузук.

Фекла – Йўғ-э, Арина Пантолеймоновна, дворян мўътабарроқ бўлади.

Арина – Мўътабарликнинг нимаси бор? Алексей Дмитриевични қара, бошида қундуз телпак, чанага тушиб юрганини кўрсанг...

Фекла – Попук таққан дворян рўпара келса, «Ҳа, савдогар-мисан? Четга чик», – дейди. Ё: «Қани, барқутни энг яхшисидан кўрсат», – деса, савдогар: «Марҳамат қилсинлар, тақсирим», – деб икки букулади. «Шапкангни ол, беадаб», – дейди.

Арина – Савдогар агар хоҳламаса, мовут сотмайди, дворян яланғоч қолади, кийиб юргани кийими йўқ.

Фекла – Дворян савдогарни тавбасига таянтиради.

Арина – Савдогар полицияга арз қилади.

Фекла – Дворян савдогарни сенаторга чақиртиради.

Арина – Савдогар губернаторга боради.

Фекла – Дворян...

Арина – Гапирма, гапирма дворян! Губернатор сенатордан катта! Жойи келганда дворян ҳам шапкасини бошидан олади... (Эшикдан қўнғироқ товуши эшитилади) Биров келди.

Фекла – Вой, ўшалар!

Арина – Ким?

Фекла – Ўшалар... Куёвлардан биронтаси.

Агафья – Вой!

Арина – Азиз-авлиёлар мадад қилинлар! Уй тўзиб ётибди. (Столда бор нарсани олиб, уйда югуриб юради) Чочикни қара, столдаги дастурхон ўлгудай кир. Дуняшка, Дуняшка! (Дуняшка киради) Тезроқ тоза дастурхон олиб кел! (Дастурхонни тортиб олиб, уйда югуриб юради.)

Агафья – Вой, хола-е, нима қиламан? Кўйлагимни қаранг.

Арина – Вой, онагинам, югур, кийин! (уйда югуриб юради, Дуняшка дастурхон келтиради. Яна қўнғироқ товуши) Югур, «ҳозир» дегин! (Дуняшка узоқдан «ҳозир» деб қичқиради)

Агафья – Хола! Кўйлагим дазмолланмаган-ку.

Арина – Вой, Худо-ей, ўзинг раҳм айлагин! Бошқасини кий!

Фекла – (югуриб кириб). Нега келмайсизлар? Агафья Тихоновна, тезроқ, онагинам! (Яна қўнғироқ) Вой, Худо! Маҳтал бўлиб қолди, ахир.

Арина – Дуняшка олиб кир, айт, озроқ сабр қилишсин. (Дуняшка даҳлизга чиқиб, эшикни очади. Товушлар: Уйдадилар? – Уйдалар, марҳамат қилинг. Ҳамма калит солинатурган тешиклардан мўралайди)

Агафья – (қичқириб). Вой-вой мунчам семиз.

Фекла – Келаётипти, келаётипти! (Ҳамма қочади)

Ўн тўртинчи кўриниш

Иван Павлович Куймоқов билан Дуняшка

Дуняшка – Шу ерда кутиб тулинг! (Кетади)

Куймоқов – Турушга-ку, турамиз-а, ҳаяллаб қолмасак гўрга эди. Департаментдан бир пасда келаман деб чиққан эдим. Генерал бирданига «экзекутор қаерда?» деб сўраб қолса, «қаллиқ кўргани кетди» дейишса... Ишқилиб, сўраб қолмасин. Айткандай, ёзиб олганларимни яна бир кўрай. (Ўқийди) «Тош пойдеворлик уй». (Уйнинг у ёғ бу ёғига кўз югуртиради) Бор! (яна ўқийди) «Икки дона уй, бири нуқул ёғочдан, бирининг пойдевори ёғоч». Ёғочлиги унча яхши эмас, хайр. «Арава, қўшотлик нақшдор чана». Ташландиқ чана бўлса-чи? Кампир жуда яхшиси деб писанда қилган эди, хайр, яхши бўлса, бўла қолсин. «Икки дюжина кумуш қошиқ...» Албатта рўзғорга кумуш қошиқ керак. «Икки дона тулки пўстин...» Ҳм! «Тўрт дона катта ва икки дона кичик пар якандоз». (Маънолик қилиб лабини қимтиб қўяди) «Олти жуфт шоҳи ва олти жуфт чит кўйлак, икки дона авра тўн, икки дона...» Хайр, буниси арзигудай эмас. «Рўйжа сочиқ...» Буни ўзи билади. Дарвоқе буларнинг ҳаммасини кўзим билан кўрсам бўлади. Ҳозир ҳовли ҳам ваъда қилишаверади, араваям, аммо уйлангандан кейин пар якандоз билан парқу ёстиқдан бўлак нарса тополмайсан. (Кўнғироқ товши. Дуняшка эшикни очкани ҳовлиқиб югуриб ўтади. Товушлар: – Уйдадилар? – Уйдадилар.)

Ўн бешинчи кўриниш

Иван Павлович билан Анучкин

Дуняшка – Шу ерда тура тулинг. Ҳозир чиқадилар. (Кетади. Анучкин Куймоқов билан омонлашади)

Куймоқов – Салом!

Анучкин – Нозанин қизнинг оталари бўлсалар керак?

Куймоқов – Унчалик эмас. Мен ҳали ота бўлганим ҳам йўқ.

Анучкин – Э, маъзур кўрасиз, кечирасиз.

Куймоқов – (четга қараб). Бу одамнинг афт-башарасидан бир балоси борки, бунинг ҳам дарди меникига ўхшайди. (Баралла) Уй эгасига бирон ишингиз бормиди?

Анучкин – Йўқ, нима бўлар эди... ҳеч ишим йўқ, айлангани чиқиб эдим, йўл устида кирдим.

Қуймоқов – (четга қараб). Ёлғон гапиряпти, ёлғон, йўл устида эмиш. Уйланмакчи, пес! (Қўнғироқ товши. Дуняшка эшикни очкани югуриб ўтади. Даҳлизда товушлар: – Уйдадилар? – Уйдалар)

Ўн олтинчи кўриниш

Яна ўшалар ҳам Жевакин

Жевакин – (Дуняшкага) Барака топкур, бўталоғим, устимни қоқиб қўй... Кўчада чанг демаганинг расво қилди. Ана, ана у тивитни олиб ташла. (Ўгирилади) Ҳа, баракалла! Балли, бўталоғим. Ана унга қара, ўргамчи ўрмалаб юрипти, шекилли. Орқа этагида ҳеч губор йўқми? Балли, бўталоғим! Мана бу ёқда бор, шекилли! (Қўли билан енгини силайди ва Анучкин билан Иван Павловичга кўзининг қирини ташлайди) Мовут, инглиз мовути. Пишиқлигини айт! 95-нчи йилда, бизнинг эскадра Сицилияда экани чоғида, баҳрия зобити эканимда олиб, мундир тиктирган эдим. 801-нчи йилда Павел Петрович замонида менга лейтенантлик мартабаси берилганда ҳам бу мовут оҳорлик эди. 814-нчи йилда экспедиция қилиб дунёни айландим, шунда озгина чокидан сўкилди, 815-нчи йилда хизматдан чиққанимда ағдартириб тиктирган эдим, ўн йилдан бери кияман, ҳали-ҳали янгидай турипти. Баракалла, бўталоғим. Ҳм... Нозанин! (Унга қўли билан бўлди деб, ойна ёнига келади ва сочини озроқ тарайди)

Анучкин – Мумкинми, ҳали Сицилия дедилар, шу Сицилия қалай юрт экан?

Жевакин – Жудаям ғалати юрт. Биз ўттиз тўрт кун туриб қолдик, мен сизга айтсам, ажойиб, шундай тоғлар, анорлар дейсизми, қаёққа борсангиз италян қизлар – қизил гул ғунчасидай – ўпиб олсам дейсиз.

Анучкин – Илм-маърифати қалай?

Жевакин – Аъло даражада. Уларнинг илми бизнинг графиняларимизда ҳам йўқдир. Кўчадан ўтиб борасан киши – рус лейтенанти, табиий бу ерда попук (елкасини кўрсатиб) зарвар мундир, қоп-қора қизлар туришади – ҳар қайсисининг уйи олдида кўчага қараган болохонаси бор, томи мана шу полдай

теп-текис – қарасанг бир нозанин ўтирган бўлади... Табиий қоқиниб йиқиласан киши. (Энгашиб қўли билан ҳаракат қилади). У шундай қилади. (Қўл ҳаракати). Табиий, кийинган, бу ери шоҳи, бу ерида бирон ипак чилвир, ҳар хил исирға... Хулласи, бир қошиқ сув билан ютсам дейсан...

Анучкин – Мумкинми яна бир савол. Сицилияликлар қайси тилда гапиришади?

Жевакин – Табиий, ҳаммаси француз тилида.

Анучкин – Ҳамма қизлар французча биладими?

Жевакин – Ҳаммаси. Менинг гапимга балки ҳали ишонмасиз, биз ўттиз тўрт кун турдик, шунча вақт ичида бирон оғиз русча гапиришганини эшитмадим.

Анучкин – Бирон оғиз?

Жевакин – Бирон оғиз. Дворянлар, бошқа синъорлар, яъни ҳар хил офицерларни у ёққа қўйинг, бўйнига балойи баттар тақиб юрган оддий бир деҳқонни олинг, унга «нон бер, биродар» десангиз тушунмайди, азбаройи Худо тушунмайди: французчасига «datecidel pone» ёки «рогтетевино» десангиз, дарров тушунади, югуриб кетади, худди ўзини олиб келади.

Иван Павлович – Бундақа бўлса Сицилия деганингиз қизик юрт экан. Ҳали сиз деҳқон дедангиз, қандақа? Қайси хилда? Шу ўзимизнинг рус деҳқонига ўхшаган – кенг елкалик, деҳқончилик қиладиган деҳқонми ё бошқачами?

Жевакин – Билолмадим, деҳқончилик қиладими, йўқми – пайқаганим йўқ; аммо тамаки хусусига келганда, бизнинг деҳқонларга ўхшайди. Тамакини ҳатто оғзига солар экан. Юк ташиш ҳам жуда арзон: ҳаммаёқ деярли сув, ҳар ерда қайиқ... Табиий, гулғунчадай италян қиз ўтиради, бўйнида тумоқча, бошида рўмолча... Инглиз офицерлари ҳам бор эди. Булар ўзимизга ўхшаган денгизчилар экан, аввал жуда ғалати туюлган эди: бир-биримизнинг гапимизга тушунмаймиз; аммо кейинчалик, яхши танишиб олганимиздан кейин бемалол тушунадиган бўлдик. Шиша ёки стаканни кўрсатсанг, маълум бўладик, арақ деганинг, ҳавучингни карнай қилиб оғзингга қўйиб, пуф-пуф десанг, тамаки деганинг бўлади. Мен сизга айтсам, тили жуда жўн экан, бизнинг баҳриялар¹ бир-икки куннинг ичида гапига тушунадиган бўлиб қолишди.

Иван Павлович – Бегона эллардаги турмуш жуда-жуда қи-

¹ Баҳрия – матрос.

зиққа ўхшаб қолди. Мен дунё кўрган киши билан суҳбат қилишни жуда ҳам яхши кўраман. Мумкинми, ким эканликларини билсам?

Жевакин – Жевакин, собиқ лейтенант. Мумкинми, мен ҳам жанобингизни ким эканликларини билсам?

Иван Павлович – Экзекутор мансабидаги Иван Павлович Қуймоқов.

Жевакин – (унча эшитолмай). Ҳа, мен ҳам жиндай тамадди қилган эдим. Биламанки, анчагина йўл, ҳаво совуқ, селодка билан нон еб олдим.

Иван Павлович – Йўқ, англамадингиз, шекилли: Қуймоқов менинг фамилиям.

Жевакин – (таъзим қилиб). Э, кечирасиз! Қулоғим оғирроқ. Мен «қуймоқ едим» дедилар, дебман.

Иван Павлович – Қандай қилай! Генералдан фамилиямни жиндай ўзгартиришга, Қуймоқча қилишга рухсат сўраган эдим, кўнмадилар, «итваччага ўхшаб қолади» дедилар.

Жевакин – Бундақа лақаблар кўп. Бизнинг учинчи эскадрадаги ҳамма офицерларнинг лақаби шундақа ажойиб эриш лақаблар эди. Мағзава, Қутурган, Бўғма, биттасининг фамилияси бўлса «Тешик» эди. Капитан «Ҳой, Тешик, бу ёққа кел» деб чақирар эди. Одамлар, ҳа, тешик, деб тегишар эди. (Кўнғироқ товши. Фекла эшикни очгани югуриб ўтади)

Қуймоқов – Салом кампир!

Жевакин – Салом, қалайсан, бўталоғим?

Анучкин – Салом! Фекла Ивановна!

Фекла – (шошиб югуради). Салом оталарим, салом! (Эшикни очади, даҳлизда товушлар: Уйдадилар? – Уйдалар. Кейин англаб бўлмайдиган товушлар чиқади, Фекла аччиқ билан жавоб беради: Сени қараю?!)

Ўн еттинчи кўриниш

Ҳалигилар, Кочкарёв, Подколёсин ва Фекла

Кочкарёв – (Подколёсинга). Ишқилиб, дадил бўлсанг, бас. (Орқасига қарайди, саломлашади, бир қадар таажжубланади, ўзича) Бай-бай, мунча одам кўп! Бу нима деган гап бўлди? Қаллиқ кўргани келганлар эмасмикин? (Феклани тутиб секин) Бунча қарға-қузғунларни қаёқдан йиғиштириб келдинг?

Фекла – (Секин) Булар қарға-қузғунлар эмас, ҳаммаси бинойи, яхши одамлар.

Кочкарёв – (Феклага). Кир кўйлакка жун жияк дегандай, бу меҳмонларни қараю!

Фекла – «Ўзингни эр билсанг, бошқани шер бил!» Ўзинг-чи, ўзинг! Усти ялтироқ, ичи қалтироқ!

Кочкарёв – Хомтама бўлма, ҳаммасининг ҳам битидан бўлак оғирлиги йўқ. (Барала) Нима қилаётипти экан, қаллиқ? Ётадиган уйи шуми? (Эшикка яқин келиб)

Фекла – Шарманда! Кийинаётипти дедим-ку!

Кочкарёв – Оббо! Нима қипти? Бир кўраман холос. (Калит тешигидан иккинчи уйга қарайди)

Жевакин – Рухсат этинг, яхшини кўриш савоб дейдилар.

Қуймоқов – Рухсат этинг, мен ҳам бир мартаба қараб олай!

Кочкарёв – (Қарар экан) Ҳеч нарса кўринмайди, афандилар. Бир нарса оқариб турипти, хотунми, ёстикми – билиб бўлмайди. (Ҳамма эшик ёнига келади ва қарай бошлайди)

Кочкарёв – Тисс... бирав келяпти! (Ҳамма эшикдан четланади)

Ўн саккизинчи кўриниш

Ҳалигилар, Арина Пантолеймоновна ва Агафья Тихоновна.
(Ҳамма саломлашади)

Арина – Нима иш билан ташриф буюрдингизлар?

Қуймоқов – Ўтин, ёғоч ғамлаш ишини пудратга олармишмиз, деб газетада ўқидим, Подшолик ўринда экзекутор бўлганим важдан қандақа ёғоч қай миқдорда, қандай муҳлат билан эканини билгани келдим.

Арина – Ҳеч қандақа пудрат олмасак ҳам, майли, келганингизга мамнунмиз. Фамилиянгиз?

Қуймоқов – Коллежский ассессор Иван Павлович Қуймоқов.

Арина – Марҳамат қилинг, ўтиринг. (Жевакингга мурожаат қилади ва унга қарайди) Сиз...

Жевакин – Мен ҳам газетада аллақандай бир эълоннома кўриб қолдим. Қани, бир борай-чи дедим. Ҳаво яхшига ўхшаб кўринди, йўл усти ҳамма ёқ кўм-кўк ўт-ўлан...

Арина – Фамилиянгиз?

Жевакин – Денгиз хизматидаги собиқ лейтенант Балтазар Балтазарович Жевакин иккинчи. Мендан бошқа ҳам бир Жевакин бор эди, у мендан илгарироқ истефо берган: тиззасининг остидан ўқ еган эди. Ажойиб: ўқ тиззага зарар қилмапти-ю, худди ўқ игнадай пайни тепчиб ўтибди. Ёнида турсангиз худди сизни дўмбоқ ургани чоғланиб тургандай бўлар эди.

Арина – Марҳамат қилинг, ўтиринг. (Анучкинга ўгирилади) Сиз нима иш билан?

Анучкин – Қўни-қўшничилик важдан. Шу ерга жуда яқин ерда турганим учун...

Арина – Бизнинг рўпарамиздаги савдогарнинг хотуни Тулубованинг ҳовлисида турмайдиларми?

Анучкин – Йўқ, ҳали – ҳозирча Қумлоқда тураман, аммо вақти-соати келиб, шаҳарнинг шу даҳасига кўчиб, сизларга қўшни бўлиш ниятим бор.

Арина – Марҳамат қилинг, ўтиринг. (Кочкарёвга ўгирилади) Сиз...

Кочкарёв – Мени танимадингизми? (Агафья Тихоновнага мурожаат қилади) Сиз ҳам танимадингизми, хоним афанди?

Агафья – Сизни ҳеч кўрганга ўхшамайман.

Кочкарёв – Эслаб кўринг: сиз мени бирор ерда кўргандирсиз.

Агафья – Билмасам. Бирюшкинларникида эмасми?

Кочкарёв – Худди ўша ерда.

Агафья – Вой, хабарингиз йўқми? Унинг воқеаси жуда қизиқ бўлди-ку.

Кочкарёв – Биламан, эрга тегди.

Агафья – Эрга тегса-ку, жон кошки, оёғи синди.

Арина – Жуда қалтис синибди. Бемаҳалда уйига қайтиб келётганида, извошчиси маст экан, извошдан ағдариб юборибди.

Кочкарёв – Ҳа, шуни айтаман, эсимда бор, эрга тегдим, оёғи синдим ишқилиб, шундай бир ҳодиса рўй берган эди.

Арина – Фамилиянги?

Кочкарёв – Илья Фомич Кочкарёв-да, қариндошмиз-ку: менинг хотуним нуқул... Рухсат этинг, рухсат этинг (Подколёсиннинг қўлидан тутиб яқин келтиради) Оғайним Иван Кузмич Подколёсин, надворний советник, экспедиторлик хизматида, ҳамма ишни ўзи яқка қилади, ўз ишини жуда машқини олган.

Арина – Фамилиялари?

Кочкарёв – Иван Кузмич Подколёсин. Директор фақат мансаб

важидан қўйилган, холос, ҳамма ишни бу киши – Иван Кузмич Подколёсин қилади.

Арина – Хўш, марҳамат қилинг, ўтиринг!

Ўн тўққизинчи кўриниш

Ҳалигилар ва Стариков

Стариков – (Савдогарларча абжирлик билан таъзим қилиб, қўлини қуймичига¹ қўйиброқ) Салом Арина Пантолеймоновна! Қўшхонадаги² йигитлар юнг сотармишсиз дейишди.

Агафья – (Жеркигансимон тескари ўтирилади ва у эшитарлик қилиб.) Бу ер савдогарлик дўкони эмас.

Стариков – Ҳа, бундай денг! Бемаврид келибмизми? Ё бизсиз ҳам ишни пишириб қўйдиларингми?

Арина – Марҳамат, марҳамат, Алексей Дмитриевич, юнг сотмасак ҳам, келганингизга мамнунмиз. Марҳамат қилинг, ўтиринг. (Ҳамма ўтиради, жимлик)

Қуймоқов – Ҳаво ажаб қизиқ бўлипти-да, эрта билан ёмғир ёғадиган афти бор эди, ҳозир очилиб кетганга ўхшайди.

Агафья – Нимасини айтасиз, кўп чучмал бўлипти, баъзан очик, баъзан ёмғир ҳавоси. Жуда кўнгил ғаш бўлади.

Жевакин – Мана, Сицилияни айтсангиз, бизнинг эскадра баҳорда борган эди. Бундай қарасанг, биздаги феврал ойига ўхшайди, кўчага чиқсанг, офтоб чарақлаб ётади, бирпасдан кейин ёмғир, қараб турасан киши, ҳудди ёмғирнинг ўзгинаси.

Қуймоқов – Ҳаммадан ёмони ана шундай ҳаво айниганда уйда ёлғиз ўтириш. Хотуни бор кишига ҳеч гап эмас, зерикмайди. Ёлғиз кишига... асти қўйинг.

Жевакин – Нимасини айтасиз, ўлим, ўлим азоби.

Анучкин – Балли, бу пухта гап.

Кочкарёв – Бай, бай, бай, азоб-уқубат. Дунё кўзингга кўринмайди. Худо кўрсатмасин.

Қуймоқов – Қалай дейсиз, хоним афанди, мабодо, сизга куёв танлаш лозим келиб қолса... Рухсат этинг, дидингизни кўрайлик. Очик гапирганим кўнглингизга келмасин... Қандай мансабдаги кишини ўзингизга муносиб кўрасиз?

¹ Қуймич – гавданинг бел билан думгаза ўртасидаги қисми.

² Қўшхона – хизматкорлар, қўшчилар хонаси.

Жевакин – Денгиз бўронларини кўрган кишини маъқул кўрармидингиз?

Кочкарёв – Йўқ, йўқ! Менинг фикримча эр, ёлғиз ўзи деярлик бутун департаментни бошқарадиган киши бўлсин.

Анучкин – Нега бунча ўзларингга ўзларинг бино қўясизлар? Нега, гарчи пиёда аскар қисмида хизмат қилган бўлсам ҳам, киборлар жамоатининг муомалаларига қиймат бера оладиган кишини менсимайсизлар?

Куймоқов – Хоним афанди, сиз ҳал қилинг!

Агафья – (жим)

Фекла – Жавоб бер, онагинам. Бирон нарса де.

Куймоқов – Шундоқ бўлсин.

Кочкарёв – Қалай, сизнинг фикрингиз, Агафья Тихоновна?

Фекла – (унга секин) Айткин, «қуллук, хурсандман» дегин. Яхши эмас, ахир, тек туриш.

Агафья – (секин) Уяламан, қўйинг, қўйинг, чиқиб кетаман. Менинг учун сиз ўтиринг.

Фекла – Вой, бундай шармандачиликни қила кўрма, ўтир, шарманда қиласан кишини. Булар нима деб ўйлайди.

Агафья – (ўшандай) Йўқ, қўйинг кетаман, кетаман! (Қочиб чиқиб кетади. Фекла билан Арина унинг кетидан чиқадилар).

Йигирманчи кўришиш

(Ҳалигилар, чиқиб кетганлардан бошқа ҳаммаси)

Куймоқов – Ана холос, ҳаммаси чиқди-кетди. Бу нима деган гап бўлди?

Кочкарёв – Бир бало бўлганга ўхшайди.

Жевакин – Пардоз-андоз важидандир... бирон нарсасини тузатар, қўйлагини мундайроқ қилар, сочини силлиқлар. (Фекла киради. Ҳамма бирданига сўрайди, нима, нима бўлди?)

Кочкарёв – Бирон нарса бўлдими?

Фекла – Нима бўлар эди. Азбаройи Худо, ҳеч нарса бўлгани йўқ.

Кочкарёв – Нега чиқиб кетди?

Фекла – Уялди-да, шунинг учун чиқиб кетди. Ҳижолат тортиб ўтиролмади. «Кечирсинлар, кечқурун бир пиёла чойимиз бор, марҳамат қилсинлар», – дейди. (Кетади).

Куймоқов – (Четга қараб). Ана шу жойига тобим йўқ-да! Мана шунинг учун қизга одам қўйишни ёмон кўраман. Турган битгани оворагарчилик: букун бўлмайди, эртага келинг, эртага бўлмайди, индинга чойга марҳамат қилинг. Арзимаган нарса ўзи, ҳеч мушкул жойи йўқ! Зорманда, хизматдаги одам бўлсам, қўлим тегмаса.

Кочкарёв – (Подколёсинга) Ёмон эмас-а қиз?

Подколёсин – Ҳа, чакки эмас.

Жевакин – Қиз жойида-а?

Кочкарёв – (четга қараб) Вой, исқоти! Бу аҳмоқ ишқибоз бўлиб қолди. Ҳали халақит ҳам беради. (Товуш чиқариб) Мазаси йўқ, ҳечам мазаси йўқ.

Куймоқов – Бурни каттароқ.

Жевакин – Йўғ-э, бурнини пайқамадим. Ғунчадаккина экан.

Анучкин – Мен ҳам ҳалигидай фикрда. Йўқ, унча эмас, унча эмас... Киборлар жамоатининг одоб-тавозуларини ҳам билмас, деб ўйлайман. Французча билармикин ҳали?

Жевакин – Синаб кўрмадингизми, французча гапиришмадингизми? Балки, билар.

Анучкин – Мени французча билади деб ўйлайсизми? Йўқ, мен бундақа тарбияга мушарраф бўлган эмасман. Менинг отам бамисоли аблах, ҳайвон бўлган. Мени французча ўқитишни эсига ҳам олган эмас. У вақтда ҳали мен бола эдим, тил ўргатиш осон эди, яхшилаб таъзир берилса – урилса, кифоя эди – билар эдим, албатта.

Жевакин – Сиз билмаганингиздан кейин унинг билишидан сизга нима фойда?

Анучкин – Йў-ўқ, хотун кишининг йўриғи бошқа: у албатта билиши керак, бўлмаса униси ҳам, буниси ҳам... (Қўл ҳаракати билан билдирмакчи) Ҳеч қайсиси ўрнига келмайди.

Куймоқов – (четга қараб) Менга бу ташвишнинг кераги йўқ. Ҳовлига чиқиб уйларни кўрай: айтгани рост бўлса, шу бугун кечқуруноқ розилигини олмасдан қўймайман. Бу одамлардан хавфсирамайман – ҳаммаси ҳам суюқ, мижғов одамлар. Бундақаларга қизларнинг ҳуши бўлмайди.

Жевакин – Бориб бир чекишайлик. Сиз ҳам биз томонга кетасизми? Мумкинми сўрасам, қаерда турадилар?

Анучкин – Қумлоқда, Петровский кўчасида.

Жевакин – Ҳм, айланиш бўлар экан, мен бўлак даҳада тураман, майли, мен сизни ҳар қалай кузатиб қўяман.

Стариков – Йўқ, бу ўзига бино қўйиш. Ҳайр, майли биз ҳам эсингизга тушиб қолармиз, Агафья Тихоновна. Хуш қолинглар, афандилар! (Таъзим қилиб чиқиб кетади)

Йигирма биринчи кўриниш

Подколёсин билан Кочкарёв

Подколёсин – Биз нимага қараб турибмиз?

Кочкарёв – Қалай, тузук-а, қизи тушкур?

Подколёсин – Бе! Ростини айтсам менга ёқмади.

Кочкарёв – Ана холос! Бу нима деган гап? Ўзинг яхши экан дединг-ку.

Подколёсин – Тўғри келмайди-да, бурни узун, французча билмас экан.

Кочкарёв – Бу нимаси? Сенга французча билишининг нима кераги бор?

Подколёсин – Ҳар қалай қиз деган французча билиши керак.

Кочкарёв – Нега?

Подколёсин – Негаки... билмайман нега, ишқилиб, французча билмаса, унча мазаси бўлмайди.

Кочкарёв – Ана энди, бир аҳмоқ айтди, энди бу шуни маҳкам ушлаб олди. Қиз бежирим, чиройлик, бундақа қизни ҳеч қаердан тополмайсан.

Подколёсин – Аввал ўзимга ҳам маъқул бўлган эди, ҳамма «бурни узун экан» деябергандан кейин қарасам, ростдан ҳам бурни узун экан.

Кочкарёв – Вой лақиллаганей, улар жўртага сени айнитиш учун шундақа дейишди. Мен ҳам мақтаганим йўқ-ку, расми шундақа бўлади. Қизмисан қиз-да, биродар! Кўзини айт: кўз деган ҳам шундай бўладими – одамни эритиб юборади-я! Бурнини айт – киройи бурун. Ўзи оппоқ бўздай. Бўз бўлганда ҳам қандоқ дегин. Тузуккина, қарагин.

Подколёсин – (илжайиб) Рост, яхшига ўхшаб қолди.

Кочкарёв – Албатта яхши-да. Менга қара, энди буларнинг ҳаммаси кетди, юр, кирамиз, ишни пиширамыз.

Подколёсин – Йўқ, тўғри келмайди.

Кочкарёв – Нега?

Подколёсин – Бу қандай сурбетлик? Биз кўпчиликмиз: ўзи танласинда.

Кочкарёв – Улар билан нима ишинг бор: рақобатдан қўрқасанми, нима бало? Ҳозир ҳаммасини жўнатиб юборайми?

Подколёсин – Қандақа қилиб жўнатасан?

Кўчкарев – Ўзим биламан-да. Кейин айнимасликка сўз берсанг бўлгани.

Подколёсин – Сўз берсам беравераманда, мен тархашлик қилаётганим йўқ: уйланмакчиман.

Кочкарёв – Қўлингни бер!

Подколёсин – (бериб) Ма!

Кочкарёв – Менга мана шу кифоя. (Иккови чиқиб кетади)

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

Агафья Тихоновнанинг ҳовлисида бир бўлма

Биринчи кўриниш

Агафья – Эр танлашдан қийин нарса йўқ-да! Битта-иккита бўлса ҳам баҳарнав эди, тўртта – хоҳлаганингга тег. Никанор Иванович озғин бўлса ҳам, ўзи ёмон эмас. Иван Кузмич ҳам дурст. Тўғриси айтканда Иван Павлович семизроқ бўлса ҳам, хўп савлатлик эркак. Қани марҳамат, нима қилиш керак? Балтазар Балтазарович чакки эркак эмас. Нима қилишингни билмайсан киши, бирам қийинки. Никанор Ивановичнинг лабию Иван Кузмичнинг бурни, Балтазар Балтазаровичнинг хушфеъллигию Иван Павловичнинг семизлиги – ҳаммаси бир одамда бўлса, дарров кўна қолар эдим. Ўйлаб ўтир энди. Бошларим оғриб кетди. Яхшиси, энди чек ташлайман. Таваккал Худога – чек кимга чиқса ўшанга тегаман. Ҳаммасининг отини қоғозга ёзиб яшираман, нима бўлса, бўлар. (Стул ёнига келиб қоғоз билан қайчи олиб, чек қияди, ёзилган қоғозларни найча қиларкан давом қилиб) Шўрлик қиз, айниқса, яна кўнгил қўйган қиз. Бирорта эркак бу ҳолни билмайди, англагуси ҳам келмайди. Мана, тайёр бўлди ҳам. Энди халтага солиб, кўзни чирт юмиб, биттасини олиш қолди, нима бўлса, бўлар. (Халтачага солиб аралаштиради) Во-ей... Худо ёрлақаб Никанор Иванович чиқса эди-я! Йўқ, нега у? Иван Кузмич чиққани тузук! Нега энди Иван Кузмич? Бошқаларнинг нима камлиги бор?... Йўқ, йўқ, кераги йўқ... қайсиси чиқса ўша. (Халтачага қўл тиқиб, биттасини олиш ўрнига ҳаммасини олади) Вой, ҳаммаси! Ҳаммаси чиқди! Юрагим гурсиллаб ураяпти! Йўқ, биттаси, биттаси! (Қоғозларни халтачага солиб, аралаштиради. Шу вақтда Кочкарёв секин кириб орқасида туради) Вой-ей, Балтазар... йўғ-е, Никанор Иванович чиқса демакчи эдим... Йўқ, кераги йўқ, кераги йўқ! Пешонамдан кўраман.

Кочкарёв – Иван Кузмичга тега қолинг, ҳаммасидан шу тузук.

Агафья – Вой! (қичқириб иккала қўли билан юзини бекитади, орқасига қарагани қўрқади)

Кочкарёв – Нега кўрқасиз? Кўрқманг – мен. Рост, Иван Кузмичга тегинг.

Агафья – Уяламан, эшитиб турган экансиз.

Кочкарёв – Майли, майли. Бегона одам эмасман-ку – қариндош, мендан уялишнинг ҳожати йўқ; очинг жамолингизни.

Агафья – (юзини бироз очиб) Уяламан.

Кочкарёв – Иван Кузмичга тега қолинг энди.

Агафья – (қичқириб юзини бекитади) Вой!

Кочкарёв – Баҳоси йўқ одам, ўз ишига кўп пухта бўлган... Ажойиб одам!

Агафья – (юзини аста-секин очади) Бошқалар-чи, Никанор Иванович-чи, у ҳам ёмон одам эмас.

Кочкарёв – Менга қаранг, у, – Иван Кузмичнинг олдида бир пуллик.

Агафья – Сабаби?

Кочкарёв – Сабаби маълум. Иван Кузмич шундай одамки... шундай одам... топилмайдиган одам.

Агафья – Иван Павлович-чи?

Кочкарёв – Иван Павлович бир чақалик, ҳаммаси ҳам бир чақалик.

Агафья – Ҳаммаси ҳам?

Кочкарёв – Ўзингиз ўйлаб кўринг, солиштириб қаранг, Иван Кузмич – Иван Кузмич-да. Иван Павлович бўладими, Никанор Иванович бўладими, барибир, куясиз.

Агафья – Булар жуда ҳам одми одамлар-ку.

Кочкарёв – Нимаси одми. Жанжалкаш, ўлгудай феъли ёмон одамлар. Тўйдан кейин эртасигаёқ калтак егингиз келгандир?

Агафья – Вой Худо! Худо кўрсатмасин, шундан ёмони йўқ.

Кочкарёв – Бўлмаса-чи! Бундан ёмони йўқ.

Агафья – Хайр, Иван Кузмичга теккин дейсизми?

Кочкарёв – Иван Кузмичга, табиий, Иван Кузмичга. (Четга қараб) Иш унадиганга ўхшаб қолди. Подколёсин кондитерскийда ўтирибди, тезроқ бориб олиб келиш керак.

Агафья – Шундай қилиб, Иван Кузмич дейсизми?

Кочкарёв – Албатта, Иван Кузмичга.

Агафья – Бошқаларга йўқ деб жавоб берайми?

Кочкарёв – Албатта, йўқ денг.

Агафья – Қандақа қиламан. Бетим чидамайди.

Кочкарёв – Нега? Ҳали ёшман денг, эрга тегмайман денг.

Агафья – Ишонишмайди, нега, нима учун деб, безор қилишади.

Кочкарёв – Агар бир оғиз гап билан қутулай десангиз, «йўқол ҳамманг, аҳмоқлар!» денг.

Агафья – Қандоқ қилиб шундай дейман?

Кочкарёв – Бир шундай деб кўринг, ўлай агар, ҳаммаси қочади-кетади.

Агафья – Бундай десам, ҳақорат бўлиб тушади.

Кочкарёв – Ахир, буларнинг юзини иккинчи кўрмайсиз, нима зарари бор.

Агафья – Ҳар қалай, яхши эмас... хафа бўлишади.

Кочкарёв – Хафа бўлса, нима? Оқибати ёмон бўлса экан, бошқа гап; жуда нари борса, биронтаси афтингизга туфлар, вассалом.

Агафья – Ана кўрдингизми?

Кочкарёв – Нима қипти? Одамларнинг бетига минг мартаба туфлашади, азбаройи Худо. Мен бир одамни биламан, ўзи кўп яхши киши, бети қип-қизил, шу одам «ойлигимни оширинг» деб хар-хаша қилавериб началнигини шундай безор қиптики, началниги жони чиқиб бетига чакса¹ қилиб тупурибди, азбаройи Худо. «Мана ошириш», – дебди. «Қўй энди ҳол жонимга», – депти. Ҳар қалай, ойлигини оширипти. Нима қипти энди, тупурган бўлса? Рўмолчаси бўлмаса экан, рўмолчаси ёнида – олиб артиб қўя қопти. (Даҳлизда кўнғироқ товши) Биров келди: ҳалигилардан биронтасидир-да. Шуларга кўрингим йўқ. Чиқиб кеткани бошқа йўл йўқми?

Агафья – Бор, орқа эшик. Аъзойи баданим титраб кетаяпти.

Кочкарёв – Ҳечқиси йўқ, дадил бўлинг. Хайр, (Четга қараб) Тезроқ бориб Подколёсинни олиб келай.

Иккинчи кўриниш

Агафья Тихоновна билан Қуймоқов

Қуймоқов – Сиз билан хилватда, қўлингиз бўш вақтда гапиришай деб, жўрттага вақтлироқ келдим, хоним афанди. Амал хусусида ўзингиз биласиз, деб ўйлайман: коллежский ассессорман, начальникларим меҳр қўйган, қўл остимдаги кишилар сўзимдан чиқишмайди... фақат битта рафиқа кам холос.

¹ Чакса – оғирлик ўлчов бирлиги.

Агафья – Ҳ-а.

Қуймоқов – Энди рафикани топдим – рафика сиз бўласиз. Юзимга айтинг, хўпми, йўқми? (Унинг елкасига қарайди, четга қараб) Оҳо, бу баъзи ариқ немис хотунларига ўхшаган эмас – киройи қўлга киргудай.

Агафья – Мен ҳали ёшман... ҳали эрга теккудай эмасман.

Қуймоқов – Э, совчи хотун нима қилиб юрипти бўлмаса? Бошқа бирон гапингиз бордир – айтаверинг. (Қўнғироқ товши). Об-бо, иш қилгани қўйишмайди кишини!

Учунчи кўриниш

Ҳалигилар ҳам Жевакин

Жевакин – Маъзур кўрасиз, хоним афанди, эртароқ келиб қолгандирман. (Қайрилиб Қуймоқовга кўзи тушади) Э, келган эканлар... Салом Иван Павлович!

Қуймоқов – (четга қараб) Саломинг бошингни есин! (Барала) Қани, нима қилдингиз, хоним афанди? Биттасини айтиб қўяқолинг: ҳами, йўқми?... (Қўнғироқ товши, Қуймоқов жаҳл билан тупуради) Яна қўнғироқ.

Тўртинчи кўриниш

Ҳалигилар билан Анучкин

Анучкин – Балки, хоним афанди, мен эртароқ келгандирман, одоб юзасидан... (Бошқаларни кўриб «э» дейди ва саломлашади) Салом!

Қуймоқов – (четга қараб) Саломингни пишириб е! Қайси гўрдан ҳам келдинг, қилтириқ оёғинг синса бўлмасмиди. (Барала) Хўш, хоним афанди, бир ёқлик қилинг, мен хизматдаги одамман, фурсатим йўқроқ, ҳами, йўқми?

Агафья – (уялиб) Керак эмас... керак эмас... (Четга қараб) Нима деяётганимни ўзим ҳам билмайман.

Қуймоқов – Нега керак эмас, қайси жихатдан керак эмас?

Агафья – Ҳеч, ҳеч... Мен ҳали... (тетикланиб) Йўқол ҳамманг! (Четга қараб, қўлини бир-бирига уриб) Вой, Худо-ей? Нима дедим-а?

Қуймоқов – Нучук «Йўқол ҳамманг?» Бу нима деган гап – «Йўқол ҳамманг». Рухсат этинг билайлик – шу билан нима демакчисиз? (Унинг олдида дўғайиб келади)

Агафья – (унинг юзига қараб қичқиради) Вой, урасизми, урасизми? (Қочиб чиқиб кетади. Қуймоқов оғзини очганича туриб қолади. Шовқунни эшитиб Арина Пантолеймоновна киради ва унинг юзига қараб у ҳам қичқиради) Вой, уради! (Қочиб чиқиб кетади)

Қуймоқов – Бу қандай иш бўлди! Ана гап-у! (Даҳлизда қўнғирок, товушлар)

Кочкарёв – (товши). Кир, ахир, нега тўхтадинг?

Подколёсин – (товши). Олдин сен кир. Мен жиндай туриб кираман: у ёғ-бу ёғимни тузатай, батинкамнинг тугмаси ечилиб кетибди.

Кочкарёв – (товши). Тагин қочиб кетасан.

Подколёсин – (товши). Қочмайман! Азбаройи Худо, қочмайман, йўқ!

Бешинчи кўриниш

Ҳалигилар ва Кочкарёв

Кочкарёв – Мана энди батинканинг тугмасини тузатиш жуда зарурмикан?

Қуймоқов – (унга ўгирилиб). Менга қаранг, бу қизнинг бир қайнови пастми ўзи?

Кочкарёв – Нима қилди? Бир нарса бўлдими?

Қуймоқов – Тушуниб бўлмайдиган қилиқлар: қочиб чиқиб кетди. «Урасиз, урасиз» деб бақирди. Билиб бўлмайди – нима бало.

Кочкарёв – Ҳа, унинг шунчалиги бор. Бир қайнови паст.

Қуймоқов – Сиз қариндош бўласизми?

Кочкарёв – Ҳа-да, қариндошман.

Қуймоқов – Қандақа қариндош? Мумкинми?

Кочкарёв – Ўзим ҳам унчалик билмайман, ё онамнинг холаси унинг отасига бир нима бўлади, ё унинг отаси менинг холамга бир нима бўлади, буни хотуним яхши билади – хотунларнинг иши бу.

Қуймоқов – Қачондан бери бир қайнови паст бўлиб қолган?

Кочкарёв – Гўдаклигидан бери.

Қуймоқов – Эси жойида бўлганда яхши бўлар эди, албатта. Бир ҳисобда бир қайнови паст бўлгани ҳам тузук; ишқилиб, мол-мулки бўлса бас.

Кочкарёв – Ҳеч балоси йўқ унинг.

Қуймоқов – Ғиш иморат-чи?

Кочкарёв – Ғиш иморат – отига ғиш иморат, унинг қанақа қурулганини билсангиз экан, девори икки томони бир қаватдан ғиш, ўртаси кавак, кавак балойи баттар билан тўлғузилган, ахлат, тараша, пайраха...

Қуймоқов – Қўйсангиз-чи?

Кочкарёв – Аниқ. Ҳозирги иморатларни билмагандай гапирасиз-а. Гаравга қўйиб пул олинса бўлгани...

Қуймоқов – Иморат гаравга қўйилгани йўқдир.

Кочкарёв – Ким айтди? Ҳамма гап шунда-да, гаравга қўйиш у ёқда турсин, олинган пулнинг икки йилдан бери фойдаси берилган эмас. Сенатда битта укаси бор, у ҳам шу иморатга кўз олайтиргани олайтирган, бундақа муттаҳам дунёга келган эмас. Туққан онасининг биттаю битта юбкасини ечиб олишга тайёр, Худо беҳабар.

Қуймоқов – Совчи хотун менга, ахир... Вой, уруғингга ўт тушкур бу лаънати... (Четга қараб) Бунинг гапига ҳам ишониб бўлмайди. Совчи кампирни гирибонидан олиб сўроқ қилиш керак. Агар рост бўлса... Мен уни маймундай ўйнатаман.

Анучкин – Мумкинми, бемалол бўлса, бир нарсани сўрасам. Французча билмаган одамга бу аёлнинг билиш-билмаслиги хусусида бир нима дейиш кўп машаққат. Қалай, французча билармикан?

Кочкарёв – Тақир билмайди.

Анучкин – Ростданми?

Кочкарёв – Бўлмаса-чи. Мен буни жуда яхши биламан. Пансионда менинг хотуним билан бирга ўқиган, ўлгундай ялқов, бемаъни бир шапкани кийиб ўтиргани ўтирган эди. Француз тили муаллими нуқул таёқ билан урар эди.

Анучкин – Қаранг-а, шундай бир кўришим биланоқ французча билмас деб кўнглимдан ўткан эди.

Қуймоқов – Э, ордона қолсин французча! Бу лаънати совчи, ахир... Вой уруғингга ўт тушкур-е! Унинг таърифини эшитсаларинг – таърифини жуда жойига қўйган эди-да! «Ҳовли, иморат»

деб эди. «Ғиш пойдеворлик уйлар, кумуш қошиқ, чана, тушиб олиб айшингни қилаберасан», – деган эди. Қисқаси бундақа таъриф китобда ҳам кам учрайди. Вой қўтур эчки-е! Тушарсан қўлимга!...

Олтинчи кўриниш

Ҳалигилар билан Фекла.
(Ҳамма унга хитобан)

Қуймоқов – Ана! Келди! Қани бери кел-чи, лаънати! Кел-чи бери!

Анучкин – Мени алдаган экансиз-да Фекла Ивановна?

Кочкарёв – Таъзирингни бераман!

Фекла – Нима деяётганларингни билмаётибман: гала-говур қилиб қулоғимни қоматга келтирдиларинг.

Қуймоқов – Иморатнинг деворлари бир қатор ғишдан урилган экан-ку, ёлгон гапирибсан, қўтур эчки: болохонаси бор, яна нима балолари бор деб, махтаб ўлдинг.

Фекла – Билмасам, деворини мен урибманми. Бир қатор ғиш уриш керак бўлгандир-да.

Қуймоқов – Гаравга ҳам қўйилган экан! Падарингга ланъат, мўлтони! (Ер тепинади)

Фекла – Ҳа, тагин сўкадиям. Бошқа одам бўлса, шунча ҳаракат қилганимга баракалла дер эди.

Анучкин – Фекла Ивановна, менга ҳам қиз французча билади деган эдингиз?

Фекла – Билади, отагинам, ҳаммасини билади, немисчани ҳам, бошқасини ҳам, бу билмайдигани йўқ.

Анучкин – Йўғ-е, нукул русчадан бўлагини билмайдиганга ўхшайди.

Фекла – Ёмонми? Русча жўнроқ, шунинг учун русча гапиради. Чулчутча гапирса нима қилар эдинг, ўзингга қийин бўлар эди, анграйиб ўтирар эдинг. Русчани наҳ урма, машҳур тил – ҳамма азиз авлиёлар ҳам русча гапиришган.

Қуймоқов – Қани, бери кел, лаънати, бери кел!

Фекла – (Эшик томон тистарилиб) Бормайман, биламан се-нинг хулқингни: қайта беҳудага одамни урасан.

Қуймоқов – Аммо билиб қўй: осонликча қўймайман. Бир

полицияга судрайки, билиб қўйгин, софдил оламларни алдаш қандақа эканини. Кўрарсан ҳали. Топкан қизингни айт, аблаҳ экан! Албатта айт! (Кетади)

Фекла – Ҳа, уни қаранглар-у! Жаҳлини кўринг. Савлатим бор деб, энди ҳеч кимни ўзига тенг кўрмайди. Ўзинг аблаҳсан – мана!

Анучкин – Мени мунчалик алдарсиз деб ўйламаган эдим, азизим. Қизнинг бундақа нодонлигини билсам, мен... қадам босмас эдим бу даргоҳга. Шундоқ! (Кетади)

Фекла – Эшакмия ебсизлар, ё мастсизлар. Об-бо, ғалчани иззат қилсанг, чориғи билан тўрга чиқади.

Еттинчи кўриниш

Фекла, Кочкарёв, Жевакин

Кочкарёв – (Феклага қараб, уни қўли билан кўрсатиб қотиб-қотиб кулади)

Фекла – (аччиғи келиб) Нима мунча хирқиллайсан?

Кочкарёв – (Кулишда давом этади)

Фекла – Қотиб ўл-а.

Кочкарёв – Совчи! Совчини қаранг! Уйлантиришга уста, ишнинг кўзини билади! (Кулишда давом этади)

Фекла – Хирқиллашини қаранг! Онанг жинни бўлиб тукқан экан сени! (Аччиғи келиб чиқиб кетади)

Саккизинчи кўриниш

Кочкарёв билан Жевакин

Кочкарёв – (кула-кула) Ўҳ, дармоним қуриди, мажолим қолмади. Ўҳ, ўламан! (Кулаберади)

Жевакин – Хушчақчақ экансиз, менга маъқул. Бизда капитан Болдирев эскадрасида Петухов деган бир офицер бор эди – Антон Иванович – у ҳам шундақа хушчақчақ одам эди. Шундай бармоғингизни кўрсатсангиз бас – кулаверар эди, Худо ҳақи, кечкача кулар эди. Унга қараб кулгинг қистайди киши, куласан, қотиб-қотиб куласан.

Кочкарёв – (нафасини ростлаб) Астағфирулло, ўзинг кечир Худойим. Нима қилиб юрипти денг бу ахмақ хотун! Унга уйлан-

тиришни ким қўйибти? Унга ким қўйибти? Мана, мен уйлантирсам, уйлантираман.

Жевакин – Ростми? Ҳазил эмасми?

Кочкарёв – Уйлантирганимда қандоқ денг! Ҳар кимга ҳар қандақа хотунни олиб бера оламан.

Жевакин – Бундай бўлса, менга шу қизни олиб беринг.

Кочкарёв – Сизга? Сиз хотун олиб нима қиласиз?

Жевакин – Нима қилар эдим? Ғалати гапни гапирасиз-а! Хотунни нимага олади киши, ахир...

Кочкарёв – Эшитдингиз-ку, бу қизнинг сира ҳам бисоти йўқ.

Жевакин – Йўқ бўлса, йўқ-да, йўқни йўндириб бўлмайди. Бу яхши эмас, албатта, аммо шундай нозанин, шундай хушфеъл қизни бисоти бўлмаса ҳам олса бўлаверади. Кичикроқ бир уй (Қўли билан тахминий кўрсатади) мана бундайгина меҳмонхона, кичкина бир ширмача, ё бўлмаса, пардага ўхшаган бир нарса...

Кочкарёв – Нимаси ёқади сизга шунинг?

Жевакин – Ростини айтсам, семизгина экан, шуниси ёқди. Хотуннинг семизига жуда изқибозман-да.

Кочкарёв – (унга кўзининг қири билан қарайди ва четга қараб) Бунга олифтагарчиликни ким қўйибди энди, ўзи шафтоли қоқиға ўхшайди. (Баралла) Йўқ, сизга уйланишнинг сира кераги йўқ.

Жевакин – Нучук?

Кочкарёв – Шундай. Ўзора гап-ку, афт-башарангизни қаранг; оёғингиз хўрознинг оёғига ўхшайди.

Жевакин – Хўрознинг?

Кочкарёв – Албатта. Афтингизни қаранг!

Жевакин – Яъни, қандай бу, хўрознинг оёғига ўхшайди?

Кочкарёв – Шундай, хўрознинг оёғига ўхшайди-да.

Жевакин – Бу гапингиздан шахсиятга тегиш ҳиди келади-ганга ўхшаб қолди...

Кочкарёв – Мен сизни тушунадиган одам деб гапираётиман, бошқа одам бўлса, оғзимни очмас эдим. Мен сизни уйлантириб қўяман, аммо бошқа қиз топиб бераман.

Жевакин – Йўқ, мен сиздан сўрайман, бошқасини қўйинг. Бир яхшилик қилиб, шуни олиб беринг.

Кочкарёв – Хўп, олиб берай, аммо шарт бор: сиз сира аралашмайсиз, кўзига ҳам кўринмайсиз – ҳамма ишни ўзим қиламан.

Жевакин – Қандақасига аралашмайман? Ҳеч бўлмаса, кўзига кўринишим керак бўлади.

Кочкарёв – Ҳеч кераги йўқ. Уйингизга бориб, кўз тикиб ўтиринг, шу бугун кечкурун ишни пишираман.

Жевакин – (қўлини бир-бирига ишқаб) Кўп яхши бўлар эди-да. Тавсифнома, қилган хизматларимнинг рўйхати керак бўлмайдими? Балким, қизнинг кўргиси келар. Мен ҳозир бориб олиб келаман.

Кочкарёв – Ҳеч нарса керак эмас, уйингизга бораверинг: шу бугуннинг ўзида хабарини бераман. (Уни кузатиб қўяди) Ишқилиб, иш ўнгидан келсин-да! Нима бўлди бу? Нега Подколёсин келмаётпти? Ажаб! Ҳали ҳам батинкасининг тугмасини солиб бўлмадимикан? Олиб келиш керак.

Тўққизинчи кўриниш

Кочкарёв ва Агафья Тихоновна

Агафья – (у ёқ-бу ёққа қараб) Кетишдими? Ҳеч ким йўқми? Кочкарёв – Кетишди, кетишди, ҳеч ким йўқ.

Агафья – Вой, титраганимни кўрсангиз! Ҳеч бундақа бўлганим йўқ эди. Қуймоқовнинг важоҳатини қаранг-а, хотунга жуда золим бўлса керак-да. Назаримда худди ҳозир қайтиб келадиганга ўхшайди.

Кочкарёв – Йў-қ, ҳеч қайтиб келмайди, икковидан биронтаси қайтиб келса, ҳар нарса денг.

Агафья – Учинчиси-чи?

Кочкарёв – Қайси учинчиси?

Жевакин – (Эшикдан бошини тикиб) Бу нозанин менинг тўғримда нима дейишини қулоғим билан эшитай... Пари-пайкар.

Агафья – Балтазар Балтазарович-чи?

Жевакин – Ҳа, ана, ҳа, ана! (Қўлини бир-бирига ишқайди).

Кочкарёв – Э, турқи курсин! Кимни айтаётибсиз дебман-а! Бу одам аҳмақнинг учига чиққани-ку!

Жевакин – Бу нима деган гап? Тушунолмадим мен бу гапга.

Агафья – Афтидан, яхши кишига ўхшаган эди.

Кочкарёв – Пияниста.

Жевакин – Азбаройи Худо, тушунолмадим.

Агафья – Пиянистаямми ҳали?

Кочкарёв – Ҳаммага маълум аблаҳ!

Жевакин – (барала) Йўқ, рухсат этинг, мен сизга бундай денг

демаган эдим. Менинг нафимга гапирсангиз махтасангиз бўлак гап эди; бу хилда, бундақа гапларни бўлак одамнинг шаънига айтинг, мен бундақа одам эмасман.

Кочкарёв – (четга қараб) Қайси гўрдан, нимага қайтиб келди бу? (Агафьяга секин) Қаранг, қаранг гандираклаётибти. Ҳар куни аҳвол шу. Ҳайдаворинг, иккинчи қадам босмасин (Четга қараб) Подколёсин ҳали ҳам келмади-я. Қаранг бу песни, адабини бераман! (Кетади)

Ўнинчи кўриниш

Агафья Тихоновна билан Жевакин

Жевакин – (четга қараб) Махтаيمان деб, ўлгудай сўкди. Галати одам экан бу! (Барала) Хоним афанди, сиз ишонманг...

Агафья – Кечирасиз, тобим қочаётибди... бошим оғрияпти... (Кетмакчи бўлади)

Жевакин – Балки, менинг бирон нарсам ёқмагандир. (Бошини кўрсатиб) Жиндай тепакаллимга парво қилманг, буни зиёни йўқ, безгақдан бўлган, дарров соч чиқади.

Агафья – Менга барибир, бошингиз билан ишим йўқ.

Жевакин – Қора фрак кийсам, хоним афанди, рангим киради.

Агафья – Ўзингизга яхши. Хайр! (Кетади)

Ўн биринчи кўриниш

Жевакин (Ўзи якка. Унинг кетидан гапириб қолади) Хоним афанди, сабабини айтинг, ахир, нега? Нега? Ё бирон камчилигим борми?... Кетди-қолди. Ажабо! Ўн етти марта шу ишга уриниб кўрдим, ҳаммаси ҳам шу хилда бўлди, энди иш бўлай деганда айнийди. (Ўйланиб нари-бери юради). Бу ўн еттинчиси! Нима дейди энди бу? Нима десам экан, ё масалан... нучук... (Ўйлаб.) Ёмон, жуда ёмон! Бир балоси чиқмаса гўрга эди. (Уёқ-буёққа қарайди.) Бундай деб бўлмас: Худога шукр, афт-башарам туп-па-тузук. Уйга бориб сандиқни бир титиб кўрсаммикин? Кўп яхши шеърларим бор эди... Азбаройи Худо, ақл етмайди. Иш ўнгидан келганга ўхшаган эди... Бу ниятдан қайтиш керакка ўхшаб қолди, аттанг, ҳай аттанг! (Кетади)

Ўн иккинчи кўриниш

Подколёсин билан Кочкарёв.
(Кириб иккови ҳам орқага қарайди)

Кочкарёв – Бизни кўрмади. Кўрдингми, қовоғини солиб чиқиб кетди?

Подколёсин – Бошқаларига ўхшаб унга ҳам йўқ дейдим-а?

Кочкарёв – Узул-кесил.

Подколёсин – (керилиб кулади) Йўқ деса, жуда хижолат бўлар киши.

Кочкарёв – Бўлмаса-чи.

Подколёсин – Мени бошқалардан ортиқ кўришини баралла айтканига ҳали ҳам ишонмайман.

Кочкарёв – Ортиқ кўрганда қандоқ дегин. Сени деб эс-ҳушини йўқотган. Муҳаббат экан-да: нималар демади сени, юраклари эзилиб кетди сени деб.

Подколёсин – (керилиб илжаяди) Ростдан ҳам хотун киши демаганинг, агар ийиб кетса нималар демайди. Тутулмаган гапларни топади: Бўталоғим, кўзичоғим, сўлқулдоғим...

Кочкарёв – Ҳали булар ҳам гап эканми! Уйланганингдан кейин кўрасан, икки ойгача ҳар гаплар эшитасанки, эриб кетасан, биродар, эриб.

Подколёсин – Ростданми?

Кочкарёв – Шундай ҳам яхши хотунки, менга қара, энди тезроқ иш бошлайлик. Арз-ҳол қил, ҳозирнинг ўзида дардингни айт, дарров қўлини ўп.

Подколёсин – Қандақасига? Ҳозирнинг ўзида-я? Қўйсанг-чи!

Кочкарёв – Ҳозирнинг ўзида... Мана ўзи ҳам келиб қолди.

Ўн учинчи кўриниш

Ҳалигилар ҳам Агафья Тихоновна

Кочкарёв – Бир бандаи Худони олиб келдим, хоним афанди, кўриб турибсиз. Бундақа ошиқ дунёга келган эмас, Худо кўрсатмасин, бундай муҳаббатни душманамга ҳам раво кўрмайман...

Подколёсин – (уни секин туртиб) Ҳой, биродар, сен жуда олиб қочаётибсан-ку!

Кочкарёв – (унга) Зарари йўқ, майли! (Хотунга) Тортинчоқлик

қилманг, бу жуда оғир одам. Очиқроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Қошингизни учиринг, ё бехосдан кўзига бир тикилинг, бу аблаҳга бир нарса қилиб елкангизни тутинг – кўрсин! Чакки енги калта кўйлак киймабсиз; бир ҳисобда шу ҳам яхши. (Барала) Хўп, мана иковларинг энди ёзилишиб ўлтуринглар. Мен чиқиб ошхона-пошхонадан хабар олай, одамларни ишга солиш керак. Ҳозир ошпаз келади, овқат буюрай, вино ҳам олиб келингандир... яхши қолинглар... (Подколёсинга). Дадил бўл, тортинма! (Кетади)

Ўн тўртинчи кўриниш

Подколёсин билан Агафья Тихоновна

Агафья – Марҳамат қилинг, ўтиринг. (Ўтиришади, жимлик)

Подколёсин – Хоним афанди, қайиққа ҳушингиз қалай?

Агафья – Қандақа қайиқ?

Подколёсин – Ёз кунлари дачада қайиққа тушиб айланиш жуда кишининг баҳрини очади.

Агафья – Ҳа, баъзида ўртоқларим билан қайиққа тушиб тураман.

Подколёсин – Бу йил ёз қандақа келар экан, билиб бўлмайд.

Агафья – Яхши келгани тузук-да. (Жимлик)

Подколёсин – Хоним афанди, сиз кўпроқ қандақа гулни яхши кўрасиз?

Агафья – Сер исини – чиннигулни.

Подколёсин – Хонимларга гул жуда ярашади.

Агафья – Ҳа, яхши эрмак. (Жимлик) Ўткан якшанба кун қайси бутхонага борган эдингиз?

Подколёсин – Вознесенскийдагига, ундан илгариги ҳафта Қозон жомесига борган эдим. Ибодат хусусида бутхонадан бутхонанинг фарқи йўқ. Буниси яхшироқ ясатилган, холос (Подколёсин столни бармоғи билан ноғора қилиб чалади) Ҳадемай Екатеринбург сайли бўлади.

Агафья – Ҳа, бир ой қолди, шекилли?

Подколёсин – Бир ой ҳам қолгани йўқ.

Агафья – Сайл жуда яхши бўлса керак?

Подколёсин – Бугун саккизинчи. (Бармоғи билан санайди) Тўққузинчи, ўнинчи, ўн биринчи.. йигирма икки кун қолибди.

Агафья – Қаранг-а, ҳадемай бўлар экан.

Подколёсин – Мен бу кунни ҳисоблаганим йўқ. (Жимлик)

Рус халқи хўп дадил-да.

Агафья – Нега?

Подколёсин – Шувоқчиларни айтинг. Шундай баланд ерга чиқишибти.. Мен шу иморатнинг ёнидан ўтиб кетдим, шувоқчи шундай баланд ерга чиқиб шуваяптики, ҳеч писанд қилмайди.

Агафья – Тўғри, бу қаерда?

Подколёсин – Мана бу ерда, ҳар куни мен департаментга ўтадиган кўчада. Мен ҳар куни эрта билан хизматга бораман-да. (Жимлик). Подколёсин яна столни чалади. Охири шляпасини олиб хайрлашади)

Агафья – Ҳа, кетасизми?

Подколёсин – Ҳа, кечирасиз, сизни зериктириб қўйгандирман.

Агафья – Йў-қ, Нега! Аксинча, яхши суҳбатингиз учун раҳмат дейишим керак.

Подколёсин – (Илжайиб) Назаримда сизни зериктириб қўйганга ўхшайман.

Агафья – Вой, йўғ-е!

Подколёсин – Бундай бўлса рухсат этинг, бошқа бирон куни ҳам кечқурунлари келиб...

Агафья – Кўп яхши бўлади. (Хайрлашадилар. Подколёсин кетади.)

Ўн бешинчи кўриниш

Агафья Тихоновна (Ўзи якка)

Агафья – Хўп одам экан-да. Энди билдим мен буни – кўнгил қўймай чора йўқ: ҳам одми, ҳам ақли. Боя ўртоғи тўғри айткан экан: ҳайфки, дарров кетиб қолди, гапиришиб ўтирар эдим. Гапиришсанг, баҳринг очилади-я! Ҳаммадан шуниси яхшики, беҳуда гаплар гапирмайди! Мен ҳам унга икки оғиз яхши гапдан гапирай дедим-у, ботинаолмадим, юрагим арзиқиб кетди... Хўп одам экан-да! Бориб холамга айтай (Кетади.)

Ўн олтинчи кўриниш

Подколёсин билан Кочкарёв киришади

Кочкарёв – Нима қиласан уйингда? Бемаъни гап! Нима бор уйингда?

Подколёсин – Бу ерда нима қиламан? Нима гап керак бўлса, ҳаммасини айтиб бўлдим.

Кочкарёв – Демак, дардингни айтдинг!

Подколёсин – Йўқ, ҳали унчалик эмас, дардимни айтканимча йўқ.

Кочкарёв – Ана холос! Нега айтмадинг?

Подколёсин – Ҳа, нима қилгин дейсан, орада ҳеч гап ўтмасдан, томдан тараша тушгандай қилиб: «Хоним афанди, келинг мен сизни олай», – деяйми?

Кочкарёв – Ярим соат нимани гаплашдиларинг бўлмаса?

Подколёсин – Кўп гапларни гапиришдик, жуда жойида бўлди, хўп ҳузур қилдим.

Кочкарёв – Менга қара, ўзинг ўйла, ахир, қачон бўлади бу ишлар? Бир соатдан кейин бутхонага бориб хутба ўқитиш керак.

Подколёсин – Қўйсанг-чи, жинни бўлдингми? Бугун никоҳ эмиш...

Кочкарёв – Бўлмаса-чи?

Подколёсин – Бугун никоҳ?

Кочкарёв – Ахир, ўзинг сўз бердинг-ку, бошқа жазманлар жўнатилган ҳамоно ўйланаман деддинг-ку?

Подколёсин – Ҳозир ҳам сўзимдан қайтмайман, аммо ҳозирнинг ўзида эмас, ҳеч бўлмаса бирон ой пайсалга солиш керак.

Кочкарёв – Бир ой!

Подколёсин – Ҳа, албатта.

Кочкарёв – Жинни бўлдингми, нима бало?

Подколёсин – Бир ойдан ками – кам.

Кочкарёв – Ахир, мен ошпазга овқат буюрдим, анқов! Менга қара, Иван Кузмич, қайсарлик қилма, азизим, уйланиб қўяқол.

Подколёсин – Нима деяпсан, ахир, биродар. Қандақа қилиб ҳозир уйланаман?

Кочкарёв – Иван Кузмич! Мен сендан сўрадим. Ўзинг учун бўлмаса ҳам, мен учун уйлан!

Подколёсин – Йўқ, тўғри келмайди.

Кочкарёв – Тўғри келади, азизим, тўғри келмайдиган иш йўқ дунёда! Кел энди, инжиқлик қилма, азизим!

Подколёсин – Йў-ге, йўқ! Ўнғайсиз, жуда ўйғайсиз.

Кочкарёв – Нимаси ўнғайсиз? Ким айтди? Ўзинг ўйлаб кўр, ахир туппа-тузук ақли одамсан. Мен буни сенга хушомадгўйлик қилиш, ё сенинг экспедитор бўлганинг важдан айтаётганим

йўқ, сени яхши кўрганим туфайлидан айтаётибман... Қани, бўлди энди, азизим. Хўп дегин, бу ишга эси бор одамнинг кўзи билан қара.

Подколёсин – Бўладиган бўлса ҳам бунчалик...

Кочкарёв – Иван Кузмич! Мехрибоним! Нима қилай, тиз чўкайми?

Подколёсин – Нега энди?

Кочкарёв – (тиз чўкади.) Мана тиз ҳам чўқдим. Инсоф қил, сендан сўрадим. Бу хизматинг умрбод эсимдан чиқмайди, қайсарлик қилма, азизим.

Подколёсин – Тўғри келмайди-да, биродар, тўғри келмайди.

Кочкарёв – (туриб, юрагидан чиқариб) Чўчқа!

Подколёсин – Ўзингни сўқ.

Кочкарёв – Аҳмақ одам. Бундақа одам дунёга келган эмас.

Подколёсин – Сўқ, сўқ.

Кочкарёв – Мен кимни деб жон куйдирдим? Нима деб жонимни ҳалак қилдим? Сен аҳмақнинг нафини деб! Менга нима эди? Ҳозир ташлайман, кетаман. Менга нима?

Подколёсин – Ким сенга шунинг кетидан югур деди? Ташласанг, ташлаб кетавер.

Кочкарёв – Ўзинг расво бўласан, мен бўлмасам, ўзинг ҳеч нарсани уддасидан чиқолмайсан. Уйлантириб қўймаса, аҳмақлигингча дунёдан ўтиб кетасан!

Подколёсин – Сенга нима?

Кочкарёв – Сенинг ғамингни ейман, холос, каллаварам!

Подколёсин – Менинг ғамимни емай қўяқол, кераги йўқ.

Кочкарёв – Бор, йўқол бўлмаса!

Подколёсин – Кетавераман.

Кочкарёв – Бўлганинг шу сенинг! Йўқол!

Подколёсин – Йўқолсам, йўқолавераман!

Кочкарёв – Кет, кет! Илоҳим тўрт қадам босмай оёғинг синсин! Жон дилим билан айтаман, илоҳим маст извошчи бўғузингдан босиб ўтсин! Амалдор эмас, латтасан! Азбаройи Худо, сен билан ошначиликни йиғиштирдим, минбаъд кўзимга кўринма!

Подколёсин – Кўрунмайман ҳам. (Кетади)

Кочкарёв – Шайтонга сиғин! Эски ошнанг! (Эшикни очиб унинг кетидан қичқиради) Аҳмақ!

Ўн еттинчи кўриниш

Кочкарёв (ўзи якка газабланиб, нари бери юради)

Кочкарёв – Шундақа одам ҳеч дунёга келганмикин. Шундай аҳмақ! Тўғриси айтканда, ўзим ҳам чакки эмас. Мана сизлар айтинглар, тентак эмасмиман, жинни эмасмиман? Нега мунча жонимни ҳалак қиламан, бўғиламан? Томоқларим қуруқшаб кетди. Нима менга бу? Қариндошимми? Ё мен унинг аммасими, холасими, ё совчими мен унга? Нима жин уриб, нима учун унга мен ҳаракат қиламан, тинчимайман, падарига ланъат. Ўзим ҳам билмайман нимага эканини! Нега бунча оворагарчилик, деб сўрайдиган одам йўқ. Бу қандақа махлуқ! Афтинг қурсин! Бурнингга, қулоқларингга, тишингга – рўпара келган ерингга чертсин биров сен ҳайвоннинг! (Жаҳл билан бир неча марта ҳавони чертади). Ҳаммадан ҳам алам қиладиган ери: чиқди-кетди – парвойи палак, ўзига ҳеч нарса юқтирмайди – шуниси алам қилади. Уйига бориб баҳузур ағанаб, трубкасини чекиб ётқандир. Бунингдай бадҳазм одам бўладими? Одамнинг бадҳазми бўлади-ю, аммо бундақасини топиб бўлмайди; бундай бадҳазм одам китобда ҳам йўқ, азбаройи Худо, китобда ҳам йўқ. Қўймайман бу такасалтангни, бориб олиб келаман, жўртага қўймайман. Қочиб қутулолмайди, олиб келаман песни! (Кетади)

Ўн саккизинчи кўриниш

Агафья – (киради)

Юрагим шундай ураяптики, ҳеч айтадиган эмас. Қаёққа қарасам, худди Иван Кузмич тургандай. Пешонамга биткани бўлиши – ҳаққас рост. Боя бошқа нарса билан овунай деб шунча уриндим – калава ўрадим, ҳамён тикдим сира бўлмади, хаёлимда Иван Кузмич қўлимни ўпаётгандай бўлаверди. (Ўйлаб туриб) Шундай қилиб, мана ишлар энди бошқача бўладиган бўлди! Бутхонага олиб боришади... кейин эркак кишига қўшиб қўйишади. Уф! Вужудимга титроқ киради. Хайр энди, қизлик чоғларим. (Йиғи). Шунча йилим тинч, беташвиш ўтди... Юриб-юриб мана энди эрга тегаман... Қанча ташвиш: бола, жанжалкаш ўғиллар, ундан кейин қизлар бўлар, ўсар – буларни эрга бериш ғами. Яхши кишига тегса, гўрга-я, эри пияниста ё бор-йўғини қартага тикади-

ган одам бўлса! (Яна аста-секин йиғи) Қизлигимнинг даврини ҳам суролмадим. Қиз бўлиб йигирма етти йил ҳам юрмадим... (Товшида ўзгариш) Нима бўлди, Иван Кузмич мунча ҳаяллади?

Ўн тўққизинчи кўриниш

Агафья Тихоновна билан Подколёсин.
(Уни икки қўллаб саҳнага итариб киргизади)

Подколёсин – (дудуқланиб) Мен сизнинг олдингизга, хоним афанди, бир ишни арз қилгани келдим... Сизга ғалати туюлмасмикин, шуни олдин билсам.

Агафья – (ерга қараб) Нима экан?

Подколёсин – Йўқ, хоним афанди, олдин айтинг, ғалати туюлмайдимми?

Агафья – (ҳалигидай) Нима эканини билмасам.

Подколёсин – Ростини айтинг: айтсам, ғалати туюлмайдимми?

Агафья – Нега ғалати туюлар экан. Сизнинг ҳамма гапларингиз хуш ёқади.

Подколёсин – Сиз бу гапни умрингизда эшиткан эмассиз. (Агафья яна ҳам ерга қарайди. Шу вақтда секин Кочкарёв кириб, Подколёсиннинг орқасида туради) Бу гап шундан иборатки... Кейинчалик, бошқа вақтда айтарман.

Агафья – Нима экан у?

Подколёсин – Бу... – Айтмоқчи эдим-у, ростини айтсам, гумоним бор.

Кочкарёв – (Ўзича, қўлини қовуштириб) Субҳонолло, бу қандай одам ўзи! Одам эмас бу, латта, одамнинг шаънига иснод келтиради, бу одамгарчиликка ҳақорат келтирадиган жонвор.

Агафья – Нимадан гумонингиз бор?

Подколёсин – Ҳар қалай гумонсирайман.

Кочкарёв – (барала) Бу қадар бемаънилик, қандай беъманилик. Биласизми, хоним афанди, сизнинг розилигингизни олмоқчи, сизсиз турулмаслигини, яшай олмаслигини арз қилмоқчи. «Мени бахтиёр қилгани унайсизми?» – деб сўрамоқчи.

Подколёсин – (қўрқиб деярлик уни туртади, шошиб) Ҳой, қўйсанг-чи!

Кочкарёв – Хўш, нима дейсиз, хоним афанди, бир бандаи Худони бахтиёр қилишга рози бўласизми?

Агафья – Мен бировни бахтиёр қиламан дегани ҳаддим йўқ... аммо майли, кўнаман.

Кочкарёв – Бинойи, бинойи, аллақачон шундай қилиш керак эди. Қўлларингни беринглар!

Подколёсин – Ҳозир. (Унинг қулоғига бир нима демакчи бўлади. Кочкарёв унга муштини кўрсатади, қошини чимиради, у қўлини беради)

Кочкарёв – (қўлларини ушлаштириб) Хўш, қўша қаринглар! Қўшилишларингга розиман, қутлайман. Никоҳ шундай ишки... Бу извошга тушиб бир ёққа бориш эмас: бу тамом бошқача вазифа, бу вазифа... Ҳозир фурсатим йўқ, бу қандай вазифа эканини кейин айтиб бераман. Қани, Иван Кузмич, ўп қаллиғингни. Энди ўпишинг мумкин, энди ўпишинг зарур. (Агафья ерга қарайди) Зарари йўқ, зарари йўқ, хоним афанди, расми шундақа бўлади: ўпсин!

Подколёсин – Йўқ, хоним афанди, рухсат этинг. (Ўпади ва қўлидан ушлайди) Шундай чиройлик қўл. Нега қўлингиз мунча чиройлик, хоним афанди... Рухсат этинг, хоним афанди, ҳозир хутба ўқитамиз, шу тобда.

Агафья – Қандақасига ҳозир? Мунча қистов?

Подколёсин – Ҳеч қандай гап қулоғимга кирмайди. Жуда қистов, ҳозирнинг ўзида хутба ўқитамиз.

Кочкарёв – Офарин! Офарин, одамохун! Тўғриси айтсам, ҳамма вақт сендан кўп ишлар чиқади, деб юрар эдим. Хоним афанди, қани энди, тезроқ кийининг? Ростини айтсам, аравага одам юборганман, меҳмонларга айтиб қўйганман, ҳаммаси тўғри черковга боришади. Қўйлагингиз тайёр-ку, биламан.

Агафья – Ҳа, аллақачон тайёр бўлган. Мен ҳозир кийинаман.

Йигирманчи кўриниш

Кочкарёв билан Подколёсин

Подколёсин – Баракалло, биродарим. Мен сенинг хизматларингни энди кўраётибман. Сен қилган яхшилиқни менга отам ҳам қилмас эди. Энди билсам, дўстлик туфайли ҳаракат қилган экансан. Баракалла, биродар, бу хизматингни ўлгунимча унутмайман. (Таъсирланиб) Келаси баҳорга албатта бориб отангинг қабрига шаъм ёқаман.

Кочкарёв – Яхши, биродар, ўзим ҳам хурсандман. Қани, кел бир ўпай. (Икки бетидан ўпади) Худо икковингга тансиҳатлик, хотиржамлик берсин, кам-кўстлик кўрсатмасин, бир тўда болачақа кўринглар...

Подколёсин – Қуллуқ, биродар. Дунёнинг нима эканини мана энди билдим: менинг учун энди буткул бир янги олам пайдо бўлди. Мана энди кўраётибманки, ҳамма жонивор қимирлайди, тирикчилик қилади, сезади, мана бу хилда парга айланади. Нечуқдир, мана бу хилда. Ўзинг ҳам билолмайсан киши, илгари ҳеч нарсани кўрмас эдим, тушунмас эдим, яъни оламдан беҳабар эдим, фикр ҳам қилмас эдим, мулоҳаза ҳам қилмас эдим, бошқа кишиларга ўхшаб юраверар эдим.

Кочкарёв – Хурсандман, жуда ҳам хурсандман. Мен чиқиб кўрай-чи, столларни қандақа ясатишди экан, дарров кираман. (Четга қараб) Ҳар бало бўлса ҳам, шляпасини яшириб қўяй (Шляпани олиб чиқиб кетади)

Йигирма биринчи кўриниш

Подколёсин – (ўзи якка)

Ростдан ҳам шу вақтгача нима деган одам эдим? Дунёнинг маъносини билармидим? Билмас эдим, ҳеч балони билмас эдим. Буйдоқликда ўткан умрим қандай эди? Нимани билар эдим, нима қилар эдим? Тирикчилик, хизмат, департаментга борар эдим, овқат ер эдим, ухлар эдим, қисқаси, оламда энг беҳуда, энг оддий одам эдим. Уйланмаган одамларнинг аҳмоқлигини энди кўрасан киши, бир ўйлаб қарасанг, қанча киши мана шу хилда кўр бўлиб ўтирибди. Агар мен пошшо бўлсам, ҳамма уйлансин деб фармон чиқарар эдим, ҳамма уйлансин, токи мамлакатимда биронта ҳам бўйдоқ қолмасин. Қара-я, бир неча минутдан кейин хотунлик бўласан, бирданига афсоналардагидай бир роҳатга эришасан, бу шундай роҳатки, таъриф қилиб бўлмайди, таърифни қилгани сўз тополмайсан. (Бироз жим қолиб.) Аммо, ҳар нарса бўлганда ҳам, шу тўғрида яхшироқ ўйласанг, юрагинг орқангга уриб кетади. Қандоқ бўлмасин умрбод, то ўлгунимча деб қўшиласан киши, кейин ҳеч қандақа гап сиғмайди, пушаймон суд қилмайди. Ҳеч – ҳеч – тамом-вассалом. Ҳатто мана ҳозирнинг ўзида ҳам қайтишнинг иложи йўқ, бир пасдан кейин никоҳ; кетиб ҳам бўлмайди, эшикнинг тагида арава ҳам тайёр, ҳамма ёқ тахт. Ростдан ҳам кетиб бўлмайдимиз? Албатта, табиий, кетиб бўлмайди, эшикнинг тагида ҳамма ёқда одам турибди. Қаёққа деб сўрашса. Йўқ, бўлмайди. Дераза очиқ-ку. Деразадан чиқиб кетсам-чи? Йўқ, бўлмайди, қандай бўлади, одобдан ҳам

эмас, баланд ҳам. (Дераза ёнига келади.) Аммо унча баланд эмас, пойдевор, холос, у ҳам пасттаккина экан. Йўғ-е, шляпам ҳам йўқ. Шляпасиз-а? Ўнғайсиз! Шляпасиз иложи йўқмикин? Бир кўрсам, қалай бўлар экан-а? Бир кўрсаммикин? (Деразага чиқади ва «Ё Худойим, ўз паноҳингда сақла» деб ўзини кўчага ташлайди; инграйди, войвойлайди.) Вой, баланд экан, извош!

Извошчининг товши – Борайми?

Подколёсин товши – Ҳа, Канавкага. Семёнов кўпруги.

Извош товши – Биттанга берасиз.

Подколёсин товши – Бўпти юр. (Жўнаган извош товши.)

Йигирма иккинчи кўриниш

Агафья Тихоновна никоҳ кўйлагини кийган ҳолда киради.
Тортингансимон бошини қуйи солиб.

Агафья – Нима бўлди менга, ўзим ҳам билмайман! Яна уялиб кетаётибман, аъзойи баданим титрайди. Вой! Бир пасгина уйда бўлмаса, бир нарса бўлиб ташқарига чиққан бўлса эди. (Кўрқиб у ёқ-бу ёққа қарайди.) Қаёққа кетибди? Ҳечким йўқ. Қани, қаёққа кетди экан? (Меҳмонхонанинг эшигини очиб) Фекла, Иван Кузмич қаёққа кетди?

Фекла товуши – Ўша ерда.

Агафья – Қани бу ерда?

Фекла – (кириб) Шу ерда ўтириб эди-ку!

Агафья – Кўриб турибсан-ку, йўқ.

Фекла – Уйдан чиққани ҳам йўқ, ахир, мен йўлақда ўтириб эдим.

Агафья – Қани бўлмаса?

Фекла – Билмасам, бошқа эшиқдан, орқа томондан чиқиб кетдимикин? Ё Арина Пантолеймоновнанинг уйидамикин?

Агафья – Хола! Хола!

Йигирма учинчи кўриниш

Ҳалигилар ва Арина

Арина – (ечинган) Нима гап?

Агафья – Иван Кузмич сизникидами?

Арина – Йўқ, шу ерда эди-ку, менинг уйимга киргани йўқ.
 Фекла – Йўлакка ҳам чиққани йўқ.
 Агафья – Кўряпсизларми, мана бу ерда ҳам йўқ.

Йигирма тўртинчи кўриниш

Ҳалигилар ва Кочкарёв

Кочкарёв – Нима гап?

Агафья – Иван Кузмич йўқ.

Кочкарёв – Қандақа йўқ, кетибдими?

Агафья – Кеткани ҳам йўқ.

Кочкарёв – Бу қанақаси? Йўқ ҳам, кетмаган ҳам.

Фекла – Қаёққа йўқолади, ақлим етмайди. Йўлакда ўтирибман, бир қадам жилганим йўқ.

Арина – Орқа эшиқдан чиқиб кетишнинг сира иложи йўқ.

Кочкарёв – Бу қандоқ бўлди, байталмон. Уйдан чиқмасдан қанақасига йўқолади? Яширинмадимикан? Иван Кузмич! Қаердасан? Тентаклик қилма, бас, чиқ тезроқ. Бу қандақа ҳазил. Черковга бориш керак! (Жавоннинг орқасига қарайди, ҳатто кўз қирини стулларнинг остига ҳам ташлайди). Бемазагарчилик! Йўқ, у кетолмайди, ҳеч қанақасига кетолмайди, у шу ерда, нариги уйда шляпаси ҳам турипти, жўртага ўша ерга олиб қўйган эдим.

Арина – Ана у қиздан сўрамаймизми, боядан бери шу ерда турган эди... Дуняшка! Дуняшка!..

Йигирма бешинчи кўриниш

Ҳалигилар ва Дуняшка

Арина – Иван Кузмич қани, кўрганинг йўқми?

Дуняшка – У киши деразадан сакраб тушдилар (Агафья кичқириб юборади. Қўллари бир-бирига кириштиради)

Учави бирдан – Деразадан?

Дуняшка – Ҳа, кейин извошга ўтириб кетдилар.

Арина – Ростданми?

Кочкарёв – Ёлғон айтасан, бўлмаган гап.

Дуняшка – Худо урсин агар, деразадан тушдилар! Ана у баққол ҳам кўрди. Ярим тангага извош кира қилиб кетдилар.

Арина – (Кочкаревга яқин келиб) Хўш тақсирим, кунимиз майнабозликка қолдимми? Бизни калака қилмоқчимисизлар? Бизнинг пардамизни йиртиш ўйларилинг борми? Олтмишга кириб, мен бундақа уятга қолган эмасман. Шу қилигингизга афтингизга туфлайман, агар номусли одам бўлсангиз. Аблах экансиз, агар одамшаванда киши бўлсангиз, қизни шармандаю шармсор қилмас эдингиз! Мен мужик бўлсам ҳам бундақа иш қилмайман, тагин дворян эмиш! Сизларнинг дворянликларинг товламачилик, расвогарчилик экан! (Аччиғи келиб келинни олиб чиқиб кетади. Кочкарёв ҳам донг қотиб туриб қолади)

Фекла – Ҳа? Корчаллон киши! Бесовчи тўй қиладиган одам. Мен топкан қуёвлар ҳар бало бўлса ҳам, бундоқ деразадан ташлаб қочадиган эмас, бундақаси йўқ, кечирасиз.

Кочкарёв – Бўлмаган гап, бундай эмас. (Кетади)

Фекла – Тўй-маърака ишини билмайсанми? Эшиқдан чиқиб кетса ҳам гўрга экан, келиб-келиб деразадан ташлаб қочса-я! Саломат бўлинг-е!

(ТАМОМ)

КИТОБДА УЧРАГАН, АНГЛАШИ ҚИЙИН БЎЛГАН СЎЗЛАРГА ЛУҒАТ-ИЗОҲЛАР

Надворный советник

Придворный советник

Титуляр – Гражданлик ишида 5, 6, 7-чи даражадаги амал-мансаблар.

Экзекутор – ижарачи

Фрак – тўй, базмларда илгариги вақтларда киядиган махсус кастюм

Барин – хўжайин

Экспедитор – кичкина бир мансаб

Крепостной – помещчиклар қўлида кул бўлиб ишлайдиган деҳқонлар

Департамент – министрликка қарашли бир маҳкаманинг бир қисми

Сицилия – Ўртаер денгизда бир орол.

Графиня – граф хоними, бой хоними

Коллежский ассессор – 8-нчи даражадаги амал

Дача – ёзги боғча, истироҳат боғи

Пансион – мактаб, катта кишиларнинг болалари ўқийтурган ёпиқ мактаб

Сенат абер – секретар – гражданлик амали, катта чин, мансаб

Эскадра – Бир команда остидаги бир неча пароход

Алгалантерства – Адмиралтейства сўзининг бузилиб айтилиши, ҳарбий флотни идора қиладиган бир муассаса, идора

«УЙЛАНИШ»ГА ИЗОҲ

«Уйланиш» пьесасининг матни Ўзбекистон халқ артисти ва режиссёри Шариф Қаюмовнинг (1905–1973) шахсий архивидан олинди. У режиссиёрлик фаолиятини 1935 йил мана шу пьесани сахналаштиришдан бошлаган эди. Таржима қилинган пьесанинг титул варағига, «Режиссёрлик нусхаси, сахналаштирувчи Ш.Ф.Қаюмов, 1937 йил 11 октябр, таржима 1901 йилдаги 16-нчи босмасидан А.Ф. Маркс нашриёти» деб қайд этилган. Таржимоннинг номи ёзилмаган. Лекин пьеса матни шуниси билан эътиборлики, у лотин алифбосида кўчирилган бўлиб, айрим бетларида таржимон Абдулла Қодирийнинг дастхати билан араб алифбосида ёзиб киритилган сўз ва жумлалар учрайди.

Матбуотнинг 1935 йил сентябр оyi саҳифаларида «Уйланиш» комедияси саҳнага қўйилганлиги ҳақида бир неча мақолалар эълон қилинади. Уларда бу пьесанинг аҳамияти ва ролларни ўйнаган Миршоҳид Оқилов, Тамат Зиёхонова, Мария Кузнецова, Замира Ҳидоятова, Ҳикмат Латипов, Наби Раҳимов, Шукур Бурхоновнинг ижро маҳоратлари бироз таҳлил қилиб ўтилади.

1980 йилларда Наби Раҳимов билан учрашганимда эслаб ўтган эдилар: «Энди Гоголнинг «Ревизор»идан кейин «Уйланиш»ни саҳнага қўяр эканмиз, деган гап чиқиб қолди.¹ Бир куни Шариф ака: «Эртага ҳамма актёрлар йиғилсин, «Уйланиш» комедиясини читка қиламиз, таржимоннинг ўзлари ҳам келар эканлар» дедилар. Эртасига йиғилдик. Шариф ака араб алифбосида ёзилган матнни ўқидилар, ўқиётганда тутилиб қолсалар Абдулла ака ҳам ўқиб ёрдам бериб турдилар. Биз эшитиб ўша вақтнинг ўзидаёқ кула бошлаган эдик. Шу билан бирга қайси образ-ролни ким ўйнаши шу читканинг ўзидаёқ ҳал бўлаётган эди. Асарнинг ўзи рус тилида зўр. Лекин уни Абдулла ака қойил қилиб, оддий ўзбек халқига хос қилиб ўтирган эдилар».

Замира опа Ҳидоятова билан суҳбатимизда эслаб айтган эдилар: «Асар томошабинга яна ҳам яқинроқ бўлиши учун Шариф ака актёрлар ижросига ўзбекларга хос бўлган хатти-ҳара-

¹ Ўша йили «Ревизор» комедияси ҳам Санжар Сиддиқ таржимасида саҳнага қўйилган эди.



катларни ҳам олиб кирган эдилар. Масалан, мен совчи Феклани ўйнадим. У гапдон эмасми, гапириб туриб лабимнинг икки чеккасини икки бармоғим билан шундай, ишқаб – силаб қўяр эдим. Ёки бармоғим билан бошимни қашиб қўяр эдим. Томошабинлар ўзбек хотунларига хос бўлган бу қилиқлардан ҳам кулар эдилар. «Бугун кулисда туриб томошабинлар уч юздан ортиқ катта-кичик, бўғоз-қисир кулганларини санадим» деб Шариф ака айтган эдилар».

АНТОН ПАВЛОВИЧ ЧЕХОВ

(1860–1904)

БУҚАЛАМУН

Янги шинел кийган полис назоратчиси Очумелов гузар майдончаси орқали қўлида тугунчаси билан кетиб боради. Йўлакай мусодара қилинган тўла бир ғалвир қулубнайни кўтарган сап-сарик городской унинг орқасидан таъқиб этади. Теварак жим... майдончада ҳеч ким кўринмайди. Дўкон ва қовоқхоналарнинг эшиклари очиқ, хувуллаб турадилар, бу эшиклар ёнида гадой у ёқда турсин, бир зоғ ҳам кўринмайди.

– Эй, сан ҳали қопадиған ҳам бўлдингми, – деган ҳайқирикни эшитади Очумелов – тут, тут қўйма, биродар! Кишини қопсин деб ким буюрган! Тут, ушла! Ҳа!...

Ит вангиллаши эшитилади. Очумелов бир томонга қарайди. Печогин бойнинг ўтун складидан бир итнинг уч оёқлаб чиқиб келганини, кўркув-аралаш атрофга аланглаганини кўради. Итни чит қўйлак кийиб, желаткасининг тугмалари ечилган бир киши қувлаб келади, охирда бутун гавдаси билан ерга ётиб олиб итнинг орқа оёғидан ушлаб қолади. Ит яна вангиллайди. Аллаким «махкам ушла, қўйма» деб қичқиради. Дўкон эшикларидан мудраган кишилар мўралашадилар. Бир онда ўтун склади ёнида гўё ердан ўсиб чиққандек бир тўда халқ йиғилиб қолади.

– Тартибсизликка асло йўл қўймасман, олий насаб жаноблари, – деб городской Очумеловни тинчитади...

Очумелов бирдан тўхтади, чапга томон ярим айлангандан сўнг тўпланган кишилар устига қараб юради. Ҳалиги склад эшиги ёнида юқорида кўрсатилган тугмаси ечик кишининг бир қўлини юқори кўтариб, қонли бармоғини халққа кўрсатаётганини кўради. Унинг ярим маст сиймосидан «итнинг ўн жонидан бир жонини ҳам қўймайман» деган маъно англашилади. Бундан ташқари унинг қонли бармоғи ҳам ит устидан ғалаба қилишга шаҳодат бериб туради. Очумелов бу кишининг олтин асбоблар

устаси заргар Хрюкин эканлигини таниди. Халқ ўртасида елкаси сарик доғли, тумшуғи ингичка оқ ит – бош айбдор ҳам чўнқайиб ўлтуради. Бутун аъзоси билан титраб, титраб кўрқув ва даҳшат аралаш атрофига назар ташлайди.

– Хўш, бу ерга нима учун йиғилишдингиз, – дейди халқни ёриб ичкарига кирган Очумелов, – хўш, нимага йиғилишдингиз. Сенинг бармоғингга нима қилди... Ҳали ким ҳайқирди-а.

– Беозор ўз ишим билан келаётсам, олий насаб жаноблари, – деди Хрюкин бирмоғига қараб ижирғанған ҳолда, – ўзимнинг Митрий Митрич билан бироз ўтун тўғрисида... ҳа, бир вақт мана шу ўтурган ит ёнимга келди-да, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бирдан бармоғимни узди олди... тилим тегмаса, оғзим тегмаса... мен ўзим ишчи бир одамман... менинг касбим жуда нозик. Энди мен шу мажруҳ бармоғим билан, эҳтимолки, бир ҳафта ишга яролмасман. Бир ҳафталик товон тўламасалар, мен бу итни қўймайман. Олий насаб жаноблари, бундай гап законда йўқдир. Ҳар бир кўринган ит кишини тишлаб кетаберса, бу кундан кўра, ўлиб кетган анча яхшидир.

– Ҳмм!... Яхши... – деди Очумелов жиддий тусда ва йўталиб қошларини чимиради, – яхши... бу ўзи кимнинг ити. Мен бу ишни бу ҳолда қўйиб кетолмайман! Мен итни бўш қўйиб юборганлари учун таъзир беришга ярайман. Ҳукуматнинг қарорларини илтифотсиз қолдириб келувчи афандилар билан чинлаб курашиш вақти еткан бўлса керак. Бу муттаҳамларга яхшилаб штраф солғачғина улар ит ва бошқа ҳайвонларни бўш қўйиб юбориш ҳикматига тушунадилар. Мен бундайларнинг кўзини мошдек очиб қўйишга ярайман...! Елдин, – деди полис назоратчиси городскойни имлаб, – олдин итнинг кимники эканлигини бил, ундан сўнг протокол ёз! Итни бўлса ўлдириш керак. Тездан! Балки қутурган бўлса ҳам ажаб амас... Қани, хўш бу ўзи кимнинг ити.

– Чамаси, бу ит генерал Жигаловнинг ити бўлса керак, – деди халқ ичидан аллаким.

– Генерал Жигаловники! Ҳмм!... Менинг устимдан палтомни еч-чи, Елдин... Кун жуда ҳам исиб кетди! Бўроннинг кетидан сўрони келиб, ёмғур ёғса ҳам ажаб эмас... Фақат мен бир насагагина тушунолмай тураман. Бу ит сени қандай қилиб қопа олди экан, – деб Очумелов Хрюкинга қарайди. – Қандай қилиб бу итнинг бўйи сенинг бармоқларингга етди экан. Ақлим ет-

майди. Ит бўлса нозик. Сен бўлсанг хўкуздек, бўйнингга қара! Балки бармоғингга мих-пих кирган бўлса, ҳалиги михни тортиб олгансан, қонаб кеткан, ундан сўнг бошингга... ҳа де... Мен сиз халқнинг мирингдан-сирингни биламан! Сиз халойиқ жуда ҳам бемаъни одамларсиз!

– Олий насаб жаноблари, балки унинг ўзи кулги учун итнинг бурнига папирос тикқан бўлса, шундан сўнг ит бармоғини тишлаб олган... Бу ўзи жуда ҳам бемаъни одам, олий насаб жаноблари.

– Ёлғон сўзлайсан, кўр! Кўзинг билан кўрмаганингдан кейин ёлғон сўзлашнинг нима ҳожати бор. Олий насаб жаноблари жуда ҳам ақлли одам, ким ёлғон сўзлайди, ким рост, бу киши ўзи тирноғининг юзидек билади. Наҳотки, мен ёлғон айтсам. Хўп, суд текширсин. Законда ҳаммаси ҳам кўрсатилган. Бўлмаса менга бари бир... Менинг ўз акам жандармада хизмат қилади. Агар билмакчи бўлсангиз...

– Вайсай берма!

– Йўқ, бу генералнинг ити бўлмаса керак... – дейди чуқур ўйлаб олган городской, – генералнинг бундай ити йўқ эди. Унинг ити чипор рангли эди...

– Сен буни аниқ биласанми?

– Аниқ биламан, олий насаб жаноблари!

– Менинг ўзим ҳам биламан. Генералининг итлари зотлик қиммат баҳо нарсалар эди. Бу бўлса эгасиз, дайди итга ўхшайди. Эпақалик юнги ҳам йўқ. Кўриниши ҳам хунук.... Қисқаси, бир бедаводан иборат. Шундай бемаъни итни сақлайдими киши. Сенларда ақл борми. Агар шу хилда бир ит Петербург ёки Масковга кириб қолса борми? дарров законни ҳам бир томонга йиғиштириб қўйиб, уриб ўлдирад эдилар. Сен, Хрюкин, бу ишни шундай қолдириб кетма, таъзирини бериб қўйиш керак! Фурсатни қўлдан чиқариш ярамайди!

– Балки генералнинг итидир... – деди ўйланиб турган городской, мен тунов кун генералнинг ҳовлисида шунга ўхшаш бир итни кўргандек бўлган эдим.

– Тўғри, бу ит генералники! – дейди халқ ичидан аллаким.

– Ҳимм!... Биродар Елдирын, менинг палтомни кийдириб қўй-чи... шамоллаб қолатурганга ўхшайман... Ичимдан титроқ келяпти... сен бу итни генералникига олиб бор ва ўша ердан сўраб бил. Уларга менинг ушлаб юборганлигимни айтарсан...

Кўчага бўш қўйиб юборилмасин дегин... Балки ўзи қимматбаҳо зотлик итдир, ҳар бир чўчкага ўхшаган аҳмоқлар унинг бурнига папирос тика берсалар, бузулиб қолиши ҳам турган гап. Ит деганинг жуда ҳам нозик махлуқ... Сен аҳмоқ қўлингни пастга тушир! Жиннига ўхшаб қўлингни юқори кўтариб турма! Айб ўзингда!

– Генералнинг ошпази келяпти, ундан сўраймиз... Ҳай Прохор, қани буёққа кел-чи, ука! Манави итни кўр, сизникими?

– Топибсан. Умрда бунақа итимиз бўлмаган.

– Энди узоқ сўрашиб ўлтуришнинг ҳожати йуқ, – деди Очумелов, – бу албатта эгасиз дайди ит! Узоқ муҳокама қилиб ўлтуриш нима ҳожат. Мен, ахир, дайди ит демадимми, мана энди дайдилиги ҳам маълум бўлди. Буни уриб ўлдиришдан бошқа иш йўқ, вассалом!

– Бу бизнинг итимиз эмас, – деб давом этди Прохор. – Бу ит генералнинг укасининг ити, ўзи яқинда келди. Бизнинг итимиз ов ити эмас. Жанобнинг укалари овчиликға...

– Ҳа-ҳа, ҳали бу жанобнинг укалари келган эканлар-да. Владимир Иванович-а? – деб сўради Очумелов ва юзига табассум, шодлик туси кира боради. – Вой Худо! Мен ҳеч бир эшитмабман-да. Меҳмонга келгандирлар.

– Ҳа, меҳмон бўлиб келибдилар...

– Акаларини соғинган бўлсалар керак... Мен бўлса ўлимдан хабарим бор, у зотнинг келганларидан хабарим йўқ! Демак, бу ит уларники экан-да. Жуда хурсанд бўлдим... Итни олиб кет... Яхшигина ит кўринади... Ўлгунча югурдак бўлса керак. Ол буни, бармоғини тишла! Ҳа, ҳа, ҳа... Хўш, нега титрайсан. Вусс, вусс... серзарда муғомбир... ўз оти билан ит-да...

Прохор итни чақириб олиб ўтин складидан чиқиб кетади. Ҳам Хрюкинни мазах қилиб кулади!

– Сен ҳали қараб тур! – деб Очумелов Хрюкинни янади ва шинелига ўралиб олиб гузар майдончаси бўйлаб йўлига давом этади.

*«Совет адабиёти» журнали,
1936 йил, 3-сон, 62-64-бетлар.*

ДЕНИ ДИДРО

(1713–1784)

РОҲИБА

(Парча)

Узил-кесил бўйнимга олиш куни белгиланган эди. Менинг ризолигимни ҳосил қилиш учун кўрилмаган чора қолмади; бироқ бу чораларнинг бириси ҳам фойдабахш бўлмагач, розиликсиз ҳам бажармоқчи бўлдилар.

Шу ондан бошлаб мени хужрага қамадилар; мени сукут қилишга мажбур этдилар; мен бутун дунёдан алоқасиз, танҳоликда қолдирилдим, менинг розилигимсиз бу ишни қилишга қарор берганларини сездим. Мен ҳеч бир йўсин билан бўлсин кўнмасга қарор қилганман; мана шу қарорим; уларнинг хоҳ чинлаб, хоҳ кўрқутиб берган азоблари мени чўчитмас эди. Аммо мен жуда ҳам чувалчиқ бир ҳолда эдим, ҳеч қандай тасаввурга эга эмас, бу ҳолнинг қачонгача давом этажагини англамас, бу ҳол битирилса нима бўлишини ҳам билолмас эдим.

Мана шу қоронғи кайфиятда мен бир ишга қарор бердимки, сиз бу тўғрида нима ўйласангиз, ўйлангиз. Мен ортиқ ҳеч кимни кўрмадим: на ваъзчи хотунни, на бошлиқни, на роҳибани ва на ўртоқларимни; мен биринчи мартада ўз ота-онам тилакларига қарши бормоқчи бўлдим. Менинг чин мақсадим бу ғазабни бирдан битирмоқ ва ҳозирламоқда бўлган зўрликка норозилик билдирмоқ эди. Шундан кейин мен уларга айтдим: сизлар менинг тақдиримнинг эгаларисиз, қандай тиласангиз, шундай қила оласизлар; агар менга роҳиба бўлуш лозим экан, хўп, роҳиба бўлай, дедим. Бутун монастир бўйича хурсандчилик бошланди; яна мен эркаландим, махталдим, алдайтурган сўзлар эшитдим. Гуё менинг кўнглимга Худонинг ўзи солган эмиш, бу хилда камолат даражасига мендан бошқа киши етолмас эмиш. Тақдирда ёзилмаган бўлса, киши ўз вазифасини ихлос ва тилак билан адо этмас эмиш. Халфа она ўз тарбиясидаги қизлардан мен каби

очиқ талабда бўлган бир кишини кўрмаган экан, бинобарин, у мендан эшитган ажойиб сўздан жуда ҳам таажужбланиб, аммо ҳар вақт роҳибаға қаттиқ турулса, ҳар нарса ҳам ўтиб кетади, дер эди. Дурустроқ роҳибалар бошида ҳам шундай кулфатлар ўйнаган; бу иш шайтоннинг иши, агар шайтон ўз қўлидан ғанимат чиқиб кетишини сезса, ҳаракатини икки добқир¹ ортдирад экан; мен, демак, унинг тузоғидан қочганман. Менга ҳозир фақат гулларигина қолган; мен ўз тасаввуримда катта қилиб кўрган сайин роҳибаларнинг вазифалари шунчалик осонлашар экан ва бу қутилмаган мушкулот кўкдан келган бир илоҳий марҳамат бўлиб, илгари қаттиқ қаршилиқ кўрсатиш воситасидан масала тез ҳал қилинган экан...

Бошқарилишига қараб бир ишнинг, яъни бир хоҳишнинг ҳам Худодан, ҳам шайтондан келиши ўша вақтларда менга анча таажужб кўринган эди. Шунга ўхшаш мантиқсизлиқлар монастир ҳаётида жуда ҳам кўп кўрилади. Менга тасалли берувчиларнинг баъзилари менинг фикрим ҳақида бу шайтон васвасаси десалар, иккинчилар Худонинг иродаси дер эдилар. Аммо Худо бизни синаб кўрадими ёки шайтон алдайдими, баҳарҳол, ҳар иккиси ҳам маъносиздир.

Ўзим-ўзимга масъул эканлигимни англаб, ўзимни жуда эҳтиёт билан тутар эдим. Отам билан кўрушар; отам мен билан совуққина муомала қилар, онам билан кўрушар; онам эса мени кучоқлаб, бағрига босар эди. Ҳамшираларимдан ва бошқа кўп кишилардан табрикномалар олмоқда эдим. Сен-Роша вакили бўлган Сорненнинг менга насиҳат қилиши ва университет бошлиғи Тиеррининг мендан ваъда олиши менга белгили эди. Ҳамма иш маълум ваъда олиш кунига қадар яхши борса ҳам, фақат маросим яширин ижро қилинмоқчи бўлиб, дунёвий кишилар черковга жуда оз киргизилмакчи, киргизилатурганлар ҳам ўзимизга тегишли қариндош-уруғлар бўлажак эдилар. Дарвозабон хотун орқали ўз дўстларимни, қиз ўртоқларимни, қўшни танишларимни таклиф қилдим. Баъзи узоқ-яқин танишларга хат ёзиш учун ўзлари рухсат бердилар. Маълум кун шу қадар меҳмонлар оқиб кела бошладиларки, улар буни ҳеч ҳам кутмаган эдилар; ҳаммаларини черковга киргизишга мажбур бўлдилар. Йиғин худди мен ўйлаганча сержамоат бўлган эди.

¹ Добқир – марта, бор.

Хайҳот, йиғин арафаси кечаси қандай кечаси эди! Мен ҳеч ётолмадим, ҳамма вақт караватда ўтуриб чиқдим. Мен қўлимни кўкка кўтариб, менинг устимдан қилинаётган зўрликдан зорланиб Худога муножот қилдим, ёлбордим. Мен ўз ролимни меҳроб олдида қандай бажаришимни кўз олдимга келтирдим. Ёш қиз ўз устидан розиликсиз қилинаётган зўрликдан зорланади, баланд товуш билан норозилик билдиради. Иштирок қилувчилар орасида жанжал, роҳибалар аччиғланган, ота-онам ғазабланганлар. «Эй Худойим, энди ҳолим нима кечар экан!...» Шу сўзни айтқач, ўзимни бир дармонсизлик қоплаб олганини сездим, ортиқча оёқ устида туролмай, караватнинг бир четига йиқилдим. Дармонсизланиш орасида мени безгак ушлади, тиззаларим титраб, бир-бирисига тега бошлади. Титроқ кучли иситмага айланди, онгим чувалди. Мен қандай қилиб ешинтирилганман, қандай хужрадан чиққанман, ҳеч билмайман. Мени бир қўйлак ичида ҳаракатсиз, гўё ўлук каби ётган ҳолда ваъзчи хотуннинг эшиги остидан топганлар. Бу тўғрида менга кейин сўзладилар. Эрта билан мен ўз хужрамда кўзимни очдим; карават ёнида ваъзчи хотун, бош роҳиб ва бошқалар турардилар. Улар ёрдамга чақирилган бўлсалар керак. Мен ўзимда кучли ҳорғинлиқ сезмакдаман. Менга саволлар бердилар. Берган жавобларимдан тунда ўтган гаплардан бутунлай хабарсизлигимни билдилар. Лекин бу тўғрида менга ҳеч нарса демадилар. Ҳолим қалай, ўзимни қандай сезмакдаман, ўзимнинг муқаддас қароримда мустаҳкам турибманми, бугунги бўладиган йиғинни ўтказишга кучим етдими – шу тўғриларда саволлар бердилар. Мен кучим етарлик, деган жавобни бердим ва улар кутганларича ҳаяжонланмадим.

Керакли нарсалар кечаёқ тайёрланиб қўйилган эди. Бугун дунёда яна бир бахтсизлик ортди, дегандек қилиб бутхона мезанасида қўнғуроқ чалдилар. Менинг юрагим тепа бошлади. Мени кийинтиргали келдилар. Бугун айниқса пардоз куни эди. Энди мен шу тақаллуфларни хотирлаб қарасам, менга қараганда бошқача тамойили ёш қизлар учун бунда қандайдир тантанали, қўнгил эритарлик бир ҳолат йўқ эмас. Мени бутхонага олиб бордилар; ибодат қилинди. Содда поп менда итоат каби бир вазият сезиб – ҳолбуки, менда бундай гап бутунлай йўқ эди – менга қаратиб узун насиҳат нутқи ирод этти. Унинг ҳар бир калимаси менинг шууримга тесқари ва зид бўлиб тушмоқда эди. Унинг, менинг бахтим оллоҳнинг менга илтифоти, менинг

мардлигим, ихлос ва эътиқодим, диний ғайратим ва шунинг каби яхши сифатларим ҳақида сўзлаган сўзлари менга кулгили туюлмоқда эди. Бу мадҳиялар мен чоғланиб турган гапга тамом зид эди, мендан қаршилиқ кўрмаганликлари эса, мендаги ҳозирги қатъиятсизликдан эди, аммо бу ҳол узоққа тортилмади. Бу мадҳиялардан мен ўзимда яхши роҳиба бўлиш сифатлари йўқ эканлигини яхши англаб олдим. Ниҳоят кўркунчли ва машъум соат етди. Аҳд берадиган жойга бориш керак бўлиб, бироқ энди оёқларим мени кўтаролмай қолдилар. Икки ёрдамчи хотун икки ёнимга кириб, улар кўмагида мазкур жойга силжидим. Улардан бирисига суяниб олган эдим. Мажлисда иштирок қилувчилар менга қандай кўнгилдан қараганлар, билмайман, аммо меҳробга олиб борилаётган, жони чиқишга яқинлашган ёш қурбонни кўриб турдилар, теварақдан оҳ уриш, йиғи товушлари эшитилди. Мен ишонаманки, бу садолар ёлғиз ота-онамники эмас эди. Жамоат ўрнидан турди, кўп ёш қизлар стуллар устига ва панжараларга чиқиб олдилар. Ўртани чуқур сукунат қоплади. Мени онт ичирмоқчи бўлган поп тилга келиб:

– Мария Сюзанна Симонен, сиз тўғри жавоб беришга ваъда қиласизми? – деди.

– Ваъда бераман, – дедим.

– Ўз хоҳиш ва ихтиёрингиз билан бу ерга келдингизми?

Мен «йўқ» деган жавобни бердим. Аммо мени кузатиб турган монастир ҳамширалари «ҳа» деган жавобни бердилар.

– Мария Сюзанна Симонен, ўз иффатингизни сақлашга, камбағалликка чидашга, итоатли бўлишга Худога ваъда бера оласизми?

Мен бир дақиқача иккиланиб турдим, поп оғзимни пойламоқда, мен жавоб бердим:

– Йўқ, тақсир!

Поп қайтадан сўради:

– Мария Сюзанна Симонен, ўз иффатингизни сақлашга, фақирликка чидашга, итоатли бўлишга Худога аҳд бера оласизми?

Мен қатъий товуш билан жавоб бердим:

– Йўқ тақсир, йўқ!

Поп менга қаради ва деди:

– Қизим, ўзингизга келингиз, сўзимни яхши эшитингиз.

– Жаноб ҳазрат, муқаддас паноҳ, – дедим мен унга хитобан,

сиз мендан сўрадингизки, Худо учун фикрингизни сақлайсизми, фақирлиқда ва итоатда яшашга аҳд берасизми, деб. Мен буни жуда яхши эшитдим ва англадим, шундан сўнг, йўқ, – деб жавоб бераман...

Шундан сўнг қайрилиб жамоатга қарадим, улар орасида баланд товуш билан висир-висир бошланган эди. Мен сўзлайман, деб ишорат қилғач, улар жим бўлдилар, мен айтдим:

– Афандилар, айниқса, менинг отам-онам, бунга сизлар гувоҳ бўлингизлар...

Шу сўзни айтганда ҳамширалардан бириси менинг устимга чодир ташлади, ортиқча сўзлашни фойдасиз билдим. Роҳибалар мени қуршаб олиб, гадаблай¹ бошладилар. Мен уларнинг гадабларини индамасдан эшитдим. Мени келтириб, хужрага қамадилар ва эшикни қулфлаб қўйдилар.

¹ Гадаб – танбех.

АЛЬФОНС ДОДЕ

(1840–1897)

САОДАТЛИ АВГУСТИННИНГ АЗИЗ ДУОСИ

Поп Гравесон яшил-олтин ранг, ажойиб соф ликёрдан гўёки қимматли марварид доналарини санагандек томизиб, кичкина қадахни тўлдиргач, менга узатди.

– Қани ичиб кўринг-чи! – деди тантанали равишда Гравесон, бу бизнинг вилоятнинг обрўси ва шуҳрати бўлган Гоше отанинг ясаган эликсири¹. Буни бу ердан икки мил узоқликда бўлган Примонтре монастирида тайёрлайдилар... А, бу ҳозиргача бўлиб келган ликёрларнинг ҳаммасидан ҳам, ҳатто Шатрезаникидан ҳам мазалироқ, эмасми?.. Лекин бу эликсирнинг тарихи жуда ҳам қизиқ!

Биз гўристонликнинг тинчгина ошхонасида, стол ёнида ўту-рардик. Стол устига олтин рангли салиблар ва авлиёлар расмини солиб ишланган дастурхон ёзилган ва теразага оқ пардалар осилган эди. Поп Гравесон менга очик қилиб шу ҳикояни сўзлади.

Бундан йигирма йил илгари Премонтре монастири жуда ҳам муҳтожликка тушиб қолган эди. Катта девор, минора йиқила бошлади. Монастир ёнида ўсган ўтлар устига авлиёларнинг расмлари туширилган катта қатор устунлар қулади. Монастир теразаларида бирорта синмаган ойна, бирорта дуруст ёпиладиган эшик қолмади. Ҳамма вақт монастир ичида гўёки қирдаги каби ел ўйнаб, шамларни учурар ва оби муқаддасни қуруттар эди... Кўнғуроқ чалинатурған жой каптарларга уя бўлиб, атрофга қайғу-ҳасрат тарқатар, пулсизликдан кўнғуроқ сотиб ололмай, монастир раҳбарлари тарракли ёғоч соатни қоқар эдилар. Бечора роҳиблар! Троицсин куни уларнинг кимхоб жубба кийиб, маҳзун ва мағмум² ранглари сарғайған, озғин ва довдираб юрганлари ҳолда, уларнинг орқасида ҳазрат роҳиблар бошлиғининг гул

¹ Эликсир – церковларда тайёрланган муқаддас сув, оби-ҳаёт, махсус ичимлик.

² Мағмум – ғамгин.

туширилган ридоси ва куя еган оқ абоси¹ билан бошини қуйи солиб, судралганлигини ҳануз хотирлайман. Роҳиблардан баъзилари «Ёху» деб турли ёққа тарқалишиб кетсак, деган фикрга келиб қолган эдилар.

Бир кун шу муҳим масала бош роҳибнинг уйида музокара қилинар экан, Гоше маҳдум сўз сўради. Гоше маҳдум монастир подачиси бўлиб, кун бўйи монастирнинг иккита сигирини жарда ўтлатар эди. Гоше ўн икки йилгача Бегон хола исмли жинни кампирникида турган, кампир ўлгандан сўнг, уни роҳиблар ўз қарамоғлариға олган эдилар. Бу бахтсиз Гоше умр бўйи сигир боқишнигина ва «отамиз» деган хонишни ўқишнигина билар эди.

Гоше ўрнидан туриб, жамоатга энгашиб, таъзим қилди, роҳиблар бир-бирларига қараб, кулишиб олдилар. Бундай масхара-ларга Гоше маҳдум кўпдан бери ўрганиб қолганликдан парво қилиб турмади. Қўлидаги тасбеҳини ағдариб, соф кўнгил билан айтди: «Хурматли оға-инилар, бу муҳтожликдан қутулиш учун менинг ақлсиз бошим бир йўл топганга ўхшайди. Ҳаммаларингиз ҳам Бегон кампирни хотирласангиз керакки, мен ёшлик вақтимда шу кампирнинг қўлида тарбияландим. (Бу ярамас кампирни Худо раҳмат қилсин! Маст бўлиб бемаъни ашулалар айтқувчи эди.) Мана шу Бегон хола қариған кунларида ажойиб бир эликсир кашф қилди. Бу эликсирнинг таркиби беш ёки олти хил ўтдан иборат мураккаб бўлиб, бу ўтларни биз кампир билан бирликда тоғлардан йиғиб келар эдик. Бунга кўп вақт ўтди. Аммо мен ўйлайманки, саодатли Августин пиримизнинг мададлари билан ва бош роҳиб отамизнинг дуо ва ижозатлари билан мен бу ўтлар таркибини хотирлаб олсам ва ажойиб сирли бу ичкиликни пишира олсам, у ҳолда сиз оға-иниларимизга, ликёрни шишаларга тақсимлаш ва бозорга чиқариб сотиш вазифасигина қолади. Шунда бизнинг монастир аҳллари ҳам ликёр қилиб сотувчи бир неча қўшни монастирларимиз каби аста-секин бойий бошлайдилар, масалан...

Гоше сўзини тугата олмади, бош роҳиб уни қучоқлаб, бағрига босиб, бошқа кексалар ҳам унинг қўлини қисишдилар. Жуда ҳам хурсанд бўлиб кетган хазинадор Гошенинг оғзидан ўпди...

Сигирни Тразибюл маҳдум боқа бошлади. Гоше маҳдум эса эликсир тайёрлашга урунди.

¹ Оқ або – жундан тўқилган енгсиз тўн.

Эликсир қандай қилиб тайёрланар эди, Гоше махдум Бегон холанинг таркибларини топган эдими, бу тўғрида ҳеч гап маълум эмас. Олти ой ичида Премонтре монастирининг эликсирлари тўғрисида вилоят бўйича гап тарқалиб кетди. Ҳамма қовоқхоналарда, бошқа мусофирхоналарда кичкина сопол идишда, Прованс тамғаси билан муҳрланган, ибодат қилувчи роҳибнинг суратини кўрсатган кумуш тамғали эликсирни учратиш мумкин эди. Бу тарқалиш натижасида Премонтре монастири тезда бойиб кетди. Минора янгидан тикланди. Бош роҳиб янги кийимлар олди, монастирнинг теразалари турли рангли ойналар билан безанди, кўнғуроқхонадан жаранглаган кўнғуроқ товуши эшитила бошлади. Содда Гоше махдумни масхаралаб кулишдан ҳаммалари ҳам ҳайиқиб қолдилар. Энди уни ҳурматли Гоше махдум, ақл ва донишманд ота деб хитоб қилар эдилар. Гоше ўз ишхона (лаборатория)сида ёлғиз яшар, монастир ишларига иштирок қилмас эди. Ўттуз нафар роҳиб ҳар кун тоғларни кезиб, унга маълум ўтларни йиғиб келтирар эдилар. Бу лаборатория боғ пойгаҳидаги ташландиқ бир эски бинода бўлиб, бу ерга ҳатто бош роҳиб ҳам киролмас эди. Фақат кечки ибодат учун кўнғуроқ чалинганда, бу сирли бинонинг эшиги очилиб, ичкаридан ҳурматли Гоше чиқиб келар, тўғри монастирга, сўнгги ибодатга борар эди. Уни роҳиблар қандай ҳурмат билан қарши олар эдилар! У кўринганда роҳиблар йўл бўшатиб, ҳурматан бош эгар эдилар. «Жим... У сирларни билади» дер эдилар. Ҳазинадор ота бўлса, маълум масофадан юриб, қарши олар эди. Аммо ҳурматли Гоше ота бўлса, терлаган манглайини артиб, кенг ва катта қанотли шляпаси елкасигача тушиб, гўё тож кийган қиёфада кўринар эди. Келар экан, апелсин дарахтлари ўтқазилган ҳовлига ва қип-қизил юзли яхши кийинган роҳибларга табриклагандек кўз ташлар эди. «Улар мендан миннатдор бўлишлари керак», деб мағрурона ўйлаб кўяр эди. Мана шу мағрурият унинг бошига етди.

Бир кун кечки ибодатга жуда ҳам ҳаяжонли равишда кириб келди: қизарган, бўғриққан, бош кийими бир ёққа қийшайган ва шундай ҳолатдаки, оби муборак оламан деб, тирсагигача қўлини сувга тиқиб олди. Ҳурматли ота ибодатга кечикиб қолиб, хафаланган, деб ўйладилар... Меҳроб олдида букилиш ўрнига ашула товушига салом ва олқишлар юборганини, черков бўйича югуриб юрганини, ундан сўнг хорга қўшиламан деб, беш дақиқа чамаси ўрнини тополмай адашгач, ўтуриб олиб, аҳмоқона ўнгга

ва сўлга таъзим қилиб кулиб қўйганини кўргандан сўнг, ибодатчилар орасида висир-висир бошланди, ўзаро сўзлайдилар: «Гоше отамизга нима бўлди? Нима бўлди-а?» Илгаригича оятлар ўқий бошладилар. Аммо бош роҳибнинг муқаддималари борган сари бўшашиб бормоқда эди.

Бир вақт ибодат ўртасида Гоше ота бошини чайқаб ва бортовуши билан ашула айта бошлайди:

Парижда қандай турган оқ отамиз, оқ отамиз,
Трам-там-там, тра-ла-ла...

Умумий таажжуб. Ҳаммалари ўринларидан туриб: «Олиб чиқилсин! Йўқотилсин!» деб қичқирадилар. Роҳиблар чўкуниб оладилар, аммо Гоше ота ҳеч нарсага қарамайди ва эшитмайди. Иккита бақувват роҳиб уни олиб чиқа бошлайдилар. Гоше ота улардан кутулиш учун орқага тисарилиб, борган сари товушини баландроқ қўйиб ашула айтади:

Трам-там-там, тра-ла-ла...

Эртаси, кун чиқар-чиқмас бош роҳиб олдида тиз чўкиб, тавба қилмоқда, кўзидан қатор-қатор ёши оқиб тушмоқда эди:

– Бу эликсирдан бўлди, жаноб тақсирим, бу эликсирдан! – деди кўкрагига уриб Гоше ота. Бош роҳиб унинг тавбасидан жуда таъсирланди.

– Тинчланинг Гоше, ҳеч гап эмас! – деди бош роҳиб, – ундан сўнг сиз ўйлаганча ортиқча жанжал бўлмади, аммо бир мунча вақт ашула қилиб турдингиз... Ихм, аммо буни барча киши эшитмади, деб ўйланса ҳам мумкин... Хўш, энди айтиб беринг-чи, бу ҳол қандай воқеъ бўлди... Эликсирни тотиб кўрганингизда воқеъ бўлгандир, деб ўйлайман? Сиз беҳабир ортиқроқ қуйиб юборгансиз. Тўғри, тўғри мен тушунаман: Сиз ҳам порох¹ кашфиётчиси Шварц махдум каби ўз кашфиётингиз қурбони бўлгансиз... Айтинг-чи менга яхши дўстим, бу машъум эликсирни ўзингиз тотиб кўришингиз жуда ҳам зарурми?

– Бахтка қарши, тотиб кўришим зарур, тақсир! Пробирка менга олкоголнинг миқдори ва кучини кўрсатса ҳам, бироқ мен унинг хуштаъмлигини, ўткирлигини тилимга олиб кўрмасдан билолмайман...

– Жуда яхши... Аммо менинг айтадиган сўзимга қулоқ солинг... Сиз зарурат орқасида эликсирни тотиб кўрганингизда мазкур сизга мазали туюладими, сиз жуда қизиқиб тотинасизми?...

¹ Порох – милтиқ дори.



– Ҳайҳот... шундай тақсир! – деди бахтсиз ота қизариниб, кейинги икки кечадан берли эликсирдан ҳеч бир тотмаган ҳолда маза ва ис сеза бошладим, менга шайтон қўна бошлаган бўлса керак. Энди мен фақат пробирка билан қаноатланишга қарор қилдим, бундан сўнг тотиб кўрмайман, ликёр яхши бўлмаса ҳам...

– Йўқ, йўқ – деди бошлиқ кўрқиб кетиб, – харидорларни хафа қилиш яхши эмас... Энди сиз танбеҳ олдингиз, бундан сўнг эҳтиёт бўлишингиз керак. Тотиган вақтингизда ўн беш, йигирма қатрадан ортикча ютманг... Хўп, йигирма қатра кам бўлсин... Агар шайтон йигирма қатрадаёқ сизни ушласа, жуда ҳам ҳийлакор шайтон бўлади... Эҳтиётан мен бундан сўнг сизни черковга келишдан озод қиламан. Сиз лабораторияда ибодат қилинг; хўп, энди сизга рухсат, ҳурматли азиз диндош. Хотирингиздан чиқарманг... қатраларни яхши ҳисобланг.

Ҳайҳот!... Ҳурматли Гоше ота доим қатраларни санар эди, аммо шайтон васваса қилиб, уни янглиштирар эди.

Шу кундан эътиборан лабораторияда ғариб ҳоллар юз кўрсата бошлади. Кундуз куни тинчлик билан ўтиб, Гоша ота яхши юрар эди. Ўтларни қайнатар, ачитма (настойка) ҳозирлар эди. Аммо кечқурун катта мис қозондаги эликсир тиниб, совуй бошлагач бечора бахтсиз отанинг азоби кучаяр эди...

– Ўн етти, ўн сиккиз, ўн тўққиз, йигирма... – қатралар найдан маъдан стаканчага оқиб турар эдилар... Оҳ, бу йигирма қатра! Гоше ота буни ҳеч нарса кўрмагандек ютиб юборар эди... Аммо йигирма биринчи қатрасида унда орзу туғдулар эди. Оҳ, бу йигирма биринчи қатра!... Мана шу вақт васвасадан қочган ота лабораториянинг пойгаҳига тиз чўкиб, муножот қила бошлар эди. Аммо ҳануз иссиқ турган ликёрдан буғ ва хушбўй хид анқиб турар, Гоше отанинг иштаҳасини қитиқлар, ўрнидан туриб, ихтиёрсиз ликёр ёнига келар эди. Кўкимтир-олтин ранг суюқлик устига энгашиб, қўлидаги най билан чайқатиб қарар эди. Зумрад рангли, ёлқин ичидан Бегон холанинг ҳийлакор кўзларини кўрар ва холанинг кулиб: «тағин бир қатра...» деган сўзини эшитгандек бўлар эди. Шу йўсин қатра орасидан қатра томиб, маъдан стаканча тўлиб чиқар эди. Бахтсиз ота ночор ва заиф ҳолда кўзини ишқаб катта ўриндиққа ўтурар ва ўз гуноҳини талқин этиб, журъа¹ ораси астагина хониш қилар эди: «Лаънат бўлсин

¹ Журъа – бир қултум (ичимлик).

менга, лаънат...» ҳаммадан ҳам ёмон ва хунуги шу ичиш ораси унинг оғзига Бегон холанинг уятсиз, адабсиз ашулалари келиб қолиши эди. «Кечки ошга уч қуда қандай йиғилишдилар» ёки «У гўзал ўрмон томошасига қандай борди» ва бунинг орқасидан маълум машҳур: «Грам-там-там, тра-ла-ла».

Лекин эртаси куни хужра қўшниларининг «Вой-вой, Гоше ота, кечаси нима балолар қилдингиз?» деб сўрашлари уни жуда ҳам қизартирар эди. Шундан сўнг, пушаймон, тавба-истиғфор, рўза, насиҳат олиш ва бошқалар бошланар эди. Бироқ шайтон васвасасидан ўзини ҳеч тўхтатолмас ва ҳар кеч вақтда эликсир билан қўнушмаса, иложи йўқ эди.

Ўша вақтларда ҳар тарафдан эликсирга талаб кўп келар эди: масалан, Нима, Авинона ва Марсел томондан. Кундан-кунга монастир савдо ва тижорат корхонасига айланиб бормоқда эди. Яшикка жойлайтурган махдумлар, тамғачи, ёпиштирувчи ва йўлловчи махдумлар бор эди. Шунинг учун тоат-ибодатлар камайиб, аҳёнда бир заифгина қўнғуроқ товуши эшитилиб қолар эди. Бироқ бундан вилоят аҳолиси ҳеч нарса ютқизмади, мен бунга кафил бўла оламан.

Бир якшанба куни хазинадор ота даромаддан ҳисоб бермоқда эди (бу вақт йил охири эди), Художўй роҳиблар илжайиб, кўзларини ўйнатиб, ҳисобни эшитмоқда эдилар. Шу вақт йиғинга Гоше ота югуриб келди ва ҳайқирди: «Бас энди, бас... Менга сигирларимни топширингиз...».

– Нима бўлди, Гоше ота? – деди бош роҳиб тушунмаган ҳолда.

– Нима бўлди, дейсизми, ҳазрати тақсир? Ҳол шундайки, мен ўзимга абадий жаҳаннам ҳозирламоқдаман... Дунёдаги биринчи фосиқлардан¹ бўлиб, доимий ичиб юрмоқдаман.

– Мен сизга қатраларни санаб ичинг, демадимми?

– Қатраларни санаб ичинг эмиш! Ҳозир стаканлаб санаш керак... Тақсиржоним, ҳозир менга бир кечада уч филага (кичка кина сафар қумғони) ликёр керак бўлиб қолди, энди бу хилда давом этилса... Йўқ, мумкин эмас, бу бўлатурган иш эмас... пиширишни кимга бўлса ҳам бошқа бир кишига топширингиз, мени озод қилингиз... Агар бундан сўнг пиширсам, Худонинг ўтида абадий ёнайин...

Роҳиблар кулишмай жим қолдилар.

– Сен бадбахт, бизни синдирмоқчимисан? – деди хазинадор ота қалин дафттарини салмоқлаб.

¹ Фосиқ – ёмон ишлар қилувчи.

– Сизлар мени лаънати қилмоқчимисизлар? Шунда бош роҳиб жойидан турди:

– Ҳурматли оталарим! – деб ўзининг оппоқ қўлини ўйнатди, ридоси енгидаги олтин уқа қуёш билан ўйнашиб акс зиё сочмоқда эди, – ҳар бир дарднинг бир иложи бор... Ўғлим, сени фақат кечаларигина шайтон васваса қилади, шундай эмасми?

– Шундай ҳазрат, тақсир, била тарк¹ ҳар кун кечаси. Кеч киргач, бутун танимни тер босади-да, мен ҳалигини...

– Қайғирманг, осон гап, – деди бош роҳиб, – бугун кечасидан бошлаб, кечки ибодатдан сўнг сизнинг бутун гуноҳларингизни кечириш учун саодатли Августин дуосини ўқиймиз. Сиз ҳар қандай гуноҳ қилсангиз ҳам, сиз гуноҳдан соф бўласиз, гуноҳларингиздан чивин қадари ҳам қолмайди!..

– Раҳмат, раҳмат сизга ҳазрат! – деди Гоше ва сўзсиз лабораториясига, одати, юмушига жўнаб кетди.

Шу кундан бошлаб ҳар кун кечки ибодатдан сўнг бош роҳиб мурожаат қилар эди: – Ўзини монастиримизнинг бахт-саодати учун қурбон қилган бечора Гоше отанинг ҳақиқа дуо қилайлик... Худога муножот қилайлик!

Худди шу вақтда, яъни роҳиблар черковда талаб маърифатда бўлган аснода, боғ пойгаҳидаги лабораториянинг ёруғ теразалари ичида Гоше отанинг ҳам тўхтовсиз айтилиб турган ашулалари эшитилар эди:

Парижда қандай турган оқ отамиз, оқ отамиз

Трам-там там, тра-ла-ла...

Шу ерда Худо тарс² поп тўхтаб, менга қаради. Кўзида жуда ҳам кўрқув белгилари бор эди. «Эй, марҳаматли парвардигор, товушимни ўз қавмларим эшита кўрмасинларда» – деб қўйди.

¹ Била тарк – тарк қилмасдан, бетарк.

² Худо тарс – Худодан кўрқадиган, тақводор.

ЭМИЛ ЗОЛЯ

(1840–1902)

ЛУРД
(ПАРЧА)

Пиер кетмади, унинг ёнида қолди. У ҳам ҳароратли чин имон билан муножот қилиб, Худодан шу бахтсиз болага офият сўрамоқчи эди. Бироқ у ғор ёнига борган дақиқадан бошлаб, норозилик ҳиссига берилиб, шу ҳис унинг тилини боғламоқда, муножотдан тўхтамоқда эди. У жуда ҳам имонли бўлишга тиришиб, бутун кечаси билан яна имон чироғи ёқилар, эътиқод гули очилар, фақат бунинг учун ажойиб таъсирли ерда тиз чўкишгина керак деб ётди. Шу қаторда унинг имонини сиқувчи бир ҳис ва роҳиблар томонидан бутун декорациялари билан ваъз этилган ўнғайсизлик ҳисси уни тинчсизламоқда эди. Муқаддас нарсалар сотувчи дўконга лиқ тўлган харидорлар рўбарўсидаги дағал ва хира ҳайкални заифгина ёритиб ёнган шамлар ёруғидан кўрунган минбарда успения сулукига мансуб қандайдир бир роҳиб бутун товшини қўйиб «Аве» деб қичқирар, бу билан яна уни ҳаракат қилиб, аччиғлантирар эди. Бутун вужуди билан афсонанинг ширин кучоғига ташланган ва болаларча ишонувчан жонларга ярарлик этиш учун унинг алангаланган кўнглига кўк шабнами таъсир этолмаслик даражага етганмиди, ажаб? Мана шу ҳол ёш аббатни¹ бўғиб ташламоқда эди.

Бироқ унинг диққати кутулмаганда жалб этилиб қолди. Ҳалиги минбардаги роҳиб Массион ота бўлиб чиқди. Бу ота билан илгарилар ҳам учрашиб юрар эди. Ҳамма вақт ёниб турган кўзли, Худони ер юзига чақириб оладигандек оташ нафаслик бу отанинг тебранмас имони уни ҳайратга солиб қўяр эди. Пиер ўзида Массион отадаги хусусиятларнинг йўқлигини ўйлаб турганда, минбар остида барон Сюир билан бирга турган бош роҳиб Фурқад отага кўзи тушди. Барон нима тўғрисидадир ҳай-

¹ Аббат – Францияда католиклар руҳонийси.

рат ичида Фурқад отага сўзлаб, охирда тасдиқ этган каби бош иргатиб қўйғач, скамейкалар орасидан ўтишга интилди. Аббат Жюден ҳам шу ерда кўруниб, Фурқад отани бирор дақиқага айлантирди. Бунинг ҳам юзи кўрққан тусга кириб, охирда бу ҳам бошини қимирлатиб, тасдиқ этгандек қилиб қўйди.

Бир вақт Фурқад ота минбарда кўрунди. Ўзининг бироз букилган узун бўйли қоматини тўғрилаб олди. Севикли Массион махдумни минбардан туширгуси келмагандек, бир босқич пастга тушган Массионнинг елкасига қўлини қўйди.

Бирдан ўртага қабристон тинчлиги кирди.

– Севикли оғалар ва ҳамширалар! – деди оҳангдор товуш билан бош роҳиб, – афв қиласизлар, чунки мен сизларнинг қизғин ибодатларингизни бўлдим. Мен бунда сизларга баъзи нарсалар хабарини етказиш бараварида, сизларнинг эътиқодли қалбларингизга мурожаатда бўламан. Биз бу кун, таассуфли, ҳасратли бир хабар эшитдик: бизнинг махдумлардан бириси белгиланган жойига яқинлашган вақтда поездда вафот этди...

Бир неча сония жим қолди. Узун ва қалин соқолли чиройлик юзи нурланиб кўринди:

– Қимматли оғалар, қимматли сингиллар! Бундай бахтсизлик билан бизнинг умидсизликка тушувимиз ярамайди... Ким билсин, балки бу воқеа орқали Тангри таоло яна бир карра ўзининг қудратини бизга кўрсатгандир. Мен дуоталаб бўлган бир товуш эшитмоқдаман, сизнинг орангиздан кетган марҳумнинг руҳига фотиҳа қилишингизни мендан сўрамоқда бўлган бир товуш эшитмоқдаман. Лекин унинг гуноҳкор руҳининг нажоти илоҳий ўғилнинг онаси бўлган раиса она ихтиёридадир. Бу марҳум шу ерда, мен унинг гавдасини келтиришга буюрдим. Агар сизлар керагича эътиқод ва имон билан дуо қилсанглар, башарти Ҳақ таолоға шу марҳумнинг қайтадан тирилиши мўъжиза тариқасида лозим бўлса, (лекин бу ҳаммаси сизларга боғлиқдир), биз марҳумнинг гавдасини булоққа солармиз, жаноб раббил-аъламинга марҳумни тирилтириш билан ўз қудратини кўрсатишини сўраб, ўз марҳаматини биздан дариғ тутмаганлигини аён қилишни илтижо қилиб, дуо қиламиз.

Халқ устига нариги дунёдан юборилган каби ўлим сукути келди, ҳамманинг ранги ўчди, биров сўзлаш учун оғзини очмаса ҳам, бундаги диндорлар ораси бўйлаб гўё шивир-шивир бошлангандек бўлди.

– Аммо, – деди сўзида куч билан давом этиб Фурқад ота, – қандай эътиқод билан дуо қилиш керак, биласизми? Қимматли биродарлар, ҳамширалар, дуога бутун кўнгул билан, вужуд билан берилишни, қон, жон ва ҳаёт билан дуо қилишни талаб қилман, борлиқ кучингиз билан, тамоман ўзингизни унутгунчалик, хулоса, шундай дуо қилингизки, фақат бизларнинг бу хилдаги дуомизгина Оллоҳнинг ижобатига сазовор бўла олади... Бизнинг дуомиз Оллоҳнинг аршига бориб етиб, мақбул даргоҳ бўлгунча, биз мурдани кундуз соат учга қадарли булоққа солиб қўямиз...

Ҳаяжон билан ўралган Фурқад ота шу сўзни айтиб, яна тасбеҳ ўгиришга тушди. Аммо Массион ота ўзини тутолмай хўнграб йиғлашга бошлади. Чуқур жимжитлик орадан кўтарилган эди; халқда ҳаяжон, теварақдан қичқиришлар, хўнграшлар ва бир-бирига боғланмаган муножотлар эшитилди. Ҳозирги ҳолат гўё умумий бир уйқусираш эди: халқ жозибланган,¹ ихтиёрлар қўлдан кетган, кўпчилик бирлашиб, вуқуъи амри маҳол бўлган хориқилодга² майл қилмоқда эди.

Бирор дақиқа чамаси Пиер учун гўё оёғи остидаги ер айланиб, ҳушсиз йиқилгандек туюлди. Куч билан тиззасини тўхтатиб, ўртадан чиқди.

Баланд тераза орқали совуқ нур тушмоқда эди. Бинода доимий рутубат, гўё сув босган ертўладагидек оғир ҳаво анқимоқда эди. Ниҳоят Саботие афанди ешинтириб бўлинди. Сатри овраг³ учун бели теварагига лунги боғладилар.

– Бир илтимосим шулки, – деди Саботие, – мени аста-секин тушуригиз.

Уни совуқ сув сескантирмақда эди. Бундан етти йил муқаддам шунинг сингари совуқ сувга биринчи марта тушганини эсига олса, хануз юраги безиллар эди. Унинг сўзига қарағанда, дунёда бундан оғирроқ азоб йўқ эмиш. Шуни ҳам айтиб қўйиш керакки, бундаги булоқ суви ишончсизроқ эди. Вақти келиб, булоқ суви етишмай қолишидан қўрққан роҳиблар булоқни ваннага айлантириб, ҳар кун сувни икки мартаба янгилаб турар эдилар. Бир янгиланган сувга юзга яқин касални солганликларидан булоқ шўрвага айланиб, сувда ҳар бир нарса топиладиган ҳолга етар; уюган қонлар, тери парчалари, яра қутурлари, ярага боғланган

¹ Жозибланган – сеҳрланган.

² Одатдан ташқари маҳол ишнинг юз бериши.

³ Сатри овраг – уят жойни беркитиш.

қоғоз ва латталар, хуллас, бутун юқумли касаллар манбаи. Бу булоқ гўё юқумли касаллар уруғини ўстирадиган жой бўлиб, бунга тушган кишиларнинг ўлмасдан соғ чиқишларининг ўзи ҳам бир каромат эди.

– Эҳтиётлаб, эҳтиётлаб, – деди Саботие афанди ўзини булоққа тушираётган Пиер билан санитарга.

Саботие афанди болаларча қўрқувли ва нафратли кўз билан устида катта-катта шубҳали алланарсалар сузиб юрган лойқа афт, мойли сувга қаради, ваннанинг чап томон қирғоғида гўёки шу ерда бирор ёмон жароҳат ёрилган каби кўкимтил-қон тусли, йирингга ўхшаш бир нарса чайқалиб турар эди. Бироқ у ҳовузнинг совуқ сувидан жуда ҳам қўрққанликдан, юзлаб касал кишилар тани билан иситилган бу ифлос сувни совуқ сувга нисбатан ортиқ билди.

Саботие афандини оҳиста чўмилтирар эдилар. Чўма-чўма охирда унинг касал елкасигина кўриниб қолди, сувга яқинлашган сайин касал жойи титраб учар эди. Уни жуда ҳам сувга чўмдиргандан сўнг бахтсизнинг боши орқасига ташланди, шу вақт суяк синган каби бир товуш эшитилиб, бемор ҳарсиллаб, бўғуқ оҳангда оҳ-воҳ қила бошлади.

Ванна ёнида турган поп янги бошидан «беморларимизга шифо бер, парвардигор» деди.

Бу жумлани санитар ва Пиер ҳам такрорладилар. Чунки булоққа касал туширганда назорат аъзоларидан ҳар бирларининг шундай дейишлари керак эди. Бахтсиз беморга Пиер шу қадар ачинган эдики, шамиъ ва астойдил ҳалиги жумлани тилига олди. Ҳатто шу бир дақиқа ичида ёш аббатга эски эътиқод қайтиб келгандек бўлди. Аммо орадан бир неча дақиқа ўтиб, мазкур ранги ўчган, совуқдан титраган шол Саботие афандини булоқдан чиқариб олган-да, уни илгаригидан ҳам оғир ҳолда кўрган Пиер, бундаги бефойда оворагарчилик билан яна умидсизликка чиқди. Марям она бу еттинчи марта ҳам унинг дуосини эшитмаган эди. Уни кийинтирар эканлар сукутда эди, юмулган кўзидан катта-катта кўз ёшлари оқиб тушмоқда эди.

Бундан сўнг Пиер қўлтиқтаёқли ёш Густав Винеронанинг биринчи ванна олиш учун кирганини кўрди. Эшик ёнида ҳамма оила аъзолари тиз чўккан эдилар... Отаси, онаси ва холаси Шез хоним; кўринишдан булар бой ва жуда ҳам диндор кишиларга ўхшар эдилар, халқ орасидан: – Бу молия назоратининг катта

мансабдори, – деган ивир-шивир эшитилди. Бола ешина бошлаган фурсатда эшикдан Фурқад ва Массион оталар киришиб, булоққа ҳозир киши солмасликка буюрдилар. Чунки булар ҳозир ўлук тирилтиришни тажриба қилиб кўрмакчи эдилар. Ташқарида муножот ва дуо давом этмоқда эди. Халқнинг тўхтовсиз товуши туш чоғининг иссиқ ҳавосида ўрламақда эди. Иккита санитар ўлукни замбилда кўтариб келдилар. Замбил орқасида барон Сюир, санитария қўмандасининг бошлиғи Берто ҳам кириб, поплар билан бир-икки калима сўз олишдилар. Успения сулукига мансуб ҳар икки поп қўллари кўкракларига қўйиб тиз чўкдилар. Уларнинг юзида худонинг янги қудратини томоша қилиш орзуси намоён эди.

– Зоримизни эшит, парвардигор... Муножотларимизга илтифот эт, парвардигор...

Саботие афандини золдан олиб чиқадилар. Золда ярим ешинган боладан бошқа касал колмади. Замбил устидаги пардани кўтардилар. Зор кўзлари очик ҳолда қолиб, таёқдек қотиб қолган номаълум ўлук кўринди. Аммо ўлукни ешинтириш лозим бўлиб, машаққатли бу иш назорат аъзоларини анча ўйлатиб қўйди. Пиер тирик беморларга ҳеч қандай жирканишсиз қарайдиган санитарнинг ўлукка яқин келмаслик учун четроққа бориб, тиз чўкиб, муножотга киришганлигини пайқади. Навбатчи поп ҳам санитарнинг ёнига бориб тизланди.

Аста-секин Массион отанинг жазава са тута бошлади; товуши баландлашиб, ҳатто бош роҳиб Фурқад отанинг товушини бўғиб қўйди. – Парвардигоро, биродаримизни қайтариб бер... Дуомизни ўз қудратингни аён қилиш учун қабул эт, деб муножот қилар эди. Назорат аъзоларидан бириси ўлукнинг кийимини ечиб олмоқчи бўлиб, шимини тортиб чиқаришга урунди; бироқ ўлукнинг оёқлари бирлашмадилар. Бунинг учун ўлукни кўтариб туришга тўғри келар эди. Иккинчи санитар мурданинг камзулини ечиб олишга тиришиб бўлдира олмагач: – Кийимларини қайчи билан кесиб олинса, ўнғайроқ бўлар эди, – деб қўйди.

– Билъакс, биз буни ҳеч бир вақт уҳда қила олмаймиз.

Барон Сюир билан маслаҳатлашиб олган Берто югуриб олдинга чиқди. Гарчи тажрибали киши бўлиш сифати билан бу ишда Фурқад отанинг фикрига қўшилмаган бўлса ҳам, ҳозир қараб туруш вақти эмас эди; ташқаридаги халқ эрталабдан бери муножот қилиб, натижа кутмақда, бинобирин, маъқул иш тезроқ

бу гапни биртараф қилиш бўлиб, фақат ўлукни ранжитмаслик даражасида эҳтиётлашгина лозим эди. Унинг фикрича, ўлукни тортқилаб ўтуришдан кўра кийими билан булоққа солабериш маъқулдир. Агар тирила қолса, унга янги кийим кийдириш оғир гап эмас, аммо тирилмаса, нима фарқи бор! У санитарларга шу тўғрида кескин буйруқ бериб, ўлукнинг қўлтиқ ости ва белидан кенг қайишлар ўтказишга ёрдамлашди. Фурқад ота бу маслаҳатни маъқуллаб, бош ирғатиб қўйди, аммо Массион ота товушини икки баравар қўйиб, йиғламоқда эди.

– Парвардигоро, ўлукка бир назар қил, ҳаёт топсин... Улуғ отингнинг шуҳрати учун бунга жон ато қил.

Икки санитар қайиш билан ўлукни кўтариб олиб, аста-секин, қўлларида чиқиб кетишдан кўрқиб, булоққа тушура бошлади-лар. Даҳшат босган Пиер ўлукнинг сувга тушиб боришига, унинг эски кийимларининг танга ёпишиб, скелет ҳолига айланишига қараб турар эди. Айниқса, ўлукнинг қотиб қолган боши ҳарчанд санитарларнинг эҳтиётига қарамай, лаққиллаб сувга шўнғиб кириши жуда ҳам унга манфур кўринди; ўлукнинг қўлдан чиқиб, сув остига кетаёзган пайтлари ҳам бўлди. Оғзи сув билан тўлиб чиқса, катта очилган кўзи сув билан яна ҳам хиралашса, бечора қандай ҳам қилиб тирилсин. Ўлук сувга солингач, жуда ҳам узоққа тортилгандек кўринган шу уч дақиқа ичида успения сулукига мансуб бўлган икки роҳиб, навбатчи поп жазава билан ҳушлари кетгунчалик ёлбориб, осмонни ўз тилаклари ёрдамига қақирдилар.

– Парвардигоро, жон ато қил, тирилсин... Парвардигоро, бир сўзгина айт, тирилсин, токи сенинг номингни бутун жаҳон ҳамд билан ёдласин...

Массион ота ҳолсизланиб йиқилди, аммо саҳни ўпиб, йиғлашга бироз кучи қолган эди. Ташқаридан кўкка кўтарилмакда бўлган фарёд-фигон товушлари ва роҳибларнинг кескин овозлари эшитилмоқда: «Парвардигоро, беморларимизга шифо бер, парвардигоро, беморларимизга шифо бер...». Пиер ўзидаги ҳаяжон билан бақариб юборгуси келмакда, бироқ куч билан ўзини тўхтатиб турмоқда эди. У ўз ёнида турган санитарни ҳам нафрат ораси ғижингандек сизди. Ниҳоят бу томошани ижобий равишда кечирган Берто санитарларга кескин қилиб айтди.

– Хўп, етар, чиқаринг ўлукни!

Ўлукни сувдан чиқариб, замбилга ётқиздилар. Кийимлари

гарқ бўлганларникидек танига ёпишган, узун сочларидан сув оқиб турмоқда эди... Мархум илгаригича ўлук эди.

Ҳаммалари орадаги оғир сукунат ичида бирор дақиқа ўлукка қараб турдилар. Ундан сўнг ўлук устини ёпиб, кўтариб чиқиб кетдилар. Фурқад ота Массион отанинг елкасига осилиб, оғриқ оёғини зўрға-зўрға кўзгатиб ўлук орқасидан юрди. Унга илгариги тинч кайфият, руҳий очиклиқ келиб ўрнашган эди. Тоқатсизланиб, натижани кутиб турган халққа бақувват товуши билан деди:

– Қимматли биродарлар, ҳамширалар! Худо уни бизга қайтиб бермади, бергуси келмади, эҳтимолки, парвардигор ўзининг чексиз раҳмати билан мархумни ёрлақаб, ўзининг хос бандалари ичига қўшиб қўйган бўлса...

Шу билан иш тамом бўлди. Бундан сўнг номаълум мархум билан ҳеч ким қизиқмай қўйди.

РУМА

(Парча)

Пиер Фраскати вокзалига эрталаб соат 10 да етиб келди. Кардинал¹ Сангвинетти хузурига боришга ҳали вақт эрта эди. Аббатнинг бахтига йўлда граф Прада учрашиб қолди. У билан тоққа қараб йўл солдилар.

Иккаласи тоққа қараб кўтарилган йўл бўйлаб аста-секин бормоқда эдилар. Йўл усти унда-бунда боғчалар кўзга чалинмоқда эди. Аббатнинг Фраскатига кардинал Сангвинетти билан учрашиш учун келганлигини билгач, граф дўстлик изҳор қилган бўридек оқ тишларини кўрсатиб, кулиб қўйди.

– Шундай, папа оғриб қолгандан буён кардинал шу ерда. Бироқ сиз уни анчагина шошиб қолган кайфиятда учратасиз-да.

– Хўш, нима учун?

– Шунинг учунки, папанинг саломатлиги тўғрисидаги бу кунги хабарлар унчалак қаноатбахш эмас. Мен Румадан йўлга чиқаётган пайтда папанинг гўё кечани оғир ўтказганлиги хабари юрган эди.

Булар бораётган йўлдан бироз узоқроқда йиқилишга яқин турган бир эски бино бор эди. Бинонинг кўриниши илгаридан бирор попнинг ҳовлиси бўлганлигини айтиб турар эди. Иккиси бино ёнига етганда ичкаридан баланд бўйли, сермушак, дағал

¹ Кардинал – католиклар черковида энг юқори руҳоний рутба.

юзли қандайдир бир аббат чиқиб, эшикни икки допқир бураб, қулфлаб олди-да, йўлга тушди.

– Мана, – деди кулиб граф, – мана битталари, бугун юраклари тез-тез ураётган бўлса керак. У, албатта, сизнинг кардиналингиз ҳузурига янги хабар олиб бормоқда.

Пиер таажжуб билан аббатга қараб қолди.

– Мен буни танийман, – деди Пиер, – агар янглишмасам, келганимнинг иккинчи куни худди шу кишини кардинал Бокканер ҳузурида кўрган эдим. Кардиналга бир сават май соладиган мева олиб келиб, пичоқ билан киши ўлдуриб, қамоққа тушган кичик укасининг турмада ўзини яхши тутиш тўғрисида шаҳодатнома сўраган эди. Лекин кардинал шаҳодатнома беришдан тамом бош тортди.

Прада яна илгари юриб, ўзини қизиқтирган ҳалиги Сантобоно ҳақида сўзлаб кетди. Сантобоно ватанпарвар гарибалдист¹ хилидаги поплардан эди.

– Бу бутунлай кардинал Сангвинеттига берилган киши, – деди Прада, – нега десангиз, уни папанинг ўрнига номзод деб билади, унда Румани бутун халқларнинг пойтахти қиладиған улуғ папа ўрнини босади. Табиий, дунёда бир манфаатни кузатмасдан юритиш йўқ; балки бу одам муфтилик номини олиш томонидалар ёки жуда бўлмаганда, ҳалигидек укаси устига тушганга ўхшаш мушкулотлар остонасида ёрдам берадиган кишига муҳтожлар. Бу ерда ҳар бир кардиналга худди лоторейда ютуқ чиқадиған билетга қарайдиғандек қарайдилар. Агар бир кардинал папа бўлиб олса, демак, катта мулк-ашё ютулди, деган сўздир... Мана шунинг учун ҳам у, ўзингиз кўрганча, шошилиб бормоқда. Лев XIII ўладими, папалик тожини Сангвинетти ютиб оладими, у тезроқ билиб олмоқчидир.

– Агар башарти папа тахти бўш қолса, бу тахтни Сангвинеттининг эгаллашига эҳтимоллар борми? – деб сўради Пиер.

– Бор, эҳтимоллар жуда кўп! Бироқ ҳозир олдиндан бир нарса деб қўйиш қийин. Аммо шу мансабга илиниши лозим бўлган номзодлар ичида у, албатта, бор. Агар ёлғиз орзу билангина папалик тожини кийиб бўлса, у ҳолда, албатта, келажакда Сангвинетти папа бўлган бўлар эди. Ҳолбуки, у бу орзу билан кеча ва кундуз ёнади. Ҳатто папалик иштиёқи орқасида ўз-ўзига зарарлар ортидирганини унинг ўзи ҳам иқрор қилади. Шунинг учун ҳам у охириги

¹ Гарибалдист – Италия ватанпарвари (таржимон).

кураш кунида ҳар бир жонбозликка ҳам ҳозирдир. Шундай нозик бир вақтда унинг бу ерга келиши истироҳатда ётиш пардаси остида узоқдан туриб курашга яхшироқ раҳбарлик қилиш учундир. Шундай фурсатларда узоқда бўлиш аксар яхши таъсир берада.

Папа иккинчи марта хасталанганда, яъни баҳордан бери Сангвинетти доимо ўлум кутиб тургандек яшайди. Чунки иезуитлар¹ кардинал Бокканернинг номзодини ёқламоқчи эканлар. Унинг ўз томонига иезуитларни майл қилиш учун бўлган сўнгги найранги ўз яқинлари орқали «мен аён-ашрофлар усули идорасини қаттиқ ёқлаймангина эмас, балки бу ҳукуматни папа тахт идорасига қайтараман» мазмунли миш-мишлар бўлди. Ундан сўнг катта бир лойиҳа тузилиб, мазкур махфий равишда қўлдан-қўлга кўчиб юрди. Католикларга товуш бериш ҳуқуқини манъ этмаслик, уларга ўз номзодларини вакиллик палатасига қўйиш ҳуқуқи, илгари палатага юз вакил юбориш, ундан кейин икки юз, уч юз, охирда Савой монархиясини битириб, ўз олди-га алоҳида улуғ Италия музофотлари федерациясини тузиш, бу ҳукуматнинг бошида кучли давлат раис жумҳури сифатида янгидан Румани тасарруф қилган папа туради каби ён беришга ўхшаб кетган бандларини истисно қилганда, ўзининг ажойиб натижалари билан бу лойиҳа қатъий ғалабани таъмин қилар эди.

Пиер граф билан хайрлашган вақтда соат ўн бир бўлган эди. Кардинал хузурига бормоқчи бўлган Пиернинг қўлини ушлаб туриб, Прада деди:

– Агар мен билан бирга тушлик қилсангиз, мени жуда ҳам хурсанд қилган бўлар эдингиз... Хўпми? Бўшагач, менинг ёнимга келингиз, мен ана шу ресторанда сизни кутаман. Бирор соатларда ишларимдан қутулиб, сиз билан тушлик қилсам, жуда ҳам хурсанд бўлар эдим.

Пиер Сангвинеттининг боғига кириб, теразани ёнига борган эди, кутилмаганда унинг қулоғига кишиларнинг очиқ-ойдин сўзлашуви эшитилди. Пиер энгашиб қарагач, сўзлашувчиларнинг кимлар эканлигини билди. Қўшни балконда кардинал тик тургани ҳолда қандайдир бир аббат билан сўзлашмоқда эди. Аббатнинг уст кийимининг аллақайси қисми кўриниб турмоқда, бу кишининг Сантобоно эканлигини пайқади. Ёш аббат одоб сақлаб, бу ердан узоқлашмоқчи бўлган эди, у ёқдан келган бир товуш уни тўхтатиб қолди.

¹ Иезуит – мақсад йўлида қайтмайдиган монах.

– Биз ҳозир биламиз, – деди ўзининг йўғон товуши билан кардинал, – мен Евфемии Румага юбордим. Мен фақат шунга ишонаман. У мана шу поезд билан қайтса керак. Сантобоно ихтиёрсиз қичқириб юборди:

– Кароматмаоб¹ ҳазрат, сиз иш биласиз, ғалаба қозонишингизда шубҳа йўқ!

– Менми, биродар! Мен нима ҳам қилай, қўлимдан нима ҳам келсин. Мен фақат ўзимни дўстлар ихтиёрига ташлайман, шундай дўстлар ихтиёригаки, улар тахти муборак ҳурмати учунгина мени йўқласалар. Мана шулардан ҳар бирлари имкониятлари мусоида қилгунча, ноқобиллар йўлини боғлаб, қобилларга йўл очсалар, дейман-да... Оҳ, агар тахти муборакни дажжол эгаллаб қолса...

Бир неча қайта такрорланган дажжол сўзи Пиерга таажжуб туюлди. Лекин графнинг бу гаплари хотирга тушди: «дажжол – демак, бу кардинал Бокканер».

Шу вақтда поезд вокзалга келиб тўхтади. Вокзалга тушган йўловчилар орасида ёш бир аббатга Пиернинг кўзи тушди. Ёш аббат тез юриб борганликдан унинг жуббаси шамолга учмоқда эди. Бу ёш аббат ҳалиги зикр қилинган Евфемии бўлиб, кардиналнинг саркотиби эди. Сангвинеттини балконда кўргач, ҳамма камолатларини унутиб юқориға қараб югурди.

– Ана Евфемии келди! – деди кардинал ҳаяжонли ваҳима билан, – биз ҳозир биламиз, ҳозир!

Саркотиб кўздан ғойиб бўлиб, фавқулодда тезлик билан юқорига чиқди. Чунки унинг нафаси тиқилиб, кардиналнинг қабул уйидан кабинетга ўтганини Пиер кўриб турган эди. Кардинал ўз хабарчисини қаршилаш учун балкондан чиқди ва тезда хабарчиси билан балконга кирар экан, унга саволлар бермоқда эди.

– Шундайми, тўғри экан-да, бутун кечаси кароматмаоб бир дақиқа ҳам кўз юмалмаптилар-да... Сизга ўликлар гапириб бердиларми? Аммо кишилар учун бу касал жуда ҳам қўрқинч, бир-икки соат ичида ўлдириб қўйиши ҳам мумкин... Докторлар нима дер эканлар?

Жавобни Пиер эшита олмади. Кардиналнинг гапидангина мазмун олди;

– Докторлар ҳеч нарса ҳам билмайдилар! Агар улар сўзлашни тиламаган бўлсалар, демак, ўлуми яқин экан... Эй Худо, агар

¹ Кароматмаоб – каромат эгаси, авлиё.

унинг умри яна бир-икки кунга тортилмаса, ишимиз жуда ҳам чатоқ-да!

– Сўзингизнинг тўғрилигида шубҳа йўқ! – деди Сангвинетти Сантобонога қараб, черковларни қутқариш ҳақида ҳаракат қилиш керак... Ўзининг диний ривожини учун ҳаракат қилувчиларга – яъни бизларга ёрдам бермаса мумкин эмас. Агар бу кейинги дақиқада лозим бўлар экан, албатта, дажжолни маҳрум қила-жақдир.

Шу вақт Пиер биринча марта Сантобононинг товушини очиқ эшитди. У дағал товуш билан гўё ёввойи бир қарорга келгандек:

– Шубҳа йўқ, агар осмон кечикса, унга ёрдам беражаклар! – деди. Шундан сўнг ҳеч нарса эшитиб бўлмади. Пиернинг қулоғига гўнғурлаган товушларгина келиб турар эди.

Граф билан Пиер фақат кундуз соат бирда учрашиб, мазкур белгиланган рестораннын кичкина столида тушлик қилишга ўтирдилар. Ҳар иккисини ҳам ўз ишлари кечиктирган эди. Граф жуда ҳам хурсандга ўхшар эди; бугун бир ишқал ишни жуда ҳам осон битирган, аббат бўлса янги умид билан эски қайғуларини унутиб, кузнинг бу кунги очиқ, сўнги гўзал кунини нашъа билан кечирмакда эди. Рестораннын Ҳар вақт тўла бўладиган кўк ва пушти рангга бўялган золида ўтуриш жуда ҳам кўнгилли эди. Золнинг шипига солинган амур¹ учмоқда, деворлардаги расмлар эски Рума саройларини хотирга туширмоқда эдилар. Дўстларга янги таомлар, Фраскатида тайёрланган майлар берилди.

– Ҳозир соат икки ярим, соат бешга қадар Румага поезд йўқ, – деди Прада таом охирида, – биласизми, сиз нима қилишингиз керак? Мен билан коляскага ўтириб, Румага қайтасиз.

Пиер кўнмади:

– Йўқ, йўқ, сизга минг раҳмат! Мен бир дўстим билан кеч учрашаман, кечикишим мумкин эмас.

– Йўқ, сиз кечикмайсиз, билъакс! Биз соат учда жўнаймиз, бешдан илгари Румада бўламиз. Кун оққан пайтдаги сайр-саёҳатга ҳеч нарсанин кайфи етмайди, жуда ҳам маза қилиб кетасиз.

Графнинг ҳозирги хурсанд кайфиятини сўндирмаслик учун Пиер таклифга кўнишга мажбур бўлди. Яна бир соатни Рума, Италия ва Франция ҳақида суҳбатлашиб кечирдилар. Бир неча дақиқага Фраскатида кириб чиқиш учун кўзгалдилар, унда граф-

¹ Амур – муҳаббат гўзали.

нинг қандайдир бир пудратчи билан учрашадиган иши бор эди. Соат уч бўлганда, колясканинг юмшоқ ёстиғига ўтуриб, отни енгилча хайдаб, йўлга тушдилар. Дарҳақиқат Румага булутсиз ҳавода, кузнинг очиқ гўзал кечида поёнсиз Кампаний қирлари бўйлаб қайтиш одатдан ташқари нашъали эди.

Коляска Албания тоғларини орқада қолдириб борар эди. Ўнгда, сўлда, тўғрида, олдинда чаман ва экинзор денгизлари.

Бир вақт коляскадан қайрилиб қарар экан, граф қичқирди:

– Эй, ана қарангиз, бизнинг Сантобоно ҳам ўзининг мулки хосига қараб кетяпти... Унинг оёқ ташлашига қаранг-а, менинг отларим унга етиб олармикан?

Коляска унга яқинлашиб олгандан сўнг, Прада кучерга отларини астароқ хайдашга буюрди. Ўзи Сантобоно билан суҳбатга киришди:

– Салом аббат! Аҳволлари яхшими?

– Жуда яхши, раҳмат сизга!

– Қаёққа шошиб борасиз?

– Мен Румага бораман, граф.

– Румага дейсизми, шу қадар кеч?

– Кеч бўлса ҳам мен сиз билан бир вақтда Румага етсам керак. Мен узоқ юра оламан. Яёв юриш ақчанинг сақланишига ёрдамдир, граф.

У қадамини эскича ташлаб, фақат юзинигина унга қаратган эди. Бу учрашиш Прадани шодлантирган эди, астагина Пиерга айтди:

– Тўхтаб тулинг, бу сизга анча эрмак бўлади.

Ундан сўнг Сантобонога қаради:

– Агар сиз Румага бораётган бўлсангиз, бизнинг ёнимизга ўтулинг. Сизнинг учун бўш жой бор.

Сантобоно қистатиб ўтирмай, таклифга кўнди:

– Бош усти, раҳмат сизга!... Аравада бориш ботинканинг сақланишига ёрдамдир, граф.

Пиернинг граф ёнида ўтуришга қилган таклифига кўнмай, олдинги ўриндиққа ўтурди. Унинг қўлида кичкина саватчада усти барглар билан ёпилган май меваси борлигини кўрдилар. Отлар елиб кетди, йўл текис ва яхши эди.

– Ҳа, шундай денг-а, Румага бораётган эканлар-да? – деб уни сўзга тортиш учун граф яна савол ташлаб қўйди.

– Шундай, мен шу саватдаги мевани фаслнинг охирги хаза-

наги¹ қилиб, зотимаоб ҳазрат кардинал Бокканер ҳузурларига олиб бормоқдаман. Мен у зотга ваъда қилган эдим.

Сантобоно саватни тиззасига қўйиб, ажойиб зўр ва бақувват, сийрак кўриладиган қўллари билан уни ушлаб олди.

– Сизнинг ўз боғингиздан бўлса, ажойиб нарса бўлса керак! Болдек ширин бўлсалар керак... Румага қадар шу хилда қўлда ушлаб бориш машаққат эмасми? Саватни менга беринг, мен уни остимиздаги қутига жойлаштириб қўяй.

Сантобоно саватни ўзидан ажратгуси келмади.

– Раҳмат сизга, раҳмат! Саватни кўтариб бориш менга унчалик машаққат эмас, ҳозир жуда яхши бораман. Шу хилда борганда асло зарарланмай етса керак. – Сантобононинг ўз боғи мевасига бу қадар ҳарис қараши графга эрмак бўлди. Пиернинг тиззасини туртиб қўйиб, яна сўради:

– Сизнинг мевангизни кардинал ҳам яхши кўрар экан-да?

– Шундай граф, зотимаоб ҳазрат кардинал бизнинг мевага жуда ҳам ҳусни илтифот кўрсатадилар. У зот ўз боғчаларида умр кечирган вақтларида ҳам шу мевадан бошқасини емас эдилар. Бинобарин, зотимаобнинг кўнгуллари билгандан кейин, менга бу хизмат ҳеч нарса ҳам эмас.

Бироқ, Сантобоно Пиерга шубҳали назар ташлаб қўйди, граф уларни бир-бирисига тақдим қилишга мажбур бўлди:

– Бу киши ҳурматли аббат Фроман афанди, Бокканернинг саройига тушган, уч ойдан бери шунда туради.

– Биладан, биладан, – деди хотиржамлик билан Сантобоно, – мен анави бирда зотимаобга мева олиб борганимда бу кишини учратган эдим. Бироқ у вақтда мевалар бунчалик тўқун пишмаган эдилар. Мана булари жуда ҳам етилган.

Сантобоно қўлидаги саватга муҳаббат билан қараб олгач, худди сават қочиб кетадигандек маҳкам қилиб ушлаб олди. Орада жимлик пайдо бўлди.

Кампаний қирлари бўйлаб коляска елгандан-елиб бормоқда эди. Тўғрига қараб чўзулган йўл ниҳоятсиз каби кўринар эди. Қуёш уфққа яқинлашган сайин қирнинг асрий тўлқуни яна ҳам кўзга очиқ ташланмоқда: қир бўйлаб гоҳ нур, гоҳ соя, гоҳ яшил-пушти ва гоҳ кулранг-бинафша жилваланардилар.

– Маттео! – деди қичқириб кучерга Прада, – Рума остерияси² ёнида тўхтайсан!

¹ Хазанак – куз ҳосили қолдиғи.

² Остерия – ошхона.

Шундан сўнг ўз йўлдошларига қараб айтди:

– Мени авф этасизлар, мен бу ерда янги тухумлар топилади-ми, шуни билмоқчиман. Отам тухумни жуда ҳам яхши кўради.

Улар ошхона олдига етиб келдилар, коляска тўхтади.

– Муҳтарам аббат афанди, бир стакангина оқ май ичмайсизми? Мен сизнинг бироз мусалласчилигингизни биламан. Сизга бундаги май билан танишиб қўйиш зарар қилмас эди.

Сантобоно қистатиб турмай, у билан бирга коляскадан тушди.

– Мен бу ердаги майни биламан. Бу май Маринодан келган. У ернинг узуми бизнинг Фраскатига қараганда ориғроқ ерда ўсади.

Сантобоно графнинг энсасини қотириб, яна ўзи билан саватчасини кўтариб олган эди.

– Сават ҳозирча сизга керак эмас-ку, саватни коляскада қолдилинг.

Аббат жавобсиз бораверди. Пиер ҳам коляскадан тушмоқчи бўлиб қолди: оддий халқнинг ошхона ва майхонаси бўлган Италия остериясини кўрушга қизиққан эди. Чунки бу ҳақда кўп эшитгани бор эди.

Учовлари стол теварагига ўтуриб олган эдилар. Хурсанд граф стаканларни тўлдурга бошлади. Пиер ҳарчанд тушлик билан кундузлик овқат ўртасида ичолмаслигини узр қилиб кўрсатса ҳам, граф қулоқ солиб турмади:

– Бейй, қуйинг! Нима бўлганда ҳам биз билан уруштирасиз... А, аббат афанди, майи чакки эмас-а?.. Хайр, бемор ётган папанинг саломатлигига!

Бир кўтаришдаёқ стаканни бўшатган Сантобоно тилини танглайига текизиб қўйди. Эҳтиётлабгина ёнига саватини қўйди, ундан сўнг бошидан шляпасини олиб, чуқур энтикиб нафас олди. Кеч жуда ҳам яхши эди: ҳаво очиқ, соф эди. Оҳиста эсан шамол димоқда ўқтун-ўқтун қир ўланлари ва гуллар ҳидини келтириб урмоқда эди.

– Эй, Худойим, қудратингдан, бу ер жуда ҳам кайфли эканда! – деди ҳозирги кайфиятга мафтун бўлган Пиер, – тинчлик учун қандай боп жой экан, бунда дунёнинг бошқа ишларидан этак силкиб тинч яшаш мумкин.

Граф Сантобонога иккинчи стаканни қуйиб бериб, идишни бўшатди. Ҳозир унинг диққати бир нарсага берилган эди. Прада ёш аббатга кўзини қисиб бўлаётган воқеадан хабардор

қилиб қўйди. Икковлаб бўлаётган кулгили ҳолни таъқиб эта бошладилар. Бир неча ориқ товуқлар ўт ичида қурт излаб юрар эдилар. Улардан битта кичкинаси сават ёнига келди. Жуда ҳам яқинлашиб келгандан сўнг қўрқиб яна орқасига қайтди. Товуқ бўйнини чўзиб, бошини қийшайтириб, ўткир кўзини тикиб қараб қолди. Бироқ охирда нафси ғалаба қилди; мевадан бири барг орасидан кўриниб турган эди. Товуқ шошмасдан келди-да, тумшуғини чўзиб, ҳалиги мевани чўқиди, меванинг шираси оқиб кетди. Бу ҳолдан болаларча хурсанд бўлган Прада ўзини кулгидан тўхтатолмади.

– Ҳушёр бўлинг, аббат, мевани товуқ еб кетяпти!

Сантобоно ҳозиргина стаканни бўшатиб, кўкка қараб, кайф қилиб ўтирган эди. Ўрнидан сакраб туриб, саватга қаради ва аҳволни билди. Сантобоно жуда ҳам ғазабга келиб, ғайрат билан кўлини чайқаб сўкунди. Бироқ товуқ бунга қарамай, иккинчи марта чўқуди. Ҳалиги мевани оғзига олиб, қанотини қоқиб, югура кетди. Товуқнинг жуда ҳам шошиб қочиши Прадагагина эмас, Пиерга ҳам кулги туюлиб, хохолашиб кулиб юбордилар. Аммо Сантобоно аччиғланиб, товуқни қувлаб, мушт дўлайтирмоқда эди.

– Мен сизга саватни аравада қолдиринг демадимми? – деди граф, – агар мен айтиб қўймасам, меваларингизни товуқ еб қўйган бўлар эди.

Аббат жавоб бермади, алланарсалар деб дўнғуллаб, саватни стол устига келтириб қўйди. Илгари баргларни буёққа олиб қўйиб, меваларни бошқатдан терди, сўнгра баргларни яна ёпиб тинчиди.

Жўнаш вақти етган эди. Қуёш уфққа яшириниб, кеча яқинлашмоқда эди. Граф сабрсизлана бошлади:

– Тухумлар нима бўлди экан?

Ошхона бекаси кўруна бермагач, Прада уни излаб кетди. Отхонага, аравахонага кириб чиқди. Бекач йўқ эди. Мундан кейин граф уй орқасига ўтиб, ҳовлини қарамоқчи бўлди. Бундаги кутулмаган бир ҳодиса уни ерга михлагандек ҳайрон қилиб қўйди. Ҳалиги қора товуқ гўё яшин сўққандек ерда ўлиб ётмоқда эди. Унинг тумшуғидан ҳануз бинафша ранг қон оқиб турмоқда.

Биринчи кўришда граф ҳайрон бўлди. Энгашиб товуқни ушлаб қаради. Товуқнинг бадани иссиқ ва юмшоқ, гўёки латтадек эди. Балки уни офтоб ургандир. Аммо бирдан графнинг ранги қув ўчиб кетди. Бир ҳақиқат унинг кўзини очиб, сескантириб юборган эди. Яшин тезлиги билан Лев XIII нинг хасталаниши,

бу янги хабар билан Сантобононинг кардинал Сангвинетти хузурига югуриши, мана энди бир сават мева кўтариб, кардинал Бокканер хузурига келиши, унинг хотирасидан ўтиб кетди. У Фраскати йўлидаги папанинг яқинда ўлиб қолиши эҳтимоли ҳақидаги суҳбатни, тахтга ўтуриш эҳтимоли бўлган номзодни, афсонавий ҳикояни, ҳануз бутун Ватиканни ваҳимага солиб келган заҳар тўғрисидаги гапни эсига олди. Аббатнинг тиззасига корзинкасини олиб, худди ота ўз боласини эҳтиётлагандек, уни авайлаб коляскага чиқиб ўтирган каби сезди.

Прада ўз тахминларининг тўғрилиғига жуда ҳам ишонган эди. Аммо бу тўғрида қандай ҳаракат қилишни ҳали ўйлаб ҳам етмаган эдики, орқадан:

– Ие, бу бояги кичкина товуқ эмасми? Унга нима бўлган? – деган товушни эшитди. Товуш эгаси Пиер эди. Сантобон коляскага чиқиб ўтурар экан, бу ҳам ҳовлини айланиб шоҳи осилган қарағай остидаги бурунги водопровод қолдиқларини кўриб чиқмоқчи эди.

Прада гўё ўзини жиноят устида ушланган каби сезиб, чўчиб кетди. Ўзига ҳисоб бериб турмай, қандайдир бир савқи табиий остида ёлғонлай бошлади:

– Бечора ўлиб қолди... Ҳали хабарингиз йўқ, бу ерда катта уруш бўлди. Мен шу ерга келиб етганимда анови товуқ бунинг тумшуғидаги бояги емишни олиш учун бошига бир-икки қаттиқ тепди... Мана кўринг, ҳали ҳам қон оқиб ётади.

Нега бундай ёлғон сўзлади? Праданинг ўзи ҳам бунга ҳайрон эди. Балки бундаги манфур сирни ҳеч кимга сездирмай, бунда ўз тилагича ҳаракат қилмоқчимиз эди? Чет эл кишиси олдида виждонан азобланди. Чунки ўзининг жиблатида¹ бўлган зўрликка тамойил ҳисси унинг тўғри киши бўлиш принципига қарши бориб, аббатнинг жасоратига таҳсин ўқишга уни мажбур этмоқда эди. Бундан бошқа бу ҳақда яхши ўйлаб, ҳамма ёқни ўз манфаати нуқтасидан ўлчаб, сўнгра бунинг тадбирига киришмакчи эди. Дарҳақиқат, Прада тўғри, виждонли киши бўлиб, кишиларни заҳарлашга йўл қўймаслиқ тарафдоридир. Пиер ҳар нарсага ачиниб қараганидек, бунда ҳам тўсатдан ўз ҳаётидан ажралган товуққа ачинмоқда эди.

– Қани тезроқ чиқайлиқ! Энди биз Румага фақат кечаси бориб ета оламиз.

¹ Жиблат – жибиллат; фитрат, асл табиат.

Улар коляска ёнига келганларида, Сантобоно тинчгина уларни кутиб ўтурмоқда эди. Сантобоно яна олдинга ўтиб, саватини маҳкам ушлаб, ўтуриб олди. Сантобоно гўё саватда қимматли бир нарса бор каби, озгина эҳтиётсизлик ҳам саватга катта зарар келтиратургандек авайламоқда эди. Унинг жуббаси катта қора доғ билан ажралиб турар эди. Кучсиз, ерга берилиб ишловчи деҳқоннинг юзи каби дағал юзидан бир неча йил шаҳарда туриб, дин дарси ўқуб қайтган кишининг сиймоси кўринар, фақат унинг ёниб турган қора кўзларигина ундаги ҳирсдан хабар берар эди,

Прада уни шу хилда тинч ҳолда кўргач, ихтиёрсиз сесканиб кетди. Коляска тўғри йўлга тушиб, чопиб кетгандан сўнг, граф Сантобонога қараб деди:

– Хўш, аббат, фикримча, ичилган май сизни турли ёмон бад ҳаволардан сақлар. Агар папа бизнинг тилагимизча иш қилса, касалидан тузалган бўлар эди.

Прада бир қарорга келган эди: қоронғи обдан тушиб етгунча кутиб туради-да, шундан сўнг товушсизгина, саватни олиб, йўл устидаги чуқурликка итқитиб юборади. Бунинг маъносини Сантобоно тушунар. Фроман бўлса, эҳтимолки, орадан ўтган ишни пайқамай ҳам қолар. Башарти пайқаб қолганда ҳам, зарари йўқ. Лекин Прада ўзининг қилиғи тўғрисида ҳеч қандай маълумот бермасликка қарор берган эди. Графнинг фикрича, саватни Румадан бир неча километр бери Фруба дарвозасидан ўтиб бораётган пайтда отиб юбориш қарорига келгач, жуда ҳам тинчланиб олди. Чунки дарвоза ёнидаги зим-зиё қоронғилиқда иш сезилмасдангина ўтиб кетар, деб ўйлади...

...Йўлчилар дарвозанинг нариги томонига ўтганда, сават хануз Сантобононинг тиззасида эди. Ҳаяжонланган Прада дарвоза қоронғилиғида: «менинг қўлимни ким боғлаб қўйди» деб ўз-ўзига савол берди. Ҳолбуки, дарвоза аркига келиб киришда ўз қарорини амалга оширишга қатъий қарор берган эди. Шу мақсад билан саватни қўлимга қандай қилиб олай, деган ҳаракат мўлжалини ҳам кўзлаб қўйган эди. Хўш, уни нима тўхтатиб қўйди? Борган сайин уни иродасизлик ўраб олмоқда эди. У бирорта қарор устида тўхтаб туралмади, кўнгулга илгари ўзини бирор дуруст қаноатга келтириш, шунгача тўхтаб туриш хаёли келди.

Агар Дарио кетган бўлса, мева эртага ейилади, бинобирин ҳозир нега бунчалик ошиқиш? – Бугун кечқурун, – деб ўйлади граф, – унинг никоҳ аҳди бузилганми, ё бўлмаса Худо исми би-

лан кўқдан тушган никоҳ бузулмайди, деганларми, шуни билиб олмоқчи.

Албатта, у ҳеч кимни заҳарлашга йўл бермайди, ҳатто тирик юришига унчалик аҳамият бермаган кардинал Бокканернинг ҳам заҳарланишига йўл қўймайди. Бироқ Фраскатидан чиқиб келган Сантобононинг савати силжиётган тақдир эмасми? Шумоёқли тақдирни била туриб, ўз йўлига қўйиб бериш, олижаноблик даъвосида бўлган ҳар кишига маъқул ишми? Энди графда суч-мал рухий кураш бошланиб, бу ҳақда муҳокама қилмай қўйди. Кардиналнинг эшик остидаги почта қутисиға уйқуға кетмасдан бурун огоҳлантирилатурған бир хат ёзиб солмоқчи бўлган эди. Баҳарҳол, агар ўзига фойда томони кўринганда, қутиға хат сол-маслик ихтиёри ҳам ўз қўлида эканлигидан хурсанд эди.

Сантобононинг Бокканер саройига яқинлашганини, катта ва қадимий эшикларнинг ҳали очиқ турганини Прада ва Пиер кўра олар эдилар. Кўз юмиб очгунча унинг узун ва қотма сиймоси эшик ёнидаги қуюқ кўланкани ёриб кириб кетганини кўриб турдилар. Ундан сўнг Сантобонно қўлидаги тақдир савати билан кўздан йўқолди.

ЭВЕРГАРД АВЛИЁНИНГ КАРОМАТИ

Батсковдаги франтсискан¹ оталар ўзларининг муборак қўлларини узоқларға узатган эдилар. Узоқ кишлоқлардан бу ерга словакия деҳқонлари сафар қилиб келар, ўзларининг сахиёна ҳадялари билан монастир қозонини тўлдирар, кароматли Эвергард авлиёнинг хира суратига чўқуниб кетар эдилар. Бу авлиё словакларга жуда яқин, чунки Эвергард тирик вақтда Қиролнинг волийси бўлиб, словак ва бошқа майда халқларни жабрлаган, ҳабашлар устига ҳужум юришлари қилган, нумидислар ва бошқа мусулмонлар билан урушган кишидир. Ўлгандан кейин жанговар Эвергард авлиёлар қаториға киргизилган, чунки у:

Ўз қурсоқ ва кучини аямасдан муқаддас черковни от ва қилич билан динсиз ва даҳрийлардан сақлади.

Мазкур юқоридаги усул билан жаҳаннам йўлидан қайтарилган гуноҳкорларга бир неча монастирлар бино қилди.

Мусулмон ерларини талаб келиб, черков хазинасини бойитди. Уларга кўп катта ғаниматлар берди.

¹ Роҳиблар сулуки, бу сулукка кирган кишининг айниқса тамаъсиз ва фақир яшови лозимдир (*таржимон*).

Милоднинг 855-нчисида ўзини бичдирди.¹

Дехқонлар ҳамма вақт авлиё Эвергарднинг суратини зиёрат қилишга келиб турар эдилар. Номалум вақтлардан буён бутун округлардан зиёратчилар келиб, словакларга яқин бўлган авлиёнинг кароматли суратига чўқуниб, муқаддас монастирга пул берар эдилар. Узоқ вақтлардан буён франтсискан оталари авлиё Эвергарднинг суратини ҳурматлаб, ҳар бир бахт-соадатнинг манбаи деб қарар, дехқонлар бўлса, чўқуниш билан бирга ҳадя ҳам бериб турар эдилар. Бироқ зиёрат шу йўсун бориб турган фурсатда мудҳиш бир воқеа юз берди. Франтсисканларнинг Фриштедаги иккинчи бир монастирлари суратни қайтариб беришни талаб қилиб қолди.

* * *

Батсковнинг бош роҳиби Парегориус ота хафаланиб, ўз ҳужрасининг теразасидан ўрмон кўкатида қарар, ўзининг юзбошилик давридан қолган венгерча анвои сўкушларни эсига олар эди. Стол устида Фришт бош роҳиби бўлган Данилиус отанинг машъум хати турар эди. Пастда монастир боғчасида роҳиблар хурсандчилик қилиб юрар эдилар. Улар бепарво суҳбатлашар, боғбон маҳдум бўлса, «жон билан, тан билан хурсандлашамиз» ашуласини айтар эди. Маҳдумлар ҳали хат тўғрисида хабарсиз эдилар.

Алухи! – деб сўкинди аббат, яна хатни қўлига олар экан, – жонланиб қолибтилар-да. Сизларга мен ҳали навбатдан ташқари рўза тутдираман, менинг ҳузуримда карамга минарсиз, бибининг чархига!

* * *

Нафсиламир, тўғриси айтганда, авлиё Эвергарднинг сурати Фриштов монастирига тегишли эди. Қиролича Мария-Тереза вақтида суратни роҳиб Еремия ўғурлаб келган эди. Еремиянинг оғаси ва ўша ернинг бош роҳиби бўлган Сезар ота гусарский полкининг баққоли бўлган хотун билан алоқа боғлаб, бир неча вақт ўтгандан сўнг мазкур хотун Еремияга кўнгил берган, аммо зотимаоб ҳазрат Сезар ота мағрур бўлган эди. Бинобарин, Сезар ота Еремияни қамаб, фақат нон, сув билан боқиб, черков жазоси ўлароқ епископ Кемпенскийнинг йўғон муқовалиқ «Саодатли

¹ Эрлигини йўқотди (таржимон).

ва ҳаққониятли йўлга тарғиб» исмли таълифини ёд олишга буюрган эди.

Анвои саховатга ўрганган Еремия махдум катта китобнинг биринчи жилдини ҳам ёд олмасдан туриб, бир кечаси бу атрофда жуда ҳам катта шуҳрат қозонган Эвергард авлиёнинг суратини олиб, монастирдан чиқиб қочди. Эвергард авлиё суратидан бошқа аббатнинг қутисидаги тўрт юз кумуш талерни ҳам урган эди. Суратни эскифурушга сотиб, ўзи Туркияга ўтиб кетди, Туркияда ислом динини қабул қилди.

Авлиё Эвергарднинг сурати кўп черковларни саёҳат қилди, ўша бесаранжон вақтларда сурат бир жойда узок тўхтолмади. Черков ўғрилари уни қўлдан-қўлга сотар эдилар. Охирда сурат граф Бартачу Этуалнинг қўлига тушиб, граф суратни Батсковдаги франтсисканларга ҳадя қилди. Бундай ҳадя франтсисканларга хазина бергандан ҳам ортиқроқ эди, чунки сурат катта реклам хизматини бажарар эди. Ҳозир эса Фриштовнинг янги бош роҳиби мана нималарни ёзади:

«Бисмиллаҳир-рахмонир-рахим!

Зотимаоб ҳазрат! Монастиримизнинг мулки тўғрисида ёзганимга аччиғланма. Сизнинг монастирингизда бизга тегишли бўлган Эвергард азизнинг сурати бор, муборак архивимизда ёзилганига қарағанда, мазкур муборак сурат 1715 йилда, Эмилиус аббатлик лавозиматини адо қилган йилларда монастиримизга ҳадя қилинган экан. Аммо аббат Сезар вақтида ҳазрати олий Мария-Тереза салтанатларида сурат Еремия исмли роҳиб томонидан ўғурланган экан.

Черков мулки муборак ва муқаддасдир. Бинобарин, мен умид қиламанки, сен баланд мақом ҳазрат, мендан юқорида айтилганларнинг тўғрилиғига тегишли шаҳодат ва ҳужжатларни олиб, суратни бизнинг монастирга топширасан, деб умид қиламан.

Оллоҳ сени ўз паноҳида асрасин!

Аббат Данилиус, авлиё Франтсиска сулуки Фриште».

Бундай дағал ёзилган хатдан ким ёрилиб ўлмасин!

* * *

Парегориус ота кечгача хафа бўлиб юрди. Баҳона топиб махдумлардан койиди, роса жазоларини берди, тавба қилдирди, намоз ўқутди, кеча ва кундуз унинг кўз олдида, авлиёнинг хира

юзи ўнган ва туманли бўлиб гавдаланган эдики, унда аниқлаш мумкин бўлган бир нечагина норавшан жойлари бор эди.

Роҳиблар даража ва фазилатларига қарамай, кўнгилсиз хабар билан хафаланиб, тўғри келганча дуо қилар, ғазал ўқур эдилар. Бу нима деган гап? Кароматли суратни олиб кетадилар! Диндорларни ўзига жалб қилиб турган шундай суратни-я. Худотарс кишилар сурат учун назр-ниёзни аямасдилар. Даромад нолирлик эмас. Оғил тўла ҳайвон, қушлар катаги анвои қушлар билан зич. Монастир моллари Тематинга қадар ёйилган. У ерда қанча қуён, кийик, каклик ва бошқа анвои махлуқлар югуришиб, сакрашиб ётадилар. Иқтисодчи махдумлар булардан ўнларча турли ошлар пишира оладилар...

Мана энди суратни бошқа роҳиблар олиб кетсалар, байрам бегона кўчага ўтган бўлади. Тоғдан тушиб келадиған зиёратчилар, энди бунда тўхтамайдилар, тўғри Фриштга қараб йўл соладилар...

«Фоний – фонийдир, ҳар нарса ҳам фоний. – Абадий саодат борлигини унутиб, шаҳвоний ишларга берилиш – фаноликдир». Роҳиблар ярим кечагача юқоридағи жумлани муҳокама қилишдилар ва охирда, «Рўза тутиб, намоз ўқиш билан қорин тўйдириб бўлмади» деб иқрор қилдилар.

Мана шу кейинги ҳақиқат уларни гаранг қилди. Семиз тўнғузчаларга, товуқ ва ғозларга қараб, улар Фришт мактубини эсларига олдилар-да, дунёда баъзи талабларга итоат қилмаслиқ ҳам мумкин, деб ўйлашдилар.

Бир кун Парегориус ота столга мушти билан бир урди-да, рўзани очишга ва чўчкадан ўн иккитасини сўйишга буюрди. Қорнини бўғзиғача тўлдуриб, черков майидан тўйгунича ичиб, айтди:

– Авлиё Эвергардни бермайман дедим, бермайман! Қани, ўша Данилиус келсин-чи!

* * *

Узоқ ўтмай, Фриштан аббат Данилиус етиб келди. Муборак оталар самимий кучоқлашиб кўрушдилар, катта зиёфат бўлди. Черков мавзуида суҳбат қилдилар. Данилиус ота тўфон вақтида сувнинг баландлигини 17000 фут¹ эди, деди.

Парегориус ота май билан анча қизишиб қолган эди, физика қонуни билан ҳам ҳисоблашиш керак, зеро, физика ҳам Худонинг буйруғи, деди. Данилиус эса, Худо ерни тамоман

¹ Фут – 30.5 сантиметрга баробар ўлчов.

физиканинг акси билан яратди, деди. Бу собиқ юзбошилиқ хизматида бўлган Парегориус ҳиқиллаб олди ва охирда Ернинг яратилишини ва аскарий юриш каби қилиб: бир, икки, уч билан яратилди-қўйди, деган фикрни айтди. – Шу ривоят тўғри, нафси-ламир гап шу, ҳазрат! – деди ва давом қилди. – Аммо ҳақиқатга келганда бошқасини қўятуриб, ҳозир ичиш керак зотимаоб.

Улар яна қадаҳларини уруштириб олдилар, аммо ҳамон сурат тўғрисида лом-лим демасдилар. Ниҳоят узоқ ошдан сўнг Фришт аббати Парегориуснинг ётоғига кирди, ва мана шу ердагина сурат устида гап очди.

– Жуда яхши гап! Зотимаоб, – деди май билан қизишган Парегориус, – тўғриси шуки, сен биздан суратни ололмайсан.

– Йўқ, оламан, ҳазрат! – деди Данилиус.

– Олишга оласан-у, лекин суратни эмас, анжирни!

– Зотимаоб, мен сурат учун келганман.

– Зотимаоб, суратсиз қайтиб кетасан.

– Бу муттаҳамлик, сурат бизники! – деди аччиқланган Данилиус.

– Ўзингни одоблироқ тут, зотимаоб, бўлмаса, қулоғингнинг тагига шовла қайнатаман.

Данилуис йўлакка югуриб чиқди ва қичқирди: «Отларни келтир!»

Ярим соатдан сўнг ўз уйига қайтиб кетди.

Иккинчи кун мастликдан кўзи очилиб, мукамал бир шикоятнома ёзди. Шикоятномада сурат тарихини ва ўз даъвосини кўрсатди. Шикоятга ҳужжатларни, шулар қаторида Галла-де-Элементнинг ҳадяномасини бирга қўшиб консисторияга (маҳкамаи рухонияга) юборди. Бир ойдан сўнг жавоб қайтди: Фришт монастирининг даъвоси тўғри! Батсков монастири бош роҳиби «суратни берилсин» деган қатъий буйруқ олди. Епископнинг ўз иштирокида авлиё Эвергарднинг сурати олиниб, дуо ва ихлос ила аравада тантана билан кутиб ўтурган Данилиусга топширилди.

Роҳиблар йиғладилар. Хазиначи отанинг ҳозирги ҳолига тошқўнгиллар ҳам эрир эди. Уларнинг ҳаёт гулларини олиб кетаётган отлар туёғи остига ўзини ташлаб, босилиб олмакчи эди, аранг тўхтатиб қолдилар.

Эзилган Парегориус уч кунлик рўза эълон қилди ва бир ҳафтагача кечалари ухламасликка буюрди. Ота гўё қутурган эди, кечки фақирона таомдан сўнг роҳибларга деди:

– Мана кўриб турасизлар, авлиё Эвергард яна бир каромат кўрсатади, бу кароматдан Фришт валадизинолари қутула олмаслар!

* * *

Сурат соғ-саломат етказиб келинди. Уни қарши олиш учун мактаб болаларини беш километр ергача олиб бордилар. Шаҳарга яқинлашгандан сўнг хоксор аббатнинг ўзи аравакашлик қилди, шу йўсинда арава монастирнинг гуллар билан безалган дарвазасига келиб кирди. Қўнғуроқлар чалиниб, тантана билан сурат жомеъга киритилди, дуо қила-қила ва рўза тута-тута шу улўғ ҳодисани кутган роҳиблар озгина хурсанд бўлмадилар.

Мана, ўзининг тарихи сингари қоронғи ва хира сурат меҳроб устига жойлаштирилди. Аббат Данилиус авлиё Эвергард шарафига атаб, олиймақом епископга ажойиб зиёфат берди. Ихлос ва эътиқод билан яхши сийлангандан кейин, епископ аббатга деди: «Демак, авлиё Эвергард янги ихлосмандлар кўлида. Шу муносабат билан бир рассом томонидан сурат янгиланса, зарар қилмас эди. Уни ювишга буюрингиз. Мен сизга рассомнинг адресини берай, бутларни жуда ҳам яхши тузатади. Сизнинг Эвергардингиз жуда ҳам янги бўлади. Мана кўрасиз!»

Монастирга Вена шаҳридан бутларни янгилайтурган Готхард номли моҳир уста чақирилди. Рассом йиқилиб кетмасин деб, сурат олдиға ёғоч қўйиб, каноп тортдилар.

– Хўш, қалай? – деб сабрсизланиб сўради аббат.

– Эртага тайёр бўлади.

Эртаси тушлик овқатдан сўнг уста Готхард: «сурат битди, худди янгидек бўлди», деб эълон қилди. Роҳиблар бошда аббат бўлгани ҳолда янгиланган авлиёни кўришга келдилар. Сурат устидан каноп пардани кўтардилар, рассом сиркага ботирилган булут парчаси билан сурат устини суртиб чиқди. Данилиус ота суратга кўзи тушуши ҳамано қичқириб юборди ва ҳушдан кетиб йиқилди.

Авлиё Эвергард ўрнида унга ложада чўзилиб ётган яланғоч авлиё Катерина қараб турар эди.

Ҳозир сизга Батсковдаги монастир черковида бўш турган жойни кўрсатадилар, у ерга:

«Авлиё Эвергард кўкка кўтарилди» деб ёзиб қўйилган. Бунда сиз авлиё Эвергарднинг кароматига лойиқ бўлган қиз воқеасини

эшитасиз. Авлиё Эвергард сирли равишда келиб, бундан сўнг қайтиб келиш фикрим йўқ, деган эмиш. Батсковда ҳамон эскича туркум-туркум зиёратчилар келиб турадилар, улар фриштлиларга: Худо бутдан маҳрум қилган фриштлар, деб изҳори нафрат қиладилар.

МАРК ТВЕН

(1835–1910)

ДАБДАБА ВА ТИЛАНЧИЛИК

Италияда минглаб черковлар бор, булардан ҳар бири ўз омборида ҳисобсиз қимматли ашё хазиналарини сақлайди. Ҳар бир черков ёнида тўйдирилиши лозим бўлган бир тўда поплар яшайди. Бундан сўнг черков мулклари бошланиб, хазинага бир тийин солиқ тўламайдилар, аммо черковларга зўр даромад берадиган поёнсиз маҳсулдор ерлар, италия бўйлаб катта ўрмонлар келади. Баъзи катта округларда бутунлай деярлик ер-мулк, сув, ўрмон, фабрика ва тижоратхоналар черковларникидир. Бу ерда сотувчи руҳонийлар, олувчи руҳонийлар, мол ишлатиб чиқарувчи яна бир гуруҳ руҳонийлар бор, булар бир тийин солиқ тўламагандан кейин, булар билан ким ҳам рақобат қила олсин?

Венецияда ҳозирги вақтда юз минг аҳолига икки юз минг руҳоний тўғри келади. Парламент руҳонийларнинг сонини қисқартгунча уларнинг ҳисоби ёлғиз Худогагина маълум эди. Бу ерда иезуит сулукига мансуб бир черков бор, эски урф бўйича бу черковда 60 нафар поп хизмат қилар эди. Ҳукумат булардан бештасини қолдириб, қолмиш эллик беш нафарини қисқартди. Бу черков атрофи, туташ¹ йўқсуллик ва тиланчиликдан иборатдир. Черков эшигида йигирмалаб ёш-яланг, ёрдамга қўл узатган тиланчилар биз тушунмаган бир чет тил, бир ифода билан садақа сўрар эдилар. Уларнинг ҳазин нигоҳлари, суякка бориб ёпишган юзлари, йиртиқ кийимлари ҳеч қандай сўзсиз ҳам аҳволини тушунтириб турарди. Биз черковга кирдик, гўё бизнинг кўзимизга бутун дунёнинг бойлиги ташланган каби бўлди. Бир бутун мрамрдан ишланган, бошдан-оёқ зумрад нақшлари билан безалган баланд устунлар, қимматли тошлардан ясалган минбарлар, уларнинг тош нақшлари, тўқимачилиқ санъатидаги нафис, ингичка ишларни хотирга туширади. Ҳақиқ тошидан кўзни жимирлаштирарлик қилиб ишланган яшил зумрад ва

¹ Туташ – узлуксиз, доимий.

бошқа қийматли тошлар билан зийнатланган бош мехробдаги кўп ранго-ранг асл тошларни исмлашдан ожиздирмиз; девор тошидаги баҳосиз нақшлар, ҳар томондан кўзга ташланиб турган лапс-зумрад тошлари, гўё черков шу тошлар парчасидан қурулган каби, саҳни ўраб олган черковнинг ашёлари мақомидаги олтин ва кумуш асбоблар ҳалиги шукуҳлар олдида гўё бир темир-терсак каби кўринади. Ҳатто черковнинг саҳни билан шипи ҳам аллақанча бойлик ҳисобланса мумкин.

Лекин мамлакатнинг ярим халқи очлиқдан нима қилишини билмай, ош сўраган бахтсиз гавдасини қаёққа ташлашни ўйлаб чорасини тополмаган ҳолда бу шаъну шавкатнинг, бу бойликнинг қандай маъноси бўлсин? Халқ ўз устига тушган солиқни тўлаёлмаган, ҳукумат фақирликдан чўккалиб қолган бир фурсатда, юз миллионлаб франкни черковнинг фойдасиз чордеворида ташлаб қўйиш, қандай мантиққа сиғсин. Ўн беш асрдан буён Италия халқининг ярмисини шу дабдабали, лекин ҳеч бир фойдасиз черковлар остига кўмиб, ўзининг бутун кучини, бутун бойлигини ва бутун саноатини шу черковлар биносига сарф қилди. Ҳозирги вақтда бу дабдабали черковлар камбағаллик ва тиланчиликнинг муҳташам ҳайкаллари бўлиб турмоқдалар. Америка ўзининг бутун черковлари билан кўшулиб бирлашганда, Италиянинг қийматли эски-туски йиғилган юзта черковидан бир черковининг баҳосига етолмайди. Аммо Американинг бир тиланчисига Италияда юзлаб дунёда кўрулмаган чувринди-тиланчи тўғри келади. Италия бутун дунёда жуда ҳам шукуҳлик, шунинг билан бирга жуда ҳам фақир бир мамлакатдир.

Флоренцияда солинган жуда ҳам улуғ ва муҳташам жомеъга қарангиз, бу жомеъ беш юз йил ичида ўз фуқароларининг чўнтақларини тамоман қуритса ҳам, ишланиб битмагандир. Мен ҳам бошқалар каби бу муҳташам жомеъ қаршисида таъзимга мажбур бўлсам-да, бироқ мени сириб олган теварагимдаги ифлос ва қашшоқ тиланчилар ўз тафовутлари билан менга бундаги ҳолни очиқ ифода қилмоқда эдилар. Бу ҳолда мен айтдим:

– Эй улуғ ва қадимий Италиянинг ўғиллари! Ҳақиқатан ҳам сиздаги басират, ўзаро ёрдам, олийжанобликнинг ирода ҳислари қалбларингизда сўниб кетдимиз? Нега сиз бу муҳташам фойдасиз черковларингизни талон ва торож қилмайсиз?

Бу жомеъга уч юз нафар бахтли, ҳаётдан рози, тўқ поплар хизмат қилмоқдалар.

МУҚАДДАС ИНКВИЗИЦИЯ РОҲИБЛАРИНИНГ ҚИЗИҚ НАЙРАНГЛАРИ

Петр авлиёнинг мақбарасида кўп қизиқ ҳолларга кўзингиз тушади. Оёғимизнинг остида каби бўлган бу гумбаздан кўп нарсани кўрамиз, бу гумбаз бир вақтларда инквизицияга мансуб эди. Бироқ замон шу қадар ўзгариб кетдики, эски даврни ҳозиргиси билан тенглаштираб бўлмайди! Бундан ўн етти, ўн саккиз аср бурун яшаган румолилар, бирор кишининг насронийликни қабул қилганини сезиб қолсалар, мазкурни тутиб келтириб Колизей¹ биносига киргизар ва ҳалиги тутиб келтирилган киши ёнига ваҳший ҳайвонларни қўйиб юборар эдилар. Бу насронийликни тарқатувчиларга ва насронийликни қибул қилувчиларга қарши ўзига хос кураш йўли эди. Бу ҳолни томоша қилганлар насронийликка ва Исога нафратланиб қолар эдилар. Йиртқич ҳайвонлар кўз юмиб-очгунча қурбонни пора-пора қилиб, жонсиз гўшт ҳолига айлантирар эдилар. Бироқ, насронийлар ғалаба қозонгач, муқаддас черков ваҳший халқлар устидан ҳукмронликни бошлагач, уларнинг хатоларини бутунлай бошқа бир тарзда кўрсатди. Черков уларни ювош ва ҳалим инквизицияга² ҳавола қилди, ўзининг марҳамат, гуноҳқорларга шафқат ва нажот берувчи эканлигини кўрсатиб, ваҳшийлар кўнглига ўз муҳаббат ва эҳтиром уруғини экиди; илгари уларнинг аъзо бўғинларини қайириб синдираар эди, ундан кейин ўтда қиздирилган омбурлар билан – чунки бу совуқ кунларда ҳузурлироқ бўлар эди – уларнинг танларини юлқур, ундан сўнг титилиб, йиртилган тан этларини шилиб, тунаб, охирда халқ олдида ўтда куйдураар эди. Черков ҳамма вақт ваҳший халқни қаноатлантиришга уста ва моҳир эди. Бу йўсин билан халққа қаноат, имон тарқатувчи бўлган марҳаматли черков жуда ҳам одамбахш эди. Одам этлари билан ваҳший ҳайвонларни тарбиялаш ва ёввойи халқлар кўнглига инквизиция усули билан яхши ҳисларни ўрнатишда катта фарқ бордир. Биринчиси, қўпол ёввойилар усули, иккинчиси – маърифатли, маданиятли халқ системи. Шуниси таассуфлики, инквизиция энди давом этмайди!

Петр авлиёнинг жомеъини тасвир этмасликни мен маъқулроқ кўраман. Чунки бу жомеъни мендан илгари тасвир этган-

¹ Колизей – қадим Румада зўр йиғин жойи (*таржимон*).

² Инквизиция – XIII аср бошларида католик черкови томонидан тузилган ва черков душманларини бераҳм суратда таъқиб қилган суд-полиция ташкилоти.

лар. Исо шогирди бўлган Петрдан, ер ости маъбадида¹ – ғорда қолган ёдгорлар бор. Биз эътиқод билан бу ерда бир неча вақт қолдик. Петр авлиё маҳбус бўлган аскарларни имонга келтирган ғорда – қоронғилиқда ҳам бўлдик. Ривоятларга қараганда, шу ердан каромат билан сув ҳам чиқарилган. Петр авлиё йиқилганда деворга тушиб қолган юз акси деб, девордаги бир расмни кўрсатган эдилар. Бироқ биз ишонқирамадик. Шунга ўхшаш Себастьян азизнинг черковидаги роҳиб Петр авлиёнинг оёқ изи деб тош устидаги бир изни кўрсатганда ҳам биз ишонмаган эдик. Бундай нарсалар ҳар кимни ҳам ишонтиравермайди. Кечаси фаришталар келиб Петр авлиёни зиндондан қутқарганларини, Петр Румодан чиқиб, Аппиев йўли билан кетганлигини роҳиб ҳикоя қилди. Йўлда Исо алайҳиссалом учрашиб, қайтишга буюрган ва Петр қайтган. Шу учрашиш вақтида тўхтаганда Петрнинг изи тош устига тушиб қолган. Бу учрашиш ва суҳбат кечаси, танҳоликда воқеъ бўлганликдан бу изнинг чинлаб Петрники бўлганлигини қандай ва кимнинг шаҳодатида тасдиқлаб олганликлари маълум эмасдир. Зиндон деворидаги расм оддий киши юзи миқдорида бўлиб, аммо оёқ изи баҳайбат кишига мансуб эди. Бу мутаносибсизлик бизнинг эътиқодсизлигимизни кучайтмакда эди.

РОҲИБЛАР ҒАРОЙИБОТИ

Неаполда Януария авлиё қонининг суюлиш ғаройиботи фақат Италияда жуда ҳайратда қолдирарлиқ диний алдовлардан бирисидирки, бундай эътиқод ҳануз сақланади ва ҳимоя қилинади. Поплар ҳар йил халқни икки марта жомеъга йиғиб, бир идишдаги қуюқ қоннинг оҳиста суюлганини кўрсатадилар. Бу бемаъни иш саккиз кун давом этади, бу орада руҳонийлар кўрсатган томошалари учун ҳақ йиғиб оладилар. Биринчи кун қон қирқ етти дақиқада суюлади. Чунки биринчи кун черковга халқ кўп йиғилган, уларнинг ақчасини йиғиб олиш учун анча вақт керак. Биринчи кундан сўнг қон аввалгига нисбатан тезроқ суюла бошлайди. Чунки кундан-кунга халқ озая бошлаб, саккизинчи кун мўъжизани кўришга йиғилган йигирма-ўттуз киши учун тўрт дақиқа ичида суюлиб қолади!

¹ Маъбад – ибодатхона.

Бунда яна бир тантанали диний намоиш борки, ҳар йил бир марта поплар иштирокида халқ, аскар, матрослар, шаҳарнинг катта мансабдорлари салб юруши қиладилар. Модали магазинларнинг ойнасига қўйилган, яхши кийинтирилиб безалган қўғурчоқни, яни Мадонна – Марям онанинг ўсган сочини қисқартиш маросими ижро этилади. Бу тантанали соч қисқартиш бундан тўрт ёки беш йилларгина илгари манъ этилди. Бу тантана черков учун катта даромад аҳамиятига эга бўлиб, черков томонидан ишланган қўғурчоқнинг сочини қисқартиш маросими бутун халқ томонидан улуғ шукуҳ ва байрам билан ўтказилар эди. Маросим қандай кўркамли ҳозирланса, халқ ҳам шу қадар кўп йиғилиб, даромад ҳам шу нисбатда ўсар эди. Бироқ папа ва унинг таъвинлари¹ Неаполдаги илгариги обрўларини йўқотғач, шаҳар идораси ҳам Марям она сочини қисқартиш маросимини манъ этди.

Мана, неаполлилар учун жуда ҳам намунали бўлган етти турли, аммо аҳмақона алдовки, бунга ярим халқ соддаларча эътиқод билан ишонар, аммо халқнинг иккинчи ярми ҳам ишонар ёки ишонмаганда ҳам бу алдов тўғрисида сукут қилар ва шу йўсин алдамчиликни ҳимоя қилар эди.

¹ Таъвин – ёрдамчи.

ЭСА ДЕ КЕЙРОШ

(1845–1900)

ПАТЕР АМАРУНИНГ ЖИНОЯТИ

(Парча)

Аббат ўзининг туғилган кунини қаршилаш тантанаси учун бир неча дўстларини уйига таклиф қилган эди. Орада чўтир юзли сафромижоз, қув кўзли ҳазрат Наталиу ҳам бор эди. Уни «илон тилли» деб атар эдилар. У қариндошидан қолган иккита етимни тарбиялаб келар; шунинг билан аксари махтаниб, уларни «менинг боғимнинг икки гули» деб атар эди.

Маҳкамаи руҳониянинг поплари орасида жуда ҳам дағал ва соғлом саналган ҳазрат Бриту ҳам бор эди. Бош роҳиб афсоналардан олиб унга «Немей арслони»¹ деб ном берган эди.

Унинг боши жуда ҳам катта ва сочи қошиға қадар чувалиб, тўзғиб тушган, қуёшда куйган юзида жуда ҳам тоза қирилганликдан зоҳир бўлган кўкимтирлик; хахолаб кулган вақтда жуварини кўп ейиш орқали ортиқ оқарган майда тишлари кўриниб кетар эди.

Стол атрофига ўтурганлари фурсатда чарчаган Либаниниу келиб қолди. Унинг сочсиз бошидан тер чиқиб турар эди.

– Бироз кечикканлигим учун мени кечирингиз, болаларим, – деди ўткир товуши билан у. – Искит она черкови ёнидан ўтиб келмоқда эдим, ҳазрат Нуниш ваъз айтиб турган экан, ваъзга эриб кетгандек бўлдим, жуда ҳам ҳузурланиб келмакдаман, болаларим!

Оғир табиатли хоним – аббат бекаси – Жертрудиш катта идишда товук шўрва келтириб қўйди, Либаниниу унга ҳазил қила бошлади:

– Эй жоним, Жертрудиш! Сенинг кимни бахтли қилишинг менга маълум.

¹ Юнон мифологиясидан бир шер исми (таржимон).

Қишлоқи кампир соддагина кулиб қўйди, кулгидан унинг зўр кўкраги ларзага келди.

– Сизлар ҳали қараб турунглар, бугун менга қандай ширин сўзлар айтар экан!

– Эй, жоним қиз! Хотунлар пишган нокдек бўлишлари керак. Мана шундагина уларни еса бўлади!

Поплар кула-кула стол теварагига ўтиришдилар. Шўрва аббат томонидан пиширилган эди. Шўрва ичилиб битгандан сўнг, махтов бошланди:

– Жуда ҳам мазали шўрва! Бундан яхшироғи жаннатда ҳам бўлмас. Офарин шўрвага!

Махтовдан рози бўлган аббат кулиб қўйди. Либанини у иштаҳа билан овқатланар экан, бемаъни ҳазилларни қилмоқда эди:

– Жертрудиниу, қизил олмам, сен менга ундай қарама, бутун вужудимни ост-уст қиласан!

– Бу одам эмас, шайтон! – деди хотун, – бунга бир бало бўлганми! Агар сўзларинг рост бўлса, ўттуз йил кейин мен билан сўзлашиб қара-чи, биз сенинг сўзларингни ростлигини шунда биламиз!

– Ох, жоним қиз, сен бундай сўзларни оғзингга олма, билъакс ҳушим бошимдан учади.

Поплар кула-кула ичаклари узилаёзди. Ҳазрат Бриту кийим тугмасини ешиб, ичидаги Қувила¹ мўйнасидан ишланган, кўкрагига кўк ип билан салиб расми солинган кенг кўйлагини очди.

Эшик олдида «шайъан лилло»² сўраб бир гадой келди. Жертрудиш унинг тўрвасига бир бурда нон ташлади, поплар шу вақтларда қишлоқлар бўйлаб изғишган гадойлар ҳақида сўзлай бошладилар.

– Бу ерларда фақирлар кўп, фақирлар жуда ҳам кўп, – деди ҳалим аббат.

– Фақирлар кўп, ундан ҳам ялқовлар кўп, – деган жавобни берди ҳазрат Наталиу.

Чунки у кўп боғларга хизматчи тополмаганларни билар, шунинг билан бирга ишласа, тоғни талқон қиладиган, аммо ўзи эшикма-эшик юриб, «шайъан лилло» сўровчиларни кўп учратар эди.

¹ Кувила – Португалиянинг Бейра вилоятидаги сукнолари билан машҳур шаҳар.

² «Шайъан лилло» – Худо йўлига бир нарса.

– Йўқ, ҳазрат Наталиу, дарҳақиқат, тиланчилар бор, – деди иқрор қилиб аббат, – менга ўзлари гўё тўнғуздек қуруқ ерда ухлаб, ўт еб, тириклик қилувчи оилалар маълум, хотуни, беш боласи ўт еб яшайдилар.

– Ҳа, бўлмаса улар нима есин? – деди муфти Диаш, – нима сен уларни ноз-неъматли стол ёнига ўтқузмоқчимисан? Ҳар ким ҳам Худо тақдир қилган ризқини ейди.

Ҳалим аббат сочиқ билан қорнини ёпар экан, ёввошгина қилиб:

– Фақирлик Худонинг энг севган нарсаси! – деб қўйди.

– Ҳай, болаларим! – деди Либаниниу аламли оҳангда, – агар ер юзидаги халқ фақир бўлса, бутунлай Худога етишган бўлар эди.

Падри Наталиу камбағалликнинг бош сабаби ахлоқсизлик деган мазмунда ваъзнамо сўзга киришди.

– Бу тўғрида сўзламаган ҳам яхшироқ, – деди мунгганиб аббат, – ҳатто шу бизнинг қишлоқда ҳам ўнлаб ўзи эрга тегмаган, аммо ҳомиладор қизлар бор. Мен уларни пичинглаб, насиҳат қила бошласам, менинг юзимга масхаралаб кулишадилар.

Ҳазрат Бриту ўз қишлоғига зайтун йиғим-теримига борганда шундаги мавсумий хизматчилар, яъни боғма-боғ иш излаб юрган эр ва хотунлар, ўзаро тамоман уятсизликда яшаб, очликдан ўлганликларини сўзлади.

– Ҳамма вақт қўлингга таёқ олиб, уларни қувлаб туришга тўғри келар эди! – деб қўйди.

– Эссиз, эссиз! – деб куйди Либаниниу, – агар мен ер юзида қанчалик осийлар яшаганини ўйлай бошласам, тепа сочим тиккайиб кетади.

– Авлиё Каталина қишлоғида ҳам шу гап, – деди ҳазрат Наталиу бўйнини чўзиб, – эрга теккан хотунлар бутунлай беҳаё бўлиб кетдилар.

Ҳазрат Бриту Амор қишлоғида бўлган ўн олти, ўн саккиз ёшлик қизларнинг йиғилишиб, хирмон ёнида фоҳишабозлар тўдаси билан тунаш одатини чиқарганларини ҳикоя қилди.

Шу вақт ҳазрат Наталиунинг кўзлари ёниб кетиб, тилга кирди, столга ястаниб, оғир оҳангда сўз бошлади:

– Мен сенинг қишлоғингда нималар бўлаётганини билмайман Бриту, аммо ҳақиқатга келганда, сув бошидан лойқаланган... Сенинг судянинг хотуни билан нималар қилганигни менга сўзладилар...

– Ёлғон! – деди Бриту, ўпкадек қизариб.

– Ҳайф, Бриту, эссиз, ҳайф, – дейишдилар ҳаммалари бирдан Бритуга қараб.

– Қип-қизил ёлғон! – деди ғазабланган поп.

Муфти Диашнинг кўзлари ёниб кетиб, товушини секинлатиброқ айтди:

– Лекин гап шу ерда қолсин-ку, ўзи ажойиб хотун-да.

– Ёлғон! – деб қичқирди Бриту. Унинг кўзига қон тўлган эди, муштини дўлайтиб, давом этди, – бу хабарни Кумиаданинг хўжайини тарқатиб юрибди, чунки охири сайловда судя унга овоз бермади. Мен сизларга қасам олиб айтаманки, мен унинг этини бир бурдадан қиламан, этини ғажийман.

– Бу сен аччиқланган одам шунга арзийдими? – деди Наталиу.

– Этини бир бурдадан қиламан дедим, қиламан-да.

– Ўзингни босиброқ ўтир шерчам; ўзингни чоҳга ташлама, болам! – деб қўйди Либаниниу.

Поплар сайлов воқеалари устида сўзлаша бошладилар. Кейинги сайлов вақтида ҳазрат Наталиу саксон товуш олган эди.

– Офарин! – дейишдилар ҳаммалари.

– Ўйлаб топинглар-чи, қайси йўл билан? Мўъжиза йўли билан!

– Мўъжиза йўли билан? – деб таажжуб ичида сўрадилар.

– Шундай афандилар. Мен бир миссионер билан сўзлашиб қўйган эдим. Эрта сайлов деган куни Марям она имзоси билан ёзилган бир хат қишлоққа кўкдан тушди. Хатда маъфират ваъдаси, билъакс дўзах таҳдиди билан ҳукумат номзодлигига товуш беришга чақирилар эди. Мана шундай йўлга нима дейсизлар.

– Бундан яхшироқ йўл ўйлаб топиш ҳам қийин, – деб қўйишдилар.

Ҳазрат Наталиу давом этди:

– Тавба-газарру озмунча мухлис ортдирмайди. Хотунларга топширилган ишлар яхшироқ ва тўғрироқ бажарилади.

Бошқаларнинг сўзларини шу вақтгача жимгина эшитиб ўтурган ҳазрат Амару жиддий қиёфада сўзга аралашди:

– Менга қолса, тавба олиш жуда ҳам муҳим бир нарсадир, тавбани сайловга ёрдамчи қилиб олинмаса, яхши бўлар эди...

Ҳазрат Наталиунинг юзи қизиб, эҳтиётсиз айтиб юборди:

– Демак, сиз тавбани жиддий гап фаҳмлар экансиз?

– Тавбани жиддий гап фаҳмлар экансиз? Бу нима деганингиз? – деди Амару, унинг кўзида таажжуб намоён эди.

Ҳаммалари қичқира бошладилар:

– Наталиу, қизиқмисан, ахир, бундай дейиш ярамайди-ку, бола! – Ҳазрат Наталиу ўз сўзини юмшатиб, изоҳ бермоқчи бўлди:

– Эй, махлуқи Худолар! Мен тавба бериш, аҳмоқлик демоқчи эмасман. Йўқ бундай эмас. Мен демоқчиман-ки, тавба қаноатлантириш воситаси, маълумотлар йиғиш воситаси, қавмни тўғри йўлга йўллаш воситаси. Тавба Худога қуллик қилиш билан баробар, қуроллик вазифасини ҳам ўтайди. Масалан бундай: кечириш воситаси ва ҳам қурол.

– Қурол! – деган товушлар эшитилди.

Аббат норозилик билдирди:

– Йўқ, ўғлим бундай бўлмаса керак, Наталиу!

Наталиу аччиғланди:

– Мени сизлар шунга ишонтирмоқчи бўласизки, бизлардан ҳар биримиз, хоҳ поп, хоҳ епископ, бирининг устига уч марта кўлини қўйиб, «қабул қил» деса, Худолик даражасини олади-да, кишининг гуноҳини маъфират қила оладими?

– Албатта, албатта!

Муфти Диаш айтди:

– Оятда шундай дейилган: Куорум ремисерис печтата ремит-тунтур эис¹, бу оятнинг маъносига қаранг, ахир, укам.

– Тавба бериш диннинг асосий рукнидир. Игнат азизнинг китобини, авлиё Фуманинг таълифини ўқиб қаранг!

Бу сўзни Амару сўзлади, бу билан ҳазрат Наталиуни уялтирмоқчи эди.

– Бунга гапирманг! – деди Либаниниу, – бу бахтсизга сатқай гапингиз кетсин, ҳазрат.

Аммо тевааракдан тушиб турган эътирозлар билан ғазаби аланга олган Наталиу Амаруга қараб бақирди:

– Менга мана шу тўғрида жавоб берсалар эди, мана сиз, масалан ҳозиргина чой ичдингиз, ҳалигина иссиқ нон еб, кофе ичдингиз, сигара чеқдингиз-да, тавба беришга кетдингиз, балки сиз оилангиз тўғрисида ташвишли ёки ақчасизликдан хафа ё бўлмаса, бошингиз оғриб мушаввашдирсиз², ёхуд юрагингиз

¹ Кимнинг гуноҳини кечирсанг, шу гуноҳ кечирилган бўлади.

² Мушавваш – ташвишли.

дамдир; бироқ сиз тавба курсисига ўтуришингиз билан Худога яқинлашдингиз-да, киши гуноҳини кечирдингизми?

Муфти Диаш санчиқни тушириб юбориб, қўлини пахса қилди ва тантанали равишда қичқирди:

– Бу даҳрий, бузуқи!

Жертрудиш ширгурунч келтирди, аббат оқилона жанжални бўлди:

– Баҳсни тўхтатайлик. Эндиги навбат ширгурунчга. Жертрудиш, бу ерга бир графин май келтир-чи.

Наталиу столга қапишиб, Амарунинг далилларини рад қилишга тиришар эди.

– Гуноҳларни маъфират қилиш фақат аъмоли ҳасана билан мумкиндир. Аъмоли ҳасана файзи илоҳийдир. Ҳеч бир мазҳабда файзи илоҳийнинг варасатан¹, ёки мансаб тариқаси билан бошқага ўтуши ёзилмаган.

– Бунга жавоб бера оламан... – деди Амару баҳсга ҳозирланиб.

– Болалар, болалар, – деди ялиниб аббат, – баҳсни қўйинг, билъакс ширгурунч сизга фойдали булмайд.

Уларни тинчитиш учун қадаҳларга май қуя бошлади.

– Бир минг саккиз юз ўн бешинчи рақамли май, бундай майни ҳар кун ичолмайдилар.

Баҳо бериш учун майни ёриққа солиб кўрдилар, ундан сўнг эски черков креслоси кифтига чўзилишдилар. Биринчи қадаҳ аббат учун ичилди. Аббат «саломат бўлинглар, саломат бўлинглар!» деб кўз ёши қилиб турар эди.

– Уқубат дийда тўққузинчи пиёда авлиё ҳақлариға, – деб Либананиу қадаҳни кутарди.

Ҳаммалари ичиб юбордилар.

Ширинлик еб, узоқ ўтурдилар. Наталиу ўзининг қариндош-баччалари, яъни «иккита гули» тўғрисида сўзлади ва каштанини майга суқиб ҳўллар экан, Вергилиядан нақл ривоят қилди. Креслога ястанган Амару икки қўлини чўнтагига суқиб, ҳаракатсиз равишда боқчадаги дарахтларга қарар, Амелий хоним ҳақида, унинг гўзал аъзоси тўғрисида ўйлаб, узоқ тин олиб қўйди. Наталиу яна черков мавзуъсида муфти билан баҳсга киришди. Унинг айтишича, қотил, ҳатто отасини ўлдирган ҳам агар аъмоли ҳасана² ишласа, авф қилинади, шу қаблда ўз умрида маъсият³ ишлаган авлиёларни санаб чиқиб:

¹ Варасатан – мерос бўлиб.

² Аъмоли ҳасана – яхши ишлар.

³ Маъсият – гуноҳ.

– Авлиё Игнатий ҳарбий киши эди! – деб қўйди.

– Ҳарбий эди? – деди Либананиу ва Наталиу ёнига югуриб келиб, ўспуринлар назокати билан унинг бўйнидан кучоқлаб олди.

– Ҳарбий эди! Хўш, пиримиз авлиё Игнатий қандай ҳарбий ишга машғул бўлган эди?

Наталиу уни ўзидан итариб юборди:

– Менга тегма, биродар! Авлиё Игнатий ўқчилар юзбошиси эди.

Кучли хахолаш кўтарилди.

Либаниниу жуда ҳам шодланган эди.

– Ўқчилар юзбошиси бўлган экан, авлиё Игнатий пиримга узоқ асрлар бўйи раҳмат ва ҳасана ёғсин!

Соат уч бўлган эди. Аббат меҳмонларга ток сўриси остида кофе ичишга таклиф қилди. Ҳаммалари ўринларидан турар эканлар: гандираклашар, даҳшатли кекиришар ва қаттиқ хахолашар эдилар. Фақат Амарунинггина мияси жойида, оёқлари маҳкам, аммо ўзи кучли равишда ҳаяжонли эди.

– Энди, азиз диндошлар, ерни бир айланиб чиқилса, яхши бўлар эди, – деди охириги қултум кофени ичар экан аббат.

– Бироз баҳр очилсин дейсиз-да, – деди бўғуқ товуш билан муфти ва базўр ўрнидан кўзғолди, – хўп, аббат афандининг мулкларини кўрайлик.

Улар тор арава йўли бўйлаб кетдилар. Ҳаво очиқ, қуёш бир оз хирароқ эди. Атроф тинч, узоқдан араванинг ғичирлаган товуши эшитилар эди. Поплар ҳар қадамда қоқилиб, аста-секин бормоқда, кўзлари кизарган, қоринлари тўлган, ҳаётдан рози эдилар.

Муфти билан аббат қўлтуклашиб, ашула қилиб борадилар. Бриту Амару билан етаклашиб, Кумиада хўжайинининг қонини ичишга онт ичмоқда.

– Ақлга келинг, биродар, ақлга! – деди сигарасини тортиб Амару. Бриту гўё аравакашдек бақирди:

– Мен унинг жигарини кабоб қилиб ейман.

Бирдан улар тўхтадилар, олдинда борган ҳазрат Наталиу ғайриоддий товуш билан ҳайқирди:

– Ҳайвон! Сенда кўз йўқми, эшшак!

Ёлғиз сўқмоқ йўл муйилишида у қандайдир қўй ҳайдовчи бир чолга тўқнаш келган ва гандираклаб йиқилган эди. Муштини дўлаб ва ғазабидан ғулдираб, чол устига ташланди;

– Сен ҳайвонсан! Ҳўкиз!

Чол бечора нимадир гўлдираб, шляпасини олди ва оппоқ сочи билан бош яланғочлади: кўрунишига қарағанда, бу чол бир батрак бўлиб, меҳнатда қартайган, эҳтимолки, унинг набиралари ҳам бор эди. Уятдан кизарган холда икки букулиб таъзим қилди.

Хурсанд ва маст поп афандиларни ўтказиш учун ёлғиз сўқмоқ йўл четидаги ихотага бориб суқилди.

ВИКТОР МАРГЕРИТ

(1866–1942)

ЎРТОҚ

(Парча)

Бир куни уйига қайтиб келиб, ўз одатича қўнғуроқ чалмасдан ичкари кирар экан, ярим очик турган эшиқдан, бола пичирлаши ва қандайдир товушларни эшитди. Ёлланган хотун – ҳозир йиғим-терим вақти эди – бретонкага¹ айтар эди;

– Албатта, бувиси тўғри айтган. Болани нега чўқинтирилмасин!..

Анника нафасини ичига олиб, тинглай бошлади:

– Эртага соат учда чўқунтирамиз! Сени, албатта, чўқунтирамиз фариштам!

– Агар хоним билиб қолса, тоза аччиғланади-да!

– Хоним қаёқдан билиб ўтирибди, дейсиз!

– Шу ерда чўқунтирмайсизми?

– Ана холос! Сезиб қолса, балога қолайликми!.. Сен-Жермен Лъоксерруада чўқунтирамиз. Мабодо, қизамиқ-пизамиқ билан бирор бахтсизлик юз бериб қолса, жони тўғри жаннатга кетади-да...

Бундаги сирни сақлагани учун ўзига мадам де-Моревал томонидан ваъда қилинган беш юз франк тўғрисида, албатта, оғиз очмади...

Бу сўзларни эшитган Анника ҳаяжонга келиб, ҳар иккисини уйдан ҳайдаб чиқариш, оғзига келган ҳар бир сўзни айтиш даражасига етса ҳам, яна ўзини босиб олди... Чунки улар тушунарми-дилар? Сабр керак! Эртага... соат учда Сен-Жермен Лъоксерруага... Бирдан унинг кўз ўнгидан парда кўтарилди...

Шу кун Амедей Лионда лекция бериш учун жўнаб кетган эди. У эртага кечқурунгача қайтмайди. Унинг уйда бўлмаганлигидан Анника хоним хурсанд бўлди. Агар у унинг хафалигидан хабар

¹ Бретонка – Франциянинг шимоли-ғарбий томонидаги Бретон шахрида яшайдиган халқ.

топса, у билан айтишиб қолишдан қочишга ҳаракат қилган бўлар эди.

Кечаси, ундан кейин эртаси кун жуда ҳам аста ўтди. Ниҳоят, Мария ўзининг дўндукчасини кўтариб, бувисининг олдига кетди. Анника ҳеч нарсани билмаган бўлиб, болани севди, эркалади, чунки бу аҳмоқ хотун ҳеч нарсани сезмасин деб, тиришар эди. Бироқ улар чиқиб жўнагандан сўнг Сен-Жермен Лъоксерруа черковига қараб югурди...

У атрофга қараб чиқди. Ҳеч ким йўқ.

– Ҳали соат икки ярим, яна кутиб туриш керак.

Беш юз йилдан буён диндор халқ устидан юрабериб ялтира-тиб юборган тош зинадан чиқиб, черков гумбази остига кирди. У ер ости каби салқин. Майда теразалардан тушган ранг-баранг нурлар унда-бунда ярим кўлага бериб турадилар. Бир неча кампир хотунлар ерга чўнқайиб, унутилган эски увадаларни хотирламоқдалар. У юқориға қаради: бунда бир вақтлар марҳаматли Тангрининг яхши бандалари – авлиё Варфоломей куни умумий қатли омни чақириб, кўнғуроқ чалган эдилар. Ўтиб бораётган черков фарроши унинг «купел қаерда»? деган саволига «мана!» деган жавобни бериб ўтди. Фаррош ҳозир шу купелнинг¹ панжарасини очиш ҳаракатида эди... чунки соат учга чўқунтириш маросими белгиланган эди.

Ғор каби қоронғу ва кичкина ибодатхонанинг меҳроби олдида иккита хотун тиз чўкиб турган эдилар... Уларни ўрунларидан турғузиб: «Сиз излаган Худо сизларнинг ўзларингиздадир!.. Ҳаммаси ўзингизда, келажакдаги бахтингиз, саодатингиз, сизнинг ўз кўлингизда, ўз ҳаракатингизга боғлиқдир!» дея ўз динига тарғиб қилишни истар эди. Ўн беш яшар бир қиз эшик олдидан сотиб олган шамини кўтариб ўтди. Гўё сеҳр таъсирига тушгандек шамини ёқиб, учбурчакли темир оёқ устида алангаланиб дарахт каби тутаб ёнган бошқа шамлар ёнига қўйди. Теваракка ёғ иси тарқатиб, шамлар шитирлашиб эрир эди. Анника сесканиб кетди. Бу машъаллар гўё Торквемаднинг гулхани каби машъум қора аланга сочиб ёнаётган каби сезилди. Буларни Лорданнинг ҳамма сувлари йиғилиб келганда ҳам, ўчуриб бўлмас эди.

Бирдан унинг юраги сиқилиб кетди. Эшиқдан узун бўйли, қора ва кескин совуқ юзли мадам де-Моревал кириб келар эди. Унинг орқасидан қўлида Клодани кўтарган Мария кўринди... Улар оби муборакли тоғора ёнига тўхтаб, бармоқларини ҳўллаб олдилар. Чўқундилар ва купелга қараб юрдилар.

¹ Купел – черковда чўқинтириш маросимида чўмилтирадиган жой.

Анника олдинга чиқди, ҳаяжонли товуш билан деди:

– Нима қилмоқчисизлар?

Моревал хоним орқасига тисланди. Анника такрор сўради:

– Бу ерда нима қилиб юрибсизлар?.. Менинг ўғлимни нима қилмоқчисизлар?.. Бу сўзни айтар экан Клодага ишорат қилиб қўйди. Клода онасини таниб, тошдек қотиб қолган Мариянинг қўлида талпиниб чайқалди. Моревал хоним титради, унинг титраши кўрқишдан ҳам кўра ғазаб ва нафратдан эди;

– Бу менинг ўғлимнинг ўғли, мен сиз томондан эътиборсиз қолдирилган вазифани адо қилмоқчиман... Орамизда Худо қози бўлса, албатта, мени оқлайди.

– Мам-мам, – деб кўз ёшини оқизди бола.

Икки ўртада турган Анника Моревал хоним томонига бир қадам ташлади;

– Бунга ўғлингизнинг ҳаққи йўқ! Шунинг сингари сизнинг ҳам бунда дахлингиз йўқ. Ўғлим меники. Менинг оналик вазифам, Клодани сизни берадиган тарбиянгиздан сақлашдир... Уни сизнинг жиноятчи, ялқов жамиятингиздан тортиб олишдир...

Шу сўзни айтиб, кўрқиб турган бретонка қўлидан болани олди. Бола қичқириб онасининг бўйнидан қучоқлади. Купел томонга бораётган икки поп бу ердаги одатдан ташқари шовқундан тааж-жубланиб, қадамларини тезлатдилар. Поплардан бириси Моревал хонимни таниди.

– Нима гап, – деб сўради расмият билан поп. Моревал хоним изоҳ берди:

– Бу хоним набирамнинг чўкунтирилишига қарши чиқмоқчи.

Поп юқори оҳанг билан сўради:

– Ким ўзи, бу хоним?

– Бу онаси, ҳазрат!

– Ҳа!

Тузлик билан кадила (исириқдон) кўтариб бораётган икки ходим тўпланганлар ёнига келдилар. Бўшашиб қолган поплар орасидаги Моревал хоним муштлашишга ҳозирлангандек қаддини ростлади. Бироқ Анника уларга ҳақоратомуз назар ташлади.

– Сизга ақча тўлайдиганлар ёнида қолингиз, мен билан юрмангиз! – деди орқасидан эргашиб кела бошлаган Марияга.

Анника поплар нима деб сўзлашиб қолганларини яхши эшитолмади: «Байти Худо...¹ бемаъни жанжал... яхши иш...». Ўз мулки, ўз хазинасини кўтариб, қаддини мағрурона ростлаб кетди. Шундай қилиб, ўғлини ўғрилардан сақлаб қолди.

¹ Байти Худо – Худонинг уйи, ибодатхона.

С.Ж.ГУСЕВ – ОРЕНБУРГСКИЙ

(1867–1963)

КАХЕТИНКА

Дьякон¹ Авессаломов – оррик, ингичка, заиф, дармонсизгина бир одам. Ўзи ушоқ, товуши қўнғуроқдек бўлгани учун уни қишлоқда Чиркай деб атар эдилар. Дьякон ушр йиғиш учун чиқиб юрганда, сой бўйидаги кишилар теразадан қараб:

– Мана бизнинг Чиркаймиз ҳам бол йиғиш учун учиб юрипти! – деб кулар эдилар.

Дьякон бўлса қўли чўнтагида, зўр шапкасини чаккасига қўйган, гўё жаноза ўқиётгандай бошини қанғайтириб, атрофига жиддий, мағрурона назар ташлайди. Черковнинг «савоблик» хизматида кўпдан соғлигини йўқотган оқсоқ тўруқ от бутун бир омборнинг ғалласи жойлашадиган даражада катта ченани аранг тортиб борарди. Чена ичидаги юкнинг кўплигидан чена ичида ўтирган дьяконни кўриб бўлмасди.

Дьякон бир уй теразаси ёнига келиб, қамчи сопи билан тақиллатади.

– Хой!... Марко Петров?... – деб қичқиради, – сенда ушр боқимандаси² қанча қолган эди? Қани олиб чиқ!

Дехқонлар олтиндек буғдойни путлаб чиқариб берадилар. Дьякон буғдойни қўлига олиб иккинчи кафтига шопириб тушуради. Буғдой бироз хаслик бўлса, бошқа қопға солишга буюради, «бу товуқларга боп экан...» дейди, Дьякон паррандаларга, айниқса, товуқларга ишқибоз киши. Унинг ҳовлиси гўё паррандалар дунёси. Ўрдаклар, ғозлар, куркалар, товуқлар куни билан қағиллашиб, вақиллашиб юрадилар. Дьякон бўлса, уларнинг орасига кириб олиб, аллақандай тили билан суҳбатлашади:

– Ту–ту–ту! – дейди, – ути–ути... га–га–га...

Хотуни ош пишган вақтда уни чақириб, дастурхонга ўтқу-

¹ Дьякон – черков сўфиси.

² Ушр боқимандаси – ушрдан тўланмай қолгани.

золмайди, у қушлар орасидан ўралашиб чиқолмайди. Умуман, паррандалар тўғрисида тажрибага эга бўлиб, ҳатто бир вақт черков попи Яков ота зотимаоб бош роҳибга, уни:

– Бизнинг дьякон – товукчилик олими, ҳазрат зотимаоб! – деб тақдим этган эди. Бунга қарши ҳазрат зотимаоб ҳам таҳсин ўқуб Яков пайғамбар ҳам ўз замонасида машҳур қўйлар чорвачиси эди, деб қўйган эди.

Лекин дунёда ҳар бир иш ҳам тикансиз эмасга ўхшайди. Бир кун дьякон устида сой бўйи аҳолисининг гап-сўзига сабаб бўлган бир ҳодиса бўлиб олади. Бу ҳодиса улуг рўза пайтида содир бўлади.

Қишдоқда ушр йиғиб юрган дьякон Чижов исмли деҳқоннинг кўрғониға келиб киради. Чижов дьяконнинг аксича узун, қотма, худди қуруқ таёқдай киши эди. У дарҳол омбор калитини ахтаришга, ушрни бериб юборишга ҳаракат қилиб қолади. Шу вақт ҳовли юзида кутиб турган дьякон Чижовнинг хотуни Савелевна билан сўзлашиб қолади. Савелевна жиддий бўлса ҳам, бироқ тили узунроқ эди. Унинг кахетин зотидан бўлган яхши бир товуги бўлиб, бу товук билан у бутун қўшнилари орасида ғурурланиб юрарди. Бу товук баланд қомат, хушбичим товушчан, гўёки қордан ясалгандек оппоқ патлик эди. Қўшни хўрозлари уни кўрганда ҳушдан кетиб, шу товукни деб ҳамма вақт бир-бировлари билан қонға бўялар эдилар. Дьякон ўзининг «қонуний» буғдойини кутиб, Савелевна билан сўзлашар экан, кўзи ҳалиги товукқа тушиб қолади.

Дьяконнинг қулоқлари тиккаяди. У қўли билан яниб, бошини кимиралиб олгандан сўнг:

– Гре-на-дө-р! – деб юборади.

Узоқ вақт суқланиб, товукқа қараб тургандан сўнг, Савелевнага мурожаат қилади;

– Манга сот!

– Нимани? – деди тушунмаган Савелевна.

Дьякон товукқа ишорат қилади:

– Мана шу гренадёрни! Бу товук менга жуда ҳам ёқиб тушди. Ўзи ҳам товукжон экан! Ҳой кампир, мен товук урчутаман... менда кахетин жинсидан бўлган бир хўроз бор... ажойиб хўроз! Мана бу ўшанга мос бўлиб тушар эди... Худди буюртиргандек...

Дьякон чўккалаб олиб, товукни чақира бошлабди:

– Ту-ту-ту! Гренадёр!...

Ундан кейин яна кампирга қайрилди:

– Сот шуни!

Кампир шу сўздан ҳақоратлангандек бўлиб, тилини қисиб туролмади:

– Ўйлашиб кўраман, – деди, – дьякон отам, мен руҳонийларнинг тамаъгирликларини ёқтирмайман. Нимани кўрдиларми, дарров «бер!»

– Сен атала ичганга ўхшайсан! – деди дьякон, – мен сендан товуғингни текинга сўраётганим йўқ-ку.

– Йўқ, мен сотмайман, – деди қичқириб кампир, – пулинг бўлса, бозордан ол! Бировнинг сотмайдиган товуғига хира бўлиб юрма!

Дьяконнинг кўзи ёниб кетди:

– Қандай муртад хотун экан бу ўзи! Агар сотмасанг, бекорга ҳам берарсан, қараб тур ҳали!

Чижов омбордан бир пут буғдойни кўтариб чиқиб келди.

– Нима деб акиллаяпсан аҳмоқ, – деди хотунига, – нима деб дьякон отани хафа қилдинг? Булар бизнинг руҳоний отамиз, сен бўлсанг... Мана!

Дьякон аллақачон дарвозадан чиқа бошлаган эди.

– Дьякон ота! Тўхта, ғаллани олиб кет! – деб қичқирди дехқон ва орқасидан югурди.

Аммо дьякон ғаллани олмади ҳам, қайрилиб қарамади ҳам.

– Мен бундай ҳадядан ҳазар қиламан! – деди дьякон, – рикорона берилган ҳадяни Худо даргоҳида қабул қилмайди... – деди ва жўнаб кетди.

Дехқон хотунини сўка бошлади:

– Бемаъни аҳмоқ! Сенинг сочингни юлиб битирса ҳам оз!... Қараб тур... товуғингни дьякондан қизғондингми? Пайтини топганда у сенинг бутун товуқхонангни ҳам олиб кўяди-ку!

Аммо Савелевна индамади.

– «Мен унга товуғимни нега берай, – деб ўйлади кампир, – уларга от берсанг ҳам оз; туя берсанг ҳам тўймайдилар!». Кампирга товуғи жуда ҳам севимли эди.

* * *

Баҳор кунлари, Фомина ҳафтаси чоғида четга ишга кетган Чижовнинг ўғли қайтиб келди. Биринчи кеч уёқ-буёқдан сўзлашиб ўтирган пайтдаёқ отасининг оёғига йиқилди.

– Дадажон! Оталик фотиҳангни бер... Уйланмоқчиман! – деди. Отаси қўл силтаб қўйди, онаси йиғлади. Сўзлашдилар, кенгашдилар – ота-онасидан кенгашсиз чет қишлоқдан қиз унашиб қайтган ўғилдан ранжишдилар. Бироқ, бошқа чора йўқ; қиз кўришга бордилар. Қиз уларга маъқул бўлди. Ҳатто ҳозироқ никоҳлаб олишга, чиройлик, ишчан келин билан қишлоқда мақтанишга ошиқдилар.

– Худо бахтларини берсин! Фотиҳа ўқишдилар.

Қизни кўриб қайтаётган пайтда Савелевна йўл бўйи ашула қилиб келди, охирда ўзининг ёшлиги эсига тушиб, йиғлаб ҳам олди. Тўй маслаҳати учун Чижов поп олдига борди:

– Ҳа-ҳа-ҳа! – деди Яков ота, – сен Чижовмисан? Ўғлингни уйлантиришни ўйлайсан-да! Яхши иш, савоблик иш... Келин қаердан?

– Куричанкадан. Федот Карповнинг қизи – Мария.

– Маъқул, маъқул... Насронийлик фарзи, савоблик иш. Дьяконнинг олдига бордингми?

Чижов бошини қашиб олди.

– Борган эдим. Ҳазрат. Сиз ўзингиз ўғлимнинг ёши тўғрисида дафтардан қараб оларсиз...

Яков ота кулди.

– Мушук кимнинг гўштини еганини ўзи билади. Сенинг хотунинг нега бизнинг дьяконни хафа қилди?

– Маълум-ку энди, аҳмоқ кампир... Ундан нима маъно чиқсин? – деди Чижов.

– Дурустку, – деди кулиб Яков ота, – биз руҳонийларнинг биронтамизни ҳам қолдирмай ёмон сўкишгача борган. «Очқўз руҳонийлар» деган... Хе-хе-хе! Хотунинг жуда ҳам полвон экан-а!

– Аҳмоқ бўлгандан кейин, тийиб бўлмайди. Исо ҳурмати учун сиз унинг гуноҳини кечиринг. Аҳмоқ-да, аҳмоқ!

– Менга-ку барибир! Мана шу дьякон... Ҳа, яхшиси, бориб ўша билан сўзлаш, ярашиш керак, дьякон сержаҳлликка – сержаҳл!.. Мен сенга ҳайронман! Битта товуқ деб қанчалик кулфатга тушиб қолибсан!

Бошқа чора йўқ, деҳқон дьякон ҳузурига борди.

– Ҳўш? – деди дьякон.

– Хизматингизга келдим. Безовта қилганим учун кечирасиз. Ўғлимни уйлантирмоқчи эдим, Яков отамиз метрикани кўришга буюрдилар. Ёши тўғрисида.

Дьякон қўлларини жубба чўнтагига тикиб бармоқларини ёзди ва бошини баланд кўтарди.

– Бу тўғрида сўзлашнинг ва метрикага қарашнинг фойдаси ҳам йўқ. Хужжат келтирмасанг, никоҳлаш мумкин эмас.

– Қандай хужжатни айтасиз, дьякон ота? Келин ҳам шу ернинг боласи. Уларнинг хужжатлари ҳам ўзингизда.

– Йўқ, ҳеч қайсиси ҳам менда эмас!

– Йўқ, йўқ, ҳаммаси ҳам ўзингизда, дьякон ота, метрика ҳам ўзингизда, демак, ҳаммаси... Яъни керагича ҳаммаси... Нимаики лозим бўлса ҳаммаси!

– Йўқ-да, йўқ! Ҳа, айтганча, ўғлинг улуг рўзани тутдими, қаерда тутди! Шундами?

– Ўғлим Маслянныйдан¹ илгари ишга кетган эди. Ўша ерда албатта рўза тутган.

– Текшириб кўрармиз. Аммо ўғлинг рўза тутиб турганлигига ва ибодатларда иштирок қилганлиғига шаҳодатнома олиб келганми?

– Бундай гапларга шаҳодатнома нима ҳожат, дьякон ота?

– Шундай, шаҳодатномасиз никоҳ ўқиш мумкин эмас, балки у чет ерларда юриб, штунда таъсирига тушгандир? Эҳтимолки, молоканин мазҳабини қабул қилгандир? Ё бўлмаса, хлистликни яхши кўриб қолгандир?²

– Дьякон ота!

– Балки, ўғлинг даҳрий бўлгандир. Бу ҳолда муқаддас черков унга асло никоҳга йўл қўймайди!

– Дьякон ота! – деди дехқон терлаган манглайини артиб, – бу гаплар бизнинг шаънимизда йўқ... Ундай ваҳимали гапларни қўй... Бизнинг зуҳуриятимиз ҳаммаси православнийлардир.

– Биз шундай эканлигини қаёқдан билайлик? – деди дьякон бўш келмасдан, – бундай ташвиқотлар махфий юритилади! Агар рўза тутган бўлса, демак, православний. Динсиз рўза тутмайди! Шаҳодатнома келтирсанг, никоҳ ўқий оламиз.

Дехқоннинг манглайи ҳамон терлагандан-терлар эди.

– Дьякон ота! Вой, бизнинг шўрлик бошимиз! Энди нима қилиш керак?

– Шаҳодатнома ҳаракатини қил!

– Ҳазрат дьякон ота! Қандай қилиб шаҳодатнома топайлик. Ўғлимнинг бориб ишлаган жойи бу ердан минг чақирим нарида, темир конида ишлаган, бошқа бир губернада.

¹ Маслянный – диний байрамлардан бирининг номи (*таржимон*).

² Штунда, молоканин, хлист – насронийларнинг диний мазҳаблари (*таржимон*).

– Бориб олиб келсин.

– Бу қандай мумкин бўлсин. Кетган вақтда ҳам кирасининг ўзига йигирма сўлкавойдан ортиқроқ харажат қилган эди.

– Ўзинг ўйлаб қара. Бу менинг ишим эмас.

– Сиз хўп деб, никоҳни ўқуйверинг, ота.

– Мумкин эмас.

– Ахир, бошқалар бундай шаҳодатномасиз ҳам никоҳландилар-ку. Мана, масалан, Васка Краюхин ҳам ишдан қайтиб келиб... никоҳланди. Кузма Афонин ҳам шундай...

– Улар тўғрисида бизнинг қўлимизда справкалар бор эди.

– Уларнинг справка-миспиравкаси йўқ эди, дьякон ота.

– Бу ишни сендан кўра биз ўзимиз яхшироқ биламиз. Сен айтган оилаларнинг кўриниши яхши, ўзлари ахлоқли. Биз уларни яхшиларга ҳисоблаб қўйганмиз. Аммо сизнинг оилада бўлса, иш бир мунча ишончсиз... Хотунинг бўлса руҳонийлар тўғрисида... молоканларча, динсизларча гапириб юради!

Қишлоқи дьякон оёғига йиқилди.

– Дьякон ота! Сенинг хайр-фотиҳангни сўрайман! Хотунимни афв эт! У қуюшқонсиз аҳмоқ. Мен ҳали уйга қайтсам, ундай сўзларни сўзлаган тилларини суғуриб оламан. У нима деган бўлса, аҳмоқлигидан айтган.

– Менга таъзим қилма! – деди дьякон бошини яна ҳам юқори кўтариб ва чўнтагидаги қўлларини ёзиб. – Таъзим фақат Худогагина ярашади.

– Дьякон ота! – деди қишлоқи ўрнидан туриб, – Худо ҳақи учун никоҳ қил!

– Шаҳодатномасиз мумкин эмас. Агар ўғлинг молуканин чиқиб қолса, Худой кўрсатмасин бизни судга берадилар. Шаҳодатномасиз никоҳ ваҳималик, сендан беш сўм никоҳ пули олиб тўй қилдирсак, кейинчалик биздан халқ кулабошлайди! Беш сўм учун бу очқўз руҳонийлар судга тушиб қолди, дейдилар...

– Ҳеч қандай суд бўлмайди, дьякон ота, – деди қишлоқи, – ўғлим учун мен жавобгар бўлай!

– Мумкин эмас!

– Дьякон ота! Сен беш сўмдан ортиқроқ ол, инсоф ўзингга... фақат никоҳла, кишини қийнама!

– Мен сенга рус тили билан «мумкин эмас» деяпман!

– Дьякон ота! Балки, сен бу гапларни, ўша товук учун қилаётгандирсан? Мен сенга товукни келтириб берай...

– Чин кўнгилдан бўлмаган, яна йўлдан озган кишининг ўғлидан бўлган ҳадя ҳаромдир! Менга сенинг товугинг керак эмас...

– Дьякон ота!

– Оёғимни ўпсанг ҳам олмайман. Бировнинг онги билан... тушунасанми?

– Ота, раҳм қилинг.

– Гапни чўзма, мумкин эмас! Шаҳодатномасиз никоҳ қила олмаймиз.

Дьякон, бурилиб уйга кираркан, уйда дьяконнинг хотуни ёвуз кўзлари билан қишлоқига қараб турар эди.

– Мени афв эт, дўстим, сен билан сўзлашиб ўтиришга вақтим йўқ, – деди дьякон хайрлашиш ўрнига, – мен ҳисоб ёзаман.

Қишлоқи қўли билан ерни бир уриб қўйди, кўчага чиққач, бироз туриб ўйлади. Хотунини одобсиз сўз билан сўқди. Поп олдига борди. Яков ота уни кулиб қарши олди;

– Хўш, иш қалай? – деди қорнини силар экан, – дьякон нима деди?

– Дьякон қандайдир шаҳодатнома талаб қиляпти, ҳазрат.

– Тавба шаҳодатномасиними?

– Ҳа, ҳа, шуни. Биз энди уни қаердан олайлик? Биз шу ернинг черковиданмиз.

– Дўстим, шаҳодатномасиз мумкин эмас.

– Ахир, ўзингиз бир нарса қилиб юборинг, ҳазрат.

– Қўлимдан келмайди, дўстим...

– Дьякон ота қоидада бўлмаган шаҳодатномани талаб қилади.

– Қоидада бўлмаса талаб қила олмайди. Керакли ҳужжатлар бўлмаса, бир иш қилиб ҳам бўлмайди.

– Ота! Хайр-фотиҳангизни сўрайман. Руҳоний отамиз! Сиздан Исо ҳурматиға сўрайман. Ахир, шаҳодатнома учун минг чақирим узоқликда бўлган бошқа губернага бориб юрайликми.

– Йўл-йўриқ шу бўлгандан кейин бошқа чоранг йўқ. Биз ҳам шусиз бир иш қила олмаймиз. Чунки вазифамиз шуни талаб қилади. Ўғлинг четда рўза тутганмикан, ҳали?

– Тўғрисини айтганда, буни сўрамадим. У ёқда рўза тутиш қаёқда дейсиз. Ёш, ундан кейин хизматдаги киши... Биз қарилар бўлсак...

– Ҳа, ҳа, ана, – деди поп Яков, – бизнинг ҳаммамиз ҳам шундаймиз. Бизни черковга судраб келтиролмайсан, аммо эҳтиёж тушганда бир қадам ҳам черковсиз қадам қўйиш мумкин эмас.

Шу сўзни айтиб Яков ота ўрнидан турди:

– Сен билан сўзлашиб қолиб, ишларим эсимдан чиқипти... Қишлоқ айланишим керак эди... Хайр, дўстим, омон бўл!

– Рухоний ота! Сен никоҳ пулини қоидадан юқори қилиб олсанг ҳам, фақат никоҳ қилабер. Ўн сўм ол, лекин кишини қийнама!

Яков ота кулади:

– Сен ўзинг жуда ҳам қизиксан, дўстим. Биз буни оқчани ортиқ оламан деб, қилаётганимиз йўқ. Ҳамма ҳужжатлари бўлсин, деган бир қоида бор, бас, энди биз нима ҳам қила олдик! Бор, дьякон билан сўзлаш... Менинг вақтим йўқ, мен бу ишларга ундан ташқари аралаша олмайман ҳам. Менинг вазифам «текшириш», агар ҳужжатлари жойида бўлса, никоҳ ўқиш... Хайр, дўстим.

Шу сўзни айтиб, ота аравасига ўтирди ва қишлоқларга юриб «уруғлик йиғиш»га жўнади.

* * *

Уйига қайтиб келган Чижов ҳаммадан илгари хотунининг сочидан бураб олиб, «жинини қоқишга» бошлади. Ҳолбуки, бундан илгари хотунини ҳеч бир урмаган эди.

– Сен манжалақи, мени битта товук деб балога қўйдинг!

Товук воқеаси бутун қишлоқ бўйлаб шухрат олиб кетди. Ҳар ким ўз билганича Чижовга кенгашлар бера бошлади.

Қишлоқ котиби айтди: – Сен бошқа попга бор, Чижов. Ҳавасга никоҳлаб қўядиган поплар ҳам бўлади.

– Бу ердан менга ҳеч қандай ҳужжат бермайдилар-да.

– Ҳужжатсиз ҳам никоҳлай берадилар.

– Қанча олар эканлар?

– Лекин ақча тўғрисида қийишмайсан!

– Ана, халос. Бу – теги бўш гап.

Қўшни хотун Гавриловна айтди:

– Сен дьяконнинг оёғига бир йиқилиб қара, Трифонич.

– Йиқилиб кўрдим! – деди Чижов қовоғини солиб.

– Товуқни олиб бориб берсанг... бир товуғимни итга бердим, дейсан қўясан-да.

– Остонамга йўлатмайман, деди.

– Тоза ҳам ишланган экан, дегин. Ҳа айтганча, Трифонич, – Гавриловна жуда ҳам товушини секинлатиб, худди сир айтаётгандай қилиб, – Сен ҳазрат Давидга атаб шам ёқсанг, дьяконнинг кўнгли юмшарди...

Отставной унтер офицер катталарга мурожаат қилишга маслахат берди.

– Қаёққа ҳам борай? – деди Чижов.

– Маҳкамаи руҳонияга ариза бер.

– У ерда ҳам шуларнинг сўзини маъқуллайдилар-да, буларни ҳаммасини тили бир.

– У вақтда сен, – деди унтер, – ишни ҳарбийча қилиб, бир-икки, тўппа-тўғри архиереяга¹ ариза ёз!

– Бе... – деди Чижов, – у ҳолда мени тириклай еб қўядилар. Булар ўзларини оқлашга йўл топадилар. Суд, фалон, деб юргунча қанча вақт кетади. Эй, Мариячани келин қилмай ўлайлик!

Қишлоқининг мияси қотди.

– Тағин дьяконга бораман, – деди, – булардан ўтиб ҳеч ёққа ҳам боролмайсан!..

Дьякон Чижовни совуққина қарши олди.

– Бевақт келибсан, ишим кўп. Олий насабга ҳисобот ёзаётирман. Эртага кел, бўш бўламан! – деди ва ичкарига кириб кетди. Қишлоқи чўнтагидан бир шиша ароқни олди ва қўлтуғидаги янги рўмолга ўралган нонни чиқарди.

– Дьякон ота! – деди чақириб, – келтирган ҳадямни ол!

Дьякон кулоқ солмай, кириб кетди. Дьяконнинг хотуни чиқди.

– Қани, – деди хотун, – ароқингни бер, Трифонич. Қайтариб юбориш яхши эмас.

Ароқни олиб қуёшга солиб кўрди, ундан кейин рўмолни ешиб, текшириб қаради.

– Рўмолинг жўнгина нарса экан. Бундай вақтда дурустроққина келтирсанг ҳам арзир эди.

Бироқ хотун бу «жўнгина» рўмолни ҳам сандиғиға солиб қўйди.

– Она! – деди қишлоқи, – ҳали мен сенга жуда ҳам яхши рўмол ҳадя қиламан. Шу рўмол учун бозорга бораман. Сен фақат дьякон отани йўлга солакўр!

Хотун қўл силтаб олди:

– Сен ҳали нима деяпсан, Трифонич, – деб шивирлади, – у хотун гапига кирармиди. Бизнинг дьякон жуда ҳам серзарда, курғур.

– Она! Мен сенинг оёғингга ётиб, ёлбораман.

– Тўхтаб тур бўлмаса, – деди хотун, – мен кириб айтай, олдинга чиқсин. Ялиниб кўраман... ундан уёғи сенинг ишинг. Бизнинг дьякон жуда ҳам серзарда...

¹ Архиерей – поплар бошлиғи.

Хотун кириб кетаркан остонадан қайрилиб:

– Билиб қўй... Битта рўмол қарзсан! – деди.

Бироздан кейин дьякон чиқди. Икки қўли чўнтагида, бошини юқори кўтариб кеккайган. Қулоғига қалам қистирилган, бурни устида юмалоқ ойнак...

– Хўш? – деди, – нима қилиб турибсан? Тезроқ гапир, вақтим йўқ!

– Яна ўша бош оғриғи билан, дьякон ота, – деди Чижов ва таъзим қилди, – Худо ҳаққи учун никоҳлаб қўй, овора қилма!

– Шаҳодатнома келтирдингми?..

– Йўқ... қаёқдан оламиз...

– Шаҳодатномасиз мумкин эмас.

– Худо учун дейман, дьякон ота.

– Мумкин эмас, дедим-ку. Хайр! Дьякон уйига қайрила бошлади.

– Ота!.. – деди Чижов, – қанча олсанг ол, лекин никоҳлаб қўй! Ўн икки сўм ол! Хайр, бўлар иш бўлди... ўн беш сўм ол! Худонинг хоҳиши шу бўлгандан кейин... сизлардан ўтиб қаёққа ҳам борардим.

Дьякон тўхтади.

– Ана, ана Чижов! Сен энди менга ёлбора бошладинг, аммо хотунинг бўлса, битта товук учун нималар демади, қандай ташвиқот ўқумади? Мана ҳали ҳам дин уйи жойида. Айтса нима зарари бор деб ўйлайдилар, ҳолонки, ўзларини Худо уради. Ана, ана, ана шу руҳонийларнинг кўзлари оч бўлса ҳам, лекин руҳонийларсиз туролмайсиз... ана шу!

– Дьякон ота, энди уёғини қўй. Мен кампирнинг сочларини юлиб битирдим. У аҳмоқлиғидан айтган.

– Аҳмоқлиқданми, ақллиқданми, баҳарҳол мени арзимаган нарса билан ҳурмат қилишга ярамади. Ана шундан кейин мен ҳам сийламай қўйдим. Ҳеч бир сийламайман. Сен шаҳодатнома олиб келишга мажбурсан, ўша бўлмаса, архиерейнинг ўзи ҳам никоҳ қилолмайди.

– Дьякон ота, шаҳодатнома келтириш асло мумкин эмас. Бундан бошқа нимани сўрасанг, сўра. Кишининг жонини қийнама, Худо ҳақи учун никоҳла!

Қишлоқининг қўйлаги ҳўл бўлиб кетди. Бирдан дьякон юмшаб қолди:

– Мен сенга айтсам, Трифонич... Сени аяй бошладим! Сенга охирги сўзим мана шу; никоҳ пули ўзи беш сўм-а?

- Шундай, дьякон ота, беш сўм.
- Шаҳодатнома учун боришга йигирма сўм кетади, дедингми?
- Ундан ҳам кўп кетади, ота.
- Хўп, йигирма сўм ҳам деяйлик. Энди ҳисобга қара: йигирма сўм устига беш сўмни қўшсақ... Қўш, кўндингми?
- Яъни, нима демоқчисиз?
- Яъни, бир чоракталик қоғоз тўлайсан-да, тўйингни жўна-таберасан. Мана шундай бўлганда, бир нави қилиб ишингни тўғрилаймиз-да.
- Қишлоқининг ранги ўчди. Юраги ёмон бўлиб кетди:
- Тўй харажатига нима қолди, энди... Хароб бўлдим...
- Қишлоқи чайналиб қолди...
- Хўп, – деди, – кўндим! Ол пулингни!
- Дьякон ота ҳам жуда хурсанд бўлиб кетди.
- Мен бу ишни фақат сени аяганимдан қиялпман. Сенинг кампирингни, азбаройи Худо, сийламас эдим. Ҳа, айтганча, – деди дьякон, – товуқ ҳали ҳам юриптими?
- Юрипти, ҳеч бир бало ургани йўқ! Ўзи ажойиб гренадёр. Агар истасанг, сенга келтириб бераман?
- Йўқ! – деди дьякон, – мен бозордан жуда ҳам «мана» дега-нини сотиб олдим, кавказ зотли. Энди менга сеники керак эмас... Товуғингни олсам, дьякон бир товуқ учун никоҳни тўхтатиб қўйган, деб ғийбат қила бошларлар.
- Шундай қилиб, товуқни олмади.

ТАРЖИМАЛАРГА ИЗОХ

Бу таржималар ҳақида дадам ўз хотираларида ёзиб ўтганлар. Хотираларига шунигина қўшимча қилиб ўтмоқчиман.

«Уйланиш» пьесаси, «Буқаламун» ҳикоясидан кейинги таржима ҳикоялар бироз бадий жиҳатдан пухта қилинмагани сезилади. Бу ҳикоялар 1941 йилда «Динга қарши ҳикоялар» туркумида номланиб, нашрдан чиққан бўлса-да, зийрак ўқувчи уларнинг умумий мазмунидан ёзувчилар динга эмас, диний хурфотга қарши ёзганини ва таржима қилинганини пайқаса керак. Айни ўша кунларда Ўрта Осиё ва Озарбайжон, Татаристон китобхон халқининг кўнгил туйғуларини, тафаккур булоқларини жунбишга келтириб турган «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларидан ҳам гўзалроқ, мукамалроқ романлар ёзишга ваъда бериб, чоғланиб турган ёзувчига бу таржима ишлари иш йўғида юмуш топилгандек туюлади кишига. Бир чеккаси, ундан мақсад катта ҳовли, катта рўзгор... учундек. Ваъда қилинган, ҳамма кутган ўша китобнинг ёзилмай қолганига сабабни эса санъаткор, созанда Ориф ота Қосимовнинг хотира ҳикояси бир қадар аниқлаб бергандек бўлади:

«Бир куни, тахминан, 1937 йиллари миёнасида бўлса керак, мен Шайховандитохурдаги мусиқа мактабида дарс берардим. Ишга кетатуриб, йўлда Абдулла акамни учратиб қолдим. Хаёллари паришон, Шайховандитохурдаги чойхона олдида турибдилар. Озроқ вақтим бор эди, сўрашиб исташгач: – Абдулла ака, бир чой ичмаймизми? – дедим. У киши рози бўлиб, икковлашиб чойхонага кирдик. Ўтган-кетгандан суҳбатлашмоқчи бўлиб, Абдулла акамга гап қотдим. Бироқ у киши негадир ҳеч ёзилиб гаплашмадилар. Ўзлари билан ўзлари бўлиб хаёл сурардилар. Ташқарига чиққач, мен ийманиб сўрадим:

– Абдулла ака, бу дейман, газеталарда сизнинг устингизда анча-мунча гаплар ёзишибди. Ўзи нима гап?

Абдулла акам жиддийлашиб:

– Мен эгарланган отман. «Чўх» деса, кетавераман, – дедилар-да, бурилиб йўлларига кетавердилар. Мен Абдулла акамнинг оғзиларидан чиққан гапдан қотиб қолдим. Ўша кўйи у кишини бошқа кўрмадим».

Мен ўша кунлардаги газеталарни варақладим:

«Шўро ёзувчиси деган ном поклансин»

«Шўро ёзувчиларининг қаторларини душман унсурларидан батамом тозалайлик»

«Аксиланқилобий миллатчиларни охиригача фош қилайлик»

«Националистическая агентура в литературе»

«Разоблачать до конца»...

Ва яна шу каби ўнлаб мақолаларнинг сарлавҳасинигина ўқиб, ҳушингиз учади.

«Маданий инқилоб» газетасининг 1937 йил 11 сентябр кунида 31 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон шўро ёзувчиларининг пленуми ҳисоботи чоп этилади:

«...Пленум тротскийчи, бухаринчи ва миллатчи халқ душманлари билан кураш ва шўро ёзувчиларининг вазифаси тўғрисида ўртоқ Яшиннинг докладини эшитади. Яшин:

...М.Усмонов ва Қ.Берегин миллатчиларнинг сирларини фош қилиб берилган ҳар қандай сигналларни эътиборсиз қолдирганлар. Шўронинг энг соғлом кишилари бўлган ёшларни бу «раҳбарлар» ёмон ва душман кўриб келганлар. Беш йилдан буён уюшмага биронта ҳам аъзо қабул қилинмаган. Чўлпон, А.Қодирий каби аксиланқилобчиларга ҳар жиҳатдан қулайлик туғдирганлар... А.Қодирий, Миён Бузруклар шўро воқелигини масхаралаб, Шўро ёзувчиларини талантсиз кишилар деб иғво қилганлар...»


Бу маърузада Чўлпон ва Қодирийнинг катта бўҳтон билан «аксиланқилобчи»ликда айбланиши бу ёзувчиларнинг бошига келадиган машъум ҳалокатдан дарак эди. Чунки шўролар жиноят қонунлари кодексининг 58/2-моддасига биноан аксиланқилобчининг жазоси – олий жазо!

Бечора... болаларининг меҳрибон отаси, эл севган ёзувчи, халқини озодликка, маърифатга чорлаган одам хаёли паришон, «эгарланган отдек», қайтиб келмас сафари қачон келишини билмай, ўша кунни кутиб яшаши...

Бир куни Юнус ота Мақсудийдан:

«Чиқмаса ҳам майли эди, нега ўша романни ёзиб қолдирмаганлар?» деб сўраган эдим, у киши: «Товуқ тухум қиламан деса, жой танламайди, лекин у кишига улар жой ҳам бермаган эди» деб қисқа қилиб жавоб берган эдилар.

Адибни хотирлаб



МЕН УНГА ЗАМОНДОШМАН

1917–1919 йиллар матбуот саҳифаларида «Жулқунбой» имзоси остида кўп мақола, фельетонлар кўриниб турарди. Бу фельетонлар, мақолалар ўзининг долзарблиги, оригиналлиги ва ҳаётийлиги билан бошқа материаллардан фарқ қиларди.

Бир куни «Иштирокиюн» газетаси таҳририятига ўзимнинг бир мақоламни олиб бордим. Мақола мактабимиздаги баъзи камчиликлар ҳақида эди. У ерда кўзлари катта, басавлат, сочлари тўзғиган, узун бўйли, қотма, қўнғиз муртли Мирмуҳсин Шермуҳаммедовни кўрдим. Мен уни танир эдим. Стол ёнбошида беқасам тўнли, сабза мўйлабли, келишган йигит – Абдулла ака ўтирар эди. Мен киришим биланоқ, Мирмуҳсин: «Хўш, нимага келдинг, укам?» деб сўради. Мен мақоламни столнинг бир четига қўйдим-да, ура чиқиб кетдим. Шунда Мирмуҳсиннинг Абдулла Қодирийга: «Ёшларни кўринг, нақадар тортинчоқ, уятчанг а?» дегани қулоғимга чалиниб қолди. Абдулла акани илгаридан билсам-да, бироқ унинг маълум ва машҳур «Жулқунбой» эканлиги ҳаёлимга ҳам келмасди. Миямда бир нарса ялт этгандай бўлди, нима учун тез чиқиб кетдим, деб ўзимни-ўзим койидим. Абдулла ака мени танимаса мен уни танирдим-ку... Ҳар ҳолда журъат йўқлиги, уятчанлик белга тепади-да.

Бир неча кундан кейин мақолам «Иштирокиюн» газетасида босилиб чиқди. Шундан кейин таҳририятга тез-тез борадиган бўлиб қолдим.

Мен Абдулла акани кўпинча таҳририятда, собиқ Иржар (ҳозирги Киров) кўчасида учратдим. Мен «Туркистон» газетасида адабий ходим эдим. Шу чоқларда сатирик журналга эҳтиёж туғилиб қолди. Шу муносабат билан Абдулла ака редакцияга кўп келиб турарди. Кунлардан бир кун таҳририятда сатирик журнал ҳақида сўз кетди, мажлис бўлди. Ёдимда бор, бу мажлисни олиб борган киши Усмонхон Эшонхўжаев эди. Мажлисда Ғози Юнус, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Аъзам Айюбов, Жулқунбой, Вали Алломов ва Зиё Саидлар бор эди. Шунда сатирик журналнинг номи ҳақида мунозара борди. Журнал

«Муштум» деб аталди. Абдулла Қодирий ҳам бу номни қувватлади. «Чунки бу бизнинг, меҳнатқашларнинг онгли қўли, кимни ва нимани уришни биладиган, оқни-қорадан ажратиб урадиган ва танқид қиладиган қўл», деди.

1924 йилнинг ёз ойларида Москвага бордим. Бухоро Халқ Совет Республикаси ташаббуси билан ташкил этилган ўзбек ишчилар факултетига (ҳозирги А. Толстой кўчасида) Абдулла Қодирийни учратдим.

– Ҳа, ишлар қалай, Абдулла ака, – сўрадим.

– Соме шогирд – эркин тингловчи бўлиб ўқиб юрибман, – деди у.

– Қанақа мактабда?

– Бир кун МГУда, бир кун Политехника музейида маърузалар тинглаб юрибман. Санъат техникумига қатнайман. Бу ерда турли-туман курслар, адабиёт-санъат ҳақида мунозаралар бўлиб туради.

– Москва ажойиб шаҳар, вақтинг тез ўтаркан, қандай ўтганини ҳам билмай қоласан киши. Ёзиш, чизиш, «Муштум»га материал юбориш, ўқиш, маъруза тинглаб туриш, сайр қилиш барчаси – иш, шу сабабдан вақт етмайди, – деди у.

Абдулла ака гапни тезроқ, киноялироқ, чертиб гапирарди. Абдулла аканинг ёшлари мендан катта эди. Унинг дўстлари Чўлпон, Ғози Юнус, Мўминжон Муҳаммаджонов, Санжар Сиддик, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Элбек ва Ғулом Зафарийлар эди. Бир вақт Москвада ўзбекистонлик ҳамшаҳарларнинг рабфак клубида катта мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда Абдулла ака, Шокир Сулаймон, Наим Саид, Анқабой ва Ботулар бор эди. Мажлис тугагач, ҳаммамиз овқатланиш учун Никитские ворота майдонидаги ошхонага бордик. Абдулла ака табиатан яккаликни, танҳо юришни ёқтирарди. Шунга қарамасдан, Абдулла акани ҳам ошхонага олиб бордик.

Аммо у киши суҳбатда кишини зериктирмас эди. Тўғри, гапирганда кулдиарди, бироқ ўзи кулмас эди. Сўз аро ўткир мақолларни қистириб ўтарди. Уни гапиртириб қўйиб, ҳикояни маза қилиб тинглар эдик. «Ўткан кунлар»ни қандай қилиб ёзгансиз? Нима учун «мозий»ни олдингиз», деб Шокир Сулаймон савол берарди.

Абдулла ака: «Ўткан кунлар»ни ёзишимга сабаб, биринчидан, отамдан эшитган ҳикояларим бўлса, иккинчидан, ўзим-

нинг ўткан тарихга бўлган иштиёқим, муҳаббатим, халқимнинг ўтмишини бўёқларда тасвирлашга уриниб кўриш орзуси бўлди. Ўтмишни билмасдан ҳозирни тушуниш қийин, – деди.

Абдулла ака ўз сўзида, адабий асарда бадиий тасвир, детал ва тафсилотлар, чуқур фикрлар бўлмаса, у адабий асар бўлиши қийин. Адабиёт – ҳаёт деганимиз. Ёзувчи ўзининг дунёқараши, ғоявий тушунчаси орқали, жозибали сўзлар билан тасвирлаб кўрсатиши лозим, деб айтарди.

Абдулла аканинг қўлида доим даста-даста газета-журналларни кўрардим. У кўп ўқирди, ҳодиса ва воқеаларни назаридан ўтказиб, ўрганиб борарди. Лангарҳовуз балиқларига нон ушоғини ташлаб, балиқларнинг сув юзида нон талашиб ўйнашганини завқланиб томоша қиларди.

1924 ё 1925 йили, қайси ойлиги ёдимда йўқ, мен у кишини КУТВда бўладиган адабий кечага таклиф этдим. Дастлаб Октябр инқилоби мавзуида доклад ўқилди. Докладдан кейин шоирларнинг чиқишлари бўлди. Улуғ шоир В.Маяковский ҳамда А.Безименский, А.Жаров, И.Уткин, Н.Асеев, М.Светловлар ўз асарлари билан қатнашдилар. Абдулла ака А.Жаровнинг шеър ўқишини жуда мақтади. «Унинг гавдаси, забардастлиги, баҳайбатлиги ўз шеърига монанд, шеъри ҳам шу қадар баҳайбат, кишида лўнда таассурот қолдиради», дегани ҳамон ёдимда.

Абдулла ака Владимир Маяковскийнинг шеър услуби, пафоси, оддий сўзлардан шеър дарёси яратиши, тилининг жозибадорлиги, тингловчилар юрагини занжирбанд қила олиш маҳоратига қойил қолганини алоҳида таъкидлади. «Саҳна, зал, девор, борлиқ, одам ва жиҳозлар ҳам худди шеърга айланиб кетгандай, шеърига жўр бўлгандай туюлади, – деди. – Шеър ўқиш ҳам катта маҳорат экан. Мен Маяковский шеърини ўзим ўқисам, унча тушунмас эдим. Энди маълум бўлдики, камчилик ўзимда экан», – деб айтди.

Бир куни «Қизил Ўзбекистон» редакциясида Абдулла акадан, ўзбек ёзувчиларидан кимларнинг асарларини севиб ўқишини сўрадим.

У жавоб берди:

– Садриддин Айний кўхна адабиётни яхши ва атрофлича билади. Унинг асарларида мағиз бор. Киши ўқиса зерикмайди, асарни ўқиган сари кишини ўзига тортади. Ёзувчининг асл истеъдоди ҳам шунда-да, ахир! Мен фельетончиликни ғоят се-

ваман. Фельетончилик ҳам ўзига хос, алоҳида ҳунар. Қуруқ сўз билан сўкиш эмас, танқид қилмоқчи бўлган воқеани, объект-ни шундай тасвирлаш керакки, кишининг кўз ўнгида ярамас кимсалар сурати яққол гавдалансин. Фельетончилик бадий адабиётнинг бир тармоғи сифатида ривожланиб келаётганини унутмаслигимиз керак. Ғози Юнус фельетонлари анча дағал, сўкишдан иборат. У Михаил Кольцов фельетонларини ўқиб ўраганиши мумкин-ку! – деди. Сиз қандай китобларни кўпроқ ўқийсиз? – деган саволимга эса:

– Мен Гоголь асарларини жондан севиб ўқийман. Сўнгра француз ёзувчиси Ги де Мопассан, улуғ рус ёзувчиси Антон Чехов ҳикояларидан завқланаман. Татар ёзувчиси Олимжон Иброҳимовнинг «Бизнинг кунлар» номли тарихий романи ҳам менда ўчмас таассурот қолдирди. Чунки бизнинг мадраса талабалари ҳаёти ҳам худди шу китобдаги тасвирга ўхшаб кетади. Шунга ўхшаш асарлар бизнинг руҳимиз, ҳаётимизга яқин туради, қани бизда ҳам шундай асар пайдо бўлса! – деб жавоб берди.

Шуни ҳам эслаб ўтиш керак: Абдулла ака Санжар Сиддиқ ва Мирмуҳсин Шермухаммедовлар билан яқин улфат эди. Чунки буларнинг иккиси доим русча китобларни кўп ўқишарди. Қандай янги роман, янги ҳикоя ё янги повест чиқса, шулар орқали хабардор бўларди. Бир-бирлари билан китоблардан олган таассуротлари билан ўртоқлашадилар. Суҳбатлари рус муаллифларининг устида борарди. У кишининг Л.Толстой «Анна Каренина»да Анна каби рус аёллари образи маҳорат билан яратилганлигини кўп марта таъкидлаб айтгани ҳали ҳам хотирамда сақланади. Мана энди бизда ҳам ҳаққоний, ўзбек ҳаётига хос, миллий анъанага мос бўлган шахслар образини яратиш, бадий зўр ва юксак нафосат диди билан тасвирга бой асарлар вужудга келтирувчи ёзувчи адиблар чиқади, замонамизга муносиб санъаткорлар бўлади, дегани ҳеч ҳам эсимдан чиқмайди.

Абдулла ака – Жулкунбой сиймоси ўзбек адабиётининг отахон ва забардаст вакили сифатида яшайди. Кейинги авлод учун унинг адабий мероси катта мактаб бўлди. Унинг тили, услуби, маҳорати, тасвирлаш санъати ўрганиш учун туганмас манба бўлиб қолди. Ўзбек адабиётининг туғилиши ва шаклланиши даврларида Абдулла Қодирий билан ҳамнафас бўлганим учун ўзимни бахтиёр биламан.

УЛУҒ АДИБ ЭДИ...

Бўш купеда «Меҳробдан чаён»ни ўқиб ўтирган эдим. Таниш товуш диққатимни бузди. Бошимни кўтардим: тепамда наманганлик шоир ва муаллим Рафиқ Мўмин кулимсираб турарди:

– Оҳо, жуда мукка тушибсиз-ку, ҳамкасаба...

Мен китобни ёпиб, тиззамга қўйдим. У ёнимга ўтириб китобни қўлига олиб кулди. Китоб қўлма-қўл ўтавериб анча эзилган, ҳилвираб қолган эди.

– Дарров ўзига боғлаб олади-а? Сеҳри зўр. – У китобни ва-рақлаб жимиб қолди. Кейин гўё сўзини улади: – Хат таниган киши қўлида «Ўткан кунлар» ё мана бу. Ташнамиз, ҳамкасаба, ташна, ҳозир бошқаси, бунинг олдига тушадигани йўқ... – Сўзи яна узилди, кўзи китобга михланди...

Ўша кезларда мен Попда муаллим эдим. Бир куни одамлар Мирзажон балшавой деб атайдиган темир йўл ишчиси чойхона кизил бурчагига бир даста китоб келтириб берди. Орадан бир китобни олиб кўрсатди: «Мана бунинг маорифнинг каттаконидан зўрға олдим, муаллим афанди, дарсдан кейин ўқиб берасиз». Бу «Ўткан кунлар» эди.

Ҳақиқатан ҳам кечқурунлари чойхонада дарс тугагач, «СБ»¹чилар ўринларидан жилмай, менга тикилиб ўтирадиган бўлишди. Мирзажон балшавой шоп мўйловини бураб: «Домла, қани, қолган жойидан бошлайлик. Кечадан бери бошимдан кетмайди: Ҳомид ўғри-ку ўзи қазиган гўрға кирди, қайтиб чиқолмайди, Отабекнинг ҳоли нима кечди, нафаси эшитилиб турган Кумуш-бибининг ёнига кирдими ё бирон жойга яшириндимми?..»

Мен китоб очиб, аста товушда ўқий бошлайман. Ҳамманинг кулоғи динг, чойхона жимиб қолади. Бир мўлжал ўқиб тин оламан, ўтирганларга кўз ташлайман. Тингловчилар кўксиларини бўшатишади, сукунат ўрнини жонланиш, хушнудлик олади.

– Отасига раҳмат ўша Отабекни! – хитоб қилади Мирзажон балшавой...

Бу чойхонадан бўшагач, китоб қўшни чойхоналар ва уйлардаги аёллар гурунгида ўқилади.

¹ СБ – саводсизликни битириш.

Кейинчалик «Меҳробдан чаён» чиқди, энди Отабек билан Кумуш ёнига Анвар билан Раъно кўшилди...

– Қаранг-а, – деди Рафиқ ногаҳон жўшиб, – бу романда ҳам эзгулик билан ёвузлик омонсиз олишади... Ҳозир туғилиб ўсаётган болалар орасида Отабек ва Анвар, Кумуш ва Раънолар кўп. Биласизми, нимага? Улар халқ кўнглидан ўзларига жой топяпти.

У қошини кериб, муғомбирона жилмайди-да, тантанавор эълон қилди: – Бугун, ҳамкасаба, муаллифнинг ўзини – Абдулла Қодирийни кўрасиз.

Мен унга анграйиб қараб қолдим.

Ўша вақтларда шаҳар марказида «Восток» деб номланган шинамгина майдон бор эди. Атрофи чойхона, қанд-курс, майиз ва писта-бодомлар сотиладиган дўконлар, гавжум бу жойда музика чалиниб, кўшиқ айтилиб турарди. «Восток»нинг бир бурчидаги чойхона шаҳар зиёлиларининг суҳбатгоҳи эди.

Ташқаридаги катда қорачадан келган киши Сўфизода рўпарасида ўқтин-ўқтин чой хўплаб ўтирарди. Рафиқ Мўмин: «Қадамингизга ҳасанот, Абдулла ака, хуш келибсиз», – деб меҳмоннинг кўлини олиб ҳол-аҳвол сўрашди. Кейин Сўфизода билан омонлашди, яхши хабар етказгани учун унга миннатдорлик билдирди. Мен сўрининг пойгакроғига ўтирган эдим, у ёнимдан жой олиб: «Абдулла Қодирий – Жулқунбой шу киши бўладилар, ҳамкасаба», – деб кулоғимга пичирлади.

Қодирий пиёладан оз-оз хўплаб ўтирар, гўё хаёл дарёсида сузарди, қизиқчиларнинг ўйини, музика садолари, дорбоз боланинг «лаббай»лари хаёл оқимини бузгандай, майдонга аҳён-аҳёнда қараб қўяр, шу заҳотиёқ яна ўз ҳолига қайтарди.

Унга қараб ўтириб менинг бу киши тўғрисидаги тасаввурим сочилиб кетди. Тасаввуримда Қодирий гурунгнинг гули, ҳаммани оғзига қаратиб ўтирадиган одам эди. У эса чурқ этмай ўтирибди. Шу аснода адабиёт муаллимларидан бири баъзи нарсаларни сўраб олишга Қодирийдан ижозат сўради:

– Шу... масалан, Отабек билан Кумуш ва Анвар билан Раъноларнинг образ сифатида ҳаётимиздаги кишиларга қиёси борми?

Қодирий кулимсираб бош кўтарди ва муаллимнинг ўзига савол берди:

– Ўзлари нима деб ўйлайдилар?

– Улар мен кўриб юрган одамлар орасида кимларгадир ўхшаб кетадилар.

Қодирий хушҳол илжайди:

– Балки. Аммо буларни фалончи деб бўлмайди, аслида муаллиф ҳаётдан нари кетмаса, кимларнидир сурати, хулқи одатдаги кўз ўнгида турса ҳам...

Муаллим яна ниманидир аниқлаб олишга оғиз жуфтлаган эди, гурунждан сал нарида, қўлида хўрозқанд, обакидандон сўрганича югуриб кетаётган бола йиқилиб тушди ва йиғлай бошлади. Қодирий беихтиёр ўгирилиб қараб қолди, бола туриб яна югургилаб дор сари кетди. У қайрилиб муаллимга қараганда суҳбат мавзуи ўзгарган, Рафиқ латифа бошлаган эди...

– Мен Наманган аҳлининг шоиртабиатлигини кўп эшитганман. Афсуски, шахрингизда кам бўлганман, кам биламан. Чунончи ажойиб латифалар, қочиримлар.

Рафиқ Мўмин кўзлари шўх қулиб, унинг сўзини ўзди:

– Худо излайвериб, охири лайлакни Худо деганимиз-чи?..

– Бу ажойиб.

У Сўфизодага қаради. Жим қулоқ солиб ўтирган домла латифани тақрорлади.

– Ажаб бир ҳолат, – деди Қодирий, – фожиадан кулги туғилади...

Рафиқ танбур чертиб аста қўшиқ бошлади. Одамлар диққатини энди танбур садоси, қўшиқ чулғаб олди. Кимдир: «Сиз йўқ, «Ўртар»ни жуда соғиндик, ака Машраб», – деди. (Рафиқ сочини гарданига тушириб юрганлиги, тахаллуси ҳам Машраб бўлганиданми, шахарликлар уни кўпинча шундай деб атардилар.) Дарҳақиқат, унинг бастига монанд ширали овози бор эди.

Даврада «Ўртар» янграй бошлади. Қодирий иягини муштираб, Рафиққа синчков тикилиб қолди. Кейин қўшиқ тугаб, ҳофиз танбурни ёнига қўйгач, меҳмон қаддини ростлади, гурунгдагилар унга қарашди.

– Машраб ҳам шу ерда туғилиб ўсган дейишади. Демак, у ҳам Наманган халқининг фарзанди. Аммо афсуски, бизлар у зотни ҳали дуруст билмаймиз... Ўрганишимиз лозим...

Шу суҳбатдан кейин орадан йиллар ўтгач, Абдулла Қодирий наманганлик пахтакор Маллабой ака ҳақида бир очерк эълон қилди. Бунда ўша «ўрганиш» таъсири баралла сезилиб турарди.

Бу вақтларда мен, Тошкентда, газета редакцияларидан бирида ишлардим.

Баланд Мачит маҳалласида яшовчи Шароф қори Жамолов

Абдулла Қодирий номини ҳурмат билан тилга олар, унинг романларини, газеталарда, хусусан, «Муштум» журналида босилган ҳикоя ва мақолаларини йиғар, завқланиб ўқирдилар. Инқилоб бошида адиб билан озиқ-овқат қўмитасида бирга ишлаганликларини айтиб фахрланардилар.

Кунлардан бир куни Қори ака билан кўча оғзида гаплашиб турган эдик. У киши елкамга туртиб: «Жулқунбой келаётибди, танийсизми?» – дедилар. Мен танийман, деб бош ирғатдим.

Улар омонлашишди. Қори ака бир пиёла чойга таклиф қилувди, у илжайиб бош чайқади-да: «Ҳали ҳам суд маҳкамасида котибмилар?» – деб сўради-ю, ўтиб кетаверди. Кетидан қараб қолдик, ён-верига қарамай борарди.

– Ғалати одамлар-а, ака, индамай юрганлари-юрган...

– Ўрганган одат. Вақти бўлса гаплашади. Ўй суриб юрган бўлса гаплашмайди. Сиз маза қилиб ўқийдиган китоблар шу ўй меваси, – дедилар қори ака кулимсираб....

Кейин орадан бирон йил ўтдимиз, «Ёш ленинчи» газета редакцияси ходимларининг ташаббуси билан адиб учрашувга қақирилди. Асосан ёшлар йиғилишган эди.

Эгнида қизил тўн, бошида қора духоба дўппи, ўрта бўйли, қорачадан келган, кулча юзлари сепкилли – Абдулла Қодирий хийла жим турди-да, ўзининг гапдон эмаслигини айтди:

– Сизлар савол беринглар, мен жавоб қилай. Осонроқ усул шу.

У саволларни ёзиб олди. Саволлар эса, кўпроқ ёзувчининг ёзиш усул, услубига доир эди. Кейин у хатига кўз югуртирди, чамамда, саволларни саралади. Оҳиста сўз бошлади. Ногоҳ хона жимиб қолди.

– Ҳар ёзувчининг ўз ўрганган йўли бўлади. Мен олдин жисмишакл кўз олдимга яхлит келадиган бўлгунча асарни бутун ўйлаб чиқаман. Асосий қаҳрамонларнинг ранг-рўйи, феъл-атворлари кўрина бошлайди. Кейин, фаразан, узун қоронғи туйнукдан қарайман, агар шу туйнук охиридаги ёруғлик аниқ кўринса, кўнгил ёришади, ишга киришаман, яъни биринчи бобни алоҳида ўйлаб ёза бошлайман, шакл ва мазмун яхши етилган бўлса, мени қаҳрамонларнинг ўзлари воқеалар ичига етаклайдилар. Мабодо хом бўлса, қайта ўйлаб пишитиш зарур бўлади.

Унинг сўзи узилди, ўтирганлар бир-бирларига маъноли қараб олишди. Қодирийнинг кўзи тингловчиларда эди. Фикрини жамлаб олди шекилли:

– Менинг қандай ёзишим сўралибди, – деди у, оҳиста товушда, – ҳар ким ҳар ҳолатда ёзади. Бировлар ўтириб столда, бировлар туриб, қоғозни бирон нимага қўйиб ёзиши мумкин. Мен бўлсам бағримга болиш қўйиб, ётиб ёзаман, қиш вақтларида оёғим сандал кўрпа тагида бўлади. Асосан, мен қишда ишлайман, ёз иссиғида кўпроқ боғ ишлари билан бўламан, у ёқ-бу ёққа саёҳатга чиқаман, одамлар орасида бўламан, тўғрироғи, турмушни ўрганаман, кишиларнинг феъл-атвориغا назар солиб юраман. Лекин ёзиш одатимни ҳеч кимга тавсия қилмайман, зинҳор, – деди у кулимсираб. Шу орада кимдир савол ташлади:

– Сиз қандай пишитасиз?

Қодирий жиддий тортиди:

– Айтганларимдан бу саволга жавоб чиққандир деб ўйловдим. Майли, ифодам аниқ бўлмади шекилли, тўлдирай: ўйлаб пишитаман. Кундузлари кўчада одам бўлади, таниш-билишлар билан сўрашиб хаёл бўлинади, ўзимни овлоққа тортаман, оҳиста юриб ўйлайман. Кўпроқ кечалари, кўча соявир тортиб, жимлик чўккан вақтларда ҳеч ким халақит бермайди, хаёл бўлинмайди...

Абдулла Қодирий чиндан ҳам гапириш мажбуриятидан ўзини олиб қочармиди, ҳар қалай, учрашувларга камдан-кам қатнашар, катта йиғинлардагина кўринарди. Унга бирон савол беришса қисқагина жавоб берарди-да, кўпинча индамай, ўтириб чиқиб кетарди. Аммо у «Гулистон» журнали идорасига бот-бот келар, редакция котиби Санжар Сиддиқ билан оҳиста гаплашиб ўтирганларини кўрардик. Санжарнинг укаси Мўқсид Сиддиқовнинг айтишича, улар яқин дўст бўлиб, Қодирий Санжарлар уйига доимо ойсининг исмини атаб кирар, янга, ошингизни соғиниб келдим, ҳеч ким сизчалик мазали палов пиширолмайдди, деб унинг пазандалигини мақтар, кейин Санжарни сўраркан, кампир хушнуд жилмайганча уйга имо қилар, китобдан бош кўтарармиди, дер экан.

Ўша кезларда Мўқсид ҳали ёш йигитча, чой ташиб уларга хизмат қилиб юрарди. Абдулла Қодирий Гоголнинг «Уйланиш» пьесаси, Санжар Сиддиқ «Ревизор» таржимаси билан банд бўлиб, суҳбатлари асосан таржима йўли, қандай қилса Гогол ҳажвиялари ўзбек томошабини кўнглига тез жо бўлиши, кулгини қўзғаши, кучайтириши устида бўларди.

Санжар ўйланиб маслаҳат соларди:

– Масалан, мақтанчоқ, лофчи генерал ўзининг ҳайбатли сўзлари орасида мен ўша Бойқаросини ҳам, Алишерини ҳам

кўрганман, ҳамган бўлганман деворса, кулги авж олмайдимиз?

Абдулла Қодирий чакагини эзгилаб тинглар ва унинг фикрини тасдиқларди.

– Маъқул, «Икки бойга бир малай»да қарол бир кўшиқни узиб-узиб хиргойи қилиб юради. Бу пьесанинг ўзида йўқ, таржимон кўшган, лекин асарни бузмайди, бу кўшиқ қаролнинг ҳаракатларини ўзбек томошабинига яқинлаштиради, Европа ҳаёти воқеаларини чуқурроқ кузатишга кўмаклашади.

Санжар кулиб илова қилади:

– ...Кимнинг майли кимда бўлса қўйворинг, ўйнасин.

– Ҳа, баракалла, – дейди Қодирий, – барча халқларда ҳам дастлаб ана шундай эркин таржима қилиш ҳоллари бўлган, мукамал таржималар шу кўникмалар, шу тажрибалар соясида вужудга келган.

Уларнинг бу борадаги суҳбатлари узоқ давом этар, кўпинча баҳсга айланиб кетарди, кейин жимиб қолишарди...

Ўттизинчи йилларда «Қизил Ўзбекистон» ва бошқа газета-журналларнинг редакциялари шаҳарнинг Иқон кўчасида бўлиб, бу жой шоир ва адиблар, журналистлар билан гавжум эди. Қодирий бу ерга кўпинча бир маҳалда, Аъзам Айюб билан Санжар Сиддиқ шахмат сура бошлаган дамда келадиган бўлиб қолди. Келарди-ю, сурилаётган шахмат доналаридан кўз узмай ўтирарди, гоҳ эшитилар-эшитилмас бир нима деб қўяр, шу заҳотиёқ тиниб, чехрасидаги ўйчанлик яна ўз ҳолига қайтарди. Бир куни қандай жим келиб ўтирган бўлса, худди шундай жим турди-да, ғойиб бўлди. Бир маҳал Аъзам Айюб бош кўтариб қарадию кулди:

– Шарпасиниям сезмабмиз-а, қаёққа кетди экан?– деди.

– Уни «Обид кетмон» дарди тутиб юрибди. Бундай маҳалларда у баттар индамас бўлиб кетади, – деди Санжар Сиддиқ.
– Қани, юринг.

Чиндан ҳам орадан йил ўтиб «Обид кетмон» босилиб чиқди.

ЮРГАН ЙЎЛЛАРИДА ҲАМ

Абдулла ака «Муштум» журналининг масъул котиби бўлиб ишлаган йиллар эди. Мен ўша вақтда 12–13 яшар боламан. Абдулла ака яшаган Самарқанд дарвозага яқин Сузук ота маҳалласида яшар эдим. Ўша пайтларда одамлар энди-энди газета, журналларга қизиқиб қарайдиган, воқеликларни ўқиб тушуна ва муҳокама қила бошлаган давр эди. Маҳалламизга «Муштум»нинг янги сони келиб қолса қўлдан-қўлга ўтар, одамлар тўп-тўп бўлиб йиғилишиб ўқишарди Журналхонлар ичак узулгудек бўлиб қотиб-қотиб кулишаркан, «оббо Жулқунбой-ее», деб қўйишарди. Мен «Жулқунбой ким экан», деб ўйлардим. Яна тўғрироғи, «Жулқунбой» деган қозоқча номдан таажжубланардим. Чунки тахаллусга ақлим етмас экан-да.

Абдулла Жулқунбойни кўришга ҳавасим ортиб борди. (Ён қўшнилар, айниқса, қариялар Абдулла акани «Абдулла Жулқун» дейишганини кўп эшитганман.) Ниҳоят у кишини таниб олдим. Бир кун (1925–26 йиллар бўлса керак) эрталаб Чорсу томонга кетаётган эдим, Абдулла акани кўриб қолдим. Унинг расмини кўрганим бор эди. Чамаси, у киши тинчроқ, деб ишга Сузук ота маҳалласи томонидан кетаётган бўлсалар керак. Кетларидан қадамба-қадам боравердим. У киши бир хилда қадам босиб, ҳеч қаёққа қарамай кетар эдилар. Андижон маҳалласига етганда (ҳозирги Мирлар маҳалласининг ярми илгари Андижон маҳалласи эди) муюлишда бирдан тўхтаб қолдилар. Орқаларида бораётиб мен оз бўлмаса туртиниб кетаёздим. Ёнларидан блокнот олдилар-да, тез-тез бир нарсаларни ёзиб, ўзларича мамнун илжайиб қўйдилар. Орқаларидан эргашиб Чорсугача бордим. У киши трамвайга ўтириб ишларига, мен ўз юмушимга кетдим. Энди билсам, улуғ адиб юрган йўлларида ҳам ўйлаб кетар эканлар, бир нарса эсларига келиб қолса, вақтни ўтказмай дарҳол ёзиб қўяр эканлар. Бу ёзувчиларга хос одат.

Ўша вақтда «Муштум»нинг ўқувчилари кўп эканлигини биламан. Абдулла аканинг ҳар хил имзолар билан ёзган фелетонлари, ҳажвиялари ўша вақтдаги иллатларни фош қилишда катта рол ўйнади.

Сузук ота маҳалла эркаклари орасида кимнинг ёши катта бўлса, ўша «азизлар» қилиб сайланар, сайланган «азизлар» масжидда бўладиган зикр-самоларга бошчилик қилар, назр-ни-ёзларни олиб, болаларнинг кокиллари «табаррук» қўли билан қирқар, хуллас, хўжадир, фуқародир – ҳаммалари уни ҳурмат қилишарди.

Шомаҳмудхўжа азизлар номли бир киши бўларди. У одам узоқ яшаб ўлгандан кейин, хўжалардан бирини ўрнига сайлаш керак бўлиб қолибди. «Ким катта» деган масала туғилиб, бириси «Холхўжани сайлаймиз» деса, бошқаси «Мўминхўжа акамни сайлаймиз», дейди. Сайланувчиларнинг иккисини ҳам ёши аниқ эмас. Эски ҳисоб билан йил ағдаришганда икковлари ҳам бир йилда туғилган бўлиб чиқади. Лекин қайси бири йилнинг аввалида туғилгану қайсиниси охирида – бу ҳам маълум эмас. Шундай қилиб, узоқ тортишув бўлади. «Азизлар»ни таллашиб хўжалар икки гуруҳга ажралишади. Ниҳоят Мўминхўжа «азизлар» қилиб сайланади.

Шу тўполон вақтида «Муштум»да Абдулла аканинг «Азизлар сайлови» деган сарлавҳа остида фельетони чиқади. Фельетонда хўжалар сайлови ва бўлиб ўтган тортишувлар кулгили тарзда батафсил баён қилинади. Фельетоннинг охирги хулосаси ҳамон ёдимда: «Азиз»ликка номзод қўйилганларнинг иккиси ҳам саводсиз бўлиб, бириси чирмандакаш, иккинчиси беданабоз эди». Абдулла ака фельетонни шундай сўзлар билан тугатган эдилар: «Азизлар бўлишни талашганлар кимлар деб савол берарсиз. Мана, танишинг – бирлари Холхўжа бадабанг-у, иккинчилари Мўминхўжа питпилдиқ!»

ЧИН ИНСОН

Менинг бир амаким, Шоисматилла ўз замонасининг тараққийпарвар зиёлиларидан эди. У киши 1917 йилларгача кўп шаҳарлардан (Қозон, Оренбург, Уфа, Боку каби шаҳарларда чиқадиган) турли газета, журнал («Мулла Насриддин», «Иқбол», «Вақт»), роман, дарсликлар ва бошқа адабиётлар олиб турар эди. Бу асарларни ўзи ўқир ва ошна-оғайниларига ўқишга берар эди. (Шулар орасида балким Абдулла ака ҳам бўлиши мумкин.)

Инқилобдан кейин 1920 йилгача бўлса керак, Шоисматилла амаким Чорсуда (Тошкент) китоб билан савдо қилувчи шинамгина ойнабанд кичик дўконча очди. Бу ерда маҳаллий тошбосма китоблари ва Боку, Қозон, Оренбург, Уфа каби шаҳарлардан олинган адабиётлар, дарсликлардан ташқари дафтар, қалам, сиёҳ ва бошқа ёзув анжомлари ҳам сотиларди. Китоб дўкончасининг номи ҳам янглишмасам «Иршод» эди.

Дўконча шундай бежирим ишланган эдики, айниқса, кечқурунлари дўкондаги «газфонар» ёқилгач, у гўё «жаннат» каби бир тусга кирарди. Буни кўрган ҳар бир киши беихтиёр дўконга кирар ва бирор нарса харид қилар эди.

Мен ўқишдан бўшаган чоқларимда гоҳо дўконга келиб амаким буюрган резаги ишларга қарашардим. Китобларни жавонларга чиройли қилиб теришим ва анжомларни кўрғазмага келиштириб қўйишим амакимга маъқул бўларди. Ўзига хос эстетик дид билан қурилган бу дўкончага замонасининг кўзга кўринган зиёлиларидан: Қудратилла махсум, Хислат эшон Ҳайбатулло, Тавалло (Тўлаган Хўжамёров), Сулаймон Хўжаев, Саидахмад эшон (Қўшмозорлик бу кишини Сандахмад аския ҳам дердилар. У яхши танбур чертар, расм чизар ва уста аскиябоз эди) ва Камолхон домла, Муҳаммаджон Қори, Ғулом Зафарий каби зиёли кишилар келарди.

Бир куни дўконга қорачадан келган, йўл-йўл оқ беқасам кийган ўрта бўйли бир киши кириб келди. Амаким дўконда эди. Қуюқ сўрашганларидан сўнг курсида ўтириб бир оз суҳбатлашдилар ва у киши 2–3 китоб харид қилиб, хайрлашиб чиқиб кетдилар. Бир оздан сўнг дўконни сотувчига қолдириб, амаким

билан уйга қайтдик. Йўлда амаким, ҳалиги қорачадан келган киши Абдулла Кодирий деган одам, дўконимизда биз билан бирга ишламоқчи, дедилар. Лекин Абдулла ака шу сўздан сўнг дўконда ишладиларми, йўқми, хотирлай олмайман. Йиллар ўтди. Аста-секин матбуотда Абдулла аканинг қаламига мансуб асарлар пайдо бўла бошлади. «Ўткан кунлар» романининг китоб ҳолида чиқмасдан илгари, қайсидир бир журналда айрим парчалари чиққани ва уни завқланиб ўқиб, давомини орзиқиб кутганларим ёдимда.

1923 йилнинг феврал ойидан бошлаб «Муштум» журнали чиқа бошлади. Абдулла аканинг фельетон, ҳажвий, саргузашт асарлари журналнинг асосий таянчи ҳисобланарди. Ўқувчи уларни ўқиб ҳузур қилар, хандон ташлаб кулар эди. Ўша вақтларда ҳавас қилиб «Зулқарнай» таҳаллуси билан «Муштум»га қатнашар, кичик-кичик лавҳалар ёзар эдим. Сўнгра журналга карикатуралар ишлай бошладим. Шу қатнашув жараёнида оз-оз бўлса ҳам Абдулла аканинг суҳбатларига мушарраф бўлгандим.

Абдулла ака камсухан, аммо маънодор сўзлардилар. Рассомликка бўлган қобилиятимни кўрган Абдулла ака жуда қувониб рассомлик касбини кунт билан ўрганиш учун санъат макони Ленинград, Москва шаҳарларига бориб ўқишимни маслаҳат бердилар. Шундай ҳам бўлди. Дўст-биродар, ошна-оғайниларнинг далдаси билан мен шу касбни севиб ўргандим, Москва, Ленинградда таълим олиб, натижада танилган халқ рассоми даражасигача етдим.

Абдулла ака ўзларининг ҳақиқатан ҳам соҳиби камол, чин инсон эканликларини, бир қатор романлари, ҳажвия, фельетон, мақолалар, шеър ва драма асарларини халққа изҳор этдилар. Ҳурматга сазовор бўлдилар. «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» тарихий асарларгина эмас, оламшумул адабий мерос ҳамдир. Асарнинг услуби, тили, ипга тизилган дурдона жумлалар халқимиз учун абадий бир қомус хизматида қолажак.

Шу ерда бир мисолни кўшиб келтиришни лозим кўрдим: 1927 йилда Тошкентда чоп этилган «Қисқача русча-ўзбекча луғати»нинг муаллифи К.Юдахин луғат тузишда 1925–26 йилларда нашр қилинган «Ўткан кунлар»дан, яъни ундаги айрим жумла ва сўзлардан самарали фойдаланганлиги ҳақида луғатнинг сўзбошисида мамнуният билан қайд қилиб ўтади.

Мен Абдулла ака асарларини 1923 йиллардан бери неча-неча марталаб завқ билан ўқиб келаман. У кишини ажойиб бир инсон сифатида эъозлаб келишимга яна бир мисол шуки, 1924 йилда Москвада ўқиб юрганимда, у кишининг портретини катта қилиб ишлаб, ўз ётоқхонам деворига осиб қўйгандим ва шу портретни 1925 йилда мухтарам Абдулла акага тортиқ қилгандим. (Тарихий бу асарнинг 1924 йилда туширилган ва менда сақланиб қолган бир фотолавҳасини кўрса бўлади.)

Абдулла акани образли тасвир қилмоқчи бўлсак, негадир Мирзо Анвар, Отабекларнинг мардона сиймолари кўз олдимизда намоён бўлади. Балки бу табиий ҳолдир: кўпинча асарнинг қаҳрамонлари ўз муаллифига ўхшаб ҳам кетиши биз рассомларнинг, айниқса, портретчи рассомларнинг асарларида сезилади. Муаллифда бўлган характерлар асарларидаги образларда қандайдир мўралаб туради.

1970 йил, 7 декабр

ҲАММА ЁҚ МУЗАЙЯН

Қатортол қишлоқ Советига қарашли Хирмонтепадаги ўрта мактабда ишлаб юрганымда кўпчилик қатори мен ҳам шаҳарга пиёда қатнардим. Агар кечикиб ёки толиқиб қолсам машҳур адиб Абдулла Қодирий (Жулқунбой)нинг Самарқанд дарвозадаги боғига кириб қолардим. Чунки ёшлиқда адабиётга қизиққан-лигим, Маъдалихон (ота маҳаллам) Эшонгузар маҳалласига қўшни ва амаким Омилхон Маҳмудов Абдулла ака билан дўст бўлганлиги важлардан мен Қодирийлар оиласига яқин эдим. Абдулла аканинг болаларидан Назифа, Ҳабибуллалар, билмадим, эртак ҳикояларим маъқул бўлгани учунми, мени жуда яхши кутиб олишар эди. Адиба, Масъуд, Анисалар ёш бола эдилар. Кечикиб келсам, айниқса, Раҳбар опам (Абдулла аканинг рафиқаси) сабабини сўраб-суриштирар, одми ва камгап Абдулла ака: «Кўринмай қўйдингиз?» – деб қўяр эдилар.

Абдулла ака кўпинча ўз хонасида мутолаа ва ёзиш билан машғул бўлиб ўтирарди. Овқатланишга онаси ўлтирган атрофи ойнавонлик юқори катта хонага кўтарилиб, ҳаммалари биргаликда овқатланишар эди.

Бир кун овқат чоғи суҳбатлашиб ўтириб у киши менга: «Мен хатимда партиянинг олижаноб қарори, деб ишлатдим. Ўртоқлар бунга қандай қарашар экан», – деди. Катта ёзувчи олдида мен бир қишлоқ ўқитувчиси нима дейишимни билмай: «Нима дейишар эди, Жулқунбой ишлатибди деб, ҳамма ҳам энди олижаноб сўзини ишлатаверади-да», – дедим.

У жуда камтар, ажойиб, ҳассос адиб эди. У одатда саҳардан туриб боғ айланар, қушлар чаҳ-чаҳлашига қулоқ солар, ўринда ётган болаларига қараб, кичикларининг уёқ-буёғини тузатиб қўярди, баъзан улар билан ўйнашарди. Жосият онанинг олдиларига бориб: «Яхши ухладингизми?» деб ҳол-аҳвол сўрар эди.

Бир кун Абдулла акани қизиқ ҳолатда кўрдим. Хонасида узоқ ўтириб, китоблар орасидан чиқиб келди. Кўзлари йиғлагансимон, аммо руҳи баланд эди. Ҳайрон бўлиб қараб қолганимни сезиб: «Ўйлаб юрган романимни ёзиб битирсам, китоб бўлиб чиқса, кўрқаманки, «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»ни ҳеч ким ўқимай қўяди, дейман», – деди.

Баҳор ойлари эди шекилли, бир кун уларникида бўлдим-да, Жосият она, Раҳбар опалар билан сўзлашиб ўтириб қайтишга чоғландим. Раҳбар опам билан хайрлашар эканман, овозимни эшитиб Абдулла ака ўз хонасидан чиқди ва «бу ёққа киринглар, маслаҳатли иш чиқиб қолди», деб таклиф қилдилар. Раҳбар опам билан кирдик. У киши отимни атамасдан: «Сизга бир юмуш бор, синглим Назифага бир қариндошимиздан совчи келяпти. Унинг розилигини олиб берсангиз», – дедилар. Мен олиб бердим...

Тўй кунлари яқинлашди. Таклифлари билан мен тез-тез келиб тўй ҳозирликларига кўмаклашиб турдим. Бир кун келсам онам (Абдулла аканинг онасини ҳамма набиралари она дегани учун мен ҳам она дердим) куйиб-пишиб: «Абдулла бир сўзлик, мол ёйиб палак осишни нима кераги бор деди, сиз тушунтириб айтинг, айланай», – деди. Мен бир кун овқат чоғи: «Она, палакларни шу катта уйга ўзим ўхшатиб ёяман», – дедим жўрттага. Абдулла ака: «Нима кераги бор?» – деди. Мен: «Мол ёйилмаса Назифа ўксийди-ку ўз тенглари ичида», – дедим. У киши индамай туриб чиқиб кетди. «Хайрият, индамади», – дейишди. Никоҳга икки-уч кун қолганда кечаси билан палак ёздик, дор тортиб кийим-кечакларни ёйиб ташладик. Абдулла ака эртасига ясатилган уйга кириб, у ёқ бу ёққа қараб: «Ҳамма ёқ музайян бўлиб кетибди-ку!» – дедилар. Яна ўша куни у киши менга: «Назифага айтинг, хитойи кўра-лаганларни Ҳабибуллага атаб олганман, шуларни берасизлар, деяётган эмиш», – деди. Мен Назифани кўндирдим. Тўй ширингина бўлиб ўтди.

Абдулла ака Назифанинг биринчи боласи исмини Фарзона қўйган эди. У: «Набира ўз болангдан ширин бўлар экан», – дерди. Бу бахтиёр оилани қачон кўрсам хурсанд бўламан. Зотан, дўстни бахтиёр кўришдай маънавий лаззатга нима етсин.

Тўйтепалик йигит-яланглар бир тўкмада «подшо-подшо» ўйнашибди. «Подшоси»: «Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» китоби чиқибди, шуни қаердан бўлмасин эрталабгача топиб келтиринглар!» деб икки йигитга буйруқ беради. Бу йигитлар бизнинг яқин танишимиз бўлиб, улар тунда от чоптириб Маъдалихон маҳалласидаги ҳовлимизга эшик тақиллатиб келадилар. Биз биронта қариндошимиз ўлибдими, деб (авваллари бирор киши ўлса кўпинча тунда от чоптириб келиб жанозага хабар

қилиб кетилар эди) қўрқиб кетдик. Шошганимиздан муаллифнинг ўзи менга эсдалик қилиб дастхат ёзиб берган «Меҳробдан чаён»ни бериб юборибмиз...

* * *

«Қизил қатортол» колхозининг темирчиси Саидхон ака шундай воқеани колхозчиларга фахрланиб айтиб юрарди:

«Жулқунбой бизнинг боққа тез-тез келиб турар эдилар. Мен баъзан бориб у кишининг асалариларига қараб турар эдим. 1935–36 йиллар бўлса керак, бир кун икковимиз Чинозга бориб сигир сотиб олиб келишни аҳд қилдик. Кечки пайт дачний поездга тушиб Чинозга борсак, карантин бўлгани учун мол сотилмас, шаҳарга ҳайдалмас экан. «Сигир ололмас эканмиз-да», деб бўшашиб, чойхонага кириб чой ичиб ўтирдик.

Шу чойхонада тунашни кўнгиллаб чой ичиб ўтирсак, колхоз раиси бўлса керак, аравада кўсак келтириб, чойхўрларга «эрмак қилиб кўсак чувиб ўтиринглар», деб ташлаб кетди. Биз ҳам чойхўрлар суҳбатига қулоқ солиб кўсак чувий бошладик. Бир вақт ҳалиги раис, қишлоқ шўросининг раиси ва туман прокурори учови негадир чойхонага кириб келишди. Прокурор шаҳарлик бўлиб Жулқунбой акани танир экан. «Ия, Абдулла ака, бизнинг Чинозга нечук келиб қолдингиз?» – деб келиб кўришди ва ҳамроҳларидан сўради:

– «Ўткан кунлар»ни ўқиганмисизлар, «Меҳробдан чаён»ни ўқиганмисизлар?

– Албатта ўқиганмиз.

– Ким ёзган у китобларни?

– Абдулла Қодирий – Жулқунбой.

– Мана шу киши ўша Абдулла Қодирий бўладилар, билсангиз!

– Ие, ие, кечирасиз, афв этасиз, – деб хайрон бўлиб қолди колхоз раиси ва уйларига таклиф қилишди. Жулқунбой ака узр айтиб, уларникига бормадилар. Бир ўрта ёшли муаллим бизни уйига олиб кетди. Унда меҳмон бўлдик, роҳатланиб ухладик. Эрталаб прокурор киши кечаги ҳамроҳлари билан келиб, уйларига меҳмонга таклиф қилдилар. Сигирни эса ўзлари сотиб олиб берадиган, ҳайдовчи топиб уйимизга юборадиган бўлишди. Шундай қилиб, Чинозда икки-уч кун меҳмондорчиликда қолиб кетдик. Яхшининг шарофатида мен ҳам бир сигирлик бўлиб қолдим».

1972 йил, 26 январ

ГАП «ЎҒИРЛАБ» ЎТИРАР ЭДИЛАР

Октябр инқилобига қадар Тошкент эски шахрида, Маҳсидўзлик маҳалласида ёнма-ён иккита театру бор эди. Бири «Турон сахнаси», иккинчиси «Шарқ сахнаси» деб аталар эди. («Турон сахнаси» биноти ҳозир ҳам бор, унда Октябр туман ҳарбий комиссарлиги жойлашган.) Бу театрлар 1915–1916 йилларда пайдо бўлган. Дастлабки йилларда унда «Али човуш», «Кичик аскар», «Сўзлайдиган қўғирчоқ», «Андалуснинг сўнгги кунлари», «Бахтсиз куёв» каби пьесалар ўйналар, ҳамма ҳавас билан томошага борар эди. У пайтларда ёш бўлганим учун артистлардан кимлар ўйнаганини билмайман.

Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв»ини 1916 йил бўлса керак, биринчи бор «Турон сахнаси»да кўрганман. Шунда маҳалла имоми ролида ўйнаган артистнинг сахнада кулгили талаффузда айтган шу сўзлари ҳали-ҳали ёдимда:

– Мее-ен ҳам айтдим-к-у-у, Фай-йзий-йбойни-икида бир гап бор-ку у-у, деб...

Бу чўзиб айтилган кулгили сўз кейинчалик томошабинлар оғзида анча вақтгача эрмак бўлиб юрган эди. У пайтларда мен «Бахтсиз куёв» кимнинг асари эканлигини билмаган эдим.

Отам – Назирхон Тошкентнинг машҳур бойларидан бўлган Миртоживой (Исамухамедов) қўлида приказчилик қилар эдилар. У киши бойнинг ишончли ваколлатини олгани учун кўп ишларни бой номидан ўзи бажарар, Москва, Петроград каби рус шаҳарларига бориб фабрикантлар билан шартнома тузар эдилар. Шу билан бирга отам маърифатпарвар, илм кишиларини жуда дўст кўрувчи эдилар. Шунинг учун уйимизда меҳмондорчиликсиз кунлар оз бўлар эди.

Биз Маъдалихон маҳалласида яшар эдик. Абдулла Қодирий эса бизга қўшни бўлган Эшонгузар маҳалласида яшар эдилар. Шунинг учун у киши кўпинча эшикни босиб ўтиб (трамвайнинг «Чақар» бекатида), шаҳарга қатнар ва баъзан меҳмонхонамизда қўнар эдилар.

Отам билан Абдулла аканинг (у киши отамдан ўн-ўн беш ёш кичик эдилар) таниш-дўстлиги авваллардан бўлса керак. Чунки

икковлари бир жойнинг кишиси, касблари ҳам аввалларида бир (приказчилик) ва бунинг устига дадамнинг маърифатпарвар, «жаҳонгашта»лиги ҳамда уйимизнинг доимо аҳли илмлар билан обод бўлганлиги Абдулла аканинг бизнинг уйда тез-тез бўлишига сабаб бўлган бўлса керак деб ўйлайман.

Бизни кига тез-тез келиб, меҳмон бўлувчиларнинг бириси Боқижонбой исмли киши эди (бу кишининг бизга тез-тез келиб туриш сабаби, у бобомнинг шогирди бўлган ва отам билан доим шахмат ўйнар эди). Боқижонбой ниҳоятда ўқимишли ва уққан, тадбиркор, эл ўртасидаги ҳар қандай уруш-жанжал, келишмовчиликларни адолатли ҳал этишга бениҳоя моҳир эди. Кишилар ўртасида бўлиб турадиган баъзи жанжалли ишлар, келишмовчиликлар шу киши қўлида битар, ҳамма унга мурожаат қилар эди. Шунинг учун ўз бойлиги билан эмас, ақл-заковати билан халқ ўртасида кўпроқ обрў қозонган эди¹.

Отам бир вақт шундай ҳикоя қилган эдилар:

Ака-ука савдогар бойлар арзимаган бир сабаб билан уришиб қоладилар-да, иш улғайиб, ҳар иккалалари бир-бирлари устидан арз-даъво қилиб қозига мурожаат қилишади. Иш етти йил чўзилади ва охири «Мировой судья»га ошади. Шаҳарнинг аҳли дониш кишилари орага тушиб ишни «Мировой судья»дан қайтариб олдиришади ва ижросини шу Боқижонбойга топширишади. Бунга ҳар иккала тараф, ака-ука «даъвогарлар» кўнишади.

Укасининг боғига куз пайти ҳамма казо-казолар йиғилишади. Зиёфат бошланади. Ҳамманинг диққати, кўз-қулоғи «қани, нима деркин, жанжални қандай ҳал қиларкин?» деб, тўрда ўтирган Боқижонбойга қаратилади. Боқижонбой зиёфат яримлай бошлаганда «даъвогар» ака-укаларни ҳам қаторга келиб ўтиришга таклиф қилади. Ака-укалар бир-бирларини еб-ичгундай бўлиб, чор-ночор бир-бирларига тескари қараб, ёнма-ён ўтиришгач, Боқижонбой кулимсираб, «машойихлар хангомадан гап яхши», деган эканлар, деб аста бир ҳикояни бошлайди. Ҳикоя шу қадар қизик, ҳеч эшитилмаган, ҳаяжонли бўладиким, гўё ҳамманинг вужуди қулоққа айлангандай тинглашади. Ниҳоят, ҳали ҳикоя тамом бўлмасданоқ ҳалиги икки ака-ука «даъвогарлар» ғайри-ихтиёрий ўринларидан туриб бир-бирларига салом беришади, узр айтишади ва йиғлаб, қучоқлашиб кўриша кетишади. (Афсуски, дадам бу ҳикоя мазмунини менга айтиб бермаган эдилар...)

¹ Боқижонбой инқилобнинг биринчи кунлариданоқ пахта тозалаш заводини ўз ихтиёри билан давлатга топшириб, тинч ҳаёт кечириб вафот этган.

Боқижонбой тамасиз, умрини халқ тинчлиги, дўстлиги йўлига тиккан олижаноб одам эди. Бу тафсилотлардан муддаом: Абдулла акам ҳам бу сўзамол кишининг суҳбатига доим мафтун, чой қуйиб бериб унинг қизиқ-қизиқ, ҳаётий суҳбатларини тинглаб, гап «ўғирлаб» ўтирар эдилар...

* * *

Мен Ўғри кўчадаги Тошкент вилоят дорилмуаллимин техникумида ўқирдим. Абдулла акам бизга кўниб, меҳмон бўлиб ўтганларида, баъзан мен билан суҳбатлашардилар. Ўқишимда қандай дарслар ўтилаётганлигини ва кимлар дарс бераётганлигини сўрар эдилар. Бир гал у киши менга Журжи Зайдоннинг «Усмонли инқилоб», Иброҳимбекнинг «Саёҳатнома» номли туркча китобларини ўқишга келтириб бердилар. Бу китобларни қийнала-қийнала ўқиб чиқдим. Шу йўсин аста адабиётга қизиқдим.

1924–1925 йиллар эди шекилли, «Набижон» номли бир ҳикоя ёздим ва уяла-уяла Абдулла акамга кўрсатдим. У киши ўқиб, у ер-бу ерини тузатиб, «Камбағал деҳқон» газетасида бостириб чиқардилар ва бир куни уйимизга уч сўм қалам ҳақи ташлаб ўтдилар... Шу йўсин менинг ўқитувчилик, газетачилик, журналчилик фаолиятим бошланди.

Бир вақт Самарқанд дарвозадаги уйларига борганимда суҳбатлашиб ўтириб, гап уриниб Абдулла акамдан сўрадим:

– «Ўткан кунлар»ни фильм қилар эмишлар, деб эшитдим?... –

– Ҳа, шундай гаплар бор... Агар фильмнинг олиниши амалга ошадиган бўлса, ролларга мувофиқ кишиларни мўлжаллаб, киностудиядаги ўртоқлар билан келишиб қўйганман, – дедилар Абдулла акам ва кулдилар, – Отабек ролини ўзим ўйнасаммикин-а?

САМАРҚАНД ДАРВОЗАДАГИ БИР ХОНАДОН

1928 йили қишлоғимиздаги мактабга директор бўлиб тайинландим. Бир йилдан кейин Солиҳ Абдукаримов деган йигит ўқитувчи бўлиб келди. У сермутолаа, ўткир зеҳнли ва камтар йигит эди. Менинг китоб жавонимдаги «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини ва бошқа классикларнинг асарларини кўриб жуда қизиқиб қолди ва ўзининг ҳам бадиий адабиёт мухлиси эканини айтди.

Биринчи кунёк, кечқурун, овқатдан кейин гурунглашиб ўтирар эканмиз, у бирданига: «...Хов ана, бир қалдирғоч тўғрига қараб ўқдек отилиб боради, учган йўлида вижир-вижир сайраб қўяди. Қалдирғочнинг қайғуси йўқ, севганининг олдига тезроқ етиш учун шошаётгандир, сайраши ҳам суйганини кўриш шодлиги учундир. Бахтли қалдирғоч...

Узоқда қўш ҳайдаб юрган бир йигитнинг ашуласи эшитилди: «Икки ёрни ажратувчи бу фалакнинг гардиши!» Рухли, кучли кўкракдан чиққан бу қўшиқ теваракни зир эттириб юборганидан Отабекка ҳам бошқача бир таъсир беради. Гўё бу деҳқон унинг истиқболидан ҳикоя қилгандай бўлади...

Энди Отабекнинг кўнглидан: «Икки ёрни ажратувчи бу фалакнинг гардиши эмас, ота-онанинг орзуси!» деган фикр ўтади ва унинг маъноси Отабек истиқболини кўрсатгандай бўлиб уни йиғлатади...» деган парчаларни ўқиди.

Менинг таажжуб билан қараб турганимни кўрган Солиҳ ака: «Ўткан кунлар»нинг айрим жойларини ёдлаб олганман», – деди.

Мен Солиҳ акага қойил қолганимни билдирдим. Ана шунда у Абдулла Қодирий билан қўшни эканликларини ва адибни деярли ҳар куни кўриб, сўзлашиб туришини айтди ва кези келганда мени ҳам таништириб қўйишга ваъда берди.

Кейин Солиҳ ака билан иккимиз Тошкент Олий агропед институтига ўқишга кирдик. Мен институтнинг нашриётига муҳаррир бўлиб ишга кирдим. Солиҳ акани ҳам ёнимга тортдим.

1934 йили сентябр кунларининг бирида Солиҳ ака: «Бугун бизникига меҳмонга борасиз. Абдулла акани ҳам таклиф этдим,

розилик бердилар», – деди. Ишдан кейин икковлон Самарқанд дарвоза томон йўл олдик. Солиҳ аканикига Қодирийнинг уйи ёнидан ўтиб борилганидан яқинлашгач: «У кишининг уйлари мана шу, – деб кўрсатди ва шу заҳотиёқ, – ана, ўзлари ҳам шу ерда эканлар, – деб кўча ёқасидаги майдончадан беда ўраётган кишига имо қилди. Шу вақт Қодирий биз томонга қайрилиб қараган эди, биз шошиб қолиб, кўприк орқали айланиб ўтиш ўрнига ариқдан бирин-кетин сакраб ўтиб саломлашдик. Абдулла ака биз билан кўришди ва «келинглар, йигитлар», деб мулозамат қилди, Солиҳ ака мени таништирди. Мен Қодирийни бундан илгарилар ҳам мажлисларда бир неча марта кўрган эдим. Энди яқиндан туриб қўл бериб кўришмоқдамиз. У ўртадан бир оз баландроқ бўйли, зуваласи пишиқ, қора кўзлари ўткир ва шўхчан.

Абдулла ака, «Мен ҳам ишимни тамомладим, ҳозир чиқаман», деб ҳовлига кириб кетди ва айтганидек тезгина чиқди. Адибнинг асарларини ўқийвериб ёд қилиб юборганимиз, бунинг устига Солиҳ аканинг турли хил саволлар бериши натижасида суҳбатимиз тезда қизиқ кетди. Табиий, мени ҳам, мезбон Солиҳ акани ҳам Қодирий асарларининг айрим қаҳрамонлари, персонажлари тўғрисида сўзлашиш ва ҳозир нималар устида ишлаётганини сўраб билиш қизиқтирар эди.

– Намоз ўғри тўғрисида бир қисса бошлаган эдим, баъзи бир сабабларга кўра асарни ярим йўлда тўхтатишга тўғри келди. Ҳозир Умархон даврига доир тарихий роман ёзиш учун материал тўплаяпман, иш яхши боряпти, эсонлик бўлса уч-тўрт йилда тугалларман, деган умиддаман, – деди. Биз адибга муваффақият тиладик.

Мен «Меҳробдан чаён» қаҳрамонларидан Солиҳ Маҳдумнинг тасвири жуда ҳам ажойиб эканини ва шу кунгача ўқиганим бирорта асарда киши шахсининг бунақа тасвирини учратганимни айтганимда, адиб кулиб сўзимни маъқуллаган бўлди.

Адибни ҳамма нарса қизиқтириши ва ҳамма нарсани синчковлик билан текшириши сезилиб турарди. Мендан «Безгак касаллиги билан оғриганмисиз?» деб сўраб қолди. Ҳақиқатан ҳам етти-саккиз йил илгари безгак билан оғриб тузалиб кетган бўлсам-да, рангимда заҳиллик қолган эди.

– Менинг шунақа кузатувчанлик одатим бор. Кейинги вақтларда ўртоқ Файзулла Хўжаев уч-тўрт марта чақиртирди, колхозчилар ҳаётидан асар ёзишимни таклиф қилди. Ҳар сафар

ҳам диққат билан кузатаман, ранги захил, юзини майда-майда ажинлар босиб кетган. Бу қониқиб ухламаслик натижаси бўлса керак, – деди. Яна: – Бутун мамлакатни бошқариш осон иш эмас, – деган сўзларни қўшиб қўйди.

Кечкурун соат ўнларга яқин партактив ошхонасида ишлайдиган Зариф деган ҳамқишлоғим устимизга келиб қолди. Умрида сира кўрмаган бу жойни қандай топиб келганига ҳайрон бўлганимизда, даврамизда Қодирий ҳам борлигини билмагани учун: – Вивеска жуда зўр экан, – деди Зариф менга мурожаат қилиб: – уйингиздагилар сизни Абдулла Қодирийнинг кўшнисиникига меҳмонга кетди, дейишди. Ниёзбек кўчасида биринчи учраган кишидан: – ёзувчи Абдулла Қодирийнинг уйи қаерда, деб сўрадим. У Самарқанд дарвозага яқин жойда, ўша ерга бориб сўрасангиз етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма билади, деди. Чорсуга келганимда бир кишидан, Занги ота маҳалласида яна бир кишидан сўраб тўғри топиб келдим, – деди. Биз Қодирийни ишора билан кўрсатиб: – Танишинг, Абдулла ака шулар бўладилар, – деганимизда, Зариф жуда шошиб қолди ва ўрнидан сакраб туриб, кечирасиз, деб Қодирий билан бошқатдан кўришди.

– Омбор мудури келавермагач, масаллиқларни қулфланмайдиган бир ҳужрага қамадим-да, эгамга топшириб келавердим, – деди Зариф. Унинг бир оз галдирлигини дарров пайқаган адиб:

– Зап кимсага ишонибсиз, масаллиқларингизни омбори билан кўтариб кетса ҳам «ғинг» демайди, – деди. Ҳаммамиз кулишдик.

– Шаҳарга кўчиб келганмисиз ёки ишга қишлоқдан қатнай-сизми?

– Қариялар қишлоққа ўрганишган. Шунинг учун қийинчиликни ўзимга олиб уларни қўзғатмай қўя қолдим.

– Отангиз кексайиб қолганмилар?

– Олтмишнинг нари-берисидалар.

– Шу ёшда одам қарир эмишми? Мен отам етмиш иккига, укам Қудратилла отам етмиш еттига кирганларида туғилган эканмиз. Шарқда одам қаримайди.

– Ундан ташқари кўчиш даҳмазасини айтмайсизми?

– Ҳа, гап келиб қолди, хафа бўлмайсиз, – деди Абдулла ака, – мана шу жойдан 200 метрча нарида жарлик бор, – деди бир томонга ишора қилиб, – ўша ерда бир дарвиш яшайди. Баъзан кечкурунлари унга иссиқ овқат олиб бориб тураман. Бутун

бисоти битта чойжўш, битта эски пўстак ва эгнидаги жулдур чопонидан иборат. Бир гал қишда 15–20 метр наридаги бўш ётган обжувозхонани кўрсатиб, очик жойда ётгандан кўра, анави обжувозхонага кўчсангиз бўлмайдими, деганимда у:

– Яхши бўлардику-я, кўчиш даҳмазаси курсин, одамни жуда бесаранжом қилади-да, – деб жавоб қилди. Ҳаммамиз кулиб юбордик. Зариф ҳам кулди.

Ярим кечагача гурунглашиб ўтирдик.

Абдулла ака кетишга қўзғалар экан, нонуштани бизникида қиламиз, эрта билан чиқинглар, деди.

Зариф эрта билан барвақт туриб ишига кетди. Биз Солиҳ ака билан Қодирийникига чиққанимизда, адиб ўзининг машҳур шийпониди дастурхон ёзиб бизни кутиб ўтирарди. Кейин билсак, Абдулла ака эрта билан жуда барвақт туришга одатланган, асар ёзганда ҳам, боғда ишлаганда ҳам ишни тонгдан бошлар экан. Боғ каттагина бўлиб, анвойи гуллар очилган, узум, олма, анор, нок, шафтоли, гилос, олхўри, ёнғоқ ва бошқа мева дарахтларининг шохлари мўл ҳосилдан ергача эгилиб ётар эди. Бу гул ва мева дарахтларининг ҳаммасини адиб ўз қўли билан вояга етказган.

– Ўзим экиб, парвариш қилиб ўстирган гулларим вояга етиб очилса, дарахтларим ҳосилга кирса, худди асарим босилиб чиққандай қувонаман, – деди адиб.

Абдулла ака сархил кўчатлар етиштириб атрофга тарқатиб турар экан. Мен Солиҳ аканикидан қайтишда Занги ота маҳалласида тоғамникига кириб ўтдим. Тоғам боғида меваси пишиб ётган бир неча хил дарахтларни кўрсатиб, мана шуларнинг кўчатини ёзувчи Қодирийдан олганман, деб фахр билан гапирди.

Қодирий билан яна уч-тўрт марта учрашиб гаплашиш шарафига муяссар бўлдим. Ўзбекистон Давлат нашриётига иш билан борганимда, гоҳо-гоҳо Наим Саид ва Нуриддин Сайфулмулуковлар ҳузурида кўрардим. Ҳар гал ҳам мени эски кадрдонлардек қаршилаб, ҳол-аҳвол сўрар, ҳар замонда газета, журналларда кўринадиган материал ва очеркларимни, айниқса, атоқли соҳибкор Ризамат Мусамуҳамедов ҳақидаги очеркларимни ўқиганини айтиб, яхши қиласиз, ёзиб туриш керак, деб таъкидларди.

1937 йил апрел кунларининг бирида институтга барвақт бориб, у ердан Янгийўлдаги механизация станциясига командировкага кетишим керак эди. Уйдан чиқиб қўшни Фрунзе

кўчасига ўтганимда Абдулла ака уйларнинг номерига қараб, кимнингдир уйини ахтариб юрарди. Мен яқинлашиб салом-аликлашганимиздан кейин адиб: – Ўртоқ Мўмин Усмонда ишим бор эди, уй номерини унутибман шекилли, тополмаяпман, – деди. (Мўмин Усмон Ўзбекистон КП Марказий Комитетида бўлим мудури, хотини Собира Холдорова Тошкент шаҳар партия комитетининг котибаси бўлиб ишлардилар.) Мен уларнинг уйларини кўрсатдим ва хайрлашиб ўз йўлимга кетдим.

Улкан адиб, улуғ талант, ҳақиқий инсон Абдулла ака Қодирийни шундан кейин яна кўриш насиб бўлмади.

1972 йил, 12 июл

ЧАМАН

Қувваи муҳофизам адаштирмаса, «Ҳаёт» номли ибтидоий мактабнинг 4-синфида ўқиётган пайтларим, 1923 йилнинг хазонрезги мавсуми эди. Бизни Абдулла Қодирий (Жулқунбой) билан илк бор мактабнинг собиқ талабаси, кейин шу ерда илмий мудир бўлиб қолган Ғафур Ғулом ғойибона таништирган, бизга унинг ўзига хос фазилатларини мароқ билан тўлиб-тошиб ҳикоя қилиб берган эдилар.

Бунинг ҳайратланадиган ери йўқ. Ғафур ака тил-адабиёт домлаларимиздан, синфга кирдилар дегунча, адибнинг, хусусан, «Муштум» журналида чоп этилган ҳажвиялари ва араб алифбосида босилган «Ўткан кунлар» романини ҳаммамизга кўз-кўз қилиб дердилар:

– Шуни билингким, болалар, Абдулла Қодирий ўзбек элининг биринчи ҳажвиётчиси, биринчи романнависидир. Мен бу табаррук зот билан кўп мулоқотда бўлиб тураман. Уйларида ҳам бўлганман.

...Йиллар ўтди... Қодирийга бўлган ихлос ва эътиқод мени ҳам у кишининг даргоҳига етаклади.

Йигирма беш ёшлар чоғим эди. «Муштум» журнали редакциясида масъул котиблик қилар эдим. Москвадаги журналистика институтининг комсомол бўлимини битириб келгач, шу ишга тайинланган эдим. Бирор масалада уриниб қолгудек бўлсак, «Тез ёрдам» учун дарҳол Қодирийнинг ўзларига ва ижодларига мурожаат қилардик.

Биттагина мисол: «Обид кетмон» романини ўқиб, менда ҳам колхозлаштириш борасида роман ёзиш ҳаваси туғилди. Уч-тўрт йиллик ижодий уринишнинг натижасида қалингина китобни ёзиб битказгандек бўлдим ва унга «Чаман» деб ном қўйдим. Асаримни муҳокама қилиш, маслаҳат олиш учун Ўзбекистон Давлат нашриётига топширдим. Нашриёт бош муҳаррири Ҳусайн Шамс ўқиб кўриб (ўша кезлари у «Муштум»га ҳам муҳаррирлик қиларди), «романингни аввал Абдулла акага кўрсатганинг маъқул. У кишининг таҳрирлари соз, зора бир йўла қўлдан ҳам чиқариб берсалар», – деди.

Унинг маслаҳати менга ёқди. «Хайр, ундай бўлса Қодирийга қўлёзмани ўзларингиз топширинглар», – дедим. «Абдулла ака бизга вақтим йўқ, дейишлари мумкин, яхшиси, ўзинг учраш, илтимос қил, биласан-ку, Қодирий ёшларнинг дилини оғритмайдилар», – деди.

1937 йилнинг эрта баҳорлари бўлса керак. Ўриқлар шамолоқ гуллай бошлаган. Юрак ютиб Қодирий билан учрашдим. У киши илтимосимни қабул қилдилар ва қўлёзмани биргалашиб ўқишга рози бўлдилар.

Келишувимизга мувофиқ, ҳафтанинг маълум кунлари эрталабдан у кишининг Самарқанд дарвозадаги боғ ҳовлиларига бораман. Шуниси эътиборлики, мен борганимда, кўпинча кимдир ҳовлиларидан чиқиб келаётган ёки кириб бораётган ва кимлардир эшикни тақиллатаётган бўларди.

Ҳамон эсимда: бир гал борганимда Қодирий билан хайр-хўшлашаётган машҳур қозоқ адиби Мухтор Авезовга дуч келиб қолган эдим. Янглишмасам, ўшанда Авезовнинг қўлтиғида «Ўткан кунлар» романи бор эди. Кейинчалик билсам, у Тошкентдаги қозоқ билим юртида таҳсил кўрган йиллардан бери Қодирий билан ошна экан...

Яна бир дафъа борганимда Қодирийни қўшнисининг боғида учратдим. Токпоя жанжалани сулҳга келтириш учун иштирок этаётган эканлар...

Ижодхона уйларига кириб, сандал курси теварагига ўтириб, лотин ҳарфидаги қўлёзмамни яна қолган жойидан ўқий бошладим. Қодирий кўзларини бир нуқтага тикиб тинглар, ҳар замон рўпарамизда қулоқларини динг қилиб ўтирган ўғиллари Ҳабибуллани нигоҳлари остига олиб, «ёқадими?» дегандай қалин, тимқора қошларини чимириб қўярдилар.

Ҳабибулла ҳали ёш, ўн етти-ўн саккизни қоралаган, анчагина тийрак, ранг-рўйи, қарашлари худди Қодирийга ўхшар, асарнинг маъқул-номаъқул жойларини сезгирлик билан кузатиб борар эди. Бунга Қодирий афтидан пайқасалар керак, бирдан «мана шу ерини қайтадан ўқи!» дердилар.

Мен ўқийман: «Овчидан қўрққан қуён ҳаво орқали ўтадиган эгри-бугри йўллар билан чап бериб қочиб қолди. Ўқини бекорга кетказмайдиган овчи биринчи отгандаёқ қуён «шалоп» этиб ерга тушди».

– Товба! – дедилар Қодирий носвойранг дўппиларини пешонага тортиб. – Нима ёзганингни ўзинг биласанми?! Қуён

парранда эмас-ку, қандай қилиб ҳавода учиши мумкин? Ҳавода эгри-бугри йўл деганинг нимаси?!

Мен терлаб-пишиб қўлэзмамни тузатдим ва ўқишда давом этдим. У киши мени яна тўхтатдилар:

– Тўхта-тўхта, бу нима деганинг? Мақсадинг нима? Бу сўзинг анави фикрингга зид келяпти. Мана бу сўзларинг ортиқча, уни мана бундай қисқа жумла билан ифодаласа бўлади. Бу гапинг эса қайтариқ, юқорида ишлатдинг. Бу сўзни манави жойга кўчир, ўхшатишларинг ўринсиз. Олдинги сатрларни қайтариб ўқи-чи...

Ҳа, Қодирий мана шундай савол-жавоб йўли билан асар камчиликларини ўзимга тузаттириб, таҳрир қилдириб берардилар. Баъзан персонажларнинг тили ёқмаса, бир оз асабийлашиб олар эдилар, яна ўқишдан тўхтатиб сўрардилар:

– Ҳозирги сўзингни яна қайтариб ўқи-чи!

– Жаддол.

– Жаддолинг нимаси?

– Жаддол... жаддол-да! – дедим ўйланиб...

– Мен бунақа сўзни биринчи эшитишим. Сўзингни маъноси нима, бу исмми, сифатми, феълми?!

– Қиёмат қойим бўлса, эшакка миниб келаркан, дейишадди-ку...

– Э... ҳа-а, – дедилар кулиб, – ундай бўлса, «жаддол»мас, «дажжол»¹ деб ёз. Тилни тўғри ифодалаш керак, йўқса майна бўласан... Ёзувчилик осон ҳунармас, тил-жумла қанча равон, аниқ бўлса, ўқувчига шунча тез сингади. Бадий асардаги сўз, жумлалар силлиқлиги жиҳатидан худди кинолентадай аниқ, равшан бўлиши керак. Шундагина воқеалар унутилмайди, эсда қолади.

Ер ёрилмадики, мен кириб кетмадим. Каллами бу ё ошқовоқ, «дажжол» сўзини «жаддол» деб юрарканман.

Шу тариқа Қодирийлар уйига кўп қатнадим. У киши асар билан тўлиқ танишдилар ва йўлакай юқоридаги каби тузатишлар киритдилар. Охир дедилар:

– Асарнинг мавзуи дуруст ва лекин ёзилиши бўш. Биринчи марта асарингни шунчалик эплабсан, бу катта ютуқ. Менимча, ўқишли бўлсин десанг, асарингни айрим ўринларини қайта ишлаб чиқ.

¹ Дажжол – афсонага кўра қиёмат куни яқинлашганидан дарак берувчи инсон боласи.

Устоз маслаҳатларидан кейин «Чаман» романидан айрим парчалар ўша йилларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (ҳозирги «Шарқ юлдузи») журналида босилди. Бироқ китоб ҳолида чоп этилмади.

Улуғ Ватан уруши бошланиб, ижодий ишга қўл уришга вақт бўлмади. Фронтга кетдим. Асар чала колди.

Сўнги учрашувларимизнинг бири, қизим Чаман эндигина дунёга келган пайтлар эди, Қодирий: «Шу романинг номини қизчангга исм қилиб қўй. Яхши топибсан уни. Яхши ният яхши бўлади. Мана бу бир туп олма кўчати ҳам ҳовлингга ўтқаз. Бу француз ёзувчиси Жорж Санд хоним номига қўйилган нав», дедилар.

Гапнинг индаллоси шундаки, ўша олма кўчати ҳовлимизда салкам эллик йил ҳосил берди – олмадан тақчиллик кўрмадик. Устоз шундай соҳибкор, чет эл классик адабиётидан хабардор эдилар.

...Вақтнинг ўтишини қаранг, шунгаям қарийб эллик йил бўлибди. Романимнинг биринчи тингловчиси ва мунаққиди тийрак Ҳабибулланинг сочларини ҳам қиров босибди. Олтмиш ёшдан ўзиб қолган азиз фарзанд «Отам ҳақида» номли китоб битибди.

Китобни ўқирканман, ўзимча дейман: қанийди буюк истеъдод соҳиби ўз чаманларини кўрсалар, мийиғларида мамнуният ила кулиб қўйсалар...

Тошкент, 1983 йил

ЭШОНГУЗАР МАҲАЛЛАСИДА

Тошкентнинг ёнидаги Ўнқўрғон қишлоғида боғимиз бўлиб, отам Азизхўжа боғдорлик – деҳқончилик қилар, кўлимдан келганча мен у кишига ёрдамлашар эдим. Қишда эса, шаҳарнинг Себзор даҳасидаги ҳовлимизга кўчиб тушиб (Қози кўча маҳалла) ўқиш, билим орттириш билан машғул бўлар эдим.

1927 йили (йигирма ёшимда) Наримонов номидаги педагогика техникумининг тайёрлов курсига ўқишга кирдим. Техникумимиз янги шаҳарда, Ленин кўчасидаги «Пионерлар саройи» хиёбонининг рўпарасида, бир қаватли бинода жойлашган эди. Орамизда уйланган, бола-чақалилар ҳам бор, кўпчилик талабалар ётоқхонада яшар эдик.

Бир кун ётоқхонамизда овоза бўлиб қолди: талабалардан кимдир «Ўткан кунлар» романини келтирган эмиш, кечқурунлари тўпланиб ўқишар эмиш... Катта бир хонага йиғилишиб бир-икки кечада китобни ўқиб битирдик. Бу китоб биринчи ўқиган йирик асарим эди. Романни кейин яна бир марта ўзим ўқиб чиқдим. Шундан сўнг, менда бу асар ёзувчиси билан бир учрашиш, сўзлашиш ҳаваси туғилди ва ўйлаб кўриб у киши билан учрашишга «муҳим» бир баҳона топгандек бўлдим.

Бир-ярим талабалардан сўраб билдимки, Абдулла Қодирий Бешоғоч даҳа, Эшонгузар маҳалласида яшар эканлар. Эрта кўклам эди. Бир кун ётоқдан чиқиб, йўлни тахмин қилиб жўнадим. Сўроқлай-сўроқлай Тупроқ қўрғон, Ўқчи, Ўғри кўча, Қоратош, Чақар, Маъдалихон маҳаллаларидан ўтиб Эшонгузар маҳалласига келдим. Чойхонадан ўтгач, бешик орқалаб кетаётган бир кишидан сўрадим:

– Амаки, Абдулла Қодирийнинг уйларини биласизми?

– Ҳа, мана шу бораверишдаги биринчи ўнг қўл кўчага буриласиз, охиридаги, ўнг тарафдаги катта тераклик уй, мулла.

Раҳмат айтиб ўша томонга қадам қўйган эдим, орқамдан келаётган бошқа бир киши менга:

– Жулкунбойни сўраяпсизми, мулла, у киши чойхонада ўтирибдилар, у ердан мен ҳозир чиқдим... – деди.

Мен турган жойимда бир фурсат ўйланиб қолдим: чойхо-

нада одам кўп бўлиши мумкин, айниқса, маҳалла чойхонасига бегона кирса дарров билинади, ҳамма қарайди. Ноқулай... кейин у киши: «Нима ишинг бор?» деса, дарҳол нима дейман? Шундан-шунга келиб кўришмай кетиш... Кириб бир чеккада чой ичиб ўтириб у кишининг чиқишини кутсаммикан деган хаёлларга бордим...

Журъатланиб чойхонага кирдиму дераза ёнида ўтирган Абдулла Қодирийни танидим. Худди китобдаги суратининг ўзи... У киши замонавий кийинган, бошларида мошранг дўппи.

Мен одоб билан бориб даврада ўтирган уч киши билан кўришиб, секин Абдулла ака ёнларига ўтирдим. Менинг Абдулла акада юмушим борлигини сезган чойхўрлар бизни холи қўйиб, ўзларича сўзлаша бошладилар.

– Келинг, мулла йигит, саломатмисиз, хизмат? – сўрадилар.

Тортиниб жавоб қилдим:

– Исмиим Раҳматулла, Наримонов номидаги педтехникумда ўқийман, адабиётга қизиқаман... Яқинда «Ўткан кунлар» романгинизни ўртоқлар билан ўқидик, жуда ёқди... Лекин романдаги баъзи сўзларга тушунмадик, шуларни сиздан сўрагани...

– Жуда яхши, марҳамат, қайси сўзлар?

Мен ёнимдан тушунмаган сўзларни рўйхат қилган дафтарчамни олиб у кишига узатдим.

– Чойингизни ичинг, мулла йигит, – дафтардан кўз узмаган ҳолда ёнларидан қалам чиқариб рўйхатдаги сўзлар маъносини ёнига тез-тез ёзиб чиққач, тушунтира бошладилар:

– Латиф – гўзал, нозик, чиройли; машъум – шум, шумлик, ёмонлик; музайян – ясатилган; музир – зарар; мусаллаҳ – қуролланган маъноларда. Араб сўзлари бир ўзакдан бир неча хил маъноли сўзлар ҳосил қилади. Чунончи илм, олим, уламо, аллома ва ҳоказо...

Бизнинг суҳбатга мазкур ўтирганлар ҳам қизиқишди шекилли, сўзсиз тинглашарди. Суҳбатимиз бирор соат давом этди. Қодирий менинг нечанчи курсда ўқиётганим ва оилавий аҳволларим тўғрисида ҳам қизиқдилар... Мен раҳмат айтиб хайрлашарканман, у киши, «меҳмон қилолмадик, узр, келиб туринг», дедилар. Мен ўз муваффақиятим ва у кишининг камтарона муомаласидан қувонган ҳолда қайтдим.

Ўша кезларда бир гал адабиёт ўқитувчимиз биз талабаларга эркин мавзуда иншо ёздирди. Мен иншони тарихий мавзудан танлаб, Қўқон хонлиги даврида зулм кўрган Али ота исмли бир темирчи ҳақида беш-олти қоғоз «ижод» қилдим. Иншога эса «Адолатсизлик қурбони» деб ном қўйдим. Ёзганим маънолироқ чиққани учун бўлса керак, ўқитувчимиз талабаларга эшиттириб яхши баҳолади. Ўқитувчимиз мақтовидан кейин менда ушбу иншони кенгайтириб ҳикоями, қиссами ёзиш ҳаваси туғилди. Шу баҳонада маслаҳат сўрагани Қодирийлар уйига бордим.

Қодирийнинг шаҳар ҳовлилари ички-ташқили эди. Қўш тавақали кўча эшикларини тақиллатиб ташқари ҳовлиларига кириб борарканман, фанерга ёзиб эшик тепасига қоқиб қўйилган шу сўзларни ўқидим: «Абдулла Қодирий ариза ёзмайди». Мен ўзимча бу киши ҳожат чиқариб ариза ҳам ёзиб турарканлар-да... Ижодга ҳалал бермасин деб, бу эълонни ёзган бўлсалар керак...» деб ўйладим.

Абдулла ака уйда эканлар. Ижодхоналарига таклиф қилдилар. Уйлари катта, кунгай, оқланган, тоқилари ҳаворанг қилиб бўялган, қўш деразали, гилам тўшалган, токчаларига чинни асбоблар терилган, сандал курси теварагига узун гиламча қоқилган эди. Абдулла ака ўтиришга жой кўрсатиб курси устидаги қоғоз-қаламларини ёнларига олиб қўйдилар.

– Келинг, мулла Раҳматилла, саломатмисиз, уй ичларингиз тинчми, ўқишларингиз қалай?

Абдулла аканинг бу хил илиқ, меҳрибонона, камтарона сўзларидан енгил тортиб, ўзимни эркин сездим. Тўққиз-ўн ёшларда бўлган катта ўғиллари Ҳабибулла чой-дастурхон келтирди. Баъзи расмий гаплардан кейин мақсадга кўчиб, ўз ниятимни изҳор этиб ёзган иншомни уялиб узатдим. У киши ўткир кўзларини югуртириб иншони бирпасда ўқиб чиқдилар. Мен бўлсам, ўқитувчиси олдида имтиҳон топшираётган талабадек изтиробланиб ўтирибман...

– Ниятингиз яхши, – дедилар Абдулла ака бирмунча вақт ўйланиб, сўнг менга чой қуйиб узатгач, – лекин ёзувчиликка бошловчи киши бирдан катта асарга қўл урмаслиги, олдин кичик-кичик мақола, ҳикоялар ёзиб анча вақт ҳадис орттириши керак. Бўлмаса у қийналиб қолади... Шу чоққача матбуотда бирор нарсангиз босилиб чиққанми? – дедилар.

– Йўқ... деворий газетада битта-яримта...

– Ана кўрдингизми, сиз тўсатдан қисса, роман ёзмоқчисиз... Кечирасиз, эҳтимол сизда бунга қобилият бордир... Мен бу гапни ўз тажрибамдан ва бу тажрибани кўпгина ўзга ёзувчиларнинг ижодий ўсишларида ҳам кузатганлигимдан айтмоқдаман... Сиз ёзинг, кўп ёзинг. Кўриб, қўлдан келганча тузатиб бериш биздан....

Бу сафар мен янада мамнуроқ ва ўйчан қайтдим. Шундай улуғ, олижаноб бир киши билан танишиб олганимдан қувончим беҳад эди. Шу йўсин Қодирийлар уйига гоҳо бориб турадиган бўлдим.

* * *

Шу кўкламми, кейингисими, Қодирийлар уйига бордим. Тасодифан шу кун уйларида катта зиёфат бўлаётган экан. Ташқари ҳовлиларидаги катта меҳмонхонада ўн-ўн беш чоғли тенгқур, замонавий кийинган меҳмонлар улфатчилик қилиб ўтиришар эди. Мен одоб сақлаб, пойгақда уларнинг суҳбатини тинглаб ўтирдим. Меҳмонлар шўрвадан сўнг Қодирийлар уйи яқинидаги Хўжа Аълам-Бардор қабристонига боришди, кўм-кўк ўт-ўланлар ўсиб ётган текисликда тўп ўйнашди...

Ўйиндан сўнг Абдулла ака меҳмонларни Камолон дарвозаси тарафда сақланиб қолган шаҳар қўрғони қолдиқлари томон бошлаб бордилар. Икки-уч юз одим узунликдаги сап-сарик тупроқли, у ер-бу ерлари нураб ўпирилиб, туясимон тус олган кенг, юксак девор қолдиқлари ҳамон савлат тўкиб турар эди. Бу қолдиқ осор кўрмаган меҳмонларда яхши таассурот қолдирди. Сўнг қабристонга кириб, у ердаги мажнунона бир девонани кўрдик, сўзлашдик. Бу кўрганларим менга «Ўткан кунлар»да тасвирланган баъзи манзараларни эслатди. Масалан: шаҳар қўрғони, Хўжа-маоз қабристони, мажнун девона тасвирлари...

* * *

Яна бир сафар Қодирийнинг уйларига борганимда бадий асарда тил, сўз масалаларида гап бўлди. У киши:

– Ёзувчи бир неча тил билмоғи, айниқса, луғат бойлигига эга бўлмоғи шарт. Бусиз унинг ёзганларида «шира» бўлмайди... – дедилар ва менга бир китоб тақдим этдилар, – бу китобни ўқинг, луғатимизга кирган араб сўзларининг маъноси берилган. Бундан мен ҳам фойдаланганман...

Мен ташаккур айтиб китобни олдим. Китоб инқилобдан олдин чоп этилган бўлиб, араб тилини ўрганувчиларга қўлланма экан. Китобнинг титул бетида Қодирийнинг «1916 йилда бошладим» деган дастхатлари ҳам бор.

* * *

1928 йилнинг қиш чиқиши эди шекилли, бир кун Абдулла ака биз тўрт-беш техникум талабаларини уйга чорлаб келиб, янги ёзиб тамомлаган «Меҳробдан чаён» романларидан нусха кўчиришга ҳашар қилдирдилар. Биз меҳмонхонада қатор қўйилган хонтахталар ёнида тизилишиб ўтириб, кўк сиёҳ қаламда нусха кўчирдик. Абдулла ака қўлёзмадан боб-боб қилиб ҳар биримизга бўлиб бериб турдилар. Қўлёзма дона-дона, чиройли, равшан ёзилган бўлиб, ўқилиши равон, кўчириб ёзилган жойлари деярли йўқ эди. Бу нусха кўчиришга иштирок этганлардан Ҳамид Сулаймон, Фазлиддин Ҳошимов, Мансур Ризқийлар ёдимда қолган...

Мен Солиҳ маҳдум образи тасвирланган бобларни нусхага кўчирган эдим. Кўп кун ўтмай маҳдум образидан руҳланиб, «Ой куйганда Маҳдумнинг фатвоси» номли ҳажвий ҳикоя ёздим. Бу ҳикоя техникумимизнинг «Бизнинг фикр» номли газетасида чиқди. (Бу газетанинг асосчиси академик ёзувчи Ойбек бўлиб, ўша кезлари техникумимизда «Тонг юлдузи» номли кўп тиражли журнал ҳам чиқарилган эди.)

* * *

Биз «Меҳробдан чаён»нинг босилиб чиқишини кутиб юрар, роман эса чиқиш арафасида эди. Бир кун кечга томон Эскижўвада тасодифан Абдулла акани учратиб қолдим. Билишимча, у киши ўша ердаги биринчи босмахонадан чиқиб келар эканлар. Кўришиб, қаёққа кетаётганлигимни сўрадилар. «Уйга», дедим.

– Бўлмаса вақтингиз бор экан, юринг, бир жойга меҳмонга борамиз, – дедилар.

– Раҳмат, Абдулла ака, – дедим мен ўнғайсизланиб, – у ерда тенгқурларингиз... сиздек улуғ киши билан бориш қандай бўларкан...

– Бу аҳамиятсиз... – Абдулла ака қўл силкиди ва трамвай бекати томон мени бошлаб кетдилар, – борадиган еримиз гап-хўрлик, мени меҳмон тариқасида таклиф этишган. Ёлғиз ўзим боришга эриниб турган эдим, яхши кўриниб қолдингиз, далда бўлиб бориб келамиз...

Трамвайга ўтириб Тахтапул томонга кетдик.

– Хабарингиз борми, Раҳматулла, «Меҳробдан чаён»нинг босмадан чиқиши яқинлашиб қолди. Мана, корректураларини ўқияпман, – дедилар. Трамвайда борарканмиз, қўйинларидан романнинг бир даста корректурасини олиб кўрсатдилар. Мен дарҳол араб алифбосидаги корректураларни қўлга олиб кўрдим. Корректуралар кичкина китоб формасида эди. Биринчи роман («Ўткан кунлар»)ни катта форматда ўқиб ўрганиб қолганимиз учун бу формат ёқмагандек бўлди. Мен эътироз билдирдим:

– Нега бу китобингизнинг формати «Ўткан кунлар»никига ўхшаш журнал бичимида бўлмади?

– Сиз Горькийнинг «Она» романини кўрганмисиз? – сўрадилар ва жавобимни кутмаёқ давом этдилар, – «Она» романи ана шундай кичик форматда босилган. Биз аввалда билмаган эканмиз, роман аслида шундай кичик бичимда бўлиши керак экан...

Биз Тахтапулда трамвайдан тушиб, Кайковус анҳори яқинидаги бир ҳовлига юзландик. Уй эгаси бизни мамнун кутиб олди. Тахта зинадан кўтарилиб, ҳашаматли катта бир уй-болохонага олиб кирди. Катта хонада йигирма беш-ўттиз чоғли меҳмонлар ўтиришарди. Истикбол қилиб ҳаммалари қўзғалишди, кўришилгач, юқоридан жой кўрсатишди, ҳол-аҳвол сўрашилиб, умумий гап бошланди.

Мен шуни англадимки, борган уйимиз эгаси Ваҳоб ака исмли киши бўлиб, Абдулла аканинг ошналари экан. Билишимча, Ваҳоб аканинг акаси, ҳар ҳолда яқин кишиси, Эшонгузар маҳалласида яшаб, Абдулла ака билан гапхўр экан. Шу туфайли Ваҳоб ака ҳам Эшонгузар, ҳам Тахтапул маҳаллаларида гап ер экан. Бу гал Ваҳоб ака Тахтапул маҳалласидаги оғайниларига гап бераётган бўлиб, баъзи гапхўрлар илтимоси билан Абдулла ака у ерга меҳмонга таклиф қилинган эканлар...

Кимдир, кексароқ, басавлат бир киши, чамаси Абдулла акага эски таниш экан, ҳазил қилди:

– Ваҳобжондан эшитдик... ёзаётган янги романингиздан баъзи жойларни гапда ўқиб берибсиз... Биз Ваҳобжонга «Агар Жулкунбой келиб, бизга ҳам ўша янги ёзаётган китобидан ўқиб бермаса, гапингга келмаймиз», дедик...

Кулишдик. Шўрвадан кейин, «Қани эштайлик», деб таклиф қилишди. Абдулла ака ёнларидаги ҳалиги корректураларини олиб, варақлаб «Баримта» ва «Кўрқинчли бир жасорат» бобларини очиб менга узатдилар. Мен ўқидим.

Ёдимда, ўшанда ҳамма жим ўтириб тингларкан, Раҳим, Шарифларнинг аҳдлашишига келганда, кимдир, серзавк киши бўлса керак, «О яшаворларинг, эр йигитлар, мардлик мана бундақа бўлади-да!» деб юборди ва Анварнинг Худоёрхон билан тахт қаршисида учрашувига келганда, «Барака топ, йигит, қойил жавоб қилдинг!» деб тиззасига шарт уриб қўйди.

Ўқиш бир-икки соат давом этди. Сўнг асар «муҳокамаси»га ва ундан тарихий воқеаларга, турли кўрган-кечирган хотиротларга, аскияларга, пайровга ўтилди. Қарийб тун ярмида меҳмондорчиликдан чиқдик.

Шу (1928–1929) йиллар бўлса керак, техникумда бирга ўқийдиган Ғулом Саидвали исмли отасиз етим курсдошим (бу дўстим ҳозир ҳаёт, пенсионер) билан бир кун Абдулла аканинг шаҳар уйларига бордик. Меҳмон қилдилар. Сухбатлашиб ўтирдик. Сухбат асноси Абдулла ака Ғулом ва унинг оиласи ҳақида сўраб қолдилар. Ошдан сўнг биз кетишга чоғландик. Абдулла ака бизни кўчагача кузатиб чиқдилар. Биз ўттиз-қирқ одим йироқлашган эдик, орқамиздан Абдулла ака: «Ғуломжон, бери келинг!» – деб чақирдилар. Ғулом орқасига қайтди. Мен «Нима ишлари бор экан?» деб аста йўлимда давом этдим...

Бир вақт Ғулом орқамдан етиб келди. У бир оз изтиробли, йиғламсираган ҳолатда эди. Мен: «Нега чақирган эканлар?» – деб аста сўрадим. У бир оз жавобсиз борди-да, ўпкалагандек деди:

– Ҳали сен Абдулла акага отасизлигимни чакки айтдинг-да!
– Нима бўлди?

Ғулом камзулининг ён чўнтагидан бир червон пул оларкан, жилмайганча кўрсатди:

– Абдулла ака бердилар...

Мен дарҳол Абдулла аканинг нима учун Ғуломни алоҳида чақирганликлари ва пулни яширинча берганликлари сабабини тушундим. «Ёрдамнингни яширин қил, ўзга билмасин», деган оқиллар сўзи бор...

– Биров пул берса, – дедим, вазиятни тушуниб турган бўлсам ҳам ўзимни билмасликка олиб, – нега ранжийсан, хурсанд бўлиш ўрнига?..

– Тўғри, ўртоқ, лекин бундай ҳолларда киши негадир ҳам хурсандликдан, ҳам хўрликдан йиғлагиси келар экан...

– Қўявер, хафа бўлма, ошнам, сен-мен талабамиз. Талаба ҳар вақт пулга мухтож. Буни Абдулла ака ўзлари ҳам бошларидан кечирганлар... ўзлари айтганлар... Ҳа, энди биласанми, бу бир червоннинг беш сўм қирқ тийинига бир «мавзер» соат, уч сўм йигирма тийинига эса бир «скороход» ботинкасини оласан. Қолганини чой пули қиласан...

Мен Абдулла аканинг Самарқанд дарвозадаги боғларида ҳам кўп марта бўлганман. У киши оталаридан қолган паст-баланд, жар-жур файзсиз ерларни ўз қўл кучлари билан обод қилганлар. Ичин-ташин бинолар, ўз замонасида «Жулқунбойнинг шийпони» деб шаҳарга машҳур бўлган бир гўзал шийпон қурганлар.

Ўзбекистон Давлат нашриётида адабий муҳаррир бўлиб ишлардим. Ишим кўплиги ва зарурат йўқлигидан Абдулла аканинг уйларига анча вақт бормай юрсам-да, ундан-бундан у кишининг қишлоқ-колхоз ҳаётидан «Обид кетмон» номли катта бир асар ёзаётганликларини эшитиб юрардим.

1932 йилнинг қиш-баҳор кезлари бўлса керак, бир кун Абдулла аканинг уйларига бордим. (Улар бу чоқларда боғда қишлайдиган бўлишган эди.) Сандалда ўтирдик. У киши «Обид кетмон»ни ёзиш билан банд эканлар. Курси устидаги узун камбар қоғозларга кўк сиёҳ қалам билан ёзилган қўлёзмалардан бир нечасини «ўқинг» деб менга узатдилар... Мен жимгина ўқийман. У киши ижод билан банд...

– Қалай? – деб сўрадилар, мен бир неча қоғозни ўқиб чиққанмдан кейин.

Мен кулдим:

– Сиз ёзасизу, қалай бўладими?..

Бироқ мен асардаги бир сўзга эътироз билдирдим:

– Бригадир сўзини «бўлтакбоши» деб ишлатибсиз... маъноси тўғри бўлармикан?..

– Нега тўғри келмайди? – сўрадилар.

– Колхознинг бир бригадасида эллик-юз гектарга қадар ер бўлиши мумкин. «Бўлтак» дейилганда бу қадар катта ер маъноси англашилмай, кичикроқ парча ер тушунилади...

Абдулла ака ўйланиб қолдилару, бир сўз демадилар. Лекин китоб босилиб чиққач, ўқиб кўрсам, ўша сўз «бўлтак» ва «бўлтакбоши»лигича қолдирилибди. Билмадим, Қодирий ўзбек термин-

ларини кўпайтириш мақсадида бу сўзни ўзгартирмадиларми?..

Ўша куни бўлса керак, адибнинг режалари ҳақида сўрадим:

– «Ҳамза» театрига бир комедия ёзиб беришимни илтимос қилишибди. «Намоз ўғри» ҳақида ёзмоқчиман...

Абдулла аканинг ёзмоқчиман деганлари менга навбатдаги ёзадиган асарим «Намоз ўғри»дир дегандек туюлди.

1982 йил, 12 июл

ОТА ИЗИДАН

Менинг отам Юсуфжон Мусамухаммад ўғли 1900 йилдан матбаачилик қилганлар. Дастлаб Карл Маркс кўчасидаги (Тошкент, собиқ Пионерлар саройи қаршисидаги) Ильин босмахонасида ишлаганлар, кейин 1920 йилда Эскижўва маҳалласидаги Эски шаҳар намунали муслмонлар босмахонасини ташкил қилиб, машина қуриб, «РОСТА» газетасини босиб тарқатган. Туркистон матбаачиларининг биринчиларидан бўлганлар.

Ота изидан деганларидек, мен ҳам шу хайрли ишга қадам қўйдим, 1924 йилдан Эскижўвадаги босмахона ишчиларига шогирд бўлиб ишга кирдим. Карим Содиқов, Абдулла Низомхонов, Ғани Исҳоқов, Солиҳ Юнусов каби биз – 54 нафар шогирдлар 1925 йили бир йиллик ҳарф терувчилар (мураттиблар) кечки курсини, ишдан бўшамаган ҳолда ўқиб тамомлагач, ихтисосли ҳарф терувчилар сифатида бригада бўлиб (ҳар бригадада 12–14 киши) ишлай бошладик.

Босмахонамизда китоб, журнал (масалан: «Ер юзи», «Муштум», «Коммунист» журналлари) ва турли варақалар, афишалар, шиорлар босилар эди. Босилиш жараёнида бизга ўз мақолаларини, асарларини текшириш, кузатиш учун муаллифлар ҳам тез-тез келиб туришар эди. Шулар жумласидан сеvimли ёзувчимиз Абдулла Қодирий (Жулқунбой) ҳам келиб турардилар. У киши кўпинча «Муштум» журналинини босиш жараёнида назорат қилиш учун босмахонамизга келиб турар эдилар.

Шундай бир хотира ҳамон эсимда. 1925–26 йилларнинг ёз кунлари эди. Бизнинг бригадага «Ўткан кунлар» романининг биринчи ёки иккинчи қисми бўлса керак, теришга берилди. Биз 12–14 киши (бир бригада) сиёҳ қаламда ёзилган қўлёзма романининг бобларини бўлиб олиб, завқ билан тера бошладик. Териш жараёнида Абдулла ака ўзлари ҳам босмахонага деярли ҳар кун келиб турар, бизга ёрдамлашар, ишимизни кузатар, хатоларимизни тузатар ва ҳатто ўзлари ҳам ҳарф теришар, бизни рағбатлантирар эдилар. Абдулла акам териш чоғида баъзан бизнинг фикрларни ҳам ҳисобга олар эдилар.

Бир кун, диққат билан ҳарф терарканмиз, ичимиздан кимдир бир жумланинг келишмаганроқ тузилганини сезиб Абдулла

акага мурожаат қилди. У киши дарҳол бориб, ўша жойни ўқиб кўрдилар ва ўйланиб қолиб, дераза тоқчасига бориб, энгашган ҳолда бир неча сўз кўшдилар ва келтириб халиги терувчига бердилар. Терувчи тузатишни ўқиб, жилмайиб қўйди, Абдулла акам кулиб «энди маъқулми?» дедилар. «Маъқул» деди у мамнун ва теришни давом эттирди.

Абдулла акада ҳамма муаллифларга ҳам хос бўлмаган яна бир хислат шу эдики, у киши ишчиларни, уларнинг меҳнатини жуда қадрлар, хурматлар эдилар. Эскижўвада босмахоманиз қаршисида Бегларбеги мадрасаси ёнида Мусахон самоварчи деганнинг чойхонаси бўлиб, Абдулла ака ҳар кун туш пайтида шу чойхонада бригадамиз учун ош тайёрлатар ва биргалашиб овқатланар эдилар. Иш вақтимизни тежаш учун бўлса керак, чойхоначига буюриб ҳаммамизнинг дастгоҳимизга бир чойнакдан чой, пиёла келтириб берар эдилар. Биз шундай улуғ зотнинг бизга кўрсатаётган бунчалик меҳрибончилиги, одамийлигидан кўнглимиз тўлиб, ишга берилар эдик.

Шу йўсин ўзбек романчилигининг биринчи қалдирғочи «Ўткан кунлар» биринчи бор бизнинг босмахонадан араб ҳарфида учта (бўлим) китоб бўлиб чиқди ва халқимизнинг ўша чоқлардаги китобга бўлган чанқоқлигини бир қадар қондиришга хизмат қилди. Бу роман авваламбор халқимизни бадий асар ўқишга ўргатди ва рағбатлантирди.

ЖУЛҚУНБОЙ БЕРГАН КЎЧАТ...

Бизнинг ҳозирда ҳам яшаб турган уй-боғимиз Зангиота маҳалласида бўлиб, бир ёнимизда Эшонгузар ва иккинчи ёнимизда Самарқанд дарвоза маҳаллалари жойлашган. Маълумки, сеvimли ёзувчимиз Абдулла Қодирий – (Жулқунбой)лар шаҳар ҳовлиси Эшонгузар ва боғлари Самарқанд дарвоза маҳалласида эди. Бинобарин уларнинг шаҳар билан боққа қатнов йўллари доимо бизнинг боғ уйимиз ёнидан ўтган тор, қинғир-қийшиқ «жинкўча» орқали эди. Тўғри, уларнинг боғига бориш учун бошқа кенг, тўғри кўчалар ҳам бор. Аммо бизнинг «жинкўча»миз тинч, салқин ва улар учун энг яқин йўл ҳисобланар эди. Қодирийлар боғи бизнинг боғдан тахминан етти-саккиз боғ нарида, эшигимизни ҳамиша босиб ўтганлари учун тез-тез у киши билан кўришиб, сўзлашиб турар эдик.

Мен баъзан ҳордиқ чоқларимда «Жинлар базми» ҳикоясини ўқисам ҳамон ўша боғ кўчамизнинг эски ҳолатини эслайман. Чунки бу ҳикояда ҳам шу бизнинг «жинкўча» тасвирланган, Қодир бобо ҳам бизнинг «жинкўча»да жинларга йўлиққан.

Мен 1908 йилда туғилганман, саккиз-ўн ёшли болалик чоғларимни эслайман. Бу чоғларда Қодир бобо юз ёшларга яқинлашган, соқоллари оппоқ оқарган, елкаси чиқиб, қадди чўккан, қулоқлари оғирлашиб қолган, лекин ҳали тетик, юришлари шахдам эди. У кўклам чоқларида эрта билан ёлғиз ёки ўғли Раҳимберди ака билан сигир ҳайдаб боққа ўтар, кечкурун эса катта бир боғ ўтми, ўтинми орқалаб шаҳар ҳовлига томон ўтар эди. У вазмин, камгап, ерга қараб юрар, салмоқлаб сўзлар эди. Баъзан Қодир бобо кўча эшигимиз олдида дадамиз билан учрашиб қолса саломлашар, ундан-бундан, айниқса, боғбончилик илмидан сўзлашар эди. Бир гал Қодир бобонинг дадамга «Ҳозир илик узилди вақти, Ҳошимхўжа, йўғон ингичка тортиб, ингичка узиладиган пайт!» деганлари ёдимда.

Бир кун шундай бўлди. Ўртоқларим билан деворимиз устидаги кўксултон дарахтига чиқиб кўксултон териб ер эдик. Шу вақт кўчадан ўтин орқалаб Қодир бобо ўтиб қолдилар. Мен шўхлик қилиб дарахт устидан у кишига кўксултон отдим. Қодир бобо

менинг бу одобсизлигимни сезмадилар (чунки отганим у кишига тегмади) ёки сезсалар ҳам индамай ўтиб кетдилар. Аммо болалардан кимдир бу одобсизлигимни дадамга етказди. Дадам мени койидилар ва насиҳат қилиб: «Қодир бобо табаррук одам, ўғлим, у киши кўп яшаган, кўп нарсани кўрган, хон замонларида Тошкент шаҳар қўрғонининг Самарқанд дарвозасида дарвозабонлик қилган киши», – дедилар.

Абдулла акани ҳам шу «жинкўча»миздан ўтиб юрганларида биринчи бор таниганман.

Дадамиз – Ҳошимхўжа ака (1931 йилда 68 ёшда вафот этдилар) ўқиган, шарқ адабиётидан анча хабардор киши эдилар. У киши доим боғ иши ва китоб мутолааси билан машғул эдилар. Боғимизда четларига тол экилган катта ҳовуз ва атрофи гулзор салқин супа бўлар, обдаста-самовар эса доим биқирлаб қайнаб турар эди. Абдулла ака ўта туриб баъзан дадам билан суҳбатлашгани боғимизга кирар, супада чой ичиб ўтириб, китоб мутолаасидан, кўрган-кечирганларидан ва боғ ишларидан сўзлашар эдилар.

Кеч кузакми, қишми кезлар эди. Бир кун кечаси фонус ёқиб дадамлар билан қаердандир келар эдик. Эшигимиз олдида Абдулла акани учратиб қолдик. Дадам ҳазил қилиб: «Ҳа, Абдулла, шундоқ изғирин тунларда боғингга қатнаганинг-қатнаган... Нима бало, чилтонлар тўғрисида ёзавериб, ўзинг ҳам чилтонларга қўшилиб кетдингми, дейман... Ёки боғингни ишонма-япсанми...» – дедилар...

1923–1924 йиллар эди чоғи, ҳар ҳолда ҳали техникумда ўқимас эдим. Мендан ўн ёшлар катта Эшонхўжа акам шу вақтларда Эски шаҳар оқартув ва театру жамиятида раҳбар ходим бўлиб ишларди. Кузак кунларининг бирида ташқари меҳмонхонамизга бир гуруҳ ўртоқларини бошлаб келдилар. Буларнинг ҳаммаси зиёли, санъат, маърифат аҳлларидан бўлиб, ташрифдан мақсадлари драматург Хуршид тарафидан биринчи бор пьеса қилиб ёзилган «Фарҳод ва Ширин» асарини саҳнага қўйишмоқчи, бизникида эса репетиция қилишмоқчи экан... (У вақтларда репетиция қилиш учун махсус жой, шароит бўлмаган.) Ёдимда, асардаги роллар шундай бўлинган эди: Фарҳод – Саидмаъруф Каримов (бу киши жуда хушовоз, чиройли йигит бўлиб, кейинчалик врачлик қилди), Ширин – Москвада ўқиб юрадиган Саидазим исмли йигит (у вақтларда аёллардан саҳнага чиқиш

ҳали расм эмас эди), Меҳинбону – Умаржон Исмоилий (бу киши кейинчалик драматург бўлди), Шопур – Шодмон домла (бу киши ўқитувчи, Миробод маҳаллалик эди), Хисрав – Юсуфбек.

Репетиция бизникида бир неча кун давом этди. Репетиция чокларида асарнинг музика – ашула жиҳатларига маслаҳатлар бериб туриш учун Мулла Тўйчи ака, Шораҳим танбурчилар ва адабий жиҳатдан маслаҳатчи сифатида Хуршид, Абдулла Қодирийлар қатнашиб турдилар. Асар Свердлов номидаги театрда муваффақиятли қўйилди. Шу постановкадан кейин бирор йил ўтар-ўтмас Сора Эшонтўраева, Замира Ҳидоятова ва Тошхон исмли яна бир аёл ўйналадиган асарларнинг репетицияси учун Кўкалдош мадрасаси биносига паранжи ёпиниб келадиган бўлишди.

* * *

Мен 1924–29 йиллар миёнасида Ленин кўчасидаги Наримонов номли таълим-тарбия техникумида ўқир эдим. Хадрадаги трамвай тўхташ жойида болалар даста-даста газета ва «Муштум» журналини кўтариб юриб, баланд овоз билан қичқириб, мақтаб сотишар эди. Шунда сотувчи болалар «Бугунги сонда Абдулла Қодирий Жулкунбойнинг ҳам мақоласи бор» деб қўйишса, кўпчилик югуриб келиб, ҳатто трамвайдагилар ҳам тушиб газета-журнал сотиб олишар эди.

1925–1926 йилларда «Ўткан кунлар» романи босилиб чиқди-да, мен уни сотиб олиб келиб дадам билан бирга бир неча кунгача ўқидик. Шунда дадам бир кун шундай деган эдилар: «Абдулла жуда довурак йигит. Китобни кундуз кунлари юришга қўрқадиган мана шу жар-жилғалардан кечалари ёлғиз ўзи ўтиб бориб «Шайхи Зайниддин», «Хўжа Аламбардор» қабристонларидан тунаб, ёзадиган нарсасини обдан ўзида синаб, кейин битган», – деган эдилар.

1927 йил эди, ҳозирги ТЮЗ театри биноси ўрнида Тошкент эски шаҳар партия комитетининг кенгайтирилган актив мажлиси бўлди. Мажлисда ўша даврнинг илғор кишилари, жумладан, Абдулла ака ҳам қатнашдилар. (Бу мажлисга мен эски шаҳар комсомол ташкилотидан вакил бўлиб қатнашган эдим.) Мажлис икки кун давом этди. Мажлисда кўрилган масала асосан битта, яъни паранжи ташлаш масаласи... Бироқ бу масалада мажлис қатнашчилари икки гуруҳга бўлинган эди: бир гуруҳлар «Аввал

аёлларни ўқитиб, онгини ошириб, кейин паранжисини ташла-тиш керак» деса, иккинчи гуруҳ «Паранжисини аввал ташлатиб, кейин ўқитиш керак», деб тортишар эди...

Мажлисдан чиққач Абдулла ака билан бирга қайтиб кела ту-риб, мазкур тортишув тўғрисида у кишининг фикрини билмоқчи бўлдим ва савол бердим. Абдулла ака жавоб қилдилар:

– Паранжи ташлашга онг-билимининг алоқаси йўқ... Агар аёлларнинг онг-билимини ошириб, кейин паранжини ташла-тамиз дейилса, бу пишмайдиган ош бўлади... Ундан ташқари, паранжида ўқишга қатнаб билим олиш ҳам қийин...

Шу мажлисдан кейин «Муштум» журналида бир мақола ва карикатура босилиб чиқди. Мақоланинг мазмуни ёдимда қолма-ган, аммо карикатура шундай чизилган эди: иккита паранжилик аёл, бириси трактор, иккинчиси трамвай ҳайдаб кетишяпти.

1928 йил, баҳор кезлари, техникумда ўқийман. Бир кун Аб-дулла ака мени кўчада учратиб, «Меҳробдан чаён» романини ёзиб битирдим. Тезда нашриётга топширишим керак. Маши-када нусха кўчиришнинг иложи йўқ. Бир оз ҳусни хати бор ўр-тоқларингдан уч-тўрттасини бошлаб келиб, қўлзмадан нусха кўчириб берсанглар», – деб илтимос қилдилар. Мен хўп деб, курсдош дўстим Мирҳоди Жалолов (бу дўстим Гулбек тахаллусли шоир ва журналист эди. У Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлди. Ҳамид Сулаймон, Раҳмат Азизхўжаев, Мансур Ризқий – бешов, Эшонгузардаги уйларига йиғилиб, меҳмонхонада романини кў-чириб бердик. Хотирамда, шунда орамизда кимдир чизиқсиз оқ қоғозга тўғри ёзишни билмагани учун уялиб, ошга ҳам турмай кетиб қолган эди...

1930 йил бўлса керак, Ўрда суви (тўғони) бузилиб кетиб, Чорсуда катта сув тошқини рўй берди. Чорсу суви бўйидаги кўп хонадонлар қаттиқ шикаст кўрди. Чуқурликдаги сувда сигир, қўйлар, гилам, наматлар, ҳатто бешикка беланган болалар оқди. Бу оқиб келган буюмлар Чорсу кўпригига келиб тиқин ҳосил қилгани учун кўприк бузиб ташланди. Бу кўприк ёғочдан ясалиб, кўча сатҳи билан баробар, кенг арава юрадиган қилиб қурилган эди. Сув тошқини бартараф қилингандан кейин кўприк тезлик-да қайтадан қурилмай, халқ беш-олти ойгача жар ичига тушиб омонатгина қурилган яккачўп орқали қатнаб юрди. Бир кун Абдулла ака билан бирга шаҳардан уйга қайта туриб, жарликка тушиб шу омонат кўприқдан ўта бошладик. Абдулла ака кулиб менга дедилар:

– Пулсиротдан эҳтиёт бўлиб ўт, Фазлиддин!

Мен ҳазил қилдим:

– Бир фельетон қилсангиз тузалиб қолар...

– Гапинг тўғри, – дедилар жарликдан кўтарила туриб, – бу жой шаҳар ўртаси, серқатнов ер, айниқса, бола-чақалар, хотинлар, кексаларнинг вақт-бевақт ўтиши учун жуда хавфли... Фельетон бўлмаса ҳам бир огоҳлантириш ёзиб қўйилса савобли иш бўлади... – дедилар.

Шу суҳбатдан сўнг Абдулла ака бирон нарса ёздиларми, йўқми, билмадим. Аммо тез кунда баланд, кенг, пишиқ қилиб ёғочдан кўприк қурилди.

* * *

Наримонов таълим-тарбия техникумида ўқиб юрган чоқларимда шоир Ҳамид Олимжон Ўзбек билим юртида ўқир эди. (Бу билим юрти Скверда, Курант соати қаршисида эди.) Ўқув юртларимиз бир-бирига яқин бўлганлиги ва ўқитувчилар етишмаганлиги сабабли баъзан лекцияларимиз бирга бўлар, шоир Шайхзода икки ўқув юртининг талабаларини қўшиб адабий тўғарак тузган эди. Шу йўсин Ҳамид Олимжон билан танишиб, дўстлашиб қолган эдим. Бир кун у менга: «Сен Абдулла Қодирийларга яқин турасан, мени у киши билан таништириб қўйсанг...» – деди.

1928 йили бўлса керак, баҳор кезида бир кун Ҳамид Олимжонни Абдулла акамлар уйига бошлаб бордим. Шу чоқларда у кишининг машҳур шийпонлари янги қурилган эди. Атрофи гулзор қилинган, четига қозиқ толлар экилган, ариқдан сув шарқираб оқар эди. Абдулла ака бизни қарши олиб боғларини томоша қилдирдилар ва бир вақтлар ташландиқ хароб бўлиб ётган бу ерларни қандай обод қилганликлари тарихини сўзлаб бердилар. Шийпон рўпарасида ариқ устига узун ўқ ўтказилган бир чархпалак ўрнатилган эди. Биз сувда овоз чиқариб айланиб турган чархпалакни томоша қилиб сўрадик:

– Бу чархпалакни ўзингиз ясадингизми, Абдулла ака?

– Ҳа.

– Қандай мақсадда ясадилар?

Абдулла ака кулиб дедилар:

– Шундай... Сувда чархпалакнинг айланиб туриши ўзи бир табиат гўзаллиги... Мен шу чархпалак орқали иссиқ кунларда уйни совутиб турадиган бир елпуғич ясамоқчиман...

Шийпон тагидаги уйга бошлаб кирдилар ва стол-стулларга ўтиришга таклиф қилиб, ўзлари дастурхон келтиргани бўлса керак, чиқиб кетдилар. Биз эса вақтдан фойдаланиб, уйнинг орқа томонидаги икки тавақали шкаф-эшикчани очиб кўрдик ва ажабландик. Чунки у жой шкафага ўхшаш уйча бўлиб, ариқда айланаётган ҳалиги узун чархпалак ўқининг иккинчи учи шу шкаф – уйча ичида айланиб турар эди. Бир оз томоша қилиб туриб, шкаф эшигини ёпдик ва токчадаги тахлоглиқ китобларни олиб кўра бошладик. Бу китоблар кўпроқ шарқ адабиётига оид бўлса-да, ичида русча китоблар ҳам хийла бор эди. Шу вақт Абдулла ака дастурхон кўтариб келиб қолдилар. Биз дарҳол китобларни ёпиб жойига қўя бошладик. Бироқ Абдулла ака дедилар:

– Ўқийверинглар, бемалол!

Шу кун биз анча вақт суҳбатлашиб қайтдик.

* * *

Техникумни битириб, икки-уч йил ўқитувчилик қилгач, 1932–37 йилларда ТошМИда ўқидим. Институтда ўқишимнинг биринчи йили эди шекилли, бир кун Пиёнбозордан трамвайга чиққанда Абдулла акани учратиб қолдим. У киши кўлимдаги анатомия ўқув китобини олиб, очиб кўриб дедилар:

– Мен сендан адабиётчи чиқар деб кутган эдим... Докторликни танлабсан-да?

– Ҳа, – дедим ва сўрадим. – Нима, сизга докторлик маъқул эмасми?

– Йўқ, мен шундай айтдим-да. Билъакс, доктор бўлишингдан қувондим. Адабиётчилар, ўқитувчилар бизда анча кўпайиб қолди. Аммо докторларимиз ҳали жуда оз, уларни кўпайтириш керак, – дедилар ва яна сўрадилар: – анатомия китобинг русча экан, тушунишга қийналмаяпсанми?

– Қийналяпмиз... Лекин нима чора, ўз тилимизда ўқув китоби йўқ, қийналиб бўлса-да, русчадан фойдаланишга мажбурмиз...

– Бу жуда яхши, жуда яхши. Қийналиб бўлса-да, рус тилини албатта ўрганиш керак. Русча ўрганмасанг, билиминг сира кенгаймайди. «Правда», «Известия» газеталарини кўп ўқи, газета кишига тил ўргатади...

Абдулла ака ёш зиёлиларни жуда севар, ҳурмат қилар, уларни кўрсалар қувонар ва ўз билимларини, насиҳатларини аямас эдилар.

У киши ўз боғларида турли-турли яхши нав кўчатларни етиштирар эдилар. 1933–34 йиллар бўлса керак, бир кун Абдулла ака Эшонхўжа акамга икки туп яхши нав олча кўчат берибдилар. Кўчатни боғимизга ўтқаздик. Кўчатлар кўкариб жуда зўрайиб ўсди ва яхши мева берадиган бўлди. Меваси калта банд, донаси йирик-йирик гилосга ўхшар эди. Ҳаммамиз бу олчани севиб ер эдик. Ўғилжон ойим (1964 йилда 101 ёшга кириб вафот этдилар) ўқимишли хотин эдилар. Абдулла акамни жуда ҳурмат қилар, ёзган китобларини йиғлаб-йиғлаб ўқир эдилар. У киши баъзан: «Жулқунбой берган кўчатни яхши асранглар, қуришиб қўйманглар, меваси ёзган китобларидек жуда мазали» дердилар.

Бу кўчат ҳозир ҳам боғимизда ўсяпти.

1978 йил, 1 сентябр

БИР УЧРАШУВ ТАРИХИ

Форс-тожик ва ўзбек адабиётларини бир-бирисиз тасаввур қилиш қийин. Чунки бу икки халқнинг ҳаёти, адабиёти қадимдан бир-бирига боғланиб кетган. Бинобарин, биз тожик халқи адабиётга қизиққанимиз учун ўзбек адабиётини ўз адабиётимиз каби севиб, кузатиб борамиз. Мен Ўзбекистонда чоп этилган ҳар бир асарни олиб ўқишга ҳаракат қиламан, асар муаллифлари билан қизиқаман, муносабатда бўламан, ютуқларидан севинаман, ижодларини қадрлайман. Бу менинг ёшлиқдан одатим, муҳаббатим.

Мен асли Конибодомликман. Шу ерда туғилиб, бошланғич таълимни ҳам шу ерда олдим. 1924 йили тўлиқ ўрта таълим ва бирор ихтисос олиш мақсадида ўқишимни Қўқон шаҳрига кўчирдим. Унда аввал (1924–1927) янги шаҳардаги биринчи ўзбек мактабида, кейин (1928–1930) механика техникумида ўқидим. Синфимизнинг талабалари ҳозиргига ўхшаш ёш жиҳатдан бир текис эмас, орамизда бир-биримиздан уч-беш ёш тафовут қилувчилар ҳам бор эди. Шунинг учун ичимизда сиёсатни, дунё воқеаларини мустақил идрок қилиб, тўғри фикр юритувчилар, адабиётга қизиқувчилар ҳам кўп эди.

У вақтларда ёшларда билимга, ҳунарга қизиқиш кучайган пайт эди. Аммо у чоқларда ёшларни ўқишдан бошқа машғулоти йўқ эди. Эндигина расм бўла бошлаган, лекин ҳали жуда сийрак, овозсиз чодирхаёл (кино), мактабларда ва баъзи муассасаларда ташкил этилган «Санойи нафиса» тўғарақларини ҳисобга олмаганда, асосий эрмагимиз китоб, журнал, газета ўқиш, шаҳар театрусига томошага бориш эди, холос.

Ўша йиллари мактабимизда «Санойи нафиса» тўғараги ташкил қилинган бўлиб, мен ҳам унга қатнашар, ўқитувчимиз Эргаш Раҳмонов раҳбарлик қилар, шоир Собир Абдулла эса тўғарагимизда адабий эмакдош эди. У ҳафта сайин тўғарагимизга келиб биз билан машғулот ўтказарди (Шоир Собир Абдулла билан мен биринчи бор шу ерда танишиб, то вафотига қадар дўстлик алоқамиз узилмади. У киши билан тез-тез учрашиб, хат ёзишиб турардик).

Бир кун, жума оқшоми бўлса керак, навбатдаги машғулотдан сўнг Собир ака бизга: «Бугун театрда «Ҳалима» пьесаси бўлади. Тўғарак аъзоларини шу пьеса томошасига премьерарага олиб боришни комсомол раҳбари Али Муҳсиндан илтимос қилдим. Албатта боринглар. Сизларни ўзим кутиб оламан. Қўқонга Тошкентдан атоқли ёзувчимиз Абдулла Қодирий ва Зиё Саидлар келишган. Улар ҳам томошада бўлишади...» деди.

Мен худди шу кунларда «Ўткан кунлар»ни ётоғимдаги ўртоқларимдан олиб эндигина ўқиб тугатган, роман таъсирида ҳамон ҳаяжонланиб юрган ва иккинчи ёқдан шундай ажойиб асар ёзувчисини бир кўришга ҳавас қилган чоқларим эди. Собир аканинг сўнги сўзидан ҳушёр тортдим...

Кечқурун комсомол раҳбари бошлиқ бўлиб ёш шоир Усмон Носир (у ҳам бизнинг мактабда ўқир, тўғарагимиз аъзоси ва мен билан бир ётоқда яшар эди), ёш ёзувчи Одил Қувват ва бошқа ҳамма тўғарак аъзолари эски шаҳар театрусига бордик. Унда бизни Собир Абдулла кутиб турар эди. Ичкарига, электр нурлари билан ёритилган залга кирдик. Кечроқ борганимиз учун зал томошабинлар билан тўлиб бўлган экан. Ўртароқдан жой олиб ўтирдик. Олдинги қаторда бизга танишлардан маориф мудирини Мирзоҳид Оқилов, комсомол ташкилотининг котиби Муҳиддин Эрматов, Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий, «Ҳалима» пьесасининг муаллифи Ғулом Зафарийлар ўтиришар эди.

Пьесада бош ролларни Бобораҳим Мирзаев, Ҳалима Носирова, Лутфихоним ва Мурод Қўлдошевлар бажаришди. Узр тутсинлар, бу узун хотиротдан муддаом шуки, томоша тугаб, парда ёпилгач, Қори Ёқубов саҳна олдига чиқиб томошабинларга қўл билан «озгина тўхтанглар», дегандай ишора қилди:

– Ўртоқлар, бугунги томошага бир неча раҳбар ходимларимиз, Ҳамза афанди, пьеса муаллифи Ғулом Зафарий, Сўфизода, Абдулла Қодирий каби азиз меҳмонлар ташриф буюришган, – деди Қори Ёқубов йўғон овоз билан меҳмонларга, қани бу ёққа марҳамат, дегандай таъзим-ишора қилди. Номлари зикр қилинган меҳмонлар чапақлар остида Ҳамза Ҳақимзода бошлиқ бирин-кетин саҳнага кўтарилдилар ва парда орасидан узатилган стулларга ўтирдилар.

Сўфизода буғдойранг, кулча юз, кулранг яланг тўн кийган эди. Абдулла Қодирий қорадан келган, узун силлиқ қора сочили, бошида қорами, кўкми бахмалдан тикилган Тошкент дўпписи,

европача кийинган эди. Қори Ёқубов уларни томошабинларга бир-бир таништирди ва:

– Қани, меҳмонлар, ўйинимиз хақида бир нарса дейсизларми? – деди.

Ҳамза Ҳакимзода ва бошқа меҳмонлар бирин-кетин ўйин хақида илиқ сўзлар айтишди, Зафарийни ва театр ходимларини ютуқлар билан табриклашди. Мен уларнинг хусусан нималар деганини тўла эслай олмасам ҳам «Ўткан кунлар»ни янгигина ўқиб, Қодирийга эътиборим чексиз бўлганлигидан, у кишининг бир оз ўйланиб айтган шу сўзларини эс-эс хотирлайман:

– «Ҳалима» ўзбек турмушини ёрқин акс эттирувчи ҳаётий асар. Мен унинг олдинги вариантини ҳам кўрганман. Унисида Европа сахначилигига қараганда бирмунча соддалик, ибтидоилик сезилиб турар эди. Бу галгиси менга ёқди. У анча ислоҳ қилинган, ихчамлашган, сўз-жумла маънолари қуюқлашган. Бу ютуқлар учун биз Ғулом акани (у киши Зафарийга ишора қилдилар) ва театр ходимларини табриклаймиз...

Қодирий сўзларини тугатиб ҳали ўринларига ўтирмаган ҳам эдилар, орқа томондан ўрта ёш бир киши (ҳар ҳолда зиёли бўлса керак) ўрнидан туриб баланд овоз билан деди:

– Ҳурматли меҳмонлар, аввало, ҳаммаларингиз ҳам шахримизга хуш келибсизлар! Кейин, сиз, ўртоқ Абдулла Қодирийга, айбга қўшмасалар, бир саволимиз бор!

– Марҳамат, – дедилар у киши бош эгиб.

– «Ўткан кунлар»дан кейин яна каттароқ асар ёзясизми, йўқми?! Ёзаётган бўлсангиз, қанақа асар? Малол келмаса, айтсангиз!

Ҳамма жим бўлиб қолди. Абдулла Қодирий ерга қараган ҳолда ўйлаб аста жавоб қилдилар:

– Албатта, яна бир китоб ёза бошлаганман. Лекин китобимга ҳали ном қўйганим йўқ. Аммо шуниси аниқки, бу китобим ҳам тарихий ва шахрингизга оиддир...

Ҳамма чапак чалиб юборди, «яшанг, раҳмат» деган овозлар эшитилди ва ғовур-ғувур ичида тарқала бошлашди. Биз дарҳол сахна олдига ўтиб табаррук ёзувчиларни то кўчага чиқиб узоқлашгунларича ҳавас билан кузатиб бордик.

Шу учрашувдан икки-уч кун кейин эди, «Янги Фарғона» газетасининг клубида (бу клуб бизнинг ётоқ интернатимиз яқинида эди) ишчи-деҳқон мухбирларининг кенгаш мажлиси

ўтказилди. Комсомол комитети топшириғи билан биз бир неча (шу жумладан, юқорида номлари зикр қилинган) талабалар ҳам кенгашга қатнашдик.

Кенгаш бошланган эди. Шу вақт тўсатдан Абдулла Қодирий ва Ғулом Зафарийлар кириб келишди (чамаси, улар таклиф қилинган бўлсалар керак). Раислик қилувчи Шариф Ризо («Янги Фарғона» газетасининг муҳаррири) уларни ҳайъатга таклиф қилди. Бироқ улар қўлларини кўксиларига қўйиб узр айтган бўлишди ва аста бориб олдинги қаторга ўтиришди. Маъруза ва музокаралардан сўнг, Шариф Ризо Қодирийга мурожаат қилиб, ёш мухбирларга ўз тажрибаларидан сўзлаб беришни илтимос қилди. Қодирий минбарга чиқмадилар, пастдан туриб, уялинқираб, қисқагина сўз сўзладилар. У кишининг сўзидан шу мазмунлар эсимда қолган.

– Журналист, мухбирнинг вазифаси муқаддас ва шу билан бирга масъулиятлидир. Аввало, мақола-хабар ҳаққоний, ғаразлардан холи, давлатимиз сиёсатига мос, ғояси аниқ бўлиши лозим. Ундан ташқари, мақолада мураккаб, тушунилиши қийин бўлган жумлалар тузиш, халқ тилига ёт сўз, ибораларни ишлатишдан сақланиш керак. Жумлалар содда, ҳаммага тушунарли, равон бўлмоғи даркор. Шундагина мухбир, журналист ўз вазифасига омил, чиниққан бўлади...

Кенгашдан сўнг, ташқарига чиқиб одоб билан улуғ зотларни кузатдик. Абдулла Қодирийни бошқа кўриш муяссар бўлмади. Шундай бўлса-да, у улуғ сиймонинг майин сўзи ва содда, илтифотли, салобатли қиёфаси кўз ўнгимда ҳамон сақланиб келади ва бу қиёфа ул зотнинг ўлмас асарларини қайта-қайта ўқиганим ёки улардан бирон воқеани эслаганим сари ёрқин намоён бўлаверади.

1935 йил. Куз эди. Мен Панжакент туман комсомол комитетининг котиби бўлиб ишлардим. Бир кун устоз Садриддин Айний бизнинг туманга келдилар. Мен Айний домлани биринчи кўришим эди. Раҳбарият топшириғига биноан камина ва яна икки киши устоз билан икки кун биргалашиб юриб туманимиз ахволи билан таништирдик. Мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари, туман газета ва маданият ходимлари билан учрашувлар

ўтказдик, колхозларга, тарихий жойларга бордик... Кейинчалик, Самарқанд шаҳрига тушганимда баъзан у кишининг зиёратларига кириб ўтадиган бўлдим. Айний домла менинг адабиётга, тарихга қизиқишимни билиб яхши қабул қилар, очилиб сўзлашиб ўтирар эдилар. Шу йўсин дўстлигимиз у кишининг вафотига қадар давом этди.

1938 йил бўлса керак, ёз ойлари эди, Айний домла ёзувчи Абдусалом Дехотий билан яна Панжакентга келдилар. У киши бу гал Абу Абдулло Рудакий туғилиб ўсган қишлоқда бўлдилар, Рудакий қабрини зиёрат қилдилар, қишлоқ аҳли билан суҳбатлашдилар, Рудакий ҳақида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган хотираларни ёзиб олдилар (чамаси, у киши шу чокларда Рудакий ҳақида асар ёзаётган эканлар).

Шу ташриф кунларининг бирида мен Айний домла ва Дехотийни уйимга меҳмонга чақирдим ва суҳбат асноси «Ўткан кунлар»нинг лотин алифбосида босилган бир нусхасини (мен бу китобни колхозларни айланиб юрганимда бир қишлоқ чойхонасининг қизил бурчагида стол устига териб қўйилган газета, журнал, китоблар орасидан топиб келтирган эдим) домланинг олдига келтириб қўйдим ва кулимсиб индамай қараб турдим... Айний домла тушунмагандай қора муқовали китобни аста қўлларига олдилар ва биринчи варағидаги расмни кўриб таажжубландилар:

– Иби, мулло Абдулаҳад, Жулқунбойнинг расми-ку, бу «Ўткан кунлар»ми?

– Ҳа, домла.

У киши бир мунча вақт жим қолдилар, кўзларида ёш пайдо бўлди...

Мен сўрадим:

– Сиз Жулқунбойни кўрганмисиз, домла?

– Ҳа, кўп кўришганман, борди-келдимиз бор эди, – дедилар домла ва китобни стол устига қўйиб аста давом қилдилар:
– Жулқунбой аллома ёзувчи, моҳир донишманд, истеъдодли санъаткор, қалби пок соҳиби қалам эди. У Ўрта Осиёда биринчи бўлиб ажойиб романлар ёзди, кенг оммага танилди. У менинг ёзган романларимни ўқиган ва холисона қимматли маслаҳатлар берган эди.

1946 йил июл ойининг охирлари эди. Мен Нов туман партия комитетида ишлардим. Бир кун шоир Собир Абдулла Ойбек домла билан бизга келиб қолишди. Бир гуруҳ ўзбек ёзувчилари Фарҳод гидроэлектростанцияси қурувчилари билан учрашгани келишган экан. Собир Абдулла менинг Нов туманида эканимни билиб, учрашувдан сўнг кўриб ўтгани Ойбек домла ҳамроҳлигида бизга келишибди. Шу кун биз уларни Тошкентга юбормай, меҳмон қилдик. Меҳмондорчиликда шоир Аширмат Назаров (у асли Новлик бўлиб, Душанбе шаҳрида ишлар эди), туман ижроия комитети раиси, район газетаси муҳаррири қатнашди. Кечаси узоқ гаплашиб ўтирдик. Сўз адабиёт ва ёзувчилар устида тўхтади.

Сўз ўрни келиб шоир Аширмат:

– Мен Абдулла Қодирийни рус тилини дуруст билмайдиган «эски» тақлиддаги ёзувчилардан бўлса керак деб ўйлардим. 1935 йили Гоголнинг «Уйланиш» комедиясини унинг таржимасида сахнада кўриб ва бошқа баъзи русчадан қилган таржималарини ўқиб таажжубда қолдим... – деди.

Ойбек домла «балки бошқа киши сўзлар» дегандай теваракка кўз юбориб бир оз жим ўтирди, кейин аста:

– Абдулла ака содда, деҳқонсифат кўринса ҳам Ғарб ва Шарқ адабиётидан чуқур маълумотли, мутолааси зўр киши эди. Араб, турк, форс-тожик тилларида унча гаплаша олмаса ҳам рус тилида бемалол сўзлаша олар эди. Чунки у инқилобга қадар рус-тузем мактабини тамомлаган, кейин Москвада журналистлар институтида ўқиган, – деди Ойбек ва бир оз тўхтаб ниманидир хотирлагандай давом қилди, – 1925-1926 йиллар, ёзувчиликка ҳаваскор чоқларим эди. Қодирийнинг Москвадан келганини эшитиб, икки-уч ўртоқ уни кўргани боғларига бордик. Бизни меҳмон қилдилар, Москва таассуротларидан сўзлаб бердилар. Шунда, ёдимда, Қодирий, биз ёш ёзувчиларга ўғит тариқасида сўзлаб, миллий республика ёзувчиларининг дунёқарашини кенгайтиришда рус адабиётининг аҳамияти катталигини айтган эди. У, айниқса, Лев Толстой ва Чеховни севиб сўзларди.

ҚУРУЛТОЙДА

Мен 1903 йил Хўжанд музофотининг Қистакўз қишлоғида туғилдим. Эски мактабда ўқиб саводим чиққач, 1920 йилда Самарқанд шаҳрида очилган олти ойлик таълим-тарбия курсини битириб, ўқитувчилик қила бошладим.

1925 йилнинг ноябрида Хўжанд шаҳар ва музофот халқ маорифчиларининг конференцияси бўлди. Конференцияда (жумладан) ер ислохоти тўғрисидаги декретни Ўзбекистонда амалга ошириш ва Ўзбекистон шўро зиёлиларининг вазифалари каби масалалар кўрилиб, конференция охирида Ўзбекистон зиёлиларининг бўлажак биринчи қурултойига вакиллар сайланди. Жумладан, мен ҳам вакил бўлиб кирдим.

Ўзбекистон шўро зиёлиларининг биринчи қурултойи 1926 йилнинг 26 январида Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон фирқа шўро мактабининг янги биносида очилди. Қурултой ҳайъатига қирқ беш киши сайланиб, шулардан эсимда қолганлари: И.А. Зеленский (СредАзбюронинг биринчи секретари), В.И. Иванов (Ўзбекистон КП МК биринчи секретари), Йўлдош Охунбобоев, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Боту, Абдулла Қодирий, Ҳамза, Садриддин Айний, Рафиқ Мўмин ва ҳоказолар...

Қурултойда ўнлаб масалалар кўрилиб, хотирамда қолганлари шулар: 1. Халқаро аҳвол. 2. Ўзбекистон Совет Социалистик республикасининг бир йиллик ҳисоботи (маърузачи Й. Охунбобоев). 3. Мафкура майдонида кураш (маърузачи В. Иванов). 4. Зиёлилар ва зиёнлилар ҳақида (маърузачи А. Икромов). 5. Ўзбекистонда маориф ва маданиятнинг тараққиёти. 6. Ер ислохоти ҳақида (маърузачи Ўзбекистон КП МК котиби Х. Бурнашев) ва ҳоказо...

Қурултойда сўзланган нутқлардан хотирамда шу ўрин қолган: Акмал Икромов ўз нутқида зиёлиларни уч гуруҳга бўлади: 1. Совет зиёлилари – ўқитувчи, доктор, инженер, кимёгар, агроном ва ҳоказолар. 2. Мулла, эшон, умуман руҳонийлар. 3. Аросатда қолганлар, яъни на у ёқли, на бу ёқли бўла олмаган зиёлилар (Икромов сўнги сўзни кулги учун айтди)...

Қурултой жуда қизғин, мароқли докладлар, музокара ва мунозаралар билан саккиз кун (2 февралгача) давом этди. Ёдимда,

қурултой кунларида шундай воқеа рўй берган эди: Танаффусдан сўнг мажлис энди давом этмоқчи эди, раёсатда ўтирган аёллардан бири минбарга яқин келиб эълон қилди:

– Ўртоқлар, ижозатларингиз билан сизларга бир хушxabар етказмоқчиман: Тошкент музофотидан келган бир ҳомиладор вакиламиз (номини унутдим – А.Х.)нинг ҳозир кўзи ёриди... Яъни, қурултойимизга яна бир ўғлон вакил қўшилди!..

Бу хушxabар ҳаммининг юзида табассум, қувонч ҳосил қилди, чапак чалишиб юборди. Ўртоқ Охунбобоев кулиб, ёнғичини ковлаб хабар эълон қилган аёлга учта ўн сўмлик (червонец) суюнчи чиқариб берди. Раҳбарнинг бу олийжаноб ҳиммати бошқаларга ҳам бир оз кулишиб дам олишга, мажлис мавзудан озгина четга чиқишга рухсат бергандай бўлди. Хурсандчилик йўсинида янги меҳмон хурматига шу хил таклиф-тилақлар киритилди:

Татаристон мухтор республикасидан келган бир вакил янги меҳмон номига уч йил давомида «Татаристон халқ маориф ўқитувчиси» журналидан юбориб туришга ваъда қилди.

Ўрта Осиё осор-атика бошқармасининг раиси янги меҳмоннинг мактабгача бўлган уч йиллик тарбиясини ўз зиммасига олди.

Ўзбекистон халқ маорифи вазирлиги шундай улуғ анжуманда дунёга келган янги меҳмонни халқ маориф вазирлигига фахрий аъзо қилиб қабул қилинганлигини эълон қилди.

Вакиллардан бири янги меҳмонга «Қурултойча» деб ном қўйишни таклиф қилди. Таклиф чапаклар билан қабул қилинди, «яшасин ёш Қурултойча!» деб олқишлар кўтарилди ва шу кун янги меҳмон шарафига кечқурун зиёфат уюштирилди....

Қурултой бошланиши олдидан ўртоқ Охунбобоев вакиллар билан учрашдилар ва икки машинада келтирилган турли адабий китобларни биз – вакилларга тортиқ қилдилар. Мен ҳам бошқалар қатори йигирматача китоб олдим. Бу китоблар ичида хотирамда сақланганлари: «СССРнинг биринчи конституцияси» (ўзбек тилида), «Ўзбекистон ишчи-деҳқонлари календари» (муаллифи – Шокиржон Раҳимий) ва Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи (китобнинг алоҳида-алоҳида босилган 1–2-қисмлари)ни олдим.

Шу чоққача мен Қодирийни кўрмаган, асарларини деярли ўқимаган эдим. Баъзи ўртоқлардан билдимки, қўлимдаги роман уч қисмдан иборат бўлмоғи керак экан. Бинобарин, дарҳол ро-

маннинг учинчи қисмини ҳам қўлга киритмоқчи бўлдим. Бироқ уни сўроқлаб ҳеч қаердан (ҳатто китоб дўконидан ҳам) топа олмадим. Шу ҳолатда бошимга бир фикр келди: «Романнинг учинчи қисмини қаердан топишни ёзувчининг ўзидан сўрайман, баҳонада у киши билан танишаман...»

Бир кун мажлисдан ташқари вақтда Қодирийни учратдим. У киши ўрта бўй, қорачадан келган, бошларида духоба дўппи эди. Мен адибга ўзимни таништирдим ва китоб мухлиси эканлигимни айтиб: «романингизнинг учинчи қисмини қаердан ахтарса бўларкин?» – деб сўрадим. У киши кулиб:

– Романнинг учинчи қисмини ахтарманг, – дедилар.

– Нега? – дедим тушуна олмай.

– Чунки китобнинг учинчи қисми энди босмаҳонада босилмоқда... – дедилар.

Кейинчалик романи тўлиқ ўқиб чиққач, муаллифга бўлган муҳаббатим ошди. 1932 йилнинг августида, дам олиш чоғимда, Тошкентга келдим ва зиёрат қилиш ҳамда дўстларимнинг илтимосига биноан қишлоғимизга таклиф этиш ниятида сўроқлаб Қодирийнинг уйларига бордим. Бироқ, афсуски, у киши уйда йўқ эканлар. «Обид кетмон» қиссасини ёзгани материал тўплаш учун Чирчиқ тарафга сафарга кетган эканлар...

ГУЛ ШАЙДОСИ

1935–1937 йиллар эди. Тошкентдаги 24-мактабда олтинчи-еттинчи синфларда ўқирдим. Шу чоқларда «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» асарлари латин алифбосида янги босилиб чиққан, биз ёшлар ўқиб ундан шеърлар ёдлар эдик:

*Очилмай сўлса ҳар гул ғунчаси пиру жавон йиғлар,
Эмас пиру жавон, балки ҳамма аҳли жаҳон йиғлар...*

Эрта баҳорнинг бир куни мана шу севимли асарлар муаллифи билан мактабимизда адабий учрашув ўтказилгани ёдимда.

Абдулла Қодирий ва яна бир неча меҳмонлар мактабимиз идораси олдидаги айвонда стол-стулларда ўтиришди, ҳовлига эса юқори синф талабалари тўпланишди. Тил-адабиёт ўқитувчимиз Муҳаммад Шодмонов учрашувни очиб, Абдулла Қодирийни биз талабаларга таништирди:

– Манови улуғ зот, – деди у, – қўлингиздаги ўқиб юрган «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» романларининг муаллифи Абдулла Қодирий бўладилар...

Биз болалар тасавурида буюк кимса ҳисобланган бу ёзувчининг мактабимизга ташриф буюриши қизиқ туюлган эди. Менга айниқса таъсир этгани шу бўлдики, у кишининг қиёфаси уст-боши «Обид кетмон» муқовасида берилган расмнинг худди ўзи эди.

Шодмонов ёзувчининг ҳаёти, ижоди тўғрисида сўзлади ва яна бир-икки киши сўзга чиқди чоғи. Охирида ёзувчига сўз берилди. У киши қисқагина гапириб шундай дедилар:

– Яхши гаплар бўлди. Раҳмат. Ёзилган асар ўқувчига маъқул тушса ёзувчиси қувонади... Мен сиз ёш ўқувчиларга ҳам атаб бир асар ёзмоқчиман. Лекин асаримнинг қачон бажарилишини ваъда қилолмайман...

Ёзувчига галстук тақишди. Раззоқ исмли ўқувчи «Ўткан кунлар»дан ва яна бир бола «Муштум» журналидаги ёзувчи ҳажвияларидан парчалар ўқишди.

1960 йилга қадар Тошкентнинг Чангалзор мавзеида Қичқирик суви бўйида боғимиз бўларди. Кейинги вақтларда Ҳофиз кўйи маҳалласидаги шаҳар ҳовлимизни сотиб боғ билан бўлиб кетгандик. Боғимиз ва атрофи жуда манзарали жойлар бўлиб, уруш йилларида бўлса керак, Ҳабиб Абдуллаев, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Иззат Султонов каби бир неча олимлар ёнимиздан боғ-дача олиб чиқишган эди. Улар ёз ойларида енгил-елпи кўчиб чиқишар эди-да, салқинлаб биз боғдорлар билан апоқ-чапоқ қўшничилик, улфатчилик қилиб дам олиб қайтишар эди. Бу чоқларда мен институтни ботириб, мактабда дарс берардим.

1957–58 йиллар бўлса керак, май ойининг охирлари авжи гулларнинг очилган чоғи, китобхонлар қўлида «Ўткан кунлар»нинг янги нашри пайдо бўлди. Бир кун Иззат Султон сарғиш «Москвич» машинада ёзувчи Ойбек (бу киши илгаридан кўз таниш, асарларини кўп ўқиган эдим) ва яна икки киши (мен бу сўнгиларни танимадим, янглишмасам бириси рус киши эди) билан боққа чиқиб боришди. Улар чамаси наврўзлик қилиб дам олишмоқчи, машиналарида емак-ичмак сероб эди...

Шу кун мен уйда эдим. Табаррук меҳмонларга хизмат қилдим. Ҳали кўчиб чиқмаганлари учун, уйимиздан палос, кўрпача, ёстиқ чиқариб Иззат аканинг шийпонига жой қилдик, қозон-товоқ чиқариб ўчоққа ўт ёқдик. Иззат ака бир меҳмон билан ўчоқ бошида таом пиширар, рус меҳмон боғ айланар эди. Ойбек домла эса устидаги кулранг костюмини ва тус дўпписини ечмаган ҳолда шийпонда ёстиққа ёнбошлаб ўтирар эди. Мен чой дамлаб келтириб у кишига пиёлада узатдим.

Шу вақт Ҳабиб Абдуллаев боғида боғбонлик қилувчи Тожибой (Асқаров) поччам бир даста гул келтириб Ойбек домлага узатди. Гулдаста оқ, қизил, пушти атиргуллардан ва райҳон, анор барглари билан ясалган эди. Ойбек домла мамнун бир тусда гулни олиб тутилиб-тутилиб (у киши шундай тутилиб ва баъзи ҳарфларни тушириб, қисқа-қисқа сўзлар экан) поччамга раҳмат айтди ва менга у кишига чой қўйиб узатишни буюриб, гулни узоқ ҳидлади, завқланиб томоша қилди, сўнг хаёл суриб тўсатдан бир нарсани хотирлагандай бўлди-да, тутила-тутила шу сўзларни айтди:

– Абдулла Қодирий гулни яхши кўрарди, гулларнинг шайдоси эди, шайдоси... – Ойбек домла бир оз тўхтаб олиб афсусланган оҳангда қўшиб қўйди. – Устоз, келди-ю, кетди...

Поччам ҳам Қодирийнинг китобхон мухлисларидан эдилар. Учовимиз ҳам сўнгги сўз таъсирида бирмунча вақт жим қолдик...

1975 йил, 20 октябр

ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР

Хотираларимда ёзганимдек, Қодирийнинг Исмоил Обидов номли бир эски дўстлари бўлар эди. У дадамдан ўн беш-йигирма ёш катта, ўзи 1904–1906 йилларда чиқарилган «Тараққий» газетасига муҳаррирлик қилган, адабий, ижтимоий, сиёсий анча билимли, кўхна партия аъзоси, юқори раҳбарлик ўринларда ишлаб, ўша чоқлардаёқ шахсий пенсионер бўлган киши эди. У содда кийинар, кўзойнак тақар эди, баъзан-баъзан бизникига келиб дадам билан суҳбатлашиб кетар эди.

Иссиқ ёз кунлари эди. Бир кун пешин чоқларда шийпон рўпарасидаги тепалик токзор ичига (токлар ҳали ёш бўлгани учун ишқом ўрталарига узун-узун ариқ тортиб) экилган жўхори, мош, ловияларни дадам билан чопиқ қилар эдик. Исмоил Обидов эски қора чарм портфелини қўлтиқлаб дарвозадан аста кириб келди ва дадамнинг юқорида эканликларини билиб, тўғри иш жойимизга чиқиб тўхтади. Кўришиб ҳорма бор бўл қилишди, ҳол-аҳвол сўрашишди.

– Кечирасиз, – дедилар дадам ишда давом қилиб, – озгина қолди, битириб қўяй, сўнг уйга тушамиз... Чопиқни ҳозир тутатиб қўймасам, ариқнинг нами иссиқда дарров қочади, чопиқ кийинлашади, қайта сув бергунча вақт ўтади...

– Ишлайвер, ишлайвер, ишим зарур эмас, – деди Исмоил Обидов. У ток салқинига ўтиб, чўнтагидан тамаки халтасини чиқариб, узун муштугини тўлдириб тутатди ва шу ҳолатда дадамнинг тезкор, шахт ишига қараб турди-да, ачинган оҳангда деди:

– Мен сенга ҳайронман, Абдулла! (У дадамни «сен»лар эди).

– Хўш?– дедилар, дадам ишда давом қилиб.

– Сен ўзинг кимсан, ёзувчими, деҳқонми?

Дадам кулдилар:

– Униси ҳам, буниси ҳам...

– Йўқ, кулма! – деди у жиддий, – ўзинг ёзувчи бўлсанг... оғир меҳнат қилиш сенга нечун керак?..

Дадам яна кулдилар:

– Оила боқиш учун...

– Оилани ёзувдан боқиб бўлмайдимми?
 – Бўлади, – дедилар дадам ҳорғин оҳангда ва ишдан тўхтаб кетмон дастасига суяниб жиддийлашдилар, – айтинг-чи, Исмоил Обий, ёзганларим сизга ёқадими?

– Ҳа, жуда ёқади.

– Кўрдингизми, агар кетмон билан меҳнат қилиб оила боқмаганимда, ёзганларимни севиб ўқимас эдингиз... яъни пул топиш ниятида қилинган ёзувчиликда ва умуман, бирор манфаат билан ўлчанадиган санъатда сифат бўлмайди. Албатта, бу сўз билан мен ҳаммани оғир меҳнатга чақирмоқчи эмасман. Бироқ ўзим ёшлиқдан бунга ўрганганман. Оғир меҳнат менга асло халал бермайди, аксинча, жисман, руҳан ўзимни соғлом, тетик сезаман.

Исмоил Обидов дадам жавобларига қарши бир сўз демади. Чекиб бўлган муштугининг кулини сўри бағазига уриб-уриб, қоқди ва ток бағрида юриниб битта-яримта нишона қилган узумларни томоша қила бошлади. Дадам эса тез-тез чопиқ қилар эдилар...

ГУЛ ШАЙДОСИ

Боғимиз теварак деворлари тагида қатор зўрайиб тераклар ўсарди. Кўклам чоқлари бу теракларда булбуллар тинимсиз наво қилардилар. Дадам барвақт туриб, ювиниб аста бориб шу тераклар тагига чўнқайиб булбуллар сайроғини тинглар эдилар. У киши шу қадар берилиб хаёлга чўмиб тинглардиларки, гўё зўр бир машқми, ашулами эшитар ёки қизиқ бир асар ўқир эдилар.

Бир кун мен эрталаб ариқ лабида ювиниб артинар эдим, дадам тераклар тагидан аста чиқиб келиб дедилар:

– Биласанми, Ҳабибулла, бугун булбулларни эшитиб ўтириб бир нарсани пайқадим.

– Нимани? – ажабланиб сўрадим.

– Булбулларнинг сайроғи, менимча, қайтарилмас, яъни оҳангларининг бириси иккинчисига ўхшамас экан.

Дадамнинг бу кузатувларига ишонмагандай бўлдим.

– Менга уларнинг ҳамма сайроқлари, оҳанглари қайтарикдек, бир-бирларига ўхшаш туйилади, ада...

– Мен ҳам шундай ўйлардим. Аммо бугун шу қадар диққат қўйиб тингладимки, барибир ҳар бир сайроқ иккинчисидан қандайдир озгина бўлса ҳам оҳанг ўзгариши билан фарқ қилар экан...

Мен ичимда ўйладим: «Адам хўп қизиқлар-да, эринмай булбуллар сайроғини ҳам синчиклаб текшириб ўтирибдилар-а».

Дадам гулни ниҳоятда севар, гул шайдоси эдилар. Эрта кўк-ламдан бошлаб у кишининг биринчи «ташвиш»лари, шийпонимиз олдидаги ярим танобдан мўл ерни чопиб гулзор тартиб бериш, бозордан ва кимсалар уйдан гул кўчатлари келтириб экиш, суғориш, ўтоқ ва чопиқ қилиш бўлар эди. Бу ишларни у киши ҳеч кимга «ишонмас», ҳаммасини ўзлари бажарар эдилар. Гуллар ўсиб, очилган чоқларда кўчадан боғимизга кирилса димокларга гуп этиб гул ҳидлари урилар, гулзорда ранг-баранг капалаклар учиб юрар эди.

Гулзоримизнинг бу ҳолатини ва дадамнинг «ташвиш»ларини худди «Меҳробдан чаён»даги шу тасвирга ўхшатиш мумкин:

«Анварнинг бола чоғиданоқ энг яхши кўрган нарсаси гулзор ва ундаги гуллар эди. У махдумнинг оиласига келиб тура бошлагандан сўнг, боғчанинг гулзор қисмини ўз идораси остига олди. Гулларни суғориш, ўтларини юлиб, тозалаш вазифаларини ўзи бажарди... Болаларнинг дараги билан ҳар кимнинг уйида бўлган янги нав гуллардан кўчат ва уруғ олиб, йилдан-йилга гулзорни бойитди. Ёз кунлари келса, болаларни капалак ва олтинкўнгиз тутиб келишга буюрарди... Агар улар гулзорга кўниб қолсалар, ўзида йўқ севиначи эди. Шунинг учун аксар ёз кунлари махдумнинг боғчаси оқ, нимранг, ола-зангор, малла-ложувард ва бошқа тус капалакларнинг ялт-юлт учишлари билан алоҳида бир кўринишга кирар, Анварнинг ўқишдан бўшаган кезлари гуллар ичида ва шу капалаклар орасида кечар эди».

Шу ўринда дадамнинг бир ишлари ёдимга тушиб кетди:

Бир кун у киши кўчадан оқ халтада нимадир кўтариб келдилар. Халтанинг оғзини очган эдилар, бир даста чиройли гул чиқди. Мен ажабланиб сўрадим:

– Бу қандай гул, ада?

– Шаҳарга тушиб, Иноғом отанинг Оби Назирдаги боғига кирган эдим, – дедилар, – қайтишимда кўлимга гул узиб берди. «Йўқ» дея олмадим, ташлашга кўзим қиймай, ола келдим...

– Нега халтага солиб келдингиз, гулни севасиз-ку?

– Севган билан эр кишига кўчада даста гул кўтариб юриш ўхшамайди. Гул кайфи уни ўстиришда, кўринишида, хушбўйида, – дедилар жиддий ва гулларни сувга солиб қўйишни буюрдилар.

Бир куни у кишига савол бердим.

– Қалдирғочлар неға инсонға жуда ўрганганлар, уяларини доим одам яшайдиган уйларга қўядилар, бола очадилар?..

– Бу, менимча, яратилишдан уларнинг ўзига хос ҳис-сезгиси бўлса керак, – дедилар дадам ва ўйланиб кулимсидилар, – аммо бу тўғрида авом халқ тўқиган қизиқ бир ривоят бор...

– Қандай?

– Бу, кўхна ва узун тарих, – дедилар, – ривоятларга кўра, қарийб бундан беш-олти минг йил бурун зўр бир тўфон бўлиб, бутун «ер юзи»ни (ҳатто тоғ чўққиларини ҳам) сув босади. Барча халқлар ғарқ бўладилар. Шунда Нух исмли бир донишманд (пайғамбар) тўфон бўлишини олдиндан сезиб ёғочдан катта бир кема ясади, одамзотдан тортиб дунёдаги ҳар бир жонивордан бир жуфтдан олиб (яъни, ер юзидаги жонзотларнинг зурриёти қуриб кетмаслиги учун) кемада жон сақлаб сузиб юради...

Шу сузиб юриш вақтида гўё кема ичида шундай бир воқеа рўй беради: сичқон кемани кемириб тешади. Кемага сув кириб чўкиш хавфи туғилади... Нух буйруғи билан илон тешикка кириб кулча бўлиб ётади. Кемага сув кириш тўхтайтиди. Жониворлар ҳалокатдан омон қоладилар...

Тўфон тўхтагач, илон Нухга дейди: «Эй Нух, мен кемани ҳалокатдан сақладим. Энди сен менга дунёдаги энг азиз этни насиб қилгин!» Нух чивинга: «Сен бориб дунёдаги этларни тотиб кўр, лазизини билиб кел!» деб буюради. Чивин буйруқни бажариб, лазиз этни билиб қайтаркан, йўлда қалдирғочга дуч келади. Буйруқдан хабардор қалдирғоч чивиндан сўрайди: «Эй чивин, дунёда қайси эт лазиз экан?» Чивин дейди: «Одамзот эти лазиз экан». Қалдирғоч дейди: «Ёлғон айтурсан, қани тилингни чиқарчи, мен кўрай!» Чивин тилини чиқаради. Қалдирғоч эса унинг тилини чўқиб узиб олади. Шу-шу чивин «зинг-зинг» деб, сўзлай олмайдиган бўлиб қолади...

Чивин келиб Нухга сўзламоқчи бўлади. Бироқ Нух тушунмай ҳайрон бўлади. Гўё шунда қалдирғоч «тилмочлик» қилиб шундай дейди: «Эй Нух, чивиннинг тилини мен биламан. Бу дунёда энг лазиз эт бақа эти экан, деяпти». Нух дуо қилади: «Эй илон, сенга бақа этини насиб қилдим!» Шу-шу илон, гарчи одамзот эти лазиз эканлигини билса ҳам, бақа эти емоққа мажбур бўлиб, доим ўз ниятига халал берган қалдирғоч зотини дунёдан қуритмоқчи бўлар эмиш... Қалдирғоч эса ҳамиша инсонларни паноҳ тортиб, одамзот яшайдиган уйлар шифтига уя қўяр ва бола очар эмиш...

Уйлайманки, болалигимда эшитиб, хотирамга қаттиқ ўрнашиб қолган бу афсона – эртакни дадам кўхна китоблардан ўқиган бўлсалар керак. Бу афсонани ёзишдан муддао шуки, Қодирий бундай қадимий адабиётларни жуда кўплаб ўқиганлар, улардан тўғри хулосалар чиқариб, ўз ёзувларида фойдаланганлар. Дарҳақиқат, юқоридаги ҳикоя гарчи афсона бўлса ҳам жуда келишимли ёзилган ёки айтилган. Ундан ташқари, бу афсона инсонларда қушларга нисбатан муҳаббат уйғотади.

Дадам ёшлиқдан қуш боқиш ва сайратишни севганлар. Катта амаким (Раҳимберди)нинг хотини Роби опоқи ҳикоя қилиб эдилар:

«Келин чокларим мулла Абдулла ўрис мактабини тамомлаган кезлар эди. Бир кун боғда мулла Абдулла қулупнайзоримизга тузоқ қўйиб, бир кичкина бедана тутиб олди. Уни эски тўрқовоққа солиб боқиб юрди. Жонивор ювош, гоҳо дон-сув бериш эсдан чиқиб, неча кунлаб оч қолиб кетар эди. Биз Абдуллага «жониворни қўйиб юбор, очдан ўлса уволига қоласан!» дердик. У «бу бедана сайроқи чиқади» деб боққани-боққан эди. Шу алфоз бедана, ҳайтовур, ўлмаи қишдан чиқди. Абдулла айтгандек, у ростдан ҳам кўкламда шу қадар тезотар сайроқи чиқдики, ҳамма ҳайрон қолди. Мен оқ, қизил, кўк рангли иплардан янги тўрқовоқ тўқиб бердим. Беданани солиб, ҳовлидаги нок дарахтига осиб қўйдик. Жонивор шу қадар тез, ёқимли сайрар эдики, ҳаммани маҳлиё қилар эди. Кўчамиз қариялари эрта билан кўча эшигимиз қаршисига – девор тагига чўнқайиб ўтириб олиб беданамиз сайроғини тинглашар эди...

Худди шу кунларда даданг Расулмуҳаммадбой дўконига приказчик бўлиб ишга кириб кетди-да, уйга кам келадиган бўлиб қолди. Бир кун қаердандир бир беданавоз киши келиб беданамизга харидор бўлди ва бобонгни қўярда-қўймай, ўн тўрт сўмга сотиб олиб кетди...»

Дадам менга ҳам бедана боқсам индамас эдилар. Аксинча, беданаларимга янги тўрқовоқ, дон (тарик) келтириб бериб турар эдилар. Бир йили бир бедана боқдим. Жуда серхуруш сайроқи, лекин салмоқи чиқди. Тонг саҳардан ҳовлимиздаги тут дарахтида сайрагани-сайраган эди. Бир кун қаёққадир кетиб қайтиб келсам, сайратма йўқ.

– Ада, беданам қани? – сўрадим.

У киши нимадандир норози бўлгандай қўл силкидилар.

- Беданангни бировга бериб юбордим.
- Нега?
- Ҳа, қўй, – дедилар, жавоб қилишга энсалари ёр бермагандай, – сайрайвериб эрталаб «иш» қилдирмайди...

ДАДАМ ОИЛАДА

Баъзилар «Отангиз асарларида хотин-қизлар образини жуда яхши тасвирлайдилар, у кишининг оилада муомалалари қандай эди?» деб сўрашади. Бу ўринли савол. Оиламиздаги яхши одатлардан бири шул эдики, уч маҳал овқатга деярли ҳар вақт ҳаммамиз баробар ўтиришар, ҳамма жам бўлмагунча овқатланмас эдик (бу одат авваллари ҳамманинг уйида ҳам шундай эди. Бунинг яхши хислати шундаки, таом чоғида, агар хизмат билан узоққа кетилмаган бўлса, ҳамма оила аъзолари бир-бирининг кўз ўнгида бўлар, улар гўё кундалик ўз ишларидан «ахборот» берар, фойдали гаплар, ота-она насиҳатини тинглар эдилар. Бундай яхши одатимиз энди барча оилаларимизда ҳам бирдай сақланмаган). Қодирий оила суҳбатида ўзларини бемалол, мўътадил тутар, яъни бачкана ҳам, расмий ҳам бўлмас эдилар. Ҳаммамиз эркин сўзлашар, бир-биримизга ҳазил-мутойиба тўқишар эдик. Дадам кулибгина ўтириб, кўпинча бибимни гапга солар, ундан қариндош-уруғлар ҳақида сўрар, ойим билан эса уй ишлари тўғрисида маслаҳатлашар эдилар.

Ойим эрталабки чой охирлаганда дадамдан сўрардилар:

– Бугун нима овқат қилай?

Дадам бибимга қарардилар:

– Ойи, қандай овқат буюрасиз?

– Менга фарқсиз, болам, – дердилар бибим, – лекин қийин овқат буюрма. Норин қилиш Раҳбарнинг бир ўзига оғир...

– Ташвиш қилманг, гўштини ўзим тўғрайман...

Кечлик чоғида бир кун шундай гап бўлган эди:

Жосият бибимнинг Убайда исмли бир опаси Чорсу яқинидаги Сирли мачит маҳалласида яшар эди. Унинг Раҳбар исмли бир набираси бўлиб, у 1926–1927 йилларда ўн етти-ўн саккиз ёшларда, оқ тан, бўйдор, тўладан келган, чиройли қиз эди. Уни севганларидан Бўпир деб аташар эди. Бўпир опанинг йўғон, ёқимли, қўнғироқдек овози бўлиб, баъзан бизга паранжи ёпиниб меҳмон бўлиб келганда ҳамма ундан ашула айтиб беришни сўрар, у эса

уйга кириб олиб, уялинқираб, худди эркак ҳофизлардек ашула айтар эди. Унинг ашуласи ҳақиқатан ҳам кўнгилларни ларзага солувчи, ҳамма уни мунгланиб тинглар эди. 20-йиллар охирида бўлса керак, Бўпир опани эрга беришди ва у бир-икки йил ичида бир фарзанд кўриб хасталаниб тезда вафот этди.

Дадам бибимга дедилар:

– Шундай қилиб, ойи, кеча Бўпирнинг гулини ҳам ўтказиб келдингиз?

– Ҳа, – дедилар бибим афсусланиб, – бечора ёлғиз қиз эди. Тўлаганнинг (Бўпир опанинг отаси) пешонасига у ҳам сиғмади. Умри қисқа экан, ёшгина ўлди кетди...

– Унинг ёш кетишига ота-она сабаб бўлди, ойи!

– Нега ундай дейсан, болам, ким ўз боласига ўлим хоҳлайди?!

– Агар сўзимга кириб, Бўпирни ўқитишганда, хоҳишига қўйишганда у юртга машҳур аёл ҳофизлардан бўларди: овози яхши эди. «Юзни очиш гуноҳ, бузилиб кетади», деб кўнмадилар. Буниси ҳам майли. Тағин бечорани бориб-бориб ўз тенгига эмас, куёв қуригандек «пули кўп, бой» деб, хотини ўлган қарига беришди-я. У ҳасратдан ич-этини еб сил бўлиб ўлди...

– Ҳа, энди бўлди, кетди. Сўнгги пушмон ўзига душман, – дедилар бибим.

Хотин-қизларимиз тақдиридаги бундай бахтсизликлар ўтмишда озмунча бўлганми? Бундай ҳадсиз бахтсизликлар, аянчли тақдирлар Қодирийни мудом изтироблантирган ва ҳатто йиғлатган. Буни биз у кишининг асарларида ҳам кўраимиз.

Боғ кўчамизда Юсуф ўчоқчи номли кексайиброқ қолган бир қўшнимиз бўлар, ўзи қизиқ, индамас, дарвиш табиатли, ҳар ким билан ҳам сўзлашавермас, ўчоқ қуришга, тузатишга ниҳоятда уста, кимсалар уйида кунбай ишлаб юрар эди. У анча-мунча эскича ўқиганлиги учун баъзан дадамдан китоб олиб ўқир, дадам ҳам бу кишини ёқтирар, гоҳо меҳмон қилиб у билан суҳбатлашар, ҳазил-мутойиба қилишар эдилар. Юсуф амаки иккинчи марта уйланган бўлиб, хотини ўзига тенгдошроқ, ниҳоятда озода эди. Уч-тўрт йил шу хотини билан яшагач, бир кун Юсуф амаки дадамга чиқиб деди:

– Бир маслаҳатга чиқдим, мулла Абдулла, – у бир оз аччиғлангандай, изтироблангандай кўринар эди.

– Марҳамат, – дедилар дадам уни ижодхоналарига, сандал ёнига ўтказиб, – эшитаман, қандай маслаҳат?

– Шу келинойингиз билан ажрашсам дейман...
 – Нега, нега?! – дадам ажабландилар.
 – Келинойингиз ўзи ёмон эмас, яхши аёл. Уй-рўзғор юмушини, муомала, таом пиширишни яхши билади. Аммо бир одати менга сира ёқмайди-да...

– Хўш?

– Ўзингиз хунаримни биласиз, уйма-уй юриб ўчоқ қураман, қуримга ботиб эскисини тузатаман. Кечқурун ишдан ўлиб-ҳориб келсам, у сув тайёрлаб «ювин, ювинмасанг уйга қўймайман, ифлос қиласан», дейди... Ахир мен шунча йилдан бери кунига ювинавериб ўлиб бўлдим-ку, мулла Абдулла!

Дадам хахолаб юбордилар ва кулги аралаш чой узатиб дедилар:

– Йўқ, Юсуф ака, бу гапингиз ажрашишга важ эмас. Келинойим ҳақлар. Ахир қайси аёл кўчадан қора иш қилиб келган эрини ювинтирмай озода уйига қўяди? Аксинча, ҳар кун сув-таом тайёрлаб, сизни кутиб олган хотинингизга раҳмат айтишингиз, орқасини силашингиз керак. Қаранг, сизни тўралардек кийинтириб қўйибдилар...

Юсуф амаки бир оз ўйланиб қолди.

– Демак, ўлсанг ҳам кунига ювинавер, денг?.. – У пичинг қилди.

– Ювинишдан эмас, ювинмасликдан инсон тезроқ ўлиши мумкин. Сизга буни ўргатгулиги йўқ, – дадам бир оз тўхталиб, куловичлик тусини олдилар, – барибир ажрашсангиз ҳам кейин уйлана олмайсиз...

– Нега?

– Негаки, эрини қорақуяси билан тоза ўринга ётқизадиган хотин, менимча, Тошкентни атрофида топилмаса керак... – дадам қотиб кулдилар.

– Э, ўлибманми қорақуя билан ўринга ётиб, сизга бир гап тегмасин-да, тагин маслаҳатга чиқиб ўтирибман-а!..

Дадам яна қотиб кулдилар ва шу икки йўл байтни ўқидилар:

*Хотундир тажалли аз рўзи азал,
 На бордир жаҳонда хотундан гўзал...*

Юсуф амаки илжайди. У ҳовурдан анча тушган эди. Дадам камтар, ҳақиқат олдида бўйни ҳам, кўпчилик билан

баробар одим ташловчи оилапарвар, уй-рўзғор ишларига чечан, зарурат туғилса молхона юмушларига ҳам ўзлари қаровчи хокисор киши эдилар. Шаҳарнинг ҳар табақасидан ошналари кўп, маҳалла, қўни-қўшниларнинг яхши-ёмон кунларига ҳамиша ҳозир, таъбларига ёқса кўмирчи-аравақаш, косиб-дурадгор, бой-зиёллар билан ҳам улфатчилик қилаверар, гап-тўкма еяверар, агар уйимизга уста-мардикор келса, улар билан баробар ишлашаверар эдилар.

Эрта баҳор эди. Бир кун дадам буйруқлари билан барвақт туриб Чуқурқишлоққа мардикор бозорга тушдим. Дадамнинг Пирмат ака исми ўзи сайрамлик бир мардикор ошналари менга тўртта мардикор танлаб, байлашиб берди. Уларни бошлаб уйга келганимда дадам шийпонимиз олдида ер чопар эдилар. Мардикорлар билан биргалашиб чой ичишгач, бешовлон шийпон олдидаги ерларни чопа бошлашди. Мардикорлар бошқа шаҳарми – қишлоқдан келишган, чапанинамо ўрта ёш йигитлар кўринар эди. Дадам ер чопишга абжир бўлганлари учун ҳамиша мардикорлардан олдинда борар эдилар...

Кеч бўлиб, дадам ювиниб, кийингани ичкарига кириб кетдилар. Ариқ бўйида ювинишаётган мардикорлардан бириси аста ўсмоқчилаб мендан сўради:

– Ука, ҳалиги биз билан ер чопишган киши кимингиз бўладилар?

– Дадам, – дедим.

– Кетмонга полвон эканлар... Ўзлари зўр мулла кўринадилар, а?

– Ҳа, – дедим.

– Бизлар ҳам шундай ўйловдик... Нафаслари жуда яхши бўлса керак... Бизларга бир дам солиб қўймасмиканлар, илтимос қилсак?..

Мен кулиб юбордим.

– Йўқ, – дедим, – дадамлар ундай дам соладиган дуохон муллалардан эмаслар...

Улар умидсизланиб бир-бирларига қарашди. Яна бириси деди:

– Мен айтдим-ку сизларга, бу кишининг сочи бор, дам солмаса керак, деб...

Улар кетгач, бу хангомани дадамга айтиб бердим. У киши қотиб-қотиб кулдилар.

* * *

Боғ ҳовлимиз чеккасидан шарқираб сув оқиб ўтарди. Дадам баъзан бўш чоқларида куни билан шу ариқ лабида ўтириб сувга кичкина чархпалак – обжувоз ясар (биз буни «тақир-туқир» деб атардик), юқорига бир ғалтак ўрнатиб ва уни чархпалак ўқиға қайиш билан бириктириб айлантириб ва яна кичкина-кичкина пойкуфчалар қуриб юрғазиб қўяр эдилар. Бу «тақир-туқир» куни билан юриб, қизиқ товуш чиқариб ётгани-ётган эди. Кечаси эса, уйқу бермаганидан уни тўхтатиб қўяр эдик. Мен дадамнинг бу эрмак ўйинларини эсласам, Лев Толстойнинг «Кавказ асири» хикоясидаги Жилин саргузаштини хотирлайман.

* * *

Дадам деган эдилар:

«Ёш чоқларимда, кузда узумдан хум-хум шинни пиширардик-да, дадам «кўкламда ермиз» деб бир хумча шиннини боққа кўмиб, шаҳарга кўчиб тушардик ва эрта баҳор боғ ишлагани чиққанда, ишлаб-ишлаб очиққач, чойдишда чой қайнатиб, нон ва ҳалиги кўмилган шинни билан чой ичардик. Баъзан кўпчилик бўлганимиздан ёки кам пиёла ола чиққанимиздан хумчадан шинни солишга идиш етмай қоларди. Шундай чоқларда дадам кетмонни ариқда ювиб келардилар-да, юзига хумчадан шинни қуйиб ўртага қўярдилар ва ундан маза қилиб нон ботириб ердик...»

* * *

Дадам ижодхоналаридаги токчаларга қатор-қатор терилган чинни ва бошқа рўзғор асобоблари уйимизни безаб турарди. Айниқса, бир токчага терилган бир жуфтдан хитойи кўра ва лаганлар (бу кўра ва лаганларни дадам 1925–26 йилларда харид қилиб келтирган эдилар) ўз чиройи билан киши диққатини жалб этарди.

Бир кун дадам боғимизда ер чопиб туриб, бир чироқпоя топиб олдилар. Чироқпоя сополдан, дасталик, ярим метр бўйли, сирланмаган, оддий бўлиб, агар таг томонига гир айлантириб чизиқ шаклда чекилган кунгирасини хуснға қўшмаганда қўпол, худди чойдиш-самоварга ўхшар эди. Дадам: «Бу чироқпоя тахминан юз йил бурун ясалган. Бизда лампа расм бўлгунча халқ шам ёки зиғирмой ёқиб кун кечирган. Мана шу чироқпоя устига

мой қуйиб, пахта пилик ёқиб, уй ўртасига қўйиб теварагида меҳмонлар ўтиришган ва «заб ҳикматда» деб, чироқпояни томоша қилишган, ясаган устасига офарин ўқишган...» дедилар кулиб ва уни ювиб, «тараб» токчага – ҳалиги хитойи кўра-лаганлар ёнига қўйиб қўйдилар... Дадамнинг бундай уй «ясатиш»ларига ойим эътироз қилдилар:

– Бу сўнақайсиз сопол идишни намунча азиз қилиб, чиннилар ёнига қўшиб қўймасангиз?!

Дадам «тушунмайсан» дегандек қўл силкидилар ва:

– Чиннилар хитойники, бу сопол ота-бободан қолган ўзимизники, «ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига...» деб қўшиб қўйдилар кулиб.

* * *

Дадам бир кун менга дедилар:

– Алижон домла бетоб бўлиб қолибдилар. Бориб кўрдим. Сени йўқладилар. Бориб ҳол сўраб кел. Сенинг ҳам домланг...

Мен иссиқ нон, асал кўтариб домлани бориб кўрдим. Сўзлашиб ўтириб қайтиб келдим. Кечқурун дадам мендан «домлани кўриб келдингми?» деб сўрадилар. Мен муллаёна сўзлаб изҳори фазл қилмоқчи бўлдим чоғи, «домлани риёзат қилиб қайтдим» дедим. Сўзим дадамга эриш туюлди шекилли, «нима-нима, сўзингни қайтар?» дедилар. Қайтардим. У киши кулиб юбордилар ва жиддий тус олиб дедилар:

– Мазмунини билмаган сўзингни ишлатма. Кулги бўласан. Риёзат – машаққат чекиш, ибодат – касални бориб кўриш... Араби, форси сўзларни заруратсиз ишлатавериш ярамайди. Ўз тилингда содда, пишиқ жумла тузсанг, бундан маъқули йўқ.

* * *

Бир кун кечки пайт дадам пешона боғлаб, ялангоёқ шийпон қаршисида ер чопардилар. Мен шийпонда ёнбошлаб дарс қилардим. Дарвоза очилиб бир рус йигит кириб келди. Йигит нотаниш. Ёзувчилар союзининг янги шофёри, бизникига биринчи бор келиши эди. У дадам олдига бориб: «Ёзувчилар союзида мажлис бўларкан, Абдулла Қодирийни олиб кетгани келдим», – деди. (Дадам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг президиум аъзоси эдилар.)

Дадам индамай бир оз ишни давом эттиргач, кетмон ва калошларини олиб ариқ лабига чикдилар. Менга «кетмонни

ювиб қўй» деб, ўтириб бемалол ювиндилар ва кийиниб чиққани ичкари ҳовлига кириб кетдилар. У кишининг бу суст ҳаракатидан шофёр аччиғланди шекилли, менга қараб тўнғиллади:

– Бу қанақа ёзувчи, ҳузурига хизматчисини ювуқсиз киритмайди, қанча вақт бекор кетди...

Мен шофёрнинг гапига чала ярим тушуниб, янглишаётганини сезсам ҳам кулиб жўрттага жим ўтиравердим. Дадам ичкаридан кийиниб чиқдилар, йигит у кишига қараб туриб кулди:

– Кечирасиз, Сизни Абдулла Қодирийнинг хизматчиси, деб ўйлабман...

Кўклам эди. Кечки пайт дадам икков ток солар эдик. Дарвозамиз очилиб, беш-олти чоғлик ёш йигитлар қатор кириб келишди. Биз иш жойидан туриб баланд овоз билан сўрадик:

– Келинглар, сизларга ким керак?

– Абдулла Қодирий.

– Бу ёққа кела қолинглар! – деб чақирдилар дадам.

Йигитлар салом бериб келишди, сўрашишди. Йигитлар ўзларининг Бешёғочдаги Тошкент Пединститутининг тил-адабиёт факультетида ўқишларини, программада Абдулла Қодирий ижодини ўтишганини, энди ёзувчининг ўзи билан суҳбат қилиш ниятида келишганини айтишди...

Дадам уларни ўқишга қаерлардан келганликлари, нечанчи курсда ўқишлари, адабиётдан кимлар дарс бериши, институтни битиргач қайси ихтисос бўйича ишлашни хоҳлашлари тўғрисида сўроқ қилиб гапга солдилар. Студентлардан бири гап орасида оҳиста сўради:

– Абдулла Қодирийнинг ўзлари уйдадилар?..

«Бир кун мактабдан уйга қайта туриб Абдулла акам билан ҳамроҳ бўлиб қолдим, – деб ҳикоя қилган эди боғ қўшнимиз, ўқитувчи Собит Комилий, – суҳбатлашиб кетдик. Мен у кишидан сўрадим: «Виждон, виждон дейишади. Нима дегани бу ўзи, Абдулла ака?» У киши ўйланиб жавоб қилдилар: «Сен йўлда борардинг, қаршингдан келаётган бир кекса лойда сирғаниб йиқилди. Сен унга парвосиз ўтиб кетавердинг ва нарироқ бориб, ўзингга савол бердинг: «Нега мен ҳалиги кексага ёрдам берма-

дим, турғазиб қўймадим-а?» Мана шу ўзингга берган саволинг виждондир».

* * *

Адабиётга янги қизиққан чоқларим эди. Бир кун китоб ўқиб «реализм, реалистик» сўзларига тушунмадим-да, маъносини дадамдан сўрадим.

– Реализм, бу воқелик, ҳақиқат демақдир, – жавоб қилдилар у киши.

Мен дадамнинг қисқагина жавобларига жилла тушуниб етмасам ҳам тушунгандек бош ирғатдим. У киши менинг мажхул ҳолатимга қараб туриб:

– Жавобимга тушунмадинг, – дедилар ва реализм маъносини шундай бир мисол билан таъбирлаб бердилар. – Самарқандда Афросиёб номли бир паҳлавон ўтган экан. Афросиёб шу қадар зўр эканки, агар у ўз шаҳарида оёқ узатиб ўтирса, оёғининг учи Сирдарёга тушиб турар экан. У ухлаганда хурраги бемалол Тошкентга эшитилар, ҳар нафас олганда бутун Самарқанд шаҳрининг ҳашаротлари оғзига кирар ва нафас чиқарганда осмонга отилиб чиқар экан...

У киши бу ҳикояни шу қадар жиддий сўзладиларки, ишонаримни ҳам, ишонмасимни ҳам билмай қолдим. Иккиланиб туриб дедим:

– Бунақа одам бўлмайди, ада.

– Ҳа-а, – дедилар кулиб юбориб дадам, гўё худди шу жавобни кутгандай, – демак, ҳикоям ҳақиқат эмас, ишонмадинг. Агар ишонганингда эди, реал ҳикоя сўзлаган бўлиб чиқардим. Энди тушунгандирсан?..

* * *

Бир вақт оилавий ўтиришда устозни ҳурматлаш ҳақида сўз борганда дадам шундай айтган эдилар:

«Искандар Зулқарнайн ҳукмронлик тахтида ўтирганда Арасту келса, унга ўнг ёнидан, отаси Филипп келса сўл ёнидан жой берар экан... Бир кун саройидагилар Искандардан сўрашибди:

– Нечун Арастуга ўнг ёнингиздан жой берасиз-да, отангизга сўлингиздан?

– Чунки отам мени фақат яратди, холос... Арасту эса мени ўқитди, тарбиялади, шу даражага эриштирди...»

* * *

Кутубхонамизда қалин қора муқовали, расмли, туркча, катта бир қомус бўларди. Дадам баъзан бўш чоқларида мутолаа қилиб ўтирардилар. Бир кун у киши шу китобни кўриб ўтирди-да, маъқул бўлди шекилли, бир байт ўкидилар (байт ёдимда қолмаган) ва мазмунини шарҳлаб бердилар: «Сен туғилганингда дунёга янги меҳмон келди» деб қувониб, олам куларди. Энди сен шундай яшагинки, ўлганингда «фалончи яхши одам эди», деб олам йиғласин...»

* * *

1933–1934 йиллар, иссиқ ёз эди. Бир кун пешин чоғида Ғози Юнус терлаб-пишиб боғимизга кириб келди. У қизиқчи, ҳазилманд эмасми, эшиқдан салом-алик ўрнига дадамни койиб кирди:

– Сен пул топиб, ақл топмагансан. Бўлмаса, шаҳар ўртасида тайёр яхши жойлар турганда шу жар-жилғадан уй қилармидинг, иссиқда яёвлаб узоқ юриш осонми?

Ғози амаки биз билан кўришди. Дадам кулиб дедилар:

– Тайёр жой олиш осон, аммо осон ишда маза йўқ...

Ғози амакининг терга ботган шойи кўйлагининг орқаси лой бўлган эди. У кўйлагини ечиб менга узатди:

– Ма, ойингга киритиб бер, ювиб берсин!

– Нима бўлди, Ғози ака, кўйлагингиз лой, – сўрадилар дадам.

– Трамвай тўхтамай сакраб туша қолган эдим, гандираклаб йиқилдим.

Дадам бир турли кулги вазият олиб дедилар:

– Бу қаричилик аломати, Ғози ака...

– Йўғ-э, – деди Ғози амаки қиқирлаб кулиб, – бу қарилик эмас, ёшлик аломати. Бояги, ёш эмасманми, жоним ичимга сиғмай гилдираб йиқилдим...

* * *

Бир содда китобхон Қодирийга дейди:

– «Ўткан кунлар» китобингизда Отабекни замбил тагига беркинди деб ёзибсиз... Кап-катта киши замбил тагига сиғадими?..

Қодирий жавоб қиладилар:

– У вақтлардаги замбиллар катта бўлган-да...

Ўша содда китобхон Қодирийдан яна сўрайди:

– Отабек Ҳасаналининг уйига кириб Кумушни кутиб айланиб юрганда Кумуш кирпўш орқасида тахмонда беркиниб турган экан. Ўшанда ўзингиз уларни қаердан кўриб турган эдингиз.

УСТОЗИМ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

Қозоқлар ҳурмат қилган кишисининг исмини қисқартириб, унга ака сўзини қўшиб мурожаат қилади. Менинг устозим Абдукадир. Мен ҳозирги Миллий Университетнинг (ТошДУ) филология бўлимини битирганимдан сўнг болаларнинг «Гулхан» журналида маъсул котиб бўлиб иш бошладим. Журналга Тошкентнинг Чорсусида туғилиб ўсган ниҳоятда мард, қалби олов Эркин Жабборов раҳбарлик қилар эди. Биз биринчи кунданок кўнгилдан дўст туғиниб қолдик. Ўша кезлари эндигина Абдулла Қодирийнинг номи оқланиб, асарларини матбуот ва нашриётларда чоп этиш ҳақида гап-сўзлар, режалар бўлаётган эди. Биз журналда биринчи бўлиб адибнинг «Улоқда» ҳикоясини, Усмон Носирнинг «Нахшон» достонини бостирдик. Қамалиб келган ёзувчиларнинг ижодидан ҳам намуналар бердик. Буни қарангки, бу фидойилигимизни кўриб ҳатто туппа-тузук ёзувчи-шоир адибларимиздан кимлардир редакцияга келиб «каллаларинг оғирлик қияптими», деб пўписа ҳам қилиб кетдилар. Бир оз ўтиб «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» романи босилиб чиқди. Талабалик давримда бу китоблар ҳақида, муаллифи ҳақида фақат қулоқларга шивир-шивир гапириб ўтар эдик. Мана энди хотиржам кўлимга олиб ўқидим. Ўқиб чиқиб ҳайратда қолдим... Бу китобларни ўқимай ўтган вақтларимга ачиниб кетдим...

Бир гап ҳеч эсимдан чиқмайди. 1959 йили собиқ Шўролар Иттифоқининг пойтахти Москвада ўзбек адабиёти ва санъати декадаси бўлиб ўтди. Камина ҳам ёш ёзувчилар қаторида ўша декадага борган эдим. Ёзувчилар уюшмасининг жойлашган жойи, эслашимча, Лев Толстойнинг имениесида (ер мулк) эдиёв. Уюшманинг катта хонасида ўзбек адибларининг насрий асарлари муҳокама қилинди. Унда Абдулла Қаҳҳор, Мухтор Аvezов, Шароф Рашидов, Ойбек, Раҳмат Файзий ва бошқалар ва мен ҳам иштирок этдим. Биринчи бўлиб Пиримкул Қодировнинг талабалар ҳақида ёзилган «Қора кўзлар» романи таҳлил қилинди. Рус мунаққидлари асарни роса танқид қилишди. Шунда бир-икки ёзувчининг калта-култа гапидан кейин Мухтор оға

сўз олиб Пиримкул аканинг асарини ҳимоя қилди. У асарни шундай ҳимоя қилдики, асарни деталма-детал асосли таҳлиллар билан бояги рус ёзувчиларининг танқидларини ҳечга чиқариб қўйди. Гапининг мазмунидан у бу китобни ўзбек тилида ўқиганлиги билиниб турар эди. Биз ўтирганлар шунга ҳайрон эдик. Кейинчалик билишимча, Мухтор оға 1920 йилларда СамДУда ўқиган, ўша даврнинг адиб зиёлилари билан дўстлашган, ўзбек тилини ўрганган экан. Оға мажлисда сўзига хулоса қилиб: «Мен ўзбек биродарларимнинг асарларини ўзбек тилида ўқиганман ва ҳозир ҳам ўқиб бораман. Асарлари турфа хил; бирови у йўлдан, бирови бу йўлдан кетади, асарларига зўрма-зўраки... вич, вич.. образларни киритишни бас қилайлик, худди қовушмаган мусиқа ансамблига ўхшайди. Мен ҳайронман, ўзбек биродарларимиз устоз қидириб Оврупага югуради, ўзларингда турибди-ку буюк устоз, бу менинг яқин оғам Абдулла Қодирий – Жулқунбойдир. Мен уни устоз дейишдан уялмайман, ҳайиқмайман», деб юборди.

Ўша чоғларда бу сўзларга қарсақлар лозим эди. Лекин чапак ҳам бўлмади... Ҳамманинг кўзи бир-бирида, ерда эди...

ҚУВОНИБ АЙТАМАНКИ...

1931 йилнинг ёзида ҳамкасб дўстим Нодир Назаров Кичик Қозировот (Тошкент) мавзесидаги боғига биз бир неча ўртоқларини меҳмонга (боғ сайлига) чақирган эди. Шу ўртоқларнинг баъзиларини илтимосига биноан меҳмондорчиликка (танишиш мақсадида) Абдулла Қодирий ҳам таклиф қилинган эдилар. Сухбат чоғида Абдулла акамнинг шу айтган сўzlари ёдимда қолган:

– Мен Оврупо адабиётини кўп мутолаа қилдим. Гёте, Шиллер, Лев Толстой, Чехов асарларини чуқур ўргандим...

Октябрь инқилобига қадар бизнинг халқ турмушдан йирок афсоналарнигина ўқиб кифояланар эди. Шу афсоналар ўрнини босарли бирон каттароқ реалистик асар яратишга ният қилган эдим. Қувониб айтаманки, ниятимда янглишмадим. «Ўткан кунлар» романим ўзбек оиласига чуқур сингиб кирди, китобхонларни анави афсоналарни ўқишдан халос этди.

ХОЛИД САИД

ЖУЛҚУНБОЙ БИРЛАН МУСОҲАБА

(Кичик фелетўн)

14-нчи июнда кечкурун бир боғда қадрдон дўстларим илан суҳбатлашмоқга тўғри келди. Ўшал кеч хўб суҳбатлашиб, хурсанд бўлуштук. Олар шунда ётмоқ эрдилар, манки ётмоқга мусоидим йўқ эрди. Шул сабабдан кетмоқ тўғрисида сўз урсам, аммо олар кўнгиллари мана шунда қолмоқни истар эрди. Охири мани мунда қолурға мумкин бўлмагандин эрта бирлан келмоққа ваъда бердим. Хайрлашиб ўз боғимга равона бўлдим. Шул кечанинг зулмати тонг отиши бирлан равшанликға табдил бўлди ва офтоб чиқиб оламини мунаввар қилди. Ҳар ким уйғонди, ҳар ким ҳаракатға кирди, ваъдамга бинобар кечасидаги боғга бордим. Ўлтирғон жойим баланд суфани усти, атрофдин сувлар шарақлаб оқмоқда. Гоҳо шамол дарахтлар орасида, дарахтларни ялпиллатиб чиқиб бизларни юзларимизга жуда фараҳлик берур эди. Хурсанд бўлғонимиздан бошқа сўзлар муносабатила қаҳқаҳ уриб кулушур эрдик. Чой ичиб, таом еб бўлганимиз баъдида сўз орасида сўзимизни миллат тўғрисида юрғузмоқни хоҳлаб гапурар эрдим ва газеталарни фойдалиги тўғрисида ҳам гапурар эрдим.

Ўлтурушган дўстларим замонадан беҳабарроқ, аммо бирини яқин вақтдин буён газетага муҳаббат қилдириб, газета олдира бошлаган эрдим. Яхшигина ўқуб юрар эрди. Ҳамма вақт тараққийпарварларга муҳаббатда эрди. Сўз уруниб келиб тараққийпарварларға келди. Ўшал одам манга қараб айдиким, мани кўнглим тараққийпарварликдин совуди, ман яқинда бир жойда ўлтуриб эдим, тараққийпарварлардин бир-иккиси ёнида бесоқол боласи бирлан маст бўлишиб ўтдилар. Кўриб ҳайрон бўлдим, буларни аҳволи ушбу-ку, билмасман, бошқалари қандайдур, деб тараққийпарварлардин ихлосим қайтди, дедилар ва бошқа далилларни келтириб мани уялтурмоқчи бўлдилар. Ман айтдим: «Олар фаришта эмас, албатта бандаи Худо, баъзилари бўлса, ажаб эмас. Ҳаммалари, демоқингиз хатодур» ва бошқа далиллар бирлан ҳам сўзладим. Аммо олар бир-икки нафар бўлғонидан маъқул қилолмадим. Охири тараққийпарварликдан

кайтдим, дедилар. Мани аччиғим қисталғонидин бир мажхул сўз бирлан: «Эй, Жулқунбой биродар, мундай беҳуда сўзларни сўзламанг, яхши эрмас, бир-икки тарқкийпарварман, деб юрган одам бесоқол бола бирлан юрса ёки қабоқни эшигини олдидан ўтса, дарров ўша ярамас болдиму? Йўқ, мундай сўзингизга инон-масман, нимаинки агарда сиз пиёниста бўлсангиз, қабоқда ўлтиргонингизда оларни ичишиб ўлтиргонини кўрсангиз ул вақтда мундай сўзласангиз бўладур, аммо баъзилар ҳифзул-сихҳатға мувофиқ деб Русия частидаги мўнчаға борурлар. Мўнчадан чиққандин кейин қизариб чиқур. Балки ўшандай вақтда кўрғондирсиз, – дедим. – Бул сўзларни манга сўзладингиз, аммо бошқа одамларға сўзлаб юрманки, сизға ҳам яхши бўлмас», – дедим.

Шундай сўзлар бирлан бир оз қизоришиниб олдим. Яна дедимки: «Жулқунбой жаноблари, мадрасаларда баъзи муллалар баъзи вақтда бировни қиздек фарзандини олиб келиб базм қилмушлар. Шул сўзимни ростлиги сизға ва ҳамма хабардор одамларға маълумдур. Ўшал мулларимиз тўғрисидин ҳеч сўзламаймиз. Бул муллаларға жавобингизда, мадрасада зерикишиб ётган муллалар шўх бўлади, деб жавоб берсангиз керак. Курсин мундай шўхлик, бутун баччавозлик!» – дедим. Яна Жулқунбой жанобларини аччиқлари келиб, сўзламоқ бўлиб туриб эдилар, ман мундин ортиқ вақтим йўқ деб, хайрлашиб боғдин чиқиб кетдим.

Имзо: Ҳаё

*«Туркистон вилояти газетаси»
1914 йил, 26 апрел, 50-сон, 2-бет*

Холид Саиднинг ушбу танқидий мақоласи ўша давр Туркистон матбуотида эндигина расм бўлиб келаётган фелетўн жанридан бир намуна эди. Қодирий ҳаётидан ҳикоя қилувчи кадрли бу фелетўнни танқид эмас, хотира мазмунида эътиборингизга ҳавола этдик.

Холид Саид Хўжаев (адабий тахаллуси Ҳаё, Ҳаёли) 1888 йил Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги Қўшқўрғон қишлоғида туғилган. Тошкент мадрасаларидан бирида таҳсил олгандан сўнг 1911 йилда Туркияга ўқишга кетиб Истанбул Университетининг тиббиёт бўлимини ўқиш тугатади. 1913 йили ватанига қайтиб бир йилдан сўнг яна Туркияга ва ундан Озарбайжонга ўтиб Бокудаги ўқув юртларида турк, араб ва форс тилларидан дарс беради, тилшунослик-шарқшунослик соҳасида илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланади, кўплаб илмий

асарлар ёзади. Холид Саид 1928 йилда Қамчибек (Абдулла Ғайнуллин) билан бирга биринчи бўлиб «Ўткан кунлар» романини озарбайжон тилига таржима қилиб, нашр эттиради. 1937 йилда у «халқ душмани» сифатида қамоққа олинади, олий жазога хукм қилиниб, 13 октябр куни ижро этилади.

УРФОН ОТАЖОН

БУ ЙЎЛЛАРДАН ЯХШИЛАР ЮРГАН

*Ҳар одамики элга, ватанга вафо қилур,
То жаҳон борица бузилмас бино қилур.*

Абдуваҳоб Сайфий

Бизнинг Самарқанд дарвозадаги ҳовлимиз Термиз кўчасида эди. Шу кўчанинг қуйроғида жарлик бўлиб, жарликка яқин жойда Абдулла Қодирийнинг боғи жойлашган эди. Боғнинг шинам жойида шийпон. Биз болалар ўша жарликда турли ўйинлар ўйнар эдик, баъзи тенгқурларимиз қўй боқишарди. Баъзан Қодирийнинг боғига ҳам кириб бекинмачок, ёнғок, чиллак ўйнардик, шийпонда (у пайтлар анча қаровсиз эди) ўтириб хаёл сулардик, болалик тафаккури етганича суҳбатлашардик, орзуларга берилардик... Бизни ҳеч ким ҳайдамасди, худди ўз боғимизда ўтиргандек ўтирардик. Жарлик баҳор чоқлари жуда гўзал бўларди. Пастда «Жимжит» ариғининг суви жимгина нарироққа оқиб бориб, тезоқар катта жар сувига қўшилиб кетарди. Кексалар ривоят қилишларича, бу жарликдан қадим замонларда тўла дарё оққан ва бу дарёдан балиқ овчилари «туядек-туядек» балиқ овлаганлар. Биз бунга ишонардик, чунки улар жиддий гапирар эдилар. Биз Абдулла Қодирийдек буюк инсон яшаган ва ижод қилган жойларнинг шундай ажойиб тароватидан баҳраманд бўлаётганимиздан беҳабар эдик. Бу ердаги мусаффо ҳаво, ғаройиб табиат бизнинг руҳиятимиз ва шууримизга сингиб боришини билмас эдик.

Қариялар айтишларича, Абдулла Қодирий боғида ер чопар, дарахт ва гул парвариш қилар экан. Баъзида у кетмонни ташлаб ёки қўлида тоққайчини тутганча уйига қараб чопиб қолар экан. Чоллар шундай деб озгина сукут сақларди. Кейин бизнинг: «Нега чопиб кетадилар?» деган саволимизга: «Илҳом келиб қолганида уйига қараб чопар эканлар», деб жавоб берарди. Яна қариялар Абдулла Қодирийнинг баъзан боғ мевалари солинган катта челақларини обкашга илиб, пиёда Чорсу бозорига боришларини кўрганларини айтишарди...

Ховлимизнинг кўча томон эшиги олдида ёнғоқ дарахти бўларди. Шу ёнғоқ дарахти соясида қотиб қолган бетон курсича бор эди. Ёз кунлари мен шу курсида ўтирардим. Онам гоҳ-гоҳи Андижонга ёки Учқўрғонга қариндошларникига кетганларида дадам Абдуваҳоб Сайфий ошни дамлагач ё қайнатма шўрва роса қайнаб бўлгач, менга: «Бор, Урфон, семонда ўтириб тур, кўнглингга ёққан бирор кишини уйга таклиф қил, бирга овқатланамиз», дер эдилар. Бу ҳолат то улар вафот этгунларигача – 1955 йилгача давом этди. Дадам вафот этганларидан кейин ҳам, йигит чоқларимда ҳам мен ўша семон курсида ўтириб, кўчани томоша қилар, ўртоқларим Озод ва Жўралар билан шахмат ўйнар эдим.

Ана, салобат билан математикадан дарс берувчи устоз, маърифатпарвар Тўлаган Зокиров келмоқда. Неча йиллар ўтгач билдим: Тўлаган домла Зокиров буюк адиб Абдулла Қодирий «иши» билан тергов қилинган экан. Ана, иқтидорли рассом Алижон Холиқов ишга кетмоқда. Ана, адабиёт ўқитувчимиз шоир, эҳтиросли ва жўшқин Асқар Иброҳимов келмоқда. Асқар ака шеърият шайдоси, бир дунё шеърни, ҳатто «Алишер Навоий» пьесасини тўла ёд биларди. Ана, Мўмин ота, секин чойхонадан келмоқда. Кўчадан боғбонлар, косиблар, олимлар, ошпазлар, дурадгорлар... ўтадилар. Бу кўчалардан Абдулла Қодирий юрган. Бу кўчадан дадам – шоир Абдуваҳоб Сайфий юрган...

Ана, узокдан Абдулла Қодирийнинг ўғли Масъуд ака келмоқда. Масъуд ака баланд бўйли, қад-қомати келишган, ораста кийинган шифокор, зиёли одам. Бир оз вақтдан кейин Абдулла Қодирийнинг яна бир ўғли Ҳабибулла Қодирий ўтади. Ҳабибулла аканинг сочлари оқарган, у мағрур ва Тўлаган домла каби салобатли. У шошилмай бир-бир қадам ташлайди. Паришонҳол ниманидир мулоҳаза қилиб келмоқда. Биз салом берсак, енгил эгилиб: «Ва алайкум ассалом» деб жавоб қайтарарди. Баъзан у мendan: «Ғолиб борми?» деб сўраб қўяди. Мен Ғолиб чиқиб кетганини маълум қиламан.

Ҳабибулла ака Ғолиб билан дўстона муносабатда. Ғолиб даданинг қизидан кўрган набираси, Ҳабибулла ака билан тиббиёт техникумида бирга ўқиган. Ҳабибулла аканинг Ғолиб билан дўст бўлишининг сабаби бор. Ғолиб адабиёт ва санъат шайдоси. У «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён»нинг бутун бобларини ёд ўқийди, у китоблар унинг қалбига сингиб кетган. Ғолибнинг ўзидан эшитишимча, Ҳабибулла ака Абдулла Қодирийнинг «иши» бўйича

идорама-идора сарсон-саргардон юрганида, у ҳам Ҳабибулла ака билан кўп марта бирга юрган ва соатлаб кўчада дўстини кутиб ўтирган. Ғолибнинг гапига қараганда, Ҳабибулла ака бундай пайтлари ўша идоралардан гоҳ хурсанд, гоҳ ғамгин, гоҳида хуноб бўлиб чиқади ва ишга янада қатъийроқ киришади. Ҳабибулла ака ўта камсуқум, камтар ва шу билан бирга, нозиктабиат, дўстга содиқ, ўз қадрини билувчи, бошлаган ишини поёнига етказмагунча тинчимайдиган, саботли ва қаноатли инсон экан. Унинг хаёл билан юришининг сабаби бошида минг хил муаммо, ташвиш борлигидандир. Балки у ёзаётган китобини ўйлаб юрадими?!

Ҳабибулла акани эшлаш баҳонасида бу қутлуғ хонадон билан, Абдулла Қодирий билан боғлиқ баъзи воқеаларга тўхталишни маъқул кўрдим.

Бу воқеани мен шоир Абдулҳамид Хуррамдан эшитган эдим. Хуррам домла ўтган асрнинг 30-йилларида Учқўрғонда яшар экан. Баҳор кунларидан бирида, Абдулла Қодирий Учқўрғонга келибди, деган гап тарқалибди. Хуррам (аввалги тахаллуси «Доғий» бўлган) Абдулла Қодирий билан учрашишни орзу қилиб юрар экан, лекин у қаерда тўхтаганию Учқўрғонда қанча туришини билмас экан. Дикқат бўлиб уйда ўтирса, эшик тақиллабди. Кўча эшикни очиб, келган одамнинг истиқболига чиқибди. Келган одам нотаниш, лекин учқўрғонлик.

– Абдулҳамид Доғий сиз бўласизми?

– Ҳа, менман.

– Дадам ўзлари келмоқчи эдилар, илож бўлмади, мени юбордилар.

– Хизмат?!

– Уйимизга меҳмон келган эди, тез борар экансиз.

– Кимнинг ўғли бўласиз? – деб сўрабди шоир.

Йигит отасининг отини айтибди. (Мен отини унутдим. – У.О.). Абдулҳамид Доғий йигитнинг отасини яхши танир экан.

– Меҳмон Абдулла Қодирий эмасми? – деб сўрабди шоир.

Йигит «Ҳа» деб жавоб қилибди.

– Мен тайёрман, – дебди шоир ва йигит билан бирга кетибди.

Абдулҳамид Хуррам айтилган хонадонга борса, уй эгаси билан Абдулла Қодирий суҳбатлашиб ўтиришган экан. Сўрашишдан сўнг Хуррам домла ошга уннабди. Абдулла ака Хуррам акага: «Ишим тиғиз, бир соат вақтим бор, улгурсангиз урининг, бўлмаса – йўқ», – дебди.

Хуррам домла шундай қилиб Абдулла Қодирийнинг суҳбатига мушарраф бўлибди. Домланинг ҳикоясига кўра, адиб Учқўрғонга шу ерда яшовчи улуғ ёшли Амиркон чол (менинг хотирамда шу ном қолган. – У.О.) билан учрашиб, унинг хотираларини ёзиб олишга келган экан. Адиб водий бўйлаб қилган саёҳатидан ва бу сафар давомида тарихий воқеаларни ёзиб олганидан жуда мамнунлигини айтибди, сўнгра:

– Далаларга шундай яхши ишлов берилибдики, ҳайдалган ерлар тупроғи худди юмронқозиқ қазиб чиқарган тупроққа ўхшайди, – дебди.

Палов бир соатга қолмай тайёр бўлибди. Бениҳоя лаззатли палов ва бир-икки пиёла чойдан кейин Абдулла Қодирий рухсат сўрабди. Абдулҳамид Хуррам адиб билан бирга Амиркон бобо ҳузурига борибди, у ердаги суҳбатдан кейин вокзалга бирга чиқиб кузатиб қўйибди.

Мен Хуррам домладан:

– Абдулла Қодирийни кейин кўрдингизми? – деб сўраган эдим, у:

– Афсус, кейин кўришолмадим, – деди...

Абдулла Қодирий хонадони билан боғлиқ яна бир ёрқин хотира кўнглим тубида сақланиб қолган.

Қайси йил экани эсимда йўқ, лекин бу воқеага анча бўлди. Эркин исмли бир дўстимнинг (у Қодирийларнинг куёви эди) таклифи билан мен ҳам ушбу мўътабар хонадонга зиёфатга бордим. Болалигимдан таниш бу ҳовлига расман биринчи бор келишим. Ҳамма ёқ саранжом-саришта. Биз уй айвонидаги жойда ўтирардик. Кўп вақт ўтмай чироқлар ёниб, ажиб файзли ва сўлим оқшом тушди. Меҳмонларга ёш бола кафтича келадиган кичик-кичик сомсалар ликопчада тортилди. Ликопчадаги иккала сомса остида юпқа паррак қилиб кесилган думба ёғи ҳам бор эди... Бирмунча вақт ўтгач, аввал ҳовлидаги чироқлар бир-бир ўча бошлади, кейин айвон ва уйлар чироғи ўчди. Ҳовли тун пардасига ўралди. Нега бундай бўлганини қеч ким билмайди. Шу пайт уй ичида ёқилган шам нури айвонга тушди. Сирли ва сеҳрли оқшом. Ичкаридан айвонга қўлида шам билан Асқар домла Иброҳимов чиқди ва шеър ўқий бошлади. У шеърни жуда ифодали, чиройли ўқирди. Бир шеърни ўқиб бўлиб Асқар ака «Алишер Навоий» пьесасидан машҳур монологни бошлади ва айвондан зиналарни бир-бир босиб, ўқишни тўхтатмай пастга туша бошлади. Булутлар орасидан янги ой чиқиб, у ҳам монологни лол ва мафтун бўлиб тинглаётгандай эди. Биз ўтирган

айвон қаршисида саҳни кенггина семон супа бор экан, унга уч-тўрт зинадан чиқилади. (Бу супа ҳозир ҳам бор). Асқар ака ўша супага секин чиқди ва монологнинг авж пардаларини ўқиди. Ҳовлида бир-бир чироқлар ёна бошлади, уй чироқлари чароғон бўлди. Меҳмонлар осмондаги ҳилолу, боғ гулларида сархуш бир ҳолатда эдилар. Гўё боғда Алишер Навоий ва Абдулла Қодирий руҳлари кезиб юргандек...

Яна бир хотира. Йигитлик чоқларимиз Самарқанд дарбозада Собир исмли дўстимизнинг уйида тўй бўлмоқда. Толиб Каримов базм зиёфатини олиб бормоқда. Бир пайт Толиб яхши бир шеър ўқиди-да, таниш-билишчилик, дўстлик ҳурмати мени олдинроқ табрик сўзи айтишга таклиф қилди. Мен табрик сўзимни шеър ўқиш билан бошладим. Шеърда тахминан ушбу мисралар ҳам бор эди:

*Парижу Лондонга Римга бермасман
Шаҳримнинг Самарқанд дарбозасини...*

Мисралар менинг хотирамда шундай сақланиб қолган. Шеър муаллифини ҳам билмайман. Шеърни ўқиб шу икки мисрани билганимча шарҳладим. Шоирга Самарқанд дарбоза шунинг учун қадрлики, бу жой соҳибқирон Амир Темур салтанати пойтахти Самарқандга бориладиган йўлнинг бошланишидир. Яна бу ерда Абдулла Қодирий яшаган, у киши шу ердаги чойхонада чой ичган. Шуларни айтиб, тўй соҳибларини табриклар, ўрнимга ўтирдим. Бир оз ўтгач, биз ўтирган даврага мендан ёши каттароқ йигит келиб мен билан кўришиб мамнунлик изҳор қилди ва ўз ўрнига бориб ўтирди. Кейин билсам, бу йигит шоир Анвар Исроилов экан...

Самарқанд дарбоза маҳалласи аҳли Абдулла Қодирийдек адиб билан маҳалладош бўлганларидан фахрланадилар, у доимо уларнинг қалблари тўридадир.

*Адаб бирла қўй қадам, бу йўллардан яхшилар юрган,
Керилма, бош эт ҳам, бу йўллардан яхшилар юрган.
Экиб гул гулистон қил, булбуллар маскани бўлсин,
Гоҳ маҳзун, гоҳ хуррам, бу йўллардан яхшилар юрган.*

2009 йил 3 март

**АНВАР ШОМАҚСУДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими**

КАТТА ДАРГОҲ ЭДИ

Тошкентнинг Самарқанд дарвоза мавзесида онамиз оталари Мирюсуф бувамизнинг дала боғи бўлиб, Абдулла Қодирий хонадони ёнма-ён боғ қўшни эди. Тоғамиз Мирсобир (1891 йил), Абдулла ака (1894 йил) ва Қори дода (Шотурсун Шомақсудов¹), (1890 йил) деярли тенгдош эдилар. Тўй-маъракаларда, меҳмондорчиликларда кўп бирга бўлишган. Абдулла аканинг катта ўғли Ҳабибулла билан Мунаввар ака Турсунов ҳам тенгдош – ўртоқ, иккинчи ўғли Масъуд эса тоғамиз ўғли Аъзам ва мен бир йилда – 1925 йилда туғилган дўст эдик. Ёзги таътил кунлари Бўзсувда чўмилишар, бирга ўйнар эдик.

Хуллас, мана шу оилавий яқинлик ва ота қадрдонлигимиз сабаб, кунлардан бир кун Ҳабибулла Қодирий Сағбондаги ҳовлимизга кириб келдилар.

Қори дода шу кунлари «диққинафас» касалидан эндигина фориг бўлиб, ҳали ёзув-чизувга ўтирмаган эдилар. Бир пиёла чой устида суҳбат бошланди. У киши «Отам ҳақида» деган китоб ёзаётгани, ота қадрдонларининг эсдаликларини тўплаётгани тўғрисида гапириб бердилар. Қори дода ҳам Абдулла Қодирий шахсияти ва ижоди ҳақида билганларини, ҳатто баъзи асарларини қўлёзма ҳолида ўқиганларини айтиб бердилар. Суҳбат узоқ давом этди.

Отаси ҳақидаги бу қизиқарли суҳбат Ҳабибулла ака шуурида бир умрга муҳрланди шекилли:

– Қори амаки, энди мана шу суҳбат мазмунини қоғозга тушириб «Эсдалик» ёзиб берасиз, – дедилар.

Қори дода:

– Ҳабибулла, майли ёзиб бериш қочмас, лекин ваъдага бир оз фурсат берасиз. Кўриб турибсиз, касалдан эндигина бош кўтардим, – дедилар.

Зийрак Ҳабибулла ака:

– Қори амаки, отам ҳақида айтган эсдаликларингиз жуда

¹ Шотурсун Шомақсудов – «Маънолар маҳзани» китобининг муаллифи.

қимматли, улар албатта китобим мағзида муносиб ўрин олади, тезроқ тузалиб кетинг, – деб ҳаммамиз билан хушвақт ва мамнун хайрлашдилар.

Ҳабибулла Қодирийнинг «Отам ҳақида» деган хотиралар китоби 1974 йили нашрдан чиқди. Муаллиф китобдан бир нусха «Ота қадрдонимизга» деб эсдалик дасхати ёзиб отамизга совға қилди.

Ҳабибулла ака китобнинг бошида: «Мен бу хотирани ёзишда асосан Қодирий асарларидаги баъзи маълумотларга, жуда оз бўлса-да, қолдиқ хужжатларга, яқинларнинг оғзаки берган шаходатларига суяндим, ўз ҳиссаларини қўшган ота қадрдонларга миннатдорлик билдиришга бурчлиман», дейди.

Абдулла Қодирий хотирасига тегишли бир воқеани ҳам Мунаввар акам фахр ва ғурур билан эслаб ҳикоя қиладилар:

«Тахминан 1929 йилнинг ўрталарида Тошкентда ўзбек тилида чиқадиган «Шарқ ҳақиқати» номли газетанинг ўндан ортиқ сониди мунаққид Сотти Ҳусайннинг танқидий катта мақоласи босилиб турди. Мақоланинг сарлавҳаси «Ўткан кунлар» ҳам ўткан кунлар» эди. Бу узундан-узоқ мақоланинг мазмунида «Абдулла Қодирий ўзининг машҳур романида ўтган замонни, яъни хон ва амирлик даврини миллий буржуа мафкурасига суяниб таърифлайди ва гўё ўша даврни қўмсайди», деган хулоса бор эди.

Худди шу мақола газетада кетма-кет босилиб турган пайтлардан бир куни адам (отамизни шундай деб атардик) билан биргаликда Самарқанд дарвозасига, қариндошларни кўргани Мирсобир тоғамнинг ёзлик боғига бордик. Кечки пайт адам мени етаклаб, ёнма-ён қўшни Абдулла аканинг боғига ўтдилар. У киши мамнуният билан бизни шийпонга таклиф қилдилар. Ҳабибулла дарҳол кичкина хонтахтага дастурхон ёзди ва онаси Раҳбар опоғойи узатган патнисдаги меваларни ва чойнакни қўйди, эпчиллик билан катталарга чой узатиб турди.

Сухбатнинг бошида адам:

– Мулла Абдулла, бу бемаъни танқидларга биронта раддия ёзиш фикрингизда борми, – дедилар.

Бунга жавобан у киши:

– Э-э, Қори ака, булар мени камситишга беҳуда уриниб, аксинча, номимни жамиятга маълум қилишяпти. Раддия ёзишга вақтимни сарф қилиш ўрнига, Худо умр ва сабр берса, яна бир-иккита асар ёзиб қолдирай деган умидим бор, – дедилар.

Абдулла ака ўрнидан туриб, яқинидаги стол устидан бир тўплам қоғозни олиб варақлай бошлади. Шу пайтда биз Ҳабибулла билан нима тўғрисидадир ўзаро болаларча шивирлашиб ўтирган эдик, у киши адамга қараб:

– Қори ака, мен янги бир нарса ёзаётган эдим, шундан бир-икки шингил сизга ўқиб бермоқчиман, агар Шомунаввар зерикиб қолган бўлса, ўртоғи билан ҳовлида ўйнаб туришлари мумкин, – дедилар.

Адам мени хижолатдан чиқариш учун лабларини тишлаб, менга «жим ўтиринглар» дегандай ишора қилдилар. Биз болалар буни англаб, дарҳол чўкка тушиб, гўё узр сўрагандай бош эгиб «мўминтой»дек ўтириб олдик.

Эсимда бор, бир томонига қандайдир босма эълонлар ёзилган қоғознинг иккинчи тоза томонига қора қалам билан Абдулла ака қўлёзма битар эканлар.

Биз ҳикояни жуда қизиқиш билан тингладик.

«Мен Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романини қайта-қайта ўқийман, қачон ўқисам, ўшанда шийпонда бизга «Хон кўнгил очмоқчи» бобини ўқиб берганларини эслайман», деб Мунаввар акам адиб билан бўлган унутилмас учрашувни фахр билан эслайдилар.

* * *

Мен ҳам акам билан болалик давримизда Мирсобир тоғамнинг боғларига бориб ҳафталаб туриб қайтар эдик, жаннати, соя-салқин мева боғлар – девори йўқлигидан биридан бирига ўтиб кетилаверар эди. Ариқдаги сувлар ҳам у боғдан бу боғга бир-бирини қувалашиб оқиб келаверар, ариқ бўйида сув устига бўй чўзиб ўсган турли рангдаги мунчоқ-мунчоқ гуллар сувда қалқиб-қалқиб оқиб келаётган уч-тўртта олманинг ортидан тебраниб-тебраниб қараб қолаверар эди...

Мен, акам, Мирсобир тоғамнинг ўғиллари Аъзам, қўшнилар Жўра ака, Исо ака, Қаюм ака, Абдулла буванинг ўғиллари Ҳабибулла акам, Масъуд, Раҳимберди буванинг ўғиллари Обид ака, Собит ака, Эркин, Қудратилла буванинг ўғиллари Насим – буларнинг ҳаммаси бирга ўйнаб, бирга юрар эдик.

Онамни ҳар доим биринчи бўлиб Раҳбар опоғойи меҳмонга чақирар эдилар. Раҳбар опоғойи оғир табиатли, камгап, онам билан жуда яқин, гули-гулига тушган аёл эди.

Абдулла бувани кўп кўрганман, боғда ишлаб юрганларини ҳам, шийпонда ёзиб ўтирганларини ҳам; доим оқ яктак кийиб юрар эдилар. Биз болалар югуришиб шийпон томонга ўтиб қолсак: «У ёққа ўтманглар, адам дарс қияптилар», деб Масъуд бизни орқага қайтарар эди.

Қайсидир бир йили яна боққа бордик. Ҳабибулла акам бели оғриб тахтакачда ётибди, деб эшитган эдик. Ётган уйларининг атрофида шовқин солиб ўйнаб юрсак, зерикибми, биз болаларни чақириб қолдилар. Биз уйга кирдик. У киши каравотда қимирламай ётар эдилар.

– Ўтиринглар, болалар. Шовқин қилманглар, мен сизларга бир ҳикоя айтиб бераман, – дедилар.

Ҳозир эслай олмайман, «Минг бир кеча»дан қайсидир ҳикояни ровийлардек шундай бир маҳорат билан айтдиларки, биз болалар ҳикоя воқеаларига берилиб кетиб, оғзимиз ҳам очилиб қолибди. Шу ҳикоя воқеалари анча вақтгача хаёлимдан кетмади, жуда таъсирланган эдим. Яна эсимда қолгани – ёнларида араб ёзувида катта-катта китоблар бор эди.

Абдулла буванинг ҳовлилари катта даргоҳ эди. Бу ҳовлининг ҳамма ташвиши, келди-кеттиси Абдулла бува билан Ҳабибулла аканинг зиммаларида эди. Энди бу масъулият кейинги авлод зиммасидадир...

ФАХРИДДИН МУҲИДДИНОВ

СОДДА ОДАМ ЭДИЛАР

Мен Абдулла Қодирийга яқин қўшни бўлиб, ўғиллари – Ҳабибулладан икки ёш катта эдим. Ҳабибулла билан мактабга бирга бориб, бирга қайтардик. Чунки, биз томондан «Учқун» мактабига иккимиздан бўлак ҳеч ким қатнамасди. Ҳабибуллалар уйига дарвозадан кирилгач, ариқ бўйлаб кетган узун йўлак бўларди. Йўлак тўғри шийпонга, сўнг ичкари уйга олиб борарди. Йўлакка ғиштар терилганди. Йўлакнинг чап томонида ариқ бўлиб, унинг бўйига қозиқ толлар экилганди. Мен уларнинг боғида варрак учириб кун ўтказардим...

Абдулла Қодирий қорачадан келган, ўрта бўйли, устиларида оддий чопон, бошларида дўппи, пешоналарини рўмолча билан танғиб олиб, маҳалламиздаги Мулла Юсуф домла билан шийпон атрофида деҳқончилик қилишарди. У киши яратган боғнинг ўрни илгари сув босиб чимзор бўлиб ётар эди. Абдулла Қодирий кетмон билан чимзорни бузиб, тозалаб ер чопганларини кузатганман. Кетмон билан чимзорни бузиш – нақадар оғирлигини деҳқонлар жуда яхши билишади. Абдулла Қодирий ана шундай оғир меҳнат эвазига ажойиб боғ яратганлар.

Бир куни Ҳабибулла билан келиб, қизиқ воқеанинг устидан чиқдик. Ҳовлига киришимиз билан, кетимиздан кимдир: – Абдулла Қодирий уйдამилар? – деб кириб келди. Абдулла Қодирий боғда дала кийимида ишлаётган эканлар, кетмонларини ерга қўйиб дарвоза томон йўналдилар. Келувчи эса: – Бор, кетмонингни чоп, – деб у кишини силтаб ташлади.

Абдулла ака кулиб орқаларига қайтиб, бир оз вақт ўтгач, кийиниб чиқдилар. Бояги киши эса: – Мана бу Абдулла Қодирий! – деб у кишига қўл қўйдирди-да, пул ташлаб кетди.

Биз эса қотиб-қотиб кулиб қолавердик...

ЎЛМАСХОН РАҲИМОВА

ЎРИГИДАН МАҒИЗИ

Менинг исмиим Ўлмасхон, Абдулла Қодирийнинг энг катта фарзанди бўлмиш Назифа онамнинг фарзанди бўламан. Ўзимни бош фарзанд дея олмайман, чунки мендан олдин икки бола туғилиб, ёшлигидаёқ касал бўлиб вафот этишган экан. Энди буниси турсин, шамолдай елиб, довулдай қайтиб юрсин, деб менга Ўлмасхон исмини қўйишган экан. Онам оталарини тез-тез эслаб турар эдилар. Айниқса, биринчи фарзандлари Фарзонани, дадаларининг бу биринчи набирага меҳр-муҳаббати бўлак бўлганлигини баъзан эслаб қолар эдилар. Гоҳида «Набирамни ҳозир бориб олиб келасанлар», деб «тўполон» ҳам қилиб турар эканлар. «Намунча» деб Тинчоб маҳалласидаги Хўжа кўчасида яшовчи куёвларининг уйига қараб кетаётган болаларига «Усиз келмаларинг» деб «дўқ» ҳам қилиб қўяр эканлар. Отам, онам «Биз ҳам набирангиз билан бирга келдик» деб эшиқдан кулиб кириб келишар экан. Фарзонани кўп суяр эканлар, ғоз-ғоз турғизар эканлар, энтак-тентак юра бошлаганида унинг ортидан онда-сонда қадам ташлаб қувонар эканлар. Бувалик номини шу бола берганда.

Хатто бир кун бувам жойнамоз устида йиғлаб ўтирганда бувим кўриб қолган эканлар. «Сизга нима бўди?» деб сўрасалар: «Набирамни соғиндим, ўригидан мағизи ширин бўлар экан» деб ўксиб жавоб берган эканлар. Онам оналаридан эшитган шу гапни, айниқса тўлқинланиб, ҳаяжон билан бизга айтар эдилар. Ўшанда бувам бежиз йиғламаган бўлса керак, ўша кунлари 1937 йил экан...

Бирор йиллар ўтгандан кейин онам уйқуда туш кўрибдилар. Тушларида уч-тўрт қулоч энида бўлган иккита сув ёнма-ён паст томонга тез оқар эмиш. Сувнинг бирида ўзлари, яна бирида Фарзона оқиб кетаётган эмиш. Онам қизларини қутқариш учун унга томон жон-жаҳд билан талпинар эмишлар. Унга ета олмапдилар...

Сал кунлар ўтиб Фарзона бетобланиб вафот этипти.

– Дадамни туш кўрмаган эдим, ҳеч нарса олиб кетмаган эдилар-ку. Яна Худо билади, балки бирга юришгандир, – деб онам кўз ёш қилиб олар эдилар.

* * *

Яна бувамдан бир хотира. Бувамнинг укалари Қудратилла буванинг кичик қизлари Ёрқиной тунов кун гапириб қолди: «1937 йил қиш арафаси экан. Дадам билан ойим боқиб юрган бузоқларини бозорга олиб бориб сотиб келишган экан. Акалари: «Биламан, катта қизингни бўйи етиб қолди, шу пулни манга берсанг, эвазига иккита каттагина гилам бераман, шароитимни кўриб турибсан», деб укаларига маслаҳат солган эканлар. Дадам ўйлаб турмай рози бўлган эканлар. Ўшанда сал кун ўтмай оподдамни уйларига чарм палто кийган одамлар келган экан. Раҳбарниса бувим қўлларида бир даста китоб олиб чиқиб: «Мулла ака, акангизни олиб кетишяпти» деб китобларни дадамга бериб кўбпаришон уйга чопиб чиқиб кетган эканлар. Кетларидан дадам, ойим ҳам чопишган экан. Бу воқеани ойим айтиб берган эдилар. Худо раҳмат қилсин ҳаммаларини, омин!

– Ҳа, айтгандай, ўша китоблар қаерда қолдийкин, – деб Ёрқиной эслаб қолди».

ҲОЗИ ЮНУС ҲҒЛИ ТҮЛҚИН

ТИЛЛА СОАТ

1937 йили мен қисқа муддатли муаллимлар тайёрлаш курси (рабфак)ни битириб, Қашқадарёга йўлланма билан ишга кетдим. Ҳша пайтда замон алғов-далғов бўлиб, матбуотдан хабарларни ўқирдим ва дадамдан жуда хавотир олардим. Ҳатто уйдагилар тушимга ҳам кириб чиқа бошлади. Қашқадарёда уч ой бўлгач, Тошкентга келдим. Тасодифни қарангки, уйга келсам, бегоналар ҳовлимизда юришибди. Ичкарига аста мўралаган эдим, танишлардан бири «кет!» ишорасини берди. Орқамга қайтиб, бир қариндошимникига бордим. Эртасига уйга келдим, қўни-қўшнилардан дадам, ойим, сингилларимни олиб кетишганини эшитдим. Ҳша кундан бошлаб ташвишли кунлар бошланди. Ким билан маслаҳатлашиш, дардлашишни билмасдим. Таниш-билишлар мендан юз ўгиришган. Шунда бирдан Абдулла акамни эслаб, уйларига нажот истаб бордим. Абдулла акам уйда эканлар. Сўрашиб ёнларига ўтказдилар, чой-нон қилдилар... Мен бўлган воқеани айтиб бердим. Абдулла акам анчагача хаёл суриб, хафаланиб: «Сенга қийин бўлибди. Бечора ойинг, сингилларингда нима айб? Даданг билан менинг кунимиз бетайин замонга тўғри келди-да. Тўқайга ўт кетди. Ҳўл-қуруқ баробар ёняпти. Мен ҳам эгарланган отдек тайёр турибман. Сен ўзингга эҳтиёт бўл. Ҳамма билан сўзлашаверма», – дедилар. Мени кузатар эканлар: «Эндигина келишингда дарвоза эшигидан келмагин. Манови боғ томондан кел», – деб боғнинг орқа томонидан чиқариб юбордилар.

Орадан уч ойча вақт ўтди. Ҳамон қариндошимникида юрман. Ишлай десам кўрқаман. Ёнимдаги бор пулни сарфлаб бўлдим. Чорасизликдан яна Абдулла акамнинг олдиларига бордим. Ҳол-аҳвол сўраб, ёнларига ўтқазиб қорнимни тўйғаздилар. Абдулла акамга:

– Пулим қолмади. Дадамнинг уч қопқоқли тилла соатларини сотмоқчиман, – деб қўйнимдан соатни олиб, у кишига тутқаздим. Абдулла акам соатга узоқ тикилиб қолдилар. Мен ўрнимдан турдим. Абдулла акам қўлимга пул бердилар-да:

– Тўлқин, эрта ўтиб индинга келгин, – деб кузатиб қўйдилар.

Айтган вақтларида келсам, Абдулла акам сандалда нотаниш бир киши билан суҳбатлашиб ўтирар эдилар. Абдулла акам:

– Келдингми? – деб сўрашиб ўтиришга таклиф этдилар. Фотиҳадан сўнг мени нотаниш кишига таништирдилар. Чўн-такларидан дадамнинг тилла соатларини олиб, қаршимдаги кишига бердилар-да:

– Мана шу соат сотилади. Ўзларингиз бемалол келишинглар, – деб бизни холи қолдириб ташқарига чиқиб кетдилар. Нотаниш киши оғир табиатли, босиқ сўзлайдиган киши экан. Аввал соатни обдан текширди. Сўнг соатни мақтаб кетди. У соатнинг соф тилласини, оғирлигини ҳисоблаб, умумий баҳосини айтди. Мен рози бўлдим. Олди-сотди ишлари битгач, Абдулла акам лаганда овқат олиб кирдилар. Овқатдан сўнг харидор соатнинг баҳосини менга қандай тушунтирган бўлса, Абдулла акамга ҳам шундай гапирди. Абдулла акам эшитиб бўлгач:

– Сизни намозхон, инсофлилингизни инобатга олиб, бу ерга таклиф этгандим, – дедилар. – Соат тўғрисида сиз билан аввалдан сўзлашмаганлигимнинг сабабини тушунгандирсиз. Ҳамкасб дўстим оиласи билан ҳибсхонада ётибди. Аҳволи нима кечяпти, билмадим. Ҳаммамиз ҳам Аллоҳнинг бандасимиз. Бошимизда нима ишлар бор – билмаймиз. Дўстимнинг ўғли қийналиб қолиб, мажбуран шу олди-бердига қўл урибди. Дўстим бундан хафа бўлса керак. Мол, дунё топилади. Инсон топилмайди. Менинг холис хизматимдан иккингиз ҳам рози бўлсангиз бас, – деб, фотиҳага қўл очдилар.

Мен Абдулла акам билан хайрлаша туриб, «йўқ, керакмас» дейишларига қарамай, аввал олган пулимни қайтариб бериб кетдим.

МУНДАРИЖА

Ватанни севиш дарслари.....	5
Рўмоннинг мавзуи тўғрисида.....	13
Мирзо анварнинг кейинги ҳаёти тўғрисида.....	259
«Меҳробдан чаён» романининг 1929 ва 1935 йиллар нашрларидаги тафовутлар	261

ТАРЖИМАЛАР

Уйланиш. <i>Николай Васильевич Гоголь</i>	267
Буқаламун. <i>Антон Павлович Чехов</i>	320
Роҳиба (парча). <i>Дени Дидро</i>	324
Саодатли августиinning азиз дуоси. <i>Альфонс Доде</i>	329
Лурд (парча). <i>Эмил Золя</i>	336
Рума (парча)	342
Эвергард авлиёнинг каромати.....	353
Дабдаба ва тиланчилик. <i>Марк Твен</i>	360
Муқаддас инквизиция роҳибларининг қизиқ найранглари	362
Роҳиблар ғаройиботи	363
Патер Амарунинг жинояти (парча). <i>Эса де Кейрош</i>	365
Ўртоқ (парча). <i>Виктор Маргерит</i>	373
Кахетинка. <i>С.Ж.Гусев – Оренбургский</i>	376
Таржималарга изоҳ.....	387

АДИБНИ ХОТИРЛАБ

Мен унга замондошман. <i>Олтой – Боис Қориев</i>	390
Улуғ адиб эди. <i>Йўлдош Шамшаров</i>	394
Юрган йўлларида ҳам. <i>Ҳабиб Нўъмон</i>	400
Чин инсон. <i>Искандар Икромов</i>	402
Ҳамма ёқ музайян. <i>Музайяна Алавия</i>	405
Гап «ўғирлаб» ўтирар эдилар. <i>Нодир Назаров</i>	408
Самарқанд дарвозадаги бир хонадон. <i>Усмон Муҳамедов</i>	411
Чаман. <i>Мумтоз Муҳамедов</i>	416
Эшонгузар маҳалласида. <i>Раҳмат Азизхўжаев</i>	420
Ота изидан. <i>Юнус Юсупов</i>	429
Жулқунбой берган кўчат. <i>Фазлиддин Ҳошимов</i>	431
Бир учрашув тарихи. <i>Абдулаҳад Қаҳҳоров</i>	438

Курултойда. Абдуғаффор Хасанов	444
Гул шайдоси. Нўъмон Илҳомов	447
Шингил ҳикоялар. Ҳабибулла Қодирий	449
Гул шайдоси	450
Дадам оилада	454
Устозим Абдулла Қодирий. Носир Фозилов	464
Қувониб айтаманки. Субутой Долимов... ..	466
Жулқунбой бирлан мусоҳаба. Холид Саид	467
Бу йўллардан яхшилар юрган. Урфон Отажон	470
Қатта даргоҳ эди. Анвар Шомақсудов.....	475
Содда одам эдилар. Фахриддин Муҳиддинов	479
Ўригидан мағизи. Ўлмасхон Раҳимова	480
Тилла соат. Ғози Юнус ўғли Тўлқин	482



Адабий-бадиий нашр

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

МЕҲРОБДАН ЧАЁН

Роман

Нашрга тайёрловчи: *Хондамир Қодирий*

Муҳаррир: *Воҳид Умиров*

Бадиий муҳаррир: *Баҳриддин Бозоров*

Мусаххих: *Тимур Азизов*

Саҳифаловчи: *Умид Раҳматов*

Техник муҳаррир: *Баҳодир Ҳусанов*

Лицензия рақами: АІ №207, 08.28.2011 йилда берилган.

Босишга 30.01.2018 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x90 1/16. Нашр тобоғи 30,5.

Шартли босма тобоғи 29,75. «PT Serif» гарнитураси.

Офсет усулида босилди.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 088.

Ушбу тўплам бўйича фикр-мулоҳазаларингизни
қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

“Info Capital Group” нашриёти, 100128,

Тошкент ш., Лабзак кўч., 29/55.


Тел.: (+998 71) 241-3221, 241-0169.

Факс: (+998 71) 241-0173.

Электрон почта қутиси: *info@infocapital.uz*

«Print Line Group» ХК босмаҳонасида чоп этилди.

100097, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳқўчаси, 44.






*...Зеро, васл ишқ ўтини сўндирғучи, ҳажр эса
камолатга эришдирғучидир...*

*Сен шу иккидан қайси бирисини танлайсан,
Раъно?*



**«INFO CAPITAL
GROUP» нашриёти**

ISBN 978-9943-4712-6-9



9 789943 471269